



О.Ж.ОСМОНОВ  
А.С. МИРЗАКМАТОВА

# ЌИРВИЗИСТОН ТАРИХИ

АСОСИЙ ДАВРЛАР

(XIX аср ўртасидан XXI асргача)



11

04. iii. 08г.  
11 а ч класс.

Handwritten signature and date: 2008/3

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ДАВЛАТ ГЕРБИ



ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ

*Сөзү: Ж.Садыков, Ш.Кулиевдики  
Муз.: Н.Давлесов, К.Молдобасановдуку*

Ак мөңгүлүү аска — зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата бабалар.

Кайырма:

Алгалай бер кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө.  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап урпактарга берели.

Кайырма:



О.Ж.ОСМОНОВ, А.С. МИРЗАКМАТОВА

# ЌИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ

АСОСИЙ ДАВРЛАР

(XIX аср уртасидан XXI асргача)

Ўрта мактабнинг 11-синфи учун дарслик

*(қирғизча биринчи нашридан таржима)*

*Биринчи нашри*

*Ќирғизистон Республикасининг  
Таълим ва маданият вазирлиги тасдиқлаган*

ЎШ—БИШКЕК  
2003 йил

Кыргыз Республикасы  
Билым, кичине балла аниет  
министрлиги  
№ 9  
орто мадарса

Министерство образования,  
науки и культуры  
Кыргызской Республики  
Средняя школа № 9  
А.И.Д.И.И.

ББК 74.263.1 (Ки)  
УДК 373.167.1  
О 72

Дарслик Қирғизистон Республикаси Хукумати томонидан ташкил этилган дарсликлар тузиш бўйича Миллий конкурстеда голиб чиққан.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори,  
профессор К.Сулейманов

Қўлингиздаги ушбу дарслик **Қирғиз-Ўзбек университети** тасарруфидаги Қирғизистон ўзбек мактаблари учун “**Дарсликлар яратиш маркази**” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки “**Марказ**” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев  
кўчаси, 27 уй.*

Дарслик Ф.Маталов томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Муҳаррирлар: М.Т.Мамасаидов, О.Х.Худайбердиев

© Осмонов О. Ж., Мирзакматова А. С., 2004

© МОиК ҚР, 2004

## МУНДАРИЖА:

Уқувчиларга .....	5
<b>I бўлим. ҚИРГИЗИСТОННИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ ВА ҚИРГИЗЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ</b>	
1-§. Россия истилосининг сабаблари ва хусусиятлари .....	6
2-§. Шимодий Қирғизистоннинг Россияга қушиб олиниши .....	15
3-§. 1873 — 1876 йиллардаги қўзғолон. Жанубий Қирғизистоннинг Россия томонидан босиб олиниши .....	23
4-§. Қирғизистондаги миллий-озодлик кураши .....	34
<b>II бўлим. ҚИРГИЗИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ УРНАТИЛИШИ ВА МУСТАҲҚАМЛАНИШИ</b>	
5-§. Подшо ҳокимияти ағдарилгандан кейинги сиёсий вазият .....	45
6-§. Совет ҳокимиятининг урнатилиши ва пролетариат диктатурасининг мустаҳқамланиши .....	52
7-§. Буйруқбозлик тартибларининг авж олиши оммавий қатағони .....	61
8-§. Улуг Ватан уруши йилларида қирғизистонлик жангчиларнинг фронтдаги жасоратлари .....	68
<b>III бўлим. МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ</b>	
9-§. Совет ҳокимиятининг миллий сиёсати .....	78
10-§. Қирғизистон давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши .....	84
11-§. СССР нинг қулаши. Мустақил Қирғизистон Республикасининг ташкил топиши. А. Ақаев .....	95
12-§. Ижтимоий сиёсий ҳаётдаги узгаришлар .....	102
13-§. Мустақил Қирғизистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари .....	113
<b>IV бўлим. ҚИРГИЗИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ</b>	
14-§. Подшо ҳокимиятининг Қирғизистондаги мустамлақачилик сиёсати. Иқтисодий ва ижтимоий вазият .....	123
15-16-§. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги ижтимоий-иқтисодий тартиблар. (1917— 1940 йиллар) .....	133
17-§. Улуг Ватан уруши йилларида мамлакат иқтисодиёти .....	152
18-§. Халқ хужалигининг тикланиши (1946 — 1953 йй.) .....	158
19-§. Валютаристик ислохотлар даврида иқтисодиёт (1953 — 1964 йй.) .....	166
20-§. “Ривожланган социализм” давридаги янги ислохотлар. Республиканинг халқ хужалиги (1964 — 1985 йй.) .....	172
21-§. Қишлоқ хужалик ишлаб чиқариши ва овул-қишлоқларнинг ижтимоий ҳаёти (1964 — 1985 йй.) .....	183
22-§. Қайта қуриш йилларидаги узгаришлар (1985 — 1991 йиллар) .....	189

## ҚИРҒИЗИСТОННИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ ВА ҚИРҒИЗЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ

### 1-§. РОССИЯ ИСТИЛОСИННИНГ САБАБЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Туркистон Россия-  
нинг мустамлака  
объекти сифатида

Россиянинг Марказий Осиё сари инти-  
лиши бир қатор иқтисодий ва сиёсий са-  
бабларга боғлиқ бўлган. XIX асрнинг 30—  
60-йй. ги халқаро вазият Россиянинг Тур-

кистонни истило этмоғи учун сиёсий сабабларни вужудга кел-  
тирди. Чунки Британия империяси ўзининг Шарқдаги мустам-  
лакалари сонини кенгайтира бориб, Туркистонни, жумладан  
Қирғизистонни ҳам босиб олишга ҳаракат қила бошлаган. Тур-  
кистон ҳудудининг сиёсий стратегик аҳамиятини яхши ан-  
глаган Россия ҳукумати ўзининг халқаро майдондаги мухо-  
лифлари, биринчи навбатда Британия империясининг имко-  
ниятларини чеклаш мақсадида бу ҳудудни тезроқ қўлга ки-  
ритишга ҳаракат қила бошлади. Бу даврларда Туркистон би-  
лан олиб борилган савдо муносабатлари бир ёқлама аҳамият-  
га эга бўлиб, Россия учун унчалик фойдали эмас эди. Чун-  
ки XIX асрнинг охирларига қадар ҳам Туркистонга товар  
олиб келиб сотишдан кўра, бу ердан керакли молларни хар-  
ид этиш устунлик қилар эди. Демак, рус ҳукуматининг  
Туркистонга муносабати масаласида сиёсий факторлар бир-  
ламчи роль ўйнаган.

Россиянинг қўшни улкаларни босиб олиш сиёсати урта аср-  
ларнинг сўнгги даврларига тўғри келиб, бу жараён истило этил-  
ган ҳудудларда ҳарбий қалъаларни қуриш ва кўпайтириш би-  
лан мустаҳкамланиб борган. Рус мустамлакачилик сиёсати би-  
ринчи навбатда Шарққа қаратилган бўлиб, бунинг натижасида  
XVIII асрнинг охирларига келиб Оренбург ва Сибирь районлари  
вужудга келди. Эркин қозоқ даштларида ҳам русларга қаршли  
қалъалар кўпайиб борди.

XIX асрнинг 30-йилларига келиб Россия ҳукумати Сирдарё  
ҳамда Чуй дарёлари оралигидаги унумдор ҳудудлардан иборат  
бўлган Еттисувни босиб олиш юзасидан дастлабки режаларни  
туза бошлаган. Мазкур режанинг муваффақиятли амалга оши-  
рилиши, охир-оқибатда Россиянинг Ҳиндистонга қадарли бўлган  
ҳудудларни қўлга киритиши учун имконият яратади, деб умид  
қилинган. Умуман, Марказий Осиё масаласида Россия ҳукума-  
ти гоятада усталдик билан иш олиб борган. Рус ҳукуматининг бун-



дай "нозик" сиёсати "шарқ масаласи"да Россиянинг асосий мухолифи булган Англияни жиддий ташвишга сола бошлаган. Чунки Россия Сибирь ҳамда Қозогистонни аста-секин қўлга киритиб, жануб томонга силжиб бормоқда эди. Бунга жавобан Англия ҳукумати ҳам Афғонистон ҳамда Марказий Осиёга нисбатан узининг мустамлакачилик (экспансия) режаларини амалга ошириш мақсадида фаолроқ ҳаракат қилишга бел боғлади. Туркистонга ўз жосусларини юбориш билан бир қаторда, Жанубий Кавказ савдо йўли орқали Туркистон бозорларига инглиз товарларини киритиш ишлари ҳам амалга оширилди. Савдо-иқтисодий муносабатлар борасида инглизлар муваффақиятга эриша бориб, Англия Туркистон бозорларидан Россияни, аниқроғи рус товарларини секин-аста сиқиб чиқара бошлаган.

Бундан гўятда ташвишга тушган рус ҳукумати қудратли инглиз савдоси билан рақобатлаша олишнинг йўллари қидира бошлади. Бу, аввало, империя чегараларини кенгайтиришни, иккинчидан, Марказий Осиёдаги хонликлар билан сиёсий муносабатларни ривожлантиришни тақозо этар эди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун рус ҳукумати хонликларга кетма-кет ўз элчиларини юбора бошлади. Россиянинг бундай дипломатик фаоллашуви Англия ҳукуматини ташвишга солиб қўйди ва халқаро майдонда рус-инглиз рақобатини кескинлаштирди. Англия ҳукумати "Россия Ҳиндистонни босиб олмоқчи" кабилидаги сохта сиёсий шов-шувларни уюштириб, Ҳиндистондаги инглиз мустамлакачилиги манфаатларини ҳимоя этиш баҳонасида 1839 йил баҳорида Афғонистонга қуролли ҳужум уюштирди. Афғонистондаги миллий озодлик кураши натижасида 1840 й. кузига келиб инглиз қўшинлари Афғонистонни ташлаб чиқишга мажбур бўдилар. Инглизларнинг Афғонистонга босқини гарчи муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, Россия ҳам ўз ташқи сиёсатини фаоллаштирди. Подшо Николай I нинг розилиги билан Оренбург губернатори В.А.Перовский 5 минг кишилик қўшин билан 1839 й. қишида Хива хонлигига қарши юриш бошлади. Шошилинч суръатда амалга оширилган ушбу экспедиция тез орада муваффақиятсизликка учраб, орқага қайтишга мажбур бўлди. Таъминотининг узилиб қолиши ва қаттиқ совуқ натижасида қўшиннинг ярми ҳалок бўлди.

Ҳарбий ҳаракатлари муваффақиятсизликка учраган Англия ҳукумати эндиликда узининг савдо-иқтисодий салоҳиятига таянган ҳолда Марказий Осиёда узининг таъсир доирасини мустаҳкамлаш чораларини кўра бошлаган.

1864 йили Россия қозоқларнинг уруг иттифоқларидан бири булган Катта Жузни ўз тасарруфига киритишга муваффақ бўлди. 1847 йили Сирдарёнинг қуйи оқимларида русларга қарашли уч ҳарбий қалъа, Еттисувда Копал қалъаси вужудга келди. Бу ҳолат Россия ва Қўқон хонлиги ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирди. Қўқон хонлигининг мингбошиси, амалда ҳокимимутлақ булган Мусулмонқул рус фуқаролигига утган қозоқ уруг-

ларини сиқувга олишни кучайтириб, Россия билан ҳар қандай муносабатлардан воз кечган.

Рус ҳукумати эса аста-секинлик билан ўз режаларини амалга ошира бориб, Россия-Қашқар трансавдо йуллари жойлашган Шимолий Қирғизистон ҳудудларига кўз олайтира бошлаган. 1853 йил Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Қўқон хонлигига қарашли Оқмасжид қалъаси қўлга киритилган. 1854 йили Олмаота овули ёнида Верний қалъаси қад ростлаган. Мазкур қалъа-қўрғонда рус ҳарбий гарнизони жойлашган бўлиб, бу ерда қozoқларнинг Катта Жузи устидан назорат этувчи пристав иш олиб борган. Верний қалъаси Қўқон хонлигини Қозогистонга чиқиш имкониятидан амалда маҳрум қилди. 1853—1856 й.ги Қрим урушида Россиянинг огир йўқотишларга дучор бўлиб, маглубиятга учраши унинг Европа майдонларидаги фаол ташқи сиёсатига кескин зарба берди. Лекин секин-асталик билан бўлса-да ривожланиб бораётган капиталистик муносабатлар, рус саноатининг усиб бораётган эҳтиёжлари ташқи бозорларни қидириб топиш ва кенгайтиришни кун тартибига қўя бошлади. Бундан ташқари Англиянинг йил сайин кучайиб бораётган Шарқдаги экспансив ҳаракатлари Россияни Туркистонга нисбатан фаолроқ сиёсат олиб боришга мажбур этар эди. 1850 йилларнинг урталаридан бошлаб Россия ҳукумати Туркистонга нисбатан ҳарбий юришларни тўхтатиб, сиёсий-иқтисодий мақсадлардаги тадқиқотларни жонлаштириш йулларини излай бошлади.

Юқорида таъкидланган мақсадларни амалга ошириш ва Англиянинг Марказий Осиёдаги таъсирини заифлаштириш учун Россия Ҳукумати 1858 й. бу ҳудудга учта миссияни юборишга муваффақ бўлди. Мазкур миссиялардан биринчиси Н.В.Ханковский бошчилигида Ҳирот ва Шарқий Эронга юборилган илмий экспедиция бўлса, кейингиси Н.Т.Игнатъев бошчилигида Хива ва Бухорога юборилган дипломатик миссия бўлди. Учинчи йирик миссия Қашқарга жўнатишга бўлиб, уни Ч.Ч.Валиханов бошқарган эди. Ушбу экспедициялар биринчи навбатда ҳарбий-сиёсий мақсадлардаги айгоқчилик фаолияти билан шугулландилар ва тўпланган маълумотлар кейинги босқичдаги рус мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, ушбу экспедициялар Англиянинг ўлкада олиб бораётган сиёсатининг асил моҳиятини фош этишга ёрдам берди. Ушбу экспедициялардан кўланган мақсадлар қандай бўлишидан қатъи назар, уларни амалга ошириш давомида Марказий Осиё халқларининг тарихи, тили, маданияти ва бошқа хусусиятлари борасида илмий тадқиқотлар учун гоаят зарур ва аҳамиятли бўлган қимматли маълумотларни ҳам жамлашга муваффақ бўлинди.

Мазкур миссиялардан кейин Россиянинг Марказий Осиё хонликлари билан муносабатлари оз бўлса-да яхшиланди. Рус савдогарлари Бухорога, бухоролик савдогарлар эса ўз навбатида Оренбург ва Нижегород шаҳарларига ташриф буюрганлар, бу

ерлардаги савдо ярмаркаларида иштирок этганлар. Лекин Россиянинг Қуқон хонлиги билан муносабатларида ижобий ўзгаришлар юз бермади.

1860 йиллардан бошлаб Россиядаги юқори лавозимдаги ҳарбийлар, савдо-саноат доиралари вакиллари ўртасида Марказий Осиё масаласида қатъий ҳаракат қилиш тарафдорлари кўпая бошлади. 1863 йил декабрига келиб подшо Александр II Россиянинг Туркистонда фаол ҳарбий ҳаракатлар олиб боришига маъқуллик берди. 1863-1864 йилларда рус ташқи сиёсатида юз берган бундай фаол ўзгаришларни аввало сиёсий-стратегик ва иқтисодий сабабларга боғлиқ жараён сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Россияда иқтисодий тараққиётга гов бўлиб келган крепостной ҳуқуқ 1861 йилдаёқ бекор қилинган бўлса-да, мамлакат чинакам капиталистик муносабатларга 1890 йилларга келиб узил-кесил ўтди. Демак, 1860 йилларда Россиянинг Туркистон масаласидаги ташқи сиёсатида савдо-иқтисодий мақсадлар устунлик қилиши мумкин эмас эди. Шунинг учун Марказий Осиё масаласида Россиянинг Англия билан юзага келган рақобатида, энг аввало, сиёсий-стратегик мақсадлар бирламчи роль ўйнаган.

Россия томонидан Марказий Осиёнинг истило этилиши узил-кесил ниҳоясига етган, 1880 йилларга келиб эса рус ташқи сиёсатида иқтисодий манфаатлар устунлиги сезила бошлаган. Чунки бу вақтга келиб Россиянинг ўзида капиталистик муносабатлар негизига қурилган иқтисодиёт узил-кесил шаклланган бўлиб, унинг хом ашёга бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиб бормоқда эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Туркистон — рус ташқи сиёсатида сиёсий мақсадлар устивор булган, лекин иқтисодий манфаатлар ҳам муҳим роль ўйнаган ўзига хос мустамлака объекти бўлиб қолди. Рус-инглиз сиёсий рақобати ушбу манфаатларнинг янада кескинроқ намоён бўлишига сабаб бўлди. Гарчи Марказий Осиёни истило этиш Россия империясининг ташқи сиёсатдаги асосий мақсадларидан бири булган бўлса-да, лекин бу мақсадни амалга оширишнинг узоқ йилларга мўлжалланган режали дастури булган эмас. Буни босиб олиш жараёнида воқеалар ривожига унчалик мос келмайдиган, пала-партиш, кўп ҳолларда янглиш қарорлар асосида иш кўрилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Крепостной ҳуқуқни бекор қилиш тўғрисида 1861 й. қабул қилинган қонун ва унга боғлиқ равишда юзага келган сабаблар ҳам Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатида муҳим роль ўйнаган. Чунки мазкур қонун туфайли умуман ердан маҳрум бўлган деҳқонлар оммаси галаёнларининг олдини олиш уларни Туркистоннинг унумдор воҳаларига оммавий тарада кучириш билан уйғун ҳолда олиб борилиши натижасида Туркистонда рус мустамлакачилигининг таянчи булган рус деҳқонларининг ўзига туқ қатламларини вужудга келтириш муаммоси ҳам ҳал этилиши лозим эди.

Умуман, Туркистоннинг босиб олиниши бу ердаги кучманчи уруглар уртасидаги азалий уруш-жанжалларга барҳам бермоги, рус савдогарлари учун Қозогистон ҳамда Қирғизистон ҳудудлари орқали Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон каби мамлакатлар билан савдо алоқаларини ташкил этишларига имконият яратилмоғи мумкин эди.

Қирғизистондаги сиёсий аҳвол ҳамда қирғиз-рус муносабатлари

Россия истилоси арафасида Қирғизистонда патриархал муносабатларга асосланган феодал тузум ҳукмрон эди. Мавжуд тарихий маълумотларга таянган ҳолда шунини таъкидлаш ўринлики, XVIII

асрнинг охирлари ва XIX асрнинг ўрталарини қамраб олган даврда Қирғизистон Россия империяси томонидан истило этилиши учун тарихий шарт-шароитлар пишиб етилган эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида қирғиз жамияти бир қатор мураккаб, зиддиятли жараёнларни бошдан кечирмоқда эди. Урта асрлардан бери давом этиб келаётган тинимсиз урушлар, уруглар уртасидаги ички низо-адоватлар марказлашган қирғиз давлатини тузиш ишини муттасил орқага сурибгина қолмасдан, халқни парокандаликка дучор этувчи ташқи босқинлар учун ҳам қулай шарт тузиб берар эди. Бу даврда қирғиз уруглари географик шарт-шароитларга мувофиқ равишда бир қатор сиёсий бирикмалар таъсирида яшаб келган. Жумладан, жанубий қирғиз уруглари (ичкилик, адигинелар, мундуз, базис, кушчи, сариқ, боғиш, жодугар, саяқ ва бошқалар) Фарғона водийсида азалдан улар билан биргаликда ҳаёт кечириб келган ўзбеклар, қипчоқлар, тожиклар ва бошқа халқлар каби Қўқон хонлигини ташкил этишда (1709 й) ҳамда хонликнинг бутун тараққиётига улкан таъсир курсатган сиёсий воқеаларда фаол иштироқ этиб келдилар (Ақботабий, Қубатбий, Ҳажибий ва бошқ).

XVIII асрнинг сўнгги чорагига келиб Фарғона водийсида, Помир, Тоғли Бадахшон, Уратепа, Жиззах, Хужанд каби ҳудудларда Қўқон хонлигининг ҳукмронлиги узил-кесил урнатилгач, ушбу ҳудудларда яшаган қирғизлар ҳам хонликнинг доимий фуқароларига айландилар.

Бу даврга келиб Қирғизистоннинг шимолий қисмида йirik уруг бошлиқлари — манапларнинг ҳукмронлиги мавжуд бўлиб, улар бевосита мустақил тарзда идора этганлар. Талас, Чуй ва Иссиқкул қирғизларига қарши Аблайхоннинг 1770—1776 йй. ги босқинчилик юришларидан кейин, бу ҳудудлар то 1781 й. га (Аблайхоннинг ўлимига) қадар қозоқ султонининг ҳокимиятини эътироф этишга мажбур бўлганлар. 1780-1830 йиллар давомида мазкур ҳудудларда яна феодал муносабатларга асосланган тараққ ва мустақил манапликлар ҳукмрон кучга айланган.

Бу вақтларда Талас водийсида қирғизларнинг кушчи, сариқ, хитой, мундуз уруглари, Чуй ҳамда Сусамирда солтолар, саяқ-

лар, Чуйнинг юқори қисмида, Қучқор ва Жумғол ҳудудларида сарибагишлар, саяқлар, Иссиққул буйларида бугулар ва саяқлар, Норин, Тоғузторо ва Кетмонтепада сарибагиш, саяқ, чоғбоғиш, толос, солто, сарт, тейит, найман қипчоқ, бугу, черик, нойгут, ичкилик, унғ, сул каби уруғлар яшаганлар.

Жанубий воҳалардаги қирғиз уруғлари орасидан бир қатор атоқли йўлбошчилар етишиб чиққанлар. Жумладан, сарибагиш уругидан Тинай, Атаке, Эсенгул, Ормон кабилар, бугу уругидан Бийназар, Бекмурат, Воромбай кабилар, солто уругидан Тулуберди, Жайил, Канай, Жанггарачлар, саяқ уругидан Садирхон, Жанболот, Қачике, Тойлоқ кабилар, сариқ уругидан Етимбий, мундуз уругидан Тинибек ва бошқалар ўз уруғларига мустақил ҳолда етакчилик қилиб келганлар. Шимолий Қирғизистондаги уруғлар бу даврларда сиёсий жиҳатдан алоҳида ҳолда яшагандек туюлсаларда, амалда таласлик қирғизлар Тошкент ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги бекликларнинг, чуйликлар эса урта Жуз қозоқларнинг, Иссиққул, Норин қирғизлари Шарқий Туркистондаги воқеаларга араллашиб, таъсир кўрсатиб келишган.

Бу даврларга келиб жанубдаги қирғиз уруғлари урф-одатлари, этносиёсий ва маънавий хусусиятларига боглиқ ҳолда ўзаро тигиз алоқада яшаганлар.

XVIII аср охирларида ҳам сиёсий тарқоқлик ҳолатида яшаган қирғиз уруғлари учун ташқи сиёсатда умумий манфаатлар йўлида биргалашиб ҳаракат қилиш имконияти йўқ эди. Шимолий уруғлар ўртасидаги келишмовчиликлар куп ҳолларда ташқи душманларга қўл келган. Бу ҳолат 1758 — 1760 йилларда Цинь империясининг, 1760 йилги қозоқ султонларининг ва Аблай хоннинг 1775 — 1776 йилги юришларида, айниқса, яққол намоён бўлган. XVIII асрнинг охирларига келиб Шимолий қирғиз уруғларига Қўқон хонлиги ҳам таъсир кўрсата бошлаган.

Ана шундай ташқи таъсирлар баъзи бир қирғиз бийларининг Россия империяси билан муносабатларни йўлга қўйишга ва рус давлатининг қўллаб-қувватлашига умид боглашлари учун туртки бўлди. Улар Россия билан яқинлашув ўз ҳокимиятларининг сиёсий дахлсизлигини сақлаб қолишнинг ягона воситаси эканлиги тўғрисидаги фикрга тобора кўпроқ ишона бошлаганлар.

Россия билан сиёсий муносабатларни йўлга қўйиш буйича дастлабки амалий ҳаракатларни Чуйдаги сарибагиш уруги етакчиси Атаке ботир бошлаб берди. Катта ҳаётий тажрибага эга булган Атаке ботир ўзининг донишмандлиги билан эл-юртнинг ҳурмат-эътиборини қозона олган эди.



Атаке ботир

У юзидаги тугма нуқсон туфайли доимо огзини оқ рўмол билан боғлаб юрган.

Атаке ботир ўз қўл остидаги уруглар номидан Россия империясининг пойтахти Санкт-Петербургга элчи юборишга қарор қилган.

Ушбу элчиликни амалга ошириш Абдрахмон Қучаков ва Шергозиларга топширилган. Асли исми Қариганбай бўлган Абдрахман аҳсилик Алқучак Буйнақов хонадонига 1739 йил тугилган. Унинг аждодлари XVIII асрнинг биринчи ярмида Наманганда яшаган қирғизлардан бўлишган. 1756 — 1758 йилларда Цинь империяси Жунгорияни тор-мор келтиргач, уйротлар билан биргаликда қирғизларнинг 200 га яқин хонадони ҳам Сибирга қочиб боришган ва рус фуқаролигини қабул қилишган эди. Кейинчалик улар Астрахань губерниясига келиб, шу ерда ўрнашиб қолганлар. Қариганбай Олқучоқов 1770 йил ўзига қарашли қирғизлар билан биргаликда ота юрти Ахсига қайтиб келган. 1780 йилдан бошлаб эса сарибағиш уругининг бийи Атаке ботир хизматига кириб, Чуйда, Кеминда яшай бошлаган. Атаке ботир айнан Қариганбай Олқучоқовни элчиликка тайинлагани бежиз эмас эди, чунки у Россияда маълум муддат яшаб, рус тилини, у ердаги шарт-шароитларни яхши ўзлаштирган. Энди элчиликка тайинланган Шергозига келсак, Атакебий уни ўз одами сифатида атайин қўшган, деган маълумотлар бор.

1785 йил 23 августда Омскга етиб келган қирғиз элчилари Сибир генерал-губернаторига Атаке ботир номидан хат ва иккита тулпорни ҳамда Екатерина II га аталган расмий мактубни, бир қўлни, уч қоплон ва беш силовсин териларини тақдим этишган.

Элчиликдан қўзланган асосий мақсад — Россиянинг қўллаб-қувватлашига эришиш ҳамда Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёдан Россияга борадиган савдо қарвонларини Қирғизистон орқали ўтишини таъминлашга эришишдан иборат бўлган. Омскда илиқ кутиб олишгани билан шахсан Екатерина II қабулига кириш осон кечмади. 1785 йил 29 декабрда Петербургга етиб келишган қирғиз элчилари Екатерина II қабулига киришни роп-пал-роса бир йил кутишга мажбур бўлдилар.

## ТАРИХИЙ ХУЖЖАТ

Атаке ботирнинг Екатерина II га ёзган хатидан. 1875-й.

“... Сузимнинг сўнггида мен учун бағоят ҳурматли булган Сиздай меҳрибон хонимдан шуни кўндан-кўп илтимос қиламанки, менинг аждодларим ҳам мен каби куч-қувватли бўлишганлигини инobatга олиб, Русияга борадиган Тошкент савдогарларининг қарвонларини ўз ҳудудимдан ўтказиб ва кузатиб қўйиш хизматини менга топширсангиз.

Мен учун бағоят ҳурматли булган хонимга донмий сиҳат-саломатлик тилаган ҳолада, Сизга ўз кишиларим Абдрахмон билан Шергозини, бир қўл, уч қоплон ва беш силовсин териларини Сизга ҳаля этсинлар учун бериб, икки навқарим кузатувида ҳўзурингизга жунатдим”.

1786 йилнинг охирларидагина подшонинг қабулига киришга муваффақ бўлган қирғиз элчилигининг бошлиғи бетоб бўлиб қолганлиги сабабли, 1788 йил 14 сентябрдагина ортга қайтишига муваффақ бўлган. Рус подшосининг қирғиз элчиларини қабул қилганлиги тўғрисидаги хабарни Атаке ботирга 1787 йил октябрда Омскдан туриб маълум қилганлар.

Атаке ботир дастлабки элчиликнинг қайтишини кутмасданок, 1788 йил ёзда Омскга Қариганбайнинг ўгли Сатимбой бошчилигидаги иккинчи элчиликни юборган. Бу элчилар 2 августда Омскга етиб келганлар. Айни шу вақтда рус савдо қарвонини Атаке ботирнинг ўғиллари Солтоной билан Байшугурлар талаб кетганлиги тўғрисида миш-мишлар тарқалган. Бунга қадар Омскга биринчи элчилар ҳам етиб келишган эди. Миш-мишлар текширилиб, рус қарвонини аслида қозоқлар талашганлиги аниқлангунга қадар ҳар иккала элчилик Омскда гаров тариқасида ушлаб турилган. Суриштирув ишлари 1793 йилга келибгина аранг ниҳоясига етган. Абдрахмон Кучаков 1789 йил шу ерда вафот этган эди. Суриштирув ишлари муваффақиятли якунланиб, рус ҳукуматининг Атаке ботирга бўлган ишончи қайта тиклангандан кейингина Сатимбой Қариганбай ўгли Чуйга қайтиб келган.

Россияга юборилган дастлабки элчилик қарвони гоят катта машаққатларни енгиб ўтиб, ўз вазифасини муваффақиятли якунлаган. Гарчи Россия империяси билан қирғиз уруглари ўртасида доимий дипломатик алоқалар ўрнатишга эришилмаган бўлсада, лекин истиқболдаги ўзаро муносабатлар учун самарали қадам қўйилди. Россия билан қирғиз уруглари ўртасида 1790 — 1813 йй. давомидаги тарихий манбаларда ҳеч қандай маълумотлар учрамайди. Қўқон хонлигининг шимолий қирғиз уругларини бўйсундириш мақсадидаги ҳаракатлари кучайиши билан қирғиз-рус муносабатлари қайтадан жонланди. Бу даврга келиб қирғизлар билан буладиган муносабатлар рус савдогарларини ҳам қизиқтира бошлаган. Россиянинг айгоқчилик мақсадида ташкил этилган қарвонлари 1811, 1812 ва 1813 йилларда Иссиқкўлга юборилган. Хитой чегараларига яқин ерларда рус қарвонлари хавфсизлигини бугу уругининг бийлари таъминлаганлар.

Иссиқкўллик қирғиз бийларидан бўлган Шералибийнинг ўгли Қачибек ва Ниёзбийнинг ўгли Жақипбеклар етаклаган элчилик қарвони 1813 йилнинг кеч кузида Семей шаҳрига етиб келган. Уларни Фарбий Сибирь генерал-губернатори Г.И.Глазенап қабул қилди ва рус ҳукуматининг қирғизларга муносабати яхши эканлигини билдириб, уларни қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Қирғиз элчилари қайтишларида исмлари ёзилган қиличлар ҳамда бошқа қимматбаҳо совға-саломлар билан биргаликда рус армиясининг капитанлари деган унвонлар билан тақдирланганлар, улар орқали рус ҳукуматининг қирғиз бийларига мактублари ҳам юборилди.

Ана шундан бошлаб қирғизлар ва Россия ўртасидаги сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий муносабатлар ривожлана бошлаган. 1825 йилнинг кузида Жиргаланг соҳилида бугу уруги бийларининг қурултойи чақирилган. Қурултойда муҳокама этилган асосий масала Россиянинг ёки Қўқон хонлигининг фуқаролигини қабул этиш ҳақида эди. Иштирокчи бийларнинг кўпчилиги Россия фуқаролигини маъқуллаганлар ва қурултой сўнггида бугу уругининг Россияга қўшилажаги тўғрисида қарор қабул қилинган.

Иссиққул қирғизлари 1813 — 1825 йиллар давомида Россия билан олиб борган муносабатлари натижасида рус ҳукумати олдида қуйидаги мажбуриятларни олишган: 1) Рус савдогарларининг Иссиққул водийсида эркин ва ҳеч қандай тўловларсиз савдо қилиш ҳуқуқларини таъминлаш; 2) Рус савдогарларини қозоқларнинг урта Жуз ҳамда Катта Жуз ҳудудлари билан Шарқий Туркистон шаҳарлари ўртасидаги хавфсизлигини таъминлаш; 3) Бошқа қирғиз уругларининг қароқчилик ҳужумларидан рус савдогарларини ҳимоялаш ва ҳужум уюштирган уруглар ҳақида гарбий Сибирь маъмуриятига маълумот бериб туриш.

Шундай қилиб, Иссиққулдаги йирик қирғиз уруглари ҳукмрон доираларининг саъи-ҳаракатлари натижасида қирғизларнинг Россия билан жиддий дипломатик муносабатларига асос солинган.

---

Рус подшолигининг Марказий Осиё сари иттилишлари ва унинг асосий сабаблари борасида олимларнинг фикрлари:

1. Халфин Н.А., Жамғирчиев Б.Ж., Хасанов А.Х.:

Рус подшолиги Марказий Осиёга, шу жумладан Қирғизистонга ҳам энг аввало иқтисодий манфаатлар негизида итилгандир. Чунки тобора ўсиб келаётган рус буржуазияси манфаатларини кузлаган Россия ҳукумати Туркистонни рус маҳсулотларини сотувчи ва Россия савоёт эҳтиёжлари учун ҳам ашё олувчи манба сифатида ўз тасарруфига киритишга ҳаракат қилган.

2. Рожкова М.Н., Хидоятов Г.А., Кинагина Н.С.:

Марказий Осиёга рус ҳукумати иқтисодий ва сиёсий сабабларга кура итилган. Шундай бўлса-да, сиёсий фактлар бу ерда бирламчи уринини эгаллайди. Чунки рус ҳукумати Англиянинг яқин Шарқдаги империалистик ҳаракатларини чеклаш учун Туркистондан сиёсий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида фойдаланишга ва уни тезроқ қўлга киритишга ҳаракат қилди.

---

## САВОЛЛАР:

1. Россиянинг Туркистонни унга тобе этиш сабаблари ҳақида сўзлаб беринг; ушбу масалада олимларнинг юқорида келтирган фикрларидан қайси бирини тўғри деб ҳисоблайсиз?

2. Нима учун Туркистон Россия ва Англиянинг манфаатлари тўқнашган ҳудуд бўлиб қолди?

3. Россия Туркистонни қандай мақсадлар ва қандай йўллар билан ўз тасарруфига киритди?

4. Россияга қўшиб олинганга қадар Қирғизистондаги сиёсий аҳвол қандай бўлган?



5. Қандай мақсадларни кўзлаган ҳолда қирғизлар Россияга қўшилишга қарор қилишган?

6. Россия билан сиёсий муносабатларни йўлга қўйиш ким томонидан ва қандай йул билан бошланган?

7. Дастлабки элчилар тўғрисида нималарни биласиз?

## 2-§ ШИМОЛИЙ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ РОССИЯГА ҚЎШИШ ОЛИНИШИ

1840 – 1850 йилларнинг биринчи ярмидаги сиёсий вазият ва иссиққўллик қирғизларнинг Россия фуқаролигини қабул қилишлари

Шимолий Қирғизистондаги уруғлар ўртасида ички сиёсий бирдамлик ўрнатишга ҳаракат қилган сарибагиш уругининг манапи Ормон Ниёзбек ўгли булиб, унинг бу борадаги фаолияти айирмачилик кайфиятидаги баъзи бир уруғ оқсоқолларининг қарши-

лигига учради. Ормонбекни Иссиққўл қирғизларининг хони деб эълон қилинишига жавобан бугу уругидан бўлган манап Боромбой Бекмурат ўглини уруғ бошлиги деб эълон қилдилар.

Сарибагиш ва бугу уруғларининг бой-манаплари ўртасидаги узаро келишмовчиликлар уларнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятларига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ормонхоннинг бирликка асосланган мамлакат тузиб, руслар билан бўлаётган муносабатларни қатъий тартибга солиш борасидаги фикрлари бугу уруги манаплари томонидан қўллаб-қувватланмади. Мазкур муносабатларнинг нозик жиҳатларини яхши англаган рус маъмурияти бугу уруги билан алоқаларни янада кучайтириб, уларни рус фуқаролигига биринчилардан булиб қабул қилди.

Сарибагиш ва бугу уруғларининг ҳукмрон доиралари ўртасида кўпдан бери давом этиб келаётган адоват XIX асрнинг 50 йилларига келиб йирик жанжалга — бугу-сарибагиш қуроли тўқнашувига олиб келди.

Бугу уруги билан бўладиган ҳарбий тўқнашувлардан Ормонхоннинг кўзлаган биринчи мақсади — узи ташкил этмоқчи бўлаётган хонлик тасарруфига Иссиққўл қирғизларини узил-кесил киритиш эди. Бундан ташқари бугу уруги бошлиқларининг Россия билан ихтиёрий яқинлашувлари Ормонхонга маъқул келмаётган эди.

1854 йилги тўқнашувлардан бирида Ормонхон қўлга олиниб ўлдирилди. Бу эса ҳарбий тўқнашувларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Ормонхоннинг ўгли Умутали бошчилигидаги сарибагишлар бугуларга бир қатор шиддатли зарбаларни беришга муваффақ бўлдилар. Бугу уругининг Боромбой бошчилигидаги бир қатор овуллари аҳолиси қарқира ва Текес тарафга чекинишга мажбур бўлганлар.

Ана шундай оғир бир вазиятда бугу уругининг бош манапи Боромбой қирғиндан қутулишнинг бирдан-бир чораси Россия фу-

қаролигини қабул қилишдир, деган хулосага келади. Бугу қиргизларининг манап Қачибек Шералин бошқарган элчилик карвони 1854 й. 26 сентябрда Ғарбий Сибир генерал-губернаторлигининг маркази Омск шахрига боришган. 1855 йил 17 январда Омскдаги оқсаройда Қачибек Шералин ўз қавмининг ишончли вакили сифатида бугу уруги қиргизлари номидан Россия фуқаролигини қабул қилганлиги тўғрисида Қуръон ушлаб қасамёд этди. Иссиққул қиргизларининг Россияга расмий тарзда қўшилганликлари умуман, қиргиз халқининг тарихидаги эътиборга молик воқеалардан бири сифатида баҳоланади.



Ормонхон

*Ормон Ниязбек уғли (1791 — 854 йй.) XIX асрнинг ўрталарида Шимолий Қирғизистондаги уругларни бирлаштиришга ҳаракат қилган сарибағиш уругининг атоқли манапи Қўқон хонлиги томонидан инъом этилган парвоначи унвонига эга бўлишига қарамасдан, Шимолий Қирғизистонда мустақил хонликни ташкил этишга ҳаракат қилган. Сарибағиш, бугу, саяқ, солто, қушчи ва черик уругларининг аъёнлари иштирокидаги йигинда Ормонни оқ кигизда кўтаришиб, хон деб эълон қилдилар.*

*Ормонхоннинг ўз байроғи бўлган. Ормонхон ўз қўшинига Торогелди ботирни кўмондон этиб тайинлаган. Жантайини бош маслаҳатчиликка кўтарган.*

*1847й.ги Кенесари билан бўлган тўқнашувда ҳарбий ҳийла ишлатиб, галабага эришган. Иссиққул қиргизларининг бугу уруги аъёнлари мустақилликка интилиб, Ормонхоннинг ҳокимиятини тан олмаганлар. Уларнинг бу ҳаракатига жавобан Ормонхон 1854 й. бугу уругига қарши кураш бошлаган ва тез орада ҳалок бўлган.*

Уша воқеадан сўнг сарибағиш ва бугу уруглари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар сезиларли тарзда камайган бўлишига қарамасдан, икки ўртадаги низолар Шимолий Қирғизистоннинг Россияга тўлиқ буйсундирилишига қадар (1868 й.) давом этиб келди.

Чуйлиқ ва таласлик қиргизларининг рус фуқаролигини қабул қилиши

XIX асрнинг 60-йилларига келиб Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги қуролли зиддиятлар янада кескинлашган. Еттисув ва Чуй ҳудудлари мазкур тўқнашувларда муҳим роль уйнаган Жа-

нубдаги қиргиз уругларидан фарқли уларақ шимолдаги уруглар Қўқон хонлигининг сиёсий таъсирини чуқур эътироф эт-

маганлар. 1860-1862-йиллари эса сарибагиш уругининг бой-манаплари хонликнинг сиёсий ҳаётига фаол аралашшига ҳаракат қилиб кўрдилар. Лекин юз бераётган сиёсий жараёнларни тегдан ҳис этмаганликлари, уларнинг моҳиятига тушуниб етмасликлари сабабли тез орада хонлик билан алоқаларини бутунлай узишга мажбур бўлдилар.

XIX асрнинг 60-йй бошларига келиб рус ҳукумати Чуй воҳасидаги қирғиз уругларини Россия фуқаролигига киргизиш масаласига фаол кириша бошлади. Ишнинг муваффақиятини тезлаштириш Чуй воҳасидаги Қўқон хонлигига қарашли шаҳарларнинг қўлга киритилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Буни яхши англаган Қўқон хони ҳам Чуйдаги шаҳарларни муштақамлашга киришди.

Вазият ана шундай кескин бўлиб турган бир пайтда чуйлик қирғизлар бетарафлик ҳолатини эгаллашиб, тоғ оралаб, олис яйловларга кучиб кета бошладилар. Полковник Циммерман бошчилигидаги рус кўшинлари 1860 й. 23-августда Верний қалъасидан чиқиб 26-28 август кунлари Тоқмоқ шаҳарини узил-кесил яқсон этганлар. Шаҳардаги 100 сарбоз қўлга олинган. Шу куни Циммерман кўшинига А.Г.Колпаковскийнинг рус-казак кўшини ҳам келиб қўшилди. Эртасига рус кўшинлари Бишкек шаҳарига ҳужум уюштирдилар ва 31 августда уни ҳам қўлга киритдилар. Шаҳар ҳимоячиларидан Атабек додхоҳ ва Алишер додхоҳ бошчилигидаги 627 сарбоз таслим бўлганлар.

*Боромбай Бекмурат угли (туғилган йили номаълум — 1858 й.) бугу уругининг катта манапларидан бири. 1843 й. Жуку дарёси соҳилидаги қизил-Унгур деган жойга қалъа қурдириб, уни кейинчалик ўз урдасига айлантирган. 1844 й. у бугу уруги номидан рус фуқаролигига қабул қилишликни илтимос қилиб, Фарбий Сибир маъмурияти ҳузурига элчи юборган. Айни шу масалада 1848 й. яна бир марта рус маъмуриятига мурожаат этган. 1853 й. унга рус армиясининг полковниги унвони берилган. Унинг навбатдаги элчилари 1854 й. сентябрида Омскга етиб келишиб, 1855 йил 17 январда рус фуқаролигини қабул қилганликлари тўғрисида қасамёд қилишган. 1855 йилги бугу-сарибагиш тўқнашувлари кескинлашган вақтда Боромбой Хитой ҳукуматида ҳам ёрдам сурашга мажбур бўлган. Хитойдан ёрдам ололмагач, бугу уругини қирғиндан сақлаб қолиш умидида рус ҳукуматида ҳам ёрдам сураб илтимос қилган.*



Кыргыз Р. ...  
 Боромбай Бекмурат  
 1858 й.  
 1859 й.  
 Кыргыз Республикаси  
 Президентининг  
 19 й.  
 А. Р. У. Д. А. К. И.

Рус қўшинларининг Қўқон сарбозлари билан навбатдаги туқнашувлари сентябрь-октябрь ойларида ҳам давом этди. Айниқса, 1861 й. 20 октябрда Узуноғоч бекати жойлашган Қорақастек унгурида бўлиб ўтган жанг шиддатли кечган. Ушбу жангда кўқонликлар катта талофат куриб, чекинишга мажбур бўлганлар. Мана шу жангда Шабдан Жантай ўгли бош бўлган қирғиз йигитлари русларга қарши мардонавор курашганлар.

Узуноғоч жангидан сўнг кўп ўтмай 1862 йили сарибағиш қавмининг тинай уруги катта манапи Жантай Қарабек ўгли Вернийга бориб Чуй водийсидаги кеминлик қирғизлар номидан рус фуқаролигига ўтишга рухсат беришларини сўради. Шундан сўнг Жантай ва унинг ўгли Шабдан рус ҳокимияти хизматиغا кирдилар. Ормонхоннинг улимидан кейин Жантай сарибағиш уругининг обрў-эътиборли йулбошчисига айланди. Рус маъмуриятига садоқатли хизматлари учун унга 1867 йил олтин медаль ва полковник унвони тақдим этилди. 1862 йил ёз ойларида Чуй водийсининг Бишкекдан Таласга қадарли ҳудудларида солто уругининг катта манапи Байтик қанай ўгли Қўқон хонлиги томонидан тайинланган ҳоким Раҳматулло қўшинига қарши кураш бошлади. Кураш давомида Байтик Раҳматуллони ҳийла йули билан туйга чақириб, сўнг ўлдиришга муваффақ бўлган. Шундан сўнг Байтик қўшинлари Бишкек қалъасини қамал қила бошлади. Қўқон хонлигининг мазкур мустаҳкам қалъасини қўлга кирита олишига кўзи етмагач, укаси Сотилгани Вернийга жўнатиб, А.Г.Колпаковскийдан ёрдам сўраган. Шимолий Қирғизистонни узил-кесил Россия тасарруфига ўтказишнинг ашаддий мухлиси булган А.Г.Колпаковский дарҳол ёрдамга отланиб, 13 октябрда Бишкек қалъасига етиб келди. Қирғиз қўшинларининг руслар билан биргаликда олиб борган саъи-ҳаракатлари натижасида 24 октябрга келиб қалъа қўлга олиниб, икки кунда яқсон қилинган.



Шабдан Жантай  
ўгли

*Шабдан Жантай ўгли (1839 – 1912 йй.) — Чуй ва Кемин ҳудудларида яшаган сарибағишларнинг тинай уругидан чиққан манап, Жантайхоннинг ўгли. Сиёсий фаолиятини ёшлигиданоқ бошлаган. 1860 йил охирларида Қўқон хонлигининг лашкарбошиси Қанотшога қўшилиб Тошкентга борган. Узуноғоч ёнидаги жангларда русларга қарши курашган. Тошкент шаҳри мудофаасида кўрсатган жасоратлари учун Худоёрхон унн Туркистон шаҳрининг беги қилиб тайинлаган. Тез орада отасининг таъсирида Россия хизматиغا ўтиб, умрининг охиригача рус подшосига садоқат билан хизмат қилди.*

У Тоқмоқдаги уезд бошлиғи билан ҳамда Еттисув ҳарбий губернатори билан мустаҳкам алоқа боғлаган. 1868 йил рус фуқаролигига утишга қарши кўтарилган саяқ уруги манали Осмоннинг қўзғолонини бостиришда фаол иштирок этган. 1876 — 1877 йилларда генерал Скобелевнинг олойлик қирғизларни Россия тасарруфига ўтказиш учун уюштирган юришларига кўмак берган. 1878 йил ўз сафдошлари билан русларнинг Отбоши жанубидаги ерларда иш олиб борган айғоқчилик гуруҳини қўриқлаб турган. Шабдан рус подшолигига кўрсатган хизматлари учун муносиб тақдирланган. 1833 йили у подшо Александр III нинг тож кийиш маросимида иштирок этган ва қўшин старшинаси унвонига эга бўлган, олтин соат билан тақдирланган. 1884 йил унга 300 сўм миқдордаги йиллик нафақа тайинланган. 1909 йил Чоғ-Кемидан янги усулда ўқитиладиган мадраса қурдирган. Шабданнинг ҳаёт йўли, фаолияти Осмонали Сидиқовнинг 1914 йил Уфада босилиб чиққан "Тарихи Шабдания" номли асарида кенг ёритилган.

Байтик ботир кейинчалик ўзининг 200 йигити билан рус қўшинлари таркибида Мерке, Авлиёота, Чимкент ва бошқа Қўқон холигига қарашли қалъаларни олишда бевосита иштирок этган.

Байтик ботир бошлаган қўзғолон аслида солто уругининг барча қанотлари томонидан яқдил қўллаб-қувватланган эмас. Масалан, Жанггарач, Маймил, Тиваали каби манаплар етаклаган солто уругининг бир қаноти рус ҳокимияти тасарруфига ўтишдан бош тортишиб, Таласга кўчиб кетишган ва ҳатто русларга қарши курашганлар.

Жанггарач манап вафот этгач, унинг ўғиллари ва Қоқум манап кабилар руслар билан музокараларга киришганлар.

**Байтик Қанай ўғли (1821–1886 йй.)** — XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон холиғи ҳукмронлигига қарши олиб борилган курашнинг етакчиларидан бири. Чуй водийсидаги солто уругининг атоқли манапларидан бўлган. 1860 йил бошларида рус фуқаролигига ўтган. Рус боқинчилари билан биргаликда Пишпек, Тоқмоқ, Мерке, Авлиё ота каби шаҳарларни ишғол этишда фаол иштирок этганлиги учун капитан унвонига сазовор бўлган. III даражали Станислав ордени ҳамда бўйинга илинувчи Анненская лентасига тақилган олтин медаль билан тақдирланган. 1867 йил Александр III нинг тож кийиш маросимига Марказий Осиёдан чақирилган 17 кишидан иборат вакиллар қаторида Москва, Петербург шаҳарларига бориб келган. Таласга кўчиб кетган қирғизлар ўзларининг йўлбошчилари



Байтик Қанай ўғли

ўлгандан кейин, 1865 йилга келибгина Россия тасарруфига утишган. Улар билан биргаликда Таласдаги маҳаллий йирик уруглар — сариқлар ва қушчилар ҳам рус ҳукмронлигига тобе бўлганлар. Демак, чуй ва таласлик қирғиз уругларининг Россия тасарруфига утишлари фақат ихтиёрий ҳолатда кечмасдан, кўп ҳолларда куч ишлатиш ва тазйиқ этиш воситасида ҳам амалга оширилган.

**Тангритоғ қирғизларининг Россия тасарруфига утишлари**

ган бўлсалар, иккинчи бир қисми эса Хитойнинг Цин-Манжур ҳукмронлиги остида бўлган Қашғар билан туташ ҳудудларда яшаганлар. Мазкур ҳудудларни босиб олишнинг рус ҳукумати учун аҳамияти гоят катта бўлган. Чунки бунга қадар Қашқар билан олиб борилган савдо алоқалари асосан Қўқон хонлиги орқали ёки Верний томонидан Қулжа орқали амалга оширилган эди. Тангритоғнинг қулга киритилиши эса Шарқий Туркистон ва Қашқар билан тўғридан-тўғри, қулай йуллар орқали савдо-сотиқ юритиш имкониятини берар эди.

1863 йилнинг ёзида Марказий Тангритоққа қараб Бош штаб капитани Проценко бошчилигидаги Қашқар отряди деб номланган қўшин йўлга отланди. 3 майда рус қўшини Жумғол водийсига етиб келгач, бу ерда жойлашган Қўқон хонлигига қаршли ҳарбий қўргонда хизмат қилаётган 56 сарбоз қўргонни ташлаб қочдилар. Рус отряди шундан сўнг Сонгкол яйлови орқали Куртка қалъасига юриш бошлади. Қўқон хонлигига қаршли бу қалъа ҳам жангсиз қулга олинди.

Лекин Тангритоғ қирғизларининг Россияга қўшиливи, Шимолий Қирғизистоннинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, мураккаб ва зиддиятли курашлар остида амалга оширилди. Бу ердаги баъзи манаплар рус фуқаролигига утиш учун ўзлари ихтиёрий тарзда ҳаракат қилсалар, баъзи бирлари шошилмасликка қарор қилишган. Бошқа бирлари эса рус қўшинларига қарши қуролли қаршилик кўрсатишга журъат этишган. Масалан, 1863 йил июлида манап Осмон Тайлак ўгли русларга қарши очиқ курашга чиқиб, майор Г.Зряжинский бошчилигидаги қўшинни оғир аҳволга солиб қўйган. Фақат Шабдан Жантай ўглининг ёрдамигина русларни ҳалокатдан сақлаб қолди. Муваффақиятсизликка учраган Осмон Шарқий Туркистонга бош олиб кетди. Унинг ўзи ва уч минг хўжалиқдан иборат эли 1867 йилдагина Шарқий Туркистондан қайтиб келиб, рус ҳукмронлигини тан олган.

Сарибагиш уругининг катта манапларидан бири Умутали Ормон ўгли ҳам рус ҳукмронлигига қарши очиқ кураш олиб борган. У рус қўшинларининг кичик гуруҳларини бирин-кетин тормаётди, 1863 йил 19-июнда Куртканинг Эки-Чат деган ерида, подпоручик Зубаревнинг 40 кишилик отрядини икки кун камал

қилиб турган ва фақат ўз вақтида етиб келган ёрдамгина русларни ҳалокатдан қутқариб қолган. Оқталадаги ушбу жангдан сўнг Умутали Шарқий Туркистонга йўл олган. Бу ерда янги давлатга асос солган Жақиббек Умуталининг Қашқар фуқаролигига ўтишни сураб қилган илтимосини рад этган.

Тангритогдаги черик уругининг Россия фуқаролигига ўтишлари ҳам бу ҳудуддаги энг муҳим воқеалардан бири бўлган. Норин дарёсидан жануб томондаги Куйку-Турфон тоғига қадар бўлган ҳудудларни, Қоқшол буйлари, Отбоши, Арпа, Оқсой водийларидан Қашқарга қадар чузилган кенг майдонларни эгаллаб келган бу қавм XIX асрнинг 60 йилларида огир сиёсий-иқтисодий аҳволга дучор этилган эди. Бир томондан Қўқон хонларига, иккинчи томондан Цин-Манжур ҳукмдорларига, кейинчалик Қашқарнинг янги ҳукмдори Жақиббекка солиқ тулаш мажбурияти черикларни гоят огир аҳволга солиб қўйди.

Черик манаплари бундай вазиятдан қутулишнинг ягона йўли — рус ҳукмронлигини тан олиб, Россия фуқаролигига ўтиш эканлигини яхши англаганлар. 1863 йил ёзида олти минг оиладан иборат черик уругининг катта манапи Турдумамбет Тоймамат ўғли бошчилигидаги бир гуруҳ етакчилар Олатоғ округининг бошлиги Колпаковский орқали рус подшосига мактуб йўллаганлар. Черикларнинг рус фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосларига рус императори розилик берган.

1863 йилнинг кузида Омскга етиб келган черик элчилари рус фуқаролигига ўтганликларини тасдиқлаб олт берганлар. 1868 йилда, яъни Норин қалъасига асос солинган вақтда черикларнинг кўпчилиги Олатоғ округига қарашли ҳудудларда, қолган қисми эса Қашқар ҳукмдори Жақиббек қўл остида ҳаёт кечиришган. 1877 йил Жақиббекнинг Қашқар давлати тугатилгач, у ердаги чериклар Хитой императориянинг қўл остига ўтганлар. Кейинчалик черикларнинг кўпчилик қисми рус фуқаролигига ўтиши муносабати билан, улар эгаллаб келган кенг ҳудудлар истиқболда Қирғизистоннинг ҳудудларига айланди.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

**Ғарбий Сибирь генерал-губернатори Дюгаменнинг вице-канцлерга ёзган хати. (1863 йил, 23 апрель).**

“Черик уругини Россия фуқаролигига қабул қилиш биз учун гоят фойдали бир ишдир. Чунки черикларни ўз таъсиримиз доирасига киритиш билан Россия фуқаролиги остида бўлган бугу уругининг беҳатар ва осойишта яшаши ҳам таъмин этилади. Бизни Қашқарга олиб борадиган энг яқин савдо йўллари ана ўша қирғизлар (чериклар) яшаётган ҳудудлар орқали ўтганлиги ҳам бу ишнинг аҳамиятини янада оширади. Черикларнинг Россия фуқаролигини қабул қилишлари бошқа қирғиз уруғларининг, айниқса, сарибағишларининг ҳам улардан намуна олишларига сабаб бўлиши мумкин, унда Россиянинг таъсир доирасига қашқаргача бўлган ҳудудларда яшаётган барча уруғлар узил-кесил ўтажақлари аниқ. Агар черикларни Россия фуқаролигига қабул олиш масаласи ижобий ҳал этилгудек бўлса, у ҳолда бугулар ва черикларни идора этмоқ учун келгуси йилда Иссиқкул воҳилида қалъа қурмоқ жопоз.”

1864 – 1865 йиллар давомида Нориннинг бош томонини макон тутган бугу, тиним-сейит уруглари, Қучқор, Жумгол, Кетмонтепа ҳудудларида яшовчи саяқ уруглари Россия таркибига киритилди. Умотали етаклаган сарибағишлар эса рус ҳукмронлигига бўйсунушдан бош тортди, 1867 йилгача қаршилик кўрсатди, лекин тенгсиз курашдан ҳеч бир натижа чиқмаслигини англаб етган Умотали охир-оқибатда таслим бўлишни маъқул деб топди.

1868 йилдан бошлаб, яъни Норин ҳамда Қорақулда русларнинг мунтазам ҳарбий қўшин сақланувчи истеҳкомлари бунёд этилгандан кейингина *Қирғизистон шимолида Россиянинг сиёсий ҳокимияти амалда узил-кесил таъминланди.*

1867 йил 11 июлда *Сирдарё ва Еттисув областларини ўз таркибига олувчи Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди.* Унинг стратегик аҳамияти инobatга олиниб, бошқарув ҳуқуқи ҳарбий вазирлик ихтиёрига топширилди. Шундай қилиб, Қирғизистонда истиқболдаги ҳарбий ва фуқаролик бошқарувига асосланган мустамлакачилик тартибларининг механизмига асос солинди. Маъмурий бошқарувни ташкил этиш билан бир қаторда босиб олинган ҳудудларда подшо ҳокимиятининг ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий таянчи булган қатламни вужудга келтириш учун саъи-ҳаракатлар бошланди. Ушбу мақсадда рус аҳолисини кучириб келтириш ва жойлаштириш бўйича махсус пунктлар ташкил этилди. 1867 йил Иссиққулнинг Қорақул ҳамда Чуйнинг Тўқмоқ каби ҳудудларида ана шундай пунктлар вужудга келтирилгач, кейинги йилдан русларни кучириб келтириш бошланди.

Шундай қилиб, 1863 — 1868 йиллар давомида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Шимолий Қирғизистонда Россия ҳукмронлиги узил-кесил ўрнатилди.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим:

— Россия Қирғизистонга мустамлака ҳудуд сифатида XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб эътибор бера бошлади, бу нарса 60—70-йиллардаги амалий ҳаракатлар натижасида рўёбга чиқди;

— 1813 — 1855 йилларда Қирғиз-Россия муносабатларида савдо-сотиқ ишлари, 1854 йил 17 январ ва 1863 йил 13 октябри ўрталарида қасамёд қилишни кузда тутган расмий ҳужжатлар муҳим роль уйнаган, 1860 — 1863 йилларда Чуй, Тангритоғ ҳудудлари ҳарбий-сиёсий йул билан Россия таркибига киритилди. Шимолий Қирғизистонни Россия тасаруффига ўтказиш 1868 йилга қадар амалга оширилган;

— Халқаро вазият, қирғиз уруглари ўртасида ҳарбий-сиёсий бирдамликнинг йўқлиги натижасида баъзи бир қирғиз манаплари Россия таркибига киришни сунгги чора сифатида қабул қилганлар, Россияга нисбатан тутган сиёсатиغا кўра қирғиз манапларини қуйидагича уч гуруҳга ажратиш мумкин: а) рус ҳукмронлигини ихлос билан қабул этганлар; б) Россия таклифла-



рига сўзда маъқуллик билдирсаларда, амалда қатъий қарорга кела олмаганлар; в) рус ҳукмронлигига ўтишдан бош тортиб, унга қарши курашганлар.

### САВОЛЛАР:

1. Шимолий Қирғизистоннинг Россия тасарруфига киритилиши тинч йул билан амалга оширилганми ёки қуроли тазийқ ёрдамидами?
2. Уруг бошлиқлари нима учун баъзи ҳолларда Қўқон хонлигини, баъзан рус ҳокимиятини қўллаб келганлар?
3. Черик уругининг Россия фуқаролигига ўтиши қандай сабабларга кура подшо маъмуриятининг алоҳида эътиборини қозонган?
4. Баъзи бир қирғиз уругларининг рус қўшинларига қуроли қаршилик кўрсатганликларини қандай баҳолайсиз?
5. Қирғизларнинг уруг бошлиқлари — катта манаплар халқнинг манфаатларини кўлаб иш олиб беришганми?

### 3-§. 1873 – 1876 ЙИЛЛАРДАГИ ҚЎЗҒОЛОН. ЖАНУБИЙ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

Қўқон хонлигининг ва Жанубий Қирғизистоннинг XIX аср 60-70- йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи

Қўқон хонлигининг сиёсий аҳволи XIX асрнинг 50-йиллари бошларига келиб гоят оғир ҳолатга тушиб қолди. Бунга даставвал хон урдасидаги ички зиддиятлар, қолаверса, хонликда тез-тез содир бўлиб турган қўзғолонлар ва ниҳоят

хонларнинг кетма-кет ўзгариб туриши сабаб бўлган эди. Бундай вазият истиқболда Россиянинг Фарғона водийсини, жумладан Жанубий Қирғизистонни босиб олишига имконият яратди.

Бу вақтларда ҳам қирғизлар, уларнинг ақл-заковатли етакчилари хонликнинг сиёсий ҳаётига фаол аралашиб турганлар. Тоғу тахт талашган шахзодалар ҳам, одатда қирғиз ва қипчоқ феодалларининг қўллаб-қувватлашларига муҳтож бўлганлар. Масалан, Худоёрхон билан бўлган тахт учун курашда шахзода Маллахон олайлик қирғизлар йулбошчиси Алимбек додҳога ёрдам сўраб мурожаат этган. Натижада Маллахон голиб чиқиб, 1858 — 62 йиллар давомида хонликни идора этган. Ўзига курсатилган ёрдам эвазига Алимбек додҳони Андижон ҳокими этиб тайинлаган.

Алимбек хонликнинг сиёсий ҳаётига анча эрта, Мадалихон давридаёқ фаол аралаша бошлаган. 1831 йил Мадалихон уни олайлик қирғизлар етакчиси — додҳо унвони билан тақдирлаган. Алимбек додҳо адигине қирғизларининг барги уругидан бўлиб, узининг ақл-эси, номусли ва холис муносабати билан уругдошлари ўртасида катта обрў-эътибор қозонган эди. У Қўқон хонлиги зулмига қарши кўтарилган бир қатор йирик қўзғолонларга етакчилик қилган. Узоқни кўра билган Алимбек додҳо



Алимбек додҳо

шимолий қирғиз уруғларининг катта манаплари Ормонхон, Жантай, Жангарач, Умотали ва Осмон кабилар билан илиқ муносабатни сақлаб келган, улар уртасида келди-кетди алоқалари узилмаган. Руслар Бишкек ва Тоқмоқ шаҳарларини қулга киритгач, уларни қайтариб олиш учун юборилган Қанотшо бошчилигидаги Қуқон қўшини таркибида уз йигитлари билан биргаликда Алимбек додҳо ҳам бўлган.

Алимбекни ўзига қарши фитна уюштираётганлиги тўғрисидаги сохта хабарларга ишонган Маллахон 1861 йил уни улимга ҳукм этди. Бунга қарши Алимбек додҳо Олойга қочиб келиб, Қуқон хонлигига қарши қўзғолон уюштиради.

Қўзғолон енгилиб қолгач, у Тангритоғ тарафига қочиб кетишга муваффақ бўлади. Уни тутиб келтириш учун жўнатилган Қуқон қўшинини Тангритоғлик қирғизлар тор-мор этганлар.

1862 йилнинг бошларида Қуқонда навбатдаги фитна уюштирилиб, Маллахон ўлдирилади. Тахтга Шералихоннинг набираси — Шохмурот келди. Мазкур сарой тўнтаришида фаол иштирок этганлиги учун Алимбек додҳога *вазир* мансаби тақдим этилган. Лекин кўп ўтмай бу лавозимни унинг мухолифларидан бири, хонликдаги қипчоқларнинг йулбошчиси бўлган Алимқул эгаллади.

Орадан кўп вақт ўтмай, бир пайтлар Бухорога қочиб борган Худоёрхон ўзининг содиқ кишиси Қанотшо ҳамда Бухоро амири Музаффарнинг ёрдами билан, хонлик тахтини қайтиб олишга муваффақ бўлди.

1862 йил мартада ҳокимиятга келган Худоёрхон қисқа муддат, шунда ҳам Бухоро амирининг ёрдами билангина тахтни ушлаб туришга муваффақ бўлди. 1863 йили у ортиқ ҳокимиятда қола олмаслигига кузи етгач, яна Бухорога кетишга мажбур бўлди. Шундан кейин хонликдаги сиёсий ҳокимият қирғиз ва қипчоқ феодалларининг қўлига ўтди. Улар Маллахоннинг 12 ёшли углини тахтга кўтаришган (1863-1865 йиллар). Хонликнинг энг нуфузли кишиларидан бири Алимқул оталиқ лавозимга тайинланган.

1865 йилда стратегик нуқтаи назардан хонликнинг энг муҳим ва йирик шаҳри бўлган Тошкентнинг руслар томонидан истило этилиши учун қўлай имконият вужудга келди. Бунга аввало 1865 йилдаги Бухоро-Қуқон уруши сабаб бўлган эди, қўлай имкониятни қўлдан бермаслик учун май ойида генерал М.Г.Черняев кўп сонли қўшин билан Тошкентга ҳужум қилди. Тошкент мудофаасининг бошлиғи, Қуқон хонлиги қўшинининг кўмондонни Алимқул оталиқ жанглардан бирида ҳалок бўлган. Қизгин

жанглardan сўнг июннинг ўрталарига келиб Тошкент руслар қўлига ўтган.

Тошкент қўлдан кетгач, Қўқон хонлигининг ҳумронлиги Фаргона водийси, Помир ва Олой ҳудудлари билан чекланиб қолди. Тошкентнинг руслар ихтиёрига ўтиб кетиши Қўқон хонлиги учун гоёат катта йўқотиш ҳисобланса-да, лекин рус қўшинлари ҳам анча ҳолдан тойганликларидан юришни давом эттиришга ва хонликни тўла истило этишга ботина олмадилар.

1865 йил Алимқул оталиқнинг ўлимидан сўнг, Бекмамат ва Атабек бошчилигидаги қирғиз ва қипчоқ беклари 16 ёшли Кудайқулбекни хон деб эълон қилдилар. Орадан кўп ўтмасдан, 15 июлда Бухоро амири Музаффархон Қўқонга бустириб кириб, учинчи марта Худоёрхонни ҳокимиятга олиб келди.

Тошкент истило этилгач, икки йилдан сўнг 1867 йил ёзида Туркистон вилояти Туркистон генерал-губернаторлиги сифатида қайтадан тузилди ва Тошкент шаҳри унинг пойтахти бўлиб қолди. Рус подшоҳи Александр II Туркистоннинг биринчи генерал-губернаторлигига К.П.фон Кауфманни тайинлаган. Унга Ўрта Осиё хонликлари билан мустақил тарзда дипломатик муносабатлар олиб бориш, уруш эълон қилиш ёки сулҳ тузишдек аҳамиятли масалаларни ҳам мустақил тарзда ҳал этишдек улкан вазифалар берилган. 1865 йилги воқеалардан сўнг қирғиз ва қипчоқ уруғларининг Худоёрхонга қарши кураши янада кучайган. 1867 — 1870 йилларда Олойда, 1871 йилда Сухда кутарилган қўзғолонлар бунинг исботидир.

---

### ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

1873 йида бошланган қўзғолон тўғрисида ҳарбий вазирга Туркистон улқаси ҳарбий маъмуриятининг бошляги томонидан ёзилган баёнотдан:

"Ғалаёнлар Қўқон хонлиги томонидан қўллик асоратиға солинган жанубда, тоғларда бошланди. Хон утаётган йил учун қирғизлар ҳузурига ўз солиқчиларини закот тўплаш мақсадида жўнатган. Закотнинг миқдори ҳар доимги тартибдан бир мунча юқори (ҳар бир ҳужалиқдан илгари бир қўй ўрнига уч қўй) бўлган... Закотни йиғиш даврида халқнинг норозилиги авж олган... улар закот тўлашдан умуман бош тортмишган. Закотчиларни уриб (айримларини ўлдиришиб), улар тўплашга улгурган закотни талаб кетганлар. Бу ҳолат хоннинг қаҳр-ғазабини келтириб, буйсулмаган халойиқни кескин жазолашга буйруқ берган, қўвғинга олиш ва жазолашнинг янги тўлқини бошланган. Шундан сўнг 20 минг ҳужалиқ қирғизлар ва 10 минг ҳужалиқ қипчоқлар балвид тоғларга кучиб кета бошлаган, хондан норози бўлган аҳоли аста-секин уларга эргашган".

---

Кейинги йилларда ҳам кичик-кичик ғалаёнлар ва қўзғолонлар Фаргонанинг у ёки бу ерида содир бўлиб турди. Ушбу ҳудудлар ичида Олой ғалаёнларнинг маркази сифатида ажралиб турарди.

Ушбу ғалаёнлардан кескин турда фарқланувчи чинакам халқ қўзғолони 1873 йилнинг ёзида бошланди. Бу ҳаракат уч йил давом этди ва охир-оқибатда Қўқон хонлигининг барҳам топи-

шига олиб келди. 1873 — 1876 йилларда бўлиб утган ушбу қўзғолон тарихда халқ ҳаракати, Қўқон қўзғолони ёки Пулатхон қўзғолони каби номлар билан машҳур бўлган. Унга Пулатхон номи остида Исҳоқ Хасан ўгли етакчилик қилган.

1873 — 1876 йиллардаги халқ қўзғолонини иккита асосий даврга бўлиб ўрганиш мумкин. 1873 — 1874 йиларни ўз ичига олган биринчи даврда қўзғолон прогрессив мақсадларни кўзлаган. Бу йилларда гарчи тарқоқ галаёнлар кўпроқ кўзга ташланган-да, бу Худоёрхон зулмига ва феодал муносабатларга қарши авж олган чинакам халқчил кураш эди. Ушбу йиллардаги халқ ҳаракатлари Фарғона водийсининг асосан тўрт ҳудудида авж олган.

1. Олойдаги қўзғолон. Ушбу қўзғолоннинг асосий сабаби хоннинг адолатсиз солиқ сиёсати бўлган. Қўзғолонни бостириш учун Худоёрхон йирик жазо қўшинларини юборишга мажбур бўлган.



Пулатхон

*Пулатхон, Исҳоқ Хасан ўгли (1844-1876-йй.) — 1873 — 876 йилларда Қўқон хонлигининг феодал зулмига ва рус босқинчиларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ қўзғолонининг етакчиларидан бири. Марғилон уездининг қўҳна қишлоғида (ҳозирги қадимжой районининг А.Орозбеков номи қишлоғи) бустон уругига мансуб Хасан мулланинг уйида туғилган. Ёшлиғида мадрасада таълим олгач, қисқа муддат диний хизматчи бўлиб ишлаган. Сўнгра Аядижонга келиб, Қўқон хонлиғида машҳур кишилардан бири бўлган. Абдумўмин оталиққа хизматга кирган. Ундан таълим-тарбия кўриб, сиёсатга бўлган қизиқиши орта бошлаган.*

Худоёрхон учинчи марта ҳокимият тепасига келгач, мамлакатда ички низо-адоват янада кучайган. Қирғиз ва қипчоқ бекларининг ўрдадаги юқори хизмат лавозимларидан сиқиб чиқарилиши, уларнинг хонга қарши ҳаракатларини авж олдирган. қирғизларнинг Шердодҳо бошчилиғидаги беклари хон уругидан бўлган шаҳзодалардан бирини топиб, Худоёрхоннинг ўрнига тахтга ўтқизиш режасини туза бошлашган.

Одатга қўра, фақат Қўқон хонлари авлодига мансуб бўлган шаҳзодагина хонлик тахтига даъвогарлик қилиши мумкин эди. Тез орада ана шундай номзод топилди — у машҳур Олимхоннинг (1800 — 1809) набираси, эндиликда Самарқанддаги мадрасалардан бирида имомлик қилиб юрган Пулатхон эди. Лекин сиёсатга мутлақо ихлоси бўлмаган Пулатхон бу таклифни рад этди. Ҳафсалалари пир бўлган беклар Самарқанддан қайтишда маслаҳат қилиш учун Тошкентда яшаётган Абдумўминнинг уй-

ига тупланадилар. Улар бу ҳовлида хизмат қилиб юрган Исҳоқни кўришгач, унинг Пулатхонга гоят ўхшаш эканлигига бир овоздан иқрор бўлишади. Мард табиатли мулла Исҳоқ сиёсий таваккалчиликка бориб, қўзғолонга раҳбарлик қилиб беришга рози бўлади. Шундан сўнг у Пулатхон номи билан Наманганга йўл олади ва қўзғолонга бошчилик қила бошлайди. Ўзининг паҳлавон келбати, ақли расолиги, билими ва кенг дунё қараши билан мулла Исҳоқ қўзғолоннинг идеалларига тулиқ мос тушар эди.

Пулатхоннинг ҳокимиятини ноқонуний деб ҳисоблаган рус маъмурияти 1875 йили ўз қўшинларини қўзғолончиларга қарши курашга ташлайди ва хонлик ҳудудларига бостириб киради. Бир қатор жиддий тўқнашувлардан сўнг қўзғолончилар енгилди, чекинишга мажбур бўладилар. Мулла Исҳоқ хонлик туфайли қўлга олинади ва 1876 йили март ойида дорга осиб ўлдирилади.

Лекин ушбу қўшинлар қирғизлар томонидан тор-мор келтирилади. Шундан сўнг Худоёрхон 1873 йил май ойида Абдураҳмон офтобачи бошчилигидаги 100 сарбоздан иборат навбатдаги қўшинни қўзғолонни бостириш ва жазолаш учун юборади. Абдураҳмон офтобачи қўзғолончиларнинг етакчилари билан алоқа боғлашга муваффақ бўлади. Уларнинг Шердодҳо бошчилигидаги 40 йулбошчиларини музокаралари олиб бориш баҳонасида хон ўрдасига таклиф қилади. Ушбу хиладан беҳабар хон ўрдасига етиб келган қирғиз ва қипчоқ элчилари хоннинг буйругига кўра ваҳшийларча қатл этилди. Ана шу воқеадан сўнг, газабланган қирғиз ва қипчоқ қўзғолончиларининг минглаб қўшинлари 1873 йилнинг июлида Фаргона водийсига бостириб кирганлар. Суҳ қалъаси вайрон этилган, қўзғолонни бостириш учун юборилган Маргилон беги Султонмурод аранг қочиб қутулишга муваффақ бўлган. Тез фурсатда Ўш, Ўзган, Аравон, Учқўрғон, Андижон, Булоқбоши ҳудудлари қўзғолончилар қўлига ўтган. Лекин 1873 йил куз ойларига келиб қўзғолончилар енгилишиб, секин-асталик билан тоғ томонга чекинишга мажбур бўлишган.

2. Ахсидаги қўзғолон. Мазкур қўзғолон бевосита Исҳоқ Ҳасан ўглининг номи билан боғлиқдир. 1873 йилнинг эрта баҳорида Исҳоқ ўзининг 200 га яқин йигитлари билан Шердодҳо, Мусулмонқул, Мусабек, Сулаймон Худайчи ва Абдумўмин оталик ҳамроҳлигида Ахсига келди. Ахсиликлар Худоёрхонга қарши бошланган қўзғолонга қўшилажақларини билдирганлар. 1873 йил ёзида 29 ёшли Исҳоқ Пулатхон номи билан оқ кигизда кўтарилиб, хон деб эълон қилинди. Бу воқеа Ахсининг Сафид-Булон деган жойида минглаб одамлар иштирокида тантанали суратда амалга оширилди.

Ахсилик қўзғолончилар Худоёрхоннинг лашкарбошиси Абдураҳмон офтобачи бошчилигидаги қўшин билан юз берган тўқнашувлардан сўнг Олабуқага чекинишиб, ундан Чотқол тарафга ўтиб кетганлар. Июль ойида Шердодҳо бошчилигидаги қирғиз ва қипчоқ бекларининг қирқ нафар вакиллари хоннага ўлди-

рилгач, улар яна Олабуқага бостириб кирганлар. Исҳоқ етаклаган кўшин бир қатор жиддий тўқнашувлардан сўнг яна тоғ тарафга қараб чекинишга мажбур бўлган. Шундан сўнг кейинги йилга қадар Ахсида бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча тинчлик ҳукм сурган.

3. Икки сув оралигидаги қўзғолов. Мазкур қўзғолов 1873 йилнинг баҳорида Норин дарёсининг сул соҳилидаги Икки сув оралиги деб номланувчи ҳудудда бошланган. Қўзғоловга сул қанот қирғизларининг мундуз уругидан чиққан оддий меҳнаткаш йигит Мамир Мерган ўгли бошчилик қилган. Қўзғоловчилар тез орада Кугарт водийсини эгаллашиб, Жалолобод ва Хонобод қишлоқларини ҳам қўлга киритганлар. Қўзғолов гоят зур қийинчиликлар билан уша йилнинг кузида аранг бостирилган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Мамир Мерган бошчилигидаги қўзғоловчиларнинг  
Туркистон генерал-губернаторининг яқин кишиларидан бўлган  
Журабекка йўллаган мактубларидан:

"... Узингизга маълумки, Қўқонга қарашли қирғизларнинг барчаси Худоёрхонга тобе бўлиб келганлар. Искавжга олиш, қувгин қилиш, қознққа утиргизншдек жаза чораларининг ҳаддан ошиб кетиши бизни хонга қарши курашишга мажбур этди. қирғизларнинг мундузчи, қутчи, уттиз угил, туйлус, найман, қизилоёк, ноёғут, қирғиз-қипчоқ, адигине, бури ... жами 200 мингча оила (асли бу рақам киши сонин булса керак — авт.). Агар имконияти булса, Сизга мушкулот туғдирмаса, юкорида айтганларимиз хусусида генерал-губернаторга маълум қилсангиз. У ҳурматли зот маъқул булсалар, биз Қўқоннинг бахтиқаро фуқаролари Худоёрхоннинг азоб-укубатларидан қутулиб, тинч ҳаёт кечирар эдик."

4. Лайлакдаги қўзғолов. Бу қўзғолов ҳам 1873 йилги халқ ҳаракатининг эътиборли воқеаларидан бири бўлиб, унга Мамирбой исмли киши бошчилик қилган. Чотқолдан қайтган Абдурахмон офтобачи кўшини уларга қарши юборилган. Қўзғолов гоят шафқатсизлик билан бостирилган. Унда иштирок этган 400 га яқин киши асир олиниб, Қўқонда дорга осилган, қўзғолов кузга бориб бостирилган.

Салкам бир ярим йилга яқин, 1873 — 1874 йиллар давомида юз берган ушбу қўзғоловларга бу ҳудудда яшаган қирғиз ва қипчоқ уругларининг деярли барчаси иштирок этган. Тарихий маълумотларга қараганда бу қўзғоловларга 132 мингдан ортиқроқ оиладан иборат бўлган 42 та уругнинг вакиллари иштирок этишган. Қўзғоловчилар биринчи навбатда Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмронлиги даврида гоят кучайиб кетган феодал зулмга қарши бош кутарганлар. Маҳаллий узбеклар ва тожиклар қўзғоловчиларга хайрихоҳлик билдирсалар-да, унда оммавий суратда иштирок этмадилар.

1875 йилнинг баҳорида қўзғоловларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу босқич 1875—1876 йилларни ўз ичига олади.

қўзғолоннинг биринчи тўлқини бостирилгач, Худоёрхон камбагал халқнинг гарданида оғир юк бўлиб турган солиқларни уч баробар купайтирди. Бу аса халқ сабр қосасининг тўлиб-тошишига ва навбатдаги галаёнларнинг бошланишига сабаб бўлди. қўзғолоннинг бу босқичи олдингисидан ҳар томонлама кескин фарқланган. Бу энг аввало ҳаракатнинг мақсади, қамров доираси, характери ва иштирокчиларнинг миллий таркибига боғлиқ узгаришлар эди.

1875 йил Мулла Исҳоқ Чотқолдан Лайлакка келган. Пулатхон ҳаракатга шу ердан туриб бошчилик қила бошлаган. Июнь ойида Пулатхоннинг Ўзганга келиши билан қўзғолон чинакам халқ ҳаракати тусини олган. Унда қирғиз ва қипчоқлар билан биргаликда маҳаллий ўзбеклар, тожиклар ва турклар ҳам фаол иштирок эта бошлаганлар. Вазият ана шундай кескин тус олган бир пайтда Абдурахмон офтобачи узига қарашли қўшинлар билан қўзғолончилар тарафига ўтиб кетди. Унинг мақсади қўзғолондан фойдаланиб, хонликдаги уз мавқеини янада мустаҳкамлаш ва Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбекни хон қилиб кўтариш эди. Офтобачининг жиноятидан хабар топган Худоёрхон 22 июлда ўрдани ташлаб, Тошкентга рус маъмурияти ихтиёрига қочди.

1875 йилнинг 27 июлида Қўқонга яқин Сарик-Талаб қишлоғида Насриддинбек хон деб эълон қилинди. Пулатхон эса қамоққа олинган. Кейинроқ у қамоқдан қочишга муваффақ бўлади ва ўз тарафдорлари билан Чотқолга кетади.

Насриддинбек хонлик тахтига утиргач, Абдурахмон офтобачи русларга қарши "ғазот" уруши эълон қилди. Унинг мақсади қўзғолончилар қўли билан Қўқон хонлигининг илгариги мустақиллигини тиклаш эди.

"Ғазовот" эълон қилинган дастлабки кунларда қўзғолончилар руслар ихтиёрига ўтиб кетган бир қатор ҳудудларни босиб олишга муваффақ бўлдилар. Аммо тез орада К.П.фон Кауфман узининг яхши таълим кўрган 5000 кишилик қўшини билан қўзғолончиларга кескин зарба берди. Қўқоннинг сўнгги ҳукмдори Насриддинбек тез орада хонлик йўлига кириб, 26 августда Кауфман билан келишишга ва хонлик учун асоратли шартлар билан сулҳ тузишга розилик берди. 23 сентябрда тузилган ушбу сулҳ натижаларига кўра, Россиянинг Туркистон ўлкасидаги янги ҳудудий бирлиги Наманган бўлими ташкил топди. Унинг таркибига Наманган, Косон, Аҳси ва Олабуқа ҳудудлари киритилди. Мазкур бўлимга яқиндагина генерал унвонини олган М.Д.Скобелев бошлиқ этиб тайинланади. Бундай эътибордан гоят руҳланган Скобелев қўзғолончиларни қонга ботиришга энг шимариб киришди. Ана шундай бир вазиятда Пулатхон ва Абдурахмон офтобачилар Жалолободда учрашишиб, руслар зулмига қарши биргалашиб курашишга қарор қилдилар. 1875 йил сентябрида Исҳоқ Ҳасан ўғли иккинчи марта Пулатхон номи билан хон деб эълон қилинди. Пулатхон қўшинлари 9 октябр-

да Қўқонни эгалладилар. Насриддинбек Хужандга қочди. Октябрь-ноябрь ойларида қўзғолончилар рус қўшинлари билан жиддий туқнашувларга киришдилар. Айниқса, Иккисув ўзанида 1875-йилнинг 25 декабрдан 1876 йил 5 январгача чузилган жанглар шиддатли кечди. К.П.фон Кауфман ва М.Д.Скобелевлар ётаклаган рус қўшинлари шафқатсизликни авжига чиқариб, тинч аҳолини ҳам қиргин-барот қилдилар. Генерал Скобелевнинг: "...Осиёдаги биз ўрнатган тинчлик-хотиржамлик у ерда кесилган бошлар ва қирилган аҳоли сонига бевосита боғлиқдир," - деган сўзлари буни яққол тасдиқлайди.

Рус қўшинлари 8 — 10 январда Андижонни эгалладилар. Андижон учун бўлган жангларда 20 мингга яқин киши қурбон бўлган. Рус қўшинлари 18-январда Асагани эгаллаганларидан сўнг қўзғолоннинг суръати кескин пасайган. 24 январга келиб Абдурахмон офтобачи М.Д.Скобелевга таслим бўлди. Пулатхон эса Чўнг Олойга чекинишга мажбур бўлди.

Урушни тезроқ якунлаб, Қўқон хонлигини таслим этган шахс сифатида шухрат қозонишни истаган генерал Скобелев, хонлиkning пойтахт шахри Қўқонни қўлга киритишга ошиқди. Натижада Қўқон ўрдаси 1876 йилнинг 8 февралда узил-кесил эгалланди. Хонлик туфайли қўлга олинган Пулатхон К.П. фон Кауфмanning буйругига кура Маргилонда 1-март куни дорга осиб ўлдирилди. Қўқон хонлиги ҳудудларида Фаргона вилояти ташкил этилди. Рус мустамлакачилик сиёсатини ўрнатишдаги "саъи-ҳаракатлари" учун генерал М.Д.Скобелев Фаргона вилоятининг бошлиги лавозимига қўйилди.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфманнинг мактубидан:

"Қўқондаги уруш бизнинг сафларимиздан жасур зобитларни куплаб чиқардики, бу 1873 йилдаги Хива юришига таққослаганда бирмунча кўпдир. 1875 йилдаги уруш илгаригидек хонлар ёки амирларга қарши эмас, балки оддий халқ исенига қарши олиб борилди. Урта Осиёда руслар ҳали ҳеч қачон бундай узоққа чузилган қовди курашни бошларидан утказган эмас эдилар. Биз бундай жасур жангчилар билан биринчи марта туқнашмоқдамиз ва оддий халқ билан олиб бориладиган кураш маҳаллий хонликлар билан курашишга қараганда бирмунча оғир эканлигини чуқур ҳис этдик."

Олойлик қирғизларнинг тобе этилиши. Қўрбонжон Додҳо

Қўқон хонлиги расман тугатилган йилларда Жанубий Қирғизистоннинг тоғли ҳудудлари, жумладан Олой водийси Россия таркибига киритилмаган эди.

Янги ташкил этилган Фаргона вилоятининг ҳарбий губернатори М.Д.Скобелев ўзининг қиргинбарот юришларини давом этказиш ва халқ қўзғолонини узил-кесил тор-мор келтириш мақсадида, қонли панжаларини Олой томонга чўади.



Буйсунмаган эрксевар қирғизларни янчиб ташлаш мақсадида махсус "Олой илмий-ҳарбий экспедицияси" уюштирилди.

Экспедиция таркибида ҳақиқатдан ҳам бир қатор илмий тадқиқотчилар ва олимлар мавжуд бўлган. Улар барометрик, зоогеографик, топографик кузатувларни ўтказишлари ҳамда статистик материалларни туплашлари режалаштирилган. Аслида бу экспедиция ҳам ўзининг асил моҳиятига кўра оддий босқинчилик юриши бўлиб, унга генерал М.Д.Скобелев бошчилик қилган. *Эрксевар олойликларнинг озодлик учун бўлган курашларига Алимбек додҳо ва Қурбонжон додҳоларнинг фарзандлари Абдиллабек, Омарбек, Маматбек ва Асанбеклар бошчилик қилганлар.*

Олой тоғларининг ноқулай табиий шароитларида олиб борилган уруш рус қўшинлари учун 1875 — 1876 йилларда Фарғона водийсининг текислик ҳудудларида олиб борилган юришларга нисбатан анча оғир кечган. Қаршилиқ кўрсатган аҳоли шафқатсизлик билан жазоланган. Босқинчилар аёллар, болалар ва кексаларга ҳам раҳм қилмаганлар. Ватан ҳимоячилари ҳам душманга қарши фидойилик билан курашганлар. Олой экспедициясида Шабдон ботир Жантай ўғли ҳам ўзининг 40 дан ортиқ йигитлари билан рус қўшинлари таркибида иштирок этган. У ҳар икки томонни келиштиришга ҳаракат қилиб, кўп ҳолларда беҳуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлди.

Рус ҳукмронлигига бош эгишни истамаган Қурбонжон додҳо 1876 йил июнь ойи бошларида узига қарашли аҳоли билан Қашқарга кўчиб кетган. Ўз умрининг сўнгги кунларини ўтказётган Жақиббек унинг ташрифини ёқтирган эмас. Қашқардан яна Олой сари йўлга чиққан додҳо бу ердаги қиринбаротлардан хабар топгач, Помир тоғларининг Афғонистонга қарашли ҳудудларига кўчиб кетиш тараддудига тушган. Помир сари йўлга чиққан Қурбонжон додҳони рус қўшинлари 29 июлда қувиб етиб, асирга олганлар. Шундан сўнг додҳони Чўнг Олойдаги М.Д.Скобелев қароргоҳига келтирганлар. Музокаралар вақтида рус генерали Қурбонжон додҳонинг теран ақлига ва қатъий фикрларига тан бериб, уни "Олой маликаси" деб атаган. Музокаралар натижасига кўра, Қурбонжон додҳо Россия ҳукмронлигини тан олганлигини эътироф этишга ва угилларини ҳам қаршилиқ қилишдан қайтаришга ваъда берган. "Олой илмий-ҳарбий экспедицияси"нинг оқибатида 17,4 минг хўжаликка эга бўлган олойликлар рус фуқаролигига ўтказилди. Олойда Оқбура, Гулча, Кичик Олой, Новқат ва Ўзган бўлиқлари ташкил этилиб, улар Ўш уезди таркибига киритилган. Қурбонжон додҳонинг угиллари янги тузилган бўлиқларга бошлиқ этиб тайинланганлар. Жанубий Қирғизистоннинг Россия томонидан босиб олинishi ана шу тарзда якунланган.

## ТАРИХИЙ ҲУҶЖАТ

### 1. М.Д.Скобелевнинг Олойга уюштирилган "Илмий-ҳарбий экспедиция" натижалари хусусида 1876 йил 23 октябрдаги ҳисоботидан:

"...Унинг маҳаллий халқи, жумладан, кучманчиларнинг (қипчоқларнинг) бир қисми рус қуролининг қудрати олдида ўз ожизликларини ҳис этишиб, бизнинг ҳукмронлигимизга уайл-кесил тобе бўлдилар. Илгари хонликнинг куплаб қорақирғиз халқини тинчлантириш мавжуд сиёсий ва тарихий сабаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ниҳоясига етказилмай қолган эди.

Олой юриши қуйидаги натижаларга олиб келди:

1. Баланд тоғ қояларини макон тутган қорақирғизлар тобе этилди. Улар устидан рус бошқармасининг назорати уриятилди, уларга закот тулаш ва Гулжа-Олой йулини қуриш мажбурияти юклатилди. Илгари ҳеч кимнинг ҳукмронлигини менсимеган ушбу кучманчилар энди Русиянинг фуқароларидир...

2. Бизнинг Қашқардаги чегараларимизнинг аҳволи ойдинлашди...

4. Шу вақтга қадар Европа учун мутлақо маълум бўлмаган улкалар кашф этилди, 25 минг қақиримга яқин ер харитага туширилди...

8. Тарихий ва табиатга оид тадқиқотлар олиб борилди, усимлик ва ҳайвонот дунёсидан намуналар тупланди...

### 2. Қурбонжон додхонинг Фарғона ҳарбий губернатори М.Ионовга ёзган мактубидан:

"...Фарғонадаги мусулмон мамлакати (Қўқон хонлиги — авт.) Русияга бўйсунмай турган пайтларда мен Сизлар билан курашиб, талашиб-тортишиб юрдим. Уша пайтда бир генерал (М.Д.Скобелев — авт.) Олойга келди. Генерал мени яхши қабул олди, хушмуомалалик курсатди. Мен унинг муомаласидан миннатдор бўлдим...

Мана энди тинчлик ҳукм сураётган бир вақтда шундай деб айтгим келади: менинг бутун халқим, ўзим ва ақинларимдан ҳеч ким ва ҳеч қачон Сизларга қарши чиқмаймиз. Биз тарафдан ҳеч қандай ноҳуя ҳаракат содир этилмайди. Агарда менинг халқим ёмонликка қўл урса, орамиздан хонлик содир этилса, унда мен айбдорин энг оғир жазога тортаман, ўзим эса содир бўлган ишдан умрбод хижолатди ўтаман.

*Маматбой қизи Қурбонжон додхо".*

Хулоса урида таъкидлаш уринлики, Россиянинг Фарғона водийсини босиб олиши ҳам ички (Қўқон хонлигидаги зулм) ҳам ташқи (1868 — 1873 йй. Рус-Хитой, Рус-Қашқар шартномалари) омиллар билан асосланади; Россиянинг Жанубий Қирғизистонни босиб олиши гоят шафқатсиз турда амалга оширилганлиги билан ажралиб туради ва бу 1873-1876 йиллардаги халқ қўзғоловлари билан бевосита боғлиқ бўлган жиҳатларга эгадир; 1875 — 1876 йиллардаги халқ ҳаракати дастлабки вақтда (1873-1874 йй.) Қўқон хонлигига қарши қаратилган бўлса, ҳаракатнинг иккинчи босқичи ўзининг прогрессив характердаги халқ-озодлик кураши билан ажралиб туради. Бу курашларда Исҳоқ Ҳасан ўгли Пулатхон халқ манфаатлари учун курашган қаҳрамон сифатида шаклланди;

1873 — 1876 йиллардаги халқ ҳаракатининг якунланиши ва Олой қирғизларининг 1876-йили рус фуқаролигини қабул қилишлари билан Жанубий Қирғизистонни Россия таркибига қушиб олиш жараёни якунланган.

Қирғизистоннинг Россия томонидан босиб олинishi улкан тарихий аҳамиятга эга бўлди:

— Қирғизистонни Англия ёки Шарқнинг қолоқ мамлакатлари томонидан босиб олинish хавфи бартараф этилди;

*Қурбонжон додҳо, Қурбонжон Мамитбой қизи (1811—1907 йй.) — олойлик қирғизларнинг таниқли йулбошчиси. Олой маликаси деган ном машҳур бўлган. Уш ҳудудда яшаган мунгуш уругидан чиққан. Дастлабки турмуш ўртоғидан бош тортиб, отасининг ҳузурида 3 йил утирган. 1832 йили Олой бошқарувчиси Алимбекка турмушга чиққан. Алимбек билан 29 йил турмуш қуриб, унинг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчисига айланган, 5 фарзанд кўрган. 1862 йили Алимбек додҳо Қўқонда сарой фитналари туфайли ўлдирилгач, Олойни идора этишни Қурбонжон уз қўлига олди. 1864 йили Бухоро амири уни додҳо уивони билан тақдирлаган. Донишманд етакчи сифатида қирғиз уруглари уртасидаги ўзаро ички низоларни бартараф этишга улкан ҳисса қўшган. Қирғиз уругларининг бирдамлиги уларни Қўқон ховлиги зулмидан қутқарувчи кучли фактор эканлигини яхши англаган ва амалда шунга ҳаракат қилган. Унинг бундай ҳаракати рус босқини даврида ҳам кўринган. Сиёсий вазиятни яхши англаган ҳолда, 1876 йили Олойдаги қирғиз уругларининг Россияга қўшилганликларини эътироф этган. Рус маъмурияти Қурбонжон додҳога полковник уивонини берган.*



Қурбонжон додҳо

— рус сиёсий-бошқарув тартибларининг кириб келиши билан уруг бошлиқларининг авлоддан-авлодга ўтиб келган қолоқ ҳукмронлигига барҳам берилган. Уруглар уртасидаги қонли можаролар барҳам топган;

— тоғли ҳудудларда иқтисодиётнинг ривожланишига, капиталистик муносабатларнинг шаклланишига, халқнинг сон жиҳатдан ўсиши ва бошқаларга тарихий шароит вужудга келди;

— халқнинг ўтроқлашув жараёни кучайди, овул-қишлоқлар ва шаҳарлар пайдо бўлди, оддий хўжаликлар бозор муносабатларига мослаша борди.

Қирғизистоннинг Россия ҳукмронлиги остига ўтиши масаласида тарихчи олимларнинг фикрларидан:

1. Б. В. Жамғирчинов:

“Қирғизистон XIX асрнинг 50 — 60-йилларида Россия таркибига ўз ихтиёри билан қўшилди”.

"Шимолий қирғизлар рус фуқаролигини ихтиёрли қабул қилганлар, Жанубий Қирғизистон эса Россия томонидан босиб олинди"

#### САВОЛЛАР:

1. Шимолий Қирғизистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол Жанубий Қирғизистондаги ҳолатдан қандай фарқланган?
2. Халқ ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланишига нималар сабаб бўлган?
3. Исҳоқ Ҳасан угли Пулатхон ҳақида сўзлаб беринг.
4. 1875 — 1876 йиллардаги ҳаракатга таъриф беринг.
5. Олойлик қирғизларни буйсундириш жараёни қандай алоҳида хусусиятларга эга бўлган?
6. Қурбонжон додхо тўғрисида нималарни биласиз?
7. Қирғизистоннинг шимолий ва жанубий ҳудудларини Россия таркибига қўшиб олиниши қандай фарқли хусусиятларга эга?
8. Қирғизистоннинг Россияга буйсундирилиши қандай тарихий аҳамиятга эга бўлди?

#### § 4. ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ

**Андижон қўзғолони** XIX асрнинг охирида юз берган Андижон қўзғолони Урта Осиё халқлари тарихидаги энг йирик халқ ҳаракатларидан бири бўлиб, унинг асосий сабаблари аввало рус мустамлакачилик зулмининг кучайиши, ўлкада миллий тенгсизлик ҳамда ижтимоий адолатсизликнинг ҳаддан ортиб кетиши эди. Қўзғолонга маҳаллий қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар ҳамда халқнинг турли табақасига мансуб вакиллар иштирок этганлар. Мазкур қўзғолонга мусулмон уламоларининг етакчилик қилганликлари, ҳаракат давомида диний хитоб ва чақириқларнинг кенг тарқалганлиги одатий бир ҳол бўлиб, бу аввало ислом динининг маҳаллий халқ онги-шуурига гоят чуқур сингиб кетганлиги натижаси эди.

Қўзғолон иштирокчиларининг барчаси ўзларини чин эътиқодли мусулмон эканликларини яхши англаганлар. Бу мазкур ҳаракатни реакцион деб аташ учун асос бўлмайди. *Қўзғолон кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзлаган. Миллий зулмга, ижтимоий тенгсизликка қарши озодлик кураши сифатида юзага келган.*

*Андижон қўзғолони 1898 йилнинг май ойида бошланган. 17 май куни кечга яқин Тожик (Мингтепа) қишлоғига ўзбек ва қирғизлардан иборат 200 га яқин киши тўплаган. Уларга Мингтепа қишлоғининг энг обрўли уламоси Мадали эшон ёки Дукчи (Йикчи) эшон бошчилик қилган.*

*Дукчи эшон (1858 — 1898) — Андижон қўзғолонининг етакчиси, Маргилон уездига қарашли Мингтепа қишлоғида камбағал оилада таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад Собирнинг 5 тавобгина ери бўлиб, ўзи йиқчи уста булган. Йиқчилик қасбини Мадали ҳам эгаллаган. Муҳаммад Собир углини ёшлигидан бадавлат эшон Султонқултура хизматига берган. Мадали аста-секин эшоннинг энг яхши ўқувчиларидан бирига айланган, содиқ ва эътиқодли мурид сифатида эшон уйдаги мактабда халфаликка эришган. 1882 йили Султонқултура вафот этгач, Мадали унинг ўрнига эшонлик мартабасини эгаллайди. У 1887 йил ҳажга бориб, Маккада фаолият кўрсатаётган "Нақшбандия" тариқатининг ҳам эшони булади.*

*Улканиннг йирик уламоси сифатида Дукчи эшоннинг молмулки ҳам турли хил закот ва хайру-садақалар ҳисобига тез кўпайиб борган. Унинг қарамоғида 40 дан ортиқ муридлари ва 30 га яқин хизматчилар булган.*

Қўзғолончилар Андижон сари йўл олишиб, бу ердаги ҳарбий истехкомларни ва маъмурият биноларини бошқа ҳудудлар билан боғлаб турувчи телеграф симларини қирқиб ташлашган. Йул-йўлакка уларга Қутчи, Қорақўрғон каби қишлоқлардан ҳам кўп аҳоли қўшилган. Тез орада қўзғолончиларнинг сони 2 минг кишига етган. Улар кечки соат учларда Андижонга етиб келишган ва бу ердаги 20-Туркистон батальонининг иккита ротаси жойлашган ҳарбий лагерга ҳужум қилганлар. Қурол-яроқларнинг етарли бўлмаганлиги туфайли қўзғолончилар енгилиб, чекинишга мажбур булганлар. Лекин рус ҳарбийларидан ҳам 20 дан ортиқ жангчи ва зобитлар ҳалок бўлишган. Қўзғолончилар эса анчагина талофат кўриб, Қорадарё орқали Ҳакимобод тарафга чекинишган. 20 майда Андижондан 90 чақирим масофадаги Чорбоқ қишлоғида Мадали эшон қўлга олинган ва 12 июнда дорга осиб улдирилган.

Лекин, қўзғолон янада кучайиб, тез орада бутун Фарғона водийсига тарқалди. Айниқса, Андижон, Маргилон, Ўш ва Наманган аҳолиси қўзғолонда фаол иштирок этишган. Мингтепадаги галаён билан деярли бир вақтда Новқатдаги Оқтерак қишлоғига ўш уездининг қорақўлсой, Томчибулоқ, Япалоқ қишлоқларидан 300 га яқин киши тўпланган. Бирорта ҳам милтиққа эга бўлмаган халойиқ, асосан пичоқ, сўйил ва таёқлар билан қуролланган ҳолда Ўшдаги ҳарбий гарнизонга ҳужум қилишга ҳозирлик кўра бошлашган. Уларга Оморбек Алим угли етакчилик қилган. Лекин собиқ бўлиш Қорабек бу ҳақда Ўш уездининг бошлиғига маълумот етказишга улгурган эди. Тез фурсат ичида зарур чора-тадбирлар кўрилиб, Оморбек Алим угли, унинг ёрдамчиси Сатибой Рахимбой угли ва уларнинг 53 сафдоши қамоққа олинди.

Сусамир бўлишлиғига қарашли Кетмонтепа қишлоғида ҳам исёнга мойил аҳоли тўплава бошлаган. Уларга Шодибек Шерг-

ози угли бошчилик қилган. Қўзғоловчилар Андижон тарафда бошланган исён хабарини эшитиб, уша ёққа йул олишган. Лекин уларга қарши юз кишидан ортиқ жангчига эга бўлган, яхши қуролланган ҳарбий гуруҳ юборилган. Шодибек етаклаган 50 дан ортиқ киши қўлга олинди, Наманганга ҳайдаб кетилган. Шодибек Шергози ўгли умрбод муддатга, унинг ёрдамчилари Умотали Боғишбек ўгли ва Толобой Бешкамбир ўгли эса йигирма йилдан сургун жазосига ҳукм қилинди. Булардан ташқари яна 54 киши етти йиллик муддатга Сибирга сургун қилинган бўлиб, улар сафида тўхматга учраб, ноҳақ тарзда қўлга олинган шоир Тоқтагул Сатилганов ҳам бўлган.

Шундай қилиб, кўзга кўринган йулбошчига ва узаро бирдамликка эга бўлмаган ҳаракат кенг қулоч ёя олмасдан тез орада мағлубиятга учради.

Қўзғоловни шафқатсиз суръатда бостириш мақсадида, Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳарбий кучлари мунтазам жунатилиб турилган. Ҳаммаси бўлиб 777 киши қамалган бўлиб, улардан 415 таси суд жавобгарлигига тортилган, 18 киши дорга осилган, 362 киши узоқ муддатларга сургунга ҳайдалган.

Гарчи кўзғолов мағлубиятга учраса-да, халқнинг озодликка бўлган умиди сўнмади. Қўзғолов Чор Россиясининг Туркистондаги мустанлақчилик ҳамда миллатчилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ нафратининг ифодаси сифатида улкан аҳамиятга эга бўлди.



Ҳибсага олинган қўзғоловчилар (бурчакдаги алоҳида суратда қўзғолов етакчиси тасвирланган). 1898 й.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Туркистон ҳарбий округи суди ҳарбий прокурорининг  
Андижон қўзғолони тўғрисидаги маълумотида. 1898 й.

«... Маҳаллий бошқарувчилар рус ҳукуматининг уларга билдирган ишончини оқламадилар. Ҳолбуки, булушларни, старшийларни, элликбоши ва халқ судларини эркин сайлаш ҳуқуқи уларга шўом этилган эди.... 18 майга утар кечаси юз берган қайғули воқеалар кимнинг ким эканлигини яққол кўрсатди: маҳаллий халқнинг вакилларида улуг Россия олдида ўз бурчини яхши англаган учтагина киши топилди... Улар — Уш уезд бошлиғига тайёрланаётган ҳужум тўғрисида маълумот берган Қорабек Ҳасан угли, яширинган қўзғолончилар ҳақида Марғилон уезди бошлиғига хабар етказган Абдиқодир, Мингтепалик Эшон Муҳаммадали бошлашга ҳозирлик кураётган фалокат ҳақида асакалик приставга хабар берган Нишомиддин Мақсуддиқлар.

Маҳаллий халққа сайлов ҳуқуқини беришни зарарли деб ҳисоблайман...

Қўзғолоннинг сабабини у ёки бу рус бошқарувчисининг номақбул ҳаракати натижаларидан эмас, балки бошқарувнинг у ёки бу чора-тадбирларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилувчи умумдавлат сиёсатининг замиридан қидирмоқ лозим...».

1916 йилги  
қўзғолон

Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик ва миллатчиликдан иборат сиёсатининг натижаси улароқ, XX асрнинг бошларига келиб ўлкани руслаштириш жараёни янада авж олди.

Ўлка генерал-губернаторининг вилоят ҳарбий губернаторларига 1911 йил 31 октябрдаги кўрсатмасида келтирилган ушбу сўзлар буни яққол исботлайди:

“Маҳаллий халқ бизни истиқболда рус деҳқонларининг хизматини бажарадиган материал сифатида қизиқтиради, шундай экан, уларнинг қонига умуман барча русларни ҳурматлаш туйғусини сингдирмоқ лозим, агар кимда-ким бунга буйсунишни ис-тамаса, у ҳолда еридан маҳрум бўлиб, гадойликда ўлади ёки Россия улар билан умуман, видолашади”.

Қўзғолоннинг асосий сабабларидан бири, ўлкага рус деҳқонларининг кўплаб кўчириб келтирилиши ва уларни жойлаштириш жараёнида қирғизларга нисбатан зўравонларча муносабатда бўлинганлиги эди. Россиянинг марказий районларидан рус деҳқонларини кўчириб келтириш ишларига 1896 — 1916 йиллар давомида 237 млн. 310 минг 236 рубль сарфланган. 1916 йилга келиб Туркистон улқаси аҳолисининг атиги 6 фоизини ташкил этган русларга ҳайдов ерларининг 57,7 фоизи ажратиб берилган. Аҳолининг 94 фоизини ташкил этган маҳаллий халқлар эса яроқли ерларнинг 42,3 фоизига эга бўлган, холос.

Кўчириб келтирилган деҳқонлар маҳаллий қирғизларни одам урнида кўрмай, уларга нисбатан таҳқирли муносабатда бўлганлар. Сугориш гоят қулай бўлган сув боши ҳудудларни эгаллаб олганларидан сўнг, руслар қирғиз деҳқонларига сув бермай, уларни ўз ерларини ташлаб кетишга мажбур этганлар. Қирғизлар билан олиб борилган савдо-сотиқ муносабатларида ҳам гоят адолатсизликка йўл қўйилган; руслар чорвадор қирғизларнинг

камбагаллашуvidан фойдаланиб кузги кузиларни 80 тийиндан, бузоқни эса 1—1,5 сумдан сотиб олганлар. Маҳаллий халқнинг қулидаги чорва молларини ҳар-хил баҳоналар билан тортиб олиш ҳоллари кучайган.

Подшо ҳукумати маҳаллий халқнинг қаршилигини барта-раф этиш мақсадида кучириб келтирилган деҳқонларни ҳам қуроллантириш ва улардан ҳарбий куч сифатида фойдаланиш-ни режалаштирган. 1891 йилнинг 29 ноябридаёқ кучириб келтирилган деҳқонларни қуроллантириш тўғрисида расмий қарор қабул қилинган. Биргина Сирдарё вилояти маъмурияти ана шу мақсад учун 1500 та милтиқ олган. Рус деҳқонларини қурол-лантириш айниқса, Андижон қўзғолонидан сўнг авж олган. 1898 йили Еттисув вилоятида келгиндиларга 300 дона милтиқ ўқ-дориси билан тарқатилган. 1901 йилги расмий маълумотлар бўйи-ча Туркистондаги кучириб келтирилган деҳқонларнинг қулида жаъми 18,7 минг дона милтиқ ўқ-дориси билан бўлган. 1916 йилги қўзғолон арафасида Еттисувдаги келгинди деҳқонларнинг 43 фоизи қурол билан таъминланган эди.

Демак, кучириб келтирилганларнинг кекса ёшдаги ёки аёл-лар ва болалардан ташқари қурол кутаришга яроқли бўлган қисми тўлиқ қуроллантириб бўлинган эди. Ўз ери учун кураш-ган қирғизларни отиб ташлаш одатий ҳолга айланди.

1914-йили бошланган биринчи жаҳон уруши ва Чор Россия-сининг урушда иштирок этиши мустамлака исканжасида сақла-наётган халқнинг аҳволини янада оғирлаштириб юборди. Қир-ғиз халқи ҳам Туркистоннинг бошқа мазлум халқлари каби фронтга пул, кийим-кечак ва отлик қўшин учун йилқиларни юбориб туришга мажбур этилди. Подшо Николай II нинг 1916 йил 25 июндаги Туркистон халқларидан фронт ортидаги қора ишларга мардикорлар олиш тўғрисидаги фармони халқнинг сабр косасини тулдириб юборди.

Подшонинг мазкур фармонига кўра Сирдарё вилоятига — 60 минг, Самарқанд вилоятига — 32470, Фарғона вилоятига — 51233, Еттисув вилоятига эса — 43 минг кишини жўнатиш маж-бурияти юклатилди.

Мустамлакачилик зулмининг азоб-уқубатларига аранг чи-даб келаётган Туркистоннинг мазлум халқлари энди қўлга қурол олишга мажбур бўлдилар. Ўлкада миллий-озодлик кураши бош-ланди.

*Қўзғолон 1916 йили 4 июлда Самарқанд вилоятининг Хужанд шаҳрида бошланди ва тез орада Сирдарё ҳамда Фарғона вилоят-ларига тарқалди. Июль ойида Фарғона вилоятида юз берган қўзғолонда қирғизлар фаол иштирок этдилар. Андижон уездида аҳоли подшонинг фармонига бўйсунишдан очиқ-ойдин бош тортиб, рус маъмуриятининг вакилларига ва уларга хизмат қилаётган ма-ҳаллий бошлиқларга ҳужум қилганлар, мардикорликка жўна-тиш учун тузилган рўйхатларни тортиб олиб, куйдириб юбор-ганлар. Қўзғолонда Қўқон ва Наманган уездларининг тоғли*



✓ худудларида яшовчи қирғизлар ҳам фаол иштирок этишган. Наманган уездида кўтарилган қўзғолонга *Таласбай Алибаев* етакчилик қилган.

Озодлик ҳаракати Кетмонтепа, Чотқол, Тоғуз-Торо худудларига ҳам кенг тарқалди. Ўш уездида содир бўлган қўзғолон июль ойининг бошларида, Сулаймон тоғ этакларида 10 мингга яқин киши иштирок этган йигиндан сўнг бошланди. Ўзганда юз берган қўзғолон ҳам кескин тарзда ушиб борди. Августнинг бошларига келиб Жанубий Қирғизистоннинг кўпчилик худудларини озодлик ҳаракати қамраб олди.

Қирғизистоннинг жанубидаги қўзғолонлар Туркистоннинг бошқа худудларидаги ҳаракатлардан фарқли равишда, гоёт кескин тарзда давом этди. Бу ердаги кураш бевосита қуроли туқнашувларга айланиб, яхши қуроолланган ва таълим курган мунтазам қисмларга қарши маҳаллий қирғизлар билан биргаликда ўзбеклар, қозоқлар, уйғурлар, тунговилар ҳамда бошқа халқларнинг вакиллари ҳам мардонавор кураш олиб бордилар.

✓ Еттисув вилоятидаги қўзғолон ҳам 1916 йилнинг 10 июлида Каман-Қарагай деган худудда турли хил қавмларнинг вакиллари тўпланган йигиндан сўнг бошланди. Йигинда мардикорликка одам юбормаслик, балки қўлга қуроол олиб, подшо ҳокимиятига қарши курашиш лозимлиги тўғрисида келишиб олинди.

Июнь ойида бошланган қўзғолон августга келиб шиддатли тус олди. Шимолий Қирғизистонда кўтарилган қуроолли қўзғолонни биринчилардан бўлиб кеминлик қирғизлар бошлашган.

✓ Қўзғолончилар ўзларининг етакчилари *Муқуш Шабдан ўғлини* хон деб эълон қилдилар. Бундай тартиб маҳаллий халқнинг онгги-шуурига сингиб қолган қадимий одатларнинг узвий давоми бўлиб, маҳаллий катта ер эгаларининг кўпчилиги мустамлакачилик зулми авж олиб турган кезларда халқ билан бирга бўлишган ва шунинг учун эл-юртнинг ишончи ва ҳурматини қозона олишган эди.

✓ 8 августда Тоқмоққа яқин бўлган овулларнинг халқи қўзғолон кўтарган. 9 август кун *Ибрайим Тулу ўғли* етакчилик қилган қўзғолончиларнинг фаол гуруҳи Иссиқкўл сари кетаётган қўшинни қуршовга олиб, 178 дона милтиқ ва 30 мингдан ортиқроқ ўқ-дори юкланган аравани қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Ана шундай бир вазиятда Сарибог'иш ва Отаке волостликларидан чиққан қўзғолончилар Кеминдаги Новороссийское қишлоғини ҳамда рус казакларининг Самсоновка станциясини қамал қилганлар. Августнинг ўрталарида Пишпек уездининг 12 та волостлигини қўзғолонлар қамраб олган Иссиқкўл ва Таласда ҳам ҳаракат кенгая бошлаган.

✓ Тангритогдаги қирғиз уруғлари ҳам қўзғолонларда фаол иштирок этишган. Қўчқор худуди бу ердаги ҳаракатларнинг марказига айланган. Қўзғолончилар волост бошлиғи *Қанат Убуке ўғлини* хон деб эълон қилишган ва унинг қўл остида курашишга оят ичишган. Унинг қўшини 2 — 3 минг кишига яқин бўлиб,



Қанатхон

30 — 40тача бардангке, биятон, қушоғизли пилик милтиқлар ҳамда асосий купчилиги найза ва ойболталар билан қуролланган эдилар. Қанатхон қушини августнинг бошларида Шамши довоғи орқали Чуйга отланган.

Қанатхоннинг яқинлари орасида стратегик уруш олиб боришни биладиган, сиёсий дунёқараши кенг ва билимли кишилар бўлмаган. Унинг асосий маслаҳатчилари миллатчи манаплар ва “кофирни улдирсанг жаннатга кирасан” деб таълим берувчи чаласавод муллалардан иборат булган. Қўзғолончилар Чуй водийсига тушиб келиб, йулда дуч келган рус қишлоқларини талаш ва қиргин қилишга киришганлар. Қанатхон қушинлари тез ора-

да эски Тоқмоқни босиб олишга муваффақ булишган, улар катта Тоқмоқ шаҳрини ун кунга яқин муддат, яъни 13 — 22 август кунлари қамал қилиб турганлар.

Қўзғолончилар Олмаота ва Тошкентдан юборилган 1600 кишилик жазо қушинлари билан булган тўқнашувда жиддий талафотга учраб, чекинишга мажбур булганлар.

Исиқкўл буйларидаги қўзғолонлар ҳам шиддатли тусда кечган. 5 августда бошланган ҳаракат тез орада бутун Исиқкўл ва Қарқира ҳудудларини қамраб олган. Қарқира қўзғолонида қирғизлар билан биргаликда қозоқлар, уйғурлар ва тунгонилар ҳам фаол иштирок этишган. 11 августда қирғиз ва тунгониларнинг биргалашган кучлари Қоракўлга ҳужум қилишган. 13 — 14 август кунлари Челпак ва Бўрибош овулларида яшовчи сарқалмоқлар ҳам қўзғолонларда фаол иштирок этганлар.

Қўзғолонларнинг бостирилиши ва тарихий аҳамияти

✓ Қўзғолонлар тўлқини бошланиши арафасидаёқ унинг Туркистонга ёйилишидан хавфсираган подшо ҳукумати фронтдан генерал А.Н.Куропаткинни чақиртириб олди

ва у Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланди. 1916 йилнинг 17 июлидан Туркистонда ҳарбий ҳолат жорий этилди ва ҳарбий вазирнинг буйруғи билан улкага 11 та батальон ҳамда 3300 кишилик рус казаклари корпуси жўнатилди.

Подшо ҳукумати Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги қўзғолонларни июль ойининг охирига келиб бостиришга муваффақ булган.

Еттисув вилоятида эса аҳвол бирмунча узгачароқ эди. Бу ҳудудда кучириб келтирилган рус деҳқонларининг сони ҳам бошқа вилоятлардагидан кўпроқ бўлиб, маҳаллий халқ вакиллари миллий зулм ва ер-сув масаласидаги камситилишларга кўпроқ дучор этилган эди. Еттисувдаги галаёнлар Туркистоннинг бо-

шқа хуудларидан кечроқ бошланганлиги сабабли, улка маъмурияти ўз ҳарбий кучларининг аксариятини Еттисувга юбориш имкониятига эга бўлди. Тез орада генерал-губернаторлик ихтиёридаги ҳарбий кучлардан 6530 кишилиқ қўшин Еттисувга юборилди, улардан 1105 таси отлиқ қўшинлар эди. Кейинчалик ҳарбий вазирликнинг буйруғи билан жаҳон уруши фронтларидан яна қўшимча 2 та рус казаклари полки, 240 кишилиқ отлиқ разведкачилар қисми, 16 та замбарак ва 47 пулемёт ҳам Еттисувга юборилган. Булардан ташқари, юқорида эслатиб ўтилганидек, келгинди рус деҳқонларининг 43 фоизи қурол-яроғ билан таъминланиб бўлинган эди. 1916 йилнинг 15 августида Еттисув ҳарбий губернатори М.А. Фильбаум қўзғолонларни бостириш учун қуролланган рус деҳқонларидан отлиқ ва пиёда қисмларни тузишга буйруқ берди. Туркистон генерал-губернатори А.Н. Курапаткиннинг 1916 йилнинг 12 августидаги буйруғи билан вақтли ҳарбий-дала судлари ташкил этилди. Бу — энг аввало қўзғолончиларни жазолаш жараёнларини енгиллатиш ва тезлатиш учун қўрилган чора эди.

Оддий қурол-яроғлар, асосан уроқ, чолги, найза, қилич ва сўйиллар, ҳамда оз миқдордаги милтиқлар билан қуролланган тарқоқ қўзғолончиларни бостириш рус қўшинлари учун унчалик қийинчилик тугдирган эмас. Лекин, қўзғолонларни бостириш жараёнида рус ҳарбий қисмлари ва уларга ёрдам берган кучлар гоят шафқатсизлик кўрсатиб, ҳеч бир айбон халқни ҳам қонга ботирганлар.

Августнинг охириларига келиб, Пржевальск (Қорақўл) га яқин булган жойда қўзғолончилар ва жазо қисмлари ўртасидаги сўнгги йирик тўқнашув бўлиб ўтган. 21 августда содир бўлган ушбу жангда 4 мингга яқин қўзғолончилар ўнг ва чап қанот қисмларга бўлинган ҳолда душманга бир қатор ҳужумларни уюштирганлар. 28 август куни Тупдаги тўқнашувда эса қўзғолончилар сони 7 минг кишига етган. Сентябрь ойига келиб, рус қўшинлари билан юз берган кичик тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, қўзғолонлар деярли бостирилган.

*Подшо ҳукумати қўзғолончиларни аёвсиз жазолаш, уларнинг мол-мулкни тортиб олиш, қўзғолонлар юз берган овулқишлоқларни куйдириб, ер билан яксон қилиш тўғрисида кўрсатмалар берган.* Келгинди деҳқонларга эса қўзғолонлар натижасида кўрилган зарарни маҳаллий халқнинг мол-мулки ҳисобига ундириб олиш ҳуқуқи берилган. Ҳарбий-дала судлари қўзғолон иштирокчиларини отувга ҳукм қилганлар ва бу ҳукмлар уша заҳотиёқ ижро этилган.

Жазо қисмлари ва уларга ёрдам кўрсатган келгинди деҳқонлар қўзғолонларда иштирок этмаган аҳолини ҳам ваҳшиёна жазолайверганлар. Масалан, биргина Беловодскийда маҳаллий қирғизлардан 500 дан ортиқ кишини, асосан қариялар, аёллар ва болаларни қўзғолонда қатнашган, — деган сохта айблов билан қўрага қамаб, эртасига устидан ут қўйиб қириб ташлаганлар.

Ана шундай аянчли воқеалардан бири Иссиқкулнинг юқори қисмидаги Теплоключенко қишлоғида ҳам юз берган: бу ерда 500 га яқин аҳоли улдирилиб, уларнинг 100 дан ортиги Оқсув дарёсига ташлаб юборилган. Пржевальск шаҳрида эса 700 га яқин маҳаллий тунгонилардан атиги 6 киши тирик қолган.

Бутунлай қирилиб кетиш хавфи остида қолган қирғизлар, сентябрнинг охирларида туғилиб ўсган ерларини ташлаб Хитойга қараб қоча бошлаганлар.

Жон талвасида қўлга илинган нарсани, омон қолган мол-мулкни олиб, бегона юртга бошпана умидида йўлга чиққан аҳоли жазо қисмлари ва келгинди деҳқонлар таъқибига учраб, мол-мулки таланиб, ўзлари эса аёвсиз отиб ўлдирилган. Бу ҳудудларда қиш эртaroқ келганлигидан, оч-ялангоч кишилардан кўпчилиги йўлларда совуқ еб, муз босган қоялар орасида ўлиб кетганлар.

✓ Хитой манбааларидан олинган маълумотларга қараганда Етисув вилоятидан 164 минг киши Хитойга қочган бўлиб, улардан 130 мингги қирғизлар бўлган. 1916 йилги қўзғолонлар натижасида қирғизлардан 200 мингга яқин киши ҳалок бўлган ва бунинг натижасида Шимолий Қирғизистоннинг халқи 41,4 фоизга камайиб кетган.

Шундай қилиб, қирғизларнинг миллий-озодлик кураши мағлубиятга учраган ва ваҳшиёна таразда жазоланган. Гарчи қўзғолон енгилган бўлса-да, улкан тарихий аҳамиятга эга бўлди. Аввало маҳаллий халқ вакиллари умумий душманга қарши биргаликда ва уюшган таразда курашиш лозимлигини англаб етдилар, қолаверса, подшо ҳукуматининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати қаттиқ зарбага учради.

Умуман, подшо ҳукуматининг миллатчилик асосига қурилган мустамлакачилик сиёсати, турли хил адолатсиз солиқлар, ижтимоий камситишлар халқнинг ҳақли норозилигига, нафратига учради ва бу истиқболда миллий-озодлик курашларини келтириб чиқарди. Туркистон халқларининг XIX аср охирларидаги биринчи йирик исёни шубҳасиз, Андижон қўзғолони бўлди. Ушбу қўзғолон ўз моҳиятига кўра чинакам халқ қўзғолони эди. Гарчи, бу қўзғолон мағлубиятга учраган бўлса-да, у ўлка халқлари миллий дунёқарашининг ўсишига кучли таъсир кўсатди ва истиқболдаги миллий-озодлик ҳаракатлари учун замин ҳозирлади.

1916 йилги миллий-озодлик кураши эса XX аср бошларидаги Қирғизистон халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг аҳамиятли воқеалардан бири бўлди. Туркистондаги қардош маҳаллий халқларнинг умумий кураши тусини олган ушбу ҳаракат ҳам гарчи гоят шафқатсизлик билан бостирилган бўлса-да ўлкадаги мустамлакачи ҳокимиятнинг заминиға кучли болта урди.

Халқ озодлик учун курашининг аччиқ тажрибаларига эга бўлди. *Қирғиз халқининг бу кураши, аждодларидан мерос бўлиб келган, ўз заминиға эга булиш учун, озодлик ва тенглик учун олиб*

*борилган қутлуг кураш сифатида Қирғизистон тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бири булиб қолади.*

**Қирғиз халқининг миллий-озодлик кураши юзасидан тарихчиларнинг фикрларидан:**

**К. Усовбаев:**

“Турғунлик йилларида тарих фанига нисбатан пала-партиш ва бирёқлама муносабатнинг оқибати улуроқ, миллий-озодлик кураши тўғрисидаги хотиралар йўққа чиқарилди, қирғиз халқи эса қўй оғзидан чўп олмаган, мўмин-қобил, нари борса мустамлакачилик зулмининг таёқчаси бўлишга арағ яраган мажруҳ бир халқ сифатида гавдалантирилди. Унинг озодликка йўғрилган табиати тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолиб, мутахассесе тарихчиларга 1873-1876 йиллари Қўғондаги қўзғолоннинг ... салбий ва халққа ёт булган моҳиятини гавдалантириш тўғрисидаги... уй-фикрлар тавсия қилинган”.

**Ж. Абдураҳмонов:**

“Қирғиз халқининг асосий қисми яратувчанликнинг бевосита шарти булган ер, сув ва ййловлардан маҳрум этилганлиги, халқнинг қаддини буккан гадойлик, очликдан қирилиб кетишнинг муқаррарлиги, қулоқларнинг, подшо маъмуриятининг, судхурларнинг, бойманапларнинг ва шу каби эзувчиларнинг умумий азоб-укубатларидан қутулишни орзу қилиш — ана шулар 1916 йилги қўзғолонларнинг асл сабаблари булган. Меҳнаткаш халқнинг нафрати худди порох тўлдирилган бочка янглиг ҳолатга тушиб қолган, унинг портламоғи учун биргина учқун кифоя қилар эди. Қирғизларни мардикорликка олиш ана шу “учқун” ни юзага келтирди”.

**И. Кузьмин:**

“1916 йилги қўзғолон “эзилган ва авом халқнинг” одатий исёни эди, чунки миллий-озодлик ҳаракати учун зарур булган шарт-шароитлар ҳали этилмаган эди”.

**Т. Рискулов, Ж. Абдураҳмонов:**

“Қўзғолонни тугдирувчи ёт таъсирлар булган эмас, манапларнинг (Мукуш Шабданов, Батирхон Ногоев, Қанат Убике угли (Абукин), Султон Далбаев ва бошқа) фаол ҳаракатлари, амалда “барча туземдикларнинг” манфаатларига тула мос келган...барча рус хужаликлари амалда мустамлакачи табиатга эга булганлар, шунинг учун қўзғолон барча русларга қарши йўналтирилган”.

**С.Т. Табишалиев, Ж. Жунушалиев, К.А. Токтомушев:**

“Қўзғолон русларга қарши ҳаракат булиб, рус кишинига қарши хусусиятга эга эди”.

**А. Жумагулов:**

“Қўзғолон энг бошданок мағлубиятга маҳкум этилган, ундан қўзланган мақсад эса қирғизлар ва бошқа халқларнинг мафаатларига мос тушмас эди”.

**Ж. Жунушалиев, Е.А. Макаров:**

“Ҳақиқат учун олиб борилган умумхалқ кураши ёйдош яшаган маҳаллий халқларни сонсиз азоб-укубатларга гирифтор қилган, қўзғолон қирғиз жамияти учун тескари оқибатларга олиб келган”.

**С.Т. Табишалиев, К.А. Токтомушев:**

“Октябрь инқилобига қадарли қирғиз халқни миллат сифатида шаклландириш эди. Шунинг учун ушбу қўзғолонни миллий-озодлик ҳаракати сифатида баҳолаш ярамайди”.

## САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Андижон қўзғолони ҳақида нималарни айта оласизлар?
2. 1916 йилдаги қўзғолоннинг қандай сабаблари мавжуд?
3. Подшо ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг кучайишинималарда намоён бўлган?
4. Қўзғолон қачон бошланган ва қандай тартибда давом этган?
5. Шимолий Қирғизистондаги қўзғолонларнинг ўзига хосжиҳатлари нималарда акс этган?
6. Қўзғолон қандай сабабларга кўра мағлубиятга учраган? Қўзғолончиларни қандай жазолаганлар?
7. Қўзғолоннинг тарихий аҳамияти ҳақида айтиб беринг.
8. 1916 йилги қўзғолон ҳақида тарихчи олимларнинг фикрларини мушоҳада этинг. Ушбу масала юзасидан нима учун қарама-қарши фикрлар айтилган?

## ҚИРГИЗИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА МУСТАҲҚАМЛАНИШИ

### 5-§. ПОДШО ҲОКИМИЯТИ АҒДАРИЛГАНДАН КЕЙИНГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

Февраль инқилобининг 1917 йили *Россияда содир булган буржуа-демократик руҳдаги февраль инқилоби империя таркибида яшаган барча халқларнинг ҳаётида улкан аҳамият касб этди.* Мазкур инқилоб туфайли подшо ҳукумати бекор қилиниб, барча халқлар сиёсий мустақилликка эга бўлдилар. Сиёсий партиялар яширин ҳолатдан очик фаолиятга, матбуот органлари эса эркинликка эга булганлар. Инқилобнинг асосий талаблари демократик республиканинг эълон қилиниши, ернинг давлат тасарруфига утиши, саккиз соатлик иш кунининг эълон қилиниши кабилар мазлум Қирғизистон халқларининг ҳам хоҳиш-иродасига тўлиқ мос келар эди.

Февраль инқилобининг галаба қозонганлиги тўғрисидаги хабар Қирғизистонга март ойининг бошларидагина етиб келди. Пишпек, Уш каби уезд марказларида, кўмир конларида, Чуйдаги сугориш тармоқларида ва ишчилар синфи кўпчиликини ташкил этган бошқа жойларда оммавий митинглар ва намойишлар уюштирилди. Намойишчиларнинг подшо ҳоқимиятини бекор қилиш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш, урушни тўхтатиш, сиёсий маҳбусларни озод этиш каби илгор талабларни олдинга сурдилар.

11 март куни Пишпек турмаси олдида уюштирилган митингдан сўнг 130 сиёсий маҳбус, Қорақўлда 34 маҳбус, 10 март куни Уш шаҳридаги митингдан сўнг 300 киши қамоқдан озод этилди. Уларнинг орасида 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатларида қатнашганлиги учун қамалган кишилар ҳам бор эди.

✓ 1917 йилнинг 6 март куни Қизилқия конларидаги шахтёрлар ишчи депутатларнинг *Кенгашларини* тузганлар. 16 мартда Сулукту конларидаги шахтёрлар ҳам уз Кенгашларининг тузилганлигини эълон қилдилар. Ишчи Кенгашлари билан бир вақтнинг ўзида Қирғизистоннинг кўпчилик шаҳарларида ва ҳарбий қисмларда *аскар депутатларининг Кенгашлари* ҳам тузилиб, улар ишчи кенгашлари билан бирика бошлаганлар.

✓ 6 – 7 март кунлари Пишпекда, 14 мартда Ушда аскар депутатларининг Кенгашлари тузилиб, кейинчалик бундай Кенгашлар Токмок, Норин ва Пржевальскда ҳам вужудга келган.

*Вақтли ҳукуматни қўллаб-қувватлаган буржуазия ва йирик ер эгалари ҳам ишчи-аскар Кенгашлари билан бир вақтда узларининг Ижрои қўмиталари ҳамда Жамият хавфсизлик қўмиталари* деб номланувчи ҳокимият органларини туза бошлаганлар. Булар аслида Вақтли ҳукумат номидан иш юритувчи эски подшо маъмуриятининг сиёсатини давом этказувчилар эдилар.

7 мартда Пишпекда Ижроия Қўмита тузилди. Унинг таркибида кўпчилик уринларни буржуа вакиллари ва эски подшо ҳукуматининг амалдорлари эгаллашган. Қўмитага меньшевик ва эссерлар партиясининг аъзолари ҳам кирганлар. Ана шундай қўмиталар Фарғона вилоятида, Ўшда, кейинчалик волостлар ва овулқишлоқларда ҳам тузила бошлаган. Маҳаллий бой-манаплар ва қулоқларнинг кўпчилиги ана шу қўмиталар таркибидан жой олишган.

Февраль инқилоби оммага сиёсий эркинликларни берганлиги билан Россия тарихида улкан аҳамиятга эга бўлсада, лекин ўз олдига қўйган асосий вазифаларни: халқ оммасига орзу қилиб келган ер ва тинчлик масаласини, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш масаласини ижобий ҳал эта олмади.

Собиқ Чор Россиясининг кўпчилик чекка улкалари каби Ўрта Осиёда ҳам *подшо ҳукумати ўрнатган миллий-мустамлакачилик зулми йўқолган эмас*. Вақтли ҳукуматнинг бошлиги бўлган Керенский эса ушбу масала ҳақида фикр билдириб, Туркистонга фақат мустамлака сифатида ёндошиш зарурлигини таъкидлади.

Туркистоннинг собиқ генерал-губернатори Куропаткин, эндиликда Вақтли ҳукумат комиссари сифатида улкани бошқаришда давом этди. Вилоят ҳамда уездларда ҳам илгарги ҳарбий губернаторлар ва уезд бошлиқлари узларининг бошқарув ҳуқуқларини сақлаб қолдилар.

Шимолий Қирғизистонни ўз ичига олган Еттисув вилояти комиссарлигига, Пржевальск уездида кўчириб келтирилганларни жойлаштириш бошқармасининг собиқ етакчиси Шеболин тайинланган.

1916 йилги халқ ҳаракатини қонга ботирган жаллодлар, жумладан, поручик Занемовский Пишпекка, Дряхлов Ўшга, Ходосов Пржевальск уездларига комиссар этиб тайинландилар. Улар бундан кейин ҳам буюк давлатчилик шовинизмини, миллатчилик ва маҳаллий халқлар уртасига низо-адоват солишдек гаразли сиёсатни давом эттиришга ҳаракат қилдилар.

Маҳаллий халқнинг илгор вакиллари мустамлакачилик зулмини бартараф этиш, миллий тенглик ўрнатиш учун миллий-озодлик руҳидаги кучларни уюштирган ҳаракатларга бирика бошладилар. Масалан, 1917 йилнинг апрель ойида Пишпекда қирғиз жамияти қўмитаси тузилган. Бундай қўмиталар Шимолий Қирғизистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлиб, уларни илгари подшо ҳукуматида хизмат қилган манаплар ва бойлар бошқаришган. Август ойида Ўшда *Мусулмон хизматчи-*



лари ва чорикорлари депутатларининг Кенгаши тузилган. Лекин миллий манфаатларни ҳимоялаш учун тузилган бундай кенгашлар узларининг яхши уюшмаганлиги оқибатида кучли сиёсат юритишга қодир бўлмай тутуриқсиз бир ҳолатда иш олиб боришган. Шундай қилиб, *Қирғизистонда Россиянинг марказидан фарқли ўлароқ ишчи ва аскар депутатлари Кенгашлари, Вақтли ҳукумат қўмиталари ва миллий хусусиятдаги Қирғиз жамияти қўмиталаридан иборат уч хил ҳокимият вужудга келди*. Булар ўртасидаги ўзаро ички алоқаларни кучайтириш ва ҳокимиятни биргалашиб бошқариш тўғрисидаги ҳаракатлар ҳеч бир натижа бермади. Ҳокимият амалда Вақтли ҳукумат қўлида қолаверди.

Россиядаги буржуа-демократик инқилоб галаба қозонгани билан улкадаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилгани йўқ. Меҳнаткаш халқ учун ваъда қилинган эркинлик таъминлангани йўқ. Давом этаётган биринчи жаҳон уруши, Вақтли ҳукуматнинг зарарли сиёсати натижасида юртнинг аҳволи янада оғирлашди. Февраль инқилоби Қирғизистон учун гоёта аҳамиятли бўлган миллий ва аграр муаммоларни ҳал этмади.

1916 йилги қўзғолонлар натижасида халқ хужалиги оғир йўқотишларга дучор бўлди. Халқнинг мол-мулки талон-тарож қилиниши охир-оқибатда озиқ-овқат кризисини янада кучайтирди. Саноат ишлаб чиқариши суръатларининг пасайиб кетиши натижасида ишчилар сийфининг аҳволи кескин ёмонлашди. Буларнинг барчаси Вақтли ҳукумат олиб бораётган сиёсатдан норозиликнинг кучайишига олиб келди. Мардикорликка сафарбар қилинишдан бош тортишга ундовчи қақриқлар кўпайди.

Сиёсий фаолликнинг кучайиши натижасида Москвадаги "Проводник" ҳамда "Тушино" фабрикаларида ишлаётган 490 ўшлик қирғизлар, Минск губерниясидаги урмон кешиш ишларига жалб этилган ишчиларнинг катта гуруҳи, Туркистон ва Сибирдаги ишхоналарда мардикорликни ўтаётган кишилар Вақтли ҳукуматнинг рухсатсиз ўз ватанларига қайта бошладилар. 1917 йилнинг кузига қадарли 30 минг киши мардикорликдан қайтиб келди. Чуйдаги сугориш тармоқларида ишлаётган ишчилар ҳам иш ташлаш эълон қилишиб, ўз ихтиёрлари билан қайтиб кела бошлаганлар. Уларнинг ўрнига яна минг кишини юбориш тўғрисидаги буйруқ ҳам бажарилмай қолди. Аранг юборишга эришилган 300 кишидан 120 тасигина қурилиш майдонларига етиб келди, холос. Очлик ҳукм сураётган бир вақтда қурилишга жалб қилинган ишчилар озиқ-овқат билан таъминланиши мумкинлигига қарамасдан, аҳоли барибир мажбурий меҳнатдан бош торта бошлади. Мардикорликка сафарбар қилинганлар номидан Вақтли ҳукуматнинг сиёсатига қарши уюшган тартибда жавоб бериш мақсадида, 1917 йилнинг 2 июнида Тошкентда 800 киши иштирокидаги катта йигин ўтказилди. Унда уюштириш бюроси тузилган, Еттисув вилояти ҳарбий-губернаторининг ўзи ҳам 1917 йилнинг июнь ойидаги маърузасида но-

розилик ҳаракатининг янги тулкини яқинлашиб келаётганлигига иқрор бўлди.

Россияда подшо ҳокимиятининг ағдарилганлигини эшитган қочоқ қирғизлар ҳам Хитойдан ўз ватанларига қайтиб кела бошладилар. У ёқда ҳам дахшатли азоб-уқубатларга дучор этилган кишиларнинг бир қисми юртига етмай йўлда вафот этганлар. 1917 йилнинг май ойига келиб 64 мингга яқин қирғизлар ўз юртларига қайтиб келдилар. Улар янги ҳукуматнинг ўз ерларини қайтиб беришларига умид қилган эдилар. Уларнинг ҳақли талабларини ишчи ва аскар депутатлари Кенгашларигина ёқлаб чиққан.

Вақтли ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси қочоқларнинг ўз ватанларига қайтишларини таъқиқловчи буйруқни эълон қилган. Бундан рухланган рус қулоқлари ота юртига қайтиб келаётган оч-наҳор ва қуролсиз қирғизларни йўлларда тўсиб олиб, қириб ташлаган ҳоллар кўп бўлган. Баъзиларини эса ўз хужаликлариде қулларча ишлатишиб, кейинчалик “қўзғолончи” деган тўхмат билан ўлдириб юборишган. Эски подшо ҳукуматининг мустамлакачилик ва миллатчилик сиёсатини янги давомчиси бўлган Вақтли ҳукумат 1916 йилги қўзғолон иштирокчиларини жазолаш ва қўвғин қилишни кучайтирган.

**Қирғизистонда  
сиёсий ташкилот-  
ларнинг тузилиши**

1917 йилнинг баҳор ва ёз ойларига келиб, Қирғизистон халқларининг барча қатламлари сиёсий жараёнларда фаол иштирок эта бошладилар. Март ойида Сулуктуда, апрель — июнь ойларида эса Пишпек, Ўш ва Қизилқияда *социал-демократик уюшмалар* тузилди.

Ушбу уюшмаларнинг кўпчилигини эсерлар ва меньшевиклар бошқаришган бўлиб, ҳаракатга аъзо бўлган оддий кишилар уларнинг сиёсий мақсадларини ҳамма вақт ҳам яхши тушунавермаганлар. Бундай ҳолат аввало Қирғизистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қоқоқлиги, қолаверса, халқнинг сиёсий дунёқараши яхши ривожланмаганлиги, большевикларнинг сони оз эканлиги, уларнинг таъсир доираси анча заифлиги билан изоҳлаб келинган.

1917 йилнинг ёзида Пишпекда Абдукарим Сидиқов бошчилигида “Алаш” миллий партиясининг маҳаллий бўлими тузилган. Ушбу партия асли Қозоғистонда тузилган бўлиб, унга буржуа-демократик йўналишдаги қозоқ зиёлиларининг Алихан Букейханов ва Аҳмет Байтурсунов каби вакиллари етакчилик қилишган. “Алаш” партиясига қозоқ-қирғиз зиёлиларининг вакиллари, демократик кайфиятдаги майда буржуазия, бойлар, деҳқонлар ва ишчиларнинг бир қисми ҳамда уламолар аъзо бўлишган. “Алаш” партиясининг маҳаллий уюшмаларини тузиш ишига қирғиз зиёлиларининг Эшенали Арабаев ҳамда Қасим Тицистанов каби вакиллари катта ҳисса қўшдилар. Ушбу партиянинг уюшмалари асосан шимолий Қирғизистонда тузил-

ган. "Алаш" партияси 1920 йилда бекор қилинган ва унинг прогрессив вакиллари Совет ҳокимиятига хизмат қилганлар.

Қирғизистоннинг жанубида эса ўзбек ва қирғиз бойларини, зиёлилар ва уламолар вакилларини бирлаштирган "Шўро-Исломия" (Ислом кенгаши) партиясининг маҳаллий уюшмалари ташкил этилган. Бу уюшмалар кенг халқ оммаси ичида бирмунча кучли таъсирга эга эди. Ушбу партия Тошкентда тузилган бўлиб, буржуа Россияси таркибидаги Туркистон мусулмонлари миллий мухториятини тузиш гоёсини илгари сурарди. Партиянинг Қирғизистондаги маҳаллий уюшмасини Таш Худайбергенов бошқарган. Мазкур уюшма "Қўқон мухторияти" тор-мор этилгандан кейин (1818 йил) тарқатиб юборилган.

Қирғизистон ҳудудида Социал-Турон партиясининг ҳам маҳаллий уюшмаларини тузиш ҳаракати бошланган. Ушбу партияга асосан савдо буржуазиясининг вакиллари, ўқитувчилар, таржимонлар аъзо бўлишган. Партиянинг асосий мақсади — ягона турк мамлакатини тузишдан иборат бўлган. Социал-Турон партияси ҳали узил-кесил шаклланмай туриб, аксилинқилобий ташкилот сифатида бекор қилинган.

Қирғизистондаги овул-қишлоқларда яшовчи аҳолининг, айниқса, келгинди рус деҳқонлари ўртасида сўл эсерлар партияси ҳам бирмунча кучли таъсирга эга бўлган. Улар барча деҳқонларга ерни баробар тақсимлаб бериш гоёсини ўртага ташлаганлар. Сўл эсерлар ўзларининг ташвиқотларида агар улар ҳокимият тепасига келсалар ҳар бир деҳқон 30 гектардан ерга эга бўлажаги тўғрисида ваъдалар берганлар. Шунинг учун жойларда ушбу партиянинг уюшмалари ҳам фаолият олиб борган.

Юқорида номлари зикр этилган партияларнинг ҳар бири халқ оммасининг турли хил ижтимоий қатламларини ўз сафларига тортиш, ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш учун ҳаракат қилганлар. Мазкур партиялар энг аввало сиёсий ҳокимият учун кураш олиб боришган. Уларни кўпроқ халқ оммасининг бой, миллатчи ёки диндор қатламлари қизгин қўллаб қувватлаганлар. Бундай кишиларнинг баъзилари бир вақтнинг ўзида бир неча партияга аъзо бўлишган.

Мазкур йилларда оддий меҳнаткаш халқнинг манфаатларини кўзлаб фаолият юритадиган иттифоқлар ҳам вужудга кела бошлаган. Ана шулардан бири 1917 йилнинг май ойида Пишпек уездида тузилган "Камбагаллар иттифоқи" бўлиб, бу демократик уюшма ўз сафларида асосан камбагал ва ўрта ҳол деҳқонларни бирлаштирган.

"Камбагаллар иттифоқи" — Пишпек уездидаги камбагал ва ўрта ҳол деҳқонларни бирлаштирган демократик уюшма сифатида 1917 йилнинг май ойида Имам Кобоков ва Бахретдин Сокибевларнинг ташаббуси билан тузилган. Иттифоқ байналминал таркибга эга бўлиб, унга қирғизлардан ташқари қозоқлар, татарлар ва бошқа халқларга мансуб камбагал деҳқонлар аъзо бўлишган. Уюшманинг дастурида меҳнаткаш халқнинг манфаатларини қимоя қилиш, қирғиз халқининг сиёсий дунёқарашини устириш, жамият турмушини демократик нага

кучириш каби муҳим масалалар уз ифодасини топган. Иттифоқнинг ташкилий съезди 1917 йилнинг 9 — 10 сентябрида Пишпекда бўлиб ўтган. Съездда Иттифоқнинг бошқарув раислигига К. Сарикулаков, раис уриибосарлигига И. Кобокков сайланган. Съезд Иттифоқнинг уставини қабул қилган, Иттифоқ дошида кооператив тартибдаги мол-мулк жамияти ташкил этилган. 1917 йилнинг куз ойларига келиб мазкур Иттифоққа биргина Пишпек уездининг узидан 7 мингга яқин киши аъзо бўлган. “Камбағаллар” иттифоқи 1918 йилнинг май ойига келиб *Қирғиз пролетарлари иттифоқи* қилиб ўзгартирилган.

Ушбу йилларда Қирғизистонда ишчи-хизматчиларни касб-корига кўра бирлаштирган иттифоқлар ҳам мавжуд бўлган. 1917 йилнинг баҳорида Пишпекда Чуйдаги сугориш тармоқларининг, *қурилишларнинг ишчиларининг ҳамда кийим-кечак тикувчи усталарни бирлаштирган Ишчилар ва ҳунармандлар иттифоқи*, Қизилқия ҳамда Сулуктада *Кон ишчилари иттифоқи* каби уюшмалар ташкил топган. Булардан ташқари камбағал омманинг йирик уюшмаси ҳисобланган *Ишчилар ва чорикорлар иттифоқи* вужудга келган.

“Ишчилар ва ҳунармандлар иттифоқи” — Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш қизгин давом этаётган бир вақтда Шимолий Қирғизистонда ташкил этилган касаба иттифоқи уюшмасидир. Мазкур уюшма дастлаб 1917 йилнинг март ойида Пишпекда ҳунармандлар уюшмаси сифатида шакллана бориб, апрелда иттифоқ сифатида ташкил топган. Уюшманинг мақсади ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш орқали улканинг сиёсий ва иқтисодий тараққиётига ёрдам бериш бўлиб ҳисобланган. Иттифоқ аъзолари асосан шаҳарлик ишчи ва ҳунармандлар ҳамда Чуйдаги сугориш тармоқларида меҳнат қилаётган қурувчилардан иборат бўлган. Мазкур Иттифоқ большевиклар партиясининг сиёсий ҳокимият учун олиб борган курашларида унга зўр мадад кўрсатган.

“Ишчилар ва чорикорлар иттифоқи” — Февраль инқилобининг маглубиятидан сўнг Ўш уездида маҳаллий ишчилар ва қишлоқ камбағалларининг уюшмаси сифатида ташкил топган.



Сарикулаков Кожомурат

Унинг сафларини асосан қирғиз ва ўзбек ишчилари ташкил этишган. Иттифоқ пролетар байналминалчилиги асосида иш олиб борган. Унинг ташаббуси билан 1917 йил 21 августда *Мусулмон депутатлари Совети* (кейинчалик *Ўш мусулмон ишчилари ва чорикорлар депутатлари Совети* деб номланган) сайланган. Миллий ишчилар иттифоқи билан депутатлар Совети Қирғизистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлашда фаол иштирок этдилар.

*Сарикулаков Кожомурат (1892 — 1918 йй.) — Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлашда фаол иштирок этган. Пишпек уездининг Узунқир во-*

достида (ҳоз. Қант райони) тугилган. 1911 йили Верныйдаги гимназияни кумуш медал билан тамомлаган; 1911 — 1913 йиллари Киевдаги звлиё Владимир Университетининг тиббиёт, 1914 — 1917 йиллар Қозон университетининг ҳуқуқшунослик факультетларида таҳсил олган. 1917 йил февраль инқилобидан сунг Пишпекка келиб, инқилобий жараёнларда фаол иштирок эта бошлаган; 1917 йилнинг 9 сентябрдан бошлаб “Камбагаллар” иттифоқининг раислигига сайланган.

Ушбу сиёсий уюшмаларнинг ташаббуси билан кенг халқ омаси иштирок этган намойишлар ва митинглар уюштирилган. Уларда эзилган миллатларга эркинлик бериш, империалистик урушни тўхтатиш, деҳқонларга ер бериш, очарчиликка қарши чоралар кўриш, саккиз соатлик иш кунини жорий этиш тўғрисидаги талаблар илгари сурилган.

Вақтли ҳукумат бу талабларнинг бирортасини ҳам бажармади. Натижада шаҳарларда, овул ва қишлоқларда халқнинг норозилиги кучайган. Инқилобий жараёнларга келгинди рус деҳқонлари ҳамда қирғиз камбагаллари ҳам фаол жалб этила бошланди.

1917 йилнинг февраль-октябрь ойларида Қирғизистонда кескин сиёсий вазият юзага келган бир вақтда ташаббусни большевиклар қўлга олишган.

Куз ойларида бошлаб Туркистонда ташкил этилган Советлар Петроградда бўлиши кутилаётган Советларнинг Бутунроссия ИЙ-съезидига қизгин тайёргарликни бошлаб юбордилар. Улка советларининг Самарқанд вилоят конференциясида Сулукта Советининг раиси Д. Деканов ишчиларнинг, А. Фролов эса аскарларнинг номидан съездга делегат этиб сайландилар. Улар ўз сайловчиларидан ҳокимиятни тўлиқ пролетариатнинг ихтиёрига бериш, зодагонлар қўлидаги хусусий ерларни давлат тасарруфига ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналари устидан ишчилар назоратини жорий этиш ҳамда жамиятнинг сиёсий ҳаётини демократиялаш тўғрисидаги талабларни олдилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, Россиядаги буржуа-демократик революцияси собиқ империя таркибида яшаган барча халқларнинг тақдирида муҳим роль ўйнади.

Инқилоб подшонинг якка ҳукмронлигига барҳам берди ва республика тартибларини жорий этиш учун замин яратди. Лекин бир қатор объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ равишда инқилоб ўз олдида қўйган мақсадларга эриша олгани йўқ. Тинчлик, ер ва миллий муаммолар ҳал этилмай қолиб кетди. Россиянинг марказида Қўш ҳокимиятчилик қарор топди. Кўп вақт ўтмай, маҳаллий халқларнинг сиёсий жиҳатдан бушлиги, большевиклар таъсирининг заифлиги натижасида бу ерда тузилган Советлар ва қирғиз миллий қўмиталари ҳокимиятни Вақтли ҳукумат қўлига топширишга мажбур булдилар.

Вақтли ҳукуматнинг халққа қарши олиб борган сиёсати, жаҳон урушининг авж олиши улкадаги мавжуд вазиятни янада огирлаштириб юборди, сиёсий-иқтисодий инқироз кучайиб, жамиятдаги синфий зиддиятлар кескинлаша бошлади. Буларнинг барчаси кенг халқ оммасининг инқилобий фаоллигини оширди. Натижада Қирғизистонда ҳам халқнинг барча қатламлари сиёсий жараёнларга жалб этилди. Қирғизистонда ҳам буржуа, социал-демократик, миллий-Ватанпарварлик, ҳамда миллатчилик руҳидаги сиёсий партиялар, уюшмалар ташкил топди. Ушбу партиялар халқ оммасининг инқилобий ҳаракатларига етакчилик қила бошладилар. Омма уртасида большевиклар партиясининг ҳам таъсири уса борди.

#### САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Буржуа-демократик руҳдаги февраль инқилоби Қирғизистонга қандай таъсир кўрсатди?
2. Нима учун маакур инқилобдан сўнг Қирғизистонда уҳқокимиятчилик қарор топди?
3. Дастлабки Советлар нима учун Қирғизистоннинг жанубида вужудга келган?
4. Нима учун ҳокимият амалда Вақтли ҳукумат қўлига ўтиб қолди?
5. Вақтли ҳукуматнинг миллий сиёсатига тавсиф берилинг.
6. Февраль инқилобидан кейин Қирғизистонда тузилган сиёсий партиялар ва уюшмаларни аниқланг.

### 6-§. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА ПРОЛЕТАРИАТ ДИКТАТУРАСИНИНГ МУСТАҲҚАМЛАНИШИ

Қирғизистонда  
Совет ҳокимияти-  
нинг ўрнатилиши

1917 йилнинг куз ойлари арафасида Россияда большевиклар партиясининг обру-этибори уса бошлади. Бу энг аввало Советларнинг фаоллашувида яққол намоён бўлди.

Мамлакатда Қуролли кучларнинг ҳокимиятини ўрнатишга уринган корниловчилар большевиклар партиясининг саъи-ҳаракати билан тор-мор келтирилди. Большевикларнинг ушбу муҳим галабаси аксилинқилобий кучларнинг мавқеига путур етказди. Ана шундай бир вазиятда В.И. Ленин июль воқеаларидан сўнг вақтинчалик олиб ташланган *“Барча ҳокимият Советларга ў”* шиорини яна ўртага ташлади. Эндиликда бу хитоб оддийгина шиор бўлмасдан, балки халқ оммасини Вақтли ҳукуматни ағдариб ташлаш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун қуролли қўзғолонга очик даъват этиш бўлиб хизмат қилди.

1917 йил 24 октябрда (6 ноябрь) Петроградда қуролли қўзғолон бошланиб, эртасига ишчилар, аскарлар ва ҳарбий денгизчилардан иборат булган қўзғолончилар пойтахтдаги асосий объек-тларни қулга киритдилар. 25 октябрда (7 ноябрь) *эрталаб Ҳар-*

бий-инқилобий комитет Вақтли ҳукуматнинг ағдарилгавлигини эълон қилган. Советларнинг Бутунроссия II-съезди В.И. Ленин бошчилигидаги ишчи-деҳқонларнинг биринчи ҳукуматини — **Халқ Комиссарлари Советини сайлади**. Ана шу кундан бошлаб большевиклар партиясини мамлакатдаги ҳукмрон сиёсий партиёга айланди. Мазкур съездда тинчлик ва ер тўғрисидаги ғоят муҳим масалалар ҳам муҳокама этилиб, ушбу масалалар бўйича Совет мамлакатининг биринчи декрети қабул қилинган. Тинчлик тўғрисидаги декрет асосида умумдемократик тинчлик шартномасини тузиш юзасидан дастур ишлаб чиқилган, Россиядаги кўп миллионли меҳнаткаш халқнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, помещикларнинг ерга бўлган хусусий мулкчилиги бекор қилиниб, ерни давлат мулки сифатида деҳқонларга ҳақсиз бўлиштириб бериш масаласи ҳал этилди.

Қирғизистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ғоят катта қийинчиликлар ва мураккаб шароитлар таъсири остида кечди. Саноат тараққиётининг пастлиги натижасида пролетариатнинг оз сонли эканлиги, большевиклар партиясининг кучли таъсирга эга эмаслиги, собиқ мустамлакачилик сиёсатининг оқибати ўлароқ руслар ва қирғизлар ўртасида вужудга келган душманлик кайфияти янги ҳокимиятнинг ўрнатилишига салбий таъсир кўрсатар эди.

1917 йилнинг 31 октябрида (13 ноябрь) Тошкентда *Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши бутун Урта Осиёда*, шу жумладан Қирғизистонда ҳам Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши жараёнини тезлаштирди. Ишчи, аскар ҳамда деҳқон депутатларининг III ўлка съезди *Туркистонда ҳам сиёсий ҳокимият Халқ комиссарлари Совети қўлига ўтганлигини эътироф этиш билан биргаликда жойларда ҳокимият ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари қўлига ўтганлиги тўғрисида қарор қабул қилди*.

Бу вақтда Қирғизистонда ҳокимият Вақтли ҳукумат қўли остида бўлиб, ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советларида ҳам эсерлар ва меньшевиклар кўпчилигини ташкил этар эди.

*Қирғизистон ҳудудида биринчи бўлиб Сулукта ҳамда Қизилқияда Совет ҳокимияти эълон қилинди*. Қирғизистоннинг жанубида эса Совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёнига Советларнинг Фарғона вилоят VI-съезди улкан ижобий таъсир кўрсатди. Большевикларнинг устунлиги остида ўтган ушбу съезд 1917 йилнинг 6 — 7 декабрида бўлиб ўтди ва унда якуний резолюция қабул қилинди. Съезд Фарғона вилоятида ҳокимиятни Советлар қўлига топширилиши тўғрисида қарор қабул қилган. Шундан сўнг Фарғона водийсининг барча ҳудудларида Совет ҳокимиятини ўрнатиш жараёни тезлашди, 1917 йил декабрда *Жалолободда*, 1918 йил январда *Ушда Совет ҳокимияти ўрнатилди*. Овулқишлоқларда ҳам Советлар ташкил этилиб, ҳокимиятни ўз қўлларида ола бошладилар.

*Қирғизистоннинг шимолида Совет ҳокимияти дастлаб 1917 йилнинг декабрида Таласда ўрнатилди*. Совет ҳокимиятининг

бу ердаги галабасига Тошкент-Авлиёота темир йулининг ишчилари ва Авлиёота шахридаги ҳарбий гарнизон аскарлари улкан ҳисса қўшдилар.

Қирғизистоннинг шимолида Совет ҳокимиятини ўрнатиш *жараёнида Пишпек шаҳри катта роль уйнаган*. 1917 йилнинг октябрида Пишпек большевиклари ҳали ягона ташкилотга бириктирмаган, балки сўл эссерлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган эдилар. Ишчилар, хунармандлар аскарлар ҳамда 1916йилги қузғолондан жабр курган қирғиз камбағалларининг норозиликлари ўсиб бориб, ноябрь — декабрь ойларида Пишпекда ҳам инқилобий ҳаракатлар кучайди. Ушбу ҳаракатларда большевиклар таъсирли роль уйнай бошладилар. Куз ойларида Пишпек уездида большевикларнинг дастлабки яширин гуруҳлари вужудга келган. Жумладан, ишчи А.И. Иваницин бошчилигида Чуй сугориш тармоғи қурилишида, механик И.С. Меркун бошчилигида Пишпек ишчилари ўртасида, Г.И. Швец-Базарний бошчилигида аскарлар ўртасида яширин большевик гуруҳлари ташкил этилди. Айни уша дамларда Пишпекда большевикларнинг Қирғизистондаги дастлабки миллий гуруҳи ташкил топди. Ушбу гуруҳга Х. Хасанов, К.Сарикулаков, И.Худайбергеновлар бошчилик қилишган. Уезд таркибидаги барча волостликларнинг деҳқон оммаси ўртасида катта обрў-эътибор қозонган “Буқара” иттифоқи большевикларнинг асосий таянчи эди.

Пижпек уездида Совет ҳокимиятини ўрнатиш аксилинқилобий кучларнинг қаттиқ қаршилигига учраб, бирмунча кескин тарзда амалга оширилди. 1917 йилнинг 31 декабрида Пишпекдаги Дубовий паркида 1000дан ортиқ киши иштирокида булиб ўтган намоёнш уезддаги инқилобий ҳаракатларда бурилиш нуқтаси бўлди. Намоёншда барча инқилобий кучларни большевиклар раҳбарлиги остида кескин ҳаракат қилишлари зарурлиги таъкидланди ва Қизил Гвардия қўшинларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1918 йилнинг 1 январида Пишпек Советининг ҳарбий раҳбарияти қарорига кура ҳокимиятга большевиклар келдилар. Унинг раислигига большевик Г.И. Швец-Базарний сайланди. 1918 йилнинг 5 январида Пишпек уезди Советларининг съезди бўлиб ўтди. Съезд Пишпек уездида Совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилган. Февраль ойида Тўқмоқ шахрида ҳам ҳокимият Советлар тасарруфига ўтди ва 300 кишидан иборат Қизил Гвардия ташкил этилди. Пишпек уездида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Еттисув вилоятининг пойтахт шаҳри Верний (ҳозирги Олмаота) даги буржуа ҳокимиятини ағдариб ташлашни бирмунча осонлаштирди. 1 мартда Вернийда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши вилоятнинг қолган ҳудудларида, жумладан Пржевальский уездида ҳам Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида улкан аҳамиятга эга бўлди. Пржевальский ҳамда Норин ҳудудларида ҳам Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши кескин тарзда кечди. Бу ҳудудлардаги меҳнаткаш омма Совет ҳокимиятини ўрнатишга ёрдам беришларини сураб



Еттисув вилояти ва Пишпек уездининг Советларига мурожаат этдилар. Норин қирғизларининг чақирувларига кўра Тўқмоқдан Ф.Дубовицкий етакчилик қилган қизил гвардиячилар қўшини етиб келган ва ҳудуддаги аксилинқилобий кучларни, жумладан Қўқон Мухториятининг сунгги қуроли қиёмларини тор-мор келтирганлар. 1918 йилнинг 8 апрелида иш бошлаган Норин Советларининг съезди ҳудудда Совет Ҳокимияти урнатилганлигини элон қилди.

Иссиқкўл ҳудудида, айниқса Пржевальский, Туп, Теплоключенко каби қишлоқларда Совет ҳокимиятининг урнатилиши шиддатли курашлар таъсирида кечди. Бу ҳудудларда бой рус деҳқонлари ҳамда рус казаклари кўпчилик бўлганликларидан улар Совет ҳокимиятининг урнатилишига қарши жиддий қуроли қаршилик кўрсатдилар. Бу ҳудудда аксилинқилобий кучларнинг қаршичилигини синдириш 1918 йилнинг баҳорига қадар чўзилган. 1918 йил июнь ойининг охирларида *Вернийдан етиб келган қизил гвардиячилар қўшини Пржевальскийдаги Вақтли ҳукуматни ағдариб, 26 июнда Советларнинг уезд съездини чақиришни ташкил этишга ёрдам кўрсатган. Съезд Советларнинг эски таркибини тарқатиб юбориб, янги таркибдаги Советларни жорий этди.*

Шундай қилиб, 1918 йилнинг ўрталарига қадар Қирғизистоннинг барча ҳудудларида Совет ҳокимияти урнатилди.

**Фуқаролар уруши** Марказда ва жойларда Совет ҳокимиятининг урнатилиши ҳокимиятдан маҳрум этилган кучларнинг қуроли қаршичилигини келтириб чиқарди. Бошланиб кетган фуқаролар уруши энг аввало, ҳокимият учун бўлиб келган курашнинг узвий давоми эди. Шунинг учун инқилоб ва фуқаролар урушига бир-бирларидан алоҳида тарзда қараш унчалик тўғри эмас, албатта. Шундай бўлсада, 1918 йилнинг ўрталаригача қуроли кураш чекланган тарзда олиб борилган.

1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб кураш муросасиз тус олиб, 1920 йилнинг охирларига қадар чўзилган. Туркистон ҳудудини қамраб олган бу кураш бевосита Қирғизистонда ҳам кескин тарзда олиб борилган.

1918 йилнинг баҳорига келиб, империалистик мамлакатларнинг аралашуви натижасида фуқаролар уруши кучайган. Англия, Франция, АҚШ ва Япониянинг ҳарбий кучлари мамлакатдаги оқ гвардиячилар билан бирикишиб, Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун очиқчасига ҳарбий ҳаракатларни бошладилар. Уларнинг ҳаракатдаги зарбдор ҳарбий кучи 40 миң кишилик Чехословакия корпуси бўлиб, бу корпус жангчилари асосан чех ва словаклардан иборат эди. 1918 йилнинг 3 июлида Атаман Дутов қўшинлари томонидан Оренбургнинг ишғол этилиши натижасида Туркистон Марказий Россиядан узиб қўйилди.

Туркистондаги аксилинқилобий кучларни бостириш учун 1918 йилнинг июлида *Оқтепа, Закаспий, Еттисув фронтлари* ташкил этилди. Ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилиш учун Туркистонда мудофаа штаби ташкил этилди. Фронтлар устидан умумий кумондонлик маркази — *Туркистон Республикасининг Инқилобий Ҳарбий Кенгаши* тузилди. Жойларда Қизил армиянинг янги бўлинмаларини тузишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қирғизистон жанубида эса фуқаролар уруши бевосита босмачиликка қарши йўналтирилган.

Ҳозирда айрим тадқиқотчилар босмачилик ҳаракатини маҳаллий халқнинг миллий-озодлик кураши сифатида баҳолашга уринмоқдалар. Лекин *босмачилик тарихда реакция ҳаракат сифатида ўз баҳосини олгандир.*

Жанубий Қирғизистонда аҳоли бирмунча зич жойлашган бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига боглиқ равишда бир қатор ижтимоий қатламларга бўлинган. Ҳокимиятга интилган маҳаллий бойлар, ёш буржуазия ва айниқса мусулмон руҳонийлари босмачиликнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларини ташкил этишган. Большевиклар партиясининг динга нисбатан тутган нотугри сиёсатлари, диний хизматчиларнинг қувгин остига олиниши халқ оммасининг бир қисмида кескин норозилик кайфиятини вужудга келтирди. Оддий халқнинг миллий-озодлик ва ўз диний эътиқодлари йўлидаги курашидан аксилинқилобий кучлар усталик билан фойдаланишган. Босмачиларнинг асосий таркибини алданган ёки жазоланишдан қўрқиб ҳаракатга қўшилган деҳқонлар ташкил этишган. Босмачиликнинг асосий гоаяий раҳномалари булган уламолар эса омма уртасида фаол аксилинқилобий ташвиқот ишларини юргизишиб, оддий халқни эсанкиратишга ва узлари томонга ағдариб олишга ҳаракат қилганлар. Совет ҳокимияти томонидан олиб борилган “Ҳарбий коммунизм” сиёсати даврида деҳқонлар қўлидаги ортиқча маҳсулотларнинг зўрлик билан тортиб олиниши ҳам баъзи бир кишиларнинг босмачилик ҳаракатига қўшилиб кетишларига сабаб булган.

Босмачиликнинг маҳаллий буржуазия ва катта ер эгалари томонидан бошқарилган миллатчилик кайфиятидаги ҳаракат сифатида бир томонлама баҳолаш ярамайди. Чунки, босмачилик ҳаракати империалистик давлатлар, биринчи навбатда Англия томонидан қизгин қўллаб-қувватланган. Фаргона водийси, жумладан Жанубий Қирғизистонга ҳам кенг тарқалган босмачилик ҳаракатига Ҳолхўжа, Мадамийбек, Муйдинбек, Эргаш, Раҳмонқул, Куршермат (Шермухаммадбек) ва Омон полвон каби қўрбошилар ётакчилик қилганлар. Улар амалда оқ гвардиячи офицерларга ва чет эл интервентларига тобе бўлишган.

Босмачиликни ниқоблашга уринган айрим кучлар, ҳаракатга сиёсий тус бериш мақсадида панисломчилик ва пантуркчилик гояларидан фойдаланишган. Бу энг аввало чет эл империализми манфаатларига хизмат қилар эди. Босмачиларнинг од-

дий меҳнаткаш халққа қарши олиб борган ишлари, талон-тарождлари, минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони тукилганлиги баъзи овул-кишлоқларнинг ер билан яксон қилинганлиги, ишхоналарнинг вайрон қилиниши ундаги ишчиларнинг отиб улдирилиши каби мудҳиш жиноятлари ушбу ҳаракатни миллий-озодлик кураши деб баҳолашга асло йул қўймайди. Аксинча, босмачилик собиқ подшо мустамлакачилари ва чет эл империалистлари томонидан фаол куллаб-қувватланган маҳаллий аксилинқилобий кучларнинг, Совет ҳокимиятига қарши олиб борган синфий курашларининг ўзига хос курилиши бўлган.

**Совет ҳокимиятини** Туркистонда шу жумладан Қирғизистонда ҳам Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш мақсадида Туркистон АССР марказий ижроия комитети 1918 йилнинг 10 июлида махсус қарор қабул қилиб, Туркистонни ҳимоялаш учун штаб тузди. Мудофаа ишларига маҳаллий аҳолини жалб этишга алоҳида эътибор берилган. Курилган чоралар натижасида маҳаллий кишилар ихтиёрий суратда Қизил Армия сафларига ўта бошладилар.

Қирғизистонда биринчилардан бўлиб, Ж. Абдрахманов, К. Баялинов, С. Каралаев, Ж. Садаев, И. Токбаев каби қирғиз йигитлари қизил армия сафларида хизмат қилганлар. Фуқаролар уруши йилларида Қирғизистонда Я. Н. Логвиненко, А. Осмонбеков, Ж. Садаев, С. Кучуков, М. Масаччин каби иқтидорли ҳарбий бошлиқлар етишиб чиқдилар.

Қирғизистонлик қизил жангчиларнинг ички аксилинқилобий кучлар билан дастлабки қуроли туқнашувлари 1918 йилнинг баҳорида Вернийда юз берган. Бу ерга ёрдамга юборилган қизил жангчилар отряди бой рус казакларининг қуроли исёни бостиришда фаол иштирок этганлар.

1918 йилнинг ёзида қизил жангчилар Сийнцзяндан Пржевальск уезди сари йўлга чиққан оқ казаклар қўшинига зарба бердилар. Чет эл интервентлари ва оқ гвардиячиларнинг ёрдамга таянган қулоқлар ҳам жойларда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун фаол кураш олиб борганлар. Бой қулоқларнинг ана шундай исёнларидан бири август ойида Авлиёота уездининг Дмитровка қишлоғида юз берган. Унга Талас водийсининг алданган деҳқонлари ҳам қўшилганлар. Исёнчилар Мерке, Чолдевор тарафдаги деҳқонларни ҳам ўзларига жалб этиб, қуроли отрядлар тузишга ҳаракат қила бошлашган. Исёни Чимкентдан юборилган Қизил Армия қисмлари тор-мор келтирганлар.

1918 йилнинг сентябрида Пишпекда 250 кишидан иборат отряд тузилиб, Еттисув фронтига юборилди. Ушбу отряд кейинчалик *Қизил Армиянинг Пишпекдаги биринчи Совет полки* бўлиб қайта тузилган. Бу полкка Я. Н. Логвиненко кўмондонлик қилган. Қизил Армиянинг ана шундай зарбдор қисмлари Тўқмоқ, Пржевальский, Норин, Ўш, Жалолобод, Қизилқия ва бошқа жойларда ҳам тузилган.

Курилган чора-тадбирларга қарамасдан Қирғизистоннинг жанубида босмачилик ҳаракати тинимсиз кучайиб борган. Босмачилар бир қатор рус қишлоқларининг қулини кукка совурганлар, баъзи қишлоқларнинг тинч аҳолиси эса талон-тарож этилган. Кучайиб бораётган босмачиликка қарши курашиш мақсадида Андижон ва Ўш уездларининг аҳолисидан *Деҳқонлар армияси* тузилган. Лекин ушбу армия сафларига кириб олган оқ гвардиячи офицер К. Монстров ва собиқ подшо генерали А. Мухановлар қўшин ичида бузғунчилик ишларини олиб боришиб, 1919 йилда бу армияни Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борувчи кучга айлантиришга муваффақ бўлганлар.

1919 йилнинг 7 декабрида сўл эсерларнинг ташаббуси билан Беловодск қишлоғида исён кўтарилган, бу ердаги Совет ҳокимияти ағдарилиб, Совет етакчилари осиб улдирилган. 14 декабрда исёнчилар Пишпекка хужум қилишиб, унинг гарбий қисмини эгаллаб олганлар. Уларга Сўқулуқ, Қораболта, Садовое, Александровка ва бошқа қишлоқларнинг келгинди деҳқонлари ҳам қўшилганлар. Мазкур исённи бостириш учун Шимолий Қирғизистоннинг барча районларидан Қизил жангчилар йигилган. Уларга Шимолий Еттисув фронтининг машҳур 1-Пишпек полки ёрдамга юборилган. Ушбу полк жангчилари 600 км. лик масофани 9 суткада босиб утиб, 22 декабрда Пишпекка етиб келишган.

Қизил жангчиларнинг биргалашган кучлари 23 декабрь кuni исёнчиларга зарба берганлар. Қизил Армия қисмлари Беловодск қишлоғини эгаллашган ва 29 декабрда уезд аксилинқилобий кучлардан тозаланган. Ушбу жангларда қурбон бўлган Қизил Армия жангчиларининг жасадалар Пишпекдаги хиёбонга қўйилган.

1919 йилнинг июль ойида оқ гвардиячилар қўшини Пржевальский уездига кириб келиб, Туп қишлоғини босиб олганлар. Уларни Николаевка, Покровка, Михайловка, Семёновка қишлоқларининг келгинди бой деҳқонлари қўллаб-қувватлаганлар. 20 июльда оқ гвардиячиларнинг қўшини Пржевальскийга хужум қилганлар. Шаҳарга Тўкмок ва Вернийдан ёрдам кучлари келгунга қадарли шаҳар аҳолиси Пржевальскийни бир ҳафта давомида мудофаа қилиб турганлар. 26—27 июль кунлари Қизил Армиянинг бирлашган кучлари исёнчиларга қақшатқич зарба бердилар. Исённинг асосий ташкилотчилари Хитойга қочишга муваффақ бўлишган.



Совет ҳокимияти учун қурбон бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик

Туркистонда Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун Совет ҳукуматининг қарори билан 1919 йилнинг 14 августида *Туркистон fronti ташкил этилган*. Фронт бош кумондони қилиб юртдошимиз М.В. Фрунзе тайинланган. Туркис-

тон республикасидаги барча ҳарбий қисмлар мазкур фронт қўмондонлиги остига ўтган, оқ гвардиячилар билан бўлган бир қатор жиддий тўқнашувлардан сунг сентябрь ойига келиб Қизил Армиянинг Марказий қисмлари билан Туркистон fronti қўшинлари бирлашдилар. Узилиб қолган Тошкент — Оренбург темир йули орқали бўладиган алоқалар қайта тикланди.

М.В.Фрунзенинг буйруғи билан 1920 йилнинг февралда Еттисувдаги қирғиз-қозоқ ҳарбий қисмларидан *Алоҳида Қирғиз отлиқлари бригадаси ташкил* этилди. Бунга қадарли 1919 йилнинг декабрида Тўқмоқ уездида М.Масанчин қўмондонлигидаги дунгон отлиқлар полки ташкил этилган эди. Наманган уездида А. Осмонбеков қирғизлардан иборат отряд тузган. Миллий таркибдаги ҳарбий бўлинмаларнинг тузилиши фуқаролар уруши даврида узига хос аҳамиятга эга бўлган ва маҳаллий халқларнинг Совет ҳукуматига бўлган ишончини мустаҳкамлаган.

1920 йилнинг сентябрида Дехқонлар армиясининг қўмондони К.Монстров Қурбоши Мадаминбек билан иттифоқ тузиб, "Мухтор ҳукумат" тузиш учун кураш бошлаган. Уларнинг биргалашган қўшинлари 8 сентябрь куни Ўшни эгаллашга муваффақ бўлдилар. 17 сентябрда эса Андижон қамал қилинди. Ёрдамга етиб келган Қизил Армия қисмлари К.Монстров ва Мадаминбек қўшинларини сентябрь охирида тор-мор келтиришган. Уларнинг қолган-қутган қисми Гулчага чекинишиб, у ерда Фарғона вақтли ҳукуматини тузишган. 1919 йилнинг октябрида Мадаминбек Ойим қишлоғида қўрбошиларнинг кенгашини уюштирган. Кенгашга йигилган қўрбошилар Мадаминбекни хон деб эълон қилганлар. Бир қатор ҳарбий тўқнашувлардан сунг 1920 йилнинг 17 январиди К. Монстров қўлга олинган. Мадаминбек эса мағлубият муқаррар эканлигини тушуниб, 6 март куни Совет ҳокимиятини тан олиб таслим бўлган.

1920 йилнинг бошларида Антанта мамлакатлари Совет ҳокимиятига қарши яна бир юришни ташкил этганлар. Май ойига келиб Польша қўшинлари оқ гвардиячи генерал Врангель билан бирикиб Украинага ҳужум қилганлар. Туркистонга ҳам янги юриш учун ҳозирлик кўрила бошланган.

*Фрунзе Михаил Васильевич (1885 — 1925 йй.) — Совет, партия иши учун курашган мамлакат миқёсидаги йирик ташкилотчи ва ҳарбий қўмондон. Пишпек шаҳрида ҳарбий фельдшер оиласида туғилган. 1904 йили Вернийдаги гимназияни олтин медаль билан тавомлаб, Петербург политехника институтининг иқтисодиёт факультетига ўқишга кирган. Инқилобий фаолияти*



М.В.Фрунзе

учув институтдан ҳайдалган. 1905 йили Иваново-Вознесенский-даги инқилобий ҳаракатнинг ташкилотчиларидан бири бўлган. 1907 йили Шуяда қамоққа олинган. 1909 — 1910 йилларда икки мартаба ўлим жазосига ҳукм қилинган, кейинчалик бу жазо 10 йиллик, сўнгра умрбод сургун билан алмаштирилган. Сургундан 1915 йили қочган. Шундан сўнг ўзининг инқилобий фаолиятини Чита ва Иркутск шаҳарларида давом эттирган, 1916 йилдан партиянинг тошширигига кўра Минскда армия ичида ташвиқот ишларини олиб борган. 1917 йилнинг февраль инқилобидан сўнг Минскда, сентябрь ойдан бошлаб Шуяда ўз фаолиятини давом эттирган. Фуқаролар уруши йилларида Шарқий фронтнинг жанубий бўлимига, адмирал Колчак қўшинлари билан олиб борилган жангларда эса Шарқий фронтга қўмондонлик қилган. 1919 — 1920 йилларда Туркистон фронтининг қўмондони, 1920 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб Жанубий фронт қўмондони этиб тайинланган. 1921 — 1924 йилларда Қрим қўшинларининг қўмондони, 1925 йилнинг 26 январидан СССР инқилобий Ҳарбий Советининг раиси, Ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича Халқ Комиссари лавозимларида ишлаган. Қизил Армияда олиб борилган ислохотларга етакчилик қилган.

Хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида Туркистон қўшинларининг қўмондони М.В. Фрунзе 1920 йилнинг 7 майида маҳаллий халқдан 19 ёшдан 35 ёшгача бўлган 30 минг кишини Қизил Армияга сафарбар этиш тўғрисида буйруқ берди. Бу Марказий Осиё халқлари тарихидаги биринчи оммавий сафарбарлик бўлиб, муваффақиятли равишда амалга оширилган.

Аксилинқилобий кучларнинг мамлакат ичкарасидаги ва ташқи асосий кучлари тор-мор келтирилгач, уларнинг қолган-қутганлари олис районларга қочиб боришиб, уша ерлардан туриб сўнги зарбаларни беришга ҳаракат қилиб қўрганлар. Ана шундай исёнлардан бири 1920 йилнинг ноябрида Отбоши районида юз берган. Собиқ офицер Д. Кирьянов ва савдогар К. Бондарев бошчилигидаги аксилинқилобчилар маҳаллий бой-манапларнинг ёрдамига таяниб, Норин шаҳрида тўнтариш ясашга муваффақ бўлдилар. Шаҳардаги 23 полк Қўмондонлиги асир олинган. Шаҳардаги Совет ҳукумати етакчилари ўлдирилиб, партия ва Совет хизматчиларидан 47 киши қамоққа олинган. Бу ерда собиқ подшо ҳокимияти қайтадан урнатилган. Қўзғолончилар Еттисувдаги ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида Тоқмоқ ва Пишпекка отланишган.

Қизил Армия қисмлари исёнчилар отрядини Қучқор йўналишида қарши олиб, кучли зарба бердилар. 16 ноябрдаги тўқнашувдан сўнг исёнчилар тор-мор келтирилган, уларнинг йўлбошчиси Д. Кирьянов қўлга олинган. Исёнчи тўданинг қолган-қутган кўшинлари Хитойга қочган.

*Осмонбеков Арстанали (1874—1945 йй) — Қирғизистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишининг фаолларидан бири. Наманган шаҳридаги рус-тузем мактабида ўқиган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Белоруссияда фронт ортидаги ишларда қатнашган (1916 й). Мардикорликдан қайтиб келгач, 1919 йилдан босмачиликка қарши курашда иштирок этган. 1921 йили Қирғизистон жанубида тузилган кўнгилли отлик қўшин қўмондонлигига тайинланган. 1920 йилнинг май-июнь ойларида Қирғиз отлик дивизиясига қўмондонлик қилган. Қалибай, Омон-полвон ва бошқа кўрбошиларнинг босмачи тўдаларини тор-мор келтиришдаги хизматлари учун 1923 йили Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. А.Осмонбеков Жалолобод ва Талас ҳудудларида партия ва Совет ҳукуматининг турли вазифаларида ишлаган. Улуғ Ватан уруши йилларида колхоз бошқармасининг раиси сифатида фаолият кўрсатган.*



Арстанали Осмонбеков

Ноябрнинг охиригача Норин уезди исёнчилардан тўлиқ тозаланиб, Совет ҳокимияти қайта тикланган. Шундай қилиб, 1920 йилнинг охиригача *Қирғизистонда фуқаролар уруши якунланган.*

#### САВОЛЛАР:

1. Қирғизистонда Совет ҳокимиятини урватишда қандай ўзига хос жиҳатлари мавжуд?
2. Фуқаролар урушининг келиб чиқишига нималар сабаб бўлган?
3. Босмачилик ҳаракатига қандай баҳо бериш мумкин?
4. Нима учун аксилиниқилобий кучларга империалистик мамлакатлар ёрдам берганлар?

### 7-§. БУЙРУҚБОЗЛИК ТАРТИБЛАРИНИНГ АВЖ ОЛИШИ. ОММАВИЙ ҚАТАҒОНЛАР

Маъмурий буйруқ-  
бозлик системаси-  
нинг шаклланиши

СССРда мазкур системанинг вужудга келиши бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ ҳолда кечган. Россияда подшоҳо ҳокимияти тартибларининг асрлар давомида шаклланиб келганлиги, демократик давлатчилик анъаналарининг мавжуд эмаслиги ушбу системанинг вужудга келишига замин яратди.

Марксистик таълимот буйича социалистик инқилоб бир қатор ривожланган капиталистик мамлакатларда галаба қозонмоғи лозим эди. Амалда эса мазкур инқилоб гарб мамлакатларидан иқтисодий тараққиётда бир мунча ортда қолиб кетган Россиядагина галаба қозона олди, холос. Бунинг устига инқилоб бошқа мамлакатларга тарқалиши мумкин бўлмади. Буларнинг барчаси Совет Россияси капиталистик мамлакатлар қуршовида қолиб кетишига сабаб бўлди. Улар социализм учоғини янчиб ташлаш учун очиқ ҳарбий интервенция уюштирганлар.

Инқилоб иқтисодий жиҳатдан бир мунча қолюқ бўлган мамлакатда галаба қозонганлигидан Совет Россиясининг олдида социализмнинг базисини янгидан яратиш муаммоси вужудга келди. Бошқарув ҳокимиятини мустаҳкамламасдан, маъмурий-буйруқбозлик тартибларини кучайтирмасдан туриб, бу вазифани амалга ошириш мумкин эмас эди.

Россиянинг иқтисодиёти азалдан кўп укладли бўлганлигидан, жамиятдаги ижтимоий қатламлар ҳам турлича эди. Шу нуқтаи-назардан, мамлакат ичкарасидаги синфий кураш "ким кимни" қабилида олиб борилди ва охир оқибатда фуқаролар урушига айланди.

Ана шундай мураккаб тарихий вазиятда большевиклар партияси алоҳида олинган бир мамлакатда социализм қуриш режасидан воз кечиш ёки маъмурий зўравонлик тартиблари орқали бўлса ҳам, қолюқ улкада социалистик тузумни ўрнатмоғи лозим эди.

В.И. Ленин бошчилик қилган большевиклар партияси Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларданоқ ўз муҳолифларини камайтириш ва ҳокимият тизгинларини мустаҳкамлаш мақсадида бир партиялик системани қабул қилганлар. Натижада мамлакатдаги қолган партиялар қонундан ташқари деб эълон қилинган, уларнинг фаолияти эса таъқиқлаб қўйилган. Саноатни қаттиқ назорат остига олиш учун чекланган ҳужалик ҳисоби жорий этилиб, даромадларни бўлиштириш иши марказлаштирилган. Қишлоқ ҳўжалиғи соҳаси эса озиқ-овқат солиғи орқали пухта жиловлаб олинган.

Исканжага олиш негизига қурилган сиёсий тартибот, ҳўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси ўлкадаги сиёсий вазиятни юмшатишга, молиявий маблағларни бюрократик даҳмазаларсиз ҳам ишлаб чиқаришга сарфлашга, охир оқибатда эса мамлакатни таз орада қайта қуришга шарт тузиб бермоғи мумкин эди.

Даромадларни бўлиштиришнинг марказлаштирилиши натижасида саноатнинг юқори рентабелли соҳалари ёрдамида халқ ҳўжалигининг орқада қолган тармоқларини, биринчи навбатда оғир саноат ва транспорт соҳаларини ривожлантириш вазифаси олдинга сурилган.

Совет ҳокимияти Россиядаги чет эл капиталига қарашли хусусий мулкларни бекор қилиб, собиқ подшо ҳўкуматининг гарб



мамлакатларидан олган қарзларини тўлашдан бош тортган. Натижада Европа мамлакатлари Совет Россиясига қарши иқтисодий блокада эълон қилишган, мамлакатга берилаётган чет эл инвестициялари узил-кесил тўхтатилган. Бундан қишлоқ хўжалиги айниқса катта қийинчиликларга дучор бўлган.

Бир партиявийлик бошқарув тизими, муҳолифиятдаги сиёсий кучларнинг йўқлиги мамлакат бошқарувида порахўрлик ва қозғоқозлик иллатларини келтириб чиқарди. Назоратнинг бушлиги натижасида айрим партия ва давлат бошқарувидаги шахслар ўз лавозимларини суистеъмол қила бошлаганлар. Бундай хунук кўринишларни тўхтатиш мақсадида В. И. Ленин ўзининг сўнгги асарларида партия марказий комитети сафларини мутахассис ишчилар ҳисобига кенгайтириш, ишчи- деҳқон инспекциясини қайта ташкил этиш ва партия давлат аппарати фаолиятини текширишни кучайтириш юзасидан бир қатор жиддий таклифларни баён этган. Мазкур асарларида В.И.Ленин ўзининг яқин сафдошлари фаолиятига ҳам баҳо бериб ўтган. Жумладан, у И.В.Сталинни партия Марказий комитетининг Бош котиби лавозимидан четлатиш, партия ва ҳукумат ишларига коллектив раҳбарликни жорий этишни таклиф этган. Партиянинг ички бирлигини сақлаш мақсадида унинг узаро фракцияларга булиниши тақиқлаб қўйилган. Натижада партияни ёт унсурлардан оммавий равишда тозалашга йўл очилган. В.И.Лениннинг мамлакатни коллектив тарзда бошқариш тўғрисидаги таклифлари И.В.Сталин ва унинг яқин сафдошлари тарафидан инobatга олинмади. В.И.Ленин вафотидан сўнг бу таклиф мутлақо унутилди.

Янги иқтисодий сиёсат ҳам сўнгги пайтларга келиб оқсай бошлаган. Сиёсатда эса жамиятдаги кўп қиррали ижтимоий манфаатлар билан большевикларнинг маъмурий-бўйруқбозлик тартиблари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлган. Ҳoят катта ўзгаришлардан тинкаси қуриган овул-қишлоқлар ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий йўлларни қидира бошлаганлар. Партия раҳбариятининг орасида ҳам фракциялар зиддияти кенгайиб Сталин, Троцкий, Зиновьев ва бошқалар ўртасида ҳокимият учун кураш кучайган.

Ташқаридан капитал келишнинг тўхтаганлиги, янги иқтисодий сиёсатнинг заифлаша бошлаши натижасида мамлакат иқтисодиётининг барча соҳалари орқада қола бошлади. Иқтисодиётни қандай йўллар билан кўтариш мумкинлиги тўғрисидаги масала юзасидан партия раҳбарияти ўртасидаги талаштортишувлар янада кучайган. Натижада бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулига, қатагон дагдaгаси билан кўрқитиш усулига майл кучайди.

Бу ҳoлат янги иқтисодий сиёсатнинг ривожига янада кўпроқ тўсқинлик қила бошлаган. Большевиклар партияси иқтисодий кризисдан қутулишнинг бирдан бир мақбул йули сифатида бoзор иқтисодиёти муносабатларига асосланган сиёсатни тўхтатиш ва режали иқтисодиётга ўтишга қарор қилган. Жамиятни ри-

вожлантиришнинг умумий режали йўллари ишлаб чиқиладиган бошлаган ва биринчи беш йиллик режа (1928 – 1932 йй.) қабул қилинган. Мавжуд иқтисодий кризис ва молиявий қийинчиликлар шароитида олиб борилган индустриалаштириш сиёсати мамлакат раҳбариятининг халқ хўжалигини маъмурий йўсинда бошқарув тизимиغا ўтишини тезлаштирган.

ВКП(б) МК нинг 1930 йил мартдаги қарорига мувофиқ Совет, кооператив, хўжалик ва жамоатчилик ташкилотларининг бошқарув вазифаларига жамиятнинг қўйи ижтимоий қатламларига мансуб бўлган аҳоли орасидан 1023 киши раҳбарлик вазифаларига кўтарилган. Уларнинг 710 га яқини қашшоқ ва камбағал қирғиз оилаларидан чиққан кишилар эди. Албатта, оддий халқ вакилларини раҳбарлик лавозимларига тўғри ўзига хос прогрессив ҳуёсийатга эга бўлган. Чунки халқнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданияти, умумий билим савияси ўсиши, раҳбарият тизимида миллий кадрларнинг бутун бошли отряди шаклланди. Лекин мазкур компаниянинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд эди: мамлакатнинг масъулиятли раҳбарлик лавозимларига лаёқатсиз, билимсиз, очкўз, етакчиликка мутлақо ўқувсиз бўлган кимсалар ҳам ўтириб қолган. Раҳбариятнинг умумий савияси гоёт паст даражада бўлганлиги туфайли бошқарув кўпол суръатдаги буйруқбозлик асосида юритилган. Натижада, масалан қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқонларга ерни қачон хайдаш, уруғни қандай сепиш ёки ҳосилни қандай йиғиштириш каби оддий ишлар бўйича ҳам юқоридан ҳар қил бўлмағур буйруқлар ва кўрсатмалар берилаверган.

Оммавий қатагонларнинг бошланиши ва амалга оширув усуллари

Юқори партия раҳбарияти орасида мамлакатни индустриалаштириш жараёни юзасидан бошланган талаш тортитувлар охир-оқибатда Сталин-Бухарин гуруҳининг сўл оппозиция деб номланган Троцкий-

Зиновьев гуруҳи устидан галаба қозониши билан якунланди. Ана шундан сўнг партияни *"троцкийчилар"* дан тозалашдек кенг қамровли компания бошланди.


Беш йиллик планини тузиш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш борасидаги гоёвий курашларда *"ўнг оппозиция"* деб номланган Бухарин гуруҳи ҳам тор-мор келтирилиб, қўвғин остига олинган. Бу вақтга қадарли Совет ҳукумати *"қулоқ"* хўжаликларини чеклаш сиёсатини олиб борган бўлса, 1929 йилнинг 27 декабрида Сталин *"Қулоқларни синф сифатида тугатиш"* шioriини эълон қилган. Шундан сўнг мамлакатда деҳқонларнинг бир қисми устидан оммавий қатагонларни юритиш сиёсати олиб борилган.

Ҳукуматнинг махсус йўриқномаларига мувофиқ, *"ўзвий коллективлаштириш"* олиб борилган районларда *"қулоқ"* қилиш 3 — 5 фоиздан ошмаслиги лозим эди. Ҳақиқатда ҳам, кучманчи қирғизлар яшаган районларда *"қулоқ"* лар увчалик кўп бўлган

эмас. 1928 — 1929 йилларда олиб борилган солиқ ҳисоби буйича 3406 “қулоқ” ҳужаликлари мавжуд бўлган. Уларнинг ҳам кўпчилиги сўнги йилларда камбағаллашиб қолган эдилар. Лекин юқорида берилган топшириқни бажариш ва ҳатто орттириб бажариш учун маҳаллий ҳокимият органлари фактларни сохталаштирган ҳолда деҳқон аҳолисини 10 фоизини “қулоқ” қилишга улгурганлар. Натижада кўпчилик ҳолларда ўрта ҳол, баъзан эса қашшоқ деҳқонлар ҳам “қулоқ” қилинган. “Қулоқ” қилиш иши жойларда партком котиблари, қишлоқ кенгашининг аъзоси ва милиция хизматчисидан иборат “учлик” томонидан ўзбошимчалик билан олиб борилаверган. Қулоқ қилинган айрим кишилар жинорий жавобгарликка ҳам тортилганлар. Уларнинг бир қисми олис ҳудудларга, айримлари эса яқин жойларга қувғин қилинган. Улар ҳовли-жойидан, мол-мулкидан ва сайлов ҳуқуқларидан маҳрум бўлганлар. Олис ҳудудларга кўчирилган қулоқ оилалари кўп азоб-уқубатларни бошдан кечиришган. Қулоқ ҳужаликларини колхозларга қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор уларнинг аҳволини янада оғирлаштирган. Иссиқкўл, Норин, Отбоши ва Балиқчи районларида қулоқ қилиш компаниясидан норози бўлган деҳқонларнинг қуроли қўзғоловлари қайд этилган. Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам бундай исёнлар юз берган. Мазкур қўзғоловлар Совет ҳукумати томонидан шафқатсизлик билан бостирилганлиги тўғрисида тарихий фактлар мавжуд.

Коллективлаштириш вақтида содир этилган зўравонлик сиёсати ва турли хил хўрликларга жавобан деҳқонлар кўп ҳолларда қўл остидаги мол-мулкларини йўқ қилганлар ёки ёқиб ташлаганлар, айримлари эса мол-мулки билан Хитойга қочиб кетганлар. Совет ҳукумати эса овул-қишлоқлар устидан қатагонларни янада кучайтирган. 1931 йилнинг август-сентябрь ойларида 6 минг ҳужалик Украинага ва Шимолий Кавказга кучириб юборилган. 1933 йилда республика буйича 2113 қулоқ ҳужалиги қатагон қилинган. Шундай қилиб, коллективлаштириш даврида бойларга ва қулоқларга қарши кўтарилган чоралар уларни синф сифатида тугатиш жараёнига айланган. Овул-қишлоқлар халқининг бир қисми оммавий жазолашлардан жабр торган.

СССРда қишлоқ ҳужалигини зўрлик билан коллективлаштириш натижасида юқоридагидек кўпол хатоликларга йўл қўйилган, бунинг натижасида Қирғизистон қишлоқ ҳужалиги катта йўқотишларга учраган. Бу халқ турмуш даражасининг пасайиб кетишига ва омма норозилигининг кучайишига олиб келган. Мана шундай оғир даврларда кенг халқ оммасини чалғитиш мақсадида “жосуелар”, “халқ душманлари” каби айбловлар уйлаб топилди. Бу возик сиёсат ҳокимият учун олиб борилаётган синфий курашни ҳаспўшлаш, буржуа таълимотига қарши кураш ниқоби остида ҳукуматга ёқмаган кучларни йўқ қилиш ва қатагонларни давом эттириш учун қулай имконият яратган. Бу сиёсий жараёнлар Қирғизистонга ҳам кенг ёйилиб, буржуа таъли



30-йиллардаги қатагон қурбонларига бағишланган "Отабейит" ёдгорлик комплекси. (Бош архитектор *К.М. Алиқулов*).

моти тарафдорларини қидириб топиш иши кучайган. Марказда олиб борилаётган сиёсатга мувофиқ "троцкийчи" ёки унғ ва сул оппортунистларни Совет, партия раҳбарияти ҳамда зиёлилар орасидан қидириш кучайган. Ҳатто ушбу таълимотлардан мутлақо беҳабар бўлган содда овул-қишлоқлар аҳолиси орасидан ҳам ана шундай ёт усурлар "топила" бошлаган.

Совет ҳукуматига муҳолиф бўлган кучлар, давлат сиёсатига қарши фикр юритган кишиларгина жазоланиб қолмасдан, балки "троцкийчи" деб эълон қилинган шахслар билан алоқада бўлган кишилар ҳам жазога тортила бошлаган. Масалан, Қизилқия шаҳар партия Кенгашининг котиби, "Сухой Хребет" совхозининг сиёсий бўлим бошлиғи ва бошқалар "троцкийчи" деб айбланган кишилар билан хат ёзишганликлари учун партия сафидан учирлиб, жазоланганлар. Коллективлаштириш жараёнида қулоқларга ён босган бир қатор қишлоқ хужаликларининг етакчилари "унғ оппортунист-бухаринчи" сифатида жазога тортилишган.

Оппортунистларни қуйи хизмат лавозимидагилар орасидангина эмас, балки юқори лавозимдаги шахслар орасидан ҳам "топиш" лозим эди. Шу мақсадда олиб борилган текширувлар натижасида партиянинг вилоят комитетида овул-қишлоқлар иши бўйича бўлим бошлиғи О.Тинаев Қирғизистондаги биринчи "унғ оппортунист" сифатида жазога тортилди. Қирғизистондаги партия комитетлари ўртасида республикадаги сул ва унғ оппортунистларни фош этиш юзасидан қизғин "мусобақа" кетаётган бир пайтда ГПУ нинг органлари "айғоқчи" ва "аксилнқилобчи" ташкилотларни йўқотишга астойдил киришганлар. 1932 йили улар республиканинг давлат режалаштириш комитети таркибидаги 5 "аксилнқилобий-айғоқчи ташкилот" ни "фош" этдилар. 1932 йили Қозғистон аҳолиси очликдан қирила бошла-

ган. Халқнинг норозилиги эса кундан-кунга кескинлашди. ВКП(б) нинг қозоқ улка комитети котиби И.В.Сталиндан улкадаги миллатчи кучларга қарши курашни кучайтириш юзасидан кўрсатма олди. Шундан сўнг улканинг миллий ҳудудларида "буржуа миллатчилари" га қарши муросасиз кураш бошланди.

1938 йилнинг 4 сентябрида Қирғизистон КП(б) МК Ижроия Бюроси йирик олим К. Тинистановнинг ижодидан "буржуа-қулоқ миллатчилиги" га оид хусусиятларни "аниклаб" каттик танқид остига олди. Июнь ойида А.Сидиқовнинг "миллатчи", аксилинкилобий исёнчи ҳамда антисовет гуруҳи "фош" этилди. 1933 йилнинг сентябрида Ж.Абдурахмонов миллатчи сифатида айбланиб хизматида бушатилади. Аслида эса у ўзининг "Кундалик" деб номланувчи асаридан, Сталин шаънига билдирган танқидий фикрлари учун жазоланган эди.

1935 йили республика халқ таълими комиссарининг уринбосари И. Туйчинов "ёшларнинг яширин ташкилотини тузишга ҳаракат қилган", - деган иғво туфайли миллатчи сифатида партиядан ўчирилди.

Қирғизистоннинг вилоят партия ташкилоти мустақил иш олиб борган, 8 йил давомида Иттифоқ миқёсида утказилган "тозалаш" компаниясини тўрт марта бошдан кечирди. Натижада, мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида иштиёқ билан меҳнат қилаётган бегуноҳ, истеъдодли йулбошчиларнинг кўпчилиги партиядан чиқарилиб, вазифаларидан бушатилаган.

Амалга оширилган сиёсий қатагонлар кишилар уртасида қўрқув ва ишончсизлик туйғуларини, партиянинг юқори органларига сўзсиз итоат этиш кайфиятини вужудга келтирди. Партия сафларидан чиқариб юборилишдан чўчиган етакчилар ташаббускорлик ва мустақил фаолият олиб бора олган эмаслар. Натижада республика ва маҳаллий партия, совет ташкилотлари юқоридан келган буйруқларни ҳамда кўрсатмаларни сўзсиз бажаришга, хатто ортиги билан ижро этишга одатландилар.

1934 йилга қадарли Совет ҳукумати "халқ душманлари" ни асосан партиядан ўчириш ёки хизматдан бушатиш билан жазолаган. Партиянинг XVII съезидан сўнг И.Сталин ўз мухолифларини жисмонан йўқ қилишга ўтган. Бунинг учун 1934 йилнинг 1 декабрида С.М.Кировнинг ўлдирилиши баҳона бўлган эди. СССР Олий Судининг Ҳарбий коллегияси 1936 йилнинг августидан "троцкий-зиновьевчи бирлашган антисовет маркази" ишини кўриб чиқиб, Зиновьев, Каменев, Евдокимов, Бакаев каби 16 кишини отувга ҳукм қилган. Шундан сўнг Сталин ўзининг собиқ сафдошларидан бир қанчасини йўқ қила бошлаган.

Сталинча йўлнинг душманларини йўқ қилиш юзасидан марказда бошланган компания Қирғизистонда ҳам амалга оширилди. Текширув органлари аллақачон кўриб чиқилиб, 1933 йилдаёқ ёпилган "Социал Турон" партиясининг ишини қайтадан қўзғаванлар. Маълум бир ҳаракатлар бўлган, лекин шаклланиб улгурмаган маакур партияга ҳеч бир алокиси бўлмаган киши-

лар ҳам отувга ҳукм қилинган. Уларнинг орасида Ж.Абдурахмонов, И.Айдарбеков, Т.Айтматов, Б.Исакеев, А.Орозбеков, Ж.Саадаев, К.Тинистанов, О.Тинаев каби қирғиз халқининг истеъдодли фарзандлари бор эди. Оммавий қатагон қилишлар ва аёвсиз "тозалаш"лар натижасида Қирғизистон партия ташкилотлари 1934 йилнинг январидан апрелга қадар утган вақт ичидаёқ 14 минг кишидан 6 мингга қисқарган. Мамлакатда, жумладан Қирғизистонда утказилган оммавий катагонлар ва уларни амалга оширган маъмурий буйруқбозлик системаси социалистик жамият қуриш ишига ўзининг гоаят салбий таъсирини теккизди. Шундай бўлсада, шахсга сизиниш ва оммавий террор каби хунук кўринишлар совет жамиятининг моҳиятига, халқ оммасининг яратувчилик фаолиятига, СССР нинг тараққиёт йулидаги одимларига тўсқинлик қила олмади.

#### САВОЛЛАР ВА ВАЗИФАЛАР:

1. Маъмурий буйруқбозлик системаси вужудга келишининг сабаблари нималардан иборат бўлди?
2. Янги иқтисодий сиёсат нима учун тухтатилди?
3. Тоталитар ҳокимиятга таъриф беринг.
4. Оммавий жазолашларнинг сабаблари ва амалга оширилиши ҳақида айтиб беринг.
5. "Стабейт" ёдгорлиги ҳақида нималарни биласиз?

### 8-§. УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ЖАНГЧИЛАРНИНГ ФРОНТДАГИ ЖАСОРАТЛАРИ

Қирғизистонлик жангчилар дастлабки жангларда

<sup>1</sup> Фашистлар Германияси 1939 йили иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарди ва Европанинг Чехославакия, Польша, Франция, Бельгия, Голландия, Норвегия, Дания, Югославия ҳамда Греция каби мамлакатларини босиб олди. Ушбу муваффақиятлар натижасида Германиянинг ҳарбий-иқтисодий қудрати янада кучайди.

*Бутун дунёга ҳукмронлик қилишдек мудҳиш режасини амалга ошира бориб, фашистлар Германияси 1941 йилнинг 22 июнида СССРга ҳужум қилди.* Бунга қадарли ишлаб чиқилган маҳфий "барбаросса" режаси бўйича Совет Иттифоқи билан бошланган уруш бир неча ҳафтадаёқ якунланиши ва Германия 1941 йилнинг қишига қадар СССРнинг Европа қисмини тулиқ босиб олиши лозим эди. Фашистлар Германиясининг 5,5 миллион кишилиқ кўшиндан иборат 190 та дивизияси Совет мамлақати-га бостириб кирди. Германия билан биргаликда унинг Италия, Финляндия, Руминия, Венгрия ва Испания каби иттифокчилари ҳам СССР га қарши урушда иштирок этишган.

Немис-фашист босқинчиларининг эълон қилинмаган ва галамисларча бошлаган уруши совет халқларининг осуда турмушини издан чиқарди. *Шундай қилиб, кўп миллатли Совет Иттифоқи халқлари тақдирда Улуг Ватан уруши бошланди.*

Уруш бошланганлиги ҳақида мудҳиш хабар Қирғизистон халқларининг ҳам қаҳрғазабини уйғотди. Республиканинг шаҳарлари ва овул-қишлоқларида минглаб кишилар иштирокида митинглар ва йигилишлар ўтказилди.

Унда иштирок этган ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар Она Ватан мудофаси учун лозим бўлса жонларини ҳам фидо қилишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Турли миллат ва турли хил касбдаги кишилар ўзларининг ёшидан қатъи назар жойлардаги ҳарбий комиссариатларга муружаат этишиб, фронтга жўнатишларини илтимос қилишган. 1941 йил 22 — 23 июнь кунларида биргина Фрунзе шаҳри ҳарбий комиссариатига ана шундай мазмундаги 270та ариза тушган. Қизилқия кўмир шахталарининг 250 нафар ишчиси фронтга ихтиёрий равишда жўнаб кетишган. Тянь-Шань вилоятида 140 нафар ватанпарвар ҳарбий комиссариатдан ўзларини тезроқ фронтга жўнатишларини талаб қилган.

Қирғизистонлик жангчилар урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб фашист босқинчилари билан мардонавор кураша бошладилар. СССРнинг гарбий чегарасидаги Брест қалъаси мудофаси Улуг Ватан урушининг шонли саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Қалъа мудофаачилари бир ойдан ортиқ муддатда душманнинг кучли ҳужумларини қайтариб турдилар. Ушбу жасур мудофаачилар орасида қирғизистонлик В.И.Фурцев ҳам бўлган. У Пржевальскийдаги Ленин номли мактабда ўқиган эди. Урушгача Фрунзе шаҳрида ишлаган Н.М.Дмитриев 1941 йил 10 июлда Белоруссиядаги Борисово шаҳри учун булган жангларда душманнинг икки танкини сафдан чиқарди. *Жангларда курсатган мардлиги учун Н.М. Дмитриев 1941 йил 31 августда қирғизистонлик жангчилардан биринчи бўлиб Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига эга бўлди.*

Қирғизистон ҳукумати урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳарбий қисмларни тузишга ва ҳарбий-ўқув машқларини омалаштиришга астойдил киришди. СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йилнинг 22 июнидаги Қарорига мувофиқ республикада умумий ҳарбий сафарбарлик ишлари олиб борилди. Тез орада Қирғизистонда 385-ўқчилар дивизияси, сунгра 40-ҳамда 153-ўқчилар бригадалари, 2 та миллий отлик дивизия тузилиб, улар республикадаги ишхоналар ва колхозлар ҳисобидан етарли даражада кийим-кечак, от-улов ҳамда бошқа зарур нарсалар билан таъминланди.

Қирғизистонда тузилган ҳарбий бўлинмалар ичидан жангларга биринчи бўлиб Республика ҳарбий комиссари, генерал-майор И.В. Панфилов бошчилигидаги 316-ўқчи дивизияси кирган. Бу дивизия Қозогистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг

саъйи-ҳаракати билан тузилган бўлиб, унинг таркибида иккала республиканинг фидойи фарзандлари хизмат қилишган. Дивизиянинг миллий таркиби қozoқлар, руслар, қирғизлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари билан иборат бўлган. 1941 йилнинг ноябрида Москва учун бўлган жангларда Панфилов дивизияси ўзларидан тўрт баробар кучли бўлган душман қисмлари билан мардонавор олишганлар. Улар бир ой давомида ўзлари эгаллаб турган маррани душманга бермасдан, фашистларнинг 2-танк, 29-моторлаштирилган, 11-ҳамда 110-ҳарбий дивизияларини тор-мор келтирганлар. Панфиловчилар билан бўлган жангда душман 9 минг солдат ва офицерларидан, 80 танк ва бошқа курул-яроғларидан маҳрум бўлди. Қумондонликнинг топширигини юксак даражадаги қаҳрамонлик билан бажарганлиги учун *316-уқчилар дивизияси Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди ва дивизия номи 8-гвардиячи деб ўзгартирилди*. И.В. Панфилов 1941 йилнинг 18 ноябрида Волоколамск районидаги Гуськово қишлоғида ҳалок бўлган. Улимидан сўнг унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, ўзи етакчилик қилган дивизия Панфилов дивизияси деб ном олган.

Панфилов дивизиясининг 28 жангчиси ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган. Уларнинг орасида қирғизистонлик Дуйшенқул Шопоков, Николай Анашев, Григорий Шемьякин, Григорий Ковкин, Иван Москаленко, Григорий Петренко, Иван Добробабин каби ватанпарварлар бор эди.

1942 йилнинг март ойида Панфилов номидаги 8-гвардиячи дивизия Ленин ордени билан тақдирланган.

Шимолий-Ғарбий фронтда хизмат қилган ҳарбий учувчи, лейтенант Тимур Фрунзе (И.В. Фрунзенинг ўғли) ҳаво жангларида мардонавор курашиб ҳалок бўлди. Улимидан сўнг унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Москва учун бўлган жангларда Қирғизистон КП(б) МК нинг олдинги котиби Асанкул Рисмендиев фаол ташкилотчи ва қаҳрамон жангчи сифатида танилган. Отлиқлар полкининг комиссари сифатида хизмат қилган А. Рисмендиев 1942 йилнинг 8 февралда Смоленск областининг Пастиха қишлоғи учун бўлган қонли жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Қизил Армиянинг 1941 — 1942 йиллардаги қишки қарши ҳужумларидан сўнг гитлерчилар қўшини фронтнинг барча участкаларида 100 — 400 чақирим орқага улоқтириб ташланган. Москва, Тула, Ленинград, Калинин ва Смоленск областларининг бир қатор районлари фашист босқинчиларидан озод этилди.

Москва остонасидаги жангларда гитлерчилар талофатларга учраб уларнинг “яшин тезлигида уруш қилиш” режаси чип-пакка чиқди. 1941 йилнинг 16 ноябридан 5 декабригача бўлган жангларда душмanning 55 минг солдати ва офицерлари йўқ қилинди, 100 мингдан ортиги эса жароҳатланди. Фашистларнинг 800 танки, 1500 самолёти ва 300 тўп-замбараклари яқсон этилди. Фашистлар Германияси узоқ муддатга мўлжалланган



уруш олиб бориш стратегиясини ишлаб чиқишга мажбур булди. Москва остоналаридаги жанглардан сўнг Германиянинг иттифоқчилари булган Туркия ва Япония СССР га қарши урушга кириш масаласида иккиланиб қолдилар. Совет халқининг мудҳиш фашизмни енга олишга булган ишончи янада ортди.

**Қирғизистонлик жангчиларнинг 1942 – 1943 йй. жангларда иштироки**

1942 йили фашистлар Германияси СССР га қарши навбатдаги кучли зарбаларни бериб, урушдаги стратегик имкониятни ўз

қўлига олишга ҳаракат қилди. 1942 йилнинг май ойи арафасида Германия ва унинг иттифоқчилари совет-герман фронтга ўзларининг 237 дивизиялари ва бригадаларини туплашга муваффақ булди. Бу кучлар СССР га ҳужум қилиниш арафасидаги кучлардан бир мунча кўп эди. Душман армияси 6,2 млн. солдат ва офицерлардан иборат булиб, гитлерчилар 56941 туп замбарак ва миномётларга, 3229 танк ва ўзи юрар артиллерия ускуналарига, 3395 самолёт ва 63 ҳарбий кемага эга бўлишган. Бу даврга келиб, Қизил Армия қисмларининг қўшин сони, артиллерия ва ҳарбий самолётлари сон жиҳатдан немис армиясининг кўрсаткичларига тенг келмас эди.

1942 йил ёзги ҳужум операциялари натижасида фашист қўмондонлигининг режасига кура Волга соҳиллари, Сталинград шаҳри, Шимолий Кавказ, Кавказorti ҳамда Ленинград шаҳри қўлга киритилиши, шундан сўнг Москвага навбатдаги зарбани бериш орқали СССР га қарши урушни узил-кесил якунлаш лозим эди.

1942 йил июлида фашист қўшинлари Дон дарёсидан утиб, СССРнинг деҳқончилик учун қўлай бўлган бир қатор улкан ҳудудларини қўлга киритдилар. Совет-герман frontiда гоёт мураккаб вазият вужудга келди. *Сталин 28 июль кунини "Бир қадам ҳам ортга чекивилмасин!" деб буйруқ берди.* Кўп миллатли Қизил Армия қисмлари фронтнинг ҳар бир участкасида хоҳ Кавказ доvonларида булсин, хоҳ Сталинграддаги ҳар бир кўча ёки уй учун булсин, мислсиз шижоат билан курашдилар. Натижада душман Сталинградни ва Кавказни эгаллай олмади.

Қизил Армия қўмондонлиги *"Уран"* деб аталган қарши ҳужумнинг стратегик режасини ишлаб чиқди. Ушбу режага кура 1942 йил 19 ноябрда *Жанубий-Ғарбий ва Дон фронтлари, 20 ноябрда Сталинград fronti* кучли артиллерия зарбаларидан сўнг қарши ҳужумга утиб, 23 ноябрь кунини саросимада қолган душманнинг 330 минг кишилик армиясини қўршовга олди. 1943 йил 2 февралда *Дон фронтининг қўшинлари қўршовдаги немис дивизияларини яқсон қилдилар. Фельдмаршал Паулюс бошчилигидаги 24 немис генерали, 91 минг солдат ва 2500 офицер қўлга олинди. Сталинград жанги нафакат Улуғ Ватан урушини, балки иккинчи жаҳон урушида ҳам туб бурилишни содир этган тарихий воқеадир.* Ушбу жангдан сўнг СССРнинг ва Қизил Армия-



Чолпонбай Тулобердиев

Ҳалигача иккинчи фронтнинг йуқлигидан фойдаланган фашистлар Германияси ўзининг 232 дивизиясини (5,2млн. кишилик) энг янги ҳарбий техника билан қуроллантириб Совет-герман frontiда тушлашга муваффақ бўлди. Фашист қумондонлиги "Цитадель" ва "Пантера" каби режаларни тузиб, Курск ёнида Қизил Армияга қаттиқ зарба беришни кўзлаган.

1943 йилнинг 5 июлида немис армиялари ҳужумга ўтиб, Курск, Орёл ва Белгород районларида қизгин жанглар бошланиб кетган. 7 кунлик қонли жанглардан сўнг 12 июль кунини Қизил Армия артиллерия ва авиация зарбаларидан сўнг қарши ҳужумга ўтган. 5 августда Совет қўшинлари Орёл ва Белгород шаҳарларини озод этишган. *Курск ёнида қўлга киритилган ушбу галаба учун Москвада биринчи марта артиллерияда салют берилган.* Шундан сўнг ҳар бир аҳамиятли галабалар шарафига салют бериш одат тусига кирган. 1943 йил ёзги ва кузги ҳужумлар натижасида душман гарбга томон чекинишга мажбур бўлди. Сталинград, Шимолий Кавказ ва Курск жангларида қирғизистонлик жангчилар ҳам мардларча курашдилар. Уларнинг кўпчилиги Она Ватан учун қурбон бўлишган.

Дон дарёси соҳилидаги Воронеж шаҳрининг жанубида 1942 йил 6 августда бўлиб ўтган жангларнинг бирида Чолпонбай Тулобердиев душман дзотини кўкраги билан беркитиб, мардлик ва жасоратнинг буюк намунасини кўрсатди. Унга 1943 йил 4 февралда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Шимолий Кавказ frontiда бўлим командири бўлган қирғизистонлик Г.И.Виглазов 1942 йилнинг 16 майида ўз жангчилари билан фашистларнинг 8 танки иштирокида уюштирилган ҳужумини тухтатишга муваффақ бўлди. Унинг уай душмanning 3 танкини ва 20 нафар солдатини йуқ қилган. 1943 йилнинг 23 февралда Г.И.Виглазовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ушбу юксак унвон билан Ғарбий фронтда хизмат қилган юртдошимиз А.И.Волковенко ҳам тақдирланган.

Сталинград учун булган жангларда артиллериячи сержант Дайир Асанов қахрамонлик намуналарини кўрсатди. У 1943 йилнинг январида моҳир артиллериячи мерган сифатида душманнинг танкини, миномёт батареясини ва бутун ротасини яқсон этган. 23 март куни Харьков ёнидаги Пятницкое қишлоғи учун булган жангда Д.Асанов душманнинг 3 танкини сафдан чиқарган. Шундан сўнг фашистларнинг қолган танклари қочишга мажбур бўлди. 20-25 дақиқалик авиация ва артиллерия зарбаларидан сўнг душман 2 маротаба ҳужумга ўтди. Д.Асанов бир ўзи қолганига қарамай, жангни давом эттирди ва душманнинг яна икки танкини сафдан чиқарди. 4 соатга чўзилган ушбу жангда Д.Асанов фашистларнинг 8 танкини, 6 зирҳли машинасини ва 40 жангчисини йўқ қилган. 1943 йил 26 октябрда унга Совет Иттифоқи Қахрамони увони берилди.

Закавказье фронтининг рота сиёсий етакчиси Кубат Жуматаев ҳам мардлик намуналарини кўрсатган. 1942 йил 16 сентябрда булган жангда у хизмат қилаётган ротанинг коман-дири оғир ярадор бўлди. Шундан сўнг Жуматаев ротани ўзи ҳужумга бошлаган. Унинг ротаси бир қанча қишлоқларни озод этган. Шу вақтда унинг ротасига душманнинг 15 танки ҳужумга ўтган. Тенгсиз жангларда Жуматаев жангчилари душманнинг 2 танкини ва 80 нафар солдатини йўқ қилган. Қуршовда қолган Жуматаев гранаталарни танасига боғлаб, қаршисидан келаётган душманнинг зирҳли машинаси остига ўзини ташлади. Қирғиз халқининг мард ўғлони, коммунист К.Жуматаев улимидан сўнг Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

1942 йил декабрда Кавказ учун булган жанглардан бирида бўлим командири Ақун Садирбаев душман томонидан иргитилган 16 гранатани ушлаб олиб, душман томонига қайта иргитишга муваффақ булган. 17-граната унинг қўлида портлаб кетгандан сўнг мард командир ҳалок булган. Тарихчи Д.Б. Сапаралиевнинг аниқлаши буйича ҳеч ерда қурилмаган жасорати учун А. Садирбаев Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Унинг тенгдошлари ташқаридан ёрдам келгунига қадар бир сутка давомида қахрамонларча жанг қилдилар ва душманнинг 60 жангчисини сафдан чиқардилар. Кавказ мудофазасида рота сиёсий етакчиси Сулаймон Жундубоев, катта лейтенант Темиркул Уметалиев, артиллериячи Керим Қирбақбаев, Тинибай Бейшенбаев ҳамда Абдуқалиқ Жумақеевлар мардонавор жанг қилганлар.

1942 — 1943 йиллардаги жангларда кўп миллатли Панфилов номидаги 8-гвардия ўқчилар дивизияси бир қатор му-



Ақун Садирбаев

ваффақиятларга эришган. Дивизия жангчиларининг 18,5 фойзини қирғизлар ташкил этган. Дивизия мерганларидан Тоқтогул Шабеков, Алимкул Абибулдаев ва Возжигит Турдубаевларнинг ҳар бири 25 тадан 150 тагача гитлерчиларни отиб йуқ қилганлар.

1943 йилнинг сентябрида Днепр дарёсидан кечиб ўтиш жараёнида қирғизистонлик жангчилар ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатишган. Айниқса, сержант Анвар Чортеков бошқарган взвод алоҳида ажралиб турган. Улар дарёни кечиб ўтишгач, душмanning тўртта ҳужумини қайтариб, 30 дан ортиқ фашистни ер тишлатганлар. Кўрсатган жасорати учун А.Чортеков Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Днепр учун бўлган жангларда пулемётчи Садик Алиназаров душмanning 21 солдати ва 2 офицерини йуқ қилган. Кўрсатган жасорати учун Алиназаров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Днепр учун бўлган жангларда қирғизистонлик жангчилардан М.Тешабоев, В.Крикун, В.Беляндр, М.Сапожников, Тошмуҳаммад Жумабоев, Е.Мазков, Г.Тихонов ва бошқалар ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган. Қирғизистонлик минглаб жангчилар ҳукуматнинг орден ва медаллари билан тақдирланишган. Душман қуршовида қолган ҳудудларда юзага келган партизанлик ҳаракатларида Қирғизистонлик жангчилар ҳам фаол иштирок этишган. Жумладан А.Ковпакнинг Украинадаги партизанлар бирлашмасида 17 Қирғизистонлик жангчилар бўлган. Уларнинг орасида Ишенкул Бейшеналиев алоҳида ажралиб турган. У 6 маротаба гоят мураккаб операцияларда иштирок этиб, уларнинг бирида душмanning эшелонини ҳалокатга учратган. Белоруссиядаги партизан отрядлари орасида А.Мирзакулов, С.Сарибоев, Б.Ўзбеков, А.Адашев каби қирғиз халқининг фарзандлари мардонавор жанг қилганлар. Уларнинг орасидан "темир йул уруши" да мардлик кўрсатган И.Иманбаев каби жангчилар етишиб чиққан. Қирғизистонлик жангчилар душман қуршовида қолган ҳудудларда ҳам, фашистлар вақтинчалик босиб олган Қрим, Ленинград, Смоленск, Псков, Орлов ва бошқа вилоятларда ҳам мардларча кураш олиб борганлар.

1942 йил охирларида Панфилов дивизиясининг жангчиларидан бир қисми катта сержант Аширбой Коёнкозов етакчилигида душман ичкарасига махсус топшириқ билан юборилган. 1943 йилнинг январида улар Псков шахрига яқин бўлган ҳудудда 7-Ленинград партизанлар бригадасига қўшилган. Кўп вақт ўтмай А.Коёнкозов 2 партизан отряди ротасининг етакчилигига тайинланган. Унинг ротаси душман қўшинларига куну тун гинчлик бермасдан, 1943 йил декабрь ойларида душмanning 10 эшелони, 10 паровози ва 20 дан ортиқ вагонларини йуқ қилган. 1943 йилнинг декабрида А.Коёнкозов ва унинг жангчилари Псков шахри ёнидаги жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлишган.

Қирғизистонлик жангчиларнинг Улуг Ватан уруши сўнгги йилларидаги жасорати

1944 йилнинг бошларига келиб, Совет Иттифоқи ҳарбий кучлари душман армияларидан қушин сони буйича 1,3 маротаба, артиллерия буйича 1,7 танклар сони буйича 1,4,

самолётлар сони буйича эса 2,7 маротаба устунликка эга эди. Лекин душман ҳали ҳам жиддий қаршилик кўрсатишга қодир эди. Қушинларни жамлаш ва сафларни тўлдириш ҳисобидан гитлерчилар Германияси уз қушинларини юқори жанговарлик даражасини сақлашга муваффақ булган. 2 фронтнинг очилмаганлигидан фойдаланган Германия иттифоқчиларининг ҳарбий кучларини ҳисобга олмаганда ҳам уз қушинларини 63,2 фойзини совет-герман frontiда тўплаган.

Стратегик имкониятга эга бўлган совет қушинлари 1944 йилнинг январь, февраль ойларида душмanning йирик бирлашмаларини тор-мор этиб, Руминия ва Чехословакия ҳудудларига кира бошлаган. 1944 йилнинг баҳорида Қрим озод этилган. Ёз ойларига келиб, Германия иттифоқчиси бўлган Финландия урушдан бош торган, Белоруссия ва Польша ҳудудларини озод қилиш бошланган.

1944 йилнинг 18 мартада Эстониянинг Нарва шаҳри яқинидаги ҳаво жанглирида қирғиз учувчиси Исмоилбек Таранчиев ўзининг ёнаётган самолётини душмanning бензин ташийдиган 3 автомашинасига уриб, улар билан биргаликда яқин атрофдаги 6 танк ва ўилаб немис жангчиларини ҳалок этган. Унинг бу қаҳрамонлиги 1991 йилга келибгина тасдиқланди ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. И. Таранчиевнинг жасорати гоят кечикиб бўлсада тақдирланишида тарихчи Н.Тунтеевнинг тадқиқотлари катта роль ўйнаган.

*Совет Армиясининг тинимсиз муваффақиятлари, Европа халқлари миллий-озодлик курашларининг кучайиши АҚШ ва Англияни 1944 йил 6 июнда (2 йилга кечикиб) иккинчи фронтни очишга мажбур қилган, лекин шундан кейин ҳам фашист армиясининг асосий кучлари совет-герман frontiда қолаверди. 1944 йил августда Молдавия ССР ва Руминия, 20 октябрда эса Югославиянинг пойтахти Белград шаҳри озод қилинди. Гитлерчи босқинчилар Болтиқбуйи мамлакатларидан ҳам қувиб чиқилди. Энди уруш ҳаракатлари бевосита Германия ҳудудига кўчди.*

1944 — 1945 йилнинг ҳужумлари давомида СССР даги барча халқларнинг фарзандлари елкама-елка туриб мардондор курашдилар. 1944 йил Ленинград ёнидаги қонли жангларда Қирғизистон жангчиларидан У.Жетикашка-



Исмоилбек Таранчиев



Носир Байтурсунов

ев, Ж.Рустамов, М.Юнусалиев ва бошқалар фидойлик кўрсатганлар.

1944 йилнинг апрелида Молдавиянинг Дубоссари шаҳри енидаги жангда артиллериячи К. Жаркимбаев душманнинг 2 пулемёти ва 25 солдатини сафдан чиқарган. У ушбу жангда душманнинг беш маротаба содир этган хужумларини мардларча қайтариб турган. Унинг бу жасорати Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

1944 йилнинг июнида Белоруссияда булиб утган жангларда ефрейторлар О.Якубов ва Ж.Асаналиев, лейтенант Д.Пичугин, майор Н.Калашников, сержант Е.Курочкин, лейтенант Л. Царенко,

пулемётчи Р. Азимов, лейтенант С.Сухин, оддий аскар А.Хименко ҳамда бошқалар кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган ва қирғизистонлик жангчиларнинг шухратини янада оширганлар.

Урушнинг турли даврларида — Ленинград, Ржев, Великий Луки, Новгород, Псков ва Нарвани озод этиш учун бўлган жангларда Қирғизистоннинг 660-чи ҳамда 664-тунги бомбардимончи авиация полклари фаол иштирок этишган. Уларнинг орасидан қирғизистонлик учувчи аёл Е. Пасько 780 маротаба тунги хужумларда иштирок этган ва душман устига 93 тонна бомба ташлашга муваффақ бўлган. Унинг ташлаган бомбалари душманнинг аҳамиятли объектларида 109 маротаба ёнгин чиқишига сабаб бўлган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Е. Пасько уз шогирдлари билан душманга кўп маротаба қирон келтирган. 1944 йилнинг 13 — 15 октябрида Совет кўшинлари Ригани озод этишган. Бу жангда кўрсатган жасорати учун Панфилов номидаги 8-гвардиячи дивизиянинг 34 жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган. Дивизиянинг 18086 жангчиси СССР нинг турли орден ва медаллари билан тақдирланишган. Дивизиянинг ўзи Ленин, Қизил Байроқ ва II даражали Суворов орденлари билан тақдирланган.

Совет Армиясининг зришаётган муваффақиятлари СССР нинг халқаро обрў-эътиборини янада оширди. Фашистлар Германия-сининг ҳарбий кучлари кундан-кунга заифлаша бошлади, унинг иттифоқчилари урушдан бош тортдилар. *1945 йилнинг 16 апрелида фашизмнинг асосий қароргоҳи Берлин шаҳрига хужум бошланди.* Ғоят кучли артиллерия зарбаларидан сўнг Совет кўшинлари шиддатли хужумга утдилар. Ушбу жанглардан бирида батальоннинг сиёсий етакчиси Қалинур Усенбеков уз жангчиларига урнак бўлган. 14 февралда юз берган жангда Қ.Усенбеков душманнинг 7 солдатини ўлдиришга ва 2 нафари-

ни қўлга туширишга муваффақ бўлган. Мураккаб топшириқни мардонавор бажарганлиги учун лейтенант К.Усенбеков Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Усенбековнинг батальони Берлинга биринчилардан бўлиб кирган ва фашист Рейхстагини ишғол этишда қатнашган. Рейхстаг ёнида бўлган жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун Қ.Усенбеков Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.

Урушнинг сўнгги ойларида Польша учун бўлган жангларда қирғиз пулемётчиси А. Оторбаев ҳам мардлик намуналарини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. У Одер дарёсидан сузиб ўтиш жараёнида душмanning беш маротаба содир этган хужумларини қайтаришга ва 25 солдатини йўқ қилишга муваффақ бўлган. Батальон оммавий тарзда дардан сузиб ўтаётганда душмanning ўзююрар замбараги батальонга қарата ўқ ёғдира бошлаган. Юзага келган оғир вазиятда А.Оторбаев икки граната билан судралиб бориб, замбарак ёнига узини ташлади ва уни портлатишга муваффақ бўлди.

Берлин учун бўлган жангларда ватандошимиз, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони учувчи-штурман Т.Бегельдинов, батальон командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В.Бельяндра ва бошқалар шижоат кўрсатиб жанг қилганлар.

Урушнинг якунловчи даврида кўрсатган жасоратлари учун Н.Байтурсунов, У.Бейшеев, Ҳ.Истанов, И.Надирқулов, А.Каримшаков ва Ч. Осмонов каби қирғиз йигитлари Шўҳрат орденининг тўлиқ кавалерлари бўлишган.

*Улуг Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқининг халқлари эркинлик ва мустақиллик учун жонларини ҳам аямай кураш олиб борганлар. Қизил Армиянинг кўп миллатли жангчилари таркибида Қирғизистонлик 300минг ватанпарвар ҳам мардонавор жанг қилганлар. Уруш майдонларида кўрсатган жасоратлари учун 10 минг нафари ҳукуматнинг орден ва медаллари билан, 76таси Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 29 жангчи Шўҳрат орденининг уччала даражаси билан тақдирланганлар. Қирғизистонлик жангчиларнинг кўпчилиги Улуг Ватан уруши фронтларида қаҳрамонларча ҳалок бўлишган.*

#### САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Улуг Ватан урушининг дастлабки жангларида қирғизистонлик жангчилар қандай иштирок этишган?
2. Панфилов номидаги 316-ўқчилар дивизияси ҳақида сўзлаб беринг.
3. 1942 — 1943 йиллардаги туқнашувларда қирғизистонлик жангчилардан кимлар алоҳида мардлик намуналарини кўрсатишган?
4. Ч.Тулбердиев, Д.Асанов, А.Чортиков, И.Таранчиев, А.Садирбаев, ва А.Коеикузовларнинг жасоратлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Қирғиз жангчиларидан кимлар партизан ҳаракатларида иштирок этишган?
6. Урушнинг якунловчи даврида қирғизистонлик жангчилар кўрсатган жасорати ҳақида нималарни биласиз?

## МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

### 9-§. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ

Миллий масалани ҳал этишдаги дастлабки қадамлар

Большевиклар партияси ҳокимиятга келгунга қадар ижтимоий ва миллий зулми тугатиш узининг асосий мақсади эканлигини кўп бор таъкидлаганлар. 1917 йилнинг 2 январида Совет ҳукумати *“Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси”* ни эълон қилган ва унда узининг миллий сиёсати асосларини баён этган.

Октябрь инқилобига қадарли подшо ҳокимиятининг олиб борган мустамлакачилик сиёсати, улкадаги тарқоқлик ва феодалпатриархал муносабатларнинг мавжудлиги Ўрта Осиёда миллий муносабатларини йулга қўйиш ва мустаҳкамлаш жараёнига тўсқинлик қилиб келган. Совет ҳукумати Ўрта Осиёдаги уз таъсирини мустаҳкамлаш учун 1917 йил 22 ноябрда *“Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига”* деб номланган чақириқни эълон қилди. Унда Россиянинг мусулмон халқлари тула эркинликка эга эканлиги ва ҳар тарафлама тенг ҳуқуқлиги эълон қилинган.

Шундай бўлсада Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон халқлари билан Совет мамлакати ўртасида ўзаро ишончсизлик мавжуд бўлган. Бу ҳолат авало маҳаллий аҳолининг айрим вакиллари онгида миллатчилик кайфиятининг мавжудлигидан, қолаверса баъзи бир рус большевик арбобларининг шовинизмга мойил бўлган иш услубларининг натижасида юзга келган. Масалан, 1917 йилнинг 15–22 ноябрда Туркистон советларининг III съездида олий бошқарув органи — *Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ХКС)* тузилган. Унинг таркибига большевик Ф.И.Колесов бошчилигидаги 15 та халқ комиссарлари киритилган. Мазкур ҳукуматнинг таркибига маҳаллий миллатларнинг бирорта ҳам вакили киритилган эмас. Ўлкада иш олиб бораётган мусулмонлар съездининг Туркистонда кўп партиявийликка асосланган коалицион ҳукумат тузиш тўғрисидаги таклифлари рад этилган, уларнинг узлари эса буржуа миллатчилари сифатида қораланган.

Шундан сўнг Мустафо Чўқаев етакчилик қилаётган “Шўро-и-Ислоҳ” партиясининг ҳудудий қўмитаси ташаббуси билан 1917 йил 26—29 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида мусулмонларнинг



навбатдан ташқари IV съезди бўлиб ўтган. Съезд Россия таркибидаги "Қўқон автономияси" тузилганлигини эълон қилди ва М.Чўқаев ҳамда М.Тинишпаев етакчилигидаги янги ҳукуматни сайлади. Мазкур ҳукумат таркибига маҳаллий миллат вакиллари ҳам киритилган. Съезд иштирокчилари собиқ Қўқон хонлиги ҳудудида буржуа-демократик республикаси кўринишидаги миллий давлатни тузишга ҳаракат қилганлар.

Шундай қилиб, Туркистонда ҳам қўш ҳокимият вужудга келган. Улардан бири Тошкентда большевиклар партияси томонидан тузилган Совет ҳукумати бўлса, иккинчиси "Шуро-и-Ислом", "Алаш" ҳамда бошқа партиялар томонидан ташкил этилган кўп миллатли "Қўқон мухторияти" ҳукумати эди. Қўқон ҳукумати Совет ҳокимиятига қарши ташвиқот ишларини олиб борган. Мухторият ҳукуматини қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп бўлиб, унинг алоҳида қуроли кучлари ташкил этилган. Ушбу қуроли кучларга полковник Чанишев кўмондонлик қилган.

"Қўқон мухторияти" нинг кундан-кунга мустаҳкамланиб бориши Тошкентдаги большевиклар ҳукуматини хавотирга солган. 1918 йилнинг 19-26 январида улка Советларининг IV съезди, "Қўқон мухторияти" ни гайриқонуний аксилин-қилобий ҳукумат, — деб эълон қилиб, унинг етакчиларини қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

1918 йилнинг 19 — 22 февраль кунларида Қизил Армия қисмлари Қўқон га бостириб кирдилар ва бир қанча қонли туқнашувлардан сўнг Мухторият ихтиёридаги қуроли кучларни тор-мор келтирдилар. Шундай қилиб, "Қўқон мухторияти" йўқ қилинди, унинг омон қолган вакиллари Қирғизистон тоғларига қочиб жон сақладилар ва фуқаролар уруши йилларида Совет ҳукуматига қарши кураш олиб бордилар.

"Қўқон мухторияти" нинг тор-мор этилиши маҳаллий халқнинг бир қисмида норозилик кайфиятини уйғотди. Маҳаллий Туркистон зиёлиларининг миллий давлатчилик ва мустақиллик учун бошлаган саъй-ҳаракатлари ана шу тарзда зўравонларча бўғиб ташланган.

1918 йилда Советларнинг Бутунроссия III съезди "*Меҳнаткаш ва эзилган халқ ҳуқуқларининг декларацияси*" ни қабул қилди. Унда кўпмиллатли социалистик давлатнинг асоси сифатида Федератив тартиблар режаси эълон қилинган. Мазкур режа асосида 1918 йили *Урта Освё халқлари Туркистон Совет Социалистик Республикасига* бирлашдилар. Уша йилнинг май ойида Туркистон автономия ҳуқуқларини сақлаган ҳолда Россия таркибига кирган. Совет ҳукумати томонидан 1918 йилнинг 8 октябрида *ташкил этилиб, улкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия)* мазкур жараёнларда ҳам муҳим роль уйнаган. Комиссияга Ш.З. Элиава бошчилик қилган. Унинг таркибида М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Я.Э.Рудзутак, Т.И.Бокий ва Ф.Н.Голощекинлар фаолият кўрсатишган. Ушбу комиссия зиммасига

улкадаги партия ва совет органларининг раҳбарияти йул қўйган хатоликларни тузатиш, ҳокимият органлари ишини таркибга солиш, айниқса миллий масалага эҳтиётлик билан ёндошиб, маҳаллий халқнинг Совет ҳукуматига булган ишончини мустаҳкамлашдек вазифалар юклатилган эди.

Комиссия ўз фаолияти давомида Туркистондаги маҳаллий халқларга нисбатан шовинистик муносабатда булиб келган совет ва партия ходимларини лавозимларидан бушатган, бошқарувнинг кераксиз структураларини эса тарқатиб юборган. Маҳаллий халқларнинг вакиллари бошқарув органларига кўплаб жалб этилган. Деҳқонларни, айниқса, маҳаллий халқнинг мол-мулкни талаган Қизил Армия жангчилари учун улим жазоси жорий этилган. Булардан ташқари комиссия масжидлар фаолиятини ва ислом ҳуқуқлари нормаларини тартибга солди. Натижада, маҳаллий халқларнинг большевиклар ҳокимиятига булган муносабати ижобий томонга ўзгариб, Қизил Армияга ихтиёрий суръатда ўтувчиларнинг сони кўпайган. Большевикларнинг миллий сиёсат борасида олиб бораётган ишлари кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланиши, Қирғизистондаги аксилинқилобий кучларни тор-мор келтиришда ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда улкан аҳамият касб этди.

**Қочоқ қирғизларнинг ўз юртларига қайтиши**

Қирғизистонда Совет ҳокимияти урнатилгач, 1916 йилги қўзғолонда иштирок этган қирғизларни жазолаш ва тақиб остига олиш тўхтаган. Қурилган чоратадбирлар натижасида миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик ва душманлик кайфиятлари аста-секинлик билан бўлсада барҳам топиб, ўзаро ёрдам ва дўстлик муносабатлари вужудга кела бошлади. 1918 йилнинг 5 июлида Ёттисув вилоят ижроия комитети қошида миллий масалалар бўйича вилоят комиссариати тузилди. Ушбу комиссариат қошида рус-қирғиз муносабатларини изга солиш юзасидан махсус қўмита ташкил этилган. Мазкур қўмита маҳаллий қирғизлар ва руслар орасида панднасиҳат ишларини кенг тарғиб этиб, икки халқ ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

Совет ҳокимияти улкадаги мавжуд вазиятнинг оғирлигига қарамасдан, очарчиликдан азоб чекаётган кенг халқ оммасига ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берган. Ушбу масала юзасидан махсус қўмиталар ташкил этилган. 1918 йилнинг 29 октябрида Ёттисув вилоят ижроия қўмитаси, Тўқмоқдаги озиқ-овқат қўмитасига очарчиликдан азоб чекаётган қирғизларни егулик билан таъминлаш учун 100 минг сом утказди. Ана шундай овқатлантириш пунктлари Қирғизистоннинг барча шаҳарларида ва баъзи бир овул-қишлоқларида ҳам ташкил этилган.

Совет ҳокимиятининг қочоқ қирғизларга нисбатан муносабатини алоҳида миннатдорчилик билан эсга олиш жоиз. Қочоқ қирғизларнинг қирғинлардан омон қолган қисми ўз юртига 1917

йилги февраль иккилобидан сунг қайта бошлаганлигини олдинги саҳифаларда таъкидлаб ўтганмиз. Лекин вақтли ҳукуматнинг олиб борган шовинистик сиёсати натижасида улар яна турли хил таъқиблар ва жазолашларга дуч келганлар. Ҳолдан тойган ва умидсизликка тушган халқ ана шу тарзда навбатдаги қиргинга дучор этилган.

Совет ҳукумати қочоқ қирғизларни ўз тарихий юртларига кучиришни ташкил этиш мақсадида Фарбий Хитойга махсус комиссия юборган. Ушбу комиссия Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1920 йил 2 февралдаги қарори билан ташкил этилган. Комиссия зиммасига қочоқ қирғизларни ўз юртларига қайтариш, уларга тортиб олинган ерларини қайтариб бериш, қул сифатида сотилиб кетганларни қутқариш, қочоқларга моддий ёрдамни уюштириш ҳамда руслар ва қирғизлар ўртасидаги душманлик муносабатларига барҳам бериш каби маъсулиятли вазифалар юклатилган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Туркистон Совет Республикаси Советлари Марказий Ижроия Комитетининг 1920 йил 3 февралдаги буйругидан:

1. Подшо ҳокимиятининг жазоловчи маъмурлари ва миллий душманлик қайфиятидан беғиб, Хитойга ҳамда бошқа ҳудудларга қочиб кетган Еттисув областининг барча мусулмонларини ўзларининг азалий ерларига қайтишлари ва уй-жойларидан хавф-хатарсиз фойдалана олишлари учун барча чора-тадбирлар курилсин.

2. Ишчи-деҳқон ҳукумати ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда барча чораларни куриб, ҳукумон синфлар ва баъзи бир миллий эъзучилардан қирғиз халқини, энг аввало ўз ерларига қайтиб келган қирғизларни ҳимоя қилиши ва зуравонликка асосланган ҳар қандай ҳаракатларни таг-туғи билан йўқотиши лозим.

3. Ушбу буйруқни амалга ошириш учун Жапузонов раислигида Турк МИКнинг махсус комиссияси тузилсин. Комиссия таркибига Султанбеков, Мангелдин, Нигматуллин, Хоҳлов ва Турк комиссиясидан бир вакил киретилиб, қочоқ қирғизларни жойлаштириш бўйича махсус кўрсатма асосида иш олиб бориш.

... Ушбу комиссиянинг фаолиятига тўққонлик қилган шахслар иккилобий трибунал судига берилсин.

Совет ҳокимияти ёрдами билан ўз юртларига қайтиб келган қирғизларни қўллаб-қувватлаш учун ҳукумат ҳисобидан 100 млн. сом ажратилган. Мазкур маблағ ҳисобидан қирғизларга ҳақсиз чорва моллари, от-уловлар, меҳнат қуроллари, утовлар ва қурилиш материаллари берилган. Биргина 1920 йилнинг ўзида қочоқ қирғизларга 46 минг саржин экин ерлари ва 80 минг саржин яйлов ерлари бўлиб берилган. Улар беш йил муддатга давлат солиқларидан озод этилган.

Тоғли Қирғиз облас-  
тини тузиш учун  
ҳаракатлар

Туркистон АССР таркибидаги қир-  
ғиз республиканинг Еттисув, Сирдарё,  
Фарғона ва Самарқанд областларида тарқок

ҳолда ҳаёт кечирар эдилар. Қирғизлар ушбу областлардаги бо-  
шқа миллатларга нисбатан озчиликни ташкил этар ва куп ҳол-

ларда уларнинг манфаатлари вилоят маъмурий органлари эътиборидан четда қолар эди.

Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб 1921 йили Олма-Отада бўлиб ўтган Кенгаш мажлисида, биринчи маротаба Туркистон АССР таркибидаги тоғли Қирғиз областини тузиш масаласи кутарилган, лекин бу мажлисда юқоридаги масала ҳал этилмасдан, Қозоқ АССР таркибига Еттисув ҳамда Сирдарё областларини киритиш масаласи қаралган. Бу қарор қирғизларнинг сиёсий аҳволини янада оғирлаштирган, чунки илгари бир автоном республика таркибидаги қирғизлар энди иккита автоном республика ҳудудида яшашга мажбур булар эди. Бундан норози булган қирғиз зиёлиларнинг илгор вакиллари Ж.Абдурахмонов, Э.Арабоев ва А.Сидиқовлар 1922 йилнинг мартада қирғизлар яшайдиган уездларни ажратиб, Тоғли қирғиз вилояти тузиш тўғрисидаги фикрларни қайтадан таклиф этишган.

1922 йилнинг 25 мартада Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг котибияти Туркистон Республикаси таркибидаги *Тоғли Қирғиз областини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган*. 26 мартда эса Турк МИК нинг кичик Президиуми маркази Қўчқор қишлоғида жойлашган Тоғли Қора-Қирғиз областини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган. Бу қарорга кўра Тоғли Қора-Қирғиз области Пишпек, Қоракул, Норин уездлари ва Авлиёота уездининг тоғли қисмларидан иборат ҳолда ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда бу область таркибига Шимолий Қирғизистон ҳудудларигина киритилган. Жанубий Қирғизистондаги қирғизлар тақдирига оид масала эса вақтинчалик очиқ қолдирилган. Шундай бўлса-да қирғиз халқининг истиқболдаги тақдирини гоят муҳим роль ўйнаши мумкин булган тарихий воқеа амалга оширилди: қирғиз халқи узлари яшаган тарихий ҳудуднинг бир қисмида миллий мухторият шаклидаги ўз мамлакатларини қуриш имкониятига эга бўлдилар.

*Абдикерим Сидиков (1889 — 1938 йй) — давлат ва партия арбоби, биринчилардан бўлиб, европача услубда асарлар ёза олган қирғиз олимларидан биридир. Қирғизларнинг салто уруги манбаи хонадониди, Бош-Қорасув қишлоғида туғилган. Дастлаб мусулмон мактабиди, 1904 — 911 йилларда Вернийдаги ўғил болалар гимназиясида ўқиган. 1913 йилдан бошлаб Пишпек уезди бошқармасида таржимон, Россия Муваққат ҳукуматининг вакили — Пишпек уездининг комиссарига ёрдамчи бўлиб ишлаган, “Алаш” партиясига, кейинчалик сўл эсерлар партиясига аъзо булган. Қирғизларнинг мухтор мамлакатини ту-*



Абдикерим Сидиков

зиш учун курашган. 1922 йилда Тоғли Қирғиз областини тузиш бўйича ташкилий комитетнинг раиси бўлган. 1926 йилдан Ўрта Осиё Давлат Университетининг қишлоқ хўжалиги факультетида хизматчи бўлиб ишлаган, сўнгра Ўрта Осиё Пахтачилик институтининг сув хўжалиги факультетида декан ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатган. 1932 йилда Қирғиз АССР нинг Давлат планлаштириш Комитети раисининг ёрдамчиси этиб тайинланган, бир йилдан сўнг туҳматга учраб қamoққа олинган. 1938 йилнинг 18 февралда "аксилинқилобчи" сифатида отиб ташланган. А.Сидиков "Қирғиз халқи ривожланиши тарихининг қисқача очерки" (1926); "Қирғизларнинг уруғларга бўлиниши" (1927); "Кучманчи тўдаларда мол боқишни уюштириш" (1930); "Ўрта Осиёда ўтлоқзор ва дағал хашакнинг етишмаслиги тўғрисида тарихий характеристика" ва бошқа асарларни яратган. Унинг баъзи бир асарлари 1992 йилдан кейингина чоп этилди.

Лекин Тоғли Қирғиз областини тузиш учун бошланган ҳаракат тез орада уруг-маҳаллийчилик ва миллий йўсиндаги сиёсий кучларнинг талаш — тортишувларига сабаб бўлди. А.Сидиков етакчилигидаги гуруҳнинг Тоғли Қирғиз областини тузиш юзасидан бошлаган фаол кураши Р.Кудайкулов бошчилигидаги гуруҳнинг қаршилигига учради. Р.Кудайкулов гуруҳини Тошкент ва Олмаотадаги қozoқ миллатига мансуб раҳбарлар қўллаб-қувватлашган.

Партиянинг Еттисув обкоми 1922 йилнинг 4 июнида Пишпекда ўзининг ташкилий съездини чақирган. Съездда 425 делегат иштирок этган, лекин съезд ўз фаолиятини бошламай турибoқ И.В. Сталиннинг бевосита кўрсатмаси ва Туркистон ҳамда Еттисув ҳукумат органларининг ҳаракати билан тарқатиб юборилган. 1922 йилнинг декабрида ВКП (б) Марказий Комитети Тоғли Қирғиз областини тузиш юзасидан илгари қабул қилинган барча ҳужжатларни қонундан ташқари деб эълон қилган.

Ташкилий съездни уюштиришга ҳаракат қилган шахслар эса буржуа миллатчилари ва аксилинқилобчилар сифатида қораланган. Натижада қирғиз халқининг чекланган тарздаги миллий давлатчилик намунасини тузишга қаратилган ҳаракатлари амалга ошмай қолди.

#### САВОЛЛАР:

1. Большевиклар партиясининг миллий сиёсатига таъриф беринг.
2. "Қуқон мухторияти" ҳақида сўзланг.
3. Турккомиссия қандай ишларни амалга оширган?
4. Совет ҳокимияти қочоқ қирғизларга нисбатан қандай муносабатда бўлди?
5. Тоғли Қирғиз области ҳақида нималарни биласиз?
6. А. Сидиковнинг сиёсий фаолияти тўғрисида сўзлаб беринг.

## 10-§. ҚИРҒИЗИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Ўрта Осиёда миллий давлатларнинг вужудга келиши. Қора-Қирғиз автоном областининг тузилиши

Акселинқилобий кучларнинг, айниқса, босмачиларнинг қаршилиги бостирилгач, Ўрта Осиёда яшаган халқларни миллий давлатларга бўлиш имконияти вужудга келди.

Бунга қадар Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси таркибида ўзбек, туркман ва қирғиз бўлимлари иш олиб боришган. Улар ўлкада миллий давлатларни тузиш учун маҳаллий халқларнинг этнографик таркибини, улар яшаган ҳудуднинг иқтисодий ва географик хусусиятларини аниқлашган. Туркистондаги миллий масалалар буйича область ва уезд бўлимларида бу ҳудудда яшаган халқларнинг вакиллари иш олиб борганлар. 1922 йилнинг 30 декабрида Советларнинг Бутунроссия I съезди РСФСР, Украина, Белоруссия, ва Кавказорти Федерациясини бирлаштириб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) тузилганлигини эълон қилди. Шундай қилиб, миллий республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги формаси вужудга келди.

1924 йилнинг 31 январида Советларнинг II съезди СССР нинг биринчи Конституциясини тасдиқлаган. Федератив асосдаги ягона иттифоқдош мамлакатнинг тузилиши миллий давлат бирикмаларининг вужудга келишини тезлаштирди.

1924 йилнинг бошларида Туркистон АССР Советларининг II съезди бўлиб ўтган. Унда иштирок этган қирғиз делегатлари Совет ҳукуматидан Қирғизистонни алоҳида автоном бирикма сифатида ташкил этилишини илтимос қилишган. Лекин қирғизларга миллий автономия бериш масаласи Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикаларида яшаб келаётган ўзбек, туркман ҳамда тожик халқларига автономия берилганидагина ҳал этилиши мумкин эди. 1924 йилнинг сентябрь ойларига келиб, янги ташкил этилаётган давлатларнинг халқлари ва чегараларини аниқлаш буйича бошланган ишлар ниҳоясига етказилди. Текширишлар натижасида 860 минг кишидан иборат қирғиз халқи Туркистон АССР нинг Еттисув, Фарғона, Сирдарё ҳамда Самарқанд областларида яшаётганлиги аниқланган. Булардан ташқари Помир, Бухоро ва Фарбий Хитойда 210 мингга яқин қирғизлар истиқомат қилишган.

1924 йилнинг 14 октябрида РСФСР нинг Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Бухоро ва Хива республикаларининг ҳамда Туркистон АССР халқларининг ҳоҳиш-истакларига мувофиқ Ўрта Осиёда яшаётган халқларни миллий давлатларга бўлиш туғрисида қарор қабул қилган. Натижада инқилобга қадарли тарқоқ ҳолатда бўлиб келган қирғиз, ўзбек, тожик, туркман, қozoқ ва қорақалпоқ ерлари қайтадан бирлаштирилди.

Шундай қилиб, Туркменистон ССР, Ўзбекистон ССР, Тожикистон Автоном области ва РСФСР таркибида Қора-Қирғиз Автоном области ҳамда Қозоғистон АССР таркибида Қорақолпоқ Автоном областлари тузилган. Янги ташкил этилган республикалар ва областларнинг ҳудудларини аниқлаш билан бир қаторда уларга собиқ Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикаларига қарашли бўлган капитал бойликлар — завод-фабрикалар, экин майдонлари, чорва моллари ва бошқалар ҳам тақсимланиб берилган. Ўрта Осиёда миллий давлатларнинг вужудга келиши улка халқларининг ўз тақдирларини ўзлари ҳал этишга бўлган ҳуқуқларини маълум бир даражада белгилаб берган.

*Қора-Қирғиз Автоном области таркибига собиқ Туркистон АССР нинг Ўттисув областига қарашли бўлган Қоракўл, Норин, Бишкек уездлари тўлиқ ҳолда, Ўш уезди ва Андижон уездининг 10 волости, Наманган уезидан ҳам 10 волостлик, Фарғона областининг Қўқон уездига қарашли 2 волостлик ҳамда Сирдарё областининг Авлиёота уезди (Талас участкаси) ихтиёридаги 14 волостлик кирган.*

Областдаги статистика бюросининг маълумотлари буйича, областнинг жами халқи 828,3 минг кишидан иборат бўлган. Шундан 63,5 фоизини қирғизлар, 15,4 фоизини ўзбеклар, 16,6 фоизини руслар ҳамда 4,3 фоизини эса бошқа миллат вакиллари ташкил этган. Автоном областнинг ҳудуди тахминан 200 минг кв Ккм дан иборат бўлган. Областда 6 шаҳар, 321 овул-қишлоқлар ҳамда 5 хутор мавжуд эди. Шундай қилиб, асрлар давомида тарқоқ ва бўлинган ҳолда яшаб келган қирғиз халқи гарчи автономия кўринишида бўлса ҳам ягона миллий давлатга бирлаштирилди. Бу воқеа қирғиз халқининг тақдирида тарихий аҳамиятга эга бўлган.

Қора-Қирғиз Автоном области тузилганидан сўнг, Қирғизистонда ҳам партия ва совет ҳокимият органлари ташкил этилган. 1924 йилнинг 18 сентябрида РКП(б) МК сиёсий бюроси Қора-Қирғиз Автоном областининг Муваққат партия бюроси ҳамда инқилобий комитетининг таркибини тасдиқлади. РКП(б) таркибидаги Қирғизистон Обкоми партия бюросининг биринчи котиби этиб Михаил Каменский, иккинчи котиб этиб Жусуп Абдурахмонов ва областнинг инқилобий комитети раислигига эса Имавали Айдарбековлар тайинланган.

Областнинг инқилобий комитети қошида ташкил этилган комиссия кейинчалик Давлат режалаштириш Комиссияси деб юритилган ва у ҳужалик-иқтисодий, молиявий ҳамда географик ишларни назорат эта бошлаган. Қирғизистон халқининг сони, миллий таркиби, экин майдонлари, мавжуд чорва ҳайвонларининг сони ва урмонзорлар каби бойликларни аниқлаш ҳамда уларни Қирғизистон географик харитасида аниқ этириш буйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Областда пойтахт шаҳри йўқлиги туфайли инқилобий комитет дастлаб Тошкентда иш олиб борган. Миллий кадрларнинг озлиги ва ҳужалик ишларини юри-

тишда мутахассис кадрларнинг етишмаслиги каби ҳолатлар миллий давлатчилик тараққийнинг дастлабки йилларида гоят катта қийинчиликларни тугдирган.

Қирғизистон ҳукумати 1924 йилнинг декабрига келиб-гина Пишпекка кучиб ўтган. Ана шундан бошлаб, Пишпек Қирғизистоннинг пойтахти бўлиб қолди. Облревком (инқилобий комитет) нинг президиуми Қирғизистонда давлат бошқарувини ташкил этиш жараёнида Жалолобод, Қоракул-Норин, Пишпек ҳамда Ўш округларини ташкил этган. Облревком қошида давлат ва ҳўжалик штатларини аниқлаш учун махсус комиссия тузилган. 22 декабрда облревком қарори билан Турдиали Тўхтабаев Қора-Қирғиз Автоном областининг Москвадаги, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетидаги вакили этиб тайинланди. Бундай вакиллар СССР ва РСФСР нинг Марказий идораларида ҳал этиладиган сиёсий, ҳўжалик ва бошқа масалаларда Қирғизистон областининг манфаатларини ҳўмоя қилиш лозим эди.

1925 йилнинг 15 январида область ревқоми йиғилишида *Қора-Қирғиз Автоном области тузилганлиги тўғрисидаги Декларация қабул қилинган ва Қирғизистон давлатининг ташкил этилганлиги таяннали суратда эълон қилинди. Декларация эълон қилинган кун 16 январь байрам сифатида нишонланган.*

Эндилликда давлат аппаратини тузиш учун сайловларни ўтказиш, Советларнинг ташкилий съездини чақиртириш, бир қатор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш лозим эди. Маҳаллий Советларда сайловлар ўтказилгач, 1925 йилнинг 27—30 март кунлари Пишпекда автоном областининг ташкилий съезди чақиртилган. Съездда жами 135 делегат иштирок этган бўлиб, уларнинг 18 таси ишчилар, 25 таси дехқонлар, 8 таси хизматчилар ва 8 таси ўқувчилардан иборат бўлган. Съезд иштирокчилари орасида Қирғизистонда яшаётган турли халқларнинг вакиллари, жумладан 81 қирғиз, 29 рус, 8 ўзбек, 3 украин, 14 бошқа миллатларга мансуб делегатлар бўлган. Советларнинг Ташкилий съездида Қирғизистон автономиясининг ижрочи органи — Советларнинг область ижроия комитети сайланган. Унга 51 киши аъзо бўлган. 1925 йилнинг 31 мартида область ижроия комитетининг биринчи пленуми чақиртилган. Пленумда оближрокомнинг мунтазам иш олиб борувчи 11 кишилик Президиуми сайланган. Президиум раислигига собиқ қарол, кейинчалик ишчи бўлиб ишлаган ва ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун фаол кураш олиб борган Абдиқадир Орозбеков сайланган. Хулоса қилиб айтганда Советларнинг ташкилий съезди, қирғиз халқи миллий давлатчилигининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Миллий давлатчилик қирғиз халқига тегишли бўлган тарихий ҳудудни, халқнинг иқтисодиёти ва маданиятини бирлаштириб, миллатнинг бундан кейинги раванқига йўл очди. 1207 йилги мугуллар ҳўжуми натижасида йўқ қилинган қирғиз халқи давлатчилиги орадан 7 аср ўтгандан сўнг, қайта тикланди.





Абдикадир Орозбеков

*Абдикадир Орозбеков (1889 — 1938 йй) — Совет ва партия арбоби, Маргилон уездининг Уҳна қишлоғида туғилган. 1907—1917 йилларда новвойчиға ёнланиб ишлаган. Туркистондаги ишчилар ҳаракатига қатнашган. Қирғизистонда Совет ҳокимиятини урнатиш ва мустақамлаш учун кураш олиб борган, фуқаролар уруши йилларида оддий аскардан отряд командирлиғига кўтарилган. 1920 — 23 йилларда аввалиға овул, сўнгра волост ва район инқилобий комитетларини бошқарган. 1924 — 1925 йилларда Уш округи меҳнаткашлари Советида ер бўлимининг бошлиғи, сўнгра котиби бўлган. Қирғизистон области ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари Советларнинг ташкилий съездига (1925) делегат, съездда Қирғизистон области ижроия комитети раиси этиб сайланган.*

*1926 — 30 йилларда Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси бўлиб ишлаган. Тухматга учраб қамоққа олинган ва отувга ҳукм қилинган. 1956-йилга келибгина оқланган.*

Бу воқеалар қирғиз халқини ва Қирғизистон ҳукуматини келажак сари илҳомлантириб, янги ҳаётни қуришга ва мустақамлашга иштиёқ билан киришишлари учун қудратли туртки бўлди.

Ҳокимият учун кураш. “Утғизчилар” мактуби

Партия Марказий Комитети томонидан Қирғизистонга область партия комитетининг биринчи котиби сифатида юборилган М.Каменский ўзига топширилган масъулиятли вазифани бажариш жараёнида бир қатор камчиликларга йул қўйди. У Сталиннинг марказда олиб бораётган фаолиятига тақлид қилиб, Қирғизистонда ўзининг мутлоқ ҳокимиятини урнатишга ҳаракат қилган. Айни шу вақтда Қирғизистонда сиёсий ҳокимият учун А.Сидиков ва Р.Кудайкуловлар бошчилиғидаги гуруҳлар ўртасида кураш авж олган бўлиб, бу М.Каменскийга гоят қўл келди. У бевосита марказ вакили сифатида адолат билан иш кўриб, ҳар икки гуруҳни келиштириш урнига, тажрибасиз ва чаласавод Р.Кудайкуловни қўллаб қувватлай бошлаган. Унинг асосий мақсади Кудайкуловнинг қўли билан Қирғизистонда гоят кучли таъсирга эга бўлган А.Сидиков ва унинг тарафдорларини тор-мор келтиришдан иборат эди. 1925 йилнинг мартада бўлиб ўтган область партконференциясида М.Каменскийнинг саъихаракати билан А.Сидиковнинг ҳамфикрларидан бири, гоят зўр истеъдод эгаси бўлган Ж. Абдрахманов партия

обкомнинг иккинчи секретарлигидан бушатиб юборилди. Шундан сўнг М.Каменский ва Р. Кудайкуловлар яна бир истеъдодли ва ҳалол етакчи — Қорақирғиз автоном области Ревкомнинг раиси И.Айдаркуловга “порахўр ва бой-манаплар билан алоқаси бор” — кабилидаги тухматни уюштиришди. Облревкомнинг раиси сифатида эндигина тўрт ойга яқин иш олиб борган И. Айдаркулов ушбу тухматдан сўнг область ижроия комитетининг раислигига сайланмай қолди.

Қирғизистон области партия етакчилиги томонидан олиб борилаётган гайриқонуний ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш мақсадида Қирғизистондаги партия ва совет хизматчиларидан ўттиз киши 1925 йилининг июнида РКП(б)МК га ва партиянинг Ўрта Осиё бюросига мактуб ёзишган. Мактубда Қирғизистон обкомининг иш услуби кескин танқид остига олинган ва Коммунистик партиянинг марказий органларидан ушбу масалани адолатли ҳал қилиб беришлари сўралган. Бу ҳужжат уни имзо чеккан кишиларнинг сонига нисбат берилиб “ўттизчилар” деб аталган.

Ушбу мактуб ВКП(б)МК нинг Ўрта Осиё бюроси томонидан куриб чиқилган ва унга бой-манапларнинг партия бирлигини йўқотиш учун содир этган уринишлари сифатида ўта адолатсиз баҳо берилган. Хатга қўл қўйган кишиларнинг барчаси хизмат лавозимларидан бўшатилиб, қувғинга олинган, уларнинг айримлари ҳатто Қирғизистондан чиқариб юборилган. А. Сидиков билан Э. Арабаевлар эса “ўттизчи”ларнинг ташкилотчилари сифатида қораланиб, партиядан учирилган. Р. Кудайкулов эса оддийгина огоҳлантириш билан жазоланган, холос. Бундай қўллаб-қувватлашдан янада “илҳомланган” Р. Кудайкулов ўз гуруҳи аъзолари билан Пишпек округида “Ур тўқмоқ” деб ном чиқарган оғир жиноятларни содир этди ва 1926 йили партиядан учирилиб, жинойий жавобгарликка тортилди. Областнинг партия комитети, Ўш, Қорақўл-Норин ва Фрунзе округ комитетлари ҳамда область ижроия комитетининг гуруҳлараро сиёсий курашда фаол иштирок этган барча аъзолари хизмат лавозимларидан бўшатирилганлар. Областнинг етакчилик вазифаларига Шарқ меҳнат-қашларининг коммунистик университетларини ва бошқа ўқув юр்தларини тамомлаган Т.Айтматов, Х.Шорукوف, Э.Эсенаманов, Х.Жээнбаев, К.Камбаров, С.Кулматов, О.Алиев каби маҳаллий кадрлар қўйилган. ВКП(б)область комитетининг биринчи секретарлигига янги тайинланган Н. А. Узюков партия ва совет раҳбарияти фаолларини бирлаштириш учун бир қатор ишларни амалга оширди. Натижада, партия раҳбарияти ўртасидаги келишмовчилик ва низолар оз бўлсада барҳам топди.

Шундай қилиб, 20-йилларнинг ўрталарига келиб, партия бирлигини сақлаш учун олиб борилган курашлар натижасида партиянинг ҳукмрон мавқеи янада мустаҳкамланган, партиянинг табиатиغا тўғри келмайдиган фракцияларни тузиш, фикрлаш ва партия сиёсатини танқид қилиш каби кўринишларга чек қўйилган.

Қирғизистон Автоном Республикаси Қорақирғиз Автоном Областининг ташкилий съездида (1925 йилнинг март ойи) иштирок этган делегатлар иттифоқ ҳукуматига Қорақирғиз Автоном Области Қирғиз Автоном Области деб қайта номлаш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат этган эдилар. Бутун-россия Марказий Ижроия Комитетининг 1925 йил 25 майдаги қарори билан область *Қирғиз Автоном Области* деб аталган.

Ташкилий съезднинг ўша мажлисидаёқ қирғизистонлик делегатлар автоном области Қирғизистон Автоном Республикасига айлантириш тўғрисидаги илтимос билан ҳам мурожаат қилган эдилар.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

### Қорақирғиз автоном области Советларининг I ташкилий съезди резолюциясидан (1925-йилнинг марти)

1. Қирғиз Автоном области Советларининг область съезди область ревкомининг областнинг хужалик-иқтисодий қурилиши тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, унинг фаолиятини қониқарли деб ҳисоблайди.

2. Съезд янги сайланган Ижроия Комитетига РСФСРнинг Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетидан Қорақирғиз Автоном Области РСФСР таркибидаги Қорақирғиз Автоном Республикаси қилиб қайта тузиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этиш вазифасини топширади.

3. "Қора" ("қорақирғиз") каби сузлар подшо ҳукумати даврида халққа нисбатан камситувчи суз сифатида ишлатилганлигини ҳисобга олиб, янги сайланган Ижроия Комитети Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетига миллатнинг ва областнинг номланишидаги "қорақирғиз" сузини "қирғиз" сузи билан алмаштириш таклифини киритсин.

4. Урта Осиё халқларини миллий давлатларга бўлиш жараёнида областнинг чегаралари миллий, иқтисодий ва ҳудудий хусусиятларига қура тўғри белгилаб қолган. Ана шунга боғлиқ равишда янги сайланган Ижроия Комитети Урта Осиёда чегараларни қайта аниқлаш масаласини ҳал этишга эришсин. "Съезд Ўзбекистоннинг Ҳужанд уезди областларига кириб қолган қирғиз волостликларини, Қорақирғиз областига қайтариб берилиши масаласига алоҳида эътибор билан қарайди".

Бутунроссия Марказий ижроия Комитети Қирғизистон области ҳудудининг кенглигини, чет давлатлар билан чегарадошлигини, иқтисодиёти, маданияти ва тилининг ўзига хослигини инобатга олиб, 1926 йилнинг 1 февралда Қирғизистон автоном области *Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси* қилиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, Қирғизистон РСФСР таркибидаги ўз давлатчилигининг янги даврига қадам қўйди. Бу воқеа Қирғизистон АССР Советларининг 1927 йилнинг 12 мартда бўлиб ўтган I съездида қонулаштирилди.

Қирғизистон АССР нинг тузилиши республикада ва чет элларда муносиб тарзда кутиб олинди. Съезд делегатлари олдида Марказдан келган партия ва совет хизматчилари чиқиб нутқ сўзлаганлар, СССР нинг турли бурчакларидан табрик телеграммалари келиб турган.

Съезд Қирғизистон АССР нинг тузилганлигини расмий тарзда эълон қилган. Ана шу воқеага бағишланган декларацияда қирғиз халқининг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи ва Қирғизистонда яшаётган халқлар уртасидаги ўзаро тотувликнинг асосий тамойиллари ифодаланган. Бундан ташқари, Декларацияда Қирғизистон ҳукуматининг халқ хўжалигини, саноатни, халқнинг сиёсий онгини ва маданий тараққиётини юксалтириш буйича амалий иш-чоралари аниқлаб берилган.

Советларнинг биринчи съезди республиканинг жанубида ерсув ислохотларини амалга оширишни, ҳокимият органлари олдидаги навбатдаги асосий иш сифатида эълон қилди. Чунки республиканинг бу ҳудудларида ерсиз ва оз ерли деҳқонлар аҳолининг 60 фоизини ташкил этишган, ернинг катта, кўпчилик қисми эса йирик ер эгаларининг қўлида бўлган.

*Съезд улкадаги барча аҳоли учун таълим мажбуриятини жорий этиб, эски араб алифбосидан латин ёзувига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилган.* Съезд Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитетини сайлади ва у улкадаги қонун чиқарувчи ва назорат этувчи асосий орган бўлиб қолди.

1927 йилнинг 12 мартида Қирғизистон АССР МИК Президиуми аъзолигига 17 киши сайланди. Сессия Қирғизистон ҳукуматини — Халқ Комиссарлари Советини тузди ва Жусуп Абдраҳмонов ХКС нинг раиси этиб тайинланди. Халқ комиссарлари Совети таркибига ер, молия, халқ таълими, меҳнат ва ишчи-деҳқон инспекцияси (назорати) буйича халқ комиссарлари кирган. Республикада давлат статистика бошқармаси ва сиёсий бошқармалар тузилган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

### Қирғизистон АССР Советларининг биринчи ташкилий съезди декларациясидан (1927 йилнинг март ойи):

«...Бутуниттифок Марказий Ижроия Комитетининг XII чақирик Президиуми Қирғизистон халқлари ҳоҳиш-иродаига мувофиқ тарада 1926 йилнинг 1 февралда Қирғизистон Автоном областини Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Советларнинг биринчи ташкилий съезди Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикасини эълон қилар экан, Қирғизистон меҳнаткашлари ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи меҳнаткашларининг буюк олдисида ажралмас аъзо бўлиб қолажакларини ва Қирғизистон АССРда яшаётган барча калакларнинг иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳамда тенг ҳуқуқлилиги тўлиқ таъминлаб қўйилажagini маълум қилади.

Миллий тотувликнинг таъминланиши Қирғизистон меҳнаткашларининг ўз сиёсий душманларига — кулоқларга, бойларга, манабарга ва бошқа эзувчиларга қарши курашини осонлаштиради.

Республиканинг тузилиши билан социалистик қурилишнинг янги босқичига ўтган Қирғизистоннинг меҳнаткаш оммаес қишлоқ хўжалигини, чорвачилигини, маҳаллий саноатни ташкил этишни, халқнинг сиёсий ва маданий турмуш даражасини оширишни ўзларининг асосий бурчи деб ҳисоблайдилар.

Қирғизистоннинг меҳнаткаш халқи аёлларни озодликка чиқариш, турмуш тарзини ва маданиятини яхшилаш ишига социалистик қурилишнинг муваффа-

қиятини таъминловчи асосий шартларидан бири сифатида, алоҳида аҳамият билан қарайди...

Қирғизистоннинг меҳнаткаш халқлари яратувчилики, тивч-осойишта меҳнатини ва чегараларни империалистлардан, уларнинг гунаҳталари ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун қуролли кучларнинг мутахассисларини тайёрлашни зарур деб ҳисоблайдилар.

Иқтисодиёт ва маданиятнинг бу вазифаларини амалга ошириш борасида бирмунча орта қолган Қирғизистон меҳнаткашлари бу борада СССРнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган халқларининг қардошларча ёрдамига таянадилар.

Қирғизистон АССРнинг кенг халқ оmmasи барча меҳнаткашлар билан мустақкам алоқада бўлиб, келажакда дунё пролетар инқилобининг таянчи бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг мустақкамланиши ва тараққиёти учун бор куч-гайратларини сарфлайдилар.

Яшасин Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси!

Шундай қилиб, Советларнинг биринчи съезди қирғиз халқининг тарихига сиёсий ва давлатчилик аҳамиятига молик бўлган улкан воқеа сифатида кирди, яъни у *Қирғизистон Автоном Республикасини* эълон қилди.



Жусуп Абдрахманов

*Жусуп Абдрахманов (1904 — 1938-йй) — партия ва совет арбоби. Қоракўл уездининг Кунгай Оқсув волостидаги Чиркай қишлоғида туғилган. 1911 — 1916 йилларда Созановка қишлоғидаги рус тузем мактабида, сўнгра Қоракўл шаҳридаги бошланғич билим юртида таълим олган. 1916 йилги қочқинда Хитойга борган. 1917 йилда Хитойдан қайтиб келиб, Қизил Армия сафларида Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун жанг қилган. 1919 йили Вернийдаги командирлар тайёрлаш курсида таҳсил олган. 1920 йилнинг майига қадарли Қорақирғиз Автоном области партия бюросининг 2 котиби бўлиб ишлаган. Шундан сўнг уз фаолиятини Тошкентда ва Москвада давом эттирган.*

*1927 йилнинг мартидан Қирғизистон АССР Халқ комиссарлари Советининг раиси бўлган. 1933 йили туҳматга учраб, хизмат лавозимидан бўшатилган. Шундан сўнг Самара шаҳрига ва Оренбург ҳудудига ишга юборилган. 1937-йилда "Алаш ўрда" аксинкилобий ташкилотининг аъзоси, — деган туҳмат билан қамоққа олиниб, Оренбургдан Фрунзега олиб келинган. "Социал Турон" партиясининг аъзоси сифатида отиб ташланган. 1958 йилга келибгина оқланган.*

Съезд Қирғизистон халқларининг Совет ҳокимияти таркибидаги ун йиллик тараққиётига яқун ясаб, истиқболдаги мақсадларни белгилаб берган.

Қирғизистон АССР-  
нинг биринчи Кон-  
ституцияси

Қирғизистон АССР даги давлат ҳоки-  
миятининг юқори органи— Советлар-  
нинг Бутунқирғизистон съезди булиб,

у қирғиз халқи мустақиллигининг га-  
рови ҳисобланган. Съезд Марказий Ижроия Комитетини сайла-  
ган ва унинг ҳисоботини тинглаган. Республика ҳукумати ҳам  
съездга ҳисобот берган.

Бундан ташқари съезд СССР Марказий Ижроия Комитети-  
нинг Миллатлар Советига вакиллари ҳамда Советларнинг Бу-  
туроссия съездига делегатлари ҳам сайлаган.

Советларнинг Бутунқирғизистон съездида РСФСР нинг кон-  
ституциясига мувофиқ, Қирғизистондаги қонун чиқарувчи ҳоки-  
мият органи сифатида Қирғизистон АССР нинг Конституцияси-  
ни яратиш ва қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Съезд сайланган  
МИК ҳар уч ойда сессия чақириб турган. МИКнинг Президиуми  
эса декретлари ва қарорлари чиқариш ҳуқуқига эга бўлган.

МИК Халқ Комиссарлари Советини тузган, унинг иш фао-  
лиятини белгилаб берган ва халқ хўжалигини ривожлантириш-  
нинг режаларини ишлаб чиққан. Халқ Комиссарлари Совети  
эса Қирғизистондаги ижроия ҳокимият органи сифатида давлат  
ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятини тартибга сол-  
ган. Жойларда эса ижроия ҳокимият Советларнинг кантон,  
район ва волость съездлари ва уларнинг комитетлари ихтиёрида  
булиб, улар таркибидаги шаҳар, овул ва қишлоқ Советлари жой-  
лардаги маҳаллий ҳокимиятни ифода этган.

Қирғизистон АССР тузилганидан сўнг республикада унинг  
конституциясини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оши-  
рилди. Маҳаллий Советларга навбатдаги сайловлар ўтказилган-  
дан сўнг, 1929 йилнинг 25 — 30 апрелида Қирғизистон АССР  
Советларининг II съезди бўлиб ўтди. Республика ҳукуматининг  
ҳисоботи тингланганидан сўнг, съезд Қирғизистон АССР нинг  
биринчи Конституциясини қизгин муҳокама этгач қабул қилди.  
Ушбу Конституция 7 бўлим, 16 боб ва 97 моддадан иборат бўлган.

Конституция республиканинг янги давлатчилик ва ижти-  
мой тузилишини белгилаб берган. Шундай қилиб, Қирғизис-  
тон АССР давлатчилигининг барча сиёсий ҳуқуқларига эга бўлган.  
Конституцияда Қирғизистонда яшаётган барча халқларнинг тенг  
ҳуқуқлилиги эълон қилинган ва ҳар бир халқнинг вакиллари ўз  
она тилларида билим олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. *Қирғизис-  
тон АССР да қирғиз ва рус тиллари давлат тили сифатида эъти-  
роф этилган.* Давлатнинг масъул хизматчилари ушбу тилларни  
билишлари лозим бўлган. Натижада қирғиз тилининг аҳамияти  
ортиб, унинг равнақи учун қўлай имконият вужудга келган.

Конституцияга мувофиқ, Советларнинг Бутунқирғизистон  
съездининг ҳуқуқлари аниқлаб берилган. Унга Конституцияни  
тасдиқлаш ва ўзгартириш қирғиз, республиканинг чегарала-  
рини аниқлаш, давлат бюджетини тасдиқлаш, юқори ҳокимият  
ва маҳаллий ҳокимият органларини сайлаш, Советларнинг Бу-

туни тифоқ съездларига делегатларни сайлаш ҳамда давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама этиш каби ҳуқуқлар берилган. Советларнинг Бутунқирғизистон съезди республикадаги олий ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси бўлиб келган. Съездлар ораллигидаги муддатда олий ҳокимиятни Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва унинг Президиуми идора этган. Қирғизистондаги давлат ҳокимияти органлари Қирғизистон АССР нинг олий ҳокимият органларига, шунингдек, федератив тартибларга мувофиқ, РСФСР нинг ва СССР нинг олий ҳокимият органларига бўйсунганлар. *Қирғизистон АССР нинг биринчи Конституцияси миллий давлатчиликнинг рамзларини* — давлат байроғи ва давлат гербини тасдиқлаган. Республиканинг маркази — Фрунзе шаҳри бўлиб қолган. Шундай қилиб, қирғиз халқи автоном тартибдаги уз миллий давлатчилигига эга булди. Республика биринчи Конституциясининг қабул қилиниши билан Қирғизистон давлатчилигининг тузилиши ҳамда мазмун-моҳияти узил-кесил белгилаб берилди. Мамлакатдаги давлат ҳокимияти органларининг ҳамда Қирғизистонда яшаётган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқлаб берилди.

**Қирғизистон ССРнинг ташкил топиши. Республиканинг иккинчи конституцияси**

Иттифоқ халқлари тараққиётидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар СССРнинг, иттифоқдош ҳамда автоном республикаларнинг конституцияларида уз ифодасини топиши лозим эди.

Шу нуқтаи-назардан, СССР нинг 1924 йилда қабул қилинган биринчи Конституцияси, шунингдек Қирғизистон АССРнинг 1924 йилги Конституцияси эскириб, янги тарихий даврга тўғри келмай қолди.

Олиб борилган бир қатор тайёргарликлардан сўнг, *1936 йилнинг 5 декабрида СССР Советларининг VIII махсус съездида мамлакатнинг иккинчи Конституцияси қабул қилинган.*

*Исаев Баяли Дикамбаевич (1897 — 1937 йй) — партия ва давлат арбоби. Қўчқор водийсидаги қўчманчи камбағал оилада таваллуд топган. Норин шаҳридаги рус-гузем мактаб-интернатини (1916), Тошкентдаги Ўрта Осие коммунистик университетининг (САКУ) 3 ойлик курсини (1923), Москвадаги ВКП(б) МК нинг уезд партия хизматчиларини тайёрлаш 1 йиллик курсларини (1926) тамомлаган. 1917—1920 йилларда Кумбел-Орол ҳамда Ўртатўқай мулк почта станцияларида ишлаган. 1921—1922 йилларда Қўчқор бўлими халқ суди котиби, 1922 — 1923 йилларда Норин*



Баяли Исаев

уезди партия комитетининг, 1924 — 1925 йилларда Туркистон АССР КП(б) нинг Лепси ҳамда Қорақул уездлари шаҳаркомларининг, 1926 — 1927 йилларда эса Қирғизистон АССР КП(б) округкомининг бўлим бошлиғи сифатида фаолият курсатган. 1927 — 1928 йилларда “Кизил Қирғизистон” газетасининг маъсул муҳаррири, 1928— 1929 йилларда ВКП(б) Қирғизистон обкомининг секретари ва 1933 — 1937 йилларда Қирғизистон ССР (собиқ АССР) Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлиб ишлаган. 1937 йилда сиёсий тўхматга учраб, отиб ташланган.

Шу кундан бошлаб, Қирғизистон АССР Қирғизистон ССР га айлантирилган ва СССР таркибидаги тенг ҳуқуқли иттифоқдош республикалардан бири бўлиб қолган. Бу воқеа қирғиз халқининг давлатчилиги тарихидаги улкан ҳодиса бўлиб қолди. Қирғиз халқи мустақиллиги ва озодлигининг рамзи бўлган бу сиёсий муваффақият республиканинг бунга қадар бўлган тарихий тараққиёти билан изоҳланади. Чунки Қирғизистон ҳукумати иттифоқдош республика мақомини (статусини) олиш учун СССР ҳукуматига бир неча бор мурожаат этиб келган. Қирғизистон ССР нинг ташкил топишида Қирғизистон АССР МИК нинг раиси А.Орозбеков, Қирғизистон АССР ХКС нинг раислари Ж.Абдурахмонов, Б.Исаев ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари ҳам муҳим роль ўйнаган.

Қирғизистоннинг иттифоқдош республикага айлантирилиши билан унинг янги конституциясини яратиш зарурияти туғилди. Бунинг учун республикадаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги узғаришларни, мамлакатнинг ҳудудий хусусиятларини инобатга олиш лозим эди. 1926 йилнинг 29 июнида Қирғизистон ССР МИК нинг Президиуми Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун махсус комиссияни тузди. Август ойида республика гербини яратиш учун конкурс эълон қилинди. Бўлажак гербнинг 36 лойиҳаси тайёрланиб, уларнинг барчаси кўргазмада намойиш ҳам этилди ва бу борада жамоатчилик фикри инобатга олинди. 1936 йилнинг 1 сентябрида Конституцияни ишлаб чиқиш бўйича комиссия конкурсда ғолиб чиққан рассом О.Павленконинг лойиҳасини тасдиқлаган. 1937 йилнинг 11 мартида Қирғизистон ССР МИК нинг Президиуми республика Конституциясининг лойиҳасини маъқуллаб, уни Советларнинг фавқулодда V съезди муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Конституциянинг матни республика матбуотида эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Конституцияни муҳокама этиш жараёнида республиканинг маъмурий — ҳудудий чегараларини аниқлаш, қўшни Ўзбекистондаги қирғизлар яшаган районларни Қирғизистонга қўшиш тўғрисидаги бир қатор таклифлар ҳам тавсия этилган.

Қирғизистон ССР Конституция лойиҳаси Қирғизистон Советларининг 1937 йилнинг март ойида утказилган съездида муҳокама этилди. Съезд бир қатор қўшимчалар ва ўзгартиришлар



киритган ҳолда 1937 йилнинг 23 март куни II бўлим ва 126 моддадан иборат Қирғизистон ССР Конституциясини (Асосий Қонунини) тасдиқлаган. Конституция республиканинг олий давлат ҳокимияти органлари системасини тузган. Республикадаги ҳокимият органлари билан СССР нинг давлат ҳокимияти органлари уртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий шакли аниқлаб берилди. Маҳаллий ҳокимият органларининг, суд ҳамда прокуратура органларининг тузилиши аниқланган. СССР Конституциясига мувофиқ сайлов системаси ишлаб чиқилган ва Қирғизистон ССР фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб қўйилган. Қирғизистоннинг иттифоқдош республикага айлантирилиши билан, давлат бошқаруви аппаратининг таркиби 14 та Халқ Комиссариатига қадар кенгайтирилди ҳамда уларнинг бошқарув фаолиятлари такомиллаштирилди. *Шундай қилиб, Қирғизистон давлати СССР нинг тенг ҳуқуқли республикаларидан бири бўлиб қолди.*

#### САВОЛЛАР:

1. Қирғизистонда миллий давлатчилик учун кураш қандай олиб борилган?
2. Миллий давлатчилик учун фаол кураш олиб борганлар кимлар эди?
3. Қора Қирғиз автоном областининг тузилиши қандай тарихий аҳамиятга эга бўлди?
4. Сносий ҳокимият учун кураш нима сабабдан кескинлашиб кетган?
5. "Ўттизчилар" нинг мактубига ва уларнинг ҳаракатларига таъриф беринг.
6. Қирғизистон АССР қай тарзда ташкил этилган?
7. Қирғизистоннинг биринчи Конституцияси ҳақида сузлаб беринг.
8. Қирғизистоннинг етакчи давлат органлари қандай бўлган?
9. Қирғизистоннинг партия ва давлат етакчилари кимлар эди?
10. Қирғизистон ССР нинг тузилиши қандай тарихий аҳамиятга эга бўлган?
11. Қирғизистон ССР нинг Конституциясини таърифлаб беринг?

### 11-§. СССР НИНГ ҚУЛАШИ. МУСТАҚИЛ ҚИРЎИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ. А.АҚАЕВ

#### Президентни сайлаш

(СССР Халқ депутатларининг 1990 йил март ойидаги III съезди мамлакатда Президентлик бошқарувини жорий этди.) Давлат бошқарувининг мазкур шакли аввало, миллатлараро муносабатлардаги узгаришларнинг, плюрализм ва кўппартиявийлик муносабатларининг вужудга келиши ва тараққиёти натижасидир. Эски маъмурий буйруқбозлик системаси барҳам топгач, КПСС якка ҳукмронликдан четлатилди ва ҳокимият қўйдан юкорига қадар Советларга берилган. Лекин Советлар собиқ КПСС ихтиёридаги молиявий, ҳуқуқий, сносий, ташкилий ва бошқа кенг

камровли идоравий бошқарув усулларини мувофиқлаштира олмадилар.

Президентлик ҳокимияти ҳукумат фаолиятини белгилаш ва назорат қилишни уз зиммасига олди. Қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятини, халқ хужалиги бошқарувини, бюджет ва моддий системани, иш ҳақи ва нарх-навоми ҳамда қонунларнинг бажарилишини назорат этиш ҳам президент ҳокимиятининг вазифалари қаторига киритилди. СССРда президентлик бошқарувининг жорий этилиши билан бир вақтда Қозогистон, Ўзбекистон ва бошқа бир қатор иттифоқдош республикаларда ҳам президентлик бошқаруви тадбиқ этилди.

*Қирғизистон ССР Олий Советининг 1990 йил 27 октябрдаги сессиясида муқобиллик асосида Асқар Ақаев Қирғизистоннинг тўнгич президенти этиб сайланди.*

А.Ақаевга собиқ ҳокимиятдан ўта оғир ва асоратли мерос қолган бўлиб, ўша йилнинг ёз ойларида юз берган қонли воқеалардан сўнг, республикада миллатлараро муносабатлардаги кескинлик ҳамон юқори ва тараф ҳолатда сақланиб қолган эди.

Давлат суверенитети  
тўғрисидаги декларация

Иттифоқдош Республикаларгина эмас, балки кам сонли миллатлар ҳам, ҳатто районлар ҳам Марказдан мустақилликни талаб қила бошладилар. Маълум қилдикни талаб қила бошладилар. Мавқаларининг талаб қилиши билан Қирғизистон ССР Олий Совети 1990 йилнинг 15 декабрида *"Қирғизистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация"* ни қабул қилди. Унда турли миллатларга мансуб Республика фуқаролари Қирғизистон Республикасининг халқини ташкил этажаклари, республикада яшаётган барча миллатларнинг миллий маданиятлари, тиллари, урф-одатларининг ҳимоя қилинажаги ҳамда ривожлантирилажаги белгилаб қўйилган. Булардан ташқари, Декларацияда мулкнинг турли шакллариغا кенг йул берилиши ва мулк шакллариининг барчаси тенг ҳуқуқли эканлиги ҳам эълон қилинган.

Президентлик бошқаруви жорий этилгач, Қирғизистоннинг давлат мустақиллиги ва ҳокимият системаси тузилишининг янги тартиблари умумхалқ миқёсида қизғин муҳокама этилган. Муҳокамаларда давлат ҳокимиятини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш тўғрисида кўплаб асосли фикрлар уртага ташланган.

КПСС сиёсий ҳокимиятдан кетгач, давлат ҳокимиятини Советлар ўз қўлига киритган. Лекин тез орада уларнинг таъсирли сиёсий куч була олмаслиги маълум бўлиб қолган. Ҳамма ерда бўлганидек Қирғизистонда ҳам давлат ҳокимиятини мустақамлаш зарурий шартлардан бирига айланди. Вазиятни яхши тушунган А. Ақаев 1990 йилнинг декабрида республика Олий Советига *"Давлат ҳокимияти системасини ўзгартиришнинг биринчи галдаги чора — тадбирлари тўғрисида"* ги республика аҳами

ятига молик қонунларни парламент муҳокамасига қўйилишини таклиф этган. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ 1990 йилнинг 14 декабрида Чуй ва Жалолобод областлари ташкил топди.

Норин ҳамда Талас областлари қайтадан уз ҳолига келтирилди.

Қирғизистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 22 январдаги III сессиясида А. Ақаев Қирғизистон Республикасининг Министрлар маҳкамаси тўғрисида сўзлаган нутқида ўзининг давлат ҳокимиятини такомиллаштириш юзасидан яратган дастурини маълум қилган. Ўша дастурга мувофиқ "Қирғизистон Республикасининг Министрлар Кабинети тўғрисида" қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ Президентлик, вице-президентлик лавозимлари жорий этилган, маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари ҳамда ҳуқуқий асослари аниқлаб берилган. Натижада халқ депутатлари маҳаллий Советларининг моҳияти ҳамда вазифалари бутунлай ўзгартирилди. Юқоридаги қонунга мувофиқ А. Ақаев ўзининг биринчи ҳукуматини — Министрлар Кабинетини тузган. Илгариги Министрлар Советидан фарқли ўлароқ янги ҳукумат Президентга бевосита бўйсунган ва ўз фаолиятини унинг раҳбарлиги остида амалга оширган.



Асқар Ақаев

*Асқар Ақаев — Қирғизистон Республикасининг биринчи Президенти. Кемин районидаги Қизил Байроқ қишлоғида 1944 йилда таваллуд топган. Ўрта мактабни тамомлагач, Ленинградда олийгоҳни муваффақиятли якунлаган. Сўнгра ўша олийгоҳнинг аспирантура ва докторантураларини тамомлаган. Техника фанлари доктори, профессор. Информацияларни сақлаш ва ишлатишнинг оптик йўллари бўйича мутахассис.*

*А. Ақаев Фрунзе шаҳридаги политехника институтининг профессори сифатида муваффақиятли ишлаган. Қирғизистон Компартиясининг Марказий Комитетида таълим ва олий ўқув юртлари бўлимининг бошқарувчиси сифатида ўзининг сиёсий фаолиятини бошлаган. Шундан сўнг Қирғизистон Фанлар Академиясининг вице-президенти, 1988 йилдан бошлаб эса академиянинг президенти сифатида иш олиб борган. СССР Олий Советига депутат бўлиб сайлангач, амалга оширган ишлари билан ўзининг сиёсий ўқуви ва қатъиятлилигини намойиш этган.*

Янги қонунга мувофиқ Министрлар Совети раисининг 8 ўринбосарлари ўрнига 5 та давлат котиби лавозимлари тадбиқ этилган.

Раҳбариятдаги ортиқча булимлар ва хизмат уринлари қисқартирилган. Олий Советнинг 1991 йил 22 январдаги III сессиясида Насирдин Исанов Республиканинг биринчи премьер-министри лавозимига, Т.Койчуев, А.Иордан, Э.Дуйшеев, Я.Фишер ва А.Муралиевлар давлат котиблари лавозимларига тайинландилар. Янги маҳкаманинг министрлари ва Давлат Комитетларининг раислигига номзодлар тасдиқланган.

СССР даги сиёсий системанинг ислоҳ этилиши натижасида, ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик тамойиллар кўпроқ амалга оширила бошланган. Жамиятда турли демократик ташкилотлар тузилиб, ўз фаолиятларини бошлаганлар, лекин мамлакатда миллатлараро муносабатлар кун сайин кескинлашиб, мураккаблашиб бораверган. Иттифоқ республикаларининг мустақиллик учун курашлари кучайган. Баъзи бир республикалар эса Иттифоқ таркибидан чиқажакларини очиқ ойдин маълум қила бошлаганлар. Иттифоқнинг ҳамда республикаларнинг қонунчилигида фарқли жиҳатлар кучайган ва иқтисодий қийинчиликлар юзага келган.

СССР халқ депутатларининг IV съезди хулосалари ҳамда СССР Олий Советининг 1991 йил 16 январдаги қарорига мувофиқ тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида СССР ни сақлаб қолиш масаласи умумхалқ овозига (референдум) қўйилди. Референдум 1991 йилнинг 17 мартида ўтказилди. У Иттифоқни сақлаб қолиш тарафдорлари ва уларга қарши бўлган кучларнинг кескин курашлари остида ўтди. Кўп жойларда конституциявий шартлар бузилган.

1991 йилнинг 21 мартида СССР Олий Совети референдум натижалари юзасидан қарор қабул қилган. Унда айтилишича, референдумга мамлакат бўйича 147 млн. киши иштирок этган, улардан 112 млн. киши ёки иштирокчиларнинг 76 фоизи Иттифоқни сақлаб қолиш учун овоз берган.

Референдум натижаларига кура, Иттифоқнинг 9 республикасида жумладан, РСФСР, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркменистонда халқнинг кўпчилиги қисми СССРни сақлаб қолиш учун овоз берган. Иттифоқнинг қолган 6 республикасида, жумладан Грузия, Литва, Молдавия, Арманистон ва Эстонияда эса СССРни сақлаб қолиш учун референдум иштирокчиларининг 1—25 фоизигина овоз берган. Амалда ушбу республикаларнинг халқи Иттифоққа қарши эканликларини билдирганлар.

Ўтказилган референдумнинг натижалари бўйича Иттифоқ келишимини тузиш имконияти вужудга келди. 1991 йилнинг мартида ушбу келишимнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

1991 йили Қирғизистон ССР Олий Совети республика учун аҳамиятли бўлган бир қатор ҳужжатларни қабул қилган. Қирғизистон ССР Олий Советининг 1991 йил 5 февралдаги сессиясида республика пойтахт шаҳрини ўз тарихий номи билан аташ тўғрисидаги масала муҳокама этилган. Натижада сар-

карда М.В.Фрунзе номидаги пойтахт шаҳри Бишкек деб ўзгартирилган.

1991 йилнинг 8 майда Қирғизистон ССР Олий Совети республиканинг янги Конституцияси лойиҳасини яратиш буйича тузилган комиссия таркибини тасдиқлади. Республикада куп тармоқли иқтисодийетни шакллантириш учун зарур бўлган мулкчиликнинг турли шаклларига тенг ҳуқуқий муносабатни юзага келтириш учун 1991 йилнинг 19 апрелида “*Ер ислоҳоти тўғрисида*” Қонун қабул қилинди. Шу йилнинг 26 июнида Қирғизистон ССР Олий Совети Мустақил давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги Келишимнинг лойиҳасини маъқуллаган.

Иттифоқ келишими лойиҳасига кўра, марказий ҳокимият томонидан иттифоқдош республикаларга бир қатор аҳамиятли масалаларни ўзлари ҳал этиш имконияти берилган. Рус тилига нисбатан давлат тили мақоми сақланиб қолган ва бу тил миллатлараро муносабат тили деб эътироф этилган. Республикаларнинг ҳукумат бошлиқлари иттифоқ ҳукумати фаолиятида ҳал этувчи овоз билан иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишган, ҳарбий саноат комплексига қарашли бўлган ишхоналардан Иттифоқ ва республикалар биргалашиб фойдаланишга келишиб олишган. Бу қарор иттифоқдош республикалар учун гоят катта аҳамиятга эга эди. Лекин иттифоқ келишимининг куп пунктлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўғри келмас эди. Бундан ташқари, келишим буйича ишлаб чиқариш соҳаларининг энг фойдали ва аҳамиятли қисмлари иттифоқ қарамоғида бўлиб, республикаларнинг заҳира салоҳиятлари кескин тарзда пасайиб кетиш эҳтимоли туғилди. Иттифоқ миқёсидаги солиқ масалалари ҳам келишимнинг лойиҳасида аниқ кўрсатилган эмас. Иттифоқ келишимидаги ана шундай мавжуд камчиликлар мустақил республикаларни янги типдаги мамлакатга бирлашувларига тўсқинлик қилар эди. Марказдаги консерватив кучлар эса иттифоқ келишимини, “Совет давлатига ҳиёнат” тарзида баҳолаб, мамлакатни ҳарбий тўнтариш йули билан сақлаб қолишга қарор қилганлар. Шу мақсадда улар “СССР даги фавқулодда ҳолат буйича Давлат Комитети” (ГКЧП) ни тузишиб, 19 – 21 август кунлари *давлат тўнтаришини* содир этишга ҳаракат қилдилар. Бу воқеа СССРдаги гоят зиф бўлган марказий давлат ҳокимиятининг обрў-эътиборини узил-кесил йуққа чиқарган.

Бахтга қарши Қирғизистон Компартиясининг баъзи бир етакчилари ташаббуси билан ГКЧП нинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида мурожаат қабул қилинган. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари тулик иштирок этмаганликларидан, ушбу мурожаат юридик ва сиёсий кучга эга эмас эди. ГКЧП нинг фаолиятини Қирғизистон Республикаси Президенти А. Ақаев кескин танқид қилди ва республика халқи уларни қўлламасликларини ошкора маълум этди.

Иттифоқнинг бошқа республикаларида ҳам ушбу воқеа ҳарбий тўнтаришга уриниш сифатида айбланди ва купчилик рес-

публикалар иттифоқдан чиқиб кетишларини очиқ ойдин билдира бошладилар.

Қирғизистон мустақиллигининг эълон қилиниши. МДХнинг тузилиши [1991 йилнинг 31 августида Қирғизистон ССР Олий Советининг сессияси "Қирғизистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Декларация" ни қабул қилди. Декларацияда Қирғизистон Республикаси мустақил ва озод демократик мамлакат эканлиги таянганлиги суратда эълон қилинган. Шу кундан бошлаб, дунё харитасида янги мустақил давлат — Қирғизистон Республикаси вужудга келди.

[Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, 1991 йилнинг 12 октябрида Асқар Ақаев умумхалқ сайловини йўли билан Қирғизистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.]

Мустақиллик эълон қилингач, Қирғизистон Республикаси собиқ Иттифоқ органларининг назоратидан тула қўтилди ва давлат ҳокимиятининг барча тизимларини ўз қўлига олди. Қирғизистон Республикаси Президентининг 1991 йил 20 октябрдаги қарорига мувофиқ, Давлат хавфсизлик комитети бекор қилиниб, унинг ўрнига Миллий хавфсизлик бўйича Давлат Комитети ташкил этилди. 1991 йилнинг 3 декабрида эса Қирғизистон Республикасининг Миллий Гвардияси, декабрь ойи охирига келиб ички ишлар қўшинлари тузилган.

[1991 йилнинг 8 декабрида Минск шаҳри яқинидаги Беловеж ўрмонидаги ҳукумат қароргоҳида Белоруссия, Украина ҳамда Россия Федерацияси етакчилари Мустақил давлатлар ҳамдустлиги (МДХ) ни тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу тарихий воқеа СССР нинг давлат сифатида барҳам топиш жараёнини тезлаштирди. [1991 йилнинг 21 декабрида Олмаота шаҳрида Белоруссия, Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Қозогистон, Қирғизистон, Молдавия, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон давлатлари МДХ ни тузиш бўйича битимни имзоладилар] Амалда Совет Иттифоқига барҳам берилди. 25 декабрь куни СССРнинг барҳам топганлиги муносабати билан М. С. Горбачёв СССР нинг Президенти лавозимини ўзидан соқит қилди.

СССР нинг қулаши ҳамда МДХ нинг тузилиши мавжуд тарихий жараённинг қонуний якуни бўлиб, собиқ Иттифоқ республикалари ва Марказ уртасидаги муносабатлар сўнгги пайтларда боши берк кўчага кириб қолган эди. МДХ га аъзо бўлган давлатларнинг ҳар бири ўз ҳудудларида яшаётган бошқа мамлакатларнинг фуқароларига (фуқаролиги йўқ шахсларга ҳам) уларнинг миллати, диний эътиқоди ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини олдилар.

*Шундай қилиб, расмий тарзда федератив мамлакат деб аталган, амалда эса унитар давлат сифатида яшаб келган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шунчаки парчаланиб кетмади, балки Ҳамдустликка ўзини бушатиб берди. Энг асосийси ушбу улкан жараён уруш-жанжалсиз, қон тукмасдан тинч йул билан ҳал этилди.*

МДХ таркибига кирган мамлакатлар бир-бирлари билан тинч-тотув биргалашиб яшаш заруриятини англаб етдилар, чунки собиқ Иттифоқ давридаги ягона иқтисодий муҳит таъсирида уларнинг халқ хўжалиги комплекслари ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд эди. Собиқ Иттифоқ халқлари эса ўзаро тигиз этник — маданий муносабатда бўлиб, аралашиб кетган эдилар. Мавжуд ўзаро боғлиқлик муносабатларининг сақлаб қолиниши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари — сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳамда ҳавфсизлик шартлари бўйича ҳам зарур эди. МДХ таркибига кирган давлатлар чинакам озодликка эришдилар.

МДХ доирасидаги мавжуд муаммоларни тенг ҳуқуқли асосда биргалашиб ҳал этиш мақсадида, давлат етакчиларининг ҳамда ҳукумат етакчиларининг кенгашлари тузилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик кенгашида МДХ манфаатларини ҳимоя этиш вазифаси Россия Федерацияси зиммасига юклатилди. Олмаота учрашувидаёқ, республикаларнинг етакчилари, МДХ мамлакатларини БМТ-га аъзо қилиш тўғрисида халқаро ташкилот раҳбариятига илтимос билан мурожаат этишган. МДХ нинг ядровий қуролларга эга бўлган давлатлари бу борада умумий бошқарувга келишиб олдилар. Ҳамдустликка аъзо бўлган давлатларнинг чегаралари дахлсизлиги эътироф этилган. МДХ аъзолари учун ўзаро тенг ҳуқуқли алоқаларнинг истиқболга мўлжалланган янги имкониятлари вужудга келди.

#### САВОЛЛАР:

1. Қирғизистонда президентликка сайлов қандай амалга оширилган?
2. А.Ақиевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Қирғизистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга тавсиф беринг.
4. СССР нинг инкирозига сабаб булган асосий омиллар қайсилар?
5. Иттифоқ келишими яма сабабдан тузилмай қолган? СССР ни сақлаб қолиш имконияти мавжуд эдими?
6. Қирғизистон Республикаси эълон қилинишининг тарихий аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
7. МДХ га тавсиф беринг.

## 12-§. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Мустақил давлат-чиликнинг қарор топиши

Мустақил Қирғизистон Республикасининг ташкил топиши қирғиз халқи тарихидаги энг аҳамиятли воқеа бўлиб қолди. Биз юқорида таъкидлаганимиздек республиканинг мустақилликка эришуви СССР даги ижтимоий сиёсий системани тубдан ислоҳ этилишининг самарасидир.

Мустақилликка эришган Қирғизистон учун навбатдаги асосий вазифалар давлат тузилишини ўзгартиришдан, республиканинг ички ва ташқи сиёсатини аниқлашдан иборат эди. Бунинг учун аввало Қирғизистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонун) ни яратиш ва қабул қилиш лозим эди.

1990 йилнинг охириларидаёқ янги Конституцияни яратиш бўйича республика Президенти А.Ақоев бошчилигидаги *Конституция комиссияси* тузилди. Мазкур комиссия бир ярим йилдан сўнг Конституциянинг биринчи лойиҳасини ишлаб чиқиб, умумхалқ муҳокамасига тақдим этди. Уч ойдан ортиқроқ вақт мобайнида олиб борилган муҳокамаларда минглаб таклифлар ва мулоҳазалар ўртага ташланган. Бундан ташқари Конституциянинг яна иккита лойиҳаси Олий Кенгашга муқобил лойиҳалар сифатида тақдим этилган эди. Уларнинг баъзи бир хусусиятларидан янги Конституцияни яратишда фойдаланилган.

Конституция лойиҳаси *Олий Кенгаш* (бу ном янги Конституцияда собиқ Олий Совет ўрнига киритилган) нинг *XII сессиясида муҳокама этилган ва 1995 йилнинг 5 майда қабул қилинган*. Ана шу кундан эътиборан 5 май умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

Қирғизистон Республикаси Конституцияси Қирғизистон халқларининг ҳоҳиш истаги ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, республиканинг ижтимоий тузилишини ҳамда давлат сиёсатининг асосларини белгилаб берган. Булардан ташқари, давлат органларининг соҳалари, уларнинг тузилиши ва фаолиятлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари ҳам белгилаб кўйилган.

Конституцияда Қирғизистон Республикаси динга эмас, балки ҳуқуқий асосга қурилган, эркин, демократик республика, унинг озодлиги чекланмайди, халқ-озодликнинг эгаси, Қирғизистон Республикасидаги давлат ҳокимиятининг бирдан-бир таянчи, халқ ўз ҳокимиятини тўғридан тўғри, шу билан бир қаторда давлат органлари системаси орқали ушбу Конституция ҳамда Қирғизистон Республикасининг қонунлари асосида амалга оширади, халқ сайлаган Олий Кенгаш ва Президентгина Қирғизистон халқи номидан гапиришга ҳақлидир. — деб ёзиб кўйилган.



## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

### Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасидан

“Қирғизистон Республикасида давлат ҳокимияти: умумхалқ томонидан сайланган давлат бошлиғи — Қирғизистон Республикаси Президентининг халқ ҳокимияти устиворлиғи вакили эканлиғига ва уни таъминлашига;

давлат ҳокимиятини қонуи чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига ажратиб, уларнинг алоқадорлиқда фаолият юритишлари ва биргалиқда ҳаракат қилишлари, давлат органларининг халқ олдидаги ўз масъулиятларини аниқлашлари ҳамда уларнинг ўз ҳокимиятлари ҳуқуқларини халқнинг талаби асосида амалга оширишларига;

давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув вазифаларини аниқ тақсимлаш тамойилларига асосланади”.

*Қирғизистон Республикасида давлат ҳокимиятини Қирғизистон Республикасининг Президенти, икки палатадан: Қонун чиқарувчи ва Халқ вакиллари палаталаридан иборат бўлган Олий Кенгаш, Қирғизистон Республикасининг Ҳукумати ҳамда Маҳаллий давлат маъмуриятлари, Конституцион суд, Олий суд, Олий Арбитраж суди, судлар ва одил судлов судьялари Конституцияда белгилаб қўйилган ҳокимият ҳуқуқларининг доирасида амалга оширадилар. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари алоҳида ва бир-бирлари билан узвий алоқадорлиқда иш олиб борадилар. Президент мамлакат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти бутунлигини, ҳамда Конституциянинг бузилмаслигини таъминлайди. Конституция ва қонулар Қирғизистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати бўлиб, давлат органларининг биргалиқдаги умумий фаолиятларига имконият яратиб беради.*

Қирғизистон Республикасининг Президенти беш йиллик муддатга сайланади. Бир киши икки муддат давомида узлуксиз Республика Президенти бўла олмайди.

Президентлик лавозимига 33 ёшдан 65 ёшгача бўлган, қирғиз тилини билган ва Президентликка номзоди кўрсатилгунга қадар 15 йилдан кам бўлмаган муддатда Қирғизистон ҳудудида яшаган республика фуқароларигина сайлана олишлари мумкин.

Президент Олий Кенгашнинг депутаты бўла олмайди, у бошқа хизмат лавозимларида ишлаши ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланиши мумкин эмас.

Конституцияга мувофиқ Президент Ҳукумат тузилишини аниқлашга, Олий Кенгашнинг розилиғи билан бош министрни ва ҳукумат аъзоларини тайинлашга ҳақлидир.

Республикада ва ундан ташқарида юз бераётган жараёнларни ҳисобга олиб, 1992 йилнинг 26 февралда Олий Кенгаш томонидан “Қирғизистон Республикасининг ҳукумати туғри-сида” ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, Олий Кенгашнинг 18 февралдаги VIII сессиясида Т.Чингизов бош министр (премьер министр) этиб тайинланди. Собиқ давлат ко-

тиби лавозими ўрнига бош вазир уринбосарлари (вице-премьер) лавозимлари жорий этилди. Г. Кузнецов, А.Эржебаев, Р.Отунбаевалар бош вазир уринбосарлари этиб тайинландилар. Янги қонун талаблари бўйича, бир қатор эски министрликлар бекор қилиниб, уларнинг ўрнига 14 министрлик, 7 Давлат Комитети, 6 Давлат агентлиги ва 5 Давлат инспекцияси жорий этилди.

1992 йилда Республика маҳаллий органлари фаолиятини ислоҳ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Президентнинг фармони билан шаҳарлар, област ва районларда ҳокимлик бошқаруви жорий этилган. Ҳокимликлар собиқ маҳаллий советлар қошидаги ижроия Комитетлар маъмуриятлари негизида ташкил этилган.

Қирғизистонда қонун чиқарувчи ҳокимият вақолати беш йил муддатга сайланувчи 350 депутатдан иборат бўлган Олий Кенгашга тегишлидир. Ушбу орган 1990 йилнинг феврида сайланган эди. Қирғизистон Олий Кенгаши республиканинг мустақилликни қўлга киритиши арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида сиёсий аҳамиятга молик бўлган бир қатор ҳужжатларни қабул қилишга муваффақ бўлди. Жумладан, *"Қирғизистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация"* (1990 йилнинг 15 декабри), *"Қирғизистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисидаги Декларация"* (1991 йилнинг 31 августи) кабилар ана шулар жумласидандир. Ўтиш давридаги республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш борасида ҳам Олий Мажлис ишлаб чиққан ва қабул қилган қарорлар катта аҳамиятга эга бўлди. Мустақил Қирғизистон янги Конституциясининг яратилиши ва қабул қилиниши ҳам республика Олий Кенгаши номи ҳамда фаолияти билан боғлиқдир. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнида Олий Кенгаш Президент ва ҳукуматнинг тугган сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ҳокимият институтлари билан қарама-қаршилиққа бормади. Қирғизистон Республикасининг давлат герби ва байроғини қабул қилишдек ута масъулиятли вазифаларни амалга ошириш ҳам Олий Кенгашнинг ўша йиллардаги қизгин фаолияти самарасидир.

Ўтиш давридаги жамият тараққиётининг тез ўзгарувчан табиати республика Олий Кенгашидан янгидан янги қонунларни яратишни талаб этди.

Лекин кетма-кет қабул қилинган қонунлар ҳам янги давлатчиликнинг мустаҳкамланиши ва жадал тараққиётини таъминлаб бера олмади. Қабул қилинган кўпчилик қонунлар таъсирли кучга эга бўлмай, аксарият ҳолларда амалга ошмай қолаверди. Натижада Олий Кенгаш уз нуфузини йўқотиб, ивқирозга учради. Бунинг объектив сабаблари кўп эди.

*Биринчидан*, республиканинг қонунларни яратиш бўйича аниқ-равшан қонунчилик йўналиши йўқ эди. Шунинг учун кўпчилик қонунлар буш ва яроқсиз бўлиб чиқди. Чунки жамият ҳаётидаги юз бераётган жараёнларнинг кўпчилиги рес-



Қирғизистон Республикасининг  
герби ва байроғи

малакага эга бўлмаганликлари сабабли янги қонунларни яратиш ва муҳокама этишда улкан қийинчиликларга дуч келишган. Парламент таркибида профессионал депутатлар озчиликини ташкил этган.

*Учинчидан*, халқнинг аксарият қисми кетма-кет қабул қилинаётган қонунларни тушуниш ва “ҳазм” қилишга улгурмай қолаверган. Ижроия ҳокимият эса қонунларни амалга ошириш борасида масъулиятсизликларини, қонун назорати билан шугулланувчи ташкилотлар эса ўзларининг ожизликларини яққол кўрсатганлар.

Бундан ташқари, янги Конституция қабул қилингач ҳам, ҳокимиятнинг энг юқори эшалонларида сиёсий найранглар ва манфаатлар зиддияти кучайиб, давлат ҳокимияти органларининг инқирозини келтириб чиқарган. Инқироз, айниқса қонун чиқарувчи ҳокимиятда чуқур илдиз отган эди.

1994 йилнинг сентябрида парламент икки таркибга бўлиниб кетди. Чунки, депутатлар қорусининг кўпчилик аъзолари ижрочи ҳокимият ва судлов соҳаларида ишлаган бўлиб, улар ўзларининг депутатлик даҳлсизлиги ҳуқуқларидан маҳрум бўлишлари мумкинлигидан хавфсирашганлигидан, янги Конституция асосида ҳокимиятнинг барча соҳаларига ўтказилиши кузда тутилган 1993 йилги сайловларга қаршилик кўрсатганлар. Айнан ўша депутатлар 1994 йилнинг 13 сентябрида ўзларининг депутатлик ҳуқуқлари расмий турда тасдиқдан ўтказилмаганлиги учун Олий Кенгашнинг мажлисида иштирок этишдан бош тортдилар. Улар ўзларининг ана шу ҳаракатлари билан парламент фаолиятини издан чиқаришга ҳаракат қилганлар. Натижада республика парламентсиз қолди. Бу вақтга келиб жамият ҳам қонунчиликдаги тургунликдан азоб чекаётган бўлиб, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун янги ва кучли қонунлар зарур эди. Айни шу дамларда республика ҳукумати ҳам ҳуқуқий жиҳатдан истеъфода бўлиб, расмий тарздагина фаолият олиб борар, суд ҳокимияти эса ҳали ислох этилмаган эди. Республика учун гоёт огир бўлган ана шундай бир вазиятда Президент А.Ақаев бутун ҳокимият тизгинларини ўз қўлига олиб, жамият ҳаётидаги сиёсий инқирозга юмшатишга ҳаракат қилди. Президент Марказий Сайлов Комиссиясини ва жуфт палатали парламентни тузиш юзасидан референдум ўтказиш тўғрисида қарор

публика халқи учун тамомила янги эди. Ҳуқуқ нормалари ўзлари мавжуд бўлган жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан ҳали бирмунча орқада эди.

*Иккинчидан*, депутатларнинг аксарияти ҳуқуқий маълумот ва

қабул қилган. 1994 йилнинг 22 октябрида *утказилган референдумда Президент икки палатали парламентни тузиш юзасидан уз розилигини билдирган*. 1995 йилнинг февралда икки палатали Олий Кенгашга сайловлар утказилган. 28 март куни Қонун чиқарувчи ва Халқ вакиллари йигинларидан иборат булган икки палатали янги Олий мажлисининг I сессияси уз ишини бошлаган.

Давлат ҳокимияти бошдан кечираётган сиёсий инқироз, эски парламентнинг тарқатиб юборилиши ҳамда икки палатали янги Олий Кенгашнинг тузилиши республика Конституциясига қўшимчалар ва узгаришлар киритиш зарурлиги тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйди. Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, 1996 йилнинг 10 февралда *умумхалқ референдуми утказилган. Референдум натижаларига кўра, Қирғизистон Республикасида давлат ҳокимияти парламент бошқарувидан Президентлик бошқаруви формасига утказилди*. Конституцияга эса қўшимчалар ва узгартиришлар киритилди. Президентлик бошқаруви тартибларига кўра, Президент республика ҳукуматининг структурасини белгилашга, халқ вакиллари палатасининг розилиги билан Бош Министрни тайинлашга, Бош Министрнинг таклифини инobatга олган ҳолда ҳукумат аъзоларини тайинлашга ҳақлидир. Булардан ташқари, Президент Халқ вакиллари палатасининг розилиги билан Республика Бош Прокурорини, Республика Миллий Банки Бошқарувининг раисини ҳам тайинлаш ҳуқуқига эгадир.

Олий Кенгашнинг қонун чиқарувчи депутатлар палатаси узлуксиз иш олиб борувчи 35 депутатдан, Халқ вакиллари палатаси эса сессиялар орқали фаолият олиб борувчи 70 депутатдан иборатдир. Ҳар иккала палата депутатлари ҳам 5 йиллик муддатга сайланадилар. Парламент депутатлигига номзоди курсатилиши учун шахс 25 ёшга тўлган ва номзоди тавсия этилиши арафасида республика ҳудудида 5 йилдан кам булмаган муддатда яшаган бўлиши шарт.

Қонун чиқарувчи депутатлар палатаси Қирғизистон Республикаси Конституциясида белгиланган тарзда, Конституцияга қўшимчалар ва узгартиришларни киритади, мамлакатнинг халқаро алоқаларини ратификациялайди, ҳарбий унвонларни, дипломатик даражаларни ва бошқа махсус унвонлар номларини белгилаб беради, республикада сайловлар ва референдумларни утказиш учун Марказий Сайлов комиссиясининг раисини ва комиссия аъзоларининг учдан бир қисмини сайлайди.

Халқ вакиллари палатаси эса Республика Конституциясида белгиланган тартибда Қирғизистон Конституциясига узгартиришлар ва қўшимчаларни киритади, қонун чиқарувчи палата депутатлари томонидан қабул қилинган қонуларни тасдиқлайди, республиканинг бюджети ҳамда унинг бажарилишига оид ҳисоботни тинглайди ва тасдиқлайди. Бундан ташқари Халқ Вакиллари палатаси Президентлик сайлови муддатларини белги-

лайди, Ҳукуматнинг Бош Вазир, республика Бош Прокурори ва Миллий Банк Бошқаруви раисининг тайинланишига розилик беришга, мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этиш ва уруш эълон қилиш каби Президент фармонларини тасдиқлашга рад этишга, мамлакат чегараларини ўзгартириш ваколатига эгадир.

*Жумагулов Апас — Қирғизистоннинг давлат ва партия арбоби. 1934 йилда Аламудун қишлоғида туғилган. Узининг меҳнат фаолиятини 1958 йилдан, Москва нефть институтини тамомлагач, СССР Фанлар Академиясининг Жанубий геологик экспедицияси комплексида бошлаган. Чанггир-таш нефть қидирув марказида катта геолог, кейинчалик “Қирғиз-нефть” бургулаш корхонаси бошқармасининг илмий тадқиқот лабораторияси етакчиси, корхона бош геологи лавозимларида меҳнат қилган. 10 йил давомида “Қирғиз-нефть” бошқармасида бош инженер (муҳандис) бўлиб ишлаган. Геология-минералогия фанлари доктори бўлган. 1973 йилдан Қирғизистон КП МКнинг саноат-транспорт бўлими етакчилигига қўйилган. Шундан сўнг А.Жумагулов узининг яхши етакчилик қобилиятини намойиш эта олган.*



Апас Жумагулов

*Қирғизистон Республикасининг Ҳукумати — мамлакатдаги ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органидир. Ҳукумат фаолиятига республика Бош Вазир етакчилик қилади. Ҳукуматнинг таркиби Бош Вазирдан, Бош Вазир ўринбосарларидан, министрлардан ва давлат комитетларининг раисларидан иборатдир. Ҳукумат таркибини Бош Вазир таклифига кўра Президент аниқлайди ва уни Олий Кенгашнинг Халқ вакиллари йиғини тасдиқлайди.*

*Республика Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи сифатида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва бошқа соҳалардаги ишларини ташкил этади, назорат қилади, ҳамда белгиланган ишнинг бажарилишини таъминлайди.*

*1993 йилда Қирғизистон Республикасининг Бош Вазир лавозимига муқобиллик асосида Апас Жумагулов сайланган. 1995 йилнинг 31 мартида Олий Кенгаш томонидан А.Жумагулов иккинчи маротаба Бош Вазирликка сайланган. А.Жумагулов 1998 йилгача ҳукумат бошлиғи сифатида фаолият олиб борди ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшди.*

*А.Жумагуловдан сўнг бир йилга яқин муддат давомида Қирғизистон ҳукуматига академик Қубаничбек Жумалиев етак-*

чилик қилган. Унинг ташаббуси билан республиканинг ижтимоий-иқтисодий турмушини юксалтириш мақсадида "Аракет" дастури ишлаб чиқилди. Қ. Жумалиевдан сўнг Бош Вазирликка Жумабек Ибраимов сайланган. У атиги икки ойгина ишлагач, оғир касаллик туфайли вафот этди. 1999 йилнинг апрель ойидан буён республика Хукуматига Амангелди Муралиев етакчилик қилди.



Амангелди Муралиев

да ишлаган. 1999 йилнинг апрелидан Қирғизистон Республикасининг Бош Вазири этиб тайинланган.

*Муралиев Амангелди Мурсадиқович — Қирғизистоннинг таниқли давлат арбоби. 1947 йилда Панфилов районидаги Қумариқ қишлоғида туғилган. Фрунзедаги политехника институтини, сўнгра Москвадаги Халқ хўжалиги Академиясини тамомлаган. "Қирғиз-автомаш" заводининг бош директори, кейинчалик Фрунзе шаҳар ижроия кенгашининг раиси бўлган. 1992 — 1993 йилларда Қирғизистон Республикасининг Иқтисодиёт ва Молия министри, 1994 — 1996 йилларда эса Қирғизистон Республикаси Мулк фонди Бошқармасининг раиси-министр, 1996-1999 йилларда Ўш областининг губернатори — вилоят давлат маъмуриятининг бошлиғи лавозимлари-*

Хозирги кунда Қирғизистонда маҳаллий ўз-ўзини бошқарувни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бошқарувнинг ана шундай формаларигина областларнинг, районларнинг, хўжаликлар ва овул қишлоқларнинг узига хос хусусиятларини яхши англаб уларга мос равишда иш юрита оладилар. Ҳар бир областда губернаторлик, районлар ва шаҳарларда маҳаллий давлат ҳокимияти — ҳокимликлар, овул-қишлоқларда эса қишлоқ ҳукуматлари тузилган. Булардан ташқари област, район, шаҳар ва овул қишлоқларда маҳаллий кенгашлар ҳам фаолият олиб бормоқдалар.

Қишлоқ кенгашлари қўйи ижрочи органлар сифатида ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, маҳаллий бюджетни ташкил этиш ва бажарилишини таъминлаш, қишлоқ иқтисодиётини бошқариш, халқни ижтимоий ҳимоялаш ва атроф-муҳит муҳофазасини ташкил этиш каби ишларни йўлга қўйишга ваколатлидирлар.

Сиёсий партиялар ва ташкилотлар

Қайта қуриш йилларида Қирғизистонда пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар мустақиллик шароитида ҳам Кон-

ституцияга мувофиқ эркин фаолият курсата бошлаганлар. Бир қатор янги сиёсий партиялар, қасаба союзлари ва ижтимоий бирлашмалар вужудга келган. Уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ҳоҳиш-истаклари давлат томонидан ҳимоя этилиши ва таъминланиши Қирғизистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилгандир. Лекин, шу билан бир вақтда, сиёсий партиялар ҳам давлатнинг иш-фаолиятига қуйидаги тартибдагина аралаша оладилар:

Олий Кенгашнинг ҳар иккала палатасига, давлат хизматларига ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига ўтказилган сайловларда уларнинг номзодларини курсатиш орқали; ҳокимиятнинг вакиллик органларида ўз фракцияларини тузиш орқали.

Конституцияга мувофиқ, Қирғизистон Республикасида давлат ҳокимияти ва партиявий институтларнинг бирикми кетишларига, шунингдек, давлат фаолиятини партиявий дастурлар ва қарорларга бўйсундирилишига, давлат маҳкамаларида ва ташкилотларида партиявий уюшмаларни тузиш ҳамда уларнинг фаолият курсатишларига йўл қўйилмайди. Давлат хизматидаги кишилар партиявий фаолиятни ўз хизмат лавозимларига дахл этмайдиган даражада юритишга ҳақлидирлар. Ҳарбий қисмлар, ички ишлар, миллий хавфсизлик, юстиция, прокуратура ва суд органларининг хизматчилари партияларга аъзо бўлишларига бирор-бир сиёсий партияни қўллаб-қувватлашларига йўл қўйилмайди. Қирғизистон Республикаси ҳудудида диний асосдаги сиёсий партияларни тузишга рухсат берилмайди. Диний уюшмалар сиёсий мақсадларга ва сиёсий йўналишларда фаолият олиб бормасликлари лозим, диний уюшмаларнинг ва диний хизматчиларнинг давлат органлари фаолиятига аралашувларига йўл қўйилмайди. Чет мамлакатлардаги сиёсий партияларнинг Қирғизистонда фаолият олиб боришларига рухсат этилмайди.

Ҳозирги кунда Қирғизистон Республикасида Юстиция Министрлиги томонидан рўйхатга олинган 30 га яқин партиялар мустақил сиёсий фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг қаторида республика аҳолиси ўртасида бирмунча сиёсий обрў-эътиборга эга бўлиб бораётган Қирғизистон Коммунистик партияси, "Эркин Қирғизистон" прогрессив демократик партияси, "Ата Мекен" социалистик партияси, "Ар-Намис" партияси, Қирғизистон социал-демократик партияси, Эл (Бей-бечаралар) партияси, Қирғизистон Аграр Меҳнат партияси, "Қирғизистон бирдамлик партияси", "Қирғизистон аёлларининг демократик партияси", Афғон уруши фахрийларининг ва бошқа эълон қилинмаган урушлар иштирокчиларининг сиёсий партияси, "Менинг ўлкам" партияси ва бошқалар бор. Юқорида айтиб утилган партиялар аъзоларининг сони жиҳатидан унчалик катта эмас. Кўпчилигида аъзоларининг сони икки-уч минг кишидан ошмайди.

Дастурий мақсадлари ва сиёсий фаолиятларига кўра партияларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* ҳукумат идоралари фаолиятидаги камчиликларни ошқора танқид қилиб,

давлат кучларига очиқ оппозицияда бўлган, айти вақтда сиёсий эҳтиросларга ориқча берилиб, эски тузумни қўсаб турувчи, консерватив кайфиятдаги Қирғизистон Коммунистик партияси киради. *Иккинчи гуруҳга*, ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлаган, унинг амалга ошиши учун курашаётган, кўпроқ ҳокимиятдаги шахслар идора этаётган центристик руҳдаги Қирғизистон Социал-демократик партияси, Қирғизистон Республикасининг аграр партияси, Қирғизистон бирдамлик партияси киради. *Учинчи гуруҳга* эса радикал-республикачилар, шу жумладан миллатчилик кайфиятга берилган партиялар “Эркин Қирғизистон” прогрессив-демократик партияси, “Асаба” миллий қайта яралиш партияси ва “Ар-Намис” партиялари киради. Қирғизистондаги сиёсий партияларнинг барчаси ўзларини демократик тамойиллар учун курашувчилар, халқнинг катта бир қатлами манфаатларини ҳимоя этувчилар сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Партияларнинг орасида аъзоларининг куплиги ва яхши уюшганлиги жиҳатидан Қирғизистон Коммунистик партияси ажралиб туради. Мазкур партия аъзоларининг кўпчилиги эски партиявий ташкилотларининг етакчилари бўлганликларидан партиявий фаолиятда катта тажрибага эгадирлар. Партиянинг тузилиши ва дастурий ҳаракати яхши ташкил этилган. Партия кенг халқ оммаси ичида айтиқса, қишлоқ жойларда бирмунча кўп сонли тарафдорларига эгадир. “Қирғизистон правдаси” газетаси орқали коммунистлар партияси ўз мақсад ва режаларини кенг тарғиб этиш имкониятига эгадирлар.

Сўнги вақтларда “Ата Мекен” партияси ҳам ўз фаолиятини кучайтирди. Ушбу партия аъзолари асосан ёш иқтидорли эйиллардан ҳамда бизнесменлардан иборатдир. Партиянинг лидери Омурбек Текебаевдир. Партиянинг дастурий тузилиши пухта йулга қўйилган. Ушбу партия кўпроқ қонунларни яратиш борасида ўз фаоллигини намойиш этмоқда. Турсунбай Бакир ўгли раҳбарлик қиლაётган “Эркин Қирғизистон” партияси таркибида бир қатор мустақил уюшмалар фаолият кўрсатади. Бу партия 1994 йилнинг 22 октябрида икки палатали парламентни тузишга қаратилган умумхалқ референдумини ўтказишга қарши чиққан эди.

1994 йилнинг кузида Олий Кенгашга ўтказилган сайловларда ўз номзодларининг муваффақиятини таъминлаш учун *Қирғизистондаги партияларнинг барчаси иккита блокка бириккан ҳолда кураш олиб боришган. Биринчи блок 1994 йилнинг 12 сентябрида тузилган ва “Демократик кучларнинг конгресси”* деб номланган. Унинг таркибига “Эрк”, компартия ва олти ижтимоий-сиёсий бирлашмалар кирган. *Иккинчи блок “Қирғизистоннинг бирдамлиги учун”* деб номланади, у 1994 йилнинг ноябрида тузилган. Мазкур блок таркибига “Қирғизистоннинг бирдамлиги” партиясидан ташқари “Республика халқ партияси”, “Аграр партия”, Қирғизистон аёлларининг конгресси ҳамда 11 ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар кирган. Лекин сайловда ишти-



рок этган сиёсий партиялар узлари кузлаган муваффақиятларга эриша олмадилар. Бунга аввало, сайлов системасининг можаритар тартиблари, партияларнинг тажрибасизлиги, қолаверса 1994 йил 22 октябрдаги референдумдан сунг чиқарилган Президентнинг фармони тўсқинлик қилган. Конституцияга кура сиёсий партиялар Олий Кенгашни сайлаш жараёнида узларининг номзодларини кўрсатиш ҳуқуқига эгалар. Президентнинг 1994 йил 27 октябрдаги фармони билан жамоатчилик ташкилотларнинг барчаси ана шундай ҳуқуқларга эга бўлишган. Натижада блоклар таркибидаги партияларнинг яхлитлиги путурдан кетиб, жамоатчилик уюшмалари ҳам уз номзодларини олдинга сура бошлаган. Бу ҳолат партиялар таъсирининг заифлашишига олиб келган.

Вужудга келган вазиятдан қутилиш учун Олий Кенгашга сайланган сиёсий партиялар вакиллари Олий Кенгашни сайлаш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш таклифини ўртага ташладилар. Улар келгуси сайловларда муваффақият қозониш учун сиёсий партияларга махсус ўринларни ажратиш тартибларини жорий этишга ҳаракат қилганлар. Бунга қадар ўтказилган сайловлар трайбализмнинг ривожланишига кенг имконият яратиб берувчи можаритар сайлов системасининг салбий оқибатларини очиқ-ойдин намоён этган эди. Шунинг учун Президент А.Ақаев Қонун чиқарувчи палата депутатлари билан 1997 йилнинг баҳор ва ёз ойларида ўтказган учрашувларида Олий Кенгашга депутатларни сайлаш тўғрисидаги Қонунни ўзгартиришга розилик берган. 1994 йилнинг апрелида Олий Кенгаш депутатлари сайлов тўғрисидаги қонунга ўзгартиришларни киритганлар.

Мазкур ўзгартиришларнинг жорий этилиши билан сайловчиларнинг эркин овоз бериш ҳуқуқлари янада кенгайган. “*Қиргизистон Республикасидаги сайлов тўғрисида*” номли кодексга мувофиқ 1999 йилнинг 17 октябрида Қиргизистоннинг шаҳар, посёлка ва қишлоқ кенгашларига сайловлар бўлиб ўтган. Бунда 1980 та сайлов округи ташкил этилиб, маҳаллий кенгашларнинг 6771 депутатлик ўринларига 11,6 минг номзод рўйхатга олинди ва сайловда иштирок этди. Бишкек шаҳрида ўтказилган сайловларда 1 ўринга беш нафар номзод рўйхатга олинган. Натижада сайловчилар бир неча номзодлар ичидан энг муносибни сайлаш имкониятига эга бўлдилар.

Қиргизистон Республикаси Президентининг 1993 йил 13 ноябрдаги “*Қиргизистон Республикаси Олий Кенгаши Қонун чиқарувчи ҳамда халқ вакиллари йигинларига сайловларни ўтказиш тўғрисида*” ги фармонида мувофиқ 2000 йилнинг 20 февралда Қиргизистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлигига сайловлар ўтказилди.

Сайлов Кодексига мувофиқ, сайловларни ўтказиш учун Қонун чиқарувчи ҳамда Халқ вакиллари йигинларининг депутатларини сайлаш буйича 45 мандатли сайлов округлари ва Қонун чиқарувчи палатага 15 депутатни партиявий рўйхат буйича сайлаш юзасидан, ягона республика сайлов округи тузилган.

Сайловларнинг альтернативлиги гоят юқори даражада утди. Бир мандатли сайлов округлари буйича 90 нафар депутатлик уринга 601 номзод руйхатга олинди. Ҳар бир депутатлик урин учун сайлов округлари буйича уртача 1—2 нафардан 10 нафаргача номзодлар кураш олиб боришди. Ягона республика сайлов округи буйича Олий Кенгашнинг Қонун чиқарувчи йигини депутатлигига сайланиши лозим булган 15 депутатлик мандати учун иштирок этиши кўзда тутилган 15 сиёсий партия, 2 та сайлов блокига бирикдилар. Улардан бири “Демократик Кучлар Союзи”, иккинчиси “Манас” деб номланган.

Сайлов ҳуқуқига эга булган 2 млн. 500 минг дан ортиқроқ фуқароларнинг 60 фоизидан кўпроги сайловларда иштирок этишди. Натижада Қирғизистон Республикасининг янги Олий Кенгаш таркиби аниқланди.

Ягона республика сайлов округи буйича Қирғизистон Коммунистик партияси 5 депутатлик мандатини, демократик кучлар союзи 4 мандатни, Қирғизистон аёлларининг демократик кучлар партияси 2 мандатни, Афғон урушининг фахрийлари ва бошқа эълон қилинмаган урушларнинг иштирокчилари партияси 2 мандатни, “Менинг ўлкам” сиёсий партияси 1 мандатни қўлга киритишди. Бундай натижалар мазкур сиёсий партияларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ўсганлигини исбот этади ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролининг янада фаоллашуви учун катта имкониятларни яратади. Олий Кенгаш депутатлигига сайловлар очик-ойдин ва юқори савияда утказилди. Сайловлар давомида сиёсий партияларнинг, блокларнинг, жамоатчилик ҳамда ҳукуматга тегишли булмаган ташкилотларнинг, 5 мингга яқин кузатувчилари, шунингдек 250 нафар халқаро кузатувчилар иштирок этишди. Сайловнинг ошкоралигини таъминлаш учун “Сайлов” деб номланувчи давлат автоматлаштирилган системасининг қўлланилиши ҳам катта аҳамиятга эга булди.

Қирғизистон Республикасининг Маҳаллий кенгашлари ҳамда Олий Кенгашга утказилган сайловлар сайловчиларнинг ва депутатликка номзодларнинг сиёсий фаоллиги янги босқичга кўтарилганлигини исбот этди.

#### САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Қирғизистоннинг янги Конституциясига тавсиф беринг.
2. Давлат ҳокимияти тузилмаларини қандай тасаввур этасиз?
3. Давлат ҳокимияти нима учун инцирозга юз тутган?
4. Нима учун Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда аниқликлар киритилган?
5. Олий Кенгашнинг икки палатаси ҳақида нималарни биласиз?
6. Сиёсий партияларга тавсиф беринг.
7. Қирғизистондаги сайлов тартибларига қандай ўзгартиришлар киритилган?
8. Ўзингиз яшаган ҳудудда сайловларнинг утказилиши ҳақида сузлаб беринг.

### 13-§. МУСТАҚИЛ ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИ


Сиёсий алоқаларнинг фаоллашуви Қирғизистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, халқаро муносабатларда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Республика ташқи сиёсатининг мазмун-моҳияти мамлакат халқларининг манфаатларини ҳимоялаш, янги демократик-ҳуқуқий давлатчиликни қуриш учун қулай ташқи шарт-шароитларга эга бўлишдан иборатдир.

Қирғизистоннинг ташқи сиёсати энг аввало, халқаро тинчликка, республика чегараларининг дахлсизлигини сақлашга, МДХ ҳамда дунё ҳамжамияти билан ҳар тарафлама муносабатларни мустаҳкамлашга, МДХдаги миллатлараро низоларни тўхтатишга, уларнинг Қирғизистонда юз беришига йўл қўймасликка, чет эл инвестицияларини республика халқ хўжалигига кўпроқ жалб этишга, жаҳон бозорларига миллий саноат маҳсулотларини олиб чиқишга, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан фаол муносабатларга киришишга, ҳарбий блоклар ва иттифоқларга қўшилмасликка, сиёсий бетарафликни сақлаш ва бошқа тамойилларга асосланади.

Ташқи сиёсатининг мақсади ҳамда тамойилларига муносиб равишда мустақил Қирғизистон давлати тез орада халқаро майдонда эътироф этилди ва қўллаб-қувватланди. 1992 йилнинг февралда Бишкекда АҚШнинг, сўнгра Хитой Халқ Республикасининг, Россиянинг, Туркиянинг, Германиянинг ва бошқа мамлакатларнинг элчихоналари очилди. 1992 йилнинг 2 мартда *Қирғизистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига* аъзо бўлди. 1991–1993 йиллар давомида *Қирғизистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёнинг 128 мамлакати тая олди, 80 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ҳозирда (1998йил) Қирғизистоннинг давлат мустақиллигини 135 мамлакат эътироф этган. Дунёнинг 91 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатилган.* Бишкекда 11 элчихона ҳамда вакиллик маҳкамалари очилган. Чет мамлакатларда республикамиз манфаатларини 17 дипломатик маҳкамалар ҳимоя қилмоқда. Қирғизистон Республикаси мустақил давлат сифатида бир қатор нуфузли ташкилотларнинг (БМТ, ОБСЕ, ХВФ, ЮНЕСКО в.б.) аъзоси ҳисобланади.

1992 йилнинг августида *Бишкек шаҳрида Қирғизистоннинг кўп асрлик тарихида илк бора Қирғизларнинг Биринчи Халқаро Қурултойи* бўлиб ўтди. Қурултойда дунёнинг 20дан ортиқ давлатларида яшаётган қирғизларнинг вакиллари иштирок этишган. Ҳозирги кунда дунёда 3 млн. нафардан ортиқроқ қирғизлар мавжуд бўлиб, уларнинг ярим миллиондан ортиғи Қирғизистондан ташқарида яшайдилар.

Турли хил сабабларга кўра чет мамлакатларда яшаб қолган биродарларимизнинг иштирокида ўтказилган ушбу Қурултой



Халқаро "МАНАС" аэропорти.

қирғиз халқининг миллий ўзлигини англаш жараёнида аҳамиятли воқеалардан бири булди.

Қирғизистон Республикасининг халқаро обрў-эътиборини таъминлашда Президент А.Ақаевнинг 90-йилларда Хитой Халқ Республикасига, АҚШга, Туркияга, Буюк Британияга, Индонезияга, Филиппинга, Францияга, Италияга, Исроилга, Японияга, Жанубий Кореяга ва бошқа мамлакатларга уюштирган расмий ташрифлари, уз навбатида ушбу мамлакатларнинг турли даражадаги давлат етакчиларининг юртимизга келиб-кетишлари улкан роль уйнаган.

1990 йилларнинг биринчи ярмига қадарли республикаимиз ташқи сиёсатининг асосий вазифалари аниқланди, мустақил ташқи сиёсатнинг приоритетив йўналишлари белгилаб олинди. Мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолиятида МДХ, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан бўладиган муносабатларга катта аҳамият берилган. Чунки бу мамлакатлар билан жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги муносабатлар асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган эди. Марказий Осиё ва Қозогистон давлатлари етакчилар СССР парчаланган дастлабки кунлардан бошлаб, узаро ёрдам муносабатлари асосига қурилган алоқаларга катта аҳамият берганлар. Бу борадаги давлатлараро расмий келишувларни *Қирғизистон Республикаси Қозогистон билан 1991 йилнинг 18 февралда, Ўзбекистон билан 14 мартда, Туркменистон билан 16 июлда имзолаган.*

Дўстлик ва узаро ҳамкорлик муносабатлари негизидаги иқтисодий, илмий техникавий ҳамда маданий алоқаларга оид масалалар Марказий Осиёнинг беш республикалари давлат бошлиқларининг 1991 йилги Тошкент учрашувида юксак самимият билан муҳокама этилди. Бу учрашувда якуний ҳужжат қабул қилинган.

Унда Марказий Осиё республикалари ва Қозогистоннинг давлатлараро Консультатив советини тузишга келишиб олинган. Натижада Марказий Осиёдаги интеграциялашув жараёни учун кенг йул очилган. 1994 йилда имзоланган. Марказий Осиёда ягона иқтисодий ҳудудни яратиш гоёси уч республика президентларининг 1994 йилги Олмаота учрашувидан сўнг амалга оширила бошлаган. Олмаота учрашувида уч республика президентлари ва ҳукумат бошлиқларининг иштирок этиши кўзда тутилган. Давлатлараро кенгаш тузишга келишиб олинган. Кенгаш таркибида фаолият юритиш учун министрлар кенгаши, ташқи ишлар министрлари кенгаши ва мудофаа министрлари кенгашини тузишга қарор қилинган. Мазкур кенгашларнинг мунтазам ишловчи органи сифатида ижроия комитет тузилиб, у Олмаота шаҳрида фаолият олиб бориши назарда тутилган. Ҳар уччала давлат раҳбарларининг 1995 йил 12 февралда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида *Давлатлараро кенгаш ва унинг институтлари туғрисидаги ҳужжат имзоланган.*

Шундай қилиб, учлар иттифоқи ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ва ўз фаолиятини бошлаган. Мазкур иттифоқ қардош уч республиканинг узаро алоқаларини мустаҳкамлашга, Марказий Осиёда интеграциялашув жараёнини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Қирғизистоннинг ташқи сиёсатида Россия Федерацияси билан олиб бориладиган алоқалар алоҳида аҳамиятга эга. Бу муносабатлар тарихий илдизлага эга бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва этник омилларга эгадир. СССР парчаланган дастлабки кунлардан бошлаб, Қирғизистон ва Россия ўртасида дўстона руҳдаги муносабатлар шакллана бошлади. Ҳар икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик негизига қурилган узаро ёрдам ҳамда давлатлараро муносабатларнинг асослари туғрисида шартномалар имзоланган. Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-иқтисодий муносабатлар бўйича ҳукуматлараро келишимлар амалга оширилмоқда.

Қирғизистоннинг Россия билан муносабатлари республиканинг ҳарбий стратегик ҳолатини мустаҳкамлаш, давлат чегараларини ҳимоялаш учун ҳам зарурдир. Бу борадаги ишларни тартибга солиш учун иккала давлат ўртасида бир қатор шартномалар имзоланган.

Россия билан дўстона муносабатларнинг ривожланиши Қирғизистоннинг иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнайди. Республика халқ ҳужалигининг куплаб соҳалари фаолиятида ҳамда бозор муносабатларининг ривожланишида Россия билан олиб бориладиган иқтисодий муносабатларнинг алоҳида урни мавжуддир. Бундан ташқари Қирғизистондаги миллий демографик ҳамда сиёсий вазият ҳам ҳар икки мамлакат муносабатларини мустаҳкамлашни тақозо этади. Чунки 1990 йилга келиб, республика халқининг 44 фоизини рус тилида сузлашувчи ҳар қил этник гуруҳларнинг вакиллари ташкил этган. Россия Федерацияси билан дипломатик муносабатлар йулга қўйилган даст-

лабки беш йил давомида (1992 – 1997 йиллар) ҳар иккала давлат уртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий муносабатларни яхшилаш учун 120 дан ортиқ шартномалар тузилган. Ҳозирги кунда Қирғизистон Россия Федерацияси билан ҳар тарафлама муносабатларни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Дустлик, ҳамкорлик ва узаро муносабатлар тўғрисидаги давлатлараро шартномалар Украина, Белоруссия ва бошқа мамлакатлар билан ҳам тузилган. Натижада ушбу республикалар билан собиқ Иттифоқ даврида тузилган муносабатлар тартибга солиниб, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ ривожлантирилмоқда.

**Ташқи иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар**

Ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича икки тарафлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилмоқда. 1990 йилларда Қирғизистон савдоиқтисодий, илмий-техникавий соҳаларни, транспорт, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда туризм бўйича ҳам халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва амалга ошириш борасида бир қатор келишимларни имзолаган.

Қирғизистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий муносабатларга боғлиқ бўлган ташқи сиёсатида биринчи навбатда, МДХга аъзо бўлган давлатлар билан, айниқса Марказий Осиё ва Қозоғистон билан олиб бориладиган алоқаларга катта эътибор бермоқда. 1990 йилларнинг биринчи ярмида республиканинг экспорт-импорт муносабатларида Россия биринчи урини, Қозоғистон, Ўзбекистон, Украина, Туркменистон, Тожикистон ва Белоруссия ундан кейинги уринларни эгаллаб келишган.

Ушбу давлатларга Қирғизистондан тери маҳсулотлари, жуп, пахта ва ипак газламалар, гилам, пахта толаси, гранит, мрамор, ҳамда керамика плиталари каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Қирғизистонга эса ёнилғи мойлаш материаллари, тошкўмир, автомашиналар, қишлоқ хўжалиги техникалари, қора металл, газ ҳамда бошқа маҳсулотлар олиб келинади.

*Ҳозирги кунга келиб, Қирғизистон 40 дан ортиқ олис ва 11 нафарга яқин чет давлатлари билан иқтисодий ва экспорт импорт муносабатларини олиб бормоқда.* 1995 йилдан сўнг, ушбу муносабатлар борасида маълум бир узгаришлар юз берган. Масалан, 1995 йилга қадар Россия Қирғизистоннинг асосий иқтисодий ҳамкори бўлиб келган бўлса, ҳозирги кунга келиб, Хитой Халқ Республикаси билан олиб борилаётган ташқи савдо обороти биринчи ўринга кўтарилди, лекин кўп ҳолларда Хитойдан сифатсиз товарлар ҳам олиб келишмоқда.

Иқтисодий алоқаларнинг ҳажми бўйича Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларининг салмоғи бир хил даражада бўлиб қолган.

90 йиллардаги иқтисодий муносабатларда Қирғизистоннинг экспорти суръатларига қараганда, импортнинг салмоғи ортиб кет-

ган. Ушбу ҳолатга боглиқ равишда ҳукуматнинг иқтисодиёт борасидаги ислоҳотларининг асосий мақсади импорт маҳсулотларини Қирғизистоннинг ўзида ишлаб чиқаришни йулга қўйишга қаратилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришда импорт тақчиллигини тулдирувчи хўжалик соҳаларини ривожлантиришга, жаҳон бозорларига рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун, мамлакат иқтисодига чет эл инвестициялари кўпроқ жалб этилмоқда. *Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки ва Халқаро тараққиёт ассоциацияси* каби нуфузли молиявий ташкилотлар республика иқтисодиётини реабилитациялашга маҳаллий конлардаги фойдали қазилмалардан экспортга лойиқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ишхоналарни қуришга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда Қирғизистонда чет мамлакатлар билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар ва компанияларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, Қирғизистон-Канада қўшма корпорацияси "КАМЕКО", Иссиқкўл областидаги "Қумтўр", Талас районидаги "Жер уй" олтин конлари фаолият юритмоқда. Жанубий Корейнинг "Голдстар" фирмаси билан ташкил этилган қўшма корхонада ва Тоқмоқдаги радио заводида рангли телевизорлар ишлаб чиқарила бошланди. Жалолободда АҚШ билан, Кант шаҳрида эса Англия ва Россия билан биргаликда ташкил этилган нефтни қайта ишлаш заводлари, швед фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган болалар озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрловчи комбинат, терини қайта ишловчи ҳамда минерал сувларни махсус идишларга жойловчи ишхоналарнинг фаолияти йулга қўйилган. Ер ҳамда аграр ислоҳотларни амалга оширишда, қишлоқ хўжалигининг фойдали соҳаларини кўпайтиришда ҳам халқаро иқтисодий алоқалар муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги кунга келиб, Қирғизистон озиқ-овқат маҳсулотлари билан узини тулиқ таъминлай олиш имкониятига эга эмас, лекин мавжуд имкониятлардан тулиқ фойдаланилган тақдирда республика узини озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмасдан, балки ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш лаёқатига ҳам эга эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Шунинг учун Жаҳон Банки Қирғизистонда дон маҳсулотларини етиштириш соҳасига 60 млн. доллар ажратган. Канада ҳамда исроиллик мутахассислар республиканинг 20 минг гектар ҳудудида узларининг технологиялари ҳамда уругликларидан фойдаланиб, дон маҳсулотларини етиштирмоқдалар.

Қирғизистон қишлоқ хўжалигида асосий соҳалардан бири бўлиб келган қўй чорвалигини реабилитациялашда ҳам халқаро иқтисодий муносабатлар муҳим роль ўйнамоқда. Жаҳон Банки билан биргаликда республикада меринос қўйчилигини ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Лекин

қўйчиликни ривожлантириш учун булинган 16 млн. америка доллари ҳажмидаги маблағнинг биринчи босқичга ажратилган қисми мақсадсиз, пухта уйланмаган ишларга сарфлаб юборилган. Бу борада чет эллардан олинаётган пул ёрдамлари қарз сифатида вақти келиб қўшимча фоизи билан бирга қайтарилиши лозимлигини Қирғизистон фуқаролари тўғри тушунишлари керак. Агар республиканинг ташқи қарзлари 1995 йили 600 млн америка долларидан иборат бўлган бўлса, 1999 йилга келиб эса, 1 млрд. доллардан ортиб кетди. Республикага берилган қарзларни тўлаш муҳлати бирин-кетин тугаб бормоқда. Шунинг учун ташқаридан берилаётган ёрдамни саноатнинг зарур тармоқларига, мақсадли фойда олиш мумкин бўлган соҳаларга сарфлаш лозимлигини унутмаслигимиз керак. Келажақда Қирғизистон жаҳон бозорларига жун, ферментацияланган тамаки барги, пахта, дагал хашак, қанд қизилчаси, гибрид жўхори, сабзавот ўсимликлар уругларини кўплаб экспорт қилиш имкониятига эгадир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш республика иқтисодиётига улкан фойда келтириши мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда кичик корхоналарни қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Италия, Туркия, Германия, Хитой, Англия, Япония, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш улкан аҳамият касб этмоқда. Масалан, Англиянинг таниқли фирмаси билан ҳамкорликда Бишкекдаги тамаки фабрикаси қайта жиҳозланиб, 1999 йилдан бошлаб филтрли тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда Ис-сиққул областининг Тонг районидаги Ақўленг қишлоғида ҳамда Норин областининг Қўчқор қишлоғида жунни қайта ишловчи фабрикалар қурилиб, ишга туширилган.

Ҳозирги кунда импорт товарларнинг сонини камайтиришда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг ҳам аҳамияти катта. Ана шу мақсадда Норин, Қорақўл, Бишкек, Маймак эркин иқтисодий ҳудудлари ташкил этилган. Уларга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш орқали энергия, озиқ-овқат, доридармонлар, енгил ва оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун табиий заҳиралар ва минерал хом ашё маҳсулотларидан фойдаланувчи технологияларни кенг тадбиқ этиш мумкин.

Мустақил Қирғизистондаги ижтимоий соҳалар фаолиятида ҳам халқаро муносабатларнинг ижобий таъсирини сезиш мумкин. Бу энг аввало, таълим тизимида яққол кўринади. Ҳозирги кунга келиб, чет элларда 2500 дан ортиқроқ қирғизистонликлар таълим олмоқда. Ўз навбатида 500 дан ортиқроқ чет эллик талабалар республикамиз таълим даргоҳларида таҳсил олмоқдалар.

АҚШ нинг ёрдами билан Қирғиз-Америка университети, Россиянинг бевосита ёрдами орқали Бишкекда Қирғиз — Россия (Славян) университети, Туркиянинг ёрдами билан янги тип-



даги Қирғиз—Турк “Манас” университети каби олий таълим даргоҳлари очилган.

Қирғизистонда янги мутахассисларни тайёрлаш, айниқса, овул-қишлоқ жойларда таълим бериш ишларини яхшилаш борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури томонидан катта ёрдам курсатилмоқда. Мазкур дастур асосида Қирғизистон Халқаро университети ҳамда Халқаро бизнес-менеджмент мактаби ташкил этилган, чекка аҳоли пунктларида ҳам бир қатор мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Халқаро “Сорос — Қирғизистон” фонди республиканинг олий ўқув юртларини, айниқса ўрта умумтаълим мактабларини, лицей ва гимназияларни дареликлар, кургазмали қуроллар, техник воситалар билан таъминлаш, ўқитишнинг сифатини юксалтириш, педогогларнинг малакаларини ошириш борасида гоаят улкан амалий ёрдамларни курсатмоқда. 1993 йилда ташкил этилган “Сорос — Қирғизистон” фондининг маркази ҳозиргача 45 дастур бўйича иш олиб бормоқда. Улар асосан, нашр этиш ишларига, студент ҳамда аспирантларни стипендиялар билан таъминлашга, ўқув юртларини ислоҳ этишга қаратилган дастурлардир. “Сорос — Қирғизистон” фонди 1994—1998 йиллар давомидаёқ Республика маданиятини юксалтириш борасидаги ишларга 16 млн. америка долларини сарфлаган.

Сўнгги йилларда республиканинг телефон алоқа тармоқлари Жанубий Корея, Япония, АҚШ ва Туркия фирмалари ёрдами билан тубдан янгиланди. Бишкекда Хитой Халқ Республикасининг ёрдами билан “Дўстлик” ва Туркия билан биргаликда “Оқкема-Пинара” меҳмонхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Дунё халқлари билан олиб борилаётган маънавий соҳалардаги алоқалар Қирғизистон халқлари адабиёти ва санъати орқали ҳам ривожлантирилмоқда. Масалан, “Манас” эпосининг 1000 йиллиги муносабати билан 1995 йил *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан “Манас” йили* деб эълон қилинди. Уни утказишда дунёнинг куплаб мамлакатлари иштирок этган. 1995 йилнинг августида Бишкекда *“Манас эпоси ва дунё халқларининг эпик мерослари”* деган мавзуда халқаро симпозиум утказилган. Симпозиумга дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан 130 дан ортиқ олимлар ва ёзувчилар ташриф буюрганлар.

Қирғиз адабиёти чет эл китобхоналарини реалистик хусусияти, ҳаётнинг мураккаб томонларини тирак фалсафий акс эттира олиши билан узига жалб этиб келган. Чет эллардаги адабиётшунослар биринчи навбатда қирғиз халқининг эпик ижодига, айниқса, “Манас” эпосига катта қизиқиш билан қарашлари маълум. 1995 йилнинг “Манас” йили деб эълон қилиниши билан бу қизиқиш янада ортган. Эпоснинг вариантлари рус, инглиз, хитой, ҳинд ва бошқа тилларга таржима этилгани юқоридаги фикрларнинг яққол исботидир.

Рус тилининг ёрдами билан, қирғиз ёзувчиларидан *Ч.Айт-*

матов, А.Токомбаев, К.Баялинов, Т.Сидикбеков, Ш.Бейшеналиев ва бошқаларнинг асарлари нафақат МДХ халқларига, балки дунё халқларига ҳам маълум ва манзур булди. 80 — 90 йилларда бир қатор таниқли қирғиз ёзувчиларининг асарлари дунё халқлари тилларига таржима қилинган. Бунда мутахассис таржимонлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши ҳам муҳим роль ўйнаган.

Қирғиз халқининг улуг ёзувчиси Чингиз Айтматов ўзининг нодир асарлари кучи билан дунё халқларида Қирғизистон тўғрисидаги энг самимий тасаввурларни уйғота олди. Унинг ижоди ХХ аср жаҳон адабиётининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Ёзувчининг асарлари дунёнинг барча мамлакатларига кенг тарқалган бўлиб, жаҳон адабиётида Айтматовни урганиш бўйича махсус йўналиш вужудга келган.

Айтматов ижодини урганиш юзасидан ҳозирда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёзувчининг асарлари асосида чет мамлакатларда ҳам кинофильмлар суратга олинган бўлиб, пьесалари дунёнинг энг машҳур театрлари саҳналаридан тушмай келмоқда. ЮНЕСКО нинг берган маълумоти бўйича Ч.Айтматов асарлари 50 дан ортиқ дунё халқларининг тилларида 150 мартаба 8 млн дан кўпроқ нусхада босилиб чиққан. Улуг ёзувчининг 1994 йилда чоп этилган "Кассандра тамгаси" номли романи Ч.Айтматов ижодининг янада юқори босқичга кўтарилганини исбот этди. 1999 йилда Ч.Айтматовнинг 70 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди. Ҳозирда ёзувчи асарларига бўлган қизиқиш янада ортиб, Айтматовни урганиш илми янги



Чингиз Айтматов

тадқиқотлар билан бойиб бормоқда. Халқаро маданий-илмий алоқаларнинг ривожидида Қирғизистон Миллий Кутубхонаси ҳам ўзига хос ўрин тутди. Ҳозирги кунда бу ерда 70 дан ортиқ дунё халқларининг тилларида чоп этилган 6 млрд.дан ортиқ нашрлар сақланмоқда. Кутубхона фондиди тулдириб туриш мақсадида халқаро китоб алмашув йўлга қўйилган. Бунинг натижасида Қирғизистон китобхоналари чет эл мамлакатларининг адабиёти, фан ва санъат борасидаги ютуқлари билан танишиб боришга, ўз навбатида чет эл фуқаролари ҳам Миллий кутубхона фаолияти орқали Қирғизистон илмфани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд булишга муваффақ бўлмоқдалар. Қирғизистоннинг чет давлатлар билан олиб бораётган сиёсий иқтисодий ва ижтимоий муносабатлари бундан кейинда ривожланиб бораверади. Қадим замонлардан улуг ипак йўлида жойлашган юртимизнинг халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни беқиёс, эртаси эса порлоқдир.

Халқаро терроризмнинг хуру- XX аср сўнггида дунё мамла-  
жи. Давлат чегараларини му- катларида халқаро терроризм хав-  
стаҳкамлашнинг зарурияти фи кучайди. У билан мустаҳкам  
алоқада иш олиб борувчи диний

экстремизм марказлари Марказий Осиёнинг, шу жумладан, Қирғизистоннинг ҳам ислом дини кучли таъсирга эга бўлган ҳудудларини босиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ана шундай экстремистик гуруҳлардан бири 1999 йилнинг август ойи бош-ларида Қирғизистон Республикасининг давлат чегараларини жанубдан бузиб кириб, Баткен районида ўз лагерларини таш-кил этишган ва уларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Динни узларига ниқоб қилишиб, тиш-тирногигача қуролланган босқинчилар республика милиция ва район маъмурияти хизмат-чиларини, бу ерда иш олиб бораётган турт япон геологларини ва маҳаллий халқ вакилларини гаровга олишган. Улар тез орада бир қатор қишлоқларни босиб олишга ҳам муваффақ бўлганлар. Ўзларини Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимиятига му-холифатда бўлган Ўзбекистон Ислоҳ Ҳаракати аъзолари деб ҳисоб-лаган босқинчилар Қирғизистон ҳудудини ўзларининг базалари-га айлантиришга, маҳаллий ёшларнинг беқарор қисмини алдаб, узларига жалб этишга, уларни келажакдаги босқинчилик юриш-лари учун тайёрлашга зўр бериб ҳаракат қилдилар.

Диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг гунаҳталари бўлган гуруҳнинг ушбу ҳаракати Қирғизистон ҳукумати тара-фидан, республиканинг ҳудудий дахлсизлигига ошкора ҳужум сифатида баҳолашиб, уларни тор-мор этиш ва мамлакатимиз че-гараларидан сиқиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қирғизистоннинг халқаро терроризм кучларига қарши ку-рашида республикага "Шавҳай Бешлиги" келишувининг шарт-ларига мувофиқ Ўзбекистон, Россия, Арманистон ва Қозоғистон давлатлари ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатдилар. Қирғизис-тон Миллий армиясининг ва ихтиёрий уюшилган қуролли қис-мларнинг жангчилари босқинчиларни тор-мор келтиришда жон-бозлик кўрсатдилар. Уларнинг айримлари Она-Ватан учун бўлган жангларда ҳалок бўдилар. Республиканинг жанубий ҳудудла-рида юз берган бундай қуролли туқнашувлар Қирғизистон хал-қларининг бирдамлигини, ташқи душманга қарши курашиш са-лоҳиятини синовдан ўтказди.

Республиканинг кўплаб ёшлари мамлакат мустақиллигини сақлаш учун ихтиёрий курашга отландилар. Босқинчилар ҳужу-мидан жабр кўрган республика фуқаролари ва ярадор бўлган жангчилар учун Қирғизистоннинг барча аҳолиси баҳоли қудрат ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон жанубида юз берган бу кунгилсиз воқеалар му-стақил давлатимизнинг муҳофаа салоҳиятини янада ошириш за-рурлигини яққол кўрсатди. Республика қуролли кучларининг заиф жиҳатлари, қурол-яроғларнинг, ҳарбий-техниканинг етиш-маслиги аён бўлиб қолди. Қирғизистон ҳукумати мавжуд кам-

чиликлардан тегишли хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг чора-тадбирларини кўра бошлади. Қуролли туқнашувлар юз берган ҳудудларнинг стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини инобатга олиб, *Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Ақоев* 1999 йилнинг 13 октябрида Баткен областини тузиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Баткен области таркибига Ош областининг Баткен, Қadamжой, Лайлақ районлари ҳамда Қизилқия шаҳри киритилди. Баткен шаҳри областининг маъмурий маркази этиб белгиланди.

Бундан ташқари, республиканинг жанубий чегараларини мудофаа этиш учун ҳарбий чегара заставалари ташкил этилди. Қирғизистон Республикаси чегаралари дахлсизлигини муносиб ҳимоялаш бугунги кунда гоят аҳамиятли ишлардан бири булиб қолди.

### САВОЛЛАР:

1. Қирғизистон Республикаси ташқи сиёсатининг мақсадлари ва асосий вазифаларига тавсиф беринг.
2. Қирғизистон ва Марказий Осиё республикалари уртасидаги муносабатлар қандай ривожланмоқда?
3. Россия билан буладиган муносабатларга нима учун алоҳида аҳамият берилмоқда?
4. Олис чет давлатлар билан муносабатлар қай тарзда ривожланмоқда?
5. Чет давлатлар билан биргаликда ташкил этилган корхоналардан қайсиларини биласиз?
6. Қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда чет давлатлар билан олиб борилаётган муносабатларнинг ижобий натижалари ҳақида сўзлаб беринг.
7. Таълим соҳасидаги халқаро муносабатлар қандай ривожланмоқда?
8. Халқаро муносабатлар республиканинг маънавий турмушида қандай акс этмоқда?
9. Қирғизистоннинг давлат чегараларини мустаҳкамлашнинг заруриятини қандай тушунасиз?

## ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ

### 14-§. ПОДШО ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ВАЗИЯТ

**Бошқарув тартиблари** Янги забот этилган ерларда Россиянинг сиёсий бошқарув тартиблари жорий этилган. Чор Россиясининг бошқарув тартиблари Ўрта Осиёга XIX асрнинг 60-йилларидаёқ, яъни Шимолий Қирғизистон ҳудудлари забот этилган йиллардан бошлаб тадбиқ этила бошлаган. Чор Россияси фуқаролигини биринчилардан бўлиб қабул қилган қирғиз уруғлари Фарбий Сибирь генерал-губернаторлиги таркибидаги Семей областининг Олатог округига киритилган. 1865 йилнинг февралида *Орол денгизидан Иссиққулгача бўлган улкан ҳудудларни ўз ичига олган Туркистон области* тузилган. Унинг таркибига Иссиққул, Чуй, Талас ва Кетмонтепа водийлари, кейинчалик Марказий Тангри-Тог ҳудудлари ҳам кирган. Туркистон областининг ҳарбий губернаторлигига дастлаб генерал М.Г.Черняев тайинланган, У ҳам ҳарбий, ҳам фуқаролик ҳокимиятини тенг идора этиш ҳқуқига эга бўлган.

1867 йилда *Туркистон области Туркистон генерал-губернаторлигига* айлантирилди. Унинг таркибида *Сирдарё* (маркази — Тошкент) ва *Еттисув* (маркази — Верный), областлари ташкил этилган. Областлар уездларга, улар эса ўз навбатида *волостликларга* бўлиб идора этилган. Ҳар бир волостлик таркибида бир неча қишлоқлар мавжуд бўлган. Волостлар аҳолиси асосан бирикми минг хўжаликлардан, қишлоқлар аҳолиси эса юз — икки юз хўжаликлардан иборат бўлган. Волость бошлиқлари — болушлар волость съездларида, қишлоқ бошлиқлари — старчинлар эса қишлоқ мажлисларида сайланганлар. Қўқон хонлиги тугатилгач, унинг ҳудудлари ўрнида Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли *Фарғона области* тузилган. Унинг етакчилигига эса генерал М.Д.Скобелев тайинланган. 1866 йилдан бошлаб *“Туркистон ҳудудини бошқариш тўғрисида қонун”* кучга кирган. Натижада Туркистон генерал-губернаторлиги Туркистон ўлкаси деб атала бошлаган ва унинг таркибига *Самарқанд, Сирдарё ҳамда Фарғона областлари* киритилган. *Еттисув области эса 1882 йилда Дашт генерал-губернаторлигига қўшиб юборилган. 1899 йилга келиб, Еттисув области қайтадан Туркистон ўлкаси таркибига киритилган.*

Подшо ҳукумати амалга оширган ҳудудий-маъмурий булиштириш сиёсати натижасида қирғизлар яшаб келган ерлар Тукмок, Иссиққул, Авлиёота, Уш, Андижон, Наманган, Маргилон (Скобелев), Қуқон ва Хужанд каби турли уездлар таркибига ўтиб қолган. Ушбу уездлар эса ўз навбатида Сирдарё, Етисув, Самарқанд ва Фарғона областлари ихтиёрида бўлган.

*Қирғизистон халқлари 73 волостликка булинган ҳолда, 3 йиллик муддатга сайланган болушлар ва старчиналар томонидан бошқарилган.* Маъмурий бошқарувлар ярим ҳарбийча ҳарактерга эга бўлган. Областлар ҳамда уездлар тепасида, подшо армиясининг офицерлари ва участка приставлари турганлар. Маҳаллий манаплар ва бойлар уларнинг назорати остида волост етакчилигига ёки старчиналикка сайланганлар. Кейинчалик киритилган тартибларга мувофиқ ҳарбий губурнаторлар сайлов ўтказмасдан ҳам болуш ва старчиналарни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлишган. Болушлар подшо амалдорларининг чиқарган буйруқлари бажарилишини ҳамда солиқларнинг ўз вақтида тўлалишини назорат этганлар. Старчиналар эса болушларга итоат этишган ҳамда уларнинг кўрсатмаларини ижро этишган. Маҳаллий ҳокимиятни идора этишда улардан ташқари қишлоқ оқсоқоллари, бийлар ҳамда қозилар ҳам иштирок этишган.

Оғирроқ жиноий ишлар, *уезд ҳамда ҳарбий судлар* томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган. Енгилроқ жиноий ишлар эса маҳаллий одатларга ва шариаат талабларига кўра, *бийлар* ҳамда *қозилар* томонидан кўриб чиқилиб, тегишли тартибда ҳукм чиқарилган. Қирғизистондаги маъмурий-ҳудудий булиштириш сиёсати, гарчи подшо ҳокимиятининг мустамакачилик тартибларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлса ҳам, ўз навбатида қирғиз халқининг турмушига бир қатор янгиликларни олиб кирган. Масалан, қирғиз халқининг асрлар давомида сақланиб келаётган уругчилик муносабатлари аста-секин емирилиб, халқнинг уруг етакчиларига сузсиз итоат этиш тартиблари ҳам йўқола бошлаган. *Маҳаллий бошқарувда сайлов тартибларининг жорий этилиши бой манапларнинг ўз ҳокимиятларини авлодан-авлодга мерос қилиб қолдиришларига чек қўйган.* Бошқарувдаги рус конунчилигига мувофиқ, олий ҳокимият ва маҳаллий бошқарувдаги тартибсизликларга ҳамда ўзбошимчиликларга ҳам чек қўйилган.

Подшо ҳокимиятининг ер сиёсати

Подшо ҳукуматининг Қирғизистондаги мустамакачилик сиёсати, айниқса ерга бўлган муносабат масаласида яққол кўзга ташланган. Россиянинг Марказий Осиёга, жумладан Қирғизистонга ҳам кўз тикишининг асосий сабабларидан бири Россиянинг марказий районларидаги исёнкор ерсиз деҳқонларни бу тарафларга кўчиришдан иборат бўлганлигини дастлабки мавзулардаёқ белгилаб ўтганмиз. Қирғизистон Россияга тобе этилган дастлабки вақтлардан бошлаб, келгинди деҳқонларнинг сони кўпайган. Кучи-

риб келтирилган рус деҳқонларини жойлаштириш учун махсус бошқармалар ташкил этилиб, бир қатор ишлар амалга оширилган. Подшо ҳокимияти келгинди рус ва украин деҳқонларига энг қулай ва серсув ерларни инъом этиб, маҳаллий халқнинг қулдан энг яхши ерларни тортиб ола бошлаган.

Келгинди деҳқонларга ер бериш масаласида маҳаллий киргизларнинг манфаатлари билан умуман ҳисоблашилмаган. Масалан, 1868—1883 йилларда Еттисув областида ташкил этилган 36 рус-украин қишлоқларининг 2,5 минг ҳужалиги ихтиёрида Чуй ва Иссиққул атрофидаги энг яхши ерлар мавжуд бўлган. Подшо ҳокимияти бу ҳудудларда ўзининг истиқболдаги ижтимоий таянч қатламини, яъни бой рус деҳқонларни кўпайтиришга ҳаракат қилган. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун, ҳар бир деҳқонга 30 десятинадан (1 десятина — 1,2 га) ер бўлиб берилган ва улар 15 йил муддатга солиқлардан ва ҳарбий хизматдан озод этилган. Бундан ташқари, кучиб келганларга пул ёрдами ҳам уюштирилган. 1890 йилларга келиб рус деҳқонларининг кучиб келиши бир мунча кучайган, бунга Россиянинг марказий районларида 1892 — 1898 йилларда юз берган очарчилик ҳам туртки бўлган бўлиши мумкин.

1896 йилга келиб, биргина Пишпек ва Пржевальск уездларида 26 рус қишлоқлари пайдо бўлди. Бу миқдор 80-йилларга таққослаганда икки баробар кўп эди.

XIX асрнинг охирига келиб, рус деҳқонлари жанубий Қирғизистонга ҳам кучириб келтира бошлаган. Бу ҳудуддаги дастлабки рус қишлоқлари 1893 йилда Покровка ва Ўш уездларида вужудга келган.

XIX асрнинг 70 — 80-йилларида рус деҳқонларидан ташқари Хитой феодаллари зулмидан безган уйғурлар ва тунгонилар ҳам Қирғизистонга қочиб кела бошлаганлар. Уларни ҳам Фарғонанинг, Иссиққулнинг ва Чуй водийсининг деҳқончилиги учун қулай бўлган ҳудудларига жойлаштиришга тўғри келган.

Деҳқончилиги учун қулай бўлган сугорма ерларнинг етишмаслиги ва киргизларнинг норозилиги кучайишидан хавфсираган подшо ҳукумати 1896 — 1906 йилларда рус деҳқонларининг Туркистонга кучириб келтиришга чек қўйган. Шунга қарамадан, XX асрнинг бошларида Марказий губерниялардан деҳқонларнинг ўзбошимчалик билан кучиб келишлари кучаяверган. Улар кўпроқ Еттисувга, аниқроғи Шимолий Қирғизистонга кела бошлаган. 1902 йилнинг ўзида Еттисувга 2,7 минг хонадон кучиб келган бўлиб, уларнинг 1,2 минг нафари Пишпек уездига жойлашганлар. 1905 — 1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби даврида подшо ҳукумати Марказий губерниялардаги деҳқон оммасини синфий курашдан чалғитиш мақсадида уларни Туркистонга кучиб боришларига яна рухсат берди. Келгинди деҳқонларни жойлаштириш учун Еттисув ва Сирдарё областларида махсус районлар ташкил этилган. 1906 йилга келиб, Еттисувда 40 минг.

Сирдарё областида 27 минг, Фарғонада эса 4 минг нафар келгинди деҳқонлар тупланган.

Қирғизларнинг ерларини тортиб олиш, айниқса, Столипнинг аграр ислохотларидан сўнг янада кучайган. 1906 йилга келиб, Туркистон ҳудудида 77 минг келгинди деҳқонлар мавжуд бўлиб, уларнинг 40 мингги Еттисувдан, 27 мингга яқини Фарғона областидан қўним топган. Уларнинг 83 фоизи қозоқ ва қирғиз аҳолисига тегишли бўлган ерларга жойлаштирилган. Масалан, 1907 йилга келиб, Еттисув области бўйича 289 минг қўлоч ер келгинди деҳқонларга бўлиб берилган. 1914 йилга келиб эса область халқининг қўлидан 4 млн. қўлочдан ортиқроқ ер тортиб олинган эди. Фарғона вилояти бўйича 762 минг қўлоч ерни қирғизлардан тортиб олиш мулжалланган.

Маҳаллий халқдан тортиб олинган ерларни расмийлаштириш учун подшо ҳукумати томонидан 1891 йилда махсус *"Дала низоми"* ишлаб чиқилган. Ушбу низом бўйича қирғизлар кучиб-кўчиб истиқомат қилувчи барча ҳудудлар давлат ерлари деб эълон қилинган. Демак, "низом" га мувофиқ, қирғизлар қўлидан экин экиладиган ерларгина эмас, балки яйловлар ҳам исталган пайтда тортиб олинishi мумкин эди. Бундай адолатсиз тартибдан энг аввало деҳқончилик билан шугулланган авом халқ қаттиқ жабр кўрган. Қирғиз деҳқонлар қўлидаги озгина хайдов ерлари билан бирга кишлов учун тикланган қуралари ва бошпаналари ҳам биргаликда тортиб олиниб, узлари яроқсиз ерларга суриб чиқарилган.

Россия томонидан босиб олингандан сўнг, Қирғизистонда аҳоли сонининг бир мунча ўсганлиги кузатилган. 1897 йили ўтказилган Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра Қирғизистоннинг маъмурий ҳудудида 663 минг киши яшаган. Бу миқдор 1865 йилга таққослаганда 116 минг кишига кўп бўлиб, аҳолининг ўсиш суръати 21,2 фоизни ташкил этган. Аҳолининг кўпайиши аввало маҳаллий халқнинг табиий ўсишига шу билан биргаликда Россиянинг марказий губернялари ҳамда Ғарбий Сибирдан кучириб келтирилган деҳқонлар сонига боғлиқ бўлган. Бундан ташқари Хитойга қарашли бўлган Шарқий Туркистондан муваффақиятсизликка учраган тунгони ва уйғур қўзғолончиларининг бир қисми оммавий жазолашлардан кўрқиб, Қирғизистонга қочиб келганлар. Кучиб келган тунгониларнинг ўзи 8 минг кишига яқин бўлган. 1913 йилга келиб, Қирғизистон халқининг сони 864 минг кишига етган. Бу кўрсаткич 1897 йилга таққослаганда 30 фоизга кўп эди.

Камбағал авом халқ чор маъмурияти солиқларидан ташқари маҳаллий бой-манапларнинг патриархал-феодал солиқларидан ҳам азоб тортганлар. Масалан, маҳаллий халқ туплаган чорваси учун чўп оғиз, манапларга сийлов учун — **чиқим**, мол ҳамда маҳсулот турида берилувчи — **юртчилик**, феодалнинг озиқ-овқати учун — **сўйиш**, бойларнинг еридан мол ҳайдаб утганлиги учун — **туёқ пули**, бой-манапларнинг тўй-тўрқунларини утка-



зиш учун — қўшимча ва кўплаб солиқларни тўлашлари лозим бўлган. Маҳаллий маъмурларнинг халқдан пора олишлари ода-тий ҳолга айланган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Фаргона областининг ҳарбий-губернаторига Маргилон уезди Ичкилик волостининг Хужаариқ қишлоғи фуқароларининг аризаси (1889 йил).

“Утган йилнинг июль ойида маргилонлик молдо Тана биғага болуш булиб тайинланган эди. У ҳокимиятга келиши билавоқ биздан биттадан қўй, юз богдан беда, ем учун арпа ва 5 сомдан пул талаб қилган. Кун вақт утмай, у биздан “Мингтепага юбораман”, — деб бугдой ва 40 сом пул тўлашни буюрди. Орадан кун утмай “юқоридаги бошлиқнинг буйруғи”, — деб ҳар биримиздан 16 пуддан уруг олди... У уанга иккита утов тикдирди, бунинг учун эса биздан 60 сомдан йигиб олди. Эсада мол боққанлигимиз учун биздан яна 40 сомдан олди.

Биз томонда ҳарбий пост турган пайтда унинг учун 20 пуд арпа, 200 бог чуп, 3 пуд оқшоқ ва 5 сомга утин етказиб бердик. Бу маҳсулотлар учун тўланган пулни болушнинг ўзи олди. Унинг 2 йигитига йилига 40 сомдан тўлаймиш”.

Маҳаллий авом халқнинг рус мустамлакачилиги зулмидан тортаётган азоб-уқубатларига ҳукмрон бой-манапларнинг маҳаллий зулми ҳам қўшилиб, халқ норозилигининг усишига туртки булди.

**Иқтисодий аҳвол.** Россия томонидан босиб олингандан кейин ҳам Қирғизистон иқтисодиётининг асосини чорвачилик ташкил этган. Масалан, Пишпек уезди маҳаллий халқининг 84,9 фоизи, Қоракўл уезди аҳолисининг 80,7 фоизи кўчманчи чорвачилик билан машғул булишган. Бу кўрсаткич Қирғизистоннинг жанубида бир мунча пастроқ булган. Масалан, Уш ҳамда Қўқон уездлари қирғизларининг 65 фоизи кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик билан кун кечиришган.

Қирғизлар асосан қўй-эчки, йилқи, қорамол ва тупоз боққанлар. Минглаб чорва ҳайвонларига эга булган бойлар халқнинг тахминан 5 — 10 фоизини ташкил этган. Бу вақтларда ҳам чорвачилик экстенсив тарзда ривожланган. Ишлаб чиқарувчи кучлар яхши ривожланмаганлиги ҳамда меҳнат қуроолларининг такомил этмаганлиги сабабли чорва учун қишки ем-хашак етарли миқдорда гамланган эмас. Қиш узоққа чўзилган ва қор қалин тушган йилларда чорва молларининг кўпи қирилиб кетар эди.

Подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати Қирғизистонни Марказий Россия саноати учун арзон хом ашё маҳсулотларини етказиб берувчи ҳамда рус саноати маҳсулотларини сотиб олувчи ҳудудга айлантиришни кўзда тутган ва амалга оширган. Аста-секин қирғизларнинг чорвачилиги ҳам савдо муносабатларига жалб этила бошлаган. Масалан, 1906 йилда Пишпек ва Пржевальск уездларида сотилган барча чорва ҳайвонлари-

нинг 91,6 фоизи қирғизларга тегишли бўлган. Мазкур уездлар бўйича чорва молларининг товар сифатидаги қисми чорва ҳайвонлари умумий сонининг 54,8 фоизини ташкил этган. Агарда XIX асрнинг иккинчи ярмида Шимолий Қирғизистондаги маҳсулот бозорларида чорва ҳайвонларини тирик ҳолда сотиш асосий уринни эгаллаган бўлса, XX аср бошларига келиб, сотувга тери ва жун маҳсулотлари кўпроқ чиқарила бошлаган.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, қирғизларнинг чорва хўжалигида йилқичилик асосий соҳа бўлмай қолди, биринчи уринга қўйчилик ва эчкичилик кўтарилди. Улардан кейинги уринларни йилқичилик, қорамолчилик, туя ва тўпоз боқиш эгаллаган.

Чорва молларининг асосий кўпчилиги феодалларга тегишли бўлган. 1916 йилнинг бошларига келиб, Қирғизистонда 519минг йирик шохли мол, 2,5 млн. бош қўй-эчки, 700—800минг бош йилқи ҳамда 27минг бош чучқа бўлган. Чорва молларининг турли юқумли касалликлардан қирилиб кетиш холлари кўп учраган. Чорва молларининг асосий кўпчилик қисми феодалларга тегишли эканлигини қўйидаги рақамлардан кўриш мумкин: 1913 йилда Пишпек ва Пржевальск уездларидаги чорва молларининг 11 фоизи халқнинг камбағал қисмига, 55,5 фоизи урта ҳол хўжаликларга, 33,5 фоизи эса бой-манапларга тегишли бўлган. Келгинди рус деҳқонларидан урганиш натижасида чорва молларини қўрада сақлаш, улар учун қишки ем-хашак ҳозирлаш, чорва молларини ветеринария йули билан даволаш ҳамда чорванинг наслдор зотларини яратиш ишлари йўлга қўйилган. 1913 йили Қирғизистонда 8 ветеринария участкаси, 6 фельдшер ҳамда 6 санитар фаолият кўрсатган.

**Подшо ҳокимияти-нинг солиқ сиёсати** Қирғизлар рус давлатга тобе этилгач, собиқ Қўқон хонлигига тўлагани каби, турли хил солиқларни тўлашга мажбур этилган. Кейинчалик солиқларни йиғиш сиёсати маҳаллий шартларга мос равишда қайтадан кўриб чиқилган. Янги тартиб бўйича кўчманчи чорвачилик билан турмуш кечираётган қирғизлар хўжалик ҳисобига 2 сом 75 тийиндан солиқ тўлаш мажбуриятини олганлар. Ер давлат мулки деб эълон қилингандан сўнг, яйловда боқиладиган ҳар бир қўй учун 3 тийиндан, ҳар бир йилқи учун 30 тийиндан, ҳар бош туя учун 50 тийиндан солиқ тўланган. 1882 йилдан солиқлар ҳажми йил сайин ўсиб бориб, биринчи жаҳон уруши йилларида 15 сомга етган.

Ўтроқ тарзда турмуш кечирган аҳоли солиқларнинг 2 турини тўлаган. Экин экиладиган майдонлардан **ҳирож солиғи**, боғроғлардан, дарахтзорлардан, мева сабзавот етиштирилган майдонлардан эса **таноб солиғи** (таноб ер майдонининг ўлчов бирлиги) олинган. Ҳирож даромаднинг 10 фоизига тенг бўлиб, маҳсулот ҳисобидан тўланган. 1886 йилда таноб солиғи тартибларига ўзгартиришлар киритилган. Бунга кўра таноб солиғи **оброк** деб

атала бошлаган. Бунда ҳайдалган ер майдонларининг (фойдаланилган ёки фойдаланилмаганлигидан қатъий назар) барчасидан солиқ ундирилган. Подшо ҳукумати бундай адолатсиз солиқлардан гоят катта фойда кўрган, бунинг натижасида маҳаллий халқнинг аҳволи янада оғирлашган.

**Дехқончилик** Қирғизистонга кучиб келган рус, украин рибалари таъсирида қирғизларнинг деҳқончилик маданияти ҳам бир мунча бойиган. Куп ҳолларда қирғизларнинг энг камбағал қисми деҳқончилик билан машғул булишган. Деҳқончиликда бугдой, арпа, сули, тариқ каби дон экинлари ва ўсимликлар экилган. Қирғизистон жанубида эса пахта, тамаки, шоли ҳамда мева сабзавот экинлари етиштирилган.

Капиталистик бозор муносабатларининг улкага кириб келиши билан Қирғизистоннинг айрим районларидаги деҳқон аҳоли ўз эҳтиёжлари учунгина эмас, балки бозорда сотиш учун ҳам дон маҳсулотларини, сабзавот, полиз, мева-чева маҳсулотларини етиштирганлар, шунингдек асаларичилик ҳам ривожлана бошлаган. Лекин савдо-сотиқ учун мулжалланган деҳқончиликнинг ушбу турлари рус, украин, ўзбек ва тунгони халқларида кўпроқ ривожланган. Жанубий Қирғизистондаги деҳқончиликнинг энг аҳамиятли ва сердаромад соҳаларидан бири пахтачилик бўлиб келган. Нойгут-Қипчоқ, Найман, Богиш, Баястан, Оқбура ҳамда Новқат волостликларида пахтачилик бир мунча жадал ривожланган.

XIX асрнинг II ярмига келиб, Фарғона областидаги қирғизлар тулиқ ёки ярим ёрти даражада ўтроқлаша бошлаганлар. 1917 йилга келиб эса, Фарғона областидаги 362 минг қирғиз аҳолисининг 206 минги ўтроқ ёки ярим ўтроқ тарзда ҳаёт кечирган. Қирғизистоннинг шимолида эса XX асрнинг бошларида келиб, рус ҳамда украинларга қарашли 100 дан ортиқ қишлоқлар мавжуд бўлган ҳолда, қирғизларнинг эса 70га яқин қишлоғи бўлган ҳолос. Мавжуд рус ва украин қишлоқларидан ташқари 3 нафар тунгони қишлоқлари ҳам булган. Жанубий районлардаги қирғиз қишлоқларида асосан 500, баъзи бир йирикроқ қишлоқларда эса 1 — 2 минггача аҳоли яшаган. Шимолий Қирғизистондаги қирғиз қишлоқларидаги аҳолининг сони 100—200дан ошмаган.

Қирғизистонга кучиб келган деҳқонлар маҳаллий аҳолидан ерларни сугориш, канал ва ариқлар қазииш ҳамда яйловлардан фойдаланиш тажрибаларини ўзлаштирганлар. Бойларнинг ҳамда қулоқларнинг хўжаликларида темир тишли оочлар, ер тароқлари каби меҳнат қуроллари пайдо була бошлаган. 1913 йилда Қирғизистонда 23,9 минг от оочлари, 172,2минг дона ооч буйинтуруқ, 89,7минг темир ҳамда ёғоч тишли тароқлар, 16 селка, 189 чўп ўргич ҳамда 4479 экин янчадиган молотилка мавжуд булган. Темирдан ясалган техникалар қўлланила бошлагач

ҳам, ерга ишлов бериш асосан қўл меҳнати билан амалга оширилган. Ҳайдов ерларида минерал угитлардан фойдаланилган эмас. Ерлар чуқур ҳайдалмаганлигидан экин майдонларини ёввойи ўтлар босиб, унумдорликка салбий таъсир курсатар эди. Алмашлаб экин тажрибасининг йўқлиги туфайли, экин майдонлари тез яроқсизлаша бошлаган.

1913 йилга келиб, мавжуд ҳайдов ерларининг 555,5 гектарига, анқроғи 86,8 фоизига дон экинлари экилган. Лекин ҳосилдорлик гоят паст даражада бўлиб, ҳар гектар ҳисобига 7,8 ц. га тўғри келган. Ҳайдов ерларининг 29,2 фоизига ёки 187 минг гектарига чорва озуқаси экилган, 4,9 фоиз ерларда эса техника экинлари устирилган. Шу йили Қирғизистонда 436 минг тонна дон, 19 минг тонна картошка ва 28 минг тонна пахта етиштирилган. Пахтага бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб борганлигидан пахта майдонларининг ҳажми ҳам усган. Масалан, 1889 — 1913 йилларда Ўш уездида пахта майдонлари 10 ҳиссага кўпайган.

1914 йилда Қирғизистонда 434 минг гектар сугорма ерлар мавжуд бўлиб, улар асосан, қўл меҳнати билан ўзлаштирилаётган майда участкалардан иборат эди. Бу майдонларда энг содда йўл билан дон экинлари ҳамда беда етиштирилган. Сугориш тизимида инженерлик қурилмалари бўлган эмас. Қишлоқ хўжалиги асосан қўл меҳнатига асосланган бўлиб, аста секинлик билан майда товар ишлаб чиқаришга ута бошлаган.

**Саноатнинг аҳволи** XIX асрнинг охири — XX аср бошларига келиб, *Қирғизистонда саноатнинг секин — аста вужудга келиши кузатилган.* Қирғизларда чорвачилик ҳамда деҳқончилик маҳсулотларининг уй шароитида қайта ишлаш тажрибаси ривожлана бошлаган. Илгари қайта ишланган маҳсулотлар аҳолининг ички эҳтиёжларининггина қондиришга сарфланган бўлса, энди бозор эҳтиёжлари учун ҳам маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўса бошлаган.

XIX асрнинг охирларига келиб, *қўл ҳунармандчилигига* асосланган *майда товар ишлаб чиқариш* билан бир қаторда кичик шаҳарчаларда *капиталистик* қайта ишлаш корхоналари вужудга кела бошлаган. Албатта, дастлабки пайтларда бундай корхоналар чекланган миқдорда ишлаб чиқарувчи майда ишхоналардан иборат бўлган. Бу корхоналарга асосан рус, украин ва ўзбек савдогарлари эгаллик қилишган. Тегирмонлар ёки мой жувозлар каби майда ишхоналарни аста — секин қирғизлар ҳам қуриб ишлата бошлаганлар.

XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Қирғизистоннинг жанубида *кумир ва нефть конларини қидириб топиш ва ишга тушириш* жараёнилари тезлашган. 1898 йили Қирғизистон тоғқон саноатининг илк корхонаси бўлган *Қизилқия кумир кони ишга туширилди.* Кумир ва нефть конлари бошқа ҳудудларда ҳам қидириб топилган ва секин-асталик билан ишга туширилган. Лекин ишлаб чиқариш кучларининг кам ривожланганлиги, конларда-

ги хавфсиз меҳнат шароитларининг йўқлиги ҳамда иш ҳақининг паст даражада эканлиги каби ҳолатлар бу соҳаларнинг ривожланишига имконият бермас эди.

1913 йилга келиб *Қирғизистонда фабрика-завод типидagi 30 дан ортиқ ишхоналар* фаолият кўрсатган. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, 30 йил ичида (1883-1913) иккиучтагача ёлланма ишчилари бор майда ишхоналарни қўшганда, уларнинг сони 165 тадан 569га кўпайган. Лекин шундай бўлсада, Қирғизистонда саноат гоят секинлик билан ривожланиб борган. Саноат маҳсулотлари жамият миқёсидаги умумий маҳсулотларнинг 5 фоизга яқинини ташкил этган бўлиб, унда меҳнатга яроқли аҳолининг 0,3 фоизи банд бўлган, ҳолос. Саноатнинг тараққий этиши деярли мустамлакачилик эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, буида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хом ашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фойдали конларни топиш ва ишлатишга асосий эътибор қаратилган.

Собиқ Қўқон хонлигига қарашли булган қалъаларнинг харобалари урнида қад ростлаган *ҳарбий маъмурий марказлар кейинчалик, Тўқмоқ, Пишпек, Қорақўл* каби чинакам шаҳарларга айланган. Бу шаҳарлар уларни жойлашган ҳудудларнинг сиёсий, маданий ва савдо-саноат марказлари сифатида йилдан йилга кенгайиб, ривожланиб борган.

Қирғизистоннинг жанубида эса Ўш, Ўзган ҳамда Жалолобод шаҳарлари тез суръатларда уса бошлаган. Чуй водийсининг энг йирик шаҳри бўлган Пишпекда XIX асрнинг охирига келиб 6,6 минг аҳоли истиқомат қилган. Россияда капиталистик муносабатларнинг ривожига боғлиқ равишда, Қирғизистон ҳудуди рус ва украин деҳқонларини кўчириб жойлаштирувчи маконга, рус буржуазияси учун эса арзон хом ашё базасига, рус саноати товарларини сотиш учун зарур бўлган навбатдаги шарқ бозорларидан бирига айлантирилди. Вужудга кела бошлаган ишлаб чиқариш муносабатларига мувофиқ, қирғизлар аста-секинлик билан бўлсада, товар-пул муносабатларига кўника бошладилар. Ушбу жараёнлар қирғиз халқининг асрлар давомида шаклланиб келган натурал хўжалиги муносабатларининг бузилишига шароит яратган. Лекин ҳали саноатдаги янги ўзгаришларга, товар-пул муносабатларига қирғизларнинг кўпчилик қисми жалб этилмаган эди.

**Халқнинг ижтимоий тузилиши.** Қирғизистонда Россия ҳукмронлиги даврида вужудга келган сиёсий — иқтисодий ўзгаришлар халқнинг ижтимоий тузулишига ҳам ўз таъсирини теккизди. Ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабати, жамият ҳаётидаги урни ва мавқеига кўра, халқ асосан икки ижтимоий қатламга — бой — манаплардан иборат булган феодалларга ҳамда халқнинг катта кўпчилигини ташкил этган меҳнаткашларга бўлинган эди.

Йирик бойлар ва манаплар рус мустамлакачилик ҳокимиятининг таянчи сифатида маъмурият ишларига жалб этилиб, болуш, старчина, бий каби лавозимларни эгаллаганлар. Подшо ҳокимиятига садоқат билан хизмат қилган бой — манапларни рус маъмурияти ҳарбий унвонлар ва бошқа мукофотлар билан тақдирлаб турган. Бийлар ҳамда мулларар ҳам эзувчи синфнинг таркибига киришган.

Иқтисодиётнинг ривожланишига *почта, телефон, телеграф* каби янгиликларнинг жорий этилиши ҳам кучли туртки бўлган. Транспорт турларининг кўпайиши, йўл қурилиши соҳасининг ривожланиши ҳам Қирғизистоннинг бошқа ҳудудлар билан муносабатларининг яшиланишига, савдо — сотиқ ишларининг тараққий этишига қулай шарт тузган. XX асрнинг бошларида *савдо муносабатлари айирбошлаш, ярмарка ва доимий ишловчи бозорлар* сифатида уч турга бўлинган ҳолда ривожланган. Натижада келгинди ва маҳаллий аҳоли вакиллари орасида савдо буржуазияси вужудга кела бошлаган. Биринчи жаҳон уруши арафасига келиб, Пишпек ва Пржевальск уездларидаги 2118 савдогарнинг (келиб кетувчиларни қўшмаганда) 36,3 фоизини қирғизлар ташкил этишган.

Қирғизистонда саноатнинг тараққий этиши билан гарчи оз сонли бўлса-да, *ишчилар синфи* ҳам вужудга келган. Уларнинг асосий қисмини келгинди ҳамда маҳаллий ҳунармандларнинг камбағаллашган қисми ташкил этди. Ишчиларнинг юқори квалификацияли қисмини Россиянинг марказий районларидан келадган кишилар ташкил этишган. Мавжуд ишхоналар *кустарь* ҳамда *ярим кустарь* курилишида бўлганлигидан, ишчилар синфи тарқок ҳолда фаолият кўрсатган. Асосий ишхоналарда биттадан беш нафаргача бўлган ишчилар меҳнат қилишган. Йирик ишхоналарни 16 дан 40 нафаргача ишчиси бўлган корхоналар ташкил этган. 1913 йилга келиб, кустарь ишхоналарда 12,6 минг, фабрика — завод типидagi ишхоналарда эса 1,9 минг нафар ишчилар банд бўлган. 1913 йилда Қирғизистоннинг барча саноат корхоналарида 2545 нафар *ёлланма ишчилар* меҳнат қилишган. Кейинги йилларга келиб, йирик ишхоналарда ишлаган ишчиларнинг сони бир мунча кўпайган. Масалан, 1917 йилда Қизилқия конида 1,2 минг, Сулуктида 1070 нафар, Чуй сугориш системасида эса 200 нафар мутахассис ишчимеҳнат қилган. Умуман олганда, саноат корхоналарида ишлаган ишчиларнинг сони 10 мингга етган. Булардан ташқари кишлоқ ҳўжалигида *ёлланма батраклар* ҳам мажуд бўлиб, уларнинг сони 20 минг атрофида бўлган. Батраклар қулоқларининг ҳамда бой — манапларнинг ерларида меҳнат қилишган. Ёлланма — батрак ишчиларнинг асосий кўпчилигини маҳаллий аҳолининг қашшоқлашган қисми ташкил этган. Шундай қилиб, 1917 йилга келганда, Қирғизистонда 30 мингга яқин киши ёлланма ишчилар синфининг вакиллари эдилар.

Оддий меҳнаткаш халқнинг асосий қисмини камбағаллар ташкил этишган бўлиб, уларнинг ҳўжалиги ихтиёридаги мол,

от ёки бир икки нафар майда чорва ҳайвонларидан иборат эди, холос. Гадоё камбағаллар табақаси ҳам ётоқчилар, малайлар, чорикорлар, мардикорлар, девоналар каби ижтимоий қатламларга бўлинган. Қирғизистоннинг жанубида, деҳқончилик тараққий этган ҳудудларда ери оз ёки ердан маҳрум бўлган деҳқонлар чорикорлик қилишган. Улар бойлардан ер, ҳўкиз, от — улов ҳамда қишлоқ хўжалиги ускуналарини олишиб, эвазига кузги ҳосилнинг кўпроқ қисмини бойларга бериш шарти билан кун кечирганлар. Мардикорлар эса қишлоқ хўжалиги юмушлари қизиган паллада ёлланиб ишлаганлар.

Чорвадор деҳқонлар эса *мол — мулкчи, ўртача мол — мулкчи ва оз молчи* гуруҳларга бўлиниб, деҳқонлар синфининг оралиқ қисмини ташкил этганлар. 1917 йилга келиб Қирғизистондаги деҳқон хўжаликларининг 65 фоизини гадоёлар, 26 фоизини ўрта ҳоллар, 9 фоизини эса бадавлат хўжаликлар ташкил этган. Шундай қилиб, подшо ҳукуматининг олиб борган сиёсати натижасида, Қирғизистонда *ҳарбий феодалча ҳамда капиталистик муносабатлар* вужудга кела бошлаган. Қирғизистон халқининг ижтимоий қатламлари кўпайиб, уларнинг турмушдаги ўрни ойдинлашиб, кескин фарқланиб борган. Тогли ҳудудлар халқининг ижтимоий — иқтисодий турмушида мустамлакачилик тартибларининг қийинчиликлари билан бир қаторда янги-ча, прогрессив хусусиятлар ҳам кўзга ташлана бошлаган.

#### САВОЛЛАР:

1. Қирғизистоннинг маъмурий бўлиниши қандай кўринишда бўлган?
2. Подшо ҳокимиятининг ҳукмрон тартиблари қандай амалга оширилган?
3. Ер сиёсати қандай амалга оширилган?
4. Қирғизистон иқтисодиётида қандай ўзгаришлар кўзга ташланган?
5. Сановатдаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беринг.
6. Халқнинг ижтимоий тузилиши ва турмуши ҳақида нималарни айта оласизлар?

### 15 - 16-§. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАВКИ ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРТИБЛАР (1917- 1940 йиллари)

Совет давлати аграр сиёсатининг бошланғичи Пролетариат диктатураси ўрнатилганидан сўнг В.И.Ленин бошчилигидаги коммунистлар ҳукумати биринчи навбатда аграр соҳадаги муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилган. Роосиядаги халқнинг асосий қисмини ташкил этган деҳқонлар оммаси кўпчилигининг талабларига мувофиқ ерни *давлат ихтиёрига олиш* сиёсати амалга оширилди. Совет ҳокимиятининг Ер тўғрисида декрети қабул қилиниб, унга кўра барча ерлар давлат мулки, — деб эълон қилинди.

Ушбу декрет бўйича Совет ҳокимияти аграр сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб олинди:

— ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилиш ва йирик ер эгаларининг қўл остидаги ерларни давлат ихтиёрига ўтказиш;

— “ер унда ишлаганларники” деган режа асосида ерни деҳқон хўжаликларга тенг бўлиштириб бериш;

— хўжаликларни ер билан тўлиқ таъминлаш;

— эски солиқларнинг барча турларини, деҳқонларнинг ижара ерлар учун ҳамда қарз берувчи турли маҳкамаларга тўланиши лозим бўлган барча қарзларини бекор қилиш;

— деҳқонларга ўз хўжалиklarини ташкил этишлари учун ашёвий — техникавий ҳамда пул ёрдамларини бериш;

— қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун кооперативларнинг оддий турларини ташкил этиш ва ҳақозо.

Аграр сиёсатнинг мазкур қондалари Россиянинг чекка ўлкаларида маҳаллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширила бошлади. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб Қирғизистонда ҳам аграр муносабатлар тубдан ўзгара бошлаган. Камбағал ҳамда ўртаҳол деҳқонлар маҳсулот ва пул ҳисобидан тўланувчи солиқлардан озод этилган. Уларнинг кредит берувчи ташкилотлардан ва судхўр банклардан олган қарзлари бекор қилинган.

*Хусусий мулк сифатида эгалланмаган ерларнинг барчаси давлат мулки деб эълон қилинган, ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари назоратига ўтказилган.* Натижада Қирғизистонда аниқланган 326 минг десятина ер давлат ерлари деб белгиланган. Бу ерларда кейинчалик совхозлар ва жамоа хўжаликлари ташкил этилган, қолган бир қисми эса ерсиз деҳқонларга бўлиб берилган. Деҳқонлар ўрмонзорлардан ҳам ўз эҳтиёжлари учун фойдалана бошлаганлар. Уларга уй ҳамда қўра — жойларни қуриш учун зарур бўлган қурилиш материаллари бекор ёки арзон баҳоларда берилган.

Совет ҳокимияти сугориш тармоқларини ўз ҳолига келтириш ва тиклаш ишларида ҳам деҳқонларга катта ёрдам берган. 1918 йилнинг 17 майида *В.И. Лениннинг ташаббуси билан “Туркистонда сугориш ишларини ташкил этиш бўйича” декрет қабул қилинди.* Унга қўра, Чуй сугориш тармоқлари бўйича 94минг десятина ерни ўзлаштириш кўзда тутилган. Туркистонда сугориш тармоқларини ўзлаштириш учун давлат хазинасидан 50млн. сом бўлиниб, унинг 3млн. сомни Пишпек уезидаги Чуй дарёси ҳавзаларини ўзлаштириш учун ажратилди. Чуй сугориш тармоқларидаги барча қурилишлар техника ускуналари давлат мулки, — деб эълон қилинди. Аграр соҳадаги дастлабки ислохотларни амалга оширишда Совет ҳокимиятининг маҳаллий органлари, ташкил этилган ер — сув комитетлари ҳамда камбағаллар комитетлари муҳим роль ўйнаганлар. Улар биргаликда ташвиқот — тарғибот ишларини олиб боришган, ерларни



булиштириш ҳамда талаш-тортишувли масалаларини ҳал этиш ишларини амалга оширганлар.

1918 йилнинг 17 сентябрида Халқ хўжалигининг Пржевальск уезд Совети Иссиқкўл монастирининг мулкини конфискациялаш (мусодара қилиш) тугрисида қарор қабул қилган. Монастир ихтиёридаги ерларнинг 1777 десятинаси ерсиз деҳқонларга, 40 десятинаси болалар уйини ташкил этишга, 933 десятинаси Пржевальск қишлоқ хўжалиги мактабига берилган. Пишпек уездининг ер — сув комитети собиқ подшо ҳукуматининг ер тақсимлаш бошқармаси бошлиғи Архангельский ихтиёридаги 500, уезд бошлиғи Римшевич ихтиёридаги 180, уезд пристави Грубановскийнинг 100, йирик капиталистлардан Ивановнинг 700, Фетисовнинг 300, Папенковнинг 800, ака-ука Лопатинларнинг 600 ва Алмазбековнинг 600 десятина ерларини мусодара қилган. Ушбу ерларга 2638 кишидан иборат бўлган 607 нафар ерсиз хонадонлар жойлаштирилган.

Пржевальск уездида йирик қулоқлар қўл остидаги 100 минг десятина ер мусодара қилиниб, бу ерларга Хитойдан қайтган 200 мингдан ортиқроқ қирғизлар жойлаштирилган. Ерларнинг қолган қисми ерсиз деҳқонларга бўлиб берилган. Ана шундай ишлар Тоқмоқ уездида ҳам фаол олиб борилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида амалга оширилган ер булиштириш жараёнида ерсиз қирғиз ва рус деҳқонларига ерларни тенг тақсимлашга алоҳида эътибор берилган. Бундай ҳаракатлар руслар ва қирғизлар ўртасидаги душманлик муносабатларининг барҳам топишига, улар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик муносабатларининг пайдо бўлишига шарт-шароит яратган. Рус қишлоқларининг деҳқонлари ерсиз қирғиз камбағалларини ўз жамоаларига ихтиёрий суратда қабул қилишиб, уларга ерларидан бўлиб бера бошлаганлар.

Йигирманчи йилларга қадар амалга оширилган ерларни бўлиштириш сиёсати йирик ер эгалари бўлган қулоқларнинг, бойларнинг ва манапларнинг озгина қисмигагина даҳл этган, холос. Ерларнинг кўпчилик қисми, ҳали уларнинг ихтиёрида қолаверган.

Собиқ подшо ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг зарари асоратлари Қирғизистондаги ерга боглиқ муаммоларнинг тез орада ҳал этилишига кучли тўсқинлик қилар эди. 1917–1920 йилларда ҳам қулоқлар ва бой-манаплар томонидан деҳқонларнинг ерларини зўравонларча тортиб олиш ҳоллари тез-тез учраб турган. Бундай ҳолат деҳқонлар оммасининг аҳволини янада оғирлаштирган.

1921 йилнинг январида бўлиб ўтган Туркистон АССРдаги қозоқ ва қирғиз камбағалларининг I-улка съезди иштирокчилари келгинди деҳқонлар томонидан тортиб олинган ерларни қирғиз деҳқонларига қайтарилмагунича қирғиз халқининг аҳволи яхшиланмаслигини бир овоздан таъкидлашган. 1921 йилнинг 4 февралда Еттисув области инкилобий комитети ушбу мақсад-

ни амалга ошириш учун *ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.*

**Ер-сув** 20-йилларнинг бошларида олиб борилган ер-ислоҳотлари сув ислоҳотлари мустамлакачилик даврида шаклланган адолатсиз тартибларни тугатишга, рус ҳамда қирғиз деҳқонларининг ер-сувга нисбатан мавжуд ҳуқуқларини тенглаштиришга йўналтирилди. Бунинг учун энг аввало рус деҳқонларининг ихтиёридаги ортиқча ерларни тортиб олиш, чорва ҳайвонлари ўтувчи йўлларни ҳамда сувбоши ерларни эгаллаб олган рус қишлоқлари ва хуторларини тугатиш лозим эди. Бундан ташқари, маҳаллий бой-манапларнинг қўл остидаги ерларни камбағал деҳқонларга бўлиб бериш ҳам кўзда тутилган. Кўчманчи халққа яйлов ерларидан ташқари ҳайдов ерлар ҳам бўлиб берилиши, уларга давлат томонидан пул ёрдами, уруглик ҳамда қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган воситалар ҳам етказиб берилиши лозим эди.

Ер сув ислоҳоти 1921 – 1922 йилларда олиб борилган. Ислоҳотларнинг ҳудудий кўлами кенг бўлиб, собиқ подшо помешчикларининг мустамлакачилик зулми чуқур илдиз отган Ётти-сув областининг Верний, Бишкек ва Қорақул уездларини, Сирдарё областининг Авлиёота (Талас водийси), Чимкент ва Тошкент уездларини, Фарғона областининг Жалолобод ҳамда Мархамат районларини қамраб олган.

1920 йилнинг ноябридан бошлаб партиянинг кўрсатмаси бўйича тажрибали коммунистлар овул-қишлоқларга бориб, ер-сув ислоҳотларининг мазмун моҳияти юзасидан тушунтириш ишларини олиб борганлар. *“Ер ишлари ва сугориш соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрловчи курслар очилган.*

*Ер-сув ислоҳотининг бориши ўлкада кескин синфий курашлар таъсирида кечган. Бойлар ва кулоқлар ислоҳотларни йўққа чиқариш учун, “Совет ҳокимияти қирғизларнинг овул-қишлоқларини 1916 йилдагидек горат қилмоқчи” ёки “Совет ҳукумати рус қишлоқларини тугатиб, уларнинг ўзларини Қирғизистондан қувиб чиқармоқчи” — қабилдаги ваҳимали фикрларни тарқата бошлаганлар. Маҳаллий миллатчилар эса барча русларни “мустамлакачилар”, — деб атаб, уларни Россияга кучириб юбориш лозимлиги тўғрисида ташвиқот юритар, шовинистик кайфиятдаги рус деҳқонлари эса “барча ерлар илгари қандай булштирилган бўлса, шундайлигича қолиши керак”, — деган фикрда эдилар.*

Ана шундай оғир бир шароитда ислоҳотларни амалга ошириш учун амалий ҳаракатлар бошланган. Қирғизистондаги 285 волостликлар ҳамда овул-қишлоқлар ерлари бўйича комиссиялар ва уч кишидан иборат бўлган “ўчлик” комиссиялари тузилган. Уларга барча жамоатчилик ташкилотларидан вакиллар киритилган. Ушбу комиссиялар мавжуд ерларнинг, қишлоқ хўжалиги воситаларининг ҳамда уругликнинг ҳисобини олишган ва

камбагал ерсиз деҳқонларга ерларни булиштириш борасида улкан ишларни амалга оширганлар. 1921 йилнинг баҳорги дала ишлари бошлангунича, ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунланган.

1921—1922 йилларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида, мол ҳайдаб утилувчи йулларнинг устида, ариқларнинг бошланиш жойларида узбошимчалик билан қуриб олинган кишлоқлар тугатилган. Қулоқларнинг ва бой-манапларнинг қўл остидаги ерлар ҳамда келгинди деҳқонлар ихтиёридаги ортиқча ерлар тортиб олинди. Ҳаммаси бўлиб 197 минг десятина ортиқча ерлар тортиб олиниб, бу ерлар 6 мингга яқин деҳқон хўжаликларига бўлиб берилди.

Ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида нафақат сиссий, балки, иқтисодий муваффақиятлар ҳам қўлга киритилган. Ушбу муваффақиятларни қуйидаги тартибда изоҳлаш мумкин: биринчидан, ислоҳотлар натижасида совет ҳокимиётининг ер тўғрисидаги Декретида эълон қилинган тамойиллар ижро этилди; иккинчидан, деҳқонларнинг ер билан таъминланиши уларни жамоа хўжаликларига бирикишуви жараёнини тезлаштирган; ислоҳот ер муаммосини маълум бир даражада ҳал этиб, ерни ҳақиқий эгаларига — асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган деҳқонларга қайтарди. Буларнинг натижасида, кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун қўлай имкониятлар вужудга келди.

Ислоҳотлар давомида юқорида эслатиб утилган муваффақиятлар билан бир қаторда, жиддий хатоликларга ҳам йул қўйилган. Аввало ислоҳотлар шошилиш тарзда амалга оширилганлиги учун мавжуд ерларнинг шу билан биргаликда ерсиз ёки кам ерли деҳқонларнинг аниқ ҳисоби олинган эмас. Узбошимчалик билан ташкил этилган рус қишлоқлари тугатилиши билан бир вақтда, уларнинг ўрнларига қирғиз қишлоқларини жойлаштирилганлиги ҳоллари кўп бўлган.

Бир қанча ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари ҳам янглиш қарорлар натижасида, қулоқ ёки бой хўжаликлари сифатида тугатилган.

1921—1922 йиллардаги ер сув ислоҳотларининг натижасида қирғиз ҳамда рус деҳқонлари ихтиёридаги ерларнинг нисбати тенглаштирилди. Уз ерларига эга бўлган қирғиз деҳқонларининг сони кўпайди. Натижада ҳайдов ерлари кенгайиб, ерга ишлов бериш бирмунча ривожланди.

Ислоҳотларни амалга ошириш вақтида бой-манапларга ҳамда қулоқларга қарши жиддий кураш олиб борилган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Қирғизистон АССР Советлари ташкилий съездининг хулосасидан  
(1927 йилнинг март ойи):

“Бой-манапларнинг унсурлари Қирғизистон калкининг қолоқлигидан ҳамда уларнинг иқтисодий манқаларидан фойдаланиб, меҳнаткашларни эзиш дилом

эттирмоқдалар. Улар Қирғизистон халқининг Совет ҳокимиятига булган ишончларини пугурдан итказишиб, Совет ҳокимияти органларининг бир текис фаолият курсатишларига туюқилик қилмоқдалар. Буни съезд делегатларининг сузлари, жойлардан тушган аризалар ҳам очуқ курсатиб турибди. Қирғизистоннинг меҳнаткаш халқини бой-манап унсурларининг әуравонлигидап кутқариш ҳамда маҳаллий Совет органларининг туюқ фаолият олиб боришларини таъминлаш учун Советларининг 1-ташқилий съезди қарор қилади:

Қирғизистон АССР Марказий Ижроя Комитетига меҳнаткашларни бой-манап унсурлари зулмидан кутқаришининг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳақдидан ошиб кетган, ижтимоий жиҳатдан зарарли булган бойларни, манапларни ҳамда қулоқларни четлаштиришда барча маъмурий чора-тадбирларни қуллаш вазифаси юклатилсин”.

1923 йилнинг баҳоридан бошлаб ислоҳотларининг иккинчи даври бошланди. Бунда, даставвал, Еттисув областининг барча меҳнаткашларини туюқ ер билан таъминлаш иши амалга оширилди. 1923 — 1926 йиллардаги ислоҳотлар туюқ социалистик кўринишга эга булиб, бунда деҳқонларни хусусий ер эгаллигидап қайтариб, ердан жамоавий тартибда фойдаланишга ўтказиш кўзда тутилган. Ердан фойдаланишнинг социалистик тартибларига ўтиш учун, аввало Қирғизистон аҳолисининг кўпчилиқ қисмини ташқил этган кўчманчи ёки ярим кўчманчи хўжалиқларни ўтроқ турмушга ўтказиш лозим эди. Совет ҳукуматининг қарори буйича, ҳар бир деҳқон ердан хусусий тартибда ёки кўплашиб фойдаланиш ҳуқуқига эга эди. Ўтроқ турмушга ўтган деҳқон хўжалиқларига ўн йил муддатга қишлоқ хўжалиги усқуналари, от-улов ва уруглиқ бўлиштирилиб берилган. Булардан ташқари деҳқонларга ўй ҳамда қўра жойларни қуриш учун қурилиш материаллари ҳам текин етказиб берилган. Ўтроқлашган деҳқон хўжалиқлари беш йил муддатга маҳаллий ҳамда давлат солиқларидан озод этилган. Уларга агротехник ва бошқа ёрдамларни уюштириш ҳам кўзда тутилган.

1924—1925 йиллар давомида Қирғизистондаги ер масаласини тартибга солиш ишларига Туркистон АССР нинг ердан фойдаланиш буйича Халқ Комиссари бошчилиқ қилган. Ўрта Осиёдаги миллий давлат чегараланишидан сўнг Қирғизистон автоном области ҳамда Қозогистон АССРда меҳнаткашларни ер билан таъминлаш масаласини ягона етакчилиқ орқали амалга ошириш зарурияти вужудга келган. Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, 1924 йилнинг октябрида РСФСР нинг Бутунроссия Марказий Ижроя Комитети қошида *Қирғизистон АССР даги кўчманчи ҳамда ярим ярим кўчманчи хўжалиқларни ер билан таъминлаш юзасидан махсус комиссия ташқил этилган*. Комиссия 1926 йилнинг октябрига қадар иш олиб борган ва бу борада улкан ишларни амалга оширган. Совет ҳокимиятининг ер масаласидаги сиёсати деҳқонлар оммасининг кўпчилигига маъқул келган. Лекин азалдан энг яхши ерларга эга булиб келган бой-манаплар ҳамда қулоқлар Совет давлатининг ер сиёсатига қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлар. 1923 — 1926 йилларда Қирғизистон

бўйича 91,9 минг ҳужалик ер билан таъминланган бўлиб, улар 590 жамоя уюшмаларига бириктирилган.

Агар ислоҳотлар даврида рус помещикларнинг 494 нафар, маҳаллий эзувчиларнинг 3447 нафар ҳужаликлари тугатилган. Бу ишларни амалга оширишда кўплаб хатоликларга ҳам йўл қўйилган, жумладан, баъзи бир ўрта ҳол деҳқон ҳужаликлари ҳам қувгин остига олинган.

1927 йилнинг 12 ноябрыда Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети *Қирғизистоннинг жанубида ер-сув ислоҳотларини амалга ошириш тўғрисида Декрет* қабул қилди. Бу ҳудудлардаги ислоҳотлар 46 минг гектар сугорма ерлардан ва 2,3 млн гектар сугорилмайдиган ҳудудлардан иборат булган ер фондига нисбатан олиб борилиши лозим эди. Ислоҳотлар давомида 18,6 минг нафар деҳқон аҳоли ер билан таъминланди. Камбағал деҳқонларнинг 75 фоизи ер ҳамда қишлоқ ҳужалиги ускуналари билан таъминландилар. Уларга солиқ борасида енгилликлар берилган. Ислоҳотларнинг натижасида феодал-помещикларнинг ҳужаликлари тугатилган ҳамда патриархал-феодал муносабатларга барҳам берилган. Натижада *овул-қишлоқлар аҳолисининг асосий қупчилиги ўрта ҳол деҳқонлардан иборат бўлиб қолган*. Ислоҳотлар давомида бу ҳудудларда 65 та қолхозлар ташкил этилган.

Аҳолининг ер билан таъминланиши натижасида кўчманчи халқнинг ўтроқлашуви бошланган. Қишлоқ ҳужалигини коллективлаштиришга қадар ҳам 40 минг та кўчманчи қирғиз ҳужалиги ўтроқлашган эди. Буларнинг натижасида натурал чорвачилик ҳужаликлари ўрнини товар ишлаб чиқарувчи деҳқон ҳужаликлари кўпроқ эгаллай бошлади.

**Кооперациялар**                   Ўтказилган аграр ислоҳотлардан сўнг қоҳамда коллектив операциялашув тез суратлар билан ўсган. Инҳужаликлари                   қилобга қадар буржуа кооперацияси ҳақида бирор-бир тушунчага эга булмаган қирғиз деҳқонлари эндиликда социалистик кооперациянинг турли формаларига бирика бошлаганлар. Кооперациянинг энг оддий формалари Марказий Осиёда фуқаролар уруши йилларидаёқ пайдо бўла бошлаган эди. Қирғизистонда дастлаб "*Чулпон*" (1924) йил ва "*Оқсой*" (1925 йил) ҳиссдорлик ҳужаликлари ташкил этилган. Қирғизистон автоном области тузилгандан сўнг кооперациялар сони кўпайди. 1925 йилга келиб, Қирғизистонда 21,8 минг нафар аъзоси булган 232 қишлоқ ҳужалиги кооперативлари ташкил этилган. 1926 йилдан бошлаб Қирғизистондаги кооператив ҳужаликларга Қирғизистон АССР нинг Кооперация Совети етакчилик қила бошлаган. Кооперация Совети мазкур ҳаракатнинг ривожланишида, уларнинг давлат органлари билан муносабатларини тартибга солишда, хусусий капиталга қарши курашишда муҳим роль ўйнади.

Кооперациялаш бошланган вақтларда кўчманчи халққа уни жорий этиш юзасидан турли фикрлар ўртага ташланган. Ай-

римлар кооперацияларни "уруғлар" буйича тузишни таклиф этсалар, баъаилар уни синфий тартибда уюштириш лозимлигини таклиф этишган. Қирғизистонда утроқ аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда кооперациялар СССР нинг марказий районларидагидек тартибда ташкил этила бошлаган. Кучманчи аҳоли учун эса чорвачиликнинг кредит ҳиссадорлиги ташкил этилган. Кредит берувчи жамиятлар чорвадорларни озиқ-овқат, кийим-кечак, зотдор чорва ҳайвонлари, ем-хашак ва бошқа нарсалар билан таъминлаганлар. Бундай хўжаликлар асосида қўйчиликка, йилкичиликка ихтисослаштирилган махсус артеллар ташкил этилган. Кучманчи ёки ярим кучманчи хўжаликлар учун кооперацияларнинг турли формаларини уйғунлаштирган универсал кооперативлар мос келар эди. Бундай кооперативлар учун давлат кредитларни мунтазам бериб турган. Камбагал деҳқон хўжаликларининг 35 фоизи қишлоқ хўжалиги солигидан тўлиқ озод этилган. 1926 йилга келиб эса камбагал деҳқон хўжаликларининг барчаси солиқлардан озод этилди. 1926 — 1928 йиллар давомида кооперативларнинг сони 29,2 мингдан яна 5,7 мингга кўпайган. Республика буйича 1926 йилда деҳқон хўжаликларининг 23 фоизи кооперативларга бирлашган бўлсалар, 1928 йилга келиб бу кўрсаткич 42,2 фоизга ўсиб етди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Қирғизистондаги шароитларга мос равишда чорвачилик кооперацияларини тузиш ва ривожлантиришга кўпроқ эътибор берган.

1929 йилда Қирғизистонда *кооперацияларни косб-корга йуналтирилган формаларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган*. Унга мувофиқ "Қирғизистон колхозлар союзи" каби кооперациялар ташкил этилган. Булар саноат корхоналари ҳамда деҳқонлар ўртасидаги боғловчи органлар бўлиб қолган. Бундай кооператив иттифоқлари деҳқонларни саноат кооперативларининг етакчи формалари булган ердан фойдаланиш ҳиссадорлиги (ТОЗ) ҳамда қишлоқ хўжалиги артелларига бирикишувига замин тайёрлашда муҳим роль уйнаганлар. Ушбу жараённинг муваффақиятини таъминлашда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, бой қўлоқларнинг ерларини ва мол мулкларини мусодара қилиш давридаёқ ташкил этилиб, бирмунча оёққа туриб олган колхозлар ҳам муҳим роль уйнаганлар.

1925 йилга келиб, Қирғизистонда 64 колхоз, 6 совхоз мавжуд булган. 1924 йилда Чуй водийсида "Аламудун", Қоракул уезида "Токтоян" хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан ажойиб муваффақиятларга эрише бошлаганлар. Бу хўжаликларда қорамолларнинг наслдор зотлари етиштирилган, чорва ҳайвонлари учун қулай қўралар, сут товар фермалари, пишлоқ ишлаб чиқарувчи цехлар қурилиб, ишга туширилган. 1928 йилнинг охирига келиб, Қирғизистон АССРда 5 коммуна, 102 ТОЗ ва 180 қишлоқ хўжалиги артеллари иш олиб борган. Шундай бўлсада, улар 5,7 мингдан ортиқроқ деҳқон хўжаликларини, аниқроқ айтадиган бўлсак, республик деҳ-

қон хужаликларининг атиги 1,7 фоизини бириктирганлар, холос. Колхозларга бирлашган хужаликлар ҳам атиги 2,9 фоизни ташкил этган.

Республикада колхозлаштириш ҳаракатининг ривожланишида шимолий Қирғизистон колхозларининг 1928 йил январда Бишкекда булиб ўтган *Ташкилий съезди* ҳам муҳим роль уйнаган. Съездда Республиканинг 34 қишлоқ хужалиги коллективларидан 36 делегат иштирок этган. Съездда улкадаги колхозлаштириш ҳаракатининг аҳволи муҳокама этилган ҳамда уни мустаҳкамлашнинг чора тadbирлари ишлаб чиқилган.

Бу йилларда Қирғизистонда қишлоқ хужалигининг техника — ашёвий базасини мустаҳкамлашга, деҳқонларни техника билан ишлашга жалб этишга, уларнинг билим савиясини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Ушбу мақсадда махсус курслар, семинарлар ҳамда кўргазмалар ташкил этилган.

Деҳқон хужаликларини қишлоқ хужалиги асбоб ускуналари билан таъминлаш мақсадида 1925 йили *“Қирғизистон қишлоқ омбори”* ташкил этилган. 1926 — 1927 йиллардаёқ хужаликларнинг 55 фоизи қишлоқ хужалиги ускуналари ҳамда техникалар билан таъминланган. 1924 — 1929 йиллар давомида қирғизистонлик деҳқонлар СССРнинг марказий саноат районларидан 34,2 минг дона ооч, 16,6 минг дона барана, 1,4 минг сеялка, 2 минг та культиватор, 6,3 минг дона янчиш техникаси, 3,6 минг ўт ўрувчи ва 3 минг та экин йиғувчи машина ҳамда техник асбоб ускуналарни олишга муваффақ бўлдилар.

1924 йилда *Қирғизистонга биринчи марта* уч нафар трактор олиб келинди. 1927—1928 йилларга келиб, Чуй водийси далаларида 48 нафар, Таласда — 8, Иссиқкуда — 4, Қирғизистоннинг жанубида эса 40 нафар тракторлар ишлаган. Улар 5,7 минг гектар ерга ишлов беришган. Албатта Қирғизистон овул қишлоқлари учун бу ҳали етарли эмас эди. Мавжуд техникалардан, шу жумладан тракторлардан ҳам биргаликда фойдаланиш учун деҳқон хужаликларини кооперацияларга бириктириш зарур эди.

Қирғизистонда олиб борилган ер-сув ислохотлари ҳамда колхоз-кооператив хужаликларнинг ташкил этилиши республика қишлоқ хужалигини ривожлантириш учун зарур имкониятларни яратди. Натижада, Республиканинг қишлоқ хужалиги аста-секин узининг аввалги салоҳиятини тиклай бошлади. 1925 йилда республиканинг ҳайдов ерлари 325 минг десятинадан иборат булиб, бу урушга қадар бўлган кўрсаткичнинг 58,3 фоизига тенг эди. 1925 — 1926 йилларга келиб, Қирғизистондаги қишлоқ хужаликлари етиштирган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 1914 йилги кўрсаткичнинг 50,3 фоизини ташкил этган. Деҳқончилик, аввало техника ўсимликлари ҳисобига, чорвачилик эса қуйчиликни ривожлантириш ҳисобига бирмунча ўсган.

1924 — 1925 йилларда Қирғизистонда 2794 минг бош чорва моллари мавжуд булиб, бу 1914 йилги чорва молларининг 58,7 фоизини ташкил этган. 1925 — 1926 йилларга келиб республи-

када чорва ҳайвонларининг сони 4201,4 мингга етган. Бу курсаткич 1914 йилги чорва ҳайвонлари сонининг 90,3 фоизига тенг эди.

Шундай қилиб, 1928 йилга келганда, қишлоқ хўжалигининг иккала асосий соҳаларидаги усиш суръатлари урушга қадар бўлган даврдаги курсаткичларга яқинлашиб қолган. Аграр соҳадаги ислоҳотларнинг натижаларига кўра, республикадаги эски ҳуқмрон эзувчи синфларнинг сони 12,7 фоиздан 3,5 фоизга қадар озайтирилган. Лекин барибир, Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг тараққиёти орқада қолаверган. Бу борада ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур эди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг таъсирида Қирғизистон қишлоқ хўжалигида урта ҳол деҳқон хўжаликларининг сони бир мунча кўпайиб, камбағал хўжаликлар озая бошлади. Лекин ҳали овул-қишлоқларда ишсизлик анча юқори булиб, қишлоқ хўжалиги ускуналарининг ёки уругнинг етишмаслиги натижасида кўпчилик деҳқонлар узларига берилган ерларни бўш ҳолича ташлаб қўйишга мажбур бўлганлар.

Янги иқтисодий сиёсат шароитида саноатнинг аҳволи

Совет ҳокимияти урнатилган йилларда Қирғизистон мамлакатнинг бошқа районларидан *аграр-чорвачиликка* ихтисослашган ҳудуд сифатида ажралиб турар эди. *Индустриаллаштириш сиёсати*

бошланган вақтда республикада асосан, пахта тозаловчи, енгил саноат ҳамда озиқ овқат соҳалари бўйича фаолият юритувчи оз сонли ишхоналар мавжуд эди, холос.

1925 йилнинг апрелида Чехославакия коммунист ишчиларининг ташаббуси билан Бишкек шаҳрида "Интергельпо" ("Узаро ёрдам") *байналминал кооператив ҳиссадорлик жамияти* ташкил этилган. Қирғизистон ҳукумати ушбу кооперативга Пишпек станцияси ёнидан 43 гектар ер булиб берган. Улар қисқа муддат давомида ойига 4 минг терини қайта ишловчи заводни, мовут фабрикасини, гишт ва тахта заводларини, электр станциясини, бир неча устахоналарни қуриб ишга туширганлар. Меҳнат жамоасининг таркиби 14 миллат вакиллари билан иборат бўлган ушбу кооператив республика саноатини юксалтиришда, ишчи-мутахассисларни тайёрлашда қўлидан келган барча ёрдамларни аямади.

*Янги иқтисодий сиёсат* кустар ишхоналарга маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда бир қатор эркинликларни берган. Агар 1922 — 1923 йилларда Қирғизистонда 1964 та кустар ишхоналар мавжуд бўлган бўлса, 1925 — 1926 йилларга келиб уларнинг сони 4525 тага етган. Уларга кўплай имтиёзларнинг берилиши ва давлат ишхоналарининг деярли йўқ ҳисобида эканлиги кустар хўжаликларнинг жадал ривожланишига замин яратди. Секинлик билан бўлса-да, уларни кооперативлаштириш иши амалга оширилган. 1925 йилга келиб, кустар ишхоналарнинг 11 фоизини бирлаштирган 30 та саноат артеллари вужудга келган. 1920 — 1924 йиллар оралигида кичик ишхоналар томони-



дан яратилган тайёр маҳсулотларнинг кўлами республика буйича 41 фоизга ўсган. 1925 йилга келиб, улар 1914 йилга қадар яратилган маҳсулотларнинг 55 фоизини ишлаб чиқарганлар.

Бу борада ўсишнинг умумий суръатлари буйича олиб қаралганда Қирғизистон барибир, аграр мамлакат сифатида қолаверади. 1926 йилга келиб ҳам, республика халқ хужалигида етиштирилган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажмида саноатнинг ҳиссаси 2,3 фоизни ташкил этар эди, холос. Демак маҳсулотларнинг қолган 97,7 фоизи деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг ҳиссасига тўғри келган. Янги социалистик жамиятга ўзил-кесил ўтиш учун, республика олдида машиналашган йирик саноатни вужудга келтириш вазифаси турар эди. ВКП (б) нинг XIV съезди (1925 йилнинг декабри) да гарчи, саноат ишлаб чиқариши масаласи махсус қаралмаган бўлсада, мамлакатни индустрлаштириш вазифалари аниқлаб олинган. Иттифоқ режасига мувофиқ, *Қирғизистонда ҳам индустрлаштириш ишлари бошланиб бунда республикани индустрлашган аграр мамлакатга айлантириш вазифаси олдинга сурилган.* Саноатни ривожлантириш суръатлари бутуниттифоқ даражасидан юқорироқ тартибда белгиланган. Республиканинг иқтисодий-техникавий қалоқлигига барҳам бериш, маҳаллий миллат вакилларида ишчи кадрларни, ҳамда инженер-техник мутахассисларни тайёрлаш лозимлиги таъкидланди.

#### ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

##### **РКП(б) Қирғизистон области биринчи партконференциясининг саноат буйича қабул қилган қароридан (1925 йилнинг марти)**

Пролетариат таркибининг озлиги, айниқса миллий пролетариатнинг йўқлиги миллий саноатни ривожлантиришнинг, бу ердаги ярим тайёр ком ашё маҳсулотларидан ҳамда табиий бойликлардан фойдаланишнинг аҳамиятини оширади.

2. Областнинг миллий саноатини ташкил этишда аввало: озиқ-овқат саноатини (қанд заводи, консервалаш), Уш ҳамда Жалолобод округларида пахта заводларини, ёнгоқни қайта ишловчи корхоналарни қуриш зарур.

3. Чуй гидроэлектр станциясини қуриш учун маблаг топиш зарур. Унинг қурилиши халқнинг маданий жиҳатдан ривожланишига ҳамда саноатни юксалтиришига яхши туртки булиши мумкин.

4. Хужалик органларининг олдида областнинг сув буйича мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифаси қўйилсин. Биринчи навбатда Уш электр станциясининг имкониятларидан кенг фойдаланилсин.

5. Қизилқия конига маҳаллий ишчиларни кўпроқ жалб қилиш зарур."

Умумиттифоқ режаси асосида ишлаб чиқилган *республиканинг биринчи беш йиллик режаси Қирғизистон АССР нинг 1929 йил 10 декабрда булиб ўтган иккинчи сессияда қабул қилинди.* Ушбу режа уша ойнинг ўзида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети томонидан, 1930 йилнинг февралда эса СССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан тасдиқланган.

*Режа ишлаб чиқилгани билан, уни амалга ошириш ишлари капиталистик тараққиёт йўлини босиб ўтмаган Қирғизистон ша-*

*роитида гоят огир кечган.* Қирғиз халқининг кўчманчи турмуш тарзи, ижтимоий турмушда патриархал муносабатларнинг устунлик қилиши, социалистик иқтисодиётнинг ҳали заифлиги, халқнинг кўпчилик қисмининг саводсизлиги ҳамда синфий душманларнинг қаршилик ҳаракатлари мазкур қийинчиликни янада кучайтирар эди.

Индустриаллаштиришнинг дастлабки йилларида Қирғизистонда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан пахта ва терини қайта ишловчи ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналари ривожланган.

1926 йилда Қирғизистонда 20 та давлат корхоналари фаолият кўрсатган. Булардан ташқари, шаҳарларда ҳамда овул қишлоқларда кўплаб хусусий кичик корхоналар ва кустар хўжаликлари мавжуд бўлган.

Совет ҳукумати 1926—1927 йилларда Қирғизистон саноатини ривожлантириш учун 3 млн рубл ажратган, бундан ташқари Марказий давлат банки тарафидан республика саноат корхоналарини ривожлантириш учун кўп йиллик кредитлар берилган. Натижада 1926 йилда мева шарбати ишлаб чиқарувчи завод, 1927 йилда чармтери заводи, “Интергельпо” нинг ипак фабрикаси, 1928 йилда “Қорасув” пахта тозалаш заводи, Ушдаги ипак заводи, Бишкек шаҳрида босмахона ҳамда иккита тахта заводлари ишга туширилган. 1927—1928 йилларда республикада 33 та ишхоналар фаолият олиб борган, уларнинг 14 таси йирик завод фабрикалар эди. 1930 йили қурилиши тамомланган Туркистон-Сибир темир йўли Қирғизистон иқтисодиётининг ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ушбу йўл Ўрта Осиё ва Қозогистонни Сибир ҳамда Урал ҳудудлари билан боғлаган.

Республика меҳнаткашларининг тинимсиз ҳаракатлари ҳамда Совет ҳукуматининг ёрдами билан 1928 йилга келиб, Қирғизистон АССР Халқ хўжалигининг барча соҳалари урушга қадар бўлган даражага ўсиб етди. Саноатни ривожлантириш билан бир қаторда ишчилар синфининг сафи кенгайди. 1926 йилги бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бўйича Қирғизистонда 16,4 минг ишчи бўлиб, улардан 4 минг нафаригина қирғиз миллатига мансуб эди. Қирғиз ишчиларининг аксарият кўпчилиги овул-қишлоқлардаги кичик кустар корхоналарда меҳнат қилишган. Республика ишчиларининг 61 фоизи Тошкўмир корхоналарининг ишчилари бўлишган. 1926 йилда республиканинг саноат корхоналарида 8,5 минг нафар хизматчи фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг 0,8 минг нафарини қирғизлар ташкил этган. Қирғизистондаги саноат корхоналарида 1926 йили 50 нафар инженер-техниклар меҳнат қилган бўлса, уларнинг сони 1927 йилда 240, 1928 йилда эса 508 нафарга ўсиб етган. Лекин шунга қарамасдан, Қирғизистонда мутахассис ишчиларга ва инженер-техникларга бўлган талаб ҳамон юқориликча қолмоқда эди. 1930 йилдан бошлаб, *янги иқтисодий сиёсатнинг асл тамойиллари бузила бошлаган.* Мамлакатда сталинча маъ-

мурий буйруқбозлик системаси кучга кирган. Халқ хўжалиги-да ҳам қоғозбозлик авж олиб, субъектив режаларни тикштириш, уларни бажаришга мажбурлаш ҳолатлари кўпайган. Бу ҳолат хўжалик ҳисобининг ҳамда товар — пул муносабатларининг ривожига тўсқинлик қилган. Мавжуд кўплаб қийинчиликларга қарамасдан, биринчи беш йилликда республикада 41 та янги саноат корхонаси ишга туширилган. Уларнинг орасида Бишкекдаги металлни қайта ишловчи механика заводи, гушт комбинати, Қант шахридаги қандолатчилик заводи, Қорасувдаги механика — созлаш заводи, иккита йирик тери заводлари, Фрунзедаги ун комбинати, шоли тозаловчи завод ва бошқалар бўлган. Булардан ташқари, беш гушт заводи, Таласда черепица заводи ишга туширилган. Қораболта ҳамда Ново-Троцкийда қанд заводлари қурилиши бошланган, Ўшдаги ипак заводи эса қайтадан жиҳозланган.

Биринчи беш йиллик давомида Қирғизистонда 11 кичик электр станциялари ишлай бошлаган. Улар республика индустриясининг ривожига учун гоаят зарур бўлган электр энергиясини яратишга муҳим ҳисса қўшганлар.

1932 йилга келиб, республикадаги ишхоналарнинг сони 1,5 минг етган, уларнинг 106 йирик ишхоналар эди. Биринчи беш йилликда саноат тайёр маҳсулотларининг ҳажми 3,5 марта кўпайган. Саноатнинг республика халқ хўжалигидаги ҳиссаси 23,5 фоизга ўсиб етган.

1935 йилнинг январида Қирғизистон АССР Советларининг IV съезди умумиттифоқ режасига мувофиқ, *халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик режасини қабул қилди*. Ўшбу режага мувофиқ, республика саноатига, айниқса кўмир қазиб чиқариш соҳасига йирик миқдордаги қўшимча маблағлар жалб этилган. Биринчи беш йилликдан фарқли равишда, эндиликда янги саноат корхоналарини ишга тушириш билан бир қаторда технологияларнинг янги турларини қўллашга кўпроқ эътибор қаратилди. 1935 йилда Тошкўмир кўми ишга туширилган бошқа кўмир конлари эса таъмирланган ҳамда янги механизмлар билан қайта жиҳозланган. Республикада кўмир қазиб олишнинг ҳажми кўпайган. Нефть саноати ҳам йўлга қўйила бошлаган. Енгил ҳамда озиқ-овқат саноатида ҳам янги муваффақиятлар қўлга киритилган. Шундай қилиб, биринчи ҳамда иккинчи беш йилликларда Қирғизистон саноатининг тараққиёти бир мунча ўсган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Қирғизистон ССР Давлат режалаштириш комитетининг иккинчи беш йиллик якунлари бўйича тайёрлаган материалдан:

“Саноат соҳаси бўйича беш йилликларда қуйидаги муваффақиятлар қўлга киритилди. Қирғизистон Ўрта Осиёни кўмир билан таъминловчи йирик базаси бўлиб қолди. Нефтьнинг, сурманинг, симоб ҳамда олтингургурнинг йирик конлари тад-

қиқ этилди ҳамда фойдаланишга топширилди. Қургошиннинг энг йирик қони фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Қирғизистонда рангли ҳамда табатда кам учрайдиган металл қонлари тадқиқ этилди. Енгил саноат буйича инак фабрикаси, накта тозалаш заводи ва бошқалар қурилиб, ишга туширилди. 1937 йилда енгил саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг ҳажми 1932 йилга таққослаганда 2,3 қиссага кўпайди”.

Қирғизистон саноати буйича учинчи (1938—1942 йиллар) беш йилликда бошланган режалар ҳам, умуман олганда, бажарилган. Бу вақтга келиб, республикада яна 40 нафар саноат корхоналари ишга туширилган. 1940 йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1937 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайган. Қирғизистон халқ хужалиги соҳаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида саноат маҳсулотларининг ҳиссаси 50,3 фоизни ташкил этган. Бунда айниқса, оғир саноат, рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш материалларини ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш каби соҳалар салмоқли ўринни эгаллаган.

**Колхозлаштириш ҳамда кўчманчи аҳолини утқоқлаштириш жараёни**

*операциялаштириш, халқ турмушини моддий ҳамда маданий жиҳатдан юксалтириш режалари ҳам янги иқтисодий сиёсатнинг тамойиллари асосида амалга оширилиши кўзда тутилган.*

Дехқон аҳолини кооперациялаштириш жараёни ҳам давлат томонидан куч ишлатилмасдан, иқтисодий чоралар орқали, эволюцион йўл билан амалга оширилиши лозим эди. Дехқонлар кооперациянинг афзалликларини англаб етганларидан сунггина, унга ўз ихтиёрлари билан бирикишлари мумкин эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки йилларида тузилган кооперативлар ушбу сиёсатнинг тўғри эканлигини исботлаганлар. Лекин 20-йилларнинг охирига келиб, янги иқтисодий сиёсатнинг таъсирида шаклланиб қолган йўналиш тағ-туғи билан ўзгаришга дучор бўлди. Мамлакатни индустриаллаштириш асосий ва бош мақсад деб эълон қилиниб, халқ хужалигининг бошқа барча соҳалари ана шу мақсадни амалга ошириш учун имконият яратишлари лозим, деб белгиланган. Индустриаллаштириш деҳқонлар синфини бевосита ёки билвосита экспроприациялаш орқали амалга оширила бошлаган. Озиқ-овқат развёрсткаси қайтадан жорий этилган. Энди деҳқонлар ўзларининг ортиқча маҳсулотларини эркин тарзда сота олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, маҳсулотларни давлатга арзон баҳода топширишлари лозим эди. Қаршилик кўрсатганлар “қулоқ” деб эълон қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилар, маҳсулоти эса мусодара этилар эди. Бу вақтга келиб собиқ эзувчи синфларни тугатиш иши олдингидан ҳам кескин тарзда олиб борилган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитети ҳамда  
Халқ Комиссарлари Советининг биргалашган кенгаши қароридан  
(1930 йил):

1. Қирғизистон АССРнинг Норин, Қоракул, Талас кантонларида ва Уш округида ярим феодалча ҳамда уруғчилик муносабатларини сақлашга, уларнинг мол — мулк ва ижтимоий аҳволларига кўра қишлоқларни советлаштириш ишига тусқинлик қилган уч нафар мақаллий йирик мол-мулк эгалари кўчирилсин.

2. Ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ, кўчирилаётган шахслар ҳамда уларнинг онла аъзолари Қирғизистон АССР ҳудудида яшаш ҳамда ҳужалик юритиш ҳуқуқидан маҳрум этилсинлар...

3. Илгари узининг ижтимоий келиб чиқиши буйича ҳукмрон табақага тегишли бўлган кишилар: насл насаби манаб бўлган, ҳозиргача уруғ бошлиғи ҳуқуқига эга бўлиб келаётганлар, алоҳида хизматлари учун подшодан мукофот олганлар, антисовет фаолияти билан шугуллаганлар ва собиқ болушлар ҳамда бийлар ҳам яшаган ерларидан кўчирилиб, мол-мулклари мусодаралансин (конфискациялансин)...

4. Белгиланган муддатда кўчмаганларга ОГПУ ёки милиция куч ишлатади.

Эзувчи синфларни тугатиш билан бир қаторда деҳқонларни ҳам мутеъликка солиш учун, уларни ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиш ҳамда мудкчиликнинг барча формаларини давлат тасарруфига ўтказиш сиёсати амалга оширила бошланди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун И.В.Сталин 1929 йилнинг ёзида қишлоқ ҳужалигини *“узлуксиз коллективлаштириш”* шиорини майдонга ташлаган. Шундай қилиб, овул-қишлоқларни социалистик укладга ўтказиш учун *“Буюк бурилиш”* бошланган. 1930 йилнинг 5-январияда ВКП (б) Марказий Комитети *“Коллективлаштиришнинг суръатлари ҳамда колхоз қурилишига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида”* қарор қабул қилди. Унда коллективлаштиришни амалга ошириш муддати тасдиқланган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Қирғизистон АССР Советлари III съездининг *“Колхоз қурилиши тўғрисида”*ги резолюциясидан (1931 йилнинг феврали):

*“Сунгги икки йил Қирғизистон қишлоқ ҳужалигини социалистик асосда қайта қуришда бурилиш даври бўлди...”*

Колхоз қурилишидаги асосий муваффақиятлар сифатида Советларнинг III съезди куйидагиларни белгилайди:

а) колхозларнинг сони 1928 йилги 287 дан 1929 йилда 530 га, 1931 йилда эса 910 га етди. 1931 йилнинг 1-февралига келиб, деҳқон ҳужаликларининг 29 фоизи колхозларга бирикдилар. Бу курсаткич 1929 йилда атиги 2,9 фоизни ташкил этган эди.

б) колхозларнинг ҳайдов ерлари 1928 йилги 11020 гектардан 1929 йилда 51290 гектарга, 1930 йилга келиб эса 207290 гектарга ушиб етди. Бу курсаткич республикадаги барча ҳайдов ерларининг 28,4 фоизини ташкил этади. 1931 йилда колхозларнинг ҳайдов ерларини 500минг гектарга етказиш кузда тутилмоқда...

ж) Съезд уртаҳол деҳқон ҳужаликларининг колхозларга етарли даражада жалб этилмаётганлигини белгилайди. Уларнинг колхозларга жалб этилиши деҳқонлар оммасининг колхоз тарафига ўтишларида юз берган бурилишни аниқлатади...”

Коллективлаштириш жараёни бутунлай сталинча маъмурий — буйруқбозлик системасининг етакчилиги остида амалга оширилган. Республиканинг маҳаллий партия ҳамда Совет органлари жойларда колле. стивлаштиришни муддатидан илгарироқ якунлашга ҳаракат қилишиб, узаро мусобақалаша бошлаганлар. 1930 йилнинг январ — феврал ойларида коллективлаштириш гоят тез суръатларда амалга оширилди. Натижада, 1929 йилда деҳқонларнинг 6,6 фоизигина колхозларга кирган бўлса, 1930 йилнинг мартга қелиб бу кўрсаткич 37,2 фоизни ташкил этган. Баъзи бир кўчманчи турмуш тарзи ҳукмронлик қиладиган районлардан колхозларга чорвадорлар деярли юз фоиз утганликлари ҳақида рапортлар туша бошлаган. Лекин аслида бу ҳақиқатдан йироқ нарсалар бўлиб, шошма-шошарлик билан тузилган колхозлар тез орада тарқалиб кетар эди. 1930 йилнинг сентябрига қадар бундай колхозлардан деҳқонларнинг 32,5 минг нафар хўжаликлари қайта чикиб кетганлар.

Коллективлаштириш сиёсатини амалга ошириш ишидан шаҳарлар ҳам четда қолган эмас. Баъзи бир шаҳарлар, завод ва фабрикалар овул-қишлоқларни оталиққа олишган.

Совет ҳукумати овул-қишлоқларга дала ишларида ёрдамлашиш учун 25 минг ишчини юборган. Улар кейинчалик “25 мингчилар” деб ном олишган.

1930 йилнинг 8-февралда Қирғизистонга Иваново шаҳридан “25 мингчилар” дан бўлган 69 нафар ишчи келган. Кейинчалик уларга қўшимча сифатида яна 219 нафар ишчи юборилган. Уларнинг 132 нафари Қирғизистоннинг шимолий районларида, қолганлари жанубдаги қишлоқларда меҳнат қилишган. Уларнинг кўпчилиги колхоз раислигига ёки бошқарув аъзоллигига сайланишган. Улар республиканинг колхоз қурилишига бир мунча ҳисса қўшганлар. Баъзи бирлари эса маҳаллий шарт — шартонларда халқ билан ишлай олмасдан, бир йилдан сўнг қайтиб кетганлар.

Қирғизистондаги овул-қишлоқларни коллективлаштириш жараёнида гоят кўпол хатоликларга ҳам йўл қўйилган. Айниқса деҳқон хўжалиklarининг колхозларга уз ихтиёрлари билан бирикишлари каби тамойил кўпол суръатда бузилган. Колхозга киришдан бош тортган деҳқонлар қулоқ сифатида жавобгарликка тортилган ва сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар.

Коллективлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш, аввал унинг қуйи формаларини, масалан, ТОЗларни тузиш ва у орқали колхозларга утиш тамойиллари ҳам бузилиб, деҳқонлар аурлик йуди билан колхозларга киритилган. Қирғизистондаги кўпчилик деҳқон ва чорвадор хўжалиklarнинг колхозларга киришига ҳали тайёр эмасликлари ҳисобга олинмаган.

Коллективлаштиришнинг бундай зўриқка асосланган формаси қишлоқ хўжалигини, айниқса, чорвачиликни огир йўқотишларга дучор этган. Колхозга уз молини бергиси келмаганлар уни сўйиб еб ёки сотиб йўқ қида бошлаганлар. Натижада, 1930

йилга келиб, йирик шохли қорамолларнинг сони 24,4 фоизга, йилқи 18,5, қуй-эчкилар эса 15,5 фоизга қисқариб кетган. Дундунни тулик конфискацияланиши натижасида, баҳорга келиб, деҳқонлар қулида уруглик дон ҳам қолмаган.

1930 йилнинг мартада И.Сталин ўзининг "Муваффақиятлардан эсанкираш" номли мақоласида, коллективлаштириш жараёнида йул қўйилган ўзбошимчаликларни танқид қилди. Лекин, шундай бўлсада, коллективлаштиришнинг асосларини қайтадан кўриб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилган эмас. Кейинги йилларда ҳам коллективлаштириш ишида бирмунча хатоликларга йул қўйилаверган.

ВКП(б) Қирғизистон обкомининг 1931 йилги қарорига мувофиқ Аламудин, Балиқчи, Қоракул, Қораболта, Киров, Сталин ва Чуй районларида ялпи коллективлаштириш амалга оширилган. Шундай чоралар натижасида, деҳқонларнинг асосий қисми колхоз тарафига ўтди, — қабилдаги хулоса чиқарилган. Коллективлаштириш жараёнида йул қўйилган хатоликлар 1932—1933 йилларда ҳам такрорланган. 1932 йилда Қирғизистон буйича 1522 колхоз ташкил этилгани ҳолда, фақат 53 ТОЗ уюштирилган. Аслида, кўчманчи хўжаликлар учун, кооперациянинг ана шу оддий куриниши — ТОЗлар мос келар эди.

1933-1934 йилларда бу нарса қисман эътироф этилиб, ТОЗлар кўпроқ ташкил этила бошлаган. 1934 йилга келиб, республикадаги 1067 қишлоқ хўжалиги артеллари ҳамда 738 ТОЗлар деҳқон хўжалиklarининг 68,5 фоизини бирлаштирган.

1937 йилдан бошлаб, ТОЗлар қишлоқ хўжалиги артелларининг уставига ўтказилган. Шу йили деҳқон хўжалиklarининг 89,1 фоизи колхозларга бириктирилган. Республикадаги барча ҳайдов ерларининг 97 фоизи колхоз-совхозларга тегишли бўлиб қолган. 53 нафар МТС лар колхоз-совхозларни 4 мингга яқин тракторлар ҳамда 500га яқин комбайнлар билан таъминлаганлар. 1940 йилга келиб, деҳқон хўжалиklarининг 98,9 фоизи қишлоқ хўжалиги артели-колхозларга кирган. Колхозлар ҳам йириклаштирилиб, ҳар бир колхозга ўртача 106 хўжалик тўғри келган.

Шундай қилиб, *учинчи беш йилликнинг Улуг Ватан урушига қадарли бўлган даврида Қирғизистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёни узил — есил якунланган.*

**Кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи хўжалиklarни ўтrockлаштириш**

Қирғизистонда кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжалиklarни ўтrockлаштирув ишлари Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида амалга оширилган ер-сув ислохотлари давридаёқ бошланган бўлиб, 20-йилларнинг охирига келганда 42 минг хўжалик ўтrockлаштирилган эди. Лекин, 30-йилларнинг бошларига келиб, республикада ҳали 85 минг хўжалик кўчманчи турмуш тарзида яшар эди. Коллективлаштиришнинг муваффақиятини таъминлаш учун уларни ўтrockлаштириш лозим эди.

Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг  
1931- йил 3 апрелидаги "Республиканинг кучманчи ва ярим кучманчи  
халқини ўтроқлаштириш тўғрисида"ги қароридан:

"1. Республика буйича: Сталин, Норин, Отбоши, Жетиоғуз, Қоракул, Олай, Кетмонтепа, Узган, Новқат ҳамда Қизилжар районларидан 8 минг кучманчи ва ярим кучманчи хўжаликларни ўтроқлаштириш режаси тасдиқлансин.

2. Ҳўтроқлаштирув қўйидаги йўналишда олиб борилсин:

а) ўтроқлашаётган хўжаликларга ўз қишлоқларини қуриш учун ҳамда чорва ҳайвонлари учун тегишли ерлар бўлиб берилсин, уларнинг қишлоқлари сув билан таъминлансин, чорва ҳайвонлари учун мунтазам ем-ҳашак базаси яратилсин.

б) Кучманчи ҳамда ярим кучманчи районларнинг меҳнаткашлари совхозларга мунтазам ишчи мутахассислар сифатида жалб этилсин;

в) кучманчи ҳамда ярим кучманчи районларнинг меҳнаткашлари саноатга ва йул қурилишига ишчи кучи сифатида кенг жалб этилсин;

3... Суусамир ҳамда Олой водийларининг кучманчи (яйлов) Советлари олдига камбағал ва ўртақол кучманчи хўжаликлар ўртасида ўтроқлаштиришнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш вазифалари қўйилсин.

4. Ҳўтроқлаштиришга боғлиқ бўлган барча ишларни режали тарзда бошқариш ва тартибга солиш учун Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Совети қошида ўтроқлаштириш буйича республика Комитети ташкил этилсин..."

Кучманчи ҳамда ярим кучманчи хўжаликларни ўтроқлаштириш ишига етакчилик қилиш учун *Қирғизистон АССР ХКС қошида ўтроқлаштириш буйича Комитет, деҳқончилик халқ комиссариатида ўтроқлаштириш сектори ва район комитетлари ташкил этилган.*

Қирғизистон Обкомининг 1931 йил февралида бўлиб II Пленуми 1931 йилда 10 минг, 1932 йилда 30 минг, 1933 йилда 22 минг, 1934 йилда 23 минг хўжаликларни ўтроқлаштиришни режалаштирган. Асрлар давомида кучманчи турмуш тарзида яшаб келган қирғиз халқини қисқа муддатларда ўтроқ турмушга ўтказиш гоят мураккаб иш эди. Ҳўтроқлаштиришни амалга ошириш учун Иттифоқ ҳамда Россия давлат бюджетларидан кўп йилларга мўлжалланган ссудалар бериб борилган. Районларга кўплаб қурилиш материаллари уй-рўзгор учун зарур буюмлар келтирила бошланган.

Ҳўтроқлаштириш 1931 йилда тўртта районда олиб борилган. 1932 йилга келиб эса, республиканинг 12 районида кучманчи аҳолини оммавий тарзда ўтроқлаштириш амалга оширила бошлаган. Жойларда мактаблар, касалхоналар, кутубхоналар, маданият марказлари, савдо-сотиқ маҳкамалари, турар жойлар ҳамда чорва моллари учун қўра-жойлар қурила бошлаган. Қирғизистон ҳукуматининг қарори билан ўтроқ турмушга утаётган хўжаликларга бир қатор енгилликлар яратиб берилган.

1933 йилда 43,4 минг хўжалик ўтроқлаштирилган, ушбу хўжаликлар учун 148 овул-қишлоқлар ташкил этилган. Ҳўтроқлашган аҳоли учун 2,5 гектар ҳайдов ерлари, пичанзор ҳамда яй-



ловлар бўлиб берилган. 4 йил давомида утrockлаштирув ишлари учун 34 млн. сўм сарфланган. Кўчманчи аҳолини утrockлаштириш 1937 йилга қадар фаол амалга оширилган. 1931 — 1937 йиллар оралигида 78 минг кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи хўжаликлар утrockлаштирилган, улар 842 колхозларга бириктирилган.

Кўчманчи хўжаликларнинг қолган қисмини утrockлаштириш 1941 йилга қадар амалга оширилган. 1931 — 1941 йиллар оралигида республика буйича 98 минг кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликлар утrockлаштирилган. Улар учун 300 янги қишлоқлар ташкил этилган. Ушбу қишлоқларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш учун 307 млн. сўм сарфланган.

Умуман олганда, 20 йил (1918 — 1937) давомида жами 600 минг кишини ўз ичига олган 142 минг хўжалик утrockлашган. Утrockлашган аҳоли уй-жой билан деярли таъминланган.

Қирғиз халқининг тулиқ утrock турмуш тарзига утиши, албатта прогрессив кўриниш эди. Утrockлашув натижасида республикада доимий овул-қишлоқлар ва хўжалик марказлари вужудга келган. Уларда мактаблар, ҳамда турли таълим маҳкамалари, ҳар хил ишхоналар қурилган. Феодал — патриархал муносабатларга хос бўлган дунёқараш урнини янги ижтимоий гоя эгаллади.

Лекин утrockлаштирув жараёнида ҳам бир қатор жиддий ҳатolikларга йўл қўйилган. Масалан, Қирғизистонда ҳам ҳудди Россиядагидек қишлоқларни ташкил этишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун бир қатор кўчманчи овуллар аҳолиси бир қишлоққа тўпланган. Янги ташкил этилган қишлоқлар яйловлардан олисда жойлашганлиги туфайли асосий кўпчилиги чорвадор бўлган қишлоқ аҳолиси мол боқишда турли қийинчиликларга дучор этилган.

Утrockлаштириш жараёни коллективлаштириш сиёсати билан узвий тарзда олиб борилганлигидан эндигина утrockлаша бошлаган халқ зўрлик йўли билан колхозларга киритилган.

Утrock турмуш тарзига утишдан бош тортган ҳамда колхозларга киришни хоҳламаган аҳоли қувғин остига олинган. Баъзи жойларда қирғиз халқининг турмуш тарзидаги ўзига хос хусусиятлар инobatга олинмасдан, европача кўринишдаги кўп квартиралли уйлар қурила бошлаган. Ана шундай камчиликларга қарамасдан қирғиз халқининг утrock турмуш тарзига утиши натижасида халқимизнинг ижтимоий онги юксалди, иқтисодиёти, таълим ҳамда маданияти ҳозирги цивилизацияси асосида ривожлана бошлади.

#### САВОЛЛАР:

1. "Ер тўғрисидаги" декрет қандай мақсадларни кузлаган?
2. Ер-сув ислохотларини амалга оширишда қандай мақсадлар кузланган?
3. Дастлабки кооперациялар ҳамда коллектив хўжаликлар ҳақида нималарни биласиз?

4. Саноатнинг вужудга келиши ва "Интергельпо" тугрисида сузлаб беринг.
5. Дастлабки саноат корхоналари қайсилар эди?
6. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш нима сабабдан зурлик йўли билан амалга оширилди?
7. Қирғиларнинг утrockлаштирилиши ҳақида сузлаб беринг.

## 17-§. УЛУГ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ

**Уруш даври  
саноати**

Улуг Ватан урушининг дастлабки ойларида СССРнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган худудлари фашистлар Германияси томонидан босиб олинган. Бунинг натижасида Совет Иттифоқининг урушни давом эттириш салоҳиятига катта путур етди. Совет ҳукумати вужудга келган таҳликали вазиятдан қутилиш учун тез орада фронт орти республикаларида ҳарбий саноат арсеналларини вужудга келтиришга ҳаракат қилди. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилган. Дастурга мувофиқ, Урал, Ғарбий Сибир, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари қурол — яроғ ҳамда ҳарбий техникаларни ишлаб чиқарувчи, фронтни саноат маҳсулотлари ҳамда озик-овқат билан таъминловчи, шу билан биргаликда, эвакуация қилинган халқни жойлаштирувчи зоналарга айлантирилиши лозим эди.

Қирғизистон саноат корхоналари ҳам ҳарбий буюртмаларни бажаришга киришди. Фрунзедаги механика заводи 1941 йилнинг июнь ойиданоқ фронт учун махсус буюртма маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлаган. Завод ишчилари ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқариш малакасини ўзлаштириш билан биргаликда ўзларининг кунлик нормаларини 200 — 400 фоизга етказиб бажаришга эришдилар. Баъзи бир ишчилар эса фидокорлик кўрсатиб икки-уч смена ишлай бошлаганлар.

Қадамжойда стратегик аҳамиятга эга бўлган сурма конида иш қизгин тус олиб, кон ишчиларининг 65 фоизи стахановчилар сафига қўшилдилар. Республика енгил ҳамда тўқимачилик саноатининг имкониятлари тўлиқ ҳолда ҳарбий кийим-кечакларни тикишга қаратилди.

Қирғизистон халқ хўжалигини ҳарбий изга кучиришда марказий районлардан эвакуация қилинган саноат корхоналарини жойлаштириш ҳамда ишга тушириш муҳим роль уйнаган. 1941 йилнинг июль-декабрь ойларидаёқ Иттифоқнинг шарқий районларига 2593 саноат корхоналари кучирилган. Уларнинг 308 таси Ўрта Осиё ва Қозоғистонга жойлаштирилган. Қирғизистонга 28 йирик ишхона кучириб келтирилган. Уларнинг орасида Запорожье областидаги Бердяк машинасозлик заводи, Донецк областининг симоб комбинати, Одессадаги клей заводи, Харьков, Курск ҳамда Хабаровск тўқимачилик фабрикалари, Ростовнинг 5 пойабзал фабрикаси, бир неча қандолатчилик заводлари, спирт заводи, Киев пойабзал фабрикаси ва бошқа корхоналар бўлган.

1942 йилда фашистлар Германияси ҳужумларининг кучайиши муносабати билан Қирғизистонга яна 38 йирик саноат корхоналари кўчирилган. Уларни жойлаштириш, ишчи кучлари, хом ашё, энергия ҳамда транспорт билан таъминлаш юзасидан гоят улкан ишлар амалга оширилди. Эвакуацияланган ишхоналарнинг 90 фоизи Чуй водийсига, 10 фоизи эса Ўш, Жалолобод ва Иссыккул областларига жойлаштирилган.

Қирғизистонда фронтга яқин районлардан эвакуация қилинган халқни жойлаштириш бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилган. 1941 йилнинг июлидан 1942 йилнинг январига қадар Қирғизистонга 61,8 мингдан ортиқроқ аҳоли кўчириб келтирилди. 1942 йилнинг декабрига қадар яна 138,9 минг киши эвакуация қилинган. Уларнинг кўпчилиги Москва шаҳридан, Москва ҳамда Ленинград областларидан, Украина ва Белоруссиядан, Литвадан, Карель — Фин ССРдан, Курск, Орлов, Тула, Ростов, Воронеж ва Сталинград областларидан, Ставрополь ва Краснодар улкаларидан келишган. Бундан ташқари Қирғизистонга Польшанинг 12,9 минг фуқароси эмиграция қилинган. Эвакуация қилинган халқни қабул қилиш, жойлаштириш ва иш билан таъминлаш учун республика, область ҳамда район комиссиялари ташкил этилган. Қирғизистоннинг кўп миллатли халқи эвакуация қилинганларга қўлидан келган барча ёрдамни аямади. Уларнинг биргаликдаги меҳнатлари фронт эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган.

Урушнинг дастлабки йилларида республика саноат ишлаб чиқаришида электр энергияси тақчиллиги сезилган. Натижада аҳолига бериладиган энергия чекланган. Ушбу муаммони ҳал этиш учун катта Чуй каналининг қурилиши бошланган. 1942 йилнинг 6 июнида тўхтатиб қўйилган Лебединовка ГЭСини битказиш учун бошланган иш тез орада якунланиб, 1942 йилнинг охирларида ГЭС ишга туширилган.

СССРнинг йирик кўмир конлари фашист босқинчилари томонидан босиб олинганлиги сабабли кўмир ишлаб чиқариш машаққатлари ҳам Шарқ улкалари зиммасига юклатилган. Бу борада Қирғизистонда ҳам бир қатор йирик ишлар амалга оширилган. Республиканинг Қизилқия, Сулукту, Кук-ёнгоқ ҳамда Тошқумир шахталарининг кончилари “Қирғизистон кўмир трести”га бирлаштирилди. Республика шахтёрлари кунлик нормаларини 150 фоизга етказиб бажаришга ҳаракат қилганлар. Кунига 2 — 3 нормани бажарган шахтёрларнинг сони ортиб борган. 1942 йилда фидокорона меҳнатлари учун Қирғизистонлик 24 нафар кончи СССР нинг орден ва медаллари билан тақдирланишган. Фронт орти меҳнаткашлари урушнинг биринчи кунларидан бошлаб, галабага булган ишончларини сақлаган ҳолда, зўр шижоат билан меҳнат қилганлар.

Фрунзедаги корхоналарнинг ёш ишчилари ташаббуси билан фронт бригадалари ташкил этилган. Уларнинг ташаббуси республикада кенг кулоч ёйган. Бишкекдаги механика заводининг

темир устаси М.Чернишев кунлик нормасини 1171 фоизга бажаришга эришган. Орадан куп утмай Ж.Мамбетов уз нормасини 1197 фоизга бажарган. Натижада республикада "Мингчилар" ҳаракати бошланган.

Уруш бошланганлиги сабабли тўхтаб қолган катта Чуй каналини қазииш ишлари 1942 йилнинг майидан қайта бошланган. Унда меҳнат қилган республика фуқаролари уруш йилларида каналнинг 80 километрлик масофасини тугатишга ва 450 минг кубометр тупроқни қазиб чиқаришга муваффақ бўлган. 1943 йилда Беловодск Ново-Троицк ҳамда Тоқмоқ қанд заводлари ишга туширилган. Республика буйича суткасига 55 минг тонна қанд ишлаб чиқарила бошланган. Қораболтадаги спирт заводи, Тоқмоқ консерва заводи, Бишкекдаги янги нон заводи ва 2 нафар мой заводи, Ворошилов ГЭСи ҳамда Қант шахрида цемент заводи фойдаланишга топширилган. 1941 — 1943 йилларда симоб ишлаб чиқариш 10 ҳиссага, сурма қазиб олиш эса 2 ҳисса кўпайган. 1943 — 1944 йилларда Хайдаркон симоб комбинати 4 маротаба республиканинг кўчма Қизил Байрогини қўлга киритишга муваффақ бўлган. 1945 йилда Бишкек ускуналар заводи Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.

Улуг Ватан уруши йилларида Қирғизистонда 36 та йирик саноат корхоналари ишга туширилган, саноатнинг янги тармоқлари вужудга келган. Республикадаги ишчиларнинг сони уруш йилларида 36 мингдан 46 мингга кўпайган. Қирғизистон халқ хужалигида саноат корхоналарининг ҳиссаси 1940 йилдаги 50,2 фоиздан 1945 йилга келиб 67,5 фоизга ушиб етган.

Уруш йилларида ҳарбий хужалик юкларини ташишда транспорт катта аҳамиятга эга бўлган. 1943 йилнинг октябридан бошлаб Кант — Рибачье темир йули қурилиши бошланган. Телефон алоқалари ҳам яхшиланган. Қирғизистоннинг ишчилар синфи уруш даврининг машаққатли талабларини муваффақиятли бажаришга эришганлар ва шу орқали галабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшганлар.

Улуг Ватан урушининг дастлабки йилларидаги муваффақиятсизликлар натижасида мамлакат саноат корхоналаригина эмас, қишлоқ хужалиги ҳам улкан йўқотишларга учради. Дushman босиб олган ерларда мамлакатдаги умумий экин майдонларининг 38 фоизи, қанд лавлаги экиладиган майдонларнинг 84 фоизи қолиб кетди. Мавжуд чорва молларининг 38 фоизи, чўчканинг 60 фоизи қўлдан кетди. Урушгача қишлоқ хужалиги учун хизмат қилган тракторлар, от-улов воситалари фронтларга жалб этилди. Овул-қишлоқлардаги катта ёшдаги эркекларнинг асосий кўпчилиги фронтга отландилар. 1942 йилга келиб республика қишлоқ хужалигида ишловчи эркек аҳолининг сони 51 фоизга камайган. Қишлоқ хужалигидаги оғир меҳнатнинг асосий қисмини аёллар, қариялар ва болалар уз зиммаларига олдилар. Улар фронт эҳтиёжлари учун куну-тун тинимсиз меҳнат қилишган. Республиканинг тайёрлов пунктларида "Ҳосил-

нинг ҳар бир тоннаси—фашистларнинг лагерига ташланган саряддир” — шиори остида яратувчилик кайфияти жуш уриб турган. 1941 йил республикада 203,6 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Бу кўрсаткич 1940 йилга қараганда бир мунча куп эди.

1942 йилга келиб Совет Иттифоқининг қишлоқ хужалиги оғир йўқотишларга учради. СССРнинг серҳосил ҳамда чорвага бой булган ҳудудлари — Украина, Дон, Қрим ҳамда Кубань қўлдан кетди. Энди фронтни озик-овқат билан таъминлаш вазифаси Шарққа, Урта Осиё ҳамда Қозоғистонга юкланди. Қишлоқ хужалиги устидан етакчиликни кучайтириш учун МТС ларда ҳамда совхозларда сиёсий булимлар тузилган.

Қишлоқ хужалиги меҳнаткашлари бунёдкорликнинг мислсиз намуналарини кўрсатдилар. Хужаликларда берилган нормани орттириб бажариш одат тусига кирган. Техниканинг етишмаслиги сабабли, кўп юмушлар қўлда бажарилган. Техника ўсимликларидан юқори ҳосил олишда Сўқулуқ районининг “Қизил Аскар” колхозидан Керимбубу Шопокова бошчилик қилган звено узини кўрсатган. 1942 йилда улар ҳар бир гектар ердан режадаги 210 ц. урнига 684 ц. дан қанд лавлагиси етиштирганлар. Чуй районидаги “Қайирма” колхозидан А.Жолдошбаеванинг звеноси гектаридан 565 ц. дан қизилча етиштиришга муваффақ булди. Уш областидаги Нариманов номли колхоз пахтаининг ҳар гектаридан 23,3 ц.дан ҳосил олган. Жалолобод областининг Сузоқ районидаги Сталин номли колхоздан И.Исмаилова етаклаган звено эса пахта ҳосилдорлигини гектаридан 35 ц. га етказди.

Дехқончиликнинг ҳосилдорлиги учун кураш урушининг кейинги йилларида ҳам кучайган. Бу борада қизилча етиштириш буйича З.Қайназарова, Ш.Тезекбаевалар, пахтакорлардан Ҳ.Атабекова, Х.Таширов кабиларни алоҳида таъкидлаб утиш лозим.

Уруш йилларида республика чорвачилигини ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар қилинган. 1941 — 1942 йилларда чорвачилик буйича ўсиш кузатилган: 1942 йилда чорва ҳайвонларининг сони 1940 йилга нисбатан 20,6 фоизга кўпайган. Натижада республика фронтга гўшт етказиб бериш режаларини ортиги билан бажариб турган. СССР ХКСнинг 1942 йилги ҳулосаларида Қирғизистон ССРнинг чорвачиликни ўстиришдаги муваффақитлари ҳам қайд этиб ўтилган.

Чорвачилик борасидаги муваффақиятлар урушдан кейинги йилларда ҳам кузатилган. Республиканинг азамат чорвадорлари 1943 — 1945 йилларда гўшт, сут ва жун етиштириш буйича давлат режаларини ошириб бажаришга эришдилар. Уруш йилларида Қирғизистонда қорамолнинг ва қўй — эчкининг сони ҳам кўпайган. Фронт эҳтиёжлари учун кўплаб жунатилиши натижасида йилқининг сони бирмунча қамайган. Оғир иқтисодий шароитнинг таъсирида колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хужаликлари путурдан кетган; шахсий ёрдамчи хужаликларнинг 46

фоизда сигир, 69,1 фоизда куй-эчки, 93 фоизда эса йилки булган эмас.

**Қишлоқ хўжалигининг фронт ичкарасига кўрсатган ёрдами**

Улуғ Ватан уруши республика халқ хўжалигини огир йуқотишларга дучор этди. Масалан, 1941 йилнинг январида йирик шохли қорамолнинг сони 555,4 минг булган булса, 1946 йилнинг 1 январига келиб 440,3 мингни ташкил этган, яъни 18 фоизга қисқарган. Чучканинг сони бу даврда 87,2 мингдан 19,4 мингга (70 фоизга), куй-эчкининг сони эса 2529,1 мингдан 2272,3 мингга (12 фоизга), йилкининг сони эса 407,7 мингдан 209,2 минг (29 фоизга) бошга камайган.

Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг ялпи ҳосилдорлиги 1940 — 1945 йилларда 76 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари эса 71 фоизга камайган. Уруш йилларида давлатга дов топшириш 207,7 минг тоннадан 24,5 минг тоннага, тамаки 3,2 минг тоннадан 1,7 минг тоннага, картошка эса 11,7 минг тоннадан 3,6 минг тоннага камайган.

Қирғизистоннинг қишлоқ меҳнаткашлари огир қийинчиликларга қарамасдан фронтдаги жангчиларни озик-овқат, санатни эса ҳам ашё маҳсулотлари билан таъминлашда зур фидойилик кўрсатдилар.

**Қирғизистонликларнинг фронтга умумхалқ ёрдами**

Республика меҳнаткашлари фронт ичкарасига ўзларининг саноатдаги, даладардаги, чорвачилик фермаларидаги фидокорона меҳнатлари билангина эмас, балки шахсий маблағлари ҳисобидан ҳам катта ёрдам кўрсатганлар. Ўзлари огир иқтисодий қийинчиликлар шароитида яшаётганларига қарамасдан, қирғизистонликлар тўплаган шахсий жамғармаларини, хизмат маошларининг бир қисмини, қимматбаҳо буюмларини, олтин ва кумуш тақинчоқларини, озик-овқат маҳсулотларини фронт эҳтиёжлари учун жўнатиб турганлар.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ меҳнаткашлар бир ёки икки кунлик иш ҳақларини халқ мудофааси фондига ўтказишган. Шундан сунг одатий иш кунларидан ташқари, байрамларда ва дам олиш кунларида ҳам ишлаб бериш, топилган пулларни мудофаа фондларига юбориш ҳаракатлари кучайган.

Мудофаа фондларини ташкил этишда колхозчи деҳқонлар ҳам фаол иштирок этишган. Иссиқкул областининг "Керегеташ" қишлоқ хўжалиги артелининг аъзоси Т. Сатибалдиев ўзининг ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан 50 қўйни мудофаа фондига ўтказган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Иссиқкул областининг "Керегеташ" қишлоқ хўжалиги артелининг аъзоси Токтосун Сатибаддиевнинг 1941 йил 2 августда "Советская Киргизия" газетасида эълон қилинган хатидан:

"Бизнинг Она Ватанимизга гаразғуш душман кўжум қилди. Фашист газандилар улкамизининг барча халқларини: русларни, украинларни, белорусларни, ўзбекларни, колокларни ва бошқаларни узларининг қўлларига айлантиришни кузламоқдалар. Ҳеч қачон бундай бўлмайди! Совет халқи нима учун курашаётганини яқши билади. Илгари қашшоқ бўлганман. Ёлғиз отим ҳам йўқ эди. Ҳозир узимнинг 200 та қўйим бор. Колхозда чўпон бўлиб ишлайман, давлатнинг чорвасини боқаман. Тирикчилигим яқши. Мен узимнинг шахсий хўжалигимдан 50 қўйни Она Ватан мудофааси фондига утказаман".

Халқнинг ана шундай ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун Фрунзедаги СССР Давлат банкида ҳ 14 ҳисоб рақами очилган. Ушбу ҳисоб рақамига 1941 йилнинг август ойидаёқ 2007 минг сўм, сентябрда 1670 минг сўм, октябрда эса 1579 минг сўм тушган.

Йилнинг охирига келиб, ушбу фондга жаъми 9090 минг сўм пул, 38,9 кг олтин ва кумуш, 16117 минг сўмлик давлат заёмлари облигацияси, 11862 ц. дон, 2479 ц. гушт, 1798 кг. ёғ маҳсулотлари келиб тушган. Қиш келиши билан фронтга иссиқ кийим-бош юбориш ташаббуси кучайган.

Фрунзе областининг Ворошилов районидаги Ленин номли колхоз аъзолари 1941 йилнинг октябрида мудофаа фондига узларининг шахсий хўжаликларидан биттадан қорамолни семиртириб бериш ташаббуси билан чиқдилар. Ана шу районнинг "Қизил Аскар" колхозининг аъзолари эса колхозининг 50 та отини фронтга беришга қарор қилганлар. Ушбу ташаббус республикага тез тарқалган ва Тяньшань областининг Қучқор райони колхозчилари 835 йилқини, Отбоши райони меҳнаткашлари ҳам 400 йилқини ва 300 минг сўмлик эгар — жабдуқларни юборганлар.

1941-йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Фрунзе областидаги Сталин номли колхоз аъзолари "Қасосқор Қирғизистон" қирувчи самолётлар эскадронини тузиш учун маблағ тўплаш ташаббусини кўтарганлар. Бу ташаббус халқ оммаси томонидан кенг қўллаб-қувватланган.

1941 йилнинг ноябрида Фрунзедаги гушт комбинатининг ёш ишчилари "Қирғизистон Комсомоли" номли танк колоннасини тузиш учун маблағ тўплай бошлаганлар. Тяньшань областининг Қучқор районидаги "Арал" колхозининг аъзоси Ч.Жашибоев танк ишлаб чиқаришга ўз ихтиёри билан 65 минг сўм қўшган. Ушбу ёрдам учун у Қирғизистонда биринчи бўлиб, Қизил Армия қумондонлигининг ташаккурномасини олди. Уш областининг Қуршоб районидаги Ленин номли қишлоқ хўжалиги артели аъзоси О.Қулматов танк ишлаб чиқаришга 125 минг сўм юборган. Ушбу ҳаракат Улуг Ватан урушининг охириги кунларига қадар давом этган. Республиканинг кўплаб аёллари ҳам, жумладан,

20 нафар фарзанднинг онаси, 75 ёшли Б.Бегалиева 55 минг сўм, 14 нафар фарзанднинг онаси Ж.Жусубалиева 30 минг сўм, 7 нафар фарзанднинг онаси С.Ибраимова 105 минг сўм маблагни танк ишлаб чиқаришга юборганлар. Қирғизистонлик ёшлар танк колоннаси учун 15 млн. сўм тўплашга муваффақ бўлганлар, ундан 3 млн.сўмини мактаб ўқувчилари тўплаган. Уруш даврида Қирғизистон халқлари озиқ-овқат, кийим-кечак каби кўплаб ёрдамлардан ташқари 93 танк ҳамда 186 ҳарбий самолётларни ишлаб чиқаришга етарли бўлган маблағларни тўплаб, мудофаа фондларига юборганлар. Ушбу маблағлар ҳисобидан ташкил этилган "Совет Қирғизистони" номли танк колоннаси 1942 йилнинг ноябридан бошлаб немис-фашист босқинчиларига зарба бера бошлаган.

Улуг Ватан уруши йилларида Қирғизистон халқлари мудофаа фондига 189 млн. сўм пул ўтказишган ҳамда 57,3 млн. сўмлик давлат заёмлари облигацияларини сотиб олишган. Қирғизистонликлар фронт ичкарасига 195 вагон озиқ-овқат, 550 минг дона иссиқ кийим-бош ҳамда 38 мингдан ортиқроқ совга саломларни юборганлар. Қирғизистон халқлари қуршовда қолган Ленинград шаҳрида 1942 — 1943 йилларда 100 вагондан ортиқроқ озиқ-овқат юборганлар. Республикадаги колхоз ва совхозлар давлат мудофаа фондига режадан ташқари 4,5 млн.пуд дон ва 500 минг пуд гушт топширишган.

Қирғизистон меҳнаткашлари фашист босқинчилари зулмидан озод этилган халқларга ҳам ёрдам кўрсатганлар. Республиканинг колхоз ва совхозлари улар учун 130 минг бош қорамол ҳамда кўй-эчкиларни бепул жўнатганлар.

#### САВОЛЛАР:

1. Қирғизистонга эвакуация қилинган саноат корхоналари қандай жойлаштирилган?
2. Уруш даврида Қирғизистон саноати қандай ривожланган?
3. Қишлоқ хўжалиги фронт ичкарасига қандай ёрдам кўрсатган?
4. Республика халқлари фронт ичкарасига қандай ёрдам кўрсатганлар?
5. Фронторти меҳнаткашларининг турмушини тасвирлаган қандай асарларни биласиз?

### 18-§. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТИКЛАНИШИ (1946 — 1953 йй.)

Савоатнинг аҳволи Мамлакатнинг уруш ҳаракатлари олиб борилган гарбий районларидан фарқли улароқ Қирғизистоннинг халқ хўжалиги оғир йўқотишларга учраса ҳам, лекин тўлиқ вайрон этилган эмас. Аксинча, эвакуация қилинган корхоналар ҳисобига республика саноати бирмунча ривожланган. Уруш даври талабларига мувофиқ фронт ичкари-



сига маҳсулот ишлаб чиқарган саноатни тинч изга утказиш вазифаси кун тартибига чиқди.

1946 йилдан бошлаб Қирғизистон ССР саноати тулиқ тинч турмушга мувофиқлаштирилиб, халқ хўжалиги учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлаган. Завод ва фабрикаларда 8 соатлик иш куни, дам олиш кунлари ва меҳнат таътиллари қайта тикланган. Бурч юзасидан нормадан ортиқча ишлаш бе-кор қилинган.

1946 йилнинг августида бўлиб ўтган Қирғизистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси умумиттифоқ режасига мувофиқ, 1946 – 1950 йиллар учун халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг беш йиллик режасини қабул қилган. Ушбу режага мувофиқ халқ хўжалигини қайта қуришни тезроқ якунлаш, огир саноатни, айниқса, унинг тоғ-кон саноатига, сув энергетикасига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига асосланган соҳаларини ривожлантиришга, илмий-техника тараққиётини кучайтиришга, корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Беш йиллик режага мувофиқ, республиканинг саноат корхоналари 1950 йилда 360 млн. сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқариши кўзда тутилган. Бу 1940 йилга нисбатан 94 фоизга кўп эди. Биринчи навбатда огир саноатни ривожлантиришга эътибор берилган. Қирғизистон саноатида гарбдан кучириб келтирилган корхоналар эвазига тайёр маҳсулотлар кўпроқ ишлаб чиқарилган. Электр энергиясини ишлаб чиқариш, станокларини қуриш, ипак газламаларни, оёқ кийимларни ҳамда консерваларни ишлаб чиқариш ривожлантирилган. Туртинчи беш йилликда Қизилқияда ва Сулуктада янги шаҳарчалар очилган, Майлисувда янги нефть қувурлари қурилган, Фрунзеда механика созлаш ҳамда асфальт-бетон заводлари фойдаланишга топширилган, Лебединовка ГЭСининг иккинчи навбатиди, Аламудун № 2 ГЭСи, Пржевальск ҳамда Жалолобод ГЭСлари, “Оқ туз” ва “Кукёнгөк” конларида шунингдек “Қадамжой” темирчилик комбинатида электр станциялари ишлай бошладилар.

Қурилиш индустрияси ривожланиб, Қизилқиядаги гишт заводи, Курмунтудаги гишт-оҳактош заводи ҳамда Таласдаги гишт-черепица заводлари ишга туширилган. Енгил ҳамда озиқ-овқат саноати учун Жалолобод пахта тозалаш заводи, Фрунзедаги замонавий пойабзал фабрикаси, Сосновка қишлоғидаги бош кийим фабрикаси, 17 ярим механизациялаштирилган ҳамда 10 дан ортиқроқ механизациялаштирилган ёғпишлоқ заводлари, 3 гуштни қайта ишловчи ва 5 музлатгич пунктлари фаолият кўрсата бошлаган. Беловодск қанд заводи, Жалолобод ва Токмоқдаги сут заводлари, Рибачье гушт комбинати ҳамда Новотроицк нон заводи ва бошқалар ишга туширилган.

Туртинчи беш йиллик давомида йўл қурилиши ҳамда йўлларни таъмирлаш бўйича бир катор ишлар амалга оширилган. Жум-

ладан, Фрунзе — Рибачье, Фрунзе — Луговой, Фрунзе — Георгиевка, Уш — Хоруг йуллари тула таъмирдан чиқарилган. Беш йилда республиканинг йуллари 2738 км.га узайган. Уларда 1242 нафар кўприклар қурилган. 1952 йилда халқ хўжалигининг 9 млн. тонна юклари автомобил транспорти орқали ташилган. Бу миқдор 1940 йилга нисбатан 2,6 ҳисса кўп эди.

Маақур беш йилликда республика халқ хўжалиги учун гоаят аҳамиятли булган Кант — Рибачье темир йули ҳам фойдаланишга топширилган. 1950 йилда республикадаги темир йулларнинг узунлиги 368 км. га етган. Иссиқкулда сув транспорти йулга қўйилди. Унда 2 теплоход, 2 тортувчи пороход ҳамда 4 баржа мавжуд булган. 1945 йилнинг ноябрида Қирғизистон авиа-отрядига асос солинган ва кейинчалик у фуқаро авиацияси бошқармаси сифатида қайта тузилган. Натижада Москва шаҳри ва республиканинг область марказлари билан мунтазам ҳаво йуллари алоқаси фаолият курсата бошлади. Алоқа ҳамда радио эшиттириш бўйича ҳам бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилди.

Республика областларининг 60 район марказлари билан телефон алоқалари йулга қўйилган. 152 қишлоқ Советларининг, 69 МТСнинг, барча колхозларнинг идораларига телефон ўрнатилган. Беш йил давомида алоқа бўлимлари хизматчиларининг сони 2 минг кишидан 3 минг кишига кўпайган. Транспорт соҳаси ходимларининг сони эса 10,2 минг кишига етган.

Беш йиллик давомида республиканинг индустриал салоҳияти бир мунча юксалди. 20 дан ортиқ йирик корхоналар фойдаланишга топширилган. Кўплаб завод-фабрикалар қайта таъмирланган. 1950 йилда саноат тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўлами 1940 йилга нисбатан 4,2 ҳисса, 1945 йилга нисбатан 75,5 фоизга ўсган. Айниқса, оғир саноат бир мунча юқори кўрсаткичларга эришган.

Беш йил давомида кўмир қазиб чиқариш 1,7 ҳиссага, нефть қазиб чиқариш 2,3 ҳиссага ҳамда темир қирқувчи станокларни ишлаб чиқариш 5,6 ҳиссага ўсган. Республикадаги электр станцияларининг умумий қуввати 3,7 ҳиссага ошган.

Енгил саноат бўйича: жундан газлама туқиш 2,3 ҳиссага, ипак ишлаб чиқариш 7,6 ҳиссага, пайпоқ туқиш 10,8, пойабзал ишлаб чиқариш 2,7, гўшт тайёрлаш 2,4, чорва ёғи тайёрлаш 2,9, қанд ишлаб чиқариш 4,3, ҳамда консерва тайёрлаш 1,7 ҳиссага ўсган.

Лекин саноат тараққиётида бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланган. Масалан, корхоналар ҳамда транспорт воситалари кўп ҳолларда бекор туриб қолиши эвазига унумли фаолият курсата олмаган. Маҳсулотларнинг кўплаб турларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш бўйича режа — топшириқлар бажарилган эмас. Баъзи бир маҳаллий саноат корхоналари, нефть ишлаб чиқарувчи ва кўмир қазиб олувчи айрим шахталар эса беш йиллик топшириқларни бажара олмаганлар. Баъзи бир тармоқлар бўйича меҳнат унумдорлиги гоаят суст ўсган.

лигидан урушдан олдинги даражага ҳам етмай қолган. Масалан, ёгочсозлик саноатида меҳнат унумдорлиги урушга қадар бўлган кўрсаткичнинг 80 фоизини, кумир қазихнада 81, нефтни қайта ишлашда 47, туқимачиликда 90, гушт саноатида 90 ҳамда қанд ишлаб чиқаришда 75 фоизини ташкил этган. Республика саноати асосан экстенсив чораларнинг, аниқроғи саноат корхоналари ҳамда уларда меҳнат қилувчиларнинг сони ўсиши ҳисоби-гагина ривожланган. Саноат ишчиларининг сони 1940 йилда 36 минг кишини ташкил этган бўлса, 1950 йилга келиб 66,1 минг кишига етган. Уларнинг орасида 4,9 минг кишини инженер-техниклар, 3,6 минг кишини эса хизматчилар ташкил этган.

Республика саноатининг тез суръатлар билан ривожланиши ишчи-мутахассисларга бўлган талабни кучайтирган. Қирғизистондаги маҳаллий аҳоли асосий қисмининг овул-қишлоқларда истиқомат қилиши, қирғиз ишчиларининг оз сонли эканлиги ҳамда уларнинг мутахассислик даражасининг пастлиги натижасида кўпчилик ишчи мутахассислар Совет Иттифоқининг бошқа ҳудудларидан келтирилган. Шунчқмдай қилиб, СССР нинг саноатлашган районларидан Қирғизистонга ишчиларнинг фаол миграцияси бошланган.

**Қишлоқ хўжалиги:** Уруш Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалик уюмлари ва кам-лиги ривожда кўп-чиликлари келтириб чиқарди. 1940 йилда республика овул-қишлоқларида 186,6 минг нафар эркак аҳоли меҳнат қилган бўлса, 1946 йилга келиб эса, уларнинг сони 60 минг кишини ташкил этган, холос. Техник жиҳозланиши бўйича республика қишлоқ хўжалиги 30-йилларнинг ўрталаридаги даражага тушиб қолди. Ишчи кучининг ҳамда техниканинг етишмаслигидан ҳосил олиш мумкин бўлган кўпчилик ерлар ҳайдалмасдан қолиб кетган, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам пасайган.

Қишлоқ хўжалигида агротехник имкониятлардан ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш оқсай бошлаган. Колхозларнинг чорвачилик фермаларидаги тупланиб қолган табиий ўғитлардан эса унумли фойдаланишга эътибор берилган эмас. Сугориш тармоқлари фаолиятига эътиборнинг йўқлиги туфайли, бу соҳадаги бошланган қурилишлар тўхтаб қолган, борлари эса яроқсиз ҳолатда эди.

Чорвачилик ҳам ночор ҳолатда бўлиб чорва ҳайвонларининг сони ҳамда уларнинг маҳсулдорлиги кескин суръатда пасайган. Уз чорвасига эга бўлмаган хўжаликларнинг сони кўпайган. Ем-ҳашак тайёрлаш иши ҳам кескин тарзда ёмонлашган. Яйловлар ҳамда қишловлардан унумли фойдаланишга эътибор берилмаган. Зооветеринария имкониятларидан фойдаланиш ҳам гоят пасайиб кетган.

Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд оғир аҳвол аграр сиёсатдаги ҳатоликлар билан ҳам узвий боғлиқ эди. Масалан, 1933 йилги тартиблар бўйича, овул-қишлоқлар ўзларининг маҳсулотлари-

ни бозор баҳосидан 10 — 12 хисса паст бўлган нархларда давлатга ўтказиб беришлари лозим бўлган. Натижада деҳқонлар ва чорвадорларнинг меҳнат қилишга бўлган иштиёқлари кескин пасайиб кетган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги зарур техник жиҳозларни ўз вақтида ололмай қолган эди. Қишлоқ хўжалигида бюрократик — маъмурий бошқарув тартиблари гоёт кучайган. Колхоз уставига деярли амал қилинмаган. Колхоз раислари колхозчилар томонидан сайланмасдан, юқоридан тайинланадиган бўлиб қолган. Колхозчиларга кунбай ҳисобида маош тўланган.

Ушбу тартиб бўйича ўз меҳнатига яраша иш ҳақи олмаганларнинг сафи кенгайган. Масалан, 1946 йилда республикадаги 1700 дан ортиқ колхозларнинг 48 меҳнат кунига 4 сомдан маош тўланган, холос. Натижада, колхозчиларнинг ижтимоий мулкдан ихлослари қайтиб, меҳнат интизоми бузила бошлаган.

Халқни озиқ-овқат, сановатни эса хом ашё билан таъминлашда бир қатор қийинчиликлар вужудга келган. *Туртинчи беш йиллик режасида қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни ўнглаш ва уни тартибга келтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.* Бунинг учун, аввало ҳайдов далаларини ўз ҳолига келтириш, озайиб кетган чорва моллари сонини кўпайтириш лозим эди. Беш йиллик режа бўйича 1950 йилда йилқининг сонини 490 мингга, қорамолни 560 мингга, қўй-эчкисини 4,3 млн. га, чўчқани 600 мингга етказиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш ҳамда ривожлантириш учун Иттифоқнинг ҳокимият органлари тегишли директиваларни қабул қилган. Масалан, 1946 йилнинг сентябрида СССР Министрлар Совети *“Колхозларда қишлоқ хўжалиги артеллари Уставини бузилишларнинг олдини олиш тўғрисида”* ги қарорни қабул қилди. 1947 йилнинг февралда ВКП(б) МК нинг Пленуми урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини тиклаш тўғрисидаги масалани кўриб чиққан. 1948 йилда эса СССР Министрлар Совети *“Колхозларда меҳнат унумдорлигини ташкил этиш, кўтариш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”* қарор қабул қилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, урушдан кейинги даврда колхозларни йириклаштириш, уларнинг мулкий имкониятларини мустаҳкамлаш, колхозларда меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилаш борасида тегишли ишлар амалга оширилди.

1946 — 1950 йилларда Қирғизистонда Бутуниттифоқ ҳокимият органлари директиваларини бажариш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Махсус ташкил этилган комиссиянинг қарори билан 1947 йилда республиканинг колхозларига 38,6 минг га. ерлар, 2416 бош йилқи, 665 бош сигир, 20,2 минг бош қўй-эчки ҳамда 3,3 млн. сўм пул қайтариб берилган. Қирғизистондаги 1615 колхознинг 1393 тасида колхозчиларга иш ҳақи тўлашнинг тартиблари қайтадан кўриб чиқилган. Колхозчилар-

нинг умумий мажлисларида иш кувини бажармаган, колхоз мулкига куз олайтирган кишиларни хукукларидан махрум этиш, уларни колхоз сафидан чиқариб, бошқа ерларга кучириб юбориш тугрисида қарорлар қабул қилинган.

Ушбу йилларда Иттифоқ хукумати Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш борасида муҳим аҳамиятга эга булган бир қатор қарорларни қабул қилди. 1946 йилнинг февралда СССР ХКС *“Қирғиз ССР нинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида”*, 1949 йилнинг февралда эса *“Колхозлар билан совхозларда пахтачиликни янада юксалтириш чора-тадбирлари тугрисида”* ги қарорларни қабул қилди. Мазкур хўжжатларга мувофиқ республикага қўшимча тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларга керакли эҳтиёт қисмлар ҳамда минерал угитлар бўлинган. Булардан ташқари, давлат республиканинг колхозларига пул ҳисобидан ҳам ёрдам кўрсатган. Масалан, 1945 йилда республиканинг колхоз-совхозларига узоқ муддатли кредит сифатида 3,9 млн. сўм, 1946 йилда 6,2 млн. сўм, 1947 йилда эса 8,7 млн. сўм берилган. Чорва молларини сотиб олиш учун колхозлар давлатдан 1947 йили 9,8 млн.сўм, минерал угит учун 5,2 млн. сўм пул олишган.

Республиканинг сугориш тармоқлари фаолиятини яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Қизилсув сугориш системаси қурилган, Уттизадир сугориш системасидаги ҳамда Катта Чуй каналининг гарбий шохобчасидаги асосий ишлар якунланган.

Туртинчи беш йиллик давомида мамлакат халқ хўжалигида, жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам белгиланган режаларни бажариш юзасидан социалистик мусобақаларни ташкил этишга алоҳида аҳамият берилган. Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ушбу ҳаракатга фаол жалб этилган. Деҳқонларнинг, чорвадорларнинг уртасида меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳосилдорликни юксалтириш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш борасида қизгин мусобақа ҳаракати оммавийлашган. Меҳнат мусобақаларида ажойиб яратувчилик намуналари юзага чиққан. 1946 йилнинг ўзидаёқ 64 район чорва сонини кўпайтиришга эришган. Натижада республика чорвачилик юзасидан берилган давлат режасини бажаришга муваффақ булган. Шу йилдан бошлаб республикада чорва ҳайвонларининг барча турлари сифатини яхшилаш юзасидан зотдор наслчилик станциялари фаолият кўрсата бошлаган.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш буйича амалга оширилган ишларнинг натижасида республика халқ хўжалигининг ушбу соҳаси 1950 йилга келиб, кўпчилик кўрсаткичлар буйича 1940 йилги даражага ўсиб етган. Ҳайдов майдонлари ўз ҳолига келтирилган. Баъзи бир кўрсаткичлар буйича ҳам бир мунча ўсиш кузатилган. Жумладан, 1950 йилга келиб, 1940 йилга таққослаганда тракторлар 0,6 фоизга, комбайнлар 1,4, қорамоллар 18, кўй-эчкилар 80, йилқи сони эса 21,6 фоизга ўсган. Шундай қилиб

республика чорвачилигининг кўрсаткичлари урушдан олдинги даражадан бирмунча узиб кетган.

1950 йилга келиб, 1945 йилга таққослаганда дон ҳосилдорлиги 25 фоизга, пахта ҳосилдорлиги 3, қанд лавлаги ҳосилдорлиги эса 2 ҳиссага усган. Қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари самараси уларок, бу даврга келиб, дон етиштириш 33 фоизга, пахта 4,5 фоизга, қанд лавлаги эса 2 ҳиссага кўпайган. Ҳш областининг Аравон районидаги "Коммунизм" колхози звено бошлиги Алла Анаров 1948 йилда 6 га. ернинг ҳар гектаридан 109 ц. дан, 1949 йилда 88 ц. дан, 1950 йилда эса 10 га. ернинг ҳар гектаридан 74,5 ц. дан ҳосил олишга эришган. Яратувчанлик фаолияти учун у икки марта (1948 ва 1951 йилларда) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Сўкулук районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиги Зууракан Кайназарова уз звеноси билан 1947 йилда 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 971 ц.дан қанд лавлагиси етиштиришга муваффақ бўлди. 1952 йилга келиб 25 гектар ердан 1000—1100 ц. дан ҳосил олишга эришган. Фидокорона меҳнатлари учун у 1947 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ҳамда СССР Олий Советининг депутатлигига сайланган.

Ушбу йилларда эришган меҳнат зафарлари учун Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг 47 нафар миришқорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланганлар. 517 нафари эса СССР нинг орден ва медалларига сазовор бўлишган. Лекин, шундай бўлсада, республика қишлоқ хўжалигида деҳқончилик юзасидан баъзи бир режалар бажарилмай қолди. Масалан, 1950 йилда 1940 йилдагига нисбатан дон 36,4 фоиз, шולי 80 фоиз, қанд лавлаги эса 7 фоиз кам етиштирилган.

Тўртинчи беш йилликнинг охирларига келиб, 1928 йилга нисбатан, ўсимлик навларининг ҳосилдорлиги 46,5 фоизга паст бўлган. Йирик шохли мол сони 8 фоизга, қуй-эчки эса 7 фоизга камлик қилган. Демак, 1950 йилга келиб ҳам республиканинг қишлоқ хўжалиги урушга қадар бўлган даражага етган эмас.

Халқнинг моддий таъминланиш даражаси

Халқ хўжалигини тинч изга солиш жараёнидаги муваффақиятлар халқнинг моддий аҳволини яхшилаш, маданий турмуш даражасини юксалтириш билан бирга кечган.

Тўртинчи беш йилликда пул ислоҳотининг амалга оширилиши, давлат ҳамда кооператив савдога берилган эркинликлар, 1947 йилнинг охирларига келиб карточка системасининг бекор қилиниши кабилар халқ турмуш даражасининг юксалишига имконият яратди. Уруш йилларидаги мавжуд ҳолат тақозосига кўра, нархнаволар уч баробардан кўпрок кўтарилган эди. Ана шунинг учун, 1946—1950 йилларга келиб, халқ истеъмолли товарларининг баҳоси уч мартаба арзонлаштирилган.

Нафақахўрларга, меҳнат фахрийларига, кўп болали ва яқкаелгиз оналарга моддий ёрдамлар бериб берилган. Турар жойлар-

ни қуришга, шаҳарлар ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш ишларига эътибор кучайган.

1950 йилда меҳнаткашларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга республика бюджетининг 53 фоизи сарфланган. Натижада халқнинг реал даромадлари кўпайган. Беш йил давомида саноат ишчиларининг ўртача иш ҳақи 62 фоизга ўсган. Колхозчиларнинг нақд пул даромадлари 2,6 ҳиссага кўпайган. Қирғизистондаги 1135 колхознинг 177 таси 3 млн. сўмдан 5 млн. сўмгача даромад ола бошлаган. Республика меҳнаткашлари режаларни ортиги билан бажарганликлари учун 16 млн. сўм қўшимча иш ҳақи олишган. Бундан ташқари улар дондун ҳамда чорва моллари ҳисобидан ҳам рағбатлантирилган. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари гоёт паст даражада баҳолганлиги учун колхозчиларнинг кўпи ўз иш ҳақларини вақтида ололган эмаслар. Уларнинг ўртача иш ҳақлари ишчилар ва хизматчиларнинг маошларидан уч ҳиссадан ҳам паст бўлган. Колхозчиларга вақтинчалик меҳнатга яроқсизлиги учун маош тулаш, пенсия бериш жорий этилмаган эди.

Урушдан кейинги йилларда халқ соғлигини сақлаш борасида ҳам бир мунча ишлар ҳам амалга оширилган. “Жалолобод”, “Жети ўгуз”, “Кайсари”, “Иссиқота” ҳамда “Аксув” курортларининг фаолияти яхшиланган. Учқў касаллигини даволашга йўналтирилган “Иссиққўл” ва “Чулпонота” санаториялари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу оромгоҳларда ҳар йили ўн минглаб меҳнаткашлар ҳамда болалар ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтганлар.

1950 йилда Қирғизистонда 136 касалхона фаолият курсатган бўлиб, уларнинг 98 таси овул-қишлоқларда жойлашган. Республиканинг медицина маҳкамаларида 1632 нафар врач, 4,7 минг нафар махсус тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар ишлаганлар.

Карточка системаси бекор қилиниб, пул ислоҳоти амалга оширилгандан сўнг савдо-сотиқ соҳалари ҳам ривожлана бошлаган. Чакана савдо қилувчи дўконлар 1950 йилга келиб 1940 йилга нисбатан 48,4 фоизга кўпайган. Халққа гўшт маҳсулотларини сотиш 5,3 ҳиссага, ёғ маҳсулотларини сотиш 5,6, қандшакар сотиш 6, қандолатчилик товарларини сотиш эса 57 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотларини сотиш ҳам кўпайган.

Халқнинг турар жойлари, турмуш тирикчилиги ҳам аста-секин яхшилана бошлаган. Беш йилда 200 минг квҚм турар жой қурилган. Фрунзе шаҳрида канализация ва троллейбус линиялари фойдаланишга топширилган. Фрунзе, Пржевальск ва Жалолобод шаҳарларидаги электр тармоқлари қайта таъмирланган.

#### САВОЛЛАР:

1. Урушдан кейинги даврдаги саноат тараққиётига тавсиф бериш.
2. Саноатда қандай янги объектлар қурилган?

3. Қишлоқ хўжалигининг аҳволини тавсифлаб беринг.
4. Қишлоқ хўжалиги кўрсаткичларининг пасайишига нималар сабаб бўлган?
5. Халқнинг турмуш даражаси қандай эди?

## 19-§. ВАЛЮНТАРИСТИК ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИДА ИҚТИСОДИЁТ (1953 – 1964 йй.)

Қирғизистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти. И.Раззоқов

50-йиллар Совет Иттифоқининг ҳамма ерида бўлганидек, Қирғизистон тараққиётида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Чунки 1953 йилнинг мартада И.В.Сталиннинг вафоти муносабати билан “Социализмнинг сталинча тараққиёт йўли” барҳам топди. Сталин вафотидан сўнг у асос солган тоталитар тартиблар системаси бир мунча ислоҳ этила бошланди. Социалистик демократияни ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Бу борада сталинча тартиботнинг асосий жаллодларидан бири бўлган Л.П.Бериянинг ҳамда у етакчилик қилган жинорий гуруҳнинг фош этилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Л.П. Берия Сталиннинг ишончли кишиларидан бирига айлангач, ўзи бошқарган давлат хавфсизлик комитети органларини мамлакатнинг ҳамда партиянинг бошқа олий органларидан устунлигини таъминлашга ва шу орқали партия ҳамда комсомол сафларидаги бир қатор ҳалол ва кучли кадрларни, соф виждонли давлат арбобларини туҳмат билан йўқ қилишга эришган.

КПСС МК нинг 1953 йил июль пленуми Л.П.Берия ҳамда унинг гуруҳининг жинорий ишларини фош этиб, давлат органларининг барча звеноларида партиявий раҳбарликни ҳамда назоратни кучайтириш тўғрисидаги қарорларни қабул қилган.

Қирғизистон КП МК нинг бешинчи пленуми (1953 йил июли) Бериянинг фаолиятини қоралади ҳамда унинг СССР халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга тўсқинлик қилганлигини, республикада буржуамиллатчи унсурларининг кучайишига имконият яратганлигини белгилаб ўтди. Пленум Қирғизистонда раҳбар ходимларни танлашда, Марказий Комитет Пленумларини ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини алоҳида таъкидлади.

1953 йилнинг сентябрида Н.С.Хрушев *КПСС МК нинг биринчи секретарлигига сайланди. Шундан сўнг мамлакатда Сталин шахсига сизинишнинг оқибатларини тугатиш, Совет жамиятининг иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий соҳаларини ислоҳ этиш бошланган.* Қирғизистонда партиявий бошқарувнинг демократик тамойилларини амалга оширишда 50-йилларда республика компартиясининг МК га етакчилик қилган Исҳоқ Раззоқов катта роль уйнаган.



И.Раззоқов иттифоқ директиваларига таяниб, Қиргизитоннинг ўзига хос тараққиётини таъминлашга, иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ҳуқуқларини кенгайтиришга фаол киришган. Натижада республика ҳудудларидаги 225 саноат корхоналари, олий ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар билим юртлари умумиттифоқ бошқаруvidан республика бошқаруvига ўтказилган. Бундан ташқари республикадаги маҳаллий бошқарув органларининг ҳамда суд ҳокимиятининг назорат этиш ҳуқуқлари бир мунча кенгайтирилган.

Қирғизистонда автомобил транспорти, йул-қурилиши, со-вхозлар, сув хўжалиги, гўшт ҳамда сут маҳсулотлари етишти-риш бўйича вазирликлар ташкил этилган.

Қирғизистоннинг ўзига хос тараққиётини таъминлаш СССР Министрлар Советининг 1955 йил 4 майдаги *"Иттифоқдош ре-спубликалар хўжаликларини давлат томонидан режалаштириш ҳамда молиялаштириш тартибларини ўзгартириш тўғрисида"* ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ Қирғизистон ССР Министрлар Совети саноат маҳсулотлари иш-лаб чиқаришни мустақил тарзда режалаштириш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан ташқари республиканинг бюджет борасидаги ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди.

*√Раззоқов Исҳоқ Раззоқович (1910–1979йй.) таниқли партия ва давлат арбо-би. Ҳозирги Лайлак районининг Хоросон қишлоғида туғилган. 1918 йилдан Хужан-даги (Ленинобод) болалар уйида тарби-яланган. Тошкентдаги педагогика техни-кумини (1931), сўнгра Москвадаги режа-лаштириш институтини (1936) тамомла-ган. 1936 — 1938 йилларда Ўзбекистон ССР давлат режалаштириш комитетида (иқтисодчи, раис ўринбосари, раис), 1941—1944 йилларда Ўзбекистон ССР Халқ таълими комиссари, сўнгра Ўзбеки-стон ССР Халқ Комиссарлари Совети раи-сининг ўринбосари, 1944 — 1945 йил-ларда Ўзбекистон Компартияси МК нинг ташвиқот ҳамда тарғибот бўйича котиби, 1945 — 1950 йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Совети-нинг раиси, 1950 — 1961 йилларда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган. /*



Исҳоқ Раззоқов

СССР Олий Совети томонидан 1957 йил 11-февралда қабул қилинган қонунга мувофиқ иттифоқдош республикаларнинг қонун чиқариш ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилган. Натижада жуда кўп масалаларни жойларнинг ўзида тез ҳал этиш имконияти туғилган. Ўша йилнинг августида СССР олий Советининг қаро-

ри буйича Иттифоқдош республикалар ҳукуматларига иқтисодий ва маданият бунёдлари буйича қўшимча ҳуқуқлар берилган. Шу билан биргаликда республикалар ичкарисидаги маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқлари ҳам бир мунча кенгайтирилган.

Тоталитар сиситеманинг асосий таянчи булган судсиз ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга булган алоҳида кенгашлар ҳамда ички ишлар министрлигининг трибуналари бекор қилинган.

Прокурор назорати кучайтирилган. Иттифоқдош республикаларнинг прокуратуралари социалистик қонунчиликни муҳофаза этиш, қонунларнинг бажарилишини назорат этиш борасида катта ҳуқуқларга эга бўлишган. Шаҳсга сиғиниш даврида асоссиз айбланиб, жазоланган кишиларнинг судлов ииларини қайтадан куриб чиқиш учун маҳсус комиссия фаолияти йулга қўйилган. Минглаб бегуноҳ кишилар қамоқдан озод этилганлар. "Халқ душманлари" номи билан отиб ташланган кўплаб инсонлар оқланган. Уларнинг орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, А.Орозбеков, И.Айдарбеков, Б.Исақеев, Ж.Саадаев, М.Белоцкий, М.Оммосов, М.Салиҳов, Т.Айтматов, О.Алиев ва бошқалар бор эди.

Бундан ташқари миллий сиёсат борасида йул қўйилган камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинган. Бу борада балкарлар, қалмоқлар, чеченлар, ингушлар ҳамда қора-қойларнинг миллий давлат автономиялари тикланган. Уруш йиллари Қирғизистонга мажбурий кўчириб келтирилган қора-қой, балкар ва чечен халқлари ўз тарихий ҳудудларига қайтиб кетишган.

50-йилларда амалга оширилган ислохотларнинг натижасида бошқарувнинг демократик ҳамда марказлаштирилган тамойилларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилинган. Натижада марказий ҳокимият ўзининг илгариги салоҳиятини сақлаб қолган ҳолда, бироз ихчамлаштирилган ҳолос. Иқтисодий — ижтимоий ва маданий соҳаларни бошқаришда иттифоқдош республикалар ҳуқуқлари бир мунча кенгайтирилган, лекин мавжуд тоталитар тузум системаси шароитида марказий ҳокимият билан республикалар ҳокимиятлари органлари ўртасида қарама-қаршиликлар пайдо бўла бошлаган. КПСС МК нинг 1959 йилги пленумида Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозогистон ҳамда Латвия республикалари етакчилари ўз ҳуқуқларидан ортиқча фойдаланганликда айбланишган. Уларнинг Иттифоқ манфаатларига етказган "зарарлари", "маҳаллийчилик" фаолиятлари қаттиқ танқид қилинган. 1961 йилнинг майида Қирғизистоннинг партия ҳамда давлат етакчилари И.Раззоқов ҳамда К.Дийканбаевлар республиканинг мустақиллигини кенгайтириш борасидаги фаол ҳаракатлари учун хизмат лавозимларидан бўшатилганлар.

---

*Қазн Дийканбаев — Қирғизистоннинг партия ва совет арбоби. 1913 йилда Қоракул уездининг Талдисув қишлоғида тугилган. 1937 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ин-*

*ститутини битириб, Қирғизистон ССР давлат режалаштириш комиссиясида ишлаган. 1940 йилда Қирғизистон ССР ХКС раисининг уринбосари, 1941— 944 йилларда Қирғизистон ССР Давлат назорати Халқ Комиссари, 1944 — 1948 йилларда Қирғизистон ССР ташқи ишлар министри, 1949 йилда Қирғизистон КП МК нинг котиби, 1951— 1958 йилларда Қирғизистон КП Фрунзе обкомининг биринчи секретари, 1958 — 961 йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган. 1961 йилдан сўнг Қирғизистон ССР давлат режалаштириш комитетида ишлаган.*

---

1963 йилда Ўрта Осиё Халқ хужалиги Совети тузилган. Унинг зиммасига Ўрта Осиё иқтисодиёти устидан назорат этиш ва раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган. Халқ хужалиги Советининг тузилиши билан миллий республикаларнинг 50-йиллардаги ислохотлар даврида қўлга кириган ҳуқуқлари йўққа чиқарилди.

50-йилларда олиб борилган ислохотлар Қирғизистон иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатган. 1951—1955 йилларда республика халқ хужалигини ривожлантиришга 3,6 млрд. сўмлик капитал маблағлар сарфланган. Бешинчи беш йилликда Қирғизистон оғир саноатининг тоғ-кон, металлургия, ҳамда энергетика ишлаб чиқариш соҳаларини, шу билан бирга енгил ҳамда озиқ-овқат саноати соҳаларини ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган. Республика саноатини ривожлантиришга 2,5 млрд. сўмлик капитал маблағлар сарфланган. Натижада 48 янги саноат корхоналари ишга туширилган. Уларнинг орасида Бишкекдаги ип-йигирув ва тўқув фабрикаси, Аламудин ГЭС ининг учинчи ва тўртинчи навбатлари, Уш ҳамда Қизилқия гишт заводлари, Қирғизистон тоғкон комбинати, Қорасув ёғ заводи каби бир қатор корхоналар бўлган. 1955-йилга келиб республика саноат маҳсулотларининг ҳажми 1940 йилга нисбатан 3,8 ҳиссага кўп бўлган. 1955 йилда Қирғизистонда саноатнинг 1483 нафар давлат ва 818 кооператив корхоналари фаолият олиб борган. Беш йиллик режа бўйича саноат корхоналари олдига қўйилган вазифалар ортиги билан бажарилган, лекин 1954 йилда 188, 1955 йилда эса 170 корхона ишлаб чиқариш бўйича режа топшириқларни бажара олмаганлар.

Олтинчи беш йиллик (1956 — 1960йй.) режаси бўйича ҳам Қирғизистонда йирик саноат корхоналарини қуриш кўзда тутилган. Бунинг учун республика халқ хужалигига 7 млрд. сўмлик капитал маблағлар бўлинган. Республика саноати ҳамда қурилиш соҳаларига етакчиликни яхшилаш учун 1957 йил июнида Қирғизистон ССР Халқ Хужалиги Совети ташкил этилган. Унинг таркибига республика саноат маҳсулотларининг 74 фоизини ишлаб чиқарувчи 225 корхона киритилган. Бошқарувнинг ушбу усули республика ичидаги соҳалараро алоқаларни, мутахассис алмашув ҳамда кооперативлаштиришни яхшилаган, лекин маз-



Зууракан Кайназарова

кур кенгаш иттифоқнинг турли ҳил иқтисодий ҳудудлари билан корхоналар уртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларига тўсқинлик қилган. Шунинг учун 1965 йилда Халқ Хужалиги Совети бекор қилиниб, унинг урнига Министрликлар жорий этилган. Республика саноати қайтадан кул тармоқли бошқарувга ўтказилган. Олтинчи беш йиллик давомида тезкор фаолият олиб боровчи комплекс бригадаларнинг ҳамда коммунистик меҳнат зарбдорларининг ҳаракатлари бошланиб, кенг қулоч ёйган. 1960 йилга келиб, республика буйича 1,7 минг киши ишловчи 149 бригада “Коммунистик меҳнат зарбдори” деб ном олган. 50-йил-

ларнинг 2-ярмига келиб Аламудин электр станцияларининг бешинчи ҳамда олтинчи навбатлари ишга туширилган. Фрунзедаги иссиқлик электр станцияси, “Октябрь 40 йиллиги” номли тикув фабрикаси, физика асбоблари заводи, Норинда нон заводи, Күкёнгоқда “Сари булоқ” кўмир шахтаси, Урта Туқай, Наманган, Бозорқурғон ҳамда Қўйи Алаарча сув омборлари ва бошқалар фойдаланишга топширилди. 50-йилларда Қирғизистонда жами 59 саноат корхоналари, 46 цехлар ҳамда бўлимлар ишга туширилган.

1959 йилда Н.С.Хрушчев бошчилигидаги мамлакат раҳбарияти 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган беш йиллик режани етти йиллик (1959 — 1965 йй.) режага алмаштирдилар. КПССнинг XXI съезди СССР да “коммунистик жамиятни кенг миқёсда қуриш” даври бошланганлигини эълон қилди. Ана шу даъватга боғлиқ равишда давлат, партия ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг барчаси ўз иш фаолиятларига коммунистик тамойилларни киритишга ҳаракат қилишган. Юқоридан берилган кўрсатмалар буйича марказдаги йирик ишхоналар мамлакатда социалистик мусобақаларни ёйиш ташаббуси билан чиқишган. 1961 йилда республиканинг саноат, қурилиш ва алоқа соҳаларидаги 616 корхона жамоалари ишлаб чиқариш режаларини бажариш учун социалистик мусобақага бел боғлаганлар. 60 — йиллар бошларига келиб республикада машинасозлик учун янги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари ҳамда энгил саноат жадал ривожланган.

1960 йилга келиб тайёр саноат маҳсулотларининг ҳажми 1955 йилга нисбатан 163 фоизга, 1950 йилга нисбатан эса 290 фоизга кўпайган. Қирғизистондаги саноат корхоналари товарларнинг таннархини камайтириш буйича белгиланган режаларни ҳам биринчилардан бўлиб бажаришга эришдилар. Республика саноат маҳсулотлари дунёнинг 30 мамлакатига экспорт қилин-

ган. 50-йиллар давомида Қирғизистонда қишлоқ хўжалиги тараққиетиға ҳам катта эътибор берилган. 1950 — 1955 йилларда дон маҳсулдорлигини 33 фоизга, қанд-лавлагини 20 фоизга, пахта 64 фоизга кўтариш, қорамол сонини 18 — 20 фоизга ошириш кўзда тутилган.

1952 йил апрелида СССР Министрлар Совети “Чорвачиликни ривожлантиришда Қирғизистон ССРға ёрдам беришнинг чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Қирғизистон ССР нинг қишлоқ хўжалиғига ёрдам беришнинг чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорларни қабул қилган. Мазкур қарорларда Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалигини кўтариш буйича аниқ иш-чоралар белгилаб берилган. Қирғизистон

қишлоқ хўжалиғи янги техникаларни кўп-лаб ола бошлаган. Республикада 123 Машина Трактор Станция (МТС) лари ташкил этилган. 1953 йилга келиб, республикада 80 МТС ва битта машина-чорвачилик станцияси бўлган. Далаларда 1,5 минг трактор ва комбайнлар ишлаган. 50-йилларнинг бошларида колхозларни катталаштириш сиёсати амалга оширилган. Натижада 1951 — 1953 йилларда Қирғизистондаги колхозлар 1620 дан 725 тага қисқарган. Колхозларни йириклаштириш уларнинг иқтисодиётини кўтаришда муҳим роль ўйнаган. Қант районидаги “Коммунизм” ва “Кенгаш”, Қорасув районидаги “Қизил Шарқ” колхозлари меҳнат унвондорлигининг юқорилиғи ҳамда иқтисодиётининг барқарорлиғи буйича бошқаларга намуна бўлишган.

Совет Иттифоқи, жумладан Қирғизистоннинг ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида КПСС МК нинг сентябрь (1953-й.) Пленуми муҳим роль ўйнаган. Пленум қарорларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларининг давлат харид нархлари оширилган. Натижада гўштнинг нархи 5,5 баробар, сўтнинг ҳамда ёғнинг нархи 2 баробар, дон экинларининг нархи эса 50 фоизга кўтарилган. Колхозлар давлатга нисбатан бўлган қарзларидан озод этилган. Қишлоқ хўжалиғи солигининг ҳажми камайтирилган. Бундан ташқари колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини чеклаш ҳамда улардан олинган маҳсулотларни давлатга мажбурий тарзда топшириш каби чоралар бекор қилинган. Шундан сўнг колхозчилар ўзларининг ёрдамчи хўжаликларидан олган маҳсулотларини бозорда эркин сота бошлашган.

Иқтисодиётнинг аграр сектори буйича янги муваффақиятлар таъмин этилган. Қирғизистон қишлоқ хўжалиғида кўлга киритилган ютуқлар СССР ҳукумати томонидан муносиб баҳоланиб, 1957-йил да Қирғизистон ССР Ленин ордени билан тақдирланган. Республика қишлоқ хўжалигининг 52 нафар илгор



Хайитхоун Таширов

миришкорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор булганлар, 2986 нафар меҳнаткашлар СССРнинг орден ва медаллари билан тақдирланишган. Уларнинг орасида З.Кайназарова ҳамда Ҳ.Ташировлар икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони булишган.

1958 йилда КПСС МК нинг қарорига мувофиқ собиқ МТС лар ремонт-техника станциялари (РТС) этиб қайтадан тузилган. Бунга қадар МТС ларнинг колхозларни таъминлаб келган техникалари колхозлар ихиёрига берилган. Уша йилнинг ўзида иқтисодий ночор булган 122 колхозларнинг ҳамда 6 МТС ларнинг негизида 39 совхоз ташкил этилган. Шундан сунг иқтисодиёти пасайиб кетган республика колхозларини совхозларга айлантириш сиёсати давом этказилган. Қўлга киритилган муваффақиятларга қарамасдан 60-йиллар бошидаги Қирғизистон қишлоқ хўжалиги умумий иқтисодий тараққиётдан орқада қолаверган. Маъмурий-бўйруқбозлик йўли билан колхозларнинг йириклаштирилиши, "келажаксиз" қишлоқларни зўрлик билан кўчириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни чеклаш, маҳаллий шарт-шароитлар билан ҳисоблашмасдан маккажўхори ўстиришни барча хўжаликларга жорий этилиши, қўшиб ёзиш ҳамда кўзбуямачиликнинг авж олиши қишлоқ хўжалиги тараққиётининг оқсай бошлашига олиб келди.

#### САВОЛЛАР:

1. Тоталитар системанинг "қисман бушашиши"ни қандай тушунасан?
2. И. Раззоқов ҳамда Қ. Дийканбаев тўғрисида нималарни биласиз?
3. Валютаристик ислоҳотлар республика халқ хўжалигига қандай таъсир кўрсатган?
4. Қирғизистон халқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшган кишилар тўғрисида сузлаб беринг.

#### 20-§. "РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ" ДАВРИДАГИ ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР.

#### РЕСПУБЛИКАНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ (1964 - 1985 йй)

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт. Т.Усубалиев Н.С.Хрушчев ташаббуси билан 50-йилларда бошланган ислоҳотлар 60-йилларнинг бошларига келиб суна бошлади. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти секинлаша бошлади. Партия ва давлат етакчиларининг СССРда "тез орада коммунизм қуриш" тўғрисидаги шиорлари асоссиз эканлиги ошкор бўлиб қолди. Н.С.Хрушчев 1964 йилда КПСС МК нинг биринчи секретарлигидан ҳамда СССР Министрлар Советининг раислигидан бушатилди. КПСС МК нинг биринчи секретарлигига Л.И.Брежнев сайланган. А.Н.Косигин эса СССР Министрлар Советининг раиси этиб тайинланган. Шундай қилиб, мамлакат тепасидаги маъ-

мурий — буйрукбозлик системаси етакчилигига янги кишилар келди.

Бу даврга келиб, бутун мамлакат буйлаб партиянинг ҳукмрон мавқеи янада мустаҳкамланган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида компартия бирдан-бир етакчи куч булиб қолган эди. Қирғизистон ССР да партия — давлат етакчилиги 1961 йилдан бошлаб Турдакунов Усубалиевга ўтган. Унгача ушбу лавозимда ишлаган И.Раззоқов эса ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий масалаларда маҳаллий халқларнинг миллий манфаатларини кўзлаган фаол ва дадил ҳаракатлари учун “маҳаллийчилик”да, “ўзбошимчалик”да айбланиб ишдан олинган эди. Марказда партия — давлат ҳокимияти иродасига тулиқ буйсунмаслик, қисман булсада мустақил фаолиятга интилиш қандай яқунланишини яхши англаган Т.Усубалиев ўз фаолиятини энг аввало олий ҳокимиятнинг кўрсатмаларини тулиқ ва пухта бажаришни ўзлаштиришдан бошлади.

Республика компартиясининг етакчи органлари съездларда, пленум ҳамда мажлисларда КПСС съездларининг, пленум ҳамда конференцияларининг қарорларини номигагина муҳокама этиш билан чекланишиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган қарорларни қабул қилишга, қандай қилиб булмасин, уларни бажаришга одатланиб боришди.

“Ривожланган социализм” даврида КПСС нинг бюрократлашган бошқарув аппарати янада мустаҳкамланди, мамлакатдаги барча ҳокимият олий партия органининг қўлига тупланган. Республикаларнинг партия ва совет етакчиларигина эмас, ҳатто областларнинг биринчи котиблари, йирик корхоналарнинг етакчилари ҳам Москва орқали тайинланадиган булиб қолган.

Мавжуд ҳолатнинг натижаси улароқ, Қирғизистон ССР Компартияси Марказий Комитетининг, обкомларнинг, ҳатто чекка бир тоғлик райкомларнинг иккинчи котиблари, баъзи ҳолларда эса биринчи котиблари ҳам рус миллатидан булиши одатий ҳолга айланди. Партиявий бюрократизмнинг авж олиши натижасида, 60-йилларнинг ўрталаридан 80-йилларнинг ўрталарига қадар Қирғизистон партия аппарати хизматчиларининг сони бир ярим ҳиссадан ортиқроқ ўсди. Кадрларни танлашда қариндош-уруғчилик, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик асосий омиллар бўлиб, иқтидорли мутахассисларнинг етакчи органларга кўтарилиши гоёт қийин кечган. Натижада, партия — давлат ҳокимиятининг барча органларида лаганбардорлик, порахўрлик, коррупция, хизмат лавозимини сунистеъмом қилиш гоёт кенг томир отган. Бундай бир шароитда ўзаро очиқ-ойдин фикр алмашув ҳамда танқидий муносабат руҳидаги асил партиявий таъмоиллар четга суриб қўйилди. Республиканинг юқори лавозимли партия — давлат етакчилари ўзларининг хизмат мавқелари орқали турмуш кечиришнинг алоҳида имтиёзларидан кенг фойдаланганлар.



Турдакун Усубалиев

КП МК нинг бўлим бошлиги, 1958 йилда партиянинг Фрунзе шаҳар комитети биринчи секретари бўлган. 1961 — 1986 йилларда Қирғизистон КП МКнинг биринчи секретари бўлиб ишлаган. 1999 йилда, яъни 80 ёшга тўлиши муносабати билан Т. Усубалиевга Қирғизистон давлати ва халқи олдидаги кўп йиллик хизматлари эътиборга молик меҳнати эвазига “Оқ шумқор” алоҳида белгиси ҳамда Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони унвонининг энг олий имтиёзли даражаси топширилди.

Улар учун махсус оморлар, чорвачилик фермалари ҳамда ёпиқ дўконлар хизмат қилган. Ушбу дўконларда чет эллардан махсус олиб келинган гоаят тансик товарлар (моллар) юқори лавозимдаги амалдорларга махсус чеклар орқали арзонлаштирилган нархларда сотилган. “Ривожланган социализм”нинг ҳузур-ҳаловатини кўриш учун олий раҳбарият вакиллари ўзлари учун алоҳида уйларни, дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлаш учун санаторийлар, пансионатлар ҳамда дачаларни қурдиришган. Буларнинг барчаси давлат ҳисобига тикланган.

Маъмурий-буйруқбозлик системаси шароитида вужудга келган партия — давлат бошқарувидаги салбий хусусиятлар мамлакатнинг бошқа жамоатчилик ташкилотларига ҳам таъсир кўрсатган. Партиянинг жонкуяр заҳираси ҳисобланган комсомол ташкилотининг фаолиятида ҳам расмиётчилик, шошилич қарорларни қабул қилиш, ўзини-ўзи мақташ ҳамда арзимаган иш учун тоғдай рапорт бериш ҳоллари кучайган. Бу йилларда комсомол ташкилотларининг илгариги ташаббускорлиги суниб, ўзлари эса партиянинг соясида қолиб кетдилар.

Деярли шундай аҳвол касаба союзлари фаолиятига ҳам хос эди. Албатта, касаба союзларининг турмушдаги ролини кўтариш учун ҳаракатлар бўлган. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаолият кўрсатгавлар. 60-йилларнинг ўрталарига келиб, мамлакатнинг барча ерларида бўлганидек Қирғизистон-



да ҳам колхоз касаба союзлари тузила бошлаган. Касаба союз ходимларини тайёрлаш учун Қирғизсовпроф қошида махсус курслар ташкил этилган. Йирик корхоналарда, шаҳарлар ҳамда районларда касаба союз фаолларининг мактаблари, мунтазам иш олиб борувчи семинарлар фаолият кўрсатган. Касаба союзлари меҳнат унумдорлигини оширишда, меҳнат иттизомини мустаҳкамлашда, халқ турмуш тарзини яхшилашда бир қатор ишларни амалга оширганлар.

*Қулатов Торобай (1908 — 1984 йй.) давлат ва партия арбоби. Новқат районидаги Қизилбулоқ қишлоғида туғилган. 1933 йилда темир йўл ишчиси, сўнгра Қизилқиядаги "Жал" шахтасида кончи, 1932 — 1933 йилларда ўша ерда шахта комитетининг раиси бўлиб ишлаган. 1934 йилда Кумир Қазувчилар Иттифоқи шахта комитетининг раиси, 1937 йилдан "Жал" шахтасида парторг, 1938 йилдан Қизилқия шаҳар кенгаши ижроия комитетида раис ўринбосари, сўнгра "Қирғизкумир" трести етакчисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1938 — 1945 йилларда Қирғизистон ССР ХКС нинг, 1945 — 1978 йилларда Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлган.*



Торобай Қулатов

Уларнинг ташаббуси билан меҳнаткашларни ишлаб чиқаришнинг бошқарувига жалб этиш мақсадида мунтазам фаолият олиб борувчи ишлаб чиқариш кенгашлари ташкил этилган. 1961 йилга келиб, бундай кенгашларда 25 минг киши фаолият кўрсатган бўлса, 1985 йилда уларнинг сони 60 минг нафарга етган. 1985 йилда Касаба союзлари ҳисобидан республика меҳнаткашларига 57 минг бепул ҳамда имтиёзли йўлланмалар тарқатилган. Касаба союзлар социалистик мусобақаларни омалаштиришда ҳам катта роль уйнаганлар. Лекин касаба союзларининг фаолиятида ҳам расмийчиликлар, амалга ошмайдиган режаларни тузиш, кўзбўямачилик каби нохуш услублар ҳам чуқур томир отган эди.

60 — йилларга келиб СССРда, жумладан Қирғизистонда ҳам, давлат ҳокимияти органлари сифатида советларнинг ролини ошириш ҳаракати бошланган. Қирғизистон ССР Олий Совети республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида советларнинг ролини оширишга, маҳаллий советлар фаолиятини яхшилашга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширган.

Ўша пайтларда Қирғизистон ССР Олий Советининг раиси бўлиб ишлаган Торобай Қулатов бу борада жонбозлик кўрсатган.

Партиявий қозғаловчи авж олган ушбу йилларда советларга расмиятчилик юзасидангина давлат ҳокимиятининг олий органи сифатида қаралган. Амалда эса советлар Иттифоқ ёки республикалар доирасидаги қонунларнинг бажарилиши юзасидан министрликларнинг, бошқармаларнинг, халқ депутатлари советларининг ҳисоботларини тингловчи ҳамда меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқувчи расмий органга айланиб қолган эди.



Болот Мамбетов

*Мамбетов Болот (1905 — 1990 йй.) — давлат ва партия арбоби. 1940 — 1953 йиллар давомида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг, сунгра Фрунзе обкомининг котиби бўлган. 1954 — 1961 йилларда Қирғизистон ССР сув ҳужалиги министри, 1961 — 1968 йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган.*

КПССнинг жамият сиёсий турмушидаги ўрнини мустаҳкамлаш, "ривожланган социализм"нинг мазмун моҳиятини ошқора намойиш этиш учун 1977 йилнинг 7 октябрида СССРнинг, 1978 йилнинг 20 апрелида эса Қирғизистон ССРнинг янги Конституциялари қабул қилинган. Уларда "Компартия — совет жамиятининг етакчиси ва йўналтирувчи кучи, унинг сиёсий тузилишининг, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг асосидир", — деб таъкидловчи маҳсус модда ҳам киритилган бўлиб, бу орқали КПССнинг якка ҳокимияти узил-кесил қонунлаштирилган. Лекин социалистик жамиятнинг асосини ташкил этган советларнинг ҳолати, уларнинг эгаллаган ўрни тўлиқ кўрсатилган эмас.

1979 йилнинг июнида маҳаллий советларга ўтказиладиган сайловлар тўғрисида Қонун қабул қилинган. Унда ҳам асосан, олдиндан амал қилиб келаётган сайлов тарғиблари қайтадан тасдиқланган. Депутатликка номзодлар юқоридан кўрсатилар, халқ эса уларни номигагина "сайлаб" кўярди. Маҳаллий аҳамиятга молик нарсалар ижроия комитетлари томонидан ҳал этилган. Халқ вакиллари эса советларнинг сессияларида олдиндан тайёрлаб қўйилган қарорларига овоз бериш билангина чекланганлар. Натижада советлар ҳокимиятининг тамойиллари бузилган, янгича ташаббусларни эскича аъъаналарда бошқарув холлари кучайган. Ўртага ташланган масалаларни яратувчанлик руҳида

муҳокама этиш, қабул қилинган қарорларни вақти — вақти билан текшириб туриш йулига гов қўйилган.

**Саноат тараққиёти** 60-йиллардан бошлаб Қирғизистон ССР давлат ҳокимиятининг олий ижрочи органи бўлган республика Министрлар Совети Қирғизистоннинг ижтимоий — иқтисодий тараққиётига оид бўлган бир қатор ишларни амалга оширди. Республика халқ хўжалиги режаларини амалга ошириши, иттифоқ ҳамда маҳаллий бюджетларни тартибга солиш борасида фаол чора-тадбирлар амалга оширилган. Министрлар Совети фаолиятини кучайтиришда Болот Мамбетов, Акматбек Сууюмбаев ҳамда Султан Ибраимовлар жонбозлик кўрсатганлар.

80-йилларнинг бошларига келиб, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг фаолияти ҳам сустрлашган. Курилан масалаларнинг учдан икки қисмини кундалик муаммолар ташкил этган. Республика Министрлар Совети узининг жойлардаги маҳаллий органларига ҳар йили 4 мингдан ортиқроқ қарор ва буйруқларни юбориб турган.

*Сууюмбаев Акматбек Суттубаевич (1920 — 1978 йй.) — давлат ва партия арбоби. Аламудун районининг Ортоалиш қишлоғида туғилган. 1955 — 1960 йилларда Қирғизистон ССР Молия Министри, 1960 йилда Уш область ижроқумининг раиси, 1960 йилда Қирғизистон Компартияси Уш обкомининг биринчи котиби, 1968 — 1978 йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси лавозимларида ишлаган. Мамлакат олдидаги хизматлари учун Ленин ордени ҳамда бошқа орден ва медаллар билан тақдирланган.*



Акматбек Сууюмбаев

Назоратнинг йўқлиги туфайли уларнинг кўпчилиги бажарилган эмас. Социалистик демократия тамойилларига мувофиқ республикада кўплаб оммавий жамоатчилик ташкилотлари тузилган, лекин давлат бошқарув ишларига улар расмий тарздагина жалб этилган. Шундай бўлсада, 80-йилларнинг ўрталарига келиб, жамоатчилик ташкилотларининг таъсирини кенгайтириш учун фаол курашувчи кишилар сафи ўсиб борди.

1965-йилда мамлакатда халқ хўжалигини ислоҳ этиш ҳаракати бошланган. Ушбу ислоҳотлар уларнинг фаол ташкилотчиси бўлган СССР Министрлар Советининг раиси Н.Косигин номи билан боғланиб, Косигин ислоҳотлари деб аталган. Ислоҳотлар

давомида, Н.Хрушчев томонидан ташкил этилган Халқ Хужалиги Советлари бекор қилиниб, соҳа министрликлари қайта тикланган.

Ислоҳотларга мувофиқ, корхоналар фаолиятига беҳуда ара-лашиш бекор қилинган. Корхоналарга юқоридан бериладиган курсатмалар, режатоппириқлар камайган. Маҳсулот ишлаб чиқаришда корхоналарнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун саноат корхоналарини дотациялаш бекор қилиниб, кредит бериш орқали молиялаш тартиблари жорий этилган.

Ислоҳотлар дастлабки йилларда бирмунча ижобий натижа-ларни берган. Мамлакатнинг, жумладан Қирғизистоннинг са-ноати тез суръатлар билан ривожлана бошлаган. Саккизинчи беш йилликда (1966 — 1970 йй.) мамлакат иқтисодиёти мисли кўрилмаган даражада тез суръатлар билан ривожланган. Исло-ҳотлар самарадорлигини янада мустаҳкамлаш учун ишлаб чи-қариш муносабатларини ҳам ўзгартириш лозим эди. Ислоҳот-лар иқтисодиёт соҳасида муваффақиятли амалга оширилгани билан сиёсий соҳада ҳамда мафкуравий жабҳаларда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмади. Маъмурий-буйруқбозлик систе-маси шароитида амалга оширилган ислоҳотлар аста-секин суст-лашиб, уларнинг аҳамияти пасая бошлади.

“Ривожланган социализм” шароитида Қирғизистон саноати ҳам Иттифоқ ягона халқ хужалиги комплексининг узвий тар-кибий қисми сифатида ривожланган.



Султан Ибраимов

*Ибраимов Султан (1927—1980 йй.) — давлат ва партия арбоби. Чуй райо-нидаги Алчалик қишлоғида туғилган. 1961—1966 йилларда Қирғизистон ССР сугориш ҳамда сув хужалиги министри, 1966 йилдан Қирғизистон Компартия-си Марказий комитетининг котиби, 1968—1978 йилларда Қирғизистон Ком-партияси Уш обкомининг биринчи ко-тиби, 1978 йилда Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, 1978—1980 йилларда эса Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси бўлиб ишлаган.*

1965 — 1985 йилларда Қирғизистоннинг миллий даромади 2,7 ҳиссага, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 4,4 ҳиссага ўсган. Жумладан, машинасозлик ҳамда металлургия 8 ҳиссага, электр энергияси ишлаб чиқариш эса 5 ҳиссага кўпайган. Бу даврда

республикада яратилган тайёр ижтимоий маҳсулотларнинг 60 фоизи ҳамда миллий даромаднинг ярмидан купроги саноатнинг ҳиссасига тўғри келган. Қирғизистонда 150 та янги саноат корхоналари ишга туширилган.

Республика халқ ҳужалиги комплексининг умумий йуналишини саноатнинг энергетика, рангли металлургия, машина-созлик, электроника, электр техникаси воситаларини яратиш ҳамда қурилиш индустрияси соҳалари белгилаб берган.

Енгил саноат, озиқ-овқат ҳамда гўшт корхоналари таъмирланган ёки янгидан ташкил этилган.

Маъмурий буйруқбозлик услубида иш кўрувчи раҳбарият иқтисодиётни интенсификация билан ривожлантиришга унчалик эътибор бермаган. Натижада иқтисодиёт олдингидек экстенсив тартибда ривожланиб ишлаб чиқаришнинг усиши янги объектларнинг фойдаланишга топширилиши натижасидагина таъминланди.

Токмоқда жунни қайта ишловчи ва йигирув фабрикаси, Қирғизистон шойи-ипак комбинати, Фрунзеда трикотаж бирлашмаси ҳамда гилам тўқиш комбинатлари ишга туширилган. Натижада жундан тайёр маҳсулотларни яратиш иши йўлга қўйилган.

Ана шундай ижобий ўзгаришлар пахта ишлаб чиқариш тармоқлари ишида ҳам кўзга ташланди. Ушда пахта ишлаб чиқариш йирик бирлашма ишга туширилгач, пахтадан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу борасида Фрунзедаги пахтадан ип йигирувчи фабриканинг ва бошқа корхоналарнинг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу йилларда саноат корхоналари, айниқса қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар кичик ёки ўртача катталиқдаги шаҳарларда қурила бошлаган. Натижада маҳаллий маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш учун қулай имкониятлар вужудга келтирилди.

80-йилларнинг бошларида Ўрта Осиёда қазиб олинган кумирнинг 40 фоизи Қирғизистон улушига тўғри келган, лекин бу муваффақият ҳам соҳанинг экстенсив ривожланиши орқалигина таъминланган. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳам Норин дарёсида қурилган Учқўрғон ҳамда Тоқтагул ГЭС лари ҳисобига кўпайган. 80-йилларнинг урталарига келиб, Қирғизистон ГЭС ларида йилига 11 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилган.

Шундай қилиб республика индустриясининг истиқболли соҳаларидан бири булган гидроэнергетика ана шу йилларда шаклланди.

Иттифоқ миқёсидаги меҳнат тақсимоотида Қирғизистон сурма, символ ҳамда камёб ҳисобланган рангли металлларни ишлаб чиқаришда аҳамиятли роль уйнаган. Қадамжой сурма комбинатида ишлаб чиқарилган сурма маҳсулоти халқаро бозорда сифат эталони сифатида шуҳрат қозонди. Ҳайдаркон (ҳозирда Айдар-

кен) симоб комбинатининг маҳсулоти ҳам жаҳон бозорларида юқори баҳоланган. 70—80-йиллар давомида рангли металлургия республика саноатининг етакчи соҳасига айланган. 1970—1985 йиллар давомида рангли металл маҳсулотлари аввалгидан 2 қиссага кўпроқ ишлаб чиқарилиб, унинг маҳсулотлари дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинган. Бундан ташқари олтин, мис, қалай ва бошқа конлар очилиб, янги корхоналар ишга туширилган.

Машинасозлик соҳаси ҳам тез суръатларда ривожланиб, республика индустриясида салмоқли ўринни эгаллаган. Ушбу соҳада қишлоқ хўжалиги машиналари ва автосамосвалларини ишлаб чиқариш, металл кесувчи станокларни, йирик электр машиналарини, электр тебратгичларни, физика ҳамда назоратўлчов асбобларини, электр насосларини, кир ювиш машиналарини, электр лампалари каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, лекин ушбу соҳа ривожини ҳам экстенсив хусусиятга эга бўлган.

Бу даврда қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқарувчи Фрунзе номли завод ҳамда “Тяжэлектромаш” заводида техник таъмирлаш ишлари тулиқ амалга оширилган. Натижада ҳар иккала заводнинг ишлаб чиқариш салоҳияти бирмунча ўсган. Масалан, қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқарувчи Фрунзе заводида 1985 йилга келиб 32 минг дона дағал хашак боғловчи машиналар чиқарилган. Ушбу маҳсулотларни дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатлари сотиб олган.

Техник жиҳатдан қайта жиҳозланиши натижасида Фрунзедаги назорат-текшириш ускуналари заводи маҳсулотларининг сифати яхшиланган. Заводнинг “Алатоо” деб номланган ускунаси Лейпциг ярмаркасида олтин медалга сазовор бўлган.

Майлисойдаги электр лампалар заводи СССР нинг энг йирик корхоналаридан бири бўлиб қолган. Бундан ташқари “Қиргизкабель”, “Қиргизэлектртебратгич”, электрон ҳисоблаш машиналари заводлари ва бошқа корхоналар ишлай бошлаганлар. Машинасозлик саноати бўйича Қирғизистон Ўрта Осиё республикалари орасида олдинги ўринда турган. Ун биринчи беш йилликда (1981—1985) республикада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг 50 фоизидан ортиги машинасозлик ҳамда металлургия соҳалари ҳисобига туғри келган.

Республикада қурилиш материаллари индустрияси ҳам ривожланган. Жумладан, Қантдаги цемент-шифер комбинати, 3 нафар уй-жой қуриш комбинати, ойнак заводи, темир-бетон заводи, гранит, мрамор ва бошқа тошларни қайта ишловчи заводлар фаолият кўрсатиб, маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқара бошладилар.

Лекин, енгил саноат соҳалари суёт ривожланган. Уларни таъмирлаш ишига яхши эътибор берилмаганлиги туфайли, ушбу тармоқ корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотилмай оморларга йиғилиб қолган. Ана шундай нохуш кўринишлар са-

ноатнинг озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарига ҳам тегишли бўлган.

80-йилларнинг бошларига келиб, саноатнинг экстенсив тарзда ривожланиши ўзининг энг сўнгги имкониятларидан фойдаланиб бўлди. Тараққиётни бундан кейин ҳам таъминламоқ учун ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартириш лозим эди. Саноатнинг муттасил тараққиёти натижасида республика ишчилар синфининг сафлари кенгайган. 1960 йилда Қирғизистон халқ хужалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган ишчилар сони 310 минг кишини ташкил этган бўлса, 1985 йилга келиб эса улар сонининг кўпайиши 6,3 ҳиссани ташкил этган. 70-йилларга келиб, республиканинг ижтимоий синфий таркибида ишчилар (ойла аъзолари билан ҳисобланганда) Қирғизистон аҳолисининг 58 фоизини ташкил этган. Уларнинг 31 фоизи саноатда, қолганлари эса қишлоқ хужалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ҳамда таъминот тармоқларида меҳнат қилишган.

Ишчилар синфининг сони маҳаллий халқ ҳисобидан ҳам кўпайган. 1970 йилда республика халқ хужалигида 172 минг нафар қирғиз ишчилари меҳнат қилишган. Бу кўрсаткич 1959 йилга нисбатан 2,4 ҳиссага кўп эди. 1963 — 1985 йилларда саноат ишчиларининг ва хизматчиларининг сони 2 ҳиссага ўсган бўлса, уларнинг орасида қирғизлар 4 ҳиссага кўпайган, лекин қирғиз ёшларининг орасида мутахассис ишчиларни ва инженер-техникларни тайёрлашга етарлича эътибор берилган эмас. 1985 йилда республикада 360 минг қирғиз миллатига мансуб ишчилар мавжуд бўлиб, улар республикадаги жами ишчиларнинг 40 фоизини ташкил этган ҳолос. Уларнинг ҳам кўпчилиги қишлоқ хужалигида, транспортда, қурилишда ва бошқа соҳаларда меҳнат қилишган. Саноатнинг индустрлашган соҳаларида эса асосан СССР нинг марказий ҳудудларидан келган ишчилар меҳнат қилишган. Маҳаллий халқлардан мутахассис ишчиларни тайёрлаш ўрнига малакали иш кучини ташқаридан жалб этиш, уларга меҳнат қилиш ҳамда яшаш учун энг қулай шароитларни яратиш одати кучайган. Бу ҳолат маҳаллий ишчилар синфининг ривожланишига тўсқинлик қилган. Қирғизистонда маҳаллий халқ вакиллари орасида саноатнинг индустрлашган соҳалари учун мутахассисларнинг кам эканлиги ўша вақтдаги маъмуриятнинг нотўғри сиёсати натижаси эди, деб ҳулоса чиқариш ҳам унчалик тўғри эмас. Совет ҳокимияти ўз тараққиётининг барча давларида ҳам иттифоқдош республикаларнинг миллий ишчилар синфини ривожлантиришга эътибор бериб келган. Завод-фабрикаларда ишлашни хоҳловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган, саноатнинг индустрлашган соҳалари учун мутахассисларни тайёрловчи ўқув юртларида маҳаллий миллат ёшлари озчилигини ташкил этган. Қирғиз ёшлари саноатнинг индустрлашган тармоқларига ишга жойлашгани билан бу соҳадаги каттиқ интизом ҳамда талаб-

ларга чидай олмасдан тез орада бўшаб кетганлар. Демак, Совет ҳокимияти даврида миллий ишчилар синфининг ривожига камчиликлар халқимизнинг менталитети билан ҳам боғлиқ бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, “ривожланган социализм” даврида Қирғизистон саноати олдинги йилларга нисбатан бирмунча яхши ривожланган. Халқ хўжалигини ислоҳ этиш натижасида республикада бир қатор янги саноат корхоналари қурилиб фойдаланишга топширилган. Бу даврга келиб, республика саноат корхоналари фаолиятига юқоридан кўрсатмалар бериш оз булсада камайган. Натижада корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги бирмунча кенгайган.

Бу даврларда Қирғизистонда энергетика, рангли металлургия, машинасозлик, электроника, электр техникалари, ускуна-созлик ҳамда қурилиш индустрияси ҳар қачонгидан ҳам юқори даражада ривожланган. Республика саноатини юксалтириш учун Иттифоқ бюджетидан катта миқдордаги пул харажатлари ажратилиб турилган. Натижада гоят қисқа муддатларда кўп қувватли ГЭС лар, янги заводлар, фабрикалар ҳамда комбинатлар қурилиб, маҳсулот бера бошлаганлар. Лекин “ривожланган социализм” йилларида маъмурий-буйруқбозлик ҳокимияти иқтисодиётни интенсив йўл билан ривожлантиришга унчалик аҳамият бермаган. Ана шунга боғлиқ равишда, республиканинг иқтисодиёти, жумладан саноати ҳам экстенсив ҳолатда ривожланиб, меҳнат унумдорлиги кўтарилган эмас. Саноат маҳсулотларининг ҳажми кўпайгани билан, уларнинг таннархи ҳам йил сайин ортиб бораверган.

Саноатнинг экстенсив тарзда ривожланиши 80-йилларнинг бошларига келиб, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб бўлди. Юзага келган аҳволни яхшилаш учун ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан узгартириш лозим эди. Буни СССР нинг юқори раҳбарияти ҳам яхши тушунган.

#### САВОЛЛАР:

1. Итимоий-сиёсий ҳаётдаги узгаришлар туғрисида сузлаб беринг.
2. Партия-давлат ҳокимияти қай тарзда мустаҳкамланиб борган?
3. Ўша пайтлардаги партия ва совет етакчилари ҳақида нималарни биласиз?
4. Республикадаги жамоатчилик ҳаракатларига тавсиф беринг.
5. Иқтисодий ислоҳотлар даврида саноат қандай ривожланган? Ишлаб чиқаришнинг экстенсив ривожланишини қандай тушунасиз?
6. Республика ишчилар синфининг ривожланишида қандай хусусиятлар кўзга ташланади?



## 21-§. ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ВА ОВУЛ-ҚИШЛОҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ (1964 – 1985 йй.)

Қишлоқ хўжалиги 60-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврдаги Қирғизистон қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги сўзимизни КПСС МК нинг март (1965-й) Пленумидан бошлаганимиз уринлидир. Чунки бу пленумда “СССР қишлоқ хўжалигини бундан кейинги ривожлантиришнинг кечиктириб бўлмас чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Унда бутун мамлакат бўйлаб бошланган иқтисодий ислохотларга мувофиқ, қишлоқ хўжалигини тезроқ юксалтиришнинг узоқ йилларга мулжалланган комплекс программасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган. Пленум қарорлари КПСС нинг съездлари ҳамда партия ва Совет ҳукуматининг бошқа қарорларида тўлдирилиб, ривожлантириб борилди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг комплекс программасини амалга ошириш учун ушбу йилларда мамлакат миллий бюджетидан зарур пул ҳаражатлари кўпроқ ажратиб турилган. Мамлакатнинг барча ерида бўлганидек, Қирғизистон қишлоқ хўжалигига ҳам катта эътибор берилди бошланган. Жумладан, 1966 — 1975 йилларда республика қишлоқ хўжалиги учун давлат ҳамда колхоз харажатлари ҳисобидан 2 млрд. 586 млн. сўм, кейинги ўн йилликда (1976 — 1985йй.) эса 4 млрд. 33 млн. сўм ҳажмидаги капитал маблағлар сарфланган.

Мазкур харажатлар, асосан, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йуналтирилган. Натижалар ёмон бўлмаган. Масалан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида гоят аҳамиятли бўлган трактор паркларининг куч-қуввати ошган. Агар 1965 йилда республика қишлоқ хўжалигида тебратгичларнинг қувватини қўшиб ҳисоблаганда 800 минг от кучига баробар бўлган 19,3 минг трактор бўлган бўлса, 1985 йилга келиб 29,2 минг трактор мавжуд бўлиб, улар тебратгичларининг умумий қуввати 2,8 млн от кучига эга эди.

1985 йилга келиб, Қирғизистонда ҳар бир хўжаликка ўртача 72 трактор, 36 юк ташувчи автомобил ҳамда 20 комбайн тўғри келган бўлиб, қишлоқ хўжалигининг энергия қуввати 1965 йилга нисбатан 5 ҳиссага ўсган. Қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага ўсиб етган. Колхоз ва совхозларнинг машина-трактор парклари қайтадан қурилиб, янги, унумдорлиги юқори даражада бўлган техникалар билан таъминланган. Шундай бўлсада, Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг машина-тракторлар ҳамда бошқа техникалар билан таъминланиши иттифоқ миқёсидаги ўртача умумий кўрсаткичларнинг бешдан уч қисминигина ташкил этган. Ачинарли томони шуки, республикада ўша вақтда мавжуд бўлган техникаларнинг ҳам барчасидан тўлиқ фойдаланилган эмас. Хўжалик етакчиларининг, мутахассислар ва механизаторларнинг

ишга совуққонлик билан муносабатда бўлишлари натижасида техникаларни сақлаш, уз вақтида созлаш ҳамда улардан тугри фойдаланиш борасида бир қатор камчиликлар вужудга келган. Бунга қишлоқ хўжалиги техникаларини созлаш учун зарур эҳтиёт қисмларни республикага эҳтиёждагидан 1,5 — 2 баробар кам олиб келинганлиги ҳам сабаб бўлган. Натижада қишлоқ хўжалик техникаларининг кўпчилиги муддатидан эрта бузилиб, яроксиз ҳолга келиб қолган. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш борасида ҳам объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ равишда бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолиб кетган.

Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида электр қувватидан кўпроқ фойдаланиш имконияти тугилган. Бу вақтга келиб, бир қатор кўп қувватли ГЭС ларнинг ишга туширилганлиги натижасида республикада электр энергияси ишлаб чиқариш бир мунча кўпайган. 1965 — 1985 йилларда мавжуд ГЭС ларнинг умумий қуввати 2493 минг кВт. соатдан 22416 минг кВт. соатга, бошқанча айтганда, 9 ҳиссага яқин, электр энергиясини ишлаб чиқариш эса 999,3 млн. кВт соатдан 6063,5 млн. кВт соатга ёки 6 ҳиссадан ортиқроқ даражага ўсиб етган. Бунинг натажасида барча районлар, колхоз ва совхозлар ҳамда овул-қишлоқлар марказлаштирилган давлат энергия тармоғига туташтирилган. 1985 йилга келиб, республиканинг қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган ҳар бир кишига йилига 2753 кВт соат электр энергияси тугри келган. Бу борадаги курсаткичлар ҳам 8 ҳиссага кўпайган.

Қирғизистон шароитида ерларни мелиорациялаштиришнинг аҳамияти ҳисобга олиниб, бу соҳага давлат ҳисобидан 1,3 млрд. сўм, колхозлар ҳисобидан эса 130 млн. сўм бўлинган. Ушбу харажатлар бу мақсад учун шу кунгача 40 йил давомида бўлинган умумий харажатлардан 5 ҳисса кўп эди. Натижада янги сугориш системалари сувни сақлашга, ундан унумли фойдаланишга мувофиқлаштирилган йирик қурилишлар ишга туширилган. 224 минг га ҳайдов ерларга ҳамда 1789 минг га. яйловларга сув чиқарилган. Сугориладиган майдонларнинг ҳажми 1 млн. гектардан ошган. Иттифоқда биринчи бўлиб Қирғизистонда сугоришда сувни бўлиштириш юзасидан автоматлаштирилган система ишлай бошлаган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши борасидаги силжишлар унинг суръатлари ҳамда табиатига мувофиқ, ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришни талаб этар эди. 60-йилларнинг ўрталарига келиб мамлакатда вужудга келган субъектив, палапартиш ва зўравонларча бошқарувдан бош тортишга, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада қишлоқ хўжалигига капитал маблағларни бўлиштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда нарх-наво сиёсатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Колхоз ва совхозларга, хўжаликлараро корхоналар ҳамда

маҳкамаларга махсус режалар асосида давлатга маҳсулотларни сотиш вазифаси юклатилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг нархлари бир веча бор оширилган. Режадан ортиқча хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун оширилган нархлар жорий этилиб, уларнинг сони ҳамда сифатига яраша ҳақ тулаш тартиблари жорий этилган.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасида саккизинчи беш йилликда колхозчиларга қатъий белгиланган иш ҳақи тулаш тартибларининг, тўққизинчи беш йилликда эса республика қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг янги шакли сифатида хўжалик ҳисобининг жорий этилиши каби ишлар муҳим аҳамият касб этган. Қишлоқ хўжалик соҳаларини ихтисослаштириш, йириклаштириш ҳамда хўжаликлараро корxonалар ва маҳкамаларни ташкил этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришнинг асосий омили сифатида ушбу соҳа бошқарув системасини такомиллаштириш, хўжалик юритиш ва бошқарув тартибларининг янги услубларини жорий этиш юзасидан тегишли чоралар амалга оширилган. Бундай чора-тадбирлар маъмурий-буйруқбозлик йўли билан бошқарилувчи иқтисодиёт шароитида жорий этилганлиги боис уларнинг кўпчилиги тез орада ўз аҳамиятини йўқота бошлаган, айримлари эса ишлаб чиқариш ривожига тўсқинлик ҳам қилган.

Қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун сарфланган капитал маблағлар ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг натижасида республика қишлоқ хўжалигида яратилган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажми ҳар беш йиллик сари ўсиб борган. Режали иқтисодиёт шартида қишлоқ хўжалигининг экстенсив табиати, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги янги иқтисодий тартибларнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган ҳокимият томонидан чеклаб қўйилиши, энг асосийси, ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлиги билан уйғунлашмаганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи унинг барча асосий турлари бўйича тинимсиз юқорилаб борган.

1965 — 1985 йиллар оралигида республика хўжаликларида бир центнер бугдойнинг, пахтанинг, картошка ва тамақининг таннархи икки баробарга, сабзавот-полиэкинларининг таннархи эса беш баробарга ошган. Бундай ҳолат чорвачилик маҳсулотлари учун ҳам хос бўлган. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий шартларда, айниқса ун биринчи беш йиллик давомида қишлоқ хўжалигининг таназзули янада кескинлашган. 1985 йилга келиб Қирғизистондаги колхозлар ва совхозларнинг 60,6 фоизи давлат бюджети учун зарарли ҳолатда фаолият кўрсата бошлаган. Хўжаликларнинг давлатга бўлган қаралари йил сайин кўпайган.

Овул-қишлоқларнинг  
ижтимоий турмуши

Овул-қишлоқлар аҳолисining реал  
даромадларини ошириш борасида ушбу  
йилларда бир қатор прогрессив чоратад-

бирлар амалга оширилган. Масалан, саккизинчи беш йилликда  
колхозчиларнинг меҳнатлари учун ойма-ой аниқ белгиланган  
иш ҳақи тулаш тартиблари жорий этилган.

Колхозчиларнинг ишлаб чиқаришдан манфаатдорликлари-  
ни ошириш мақсадида давлатга сотиладиган қишлоқ хўжалик  
маҳсулотларининг давлат харид нархлари бир неча бор кўтарил-  
ган. Буларнинг натижасида Қирғизистонда 1965 — 1985 йил-  
ларда колхозчиларнинг ойлик маошлари 69 сумдан 160 сумгача  
кўтарилган. Бу кўрсаткичлар совхозларда 66 сумдан 140 сумга-  
ча бўлган ўсишни ташкил этган. Овул-қишлоқлар аҳолисining  
умумий даромадларида меҳнатлари учун олган иш ҳақларининг  
ҳиссаси юқори бўлган. Масалан, 1985 йилда Қирғизистондаги  
колхозчи оилалар умумий даромадларининг 52,4 фоизини, со-  
вхоз ишчилари оилалари умумий даромадларининг 56,5 фоизи-  
ни жамоа хўжаликлари тулаган иш ҳақлари ташкил этган.

Лекин қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тулаш системаси-  
нинг такомиллаштирилиши барча хўжаликларда ҳам меҳнат  
унумдорлигининг ўсишини ёки халқнинг реал даромадлари  
кўпайишини таъминлаган эмас. Кўплаб хўжаликларда меҳнат-  
га яраша ҳақ тулаш борасида адолатсизликларга йўл қўйилган.  
Баъзи бир хўжаликлар зарар куриб ишлаётганликларига қара-  
масдан, иш ҳақини маъмурий йўл билан ошириб бораверганлар.  
Йиллик даромаднинг барчасини тулалигича иш ҳақлари учун  
сарфлаб юборган хўжаликлар ҳам бўлган. Меҳнатга ҳақ тулаш-  
да социалистик адолат мезонининг бузилиши, ишчиларнинг  
ишлаб чиқаришга бўлган манфаатдорлигини пасайтирган. Ушбу  
ҳолат қишлоқ хўжалиги инқирозга учрашининг асосий сабабла-  
ридан бири эди.

1966 — 1985 йилларда жамиятда ижтимоий таъминотни ях-  
шилашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида, овул-қишлоқ-  
ларнинг аҳолиси ижтимоий ҳимоя фондлари ҳисобидан ҳам те-  
гишли даромадларни олиб туришган. Масалан, саккизинчи беш  
йилликдан колхозчиларни нафақа ва бошқа туловлар билан таъ-  
минлаш жорий этилган бўлиб, кейинги йиллардан бошлаб бу  
чора-тадбирлар янада ривожлантирилган. Уринсиз маъмурий чек-  
лашларга қарамасдан, овул-қишлоқлар аҳолиси ўз ёрдамчи хужа-  
ликларидан ҳам умумий даромадларининг учдан бир қисмига  
яқинини ишлаб товишга муваффақ бўлганлар.

Овул-қишлоқлар аҳолисining керакли товарларга бўлган  
эҳтиёжларини қондириш, уларни савдо, маиший хизмат, уму-  
ий овқатланиш корхоналари, транспорт ҳамда алоқа хизмати  
билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам бир мунча яхшиланган.  
Лекин бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам кўп  
эди. 1985 йилга келиб ҳам, Қирғизистондаги 269 овул-қишлоқ-  
ларда кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан 424

тасида эса саноат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дуқонлар бўлмаган. Мазкур қишлоқлар аҳолиси зарур маҳсулотларни харид қилиш учун одатда 3 — 10 км., баъзан ундан ҳам узоқроқ масофани босиб ўтишга мажбур бўлишган.

Овул-қишлоқлар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини яхшилаш борасидаги ҳаракатларнинг натижасида, 1985 йилда республика бўйича 2508 маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият олиб борган. Лекин шу йилнинг ўзида Қирғизистондаги 1241 овул-қишлоқлар аҳолиси маиший хизмат корхоналарининг, ҳатто буюртмаларни қабул қилувчи бўлимларнинг фаолиятдан ҳам фойдалана олмаганлар. 1985 йилда овул-қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражаси бўйича Қирғизистон 15 иттифокдош республика орасида ун учинчи ўринда қолиб кетган.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган алоқа хизмати бир мунча яхшилانган. Овул-қишлоқлардаги почта, телефон ҳамда телеграф алоқаларининг моддий-техника базаси, уларнинг хизмат кўрсатиш салоҳияти яхшиланган. Ушбу муваффақиятлар билан бир қаторда 1985 йилда республиканинг 1010 овул-қишлоқларида алоқа бўлимлари фаолияти йулга қўйилмаган. Уларнинг 678 таси Ўш, 73 таси Иссиқкул, 44 таси Норин областларига, 144 таси эса бевосита республикага бўйсунувчи районларга тегишли эди.

Ижтимоий турмушнинг энг асосий муаммоларидан бири ҳамма вақт ҳам турар жой масаласи бўлганлиги шубҳасиздир. Бу борада 1964 — 1985 йилларда республиканинг овул-қишлоқларида бир қатор муваффақиятли ўзгаришлар кўзга ташланган. Республика раҳбарияти ҳамда тегишли юқори ҳокимият идоралари овул-қишлоқлар аҳолисини турар жой билан таъминлаш, овул-қишлоқлар инфраструктурасини яхшилаш ва ободонлаштириш борасида баъзи бир ишларни амалга оширганлар. Натижада республика овул-қишлоқларида турар жойлар қурилиши кўпайган, купгина овул-қишлоқлар ободонлаштирилган.

Маъмурий-буйруқбозлик бошқарувининг амалга оширган сисёати натижасида Қирғизистондаги овул-қишлоқларни йириклаштириш ҳаракати авж олган. Бу борадаги чора-тадбирлар натижасида 1965 — 1985 йиллар оралигида республикадаги овул-қишлоқларнинг сони 3524 дан 1762 тага камайган. “Алоҳида ҳаракатлар” нинг оқибатида овул-қишлоқларни йириклаштириш кўрсаткичлари бўйича Қирғизистон Иттифок миқёсида Молдавия ва Арманистондан сунг учинчи ўринга кутарилган.

Йириклаштирилган овул-қишлоқларнинг баъзиларида ижтимоий-маданий таъминот иши бир мунча яхшиланган. Лекин бу борада шошқалоқликка ва ўзбошимчаликларга йул қўйилиб, чорвачилик ҳамда деҳқончилик учун қулай табиий шароитларга эга бўлган қишлоқлар ҳам бекор қилинган, уларнинг аҳолиси эса зўрлик билан марказий қишлоқларга кўчириб юборилган. Баъзи бир овул-қишлоқларга нисбатан “истиқболсиз” деган

фикрни рукач қилиб, уларни бузиб ташлаш, йириқлаштирилган қишлоқларда кўп қаватли ҳамда кўп хонали уйларни қуриш учун аслида иқтисодий-ижтимоий зарурият йўқ эди.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, "ривожланган социализм" даврида қишлоқ аҳолисининг сиҳат-саломатлигини сақлаш борасида, нисбатан олганда, улкан муваффақиятлар қўлга киритилган. Соғлиқни сақлаш маҳкамаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни овул-қишлоқларга жойлаштириш, олий ва урта маълумотли мутахассислар билан таъминлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилган. Бу соҳада ҳам қўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда ҳал этилмаётган кўплаб муаммолар ҳам мавжуд эди. 1985 йилга келиб ҳам республикадаги 539 та овул-қишлоқлар аҳолиси тиббий ёрдам учун 10 км.га қадар, 105 та овул-қишлоқлар аҳолиси эса янада узоқроқ йўл босишларига тўғри келган. Овул-қишлоқлар аҳолисининг улими сабаблари тадқиқ этилганда, уларнинг кўпчилиги қон айланиш системасидаги касалликлардан вафот этишлари кузатишган. Бу касаллик, айниқса, эркакларда кўп учраши аниқланган. Уртача ҳисоб билан, ҳар йили овул-қишлоқларда 1,5 минг киши онкологик касалликлар туфайли вафот этган. 1985 йилда Қирғизистон қишлоқларида 1980 йилга нисбатан 1218 нафар кўпроқ киши оламдан ўтган. Қишлоқлардаги аёллар ва ёш болаларнинг 80 фоизи камқонликдан жабр тортган, янги тугилган чақалоқларда гипотрофия ва рахит касалликлари кўп кузатишган.

Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида бир ёшга етмаган болалар улими ҳар минг болага 6 — 9 нафардан тўғри келиши аниқланган. СССР да бу кўрсаткич ҳар минг болага 25 нафарни ташкил этгани ҳолда, Қирғизистонда 1980 йилда тугилган ҳар минг боланинг 48,4 нафари, 1985 йилда эса 47,2 нафари бир ёшга ҳам етмай ҳаётдан кўз юмганлар. Республиканинг баъзи бир қишлоқ кенгашлари буйича олганда эса, бу мудҳиш кўрсаткичлар минг болага 150 нафаргача тўғри келган.

Фармонбардорлик негизига қурилган иқтисодиёт шароитида ижтимоий муаммоларга иккинчи даражали масала сифатида қаралганлиги овул-қишлоқлардаги маданият уйлари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Расмий статистик маълумотларга қараганда, СССР да, жумладан Қирғизистонда ҳам, 60-йиллардан бошлаб маданият соҳаларига ажратилган капитал маблағларининг ҳажми ҳар беш йиллик давомида камайиб бораверган. 70-йиллардаги иқтисодий тургунлик даврида ижтимоий таъминот соҳаларига ажратилган маблағлар ҳажми ҳам қисқарган. Маблаг етишмаслиги туфайли, халқнинг маданий савиясини юксалтиришга қаратилган пишиқ-пухта қарорлар ҳамда чақириқлар республикадаги иқтисодиёти бирмунча яхши ривожланган баъзи бир хўжаликлар томонидангина озми-кўпми бажарилиб, кўпчилик овул-қишлоқларда эса уларга ҳатто эътибор ҳам берилмаган ҳоллар кўзга ташланган. 80-йилларнинг урта-

ларига келиб ҳам республиканинг 800 овул-қишлоқларида клублар, 511 тасида кутубхоналар ҳамда 874 тасида кинофильмлар қўювчи мосламалар мавжуд эмас эди. Чуй водийсининг тоғ этаклари ёки тоғ бағридаги, асосан қирғизлар истиқомат қилувчи ҳар икки қишлоқнинг биттасида, Ўш областининг ҳар уч қишлоғидан биттасида клублар фаолияти умуман йўлга қўйилган эмас.

Республика овул-қишлоқларидаги маданият маҳкамаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қандай аянчли даражада эътибор берилган бўлса, уларни мутахассислар билан таъминлашнинг аҳволи ҳам ундан заррача фарқ қилмаган. Маблағларнинг етишмаслиги туфайли қишлоқ маданияти соҳаларида ишлаётган кишиларга етарли даражада маданий ёки маънавий имкониятлар яратилмаган.

#### САВОЛЛАР:

1. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси қай даражада ривожлантирилган?
2. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатлари қандай тартибда ўзгартирилган?
3. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетишига нималар сабаб бўлган?
4. Овул-қишлоқлар аҳолисининг реал даромадлари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Қишлоқ халқининг турмуш тарзи ва уларнинг маданий эҳтиёжларининг қондирилиши қандай даражада эди?

## 22-§. ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1985 – 1991 йиллар)

**Жамиятнинг сиёсий ҳаёти. Ижтимоий оғдаги уйғониш** 80-йилларнинг урталарига келиб, Совет жамиятининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқирози гоят кескинлашди. Мамлакатдаги ҳукмрон маъмурий буйруқ-бозлик системаси давр тараққиётига тушов бўлаётганлиги очиқ-ойдин кўрина бошлади. Иттифоқ миқёсидаги ички зиддиятлар мамлакатнинг ташқи сиёсатидаги инқирозлар билан уйғунлаша бошлади. Халқаро майдонда ҳам, жаҳон социалистик системасида ҳам СССР нинг обрў-эътибори пасайиб кетди.

Л.И.Брежнев вафотидан сўнг, 1982 йилнинг ноябрида, ҳокимият тепасига келган Ю.В.Андропов коррупция чангалига аралашиб қолган партия — давлат маъмуриятини тозалашга, мамлакатдаги мавжуд ҳолатни яхшилашга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширди. Тобора пасайиб бораётган меҳнат унумдорлигини кўтариш учун меҳнат интизомини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратилди. Мазкур ҳаракатлар оз бўлсада ўз натижаларини берган. Лекин Ю.В.Андроповнинг вафотидан сўнг

(1984 йил февраль) К.У.Черненконинг ҳокимиятга келиши билан эски “брежневча тартиблар” қайтадан ўз ўрнига келтирилди. К.Черненко мамлакатни идора этган бир йил давомида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида бирорта ҳам аҳамиятли масала ҳал этилган эмас. Партия — давлат раҳбариятининг энг юқори идораларидаги етакчиларнинг бир қисми мавжуд система ўз умрини яшаб бўлганлигини, уни яхшилаш учун ҳеч қандай имконият қолмаганлигини тушуниб етганлар. Ана шундай бир вазиятда, 1985 йилнинг 15 мартда КПСС МК нинг бош котиблигига М.С. Горбачев сайланди. Эскича тартиблар ўз умрини яшаб бўлганлигини яхши тушунган М.С. Горбачев партиянинг апрель (1985 йил) Пленумида жамиятнинг ижтимоий — иқтисодий турмушидаги мавжуд бир қатор муаммоларни янгича ҳал этишни таклиф этди. Пленумда мамлакат ижтимоий — иқтисодий тараққиётининг янги йўналишлари эълон қилинган.

Партия — давлат органларидаги коррупцияга чек қўйиш мақсадида, раҳбариятнинг юқори доиралардаги бир қатор арбоблари хизмат лавозимларидан четлаштирилиб, уларнинг ўрнига янгича фикрловчи кишилар қўйилди. Партиявий раҳбариятдаги бундай ўзгаришлар бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилган. 1985 йилга келиб, Қирғизистон Компартияси МК ни чорак асрга яқин бошқариб келган Т. Усубалиев лавозимидан бўшатилиб, унинг ўрнига Апсамат Масалиев сайланган. Бир қатор областларнинг, районларнинг етакчилари ҳам ўзгартирилди. Республика партия — давлат бошқарувидаги юқори лавозимларнинг кўпчилиги марказдан юборилган “десант” лар ҳисобига “мустаҳкамланган”. Илгари Қирғизистонда умуман ишламаган Т. Киселев Қирғизистон Компартиясининг иккинчи секретарлигига, М. Горбачевнинг юртдошларидан бўлган Н.Семёнов саноат котиблигига, М.Василенко эса кадрларни танлаш ҳамда жойлаштириш бўлими етакчилигига юборилганлар.



Апсамат Масалиев

*Масалиев Апсамат — партия ва давлат арбоби. 1933 йилда Фрунзе районидаги Алиш қишлоғида тугилган. 1956 йили Москва тоғ-қон институтини тамомлагач, аввалига тошқўмир қонида, сўнгра партия органларида меҳнат қилган. 1964 йилда КПСС МК қошидаги Олий партия мактабини тамомлагач, партия ва совет органларидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1969 — 1971 йилларда Тошқўмир шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, 1971 — 1974 йилларда Қирғизистон КП МК да саноат транспорти бўлимининг етакчиси, 1974-йилда Қирғизистон КП МК нинг секретари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1974 йилда Ис-*



*сиққул область партия комитетининг биринчи секретари этиб тайинланган, сўнгра КПСС МК нинг маъмуриятида ишлаган. 1985 йилда Қирғизистон КП МК нинг биринчи секретарлигига сайланиб, 1990 йилгача мазкур лавозимда фаолият олиб борган. 1990 йилда Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлиб ишлаган. 1992 йилдан Қирғизистон Компартиясига етакчилик қилган.*

Қирғизистондаги энг йирик Ўш областининг Ижроия Комитети раислигига Н. Чепелев тайинланган.

Партия — давлат раҳбариятининг юқори лавозимларидаги кишиларни рус миллатига мансуб етакчилар билан алмаштириш Иттифоқнинг бошқа республикалари ҳамда ўлкаларида ҳам амалга оширилган. Кадрлар масаласидаги бундай сиёсат баъзи ерларда норозиликларга, ҳатто очиқ турдаги норозиликларга ҳам сабаб бўлган. Масалан Қозогистон Компартияси МК нинг биринчи секретари Д. Кунаев ўрнига марказдан юборилган Г.В. Колбининг тайинланиши қозоқ ёшларининг оммавий норозилик намоёишини келтириб чиқарган. Бу ҳаракат “миллатчилик” кўриниши сифатида қаттиқ жазоланган.

КПСС нинг XXVII съездида “СССР нинг 1986 — 1990 йиллар ҳамда 2000 йилгача бўлган даврдаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари” қабул қилинган. Съезд ҳужжатлари М. Горбачёв бошлаган жадаллаштириш борасидаги асосий вазифаларни тасдиқлаган.

Қирғизистон Компартиясининг навбатдаги XXVII съезди, КПСС XXVII съезди ҳужжатларини тўлалигича маъқуллаб; уларни республика шароитларига мос келувчи ихчамроқ шакллари ни ишлаб чиқди. Шундай қилиб, жадаллаштириш борасидаги чора тадбирларни ишлаб чиққан янги партия — давлат раҳбарияти мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартирмасдан туриб, эскича маъмурий — буйруқбозлик йўли билан янги ислохотларни амалга оширишга киришди. Лекин мамлакатнинг ун беш йилга мўлжалланган тараққиёт режасини эскича услублар билан ниҳоясига етказиш мумкин бўлмаган бир иш эди.

М.С.Горбачёв КПСС МК нинг январь (1987 йили) пленумида ошқоралик деган янги сиёсатини эълон қилган. Натижада оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги мавжуд камчиликларни аввалига аста-секинлик билан, кейинчалик тўла-ошқора суръатда очиб ташлай бошлаганлар. Лекин йўл қўйилган ҳатоликларнинг барчаси социалистик қурилишнинг ленинча тамойилларидан чекинилганлигининг натижаси эди, — деган тушунча кенг тарғиб этила бошланган. Бундан “ленинча тамойилларни қайта тиклаш зарурияти” тўғрисидаги худосалар вужудга кела бошлаган. Октябрь инқилобининг 70 йиллигига бағишланган тантаналар аксилсталинча руҳда, идеал социализмни қуриш даъватлари остида ўтказилган. Ана шун-

дай бир вазиятда КПСС нинг Москва шаҳаркомининг етакчиси В. Н. Ельцин ошкоралик сиёсатини кучайтириш талаби билан қатъий сиёсий курашга чиққан. Бутун мамлакатда сталинча қатагонлар қурбонларини оқлаш иши қайтадан жонланган. Партиянинг гоявий фаолтида ҳам сезиларли узгаришлар кўзга ташланган. КПСС олий раҳбариятининг сиёсий нуфузи ҳам пасая бошлаган. КПСС нинг 1988 йил июнда булиб ўтган XIX партия конференциясида М.Горбачев мамлакатнинг сиёсий системасини ислоҳ этишга қаратилган "инсонпарвар демократик социализм" моделини баён этган. Конференцияда шаҳар, район ва бошқа партия комитетлари котиблари вазифасини янгидан ташкил этилаётган советларнинг раислари фаолияти билан қўшиб олиб бориш масаласи муҳокама этилган. Бу орқали халқ вакилларининг фаоллигини оширишга ҳаракат қилинган. Бунда партком котиблари муқобил сайловларнинг чигиригидан ўтишлари кўзда тутилган эди. Аммо ушбу таклифнинг қабул қилинишига партokratик кучлар йўл қўйишмаган. Шунга қарамаздан, конференцияда сайловларнинг янги ислоҳотини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу қарор демократик тамойилларни амалга ошириш борасида муҳим қадам булган. Натижада "жамоатчилик ташкилотлари" муқобил сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини қулга киритганлар.

1988 - 1989 йилларда СССР да, жумладан Қирғизистонда ҳам янгича сиёсий вазият вужудга келган. Агарда бунга қадар қайта қуриш юқоридан, ҳокимият томонидан амалга оширилиб келинган булса, энди бундай ташаббус "қўйига" ўтган, яъни кенг халқ оммаси ва жамоатчилик ҳаракатлари ҳам қайта қуриш ишига фаол аралаша бошлаганлар. Жамият турмушининг сиёсатлашуви тезлашган. Қирғизистонда ҳам ёшларнинг дастлабки сиёсий мунозара клублари фаолияти йўлга қўйилган. Унда иштирок этувчилар жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни қизгин муҳокама этишиб, уларнинг фикрларини эркин баён эта бошлаганлар. Бу борада республикада биринчилардан бўлиб ташкил этилган "Комсомолец Киргизии" газетаси қошидаги "Демос" клуби ва электрон-ҳисоблаш машиналари заводида ташкил этилган "Замондош" клубларининг фаолиятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин булар ҳали ҳокимиятга нисбатан муҳолиф кучлар бўла олмас эдилар.

1988 йилдан бошлаб ёшларнинг мунозарага интилувчи ташаббускорлиги жонлана бошлаган. Қирғизистон Давлат Университетидаги "Замондош" клуби, Давлат режалаштириш комитетининг иқтисодиёт институтидаги "Нуқтаи назар", Норин областининг Мингкуш қишлоғида жойлашган "Оргтехника" заводидаги "Ташаббускор ёшлар бирдамлиги", Москва шаҳридаги қирғиз ёшларининг "Ҳақиқат" мунозара клублари фаолияти бунинг ёрқин исботидир.

1989 йилги сайлов компанияси бошланиши билан мазкур уюшмалар сиёсий-гоявий мунозаралардан амалий ишларга ўтиб,

сайловларда фаол иштирок эта бошлаганлар. Қирғизистонда мустақил ассоциациялар, иттифоқлар ҳамда бирлашмалар вужудга кела бошлаган.

1989 йилнинг баҳоридан республикада миллий тусдаги ҳаракатлар фаоллаша бошлади. Июнь ойида қирғиз ёшлари ташаббус курсатишиб, Бишкек шаҳрининг жанубий-шарқий тарафидаги ер-майдонларини оммавий тарзда эгаллай бошлаганлар. Бу тарздаги ҳаракатлар республика раҳбарияти учун мутлақо кутилмаган иш эди. Уз уйларига эга бўлишнинг бундай кескин йулини тутган ёшлар мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун "Ҳашар" номли жамиятга бирлашганлар. Уш шаҳридаги қирғиз ёшлари "Уш аймаги" номли, ўзбек ёшлари эса "Адолат" номли жамиятларни ташкил этишган. Улар ҳам шаҳар маъмуриятининг буйругини кутиб утирмасдан, ер участкаларини ихтиёрий тарзда эгаллашиб, уларининг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлари учун кураша бошлаганлар.

Республикада куппартиявийликнинг вужудга келишида "Ҳашар" жамоатчилик ҳаракати муҳим роль уйнаган. Ушбу ҳаракат қисқа бир муддат ичида, ихтиёрий ер участкаларини эгаллаб, уй қуришга киришган ёшларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳаракатдан сиёсий уюшма даражасига ўсиб етди. 1989 йилнинг март — апрель ойларида "Асаба" ҳамда "Фуқаролик ташаббуси" номли миллий-демократик бирлашмалар ташкил топган. Мазкур уюшмалар "Ҳашар" ҳаракатининг сиёсийлашган қисми билан биргаликда, 1990 йилнинг майида вужудга келган. "Қирғизистон демократик ҳаракати" (КДҲ) нинг асосини ташкил этганлар. КДҲ республикадаги энг нуфузли ҳамда кўп миллатли сиёсий ҳаракатга айланган. Кейинчалик вужудга келган сиёсий партияларнинг купчилиги, бевосита КДҲ нинг таркибида шаклланиб, ундан ажралиб чиққанлар. КДҲ дан дастлаб, 1991 йилнинг февралда "Эркин Қирғизистон". 1991 йилнинг ноябрида эса "Асаба" миллий қайта тикланиш партиялари ажралиб чиққанлар.

КПСС мавжуд бўлиб турган вақтларда мазкур партиялар ҳамда сиёсий ҳаракатларга "норасмий" уюшмалар сифатида муносабатда бўлинган, уларнинг етакчилари оммавий ахборот воситалари томонидан "эл бузувчилар" сифатида таърифланиб, давлат органлари томонидан қувгин остига олинган. Бундай аҳвол СССР парчаланганга қадар давом этган.

Қирғизистон халқининг сиёсий фаоллиги ҳамда миллий дунёқараши ўсаётган бир шароитда Қирғизистон Компартиясининг тўлиқ назорати остида бўлган Республика Олий Совети 1989 йилнинг 23 сентябрида Қирғиз тили тўғрисидаги қонуни қабул қилди. Унда Қирғиз тилига давлат тили мақоми берилганлиги эълон қилинган. Рус тили эса миллатлараро муносабатлар тили сифатида эътироф этилиб, республикада яшаётган барча миллатларнинг тиллари тенг ҳуқуқли эканлиги, ҳамда уларнинг эркин тараққиёти таъминланиши белгилаб қўйилди.

1989 йилнинг 12 декабрида бўлиб ўтган СССР Олий Советининг навбатдан ташқари XXII сессиясида “СССР Конституциясига (Асосий Қонунига) ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ва “Халқ депутатларини сайлаш” тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши давлат ва жамиятнинг сиёсий тузилишига сезиларли ўзгаришларни киритди. Мазкур ҳужжатларнинг негизида СССР да биринчи марта халқ эрки ва хоҳиш иродасига мувофиқ, давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР халқ депутатлари съездига асос солинди.

Қирғизистон қонунчилигига мувофиқ, республикада ҳам халқ депутатлари Советларининг таъсири бирмунча ўсди. 1990 йилнинг 23 сентябрида Қирғизистон ССР Олий Совети “Қирғизистон ССР Конституциясига (Асосий қонунига) ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида” ҳамда “Қирғизистон ССР Халқ депутатлари Советларига сайловлар тўғрисида” ги қонунларни қабул қилган.

Мазкур қонунлар амалга оширилган тақдирда, республиканинг сиёсий системаси бирмунча демократиялашган, халқнинг давлат бошқарувидаги ҳаққоний роли ўсган, Советлар фаолияти эса тубдан ўзгариб, уларнинг мавқеи бирмунча яхшиланган бўлар эди.

Янги сайлов қонунларига мувофиқ, депутатларни сайлаш тартиблари ҳам ўзгарган. Советларнинг барча органларида сайловнинг беш йиллик муддати белгиланган. Депутатликка номзодлар сайловчиларнинг ишлаётган ва яшаётган ерларидаги мажлисларда (конференцияларда) курсатиладиган бўлган. Сайлов округларида халқ депутатлигига курсатилган номзодларнинг сони чекланмаган. Бундай тартиблар сайловларни муқобиллик асосида ўтказишга имкон берган. Мазкур қонунга мувофиқ, фуқаро ўзини депутатликка номзод сифатида курсатиш ҳуқуқига эга бўлган. Рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этса, сайловлар ўтказилган, — деб ҳисобланган. Сайловчиларнинг 50 фоиздан кўпроқ овозини олишга муваффақ бўлган номзодлар депутатликка сайланганлар.

1990 йилнинг февралида Қирғизистон ССР Олий ҳамда маҳаллий Советларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу — республика тарихида ўтказилган биринчи муқобил сайловлар эди. Кўпчилик сайлов округларида 2 тадан ортиқ номзодлар рўйхатга олинган бўлиб, сайловлар 2 босқичда ўтказилган, партия ва давлат раҳбарлари рўйхатга олинган округларнинг кўпчилигида муқобиллик тамойилига амал қилинмаган. Баъзи округларда эса партия маъмуриятининг етакчилари сайланмай қолганлар. Демократик сайловлардан сўнг, республика депутатлар корпусининг таркиби бир мунча ўзгарган. Советлар таркибида билимли, сайловчиларнинг талабларини яхши тушунган кишиларнинг сони кўпайган. Натижада маҳаллий советлар илгаригига қараганда бирмунча фаолроқ ишлай бошлашган. Олий Советга сайланган депутатларнинг 90 фоизини коммунистлар ташкил этсада, лекин

партия раҳбарияти советларга уз фикрини мажбурий тарзда утказиш имкониятидан маҳрум булган.

1990 йилнинг апрелида Қирғизистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси булиб утган. Унда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Апсамат Масалиев Қирғизистон ССР Олий Советининг раислигига сайланган ва давлат бошлиги ҳуқуқини қўлга киритган. Сессия давомида давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқларини тартибга солиш ҳамда президентлик ҳокимиятини жорий этиш тўғрисидаги фикрлар ўртага ташланган.

КПСС МК нинг 1990 йилнинг февралда булиб утган Пленуми СССР Конституциясидаги 6-моддани, яъни партиянинг жамиятдаги етакчилик ўрнини расмийлаштирган моддани олиб ташлашга розилик билдирган. СССР халқ депутатларининг март ойида булиб утган III съезди ушбу моддани Конституциядан чиқариб ташлаган. Марказдаги мазкур қарорлар асосида Қирғизистон ССР Олий Советининг сессияси ҳам Қирғизистон Асосий Қонунининг 6-моддасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Шундай қилиб, Иттифоқда, жумладан Қирғизистонда ҳам демократик жамиятнинг асосий белгиси булган сиёсий плюрализм ҳамда кўп партиявийлик учун кенг йўл очилган.

**Қайта қуриш** СССР иқтисодиётини қайта қуриш аввало иқтисодиётнинг бошқаришнинг янги услубларини жорий этишдан бошланган. Натижада корхоналар ҳамда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий ҳуқуқлари кенгайтирилган. Уларда бошқарув ҳамда молиялаштириш тартиблари узил-кесил хўжалик ҳисобига утказила бошланган. 1986 йилга келиб, республика саноат маҳсулотларининг 70 фоизини ишлаб чиқарувчи 125 корхона ҳамда бирлашмалар хўжалик юритишнинг ушбу услубига ўтишган. Уларда Қирғизистондаги саноат ишчиларининг ярмидан кўпи меҳнат қилган. 1987 йилдан бошлаб, қайта қуриш ислохотлари республикадаги бошқа корхоналарни, қурилиш, транспорт, алоқа ҳамда савдо-сотиқ каби халқ хўжалигининг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олди. Мамлакат иқтисодини кескин тарзда ислохот этиш тўғрисидаги қарор КПСС МК нинг 1987 йилги июль пленумида биринчи мартаба қабул қилинган. Ислохотларнинг бундай формаси, аслида маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви тартибларидан воз кечишни ҳамда халқ оммаси манфаатларини кузда тутган иқтисодий эркинлик тартибларига асосланган бошқарувга ўтишни аниқлар эди. Лекин мамлакатдаги ишлаб-чиқариш воқиталарига нисбатан мулкчиликнинг турли шаклларига йўл берилмаган.

1987 йилда СССР Олий Советининг сессияси мавжуд таназзулни тўхтатиш ва иқтисодий барқарорликни юзага келтириш мақсадида бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий этишга қаратилган қарорларни қабул қилди. 1990 йилга қадарли СССР

да бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий системага ўтиш тўғрисидаги масала ҳукумат ҳамда ишхоналар даражасида қизгин муҳокама этилди. Баъзилар бозор иқтисодиётига тўхтовсиз суръатда, тезлик билан ўтишни таклиф этсалар, бошқалари бундай муносабатларга маълум тайёргарликдан сунг, босқичма-босқич ўтиш лозимлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. Муҳокамада иштирок этган бир тараф социалистик бозор иқтисодиётини, иккинчи тараф эса капиталистик бозор иқтисодиётини афзал кўришган.

Тартибга солинган бозор иқтисодиётига ўтиш зарурми ёки бундан жамият зарар чекишини кўзда тутиб, воз кечиш керакми, — деган масала ҳам қизгин муҳокама этилган. Бозор иқтисодиёти тартиблари бўйича кенг халқ оммасидагина эмас, хатто давлат органларида ҳам аниқ бир тушунча мавжуд эмас эди.

Бу вақтда гарб мамлакатларининг кўпчилигида бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланган. Чунки ушбу мамлакатларда бозор муносабатлари табиий суръатда асрлар давомида шаклланиб, кўплаб босқичларни босиб ўтган эди. Бозор иқтисодиёти ушбу мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга зўравонларча аралашувини эмас, балки тартибга солувчилик ролини таъминлаган даражага, яъни аралаш иқтисодиёт даражасига ўсиб етган эди. Бунда ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг уйғунлашган манфаатигина ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ва маҳсулотларнинг нархини аниқлаб берган. Иқтисодиётни ташкил этиш масалалари товарга нисбатан талаб ва таклифга, нархнавога, рақобатга, бир сўз билан айтганда, бозор системасининг механизмларига боглиқ равишда ҳал этилган. Истемолчилар ўртасида талаб кучли бўлган, фойда келтириш мумкин бўлган ва нархи барқарор маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, кераксиз, арзон маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан воз кечилган. Иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган мамлакатлар, баъзи бир камчиликларга қарамасдан, тараққиётнинг янги босқичларига кўтарилишиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ажойиб муваффақиятларга эришганлар.

КПСС нинг XXVII съездида ва КПСС МК нинг октябрь (1990 йил) Пленумида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорлар Қирғизистондаги ҳокимият органлари томонидан ҳам муҳокама этилган. Республика раҳбарияти давлат мулкани бекор қилиш ҳамда кўп мулкчилик шакллариغا асосланган иқтисодиётни барпо этиш масаласига гоят эҳтиёткорлик билан киришишга келишиб олишган. Ана шунга боглиқ равишда, Қирғизистондаги партия ва давлат ҳокимияти бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш таклифини илгари сурганлар. Бунга кура, аҳолининг қўшимча ёрдамчи хўжаликларини кенгайтириш, давлат хўжаликларига тўлиқ иқтисодий эркинликни ҳамда мустақил хўжалик юритиш имкониятларини бериш, уртача корхоналар фаолиятини жонлаштириш назарда тутил-

ган эди. Шундай қилиб, 1990 — 1992 йилларда республика иқтисодийетини бозор муносабатларига ўтказиш бўйича ҳуқуқий-мезоний ҳужжатлар тайёрланган.

Қирғизистонда бозор иқтисодийетига ўтиш тўғрисидаги Қонун 1991 йилнинг 7 августда қабул қилинган. У “Қирғизистон Республикасида мулкни давлатдан ажратиш, хусусийлаштириш ҳамда ишбилармонликнинг умумий бошланиши тўғрисида” деб номланган. Ишбилармонликни кучайтириш мақсадида, қонунда давлат ҳамда коммунал корхоналарни давлат, ижара, ҳиссadorлик ҳамда олиб-сотувчи уюшмаларга айлантиришнинг йул-йуриқлари белгилаб олинган.

Халқ ҳужалиги бошқарувига бундай янги иқтисодий услубларнинг киритилиши натижасида маҳаллий партия органлари ҳужаликлар фаолиятига аралашувдан четлаштирила бошланди. Ётақчиларнинг меҳнат жамоалари томонидан муқобиллик асосида сайланиши натижасида маҳаллий партия ташкилотлари иқтисодий жараёнларга аралаша олмасдан, оддий кузатувчилик ўрнини эгаллашга мажбур бўлганлар. Шундай бўлсада, амалга оширилган ислоҳотлар иқтисодийетнинг туб асосларини ўзгартира олмасдан, маъмурий-бўйруқбозлик системасининг “соя” сида олиб борилди.

Янги иқтисодий ислоҳотлар шароитида республика бошқарувининг янги тартиблари жорий этилган. Қирғизистон халқ ҳужалигини бошқарувнинг 1988 йилда тасдиқланган Бош лойиҳасига мувофиқ, 10 министрлик ҳамда ҳокимият идоралари ва бошқарувнинг бир қатор оралиқ органлари бекор қилинган. Ишлаб чиқаришда икки босқичли бошқарув тартиблари жорий этилган. Республика бўйича бошқарув аппаратининг ярми қисқартирилган. 1989 йилда ҳуқумат Қирғизистонда узини-узи бошқарувга ҳамда узини-узи таъминлашга қаратилган концепцияни тасдиқлаган. Мазкур концепцияга 1991 йилдан ўтиш мақсадга мувофиқ, — деб топилган.

Саноатдаги объектив қийинчиликларни бартараф этиш, қабул қилинган ўн иккинчи беш йиллик топшириқларига мувофиқ, электр энергиясини кўпроқ ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат ҳамда маҳаллий саноатни юксалтириш, металлни қайта ишлаш ва кўмир саноатидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинган.

1986 — 1990 йилларда Тошкўмир ГЭСининг қурилиши якунланган. Шамолдисой ҳамда Қамбарота ГЭС ларининг қурилиши тезлашиб, Тошкўмирдаги ярим ўтказгичларни ишлаб чиқарувчи завод тўлиқ қувват билан ишлай бошлаган. “Макмал” олтин комбинати маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтган, Сарижаз ҳамда Таласдаги олтин конларини ишга тушириш жараёни тезлашган.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида республика саноат корхоналарининг деярли барчаси узини-узи бошқариш ҳамда таъминлашга ўтказилган. Бошқарувда бюрократик муносабатлар, ноу-

рий мажлисбозликлар бирмунча қисқарган. Натижада меҳнат унумдорлиги ўсган. 1986 — 1990 йиллар давомида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 17,5 фоизга кутарилган.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар бир меъёردа ишлай бошлаганлар. Уларда 200 минг нафар ишчилар меҳнат қилишган ҳамда ушбу корхоналар ялпи саноат маҳсулотларининг 40 фоизини ишлаб чиқаришган. Лекин улардан келадиган даромаднинг 3,7 фоизигина республика бюджетига келиб тушган. Ана шунинг учун республика раҳбарияти томонидан 1991 — 1995 йилларда Иттифоққа бўйсунувчи корхоналардан тушадиган фойданинг 70 фоизини республика бюджетига ўтказиш режалаштирилган эди. Лекин, 1990 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқаришининг суръатлари кескин тарзда пасайиб кетган. Сарф-ҳаражатлардан ноўрин фойдаланилиши натижасида умумий миқдори 1,3 млрд. сўмлик 50 тадан ортиқ корхоналар қурилиши битмасдан чала қолиб кетган. Ана шу даврдан бошлаб, Қирғизистон саноати ҳам мураккаб иқтисодий аҳволга гирифтормулган. Чунки СССР да ягона халқ хўжалиги комплексининг вужудга келтирилиши натижасида, Иттифоқдаги корхоналар бир-бирлари билан ўзаро мутахассисларни алмаштиришга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун бир-бирларидан хом ашё ҳамда эҳтиёт қисмларни олиб туришга мажбур эдилар. Ана шундай ички богликликнинг бузилиши, ҳудудий ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг издан чиқиши натижасида саноат ишлаб чиқаришининг инқирози авж олиб, гоят катта сарф-ҳаражатлар ҳамда меҳнатлар эвазига тикланган корхоналарни талон-тарож қилишга йўл қўйилган.

**Қишлоқ хўжалигини  
бозор иқтисодиёти  
муносабатларига  
ўтказиш ҳаракати**

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш мақсадида 1986 — 1990 йилларда ер тўғрисида, ердан фойдаланиш ҳамда унга нисбатан мулкчилик муносабатлари ва ижара тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган.

Колхоз ва совхозлар билан бир қаторда хўжалик юритишнинг бошқача усуллари ҳамда шаклларига ҳам рухсат берилган. Деҳқон хўжаликлари, кооперативлар, бригада тартиблари ҳамда ижарадорлик хўжаликлари қонулаштирилган. Маазкур хўжалик шакллариининг барчаси уз фаолиятларини чинакам хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи таъминлаш тартиблари асосида йўлга қўйганлар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда ўзаро рақобатга йўл очилган.

Республика қишлоқ хўжалиги бошқарувини яхшилаш учун собиқ қишлоқ хўжалиги, полиз-сабзаовот, гушт-сут, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ қурилиши каби етти министрликларнинг ўрнига Қирғизистон ССР Давлат агросаноат комитети ташкил этилган. 1987 йилга келиб, мазкур комитет таркибида 178 колхоз, 291 та совхоз, 43 хўжаликлараро ҳамда қишлоқ хўжалигига дахлдор бошқа корхоналар бўлган. Улардан ташқари қишлоқ хўжалиги



маҳсулотларини қайта ишловчи 6 корхона, 104 озиқ-овқат саноати корхоналари ҳамда 142 қишлоқ қурилиши уюшмалари ҳам агросаноат комитети тасарруфига кирган. Натижада қишлоқ хўжалигини режалаштириш, таъминлаш ҳамда бошқариш ягона идора ихтиёрига ўтган. Собиқ бошқарув аппаратининг деярли арми қисқартирилган.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш натижасида колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволи бирмунча яхшиланган. Уларнинг даромадлари 1986 — 1989 йилларда 47 фоизга ушиб, меҳнат унумдорлигининг меъёри тартибга солинди. Энг асосийси республиканинг халқи озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаб турилган.

Республиканинг овул-қишлоқларида 500 дан ортиқ ихтисослаштирилган товар хўжаликлари ҳамда давлат наслчилик заводлари, уруғчилик хўжаликлари ҳамда хўжаликлараро корхоналар фаолият кўрсатганлар.

1990 йилга келиб, қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағларнинг ҳажми 1008 млн. сўмни ташкил этган. Натижада қишлоқ хўжалигининг моддий базаси яхшиланган. Сугориш тармоқлари ҳам кенгайтирилган. 1990 йилда қишлоқ хўжалигининг барча турлари бўйича жами 1205,8 минг бош йирик шоҳли мол, 9972,5 минг бош қўй ва эчкилар, 393,4 минг бош чўчқа, 312,6 минг бош йилқи ҳамда 13914,5 минг дона товуқ мавжуд бўлган. Лекин чорва ҳайвонлари сонининг кўпайиши ҳисобига яйловларнинг фойдалилиги 1,5 — 2 ҳиссага пасайиб кетган. Баъзи яйловлар эса яроқсиз ҳолга келиб қолган, чорва ҳайвонларининг маҳсулдорлиги ҳам пасайган.

Деҳқончилик ҳам экстенсив тарзда ривожланиб, маҳсулотларнинг сифати эмас, балки олинган ҳосилнинг чўғи эътиборни кўпроқ жалб эта бошлаган. Натижада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи ортиб кетган. Ўша кезларда партия ва давлат ҳокимиятининг юқори органлари маҳсулотларнинг таннархини пасайтиришга, даромадларни кўпайтиришга ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби иқтисодий омилларга етарли даражада эътибор бермаганлар.

1986 — 1990 йилларда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни яхшилаш учун, давлат, режадан ортиқча етиштирилган маҳсулотларни 50 — 60 фоизга қиммат нархларга ола бошлаган. Етиштирилган маҳсулотларнинг 30 фоизини колхоз бозорларига ҳамда кооперацияларга сотишга руҳсат берилган. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида хўжалик ҳисоби асосидаги жамоавий ҳамда оилавий тартиб бўйича ишлаш усуллари жорий этилган. 1989 йилда республикадаги колхоз бўлимларининг 90 фоизи ижара тартиблари асосида иш олиб борганлар. Бундан айрим хўжаликларнинг иқтисодиёти бирмунча кўтарилган.

Лекин буйруқбоалик системаси муҳитида бир текисчиликка кўниб қолган халқ оммаси мустақил хўжалик юритишдан ҳадиксирарган, хўжалик етакчилари эса ижара тартибларига ишонч-

сизлик билан қараб давлат режаларини бажариш учун хужаликларни булмасдан яхлит ҳолда сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар.

1988 йилда кооперация тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Натижада мустақил хўжалик юритишни хоҳловчилар учун бир қатор имкониятлар вужудга келган. Таҷриба сифатида деҳқон ҳамда фермер хўжалик-кооперативлари тузила бошлаган.

1990 — 1991 йилларда оз сонли ташаббускор кишиларгина унумдор ерларни, техникаларни ҳамда имтиёзли кредитларни узоқ муддатга олишиб, мустақил деҳқон ва фермер хўжаликларини туза бошлаганлар. 1991 йилнинг 1 январига келиб, республикада 4567 деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилган. Ҳар бир хўжаликка ўртача 4 бош қорамол, 143 бош қўй-эчки ҳамда 3 бош йилқи тўғри келган. Лекин социалистик хўжалик юритиш мавжуд бўлиб турган бир пайтда кооператив ҳаракат ҳам, деҳқон ёки фермер хўжаликлари ҳам ривожлана олган эмас.

#### САВОЛЛАР:

1. Қайта қуриш сиёсатига тавсиф беринг.
2. Қирғизистонда жамият дунёқарашидаги уйғониш дастлаб нима-ларда акс этган?
3. Мамлакат сиёсий турмушини ислоҳ этиш қай тарзда олиб борилган?
4. Сайловларни ўтқизишда қандай ўзгаришлар жорий этилган?
5. Қайта қуриш сиёсати иқтисодиётга қандай таъсир курсатган?
6. Саноатнинг ҳамда қишлоқ хўжалигининг аҳволига тавсиф беринг.

### 23-§. ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ. ГАЙРИОДАТИЙ КҮРИНИШЛАР. УШ МОЖАРОСИ

Ичкиликбозлик ва пиёнисталикнинг оқибатлари <“Ижтимоий сиёсат борасида дунё халқларига намуна булмоқдамиз” — деган қуруқ ҳайқириқларимиз ошкоралик даврига келиб, қуруқ сафсата эканлиги аён бўлиб, аслида ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида кўп мамлакатлардан орқада қолганимиз яққол кўриниб қолди.>

Узоқ йиллар давомида кишилар онгига “жамиятимиз ҳар қандай камчиликлардан ҳоли, баъзан учраб турадиган ёт кўринишлар эса вақтинчалик, улар социалистик жамият тараққиёти давомида ўз-ўзидан йўқолиб кетади” — каби фикрлар мустаҳкам сингдириб келинган. Гайри одатий кўринишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш сабабларини социалистик турмушнинг ўзидан қидирмасдан, балки инқилобгача булган даврларнинг қолақ сарқитлари сифатида қабул қилиш жамиятда лоқайдликни, бепарволик кайфиятини келтириб чиқарган. Халқ орасидаги салбий кўринишлар аслида, биз мақтаб келган социализм тараққиёти давомида йўл қўйилган хатоликларнинг, пи-

шиб етилган муамоларни ўз вақтида ҳал этилмаганлигининг, социалистик ҳужалик юритиш ва тақсимлаш тамойиллари бузилганлигининг ҳамда қонунбузарликка нисбатан ҳайрихоҳ муносабатда бўлинганлигининг натижалари эканлигини ҳаётнинг узи ошқор этган.

Бутун Совет Иттифоқи, жумладан, Қирғизистон халқларига ҳам жамиятдаги ёт кўринишларининг зарарли таъсирларини ўзаро таққослаб кўрсак, бу борада “ривожланган социализм” ва қайта қуриш йилларида кескин кўпайиб кетган *ичкиликбозлик ва пиёнисталик* иллатлари олдинги ўринларни эгаллайди.

Иттифоқ даврида эълон қилинган тадқиқотларда ҳамда партия ва давлатнинг олий даражадаги йиғилишларида социалистик турмуш тарзининг ютуқлари ошириб таърифланган. Уларда “социалистик турмушда пиёнисталикни вужудга келтирувчи қашшоқлик, ишсизлик ҳамда кишини киши томонидан эзиш каби ижтимоий сабаблар бекор қилинган, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ҳамда маданий даражасининг юксалиши ароқхўрликни сиқиб чиқармоқда” — каби ёлгон хулосалар эълон қилинган.

“Қасални яширсанг, иситмаси ошқор қилади”, — деган ларидек, ароқхўрлик ҳам мамлакат халқи турмушида чуқур илдиз отиб, охир-оқибат жамият турмушидаги қўрқинчли иллатга айланган. КПСС МК нинг ҳамда СССР Министрлар Советининг 1985 йилнинг 17 майда эълон қилинган қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мамлакат раҳбарияти ароқхўрликнинг сўнгги йилларда гоёт кенг тарқалганлигини ҳамда хавфли иллатга айланиб бораётганлигини эътироф этишга мажбур бўлди. >

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ ароқхўрликка қарши юқоридан туриб, маъмурий буйруқбозлик йўли билан кураш бошланган. Тез орада баъзи районлар, областлар, ҳатто бутун бошли республикалар “*хушёрлик зонаси*” деб эълон қилинган. Чуқур ўйланмасдан амалга оширилган ушбу таҳқиқлар муаммони ҳал этиш урнига, аксинча, мамлакат иқтисодига кучли зарба берган.

Ароқхўрлик ҳамда пиёнисталик СССР да, жумладан, Қирғизистонда ҳам “ривожланган социализм” даврида, айниқса, кучайиб, халқ ўртасида чуқур илдиз отган. 1983 йилга келиб ҳар бир совет кишисига, бешикдаги боладан тортиб кекса чолкамбирларга қадар ҳисобланганда, 60 шишадан ароқ чиқарилиб, уларнинг барчаси ичилиб кетган. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда 1980 йилда СССР да 40 млн. нафар пиёнисталар булган. Бошқача айтганда, бу СССР нинг ҳар еттинчи кишиси пиёниста булган, деган маънони англатади.

Демак, пиёнисталик ва ароқхўрликнинг кенг тарқалганлиги ўтмишдан қолган арқитгина бўлиб қолмасдан, балки, социалистик турмуш тарзига, ижтимоий-иқтисодий сиёсатга, тарбиявий ишлардаги камчиликларга, мазкур иллатларга етарлича

баҳо бериш ўрнига уларни яширишга ҳамда жамиятнинг пишиб етилган муаммоларини уз вақтида ҳал этилмаганлигига боғлиқ бўлган.

Буткул одамзоднинг гурмушига уз касру касофатини теккизган ароқхўрликдан Қирғизистоннинг халқи ҳам “бебахра” қолган эмас. 1995 йилга келиб, республика соғлиқни сақлаш маҳкамаларида руйхатга олинганлардан ҳар 100минг кишига 838 нафар пиёнисталик касали билан огриганлар тўғри келган. Бу кўрсаткич Урта Осиёнинг бошқа республикаларига таққослаганда Қирғизистонда икки ҳиссага яқин даражада кўшлик қилган.

Алкоғолли ичимликларнинг гоят кўп тарқалиши натижасида Қирғизистон халқларининг маиший турмушидаги кўп яхши маросимлар: оилавий зиёфатлар, тўй-туркинлар ва ҳатто, марҳумни кумишдаги азадорликлар ҳам спиртли ичимликлар иштирокида ўтказилиши одатий ҳолга айланди. Ҳар хил арзимаган баҳоналар билан уюштирилувчи ёшларнинг мақсадсиз ўтиришлари, уларда оилавий маст-аласт бўлишлик республикада кенг тарқалган.

**Гиёҳвандлик ва тахсиқоманиaning** **ёйилиши**                      **Ошкоралик** даврида ароқхўрликка ва **алькоголизмга** қарши юқоридан олиб борилган кураш, Қирғизистонда айрим область ва районларнинг “хушёрлик зоналари” деб эълон қилиниши халқ ўртасида гиёҳвандлик ҳамда тахсиқоманиaning кенг ёйилишига туртки бўлди. Яширишлик ҳамда ўринсиз тақиқлашлар натижасида гиёҳвандликка қарши тушунтириш ишлари, санитария таълими ҳамда панд насихатлар олиб борилган эмас. Ички сиёсатдаги ана шундай камчиликларнинг натижасида мазкур иллат Қирғизистонда ҳам кучайган. Ҳар 100 миң киши бошига ҳисоблаганда гиёҳвандлик ва тахсиқомания касалиги билан огриганлар сони бўйича республикамиз СССР да икинчи ўринда турган.

Мутахассисларнинг ҳисоблашига қараганда, ушбу дардга чалинганлар 80-йилларнинг бошларида кўпая бошлаб, кейинчалик уларнинг сони кескин тарзда ўсган. Бу вақтларда гиёҳвандларга қараганда тахсиқоманларнинг сони тез кўпая бошлаган.

Республика ички ишлар министрлигининг маълумотлари бўйича, 80-йиллардан бошлаб гиёҳванд моддаларга боғлиқ бўлган жиноят ишлари кескин тарзда кўпайиб кетган. Бундай жиноятлар, айниқса, Уш ҳамда Иссиққул областларида, Москва ва Соқулук районларида кўп содир этилган бўлиб, жиноятчиларнинг 75 фоизини ёшлар ташкил этган.

Гиёҳвандликнинг тез тарқалиши бир тарафдан, сиёсатдаги ва таълим-тарбия ишларидаги камчиликларга боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан, республика ҳудудида, айниқса, қишлоқ жойларда ёввойи кўкнорининг кўп ўсиши билан асосланади.

1980 йилда Қирғизистоннинг 4 миң гектардан ортиқроқ ерларида гиёҳвандлик моддалари ёки наша олинадиган кўкнори-

нинг ўсиши аниқланган. Ёввойи ҳолда ўсадиган кукнорини йўқ қилиш мақсадида, у ўсиб ётган ҳар бир участкага паспорт ёзилиб, унда уни йўқ қилиш муддати, йўл-йўриқлари ҳамда ушбу ишга масъул кишилар кўрсатилган. Натижада кўпчилик ерларда ушбу ўсимликни таг-туғи билан йўқ қилиш ишлари олиб борилган. Кукнорининг уруги сероб бўлганлигидан, уни таг-туғи билан йўқ қилиш учун яна 20 — 15 йил фаол курашиш зарурлигини мутахассислар аниқлаганлар. Кўп жойларда кукнорига қарши кураш мунтазам олиб борилмасдан, нари борса шанбаликлар уюштириб қўйиш билан чекланилган.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш идораларида наркотик дорилардан беморлар учун фойдаланиш, уларни сақлаш ва назорат этишнинг ночорлиги натижасида ҳам наркотик моддалар жиноятчиларнинг қўлига тушиб қолган ҳолатлар ҳам кўп учраган. Бундай фактлар Иссиқкўл, Талас областларининг ҳамда Панфилов ва Калинин район тиббиёт маҳкамаларининг фаолиятида урин олган.

∠ Гиёҳвандликка қарши курашнинг кеч бошланганлиги, тажрибанинг озлиги, соғлиқни сақлаш маҳкамаларида гиёҳвандлик касаллигининг бошланишини аниқлай оладиган экспресс — диагностиканинг ва бу борада мутахассисларнинг йўқлиги ҳам ушбу иллатнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган. >

**Жиноятчиликнинг ўсиши** ∠ Социалистик қонунчиликка бўлган муносабатнинг ва назоратнинг етарли даражада бўлмаганлиги натижасида, Иттифокда, жумладан, Қирғизистонда ҳам Совет ҳокимияти йилларида жиноятчилик ҳамда қонунбузарлик узлуксиз ривожланиб келди. > Лекин жиноятчиликнинг ўсиши ҳақида матбуотда ошқора фикрларни ёзиш гўёки жиноятчиликни тартиб этиш сифатида баҳолашиб, таъқиқлаб келинган. Натижада 80-йилларнинг охиригача қадар жиноятчилик ҳақида бор ҳақиқатлар хаспушланиб, яширилиб келинди, жиноятчиликнинг ўсиши тўғрисидаги статистика ҳисоб-китоблари мунтазам равишда олиб борилмади, мавжуд статистик маълумотлар ҳам тегишли органлар қўлида сақлаб келинди, холос. ∠ 1987 йилга келибгина жиноятчиликнинг баъзи турлари юзасидан статистика маълумотларини эълон қилишга руҳсат берилди. 1989 йилдан эса жиноятчиликнинг барча турлари бўйича мавжуд маълумотларни ошқора баён этиш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. >

1980 йилга келиб, Қирғизистон жиноятчиликнинг ўсиши бўйича Иттифок миқёсидаги олдинги тўрт уридан бирини эгаллади (Молдавия, Литва, Ўзбекистон билан биргаликда). 1980 йилда республикада 11,7 мингга яқин жиноят иши рўйхатга олинган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 14,4 мингга, 1989 йилга келиб эса 25,5 мингдан кўпроқни ташкил этди. Қирғизистонда ҳар 100 минг киши ҳисобига 1980 йилда 323, 1985 йилда 353, 1989 йилда эса 920 нафар жиноят иши тўғри келган. Жиноят-

чиларнинг уз вақтида қўлга олинмаслиги ва жазоланмаслиги ҳам ушбу кўринишнинг авж олишига туртки бўлган. Масалан, 80-йилларнинг урталарида содир этилган жиноятларнинг 40 фоизи очилмасдан қолаверган.

◀ Республикада одам улдириш ёки улдиришга ҳаракат қилиш, кишига огир тан жароҳати етказиш каби жиноятчиликнинг хавфли турлари ҳам авж олган. 1989 йилнинг узида Қирғизистонда 291 нафар одам улдирилган ёки улдиришга ҳаракат қилинган. Бу ҳар 100 минг кишининг 6,8 нафаря ўлиш хавфига дуч келган, деган сўздир. 1985 йилда республика бўйича лоқайдликнинг натижасида 296 киши ўта огир тан жароҳати олган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 431 тага етган. ▶

Қайта қуриш йилларида Иттифоқда, жумладан, Қирғизистонда ҳам жиноятчилик янада авж олган. Айниқса, давлат, жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг шахсий мол мулкларини талаш кучайган. Масалан, 1985 йилда 1144 марта давлат ва жамоатчилик мулкларини, 2122 марта кишиларнинг шахсий мулкларини ўгирлаш ҳоллари рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткичлар 1989 йилга келиб 2753 ва 9132 тага кўпайган.

Қирғиз халқининг ота — боболари аёлларни гоят юқори даражада ҳурматлаб, уларга иззат — икром кўрсатиб келган. Халқнинг ана шундай муқаддас одатлари ҳам бузилиб, хотин-қизларни хўрлаш ва зўрлаш каби огир жинойи ишлар кўпая бошлаган. Бу борада 1985 йилда 160, 1989 йилда эса 300 жинойи иш рўйхатга олинган. Бундай вахшийликка қийёслаш мумкин бўлган жиноятнинг овул-қишлоқларда ҳам кўпайиши, қирғиз ўсмирёшларининг бундай жиноятга қўл уришлари, халқимиз турмушидаги энг даҳшатли кўринишлардан бири эди.

Республикада иқтисодий жиноятлар, жамоатчилик мулкни ўгирлаш ёки хизмат лавозимидан фойдаланиб, уни узлаштириш ҳоллари ҳам кучайган. Мавжуд палапартишликдан фойдаланиб, республикадаги ишхоналар, қишлоқ ва совхозларда ҳам идоралар етакчиларининг кўпчилиги давлат ва жамоат мулкни узлаштириб олганлар. Иқтисодиётга боғлиқ жиноятларнинг кўпчилиги фош этилмасдан, уларни содир этган кишилар эса жазоланмасдан қолаверганлар. Жазодан қутулиб қолишлик, кўп ҳолларда, кишини янги жиноятларга туртиши табиий ҳол. Шунинг учун жиноятчиликнинг бу тури кейинги йилларда озаийиш ўрнига, аксинча, кўпайиб бормоқда.

Азалдан, ўтовларда яшаб, эшикка қўлф солишни ва узганин мол-мулкига кўз олайтиришни билмаган халқимизнинг бундай одатлари бузилиб, овул-қишлоқлардаги аҳоли ўртасида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни ўгирлаш ҳоллари кўпайган. Кўпчилик ҳолларда бундай ўгирликлар фош этилмай қолиб кетган. Демак, ички ишлар органларининг мазкур йиллардаги фаолиятлари самарасизроқ бўлиб қолганлиги шубҳасиз. Жамият тараққиётини орқага тортган ёт кўринишларнинг халқ орасида чуқур илдиз отиб, одатий ҳолга айланиб қолганлиги, уз

навбатида, жинойтчиликка қарши курашнинг кутилган самарани бермаётганлиги ачинарли ҳолдир, албатта.

**Уш можароси** Республика ҳаётида йигилиб қолган ижтимоий муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаганлиги жамият турмушининг бошқа соҳаларига ҳам зарарли таъсирини утказди.

Ў Жинойтчиликнинг тинимсиз ўсиши билан бир қаторда уни жиловлаши лозим бўлган партия ва давлат органларининг кучсизлиги охир-оқибатда оммавий тўқнашувларга ҳамда қон тукилишларига олиб келди. >

Ў 1990 йилнинг ёзида Уш шаҳри атрофидаги Қорасув туманининг ерларидан мустақил равишда фойдаланиб, уй қуриш ҳаракатида юрган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг ўртасида қарама-қаршилик вужудга келди. Юзага келган муаммога ўз вақтида эътибор бериб, уни ҳал этиш ўрнига маҳаллий партия ва давлат раҳбарияти суботсизлик ҳамда тарафкашликдан нарига ўтмаган. Ҳар икки миллат ёшлари ўртасидаги ўзаро тўқнашувларнинг келиб чиқишида 22-§ да эслатиб ўтган “Уш аймаги” ҳамда “Адолат” жамоатчилик уюшмаларининг тажрибасизликлари, сиёсий нуқтаи назарларининг торлиги ҳам маълум маънода роль уйнаган. Қизиққон ёшларни тийиб қуйиш ўрнига Ушда яшаган, кўп нарсани кўрган — кечирган, Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат фахрийлари бўлган баъзи кексаларнинг ҳар икки миллат ёшларини қонли тўқнашувларга туртишга сабаб бўлган ҳаракатлари, айниқса, кечиримсиз иш бўлган Ў Бунга Уш областининг Жалолобод шаҳрида яшаган оқсоқол-фахрийларнинг 23 кишидан иборат бўлган гуруҳи томонидан 1990 йилнинг 2 мартида Иттифоқ ҳамда республика ҳокимият органларига юборган хатини мисол қилиб келтириш мумкин. >

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Қирғизистон ССР Уш области Жалолобод шаҳрида яшаётган КПСС аъзоларининг, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийларининг 1990 йил 2 мартида СССР Олий Совети қошидаги Миллатлар Кенгашининг раиси Р.Нишоновга, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А.Масалиевга, “Известия ЦК КПСС” журналининг ҳамда “Советская Киргизия” газетасининг редакцияларига ёзган шикоят хатларидан:

...“Бизнинг чуқур ишончимизга кўра чинакам тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ўзаро тенглик масаласини ҳал этиш учун Қирғизистон ССР таркибидаги Уш ҳудудига ўзига хос мухторият ҳуқуқини бериш зарур. Қирғизистон ССР ҳудудида Уш автоном областининг тузилиши миллатлараро масалаларни ҳал этишнинг энг тўғри йўли эканлигини куриб турибмиз. Бу ишни амалга ошириш орқали, И.В. Сталиннинг миллатлар масаласи буйича халқ комиссари бўлиб турган даврда, миллий масалаларни маъмурий — буйруқ-бозлик йўли билан ҳал этиш борасида йўл қўйилган ҳатоларини тузатиш мумкин.

Давлатчиликнинг бундай тартибларини жорий этилиши, бизнинг республикада миллатлараро тенг ҳуқуқлилини демократик йул билан ҳал этиш имкониятини беради. Бунинг учун республикада барча имкониятлар мавжуд.

Юқорида айтилган фикрларга таъинган ҳолда, Сиздан СССР Олий Советининг кун тартибига Қирғизистон ССР таркибидаги Ҷш автоном Совет Социалистик областини тузиш ҳамда СССР инг ва Қирғизистон ССР инг Конституцияларига тегишли узгартиришларни киритиш тугрисидаги масалани куйишингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг ушбу фикрларимизни областнинг халқи, айниқса Ҷш, Қизилқия шаҳарларининг, Сузоқ, Бозорқургон, Ленин, Аравон, Олабуқа, Қорасув, Ҷзган ва бошқа районларининг халқи қўллаб қувватлайди...

Биз ушбу масалани пастдан портлашини кутиб утирмасдан, юқоридан туриб ҳал этилиши ақлга сизадиган иш, деб ҳисоблаймиз..."

Мазкур хатда республиканинг Ҷш областида яшаган ўзбеклар область халқининг ярмини ташкил этишлари, улар қисувга олинаётганлиги асоссиз фактлар билан кўрсатилиб, бу ҳудудда миллий тенг ҳуқуқлилини таъминлаш учун Қирғизистон ССР таркибидаги Ҷш автоном областини тузиш таклиф этилган эди.

Ушбу хатнинг матни кўпайтирилиб, махсус кишилар ёрдамида халқ уртасида тарқатилган. Фаҳрийлар гуруҳининг бу иши ўзбек ёшлари дунёқарашидagi сеператизм туйғусини ҳамда ҳар икки миллат кишилари уртасидаги қарама-қаршилиқнинг кучайишига туртки бўлди.

Ер участкалари учун жанжал-тўполонлар кучайган бир вақтда ўзбекларнинг уйларида ижарада яшаётган 700 га яқин қирғиз оилаларининг кўчага қувиб чиқарилиши ҳам аҳволни янада мураккаблаштирди. Қарама-қарши кайфиятдаги ҳар икки гуруҳ 4 июнда бўлиштириш учун талаш бўлаётган далага тўпланганлар. Бунгача юз берган воқеаларга боғлиқ равишда тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилиқ энди қонли жанжалга айланиб кетган. Маҳаллий ҳокимият органлари газабланган ёшларни тўхтатишга ожизлик қилиб қолганлар. Ўзбек миллатига мансуб гуруҳ бир тарафдан, қирғизлар иккинчи бир тарафдан шаҳарга юра бошлайдилар. Ҷш ва Ҷзган шаҳарлари ичида юз берган тўқнашувларда 155 киши вахшиёна улдирилган. 845 киши ярадор бўлган, 262 та уй, 24 дўкон ва бошқа иморатлар ҳамда 67 та автомашина ёқиб ташланган. 5 июнь куни Ҷш шаҳри тўлиқ беркитилиб, шаҳарга ҳарбий қисмлар киритилган. 6 июнда шаҳардаги вазият бир мунча назоратга олинган.

5 июнда Ҷзган шаҳрида халқ кўп тўпланган жойларда миллатлараро низолар вужудга келиб, тез орада оммавий тартибсизликларга айланган. Бу ердаги ур-йиқитларда ҳам беғуноҳ кишиларнинг қони тўкилиб, тинч аҳолининг уйлари ёқиб ташланган. 6 июнь куни шаҳарга ҳарбий қисмларнинг киритилиши билан тўполонлар бир мунча пасайган. 7 июнда Фрунзеда ҳам фавқулодда ҳолат жорий этилган.



## ТАРИХИЙ ҲУҶЖАТ

1. Қирғизистон ССР Давлат Хавфсизлик Комитетининг раиси Ж. Асанкуловнинг Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Масалиевга “Уш шаҳридаги оммавий тартибсизликлар туғрисида” 1990 йилнинг 6 июнь куни ёзган хатидан:

“...1990 йилнинг 4 июнида эрта билан соат 6 дан 20 дақиқа утгандан бошлаб Ленин номи қолхознинг сугориладиган ерларига қирғиз ҳамда ўзбек миллатига мансуб фуқаролар туплана бошлашган. Уларнинг 1,5 мингга яқинини қирғизлар, 10 мингга яқинини ўзбеклар ташкил этган. Соат 18 да кишиларнинг сони янада кўпайган. Тўпланганлар тушунтирув ишларига эътибор бермасдан, йиғилиб қолган ижтимоий масалаларни ҳал этишни, айрим раҳбарларни хизмат лавозимларидан четлаштиришни талаб қилган. Соат 17-<sup>00</sup> да ўзбекларни қўллаб қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ССР иниг Наманган, Фарғона ҳамда Андижон областларидан ўзбеклар етиб кела бошлагандлиги ҳақида маълумотлар туша бошлади. Соат 19-<sup>00</sup>да тўпланган халқ бошқарувдан чиқиб, газабланган омма шаҳар томон юзланиб, қаршисида учраган милициянинг машиналарини ёқиб ташлашган...”

2. Қирғизистон ССР Давлат Хавфсизлик Комитети раиси Ж. Асанкуловнинг Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетига “Узган шаҳридаги воқеалар туғрисида” деб номланган 1990 йилнинг 14 июнида ёзган хатидан:

“Оммавий тартибсизликларнинг юзага келишига 5 июнь куни соат 11-<sup>00</sup> да Узган бозори ҳамда автобекати ҳудудидаги ўзбек ва қирғиз миллатидаги кишилар (таҳминан 300 киши) уртасида юз берган туқнашувлар туртки бўлган. Таҳминан соат 12 дан 30 дақиқа утганда Узганга автомашиналарда (асосан, юк ташувчи машиналар ҳамда ПАЗ автобуслари, ҳаммаси булиб 30 аятомашина) милтиқ, шичоя, арметура, тош ва бошқа нарсалар билан қуролланган қирғизлар кела бошлаган. Улар фарқланиб туриш учун бошларини қизил мато билан тангиб олишган. Уларнинг махсус йулбошчилари бўлган. Узган шаҳрига 70 — 80 га яқин қирғизлар от билан келганлиги ҳақида маълумотлар бор...”

Шундан сўнг шаҳарнинг барча қисмларида, шаҳарга яқин қишлоқларда муш-тлашувлар юз бериб, ўзбек миллатига мансуб аҳolini улдириш ва талон тарож қилиш бошлаган. Маълумотларга қараганда, Мирзааке қишлоғининг ўзбеклари айниқса азият тортганлар. Бу қишлоқ фуқароларининг кўпчилигини қирғизлар ташкил этган (улдиришлар, тўпал зўрлашлар ва талон тарож қилишлар туғрисида маълумотлар бор.) Мазкур қишлоқдаги совхоз идорасида боққинчиларнинг штаби тузилган.

Бозордаги оммавий муш-тлашувдан сўнг шаҳардаги қонли воқеалар тезлик билан аяж олиб, уни тўхтатишга милиция кучлари ожизлик қилиб қолган (шу куни шаҳарда 25 нафаргина милиционер қолган булиб, бошқалари Уш шаҳридаги можарони бостиришга юборилган эди)...

8 июнь куни миллатлараро муносабатларни тартибга келтириш мақсадида ҳарбий хизматчиларнинг иштирокида намоз уюштирилган. Унга ҳар икки миллатнинг эътиборли уламолари иштирок этишган. Намоздан кейинги суҳбатларда баъзи қишлоқларнинг халқи район раҳбариятидан норози эканликлари, жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмаётганлиги, булиб утган қайғули воқеалар оммавий ахборот воситалари томонидан ҳаққоний ёритилмаётганлиги туғрисида фикрлар айтилган.

Ҳозирги кунда шаҳардаги аҳвол бир мунча изга солинган. Лекин баъзи жойларда талон-тарожлик ва уч олишлар учрамоқда. Ўзбек фуқаролари орасида қаттиқ норозилик ва уч олишга бўлган ҳиссиёт сақланиб қолмоқда”.

Уш можароси республиканинг партия-давлат раҳбарияти томонидан чуқур таҳлил этилган эмас. Бу ҳолат халқнинг ҳокимиятга, айниқса, давлат тепасида турган А.Масалиевга нисбатан норозилигини келтириб чиқарган.

## САВОЛЛАР:

1. Ичкиликбозлик билан пиенисталикнинг кенг тарқалишига нима-лар сабаб булган?
2. Гиёҳвандлик ҳамда токсикоманиянинг асоратлари ҳақида сузлаб беринг.
3. Жиноятчиликнинг авж олишига нималар туртки булган?
4. Уш можаросига тавсиф беринг.
5. Миллатлараро туқнашувларнинг келиб чиқмаслиги учун қандай чораларни кўриш зарур эди?

## 24-§. МУСТАҚИЛ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Қирғизистон ҳукуматининг иқтисодий сиёсати Қирғизистон сиёсий мустақилликка эришган бўлса ҳам, иқтисодий жиҳатдан бошқа мамлакатларга қарам ҳолда қолаверган. Чунки республика саноати иттифоқ халқ хўжалигининг ягона комплекси асосида ҳам ашё ҳамда ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган эди. Тайёр маҳсулотлар эса Иттифоқнинг бошқа худудларида чиқарилиб, ундан тушган даромадлар уша тарафларда қолиб кетар эди.

Иттифоқнинг қулаши билан боглиқ равишда иқтисодий алоқалар ҳам узилиб, Қирғизистон ўта оғир молиявий ва моддий қийинчиликларга дуч келган.

1991 йилнинг охирларига келиб, саноат ишлаб чиқаришининг ўртача йиллик ўсиши кескин пасайиб кетган, қурилиш ҳамда агро саноат комплексига сарфланган маблағлар узини оқламаган. Энергетика, кўмир қазиб олиш, енгил ҳамда озиқ-овқат саноати ва машинасозлик соҳаларидаги режалар бажарилмай қолиб кетган.

1992 йилнинг январида Россия Федерацияси ҳукумати нарх-навои кескин либераллаштириш сиёсатига ўтиб, ёқилги-энергетика комплексининг металлургия ҳамда машинасозлик соҳалари маҳсулотларига эркин нархларни жорий этган. Натижада МДХ нинг барча давлатларида, жумладан Қирғизистонда ҳам иқтисодий инқироз кучайган.

1992 йили республикадаги ишлаб чиқариш суръати 27 фоизга пасайган. Иқтисодий муносабатлар ичдан бузилиб, халқ хўжалигига путур етган.

Ана шундай бир шароитда 1992 йилнинг июлида бўлиб ўтган Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг туққизинчи сессиясида Ҳукуматнинг 1992 — 1995 йилларга мулжалланган иқтисодий ислохотларининг дастури муҳокама этилди ва қабул қилинди. Дастурда 1990 йилдан буён амалга оширилиб келинаётган иқтисодий ислохотларни республиканинг стратегик йўналишига мувофиқ ҳолда ривожлантириш масаласи куриб чиқилган.

Давлат дастурида хусусийлаштириш, ер ислохоти, халқни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда давлат инвестициялари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Асосий мақсад сифатида макроиқтисодий аҳволни тартибга солиш, ишлаб чиқаришнинг пасайиб қетаётганлигини тўхтатиш ҳамда иқтисодиётни ривожлана бошлаши учун имкониятларни вужудга келтириш лозим эди. Бунинг учун соҳалар бўйича ислохотни амалга ошириш, бозор нархларининг ролига аҳамият бериш, монополияларни аста-секин жиловлаб эркин рақобатга йўл очиш, хусусийлаштириш орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини бюрократик назорат этишдан воз кечиш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастурда булардан ташқари товарларнинг баҳосини аниқлаш жараёнига давлатнинг аралашувини иложи борича камайтириш белгилаб қўйилган.

1993 йилнинг охиригача саноатнинг 40 — 50 фоизини, қурилишнинг 50, қишлоқ хужалигининг 25 — 30, турар-жойларнинг 70 фоизини ҳамда таъминот соҳаларини 100 фоизга хусусийлаштириш вазифалари қўйилган.

Кучли ҳамда тез мослашувчан бозор системасини ривожлантириш учун республика ҳукумати саноат корхоналарига МДХ давлатлари ва бошқа мамлакатлар билан эркин савдо муносабатларини тузиш имкониятини берган. Бунинг учун 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб, ҳукумат саноат зиммасидаги давлат буюртмаларини бекор қилган.

Ҳукумат дастури бўйича Қирғизистонда бозор муносабатларини юзага келтириш учун аввало хусусийлаштириш, нархларни либераллаштириш, иқтисодиётга давлатнинг аралашувини тухтатиш, хусусий мулкни жорий этиш, савдо эркинлигини таъминлаш, экспорт ва импорт юзасидан чеклашларни бекор қилиш, умумий кредит, молиявий, пул ҳамда солиқ сиёсатларини деярли бир вақтнинг ўзида амалга ошириш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, Қирғизистонда маъмурий-бўйруқбозлик бошқарувидаги режали иқтисодиётдан воз кечилиб, радикал ислохотлар орқали бозор муносабатларига тез суръатда ўтиш йўли узил-кесил таянлаб олинган. Бунинг учун биринчи навбатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ишини тезлаштириб, ўз-ўзини тартибга солувчи ҳамда мулкчиликнинг кўп шаклларига мувофиқлаштирилган иқтисодиётни ташкил этиш лозим эди. Ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий эгалари юзага келмай туриб, бозор муносабатларига ўтиш мумкин эмас эди.

Хусусийлаштириш жараёни 1991 йилнинг 20 декабрида Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган *“Қирғизистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг ва унга эгаллик қилишнинг умумий асослари тўғрисида”* ги қонунининг негизида бошланган.

Ушбу қонунни амалга ошириш учун республикада мулкни бошқариш ва унга эгаллик қилишни қўллаб-қувватлаш буйича Давлат Комитети тузилган.

Қирғизистон Республикаси Конституциясида ер, ер ости ва ер усти бойликлари, урмонзорлар, сув ҳавзалари ва бошқа заҳиралар, маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар хусусийлаштирилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунга мувофиқ, хусусийлаштириш аввало, халқнинг, меҳнат жамоаларининг тайёргарликларига яраша, уларнинг манфаатлари учун амалга оширилмоғи лозим эди. Бахтга қарши хусусийлаштиришнинг ушбу тамойиллари энг бошданок қўпол суръатда бузила бошлаган. Давлат амалдорларининг, корхоналар ҳамда хужалик етакчиларининг хоҳишистакларига мос равишда амалга ошириладиган мулк савдоси кенг йўлга қўйилди. Юзага келган палапартишликдан фойдаланган ҳолда, хуфёна акциядорлик жамиятлари ва фирмалари пайдо бўлиб, оддий халқни очикдан-очик алдашга утдилар. Лавозимига таянган ва бойлигига ишонган бир гуруҳ кишилар давлат мулкининг катта бир қисмини эгаллаб олишга ёки сотиб юборишга муваффақ бўлишган. Хусусийлаштиришнинг биринчи ва асосий босқичи кенг халқ оммасининг манфаати учун амалга оширилган эмас. Давлат мулк комитети лозим бўлган ишни уз меъёрида ташкил эта олмаганлиги сабабли, мамлакатга ва халққа гоят улкан миқдордаги моддий зарар етган. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳам камситилган.

Хусусийлаштириш жараёнида ишчи ўринларини сақлаш ҳамда кўпайтириш юзасидан ҳеч қандай чоралар кўрилмаган. Минглаб кишилар ўзларининг иш ўринларидан маҳрум бўлиб кўчага ҳайдалган. Ижтимоий таъминот борасида қўлга киритилган кўп муваффақиятлар бекор қилинган. Хусусийлаштириш юзасидан чиқарилган Қонуннинг жамиятдаги айрим ижтимоий қатламларга энгилликлар беришни кузда тутган жиҳатлари эътиборга олинган эмас.

Ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган ишхоналарнинг самарадорлиги пасайиб, ишлаб чиқариш унумдорлиги 40 — 55 фоизга қисқарган.

Шундай бўлсада, мазкур жамиятларнинг етакчилари ўзларига энг кўп иш ҳақларини белгилашиб, акцияларнинг кўпини сотиб олишган ва ўзларини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хужайинлари сифатида ҳис эта бошлашган.

Хусусийлаштириш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва хатоликларни тартибга солиш мақсадига Президент А. Акаев республика Прокуратурасига, Миллий хавфсизлик комитетига, Ички ишлар министрлигига, ҳукумат қошидаги Давлат Молия инспекциясига хусусийлаштириш жараёнида йўл қўйилган қонунбузарликларни текшириш вазифасини топширган. Текширишлар давомида хусусийлаштириш компанияси Давлат мулк комитети томонидан қонунни қўпол равишда

бузиш орқали амалга оширилганлиги аниқланган. Хусусийлаштирилган ҳар уч объектдан бирининг ҳақиқий баҳоси атайин пасайтирилиб, ким ошди савдосисиз айрим кишиларга ёки олди берди билан шугулланувчи гуруҳга сотиб юборилган. Уларда ишлаб келган меҳнаткашларнинг манфаатлари эса олинган эмас. Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида ҳужжатлар кўп мартаба бузилиб, шунча марта ўнганган ҳамда сохталаштирилган. Давлат мулк комитетининг баъзи бир етакчилари ўз хизмат лавозимларини суистеъмол қилишган, натижада порахурликка йўл қўйилган. Энг ачинарлиси, ана шундай улкан суистеъмолликларни қўрган кишиларнинг давлат ҳокимиятидан кунгиллари совуб, демократик ислохотларга бўлган ишончларига путур етган.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида (1991 — 1993 йиллар) жамоа ҳўжалиқларининг 32,6 фоизи хусусийлаштирилиб, корхоналарнинг 17,5 фоизи ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Саноатнинг 39 фоизи, қурилишнинг 67,5 фоизи, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига тегишли ишхоналарнинг 98,7 фоизи, савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг 80,7 фоизи хусусийлаштирилган.

Маъкур аҳамиятли ишда йўл қўйилган хатоликларни такрорламаслик учун Президент томонидан *“Давлат ва молиявий тартиботни мустаҳкамлашнинг алоҳида чоралари тўғрисида”* низом чиқарилган. Буларга мувофиқ Қирғизистон Республикасида 1994 — 1995 йиллар учун мулкни давлатдан ажратиш ва хусусийлаштиришнинг янги дастури ишлаб чиқилган. Дастур Олий Кенгашнинг 1994 йил январьдаги сессиясида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Шундан сўнг Қирғизистонда хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланган. Буида иқтисодиётни қайтадан ташкил этиш, хусусий мулк эгалари қатламини вужудга келтириш ва шу орқали бозор муносабатларининг реал асосларини яратиш мақсадлари кўзда тутилган. Хусусийлаштириш жараёнидаги пала-партишликка чек қўйилиб, бу борада ошкораликка йўл очилган. Хусусийлаштиришнинг кўлами ва суръатлари бир оз бўлсада озайтирилган. Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, давлат тасарруфидаги мулклар, мулкчиликнинг ҳиссадорлик, хусусий, аралаш ва бошқа шаклларига айлантирила бошланган. Натижада республика иқтисодиётининг 50 фоиздан ортигини давлатга тегишли бўлмаган корхоналар ташкил этиб қолган.

Янги дастурга мувофиқ, ўртача ва йирик ишхоналарни хусусийлаштириш муқобиллик асосида олиб борилиб, яқка шахсларга ёки уюшмаларга сотила бошлаган. Сотиб олувчи шахслар корхонанинг кейинги тақдири борасида ўзининг ҳаракат режасига эга бўлишлари ва уни очиқ тарзда намойиш этишлари дозим бўлган.

Янги дастурда купон ва пул ким ошди савдосини ўтказиш ишлари ҳам аниқлаб олинган. Лекин оддий халқ оммасининг

кўпчилиги купон Давлат мулк комитети томонидан молиялаштирилувчи қимматбаҳо қозғоқ эканлиги, унинг нархи муттасил ўсиб бориши мумкинлигини англаб етмаганлар. Шунинг учун, кўпчилик кишилар ўз қўлларидаги купонларидан умумий фойдаланишни билмасдан арзимас пул эвазига уни сотиб юбора бошлаганлар. Уни катта миқдорларда тўплаб олган турли хил инвестицион фондлар катта-катта фойда кўрганлар.

1994 йилнинг ўрталарига келиб, Қирғизистонда хусусийлаштириш жараёни оммавий тус олди. Хусусийлаштиришнинг ушбу босқичидаги дастури республика ҳукумати ва Давлат мулк фонди томонидан АҚШ ҳукумати билан биргаликда ишлаб чиқилган. 1994 йилнинг охиригача республика бўйича 378 корхона давлатдан ажратилиб, хусусийлаштирилди. Уларнинг 100 таси купон ким ошди савдосида сотилган бўлиб, 40 фоизи жамоа мулки, 20 фоизи эса шахсий мулк сифатида сотиб олинган. Мазкур корхоналарнинг 27 фоизи ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган. Хусусийлаштириш бошланган 1991 йилдан буён мавжуд 10 минг нафар давлат ишхоналарининг ярмидан купроги хусусийлаштирилган. Оммавий хусусийлаштириш 1996 йилгача амалга оширилган ва республиканинг кўплаб фуқаролари купон ким ошди савдоси орқали мулк эгалари бўлиб қолдилар. Натижада давлатга қарашли бўлмаган корхоналар саноат умумий маҳсулотининг 50 фоизидан ортиқрогини чиқара бошлаган.

Янгича аграр  
сиёсат

Мустақил Қирғизистоннинг умумий ер майдони 19,6 млн. гектардан иборат. Унинг 10,6 млн. гектарини ёки 55,8 фоизини қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ерлар ташкил этади. Умумий ерларнинг 44,2 фоизи қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ерлардир. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларнинг 12,3 фоизини ҳайдов ерлар (томорқаларни қушиб ҳисоблаганда), 0,1 фоизини ҳайдалмайдиغان ерлар, 0,4 фоизини бутазорлар, 1,7 фоизини ўтлоқ ерлар, 85,6 фоизини эса табиий яйловлар ташкил этади.

Республика халқ хўжалигининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай туриб мустақил давлатимиз тараққиётини тахминлаш мумкин эмаслиги ҳаммамизга маълум. МДХ бўйича ҳисоблаганда қишлоқ аҳолисининг сони умумий аҳолининг 30 фоизидан ошмайди. Қирғизистонда эса қишлоқ аҳолиси республикадаги умумий аҳолининг 60 фоизини ташкил этади. Қирғизистоннинг келажаги қишлоқ хўжалиги тараққиётига нечоғли боглиқ эканлигини ана шундан ҳам билсак булади.

Илгариги колхоз-совхоз тартиблари ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб бўлганлигидан 80-йилларга келиб уларнинг аксарияти боқимандаликка утиб қолган. Уларнинг давлатга бўлган қаралари йил сайин ўсиб борган. Ана шунинг учун қишлоқ хўжалигини бозор муносабатларига мувофиқлаштириш мақсадида 1991 йилдан бошлаб республикада ер ва аграр ислоҳот амалга оширила бошлаган. Баъзи бир ислоҳотчилар колхоз ва со-

вхозларни тарқатиб юборишни, ерни эса хусусий мулк сифатида сотишни таклиф эта бошлагавлар. Лекин бундай қилинган тақдирда маҳаллий халқнинг ерсиз қолиши мумкинлигидан ушбу сиёсатга йул қўйилган эмас.

Янги аграр сиёсатнинг мазмун-моҳияти, аввало, колхозларнинг, совхозларнинг, фермер хўжаликларининг, ижара ва кооператив хўжаликларининг бир хил ишлашини таъминлашдан, тамакига, пахтага, гўштга, жунга ва полиз-сабзавот маҳсулотларига давлат монополиясини сақлаб қолишдан, қишлоқ жойларда кичик бизнесни, ҳар қандай ишбилармонлик кайфиятини қўллаб-қувватлашдан иборат эди.

Ислоҳотларни шошилмасдан, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, халқнинг фикри ҳамда тайёргарлиги билан ҳисоблашган ҳолда амалга ошириш кузланган аграр сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланар эди. Бу борада, аввало иқтисодий жиҳатдан гоят қолоқ колхоз ва совхозларнинг ерларини олиб, мерос қолдириш ҳуқуқи билан деҳқонларга бериш ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳар хил тармоқларини кўпайтириш кўзда тутилган.

Ислоҳотларни амалга ошириш борасида бир қатор камчиликларга йул қўйилган. Қишлоқ хўжалигининг баъзи бир етакчилари томонидан “ер кодекси, ер ислоҳоти ҳамда деҳқон хўжаликлари тўғрисида” ги давлат қонунлари купол суръатда бузилган. Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини талон-тарож қилинишига йул қўйилган. Натижада оддий деҳқон оиласининг манфаатлари унутулиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилган. Республика қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги кескин пасайиб, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ночор аҳволга туша бошлаган.

Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни тартибга солиш учун 1991 йилнинг ноябрида Президентнинг махсус фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ 1992 йилнинг 1 декабригача қишлоқ ва шаҳар аҳолисига республиканинг барча ҳудудларида ер участкаларини бўлиб бериш кўзда тутилган. 1993 йилнинг 1 февралига қадар рентабеллик даражаси 15—20 фоизни ташкил этган колхозларни қишлоқ хўжалиги кооперативларига айлантириш кўзда тутилган. Ислоҳотларга умумий раҳбарлик қилиш мақсадида 1991 йилнинг ноябридаёқ республика ҳукумати-нинг бошлиги — бош министр етакчилик қилувчи Қирғизистон Республикаси ер ислоҳоти буйича давлат комиссияси ташкил этилган. 1993 йилнинг охирларигача 172 нафар колхоз ва совхозлар тарқатилиб, уларнинг урнига 17,5 минг та деҳқон хўжаликлари, 197 та кооперативлар, 120 та кичик ишхоналар, 119 та ассоциациялар ҳамда 9 та ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилиб, улар жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 52 фоизини етиштирганлар. 1993 йилнинг июлидан бошлаб, давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозор нархларида сотиб ола бошлаган.

1995 йилга келиб, республикадаги деҳқон (фермер) хўжаликларининг сони 21,1 мингга етган. Улардан айримлари тез орада бозор иқтисодиёти муносабатларини яхши улаштирганлари ҳолда, ишлаб чиқаришни йулга қўйишиб, фойда кура бошлаганлар. Бахтга қарши, янги иқтисодий шартларга кўра хўжаликларнинг кўпчилиги гоёт огир аҳволга дучор бўлдилар. Юзага келган бундай вазиятнинг сабаблари кўп эди. Ўз ерларига эга булган кўпчилик деҳқонларнинг ерга ишлов берувчи техникаси ёки экин учун уругликлари йўқ эди. Агротехника қондаларига кўп ҳолларда ривож қилинган эмас. Инфляциянинг кучайиши кредит олган деҳқонларни огир аҳволга солиб қўйган. Ерни тенг бўлиштирганда, ҳар бир оиллага уртача 1-3,5 гектардан ер тўғри келиб, бу ерларда ташкил этилган деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги иқтисодий жиҳатдан кучсиз ва рақобатга бардош бера олмайдиган даражада эди. Кўпчилик деҳқонлар натурал хўжалик юритишиб, ўз оилаларини амал-тақал таъминлашга қўриблари етар эди, холос.

Ўз ер улушларини олгач, тарқоқ бўлиб кетган хўжаликларга қараганда, деҳқон хўжаликларининг бирикмалари бир мунча самарадорроқ бўлиб чиққан. Уларнинг баъзи бирлари кооператив мулкчиликни мустаҳкамлаб бориш орқали, гоёт йирик миқдорда даромад кўришга ҳам муваффақ булганлар.

Республика халқ хўжалигининг асосини ташкил этган чорвачиликда ҳам аҳвол яхши эмас эди. 1992 йилга қадар халқ хўжалигидан олинаётган умумий даромаднинг 35 фоизини қўйчилик хўжаликлари бериб келган. Юқори тоғлик районларда эса даромаднинг 95 фоизи қўйчилик ҳиссасига тўғри келар эди. Мазкур соҳа маҳсулотларининг арзон нархларда сотилишига қарамасдан, республика қўйчиликдан ҳар йили 0,5 млрд. сўм даромад олиб турган.

Ислоҳотлар амалга оширила бошлаган йилларда республикада қўйларнинг сони кескин суръатда озая бошлаган. 1994 йилга келиб, республиканинг барча хўжаликларида жами 7,5 млн. бош қўй қолган. 1995 йилнинг январига келиб эса уларнинг сони 4,5 млн. га тушиб қолган. Қўй жонли товарга, ҳатто товарларнинг эквивалентига айланиб, кундалик уй-рўзгор маҳсулотларига айирбошлана бошлаган.

Ислоҳотларнинг дастлабки беш йилида деҳқончиликнинг унумдорлиги ҳам гоёт пасайиб кетган. Дон экинлари билан дағал-хашак тайёрлаш даражаси 21—23 фоизга камайган. 1994 йилда дон экинларининг ҳосилдорлиги 1993 йилга нисбатан 35 фоизга, деҳқончиликнинг умумий ҳосилдорлиги эса 20 фоизга пасайган.

Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни тартибга солиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Қирғизистон Республикасининг Ҳукумати 1994—1995 йиллар учун ислоҳотларнинг янги Дастурини ишлаб чиқди. Дастурни тезроқ юзага чиқариш мақсадида 1994 йил 22 февралда Президентнинг *“Қирғизистон Республикасида ер ҳамда аграр ислоҳотларни чуқурлаш-*



*тириш чора-тадбирлари тўғрисида*" ги Фармони эълон қилинди. Унда давлатнинг қишлоқ хўжалиги секторини ислоҳ этиш бўйича стратегик йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, аграр ислоҳотларнинг ошқоралигини таъминлаш ҳақида, деҳқонларга хўжалик юритишнинг исталган шаклида эркин фаолият кўрсатишлари борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтиришнинг зарурий чоратадбирлари ҳам баён этилган эди.

Уз навбатида деҳқонларга ҳам уларининг улуш ерларидан фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадидагина фойдаланишга рухсат берилди. 1995 йилнинг январида илгариги куплаб солиқлар ўрнига ягона ер солиғи жорий этилди. Шу йилнинг узида ҳукумат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан 1996—1999 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш ҳаракатини бошлаган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, аслида, кредит ҳисобида молиявий ёрдам кўрсатиш тартибларисиз ривожланиши мумкин эмас. Ислоҳотлар давомида республика ҳукумати "Деҳқон ордо" ҳамда "Деҳқон банк" лар орқали кредитларни бўлиштиришни бошлаган. Лекин мазкур молиявий операциялар давомида миллионлаб сўмлик кредитлар гайри қонуний тарзда узлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга бориб етмади.

1992—1998 йиллар давомида иқтисодиётнинг аграр секторига 234 млн. 117 минг АҚШ доллари миқдоридagi ташқаридан берилган молиявий ёрдам пуллари сарфланган. Ҳозирги вақтга келиб, республика қишлоқ хўжалигини хусусийлаштириш ишига Жаҳон банки томонидан 45 млн. долларлик, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ишига Осие банки тарафидан 40 млн. долларлик, кўйчиликни ривожлантириш учун Жаҳон банки томонидан 11,65 млн. долларлик маблағлар бўлинган бўлиб, уларни иқтисодиётга жорий этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

1998 йилда Жаҳон банки томонидан республиканинг сугориш системаларини таъминлаш учун 35 млн. доллар бўлинган. Мазкур маблағлар 13 ҳисобидан плотина, жумладан Ўрта-Тўқай, Папан, Киров, Қора-бура ва бошқа сув омборлари, шунингдек, 40 га яқин сугориш тармоқлари таъмирланиб, уларнинг хавфсиз ишлашлари таъмин этилмоғи мумкин эди.

Сугориш тармоқларига етарли даражада эътибор берилиши ер ҳамда аграр ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда улкан аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир. Чунки, сугориш тармоқлари имкониятларининг пасайиб кетиши натижасида, 1988 йилнинг узида 15,5 минг гектар сувли ерлар сугорилмайдиган унумсиз ерларга айланиб қолган. 1999 йилга келиб эса мелиоратив аҳволи бузилган ерларнинг умумий майдони 90 минг гектардан ортиб кетди.

1991—1998 йиллар давомида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг амалга ошиши натижасида республикадаги 515 та

колхоз, совхоз ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ислоҳ этилиб, уларнинг ўрнига 54,5 минг якка тартибдаги хўжаликлар, 367 та қишлоқ хўжалиги кооперативлари, 318 деҳқон-жамоа хўжаликлари, 47 та ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда 8 та агрофирма ташкил этилган.

1998 — 2000 йилларга келиб, яна 113 колхоз ва совхозларни ҳамда 112 таъминот ва қайта ишловчи корхоналарни хусусийлаштириш кузда тутилган. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий мувозанатида якка тартибдаги хўжаликлар ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари кўпчиликни ташкил этиб қолди. Ҳозирги ҳайдов ерларининг, чорва ҳайвонларининг ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўпчилик қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

1998 йили 1990 йилга нисбатан давлат ҳамда жамоа хўжаликлари ихтиёридаги қорамолларнинг сони 89,5 фоизга, чўчқа 99,3 фоизга, йилқининг сони 88,2 фоизга, қўй ва эчкиларнинг сони эса 99,9 фоизга камайган. Шундай бир вақтда якка тартибдаги хўжаликларда чорва молларининг сони бир мунча кўпайганлигини кузатиш мумкин. Бу вақт оралигида давлат ҳамда жамоа хўжаликларининг деҳқончиликдаги ҳиссаси ҳам кескин пасайиб, якка тартибдаги деҳқон хўжаликларининг салмоғи эса ортган.

Бозорга ўтиш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш суръатлари ҳам бир мунча ўзгарган. Масалан, 1990 — 1997 йиллар давомида дов экинларининг ҳосилдорлиги 102,9 фоизга, қанд лавлагининг ҳосилдорлиги 1208,8 фоизга, картошка етиштириш эса 185,7 фоизга ўсган.

Пахта, тамаки ҳамда сабзавот етиштириш камайган. Қанд лавлаги ва тамакининг самарадорлиги ортиб, пахта, бугдой, картошка ҳамда сабзавот маҳсулотларининг самарадорлиги эса пасайиб кетган.

1990 — 1998 йиллар оралигида йилқидан бошқа барча чорва ҳайвонларининг сони кескин камайган. Жумладан қорамол 73,4 фоизга, чўчқа 23,5 фоизга, қўй-эчкилар сони 38,1 фоизга ҳамда паррандаларнинг сони 16,7 фоизга камайган. Натижада чорвачиликнинг барча тармоқларида маҳсулотларни етиштириш сезиларли даражада озайган.

Ер ҳамда аграр ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг агросаноат комплексида бозор муносабатларининг шаклланиши учун қўйидаги ҳуқуқий ҳамда демократик асослар вужудга келган:

— қишлоқ хўжалигидаги якка, жамоавий ҳамда давлат мулкига асосланган кўп укладли иқтисодиёт шакллантирилди;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда, тақсимотда ҳамда истеъмолда мавжуд бўлган монополия бекор қилинди;

— хусусий мулкнинг жорий этилиши орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун имконият яратилди;

— хужалик юритишнинг илгор усулларидан ҳамда илмий техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланишда, маҳсулотларнинг сифатини яхшилашда рақобатга кенг йўл очилди;

— деҳқонлар ва фермерларнинг маҳсулот етиштириш бора-сидаги масъулиятлари ҳамда уларнинг хужалик самарадорлигини оширишдан манфаатдорликлари ўсган.

— қўлга киритилган юқоридагидек муваффақиятлар билан бир вақтнинг ўзида йўл қўйилган камчиликлар туфайли қўйидаги баъзи бир қийинчиликлар вужудга келган:

— қишлоқ хужалигининг моддий-техника базаси, мавжуд техникалар ҳамда мол сақловчи қўра-саройлар талон-тароҳ этилган;

— ишлаб чиқариш кескин тарзда пасайган, натижада қишлоқ хужалигининг самарадорлиги ҳам пасайиб кетган;

— машиналарни, асбоб-ускуналарни, уруғликни, минерал ўғитларни ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини олиш учун капитал маблағлар етишмаган;

— илгари фойдаланиб келинган кўпчилик ерлар ишлатилмасдан қолиб кетган;

— қишлоқ жойларида ишсизлик ҳамда етишмовчилик кучайган;

— қўл меҳнати билан етиштирилган қишлоқ хужалик маҳсулотларини сотишда бир қатор қийинчиликлар вужудга келган.

Қирғизистон агросаноат комплексининг тараққиётини таъминлаш учун республика ҳукумати янги чора-тадбирларни амалга оширмоқда. 1998 йилдан бошлаб ер ҳамда аграр ислоҳотларнинг бориши яна бир поғонага кўтарилди.

Ўтказилган умумхалқ референдумининг натижалари бўйича ерга хусусий мулк жорий этилган. Шунинг учун ерга боглиқ бўлган давлат қонунлари қайта куриб чиқилган.

*“Қирғизистон Республикасининг Ер тўғрисидаги кодексини”, “Қирғизистон Республикасининг кооперация тўғрисидаги” қонуни* ҳамда *“Қирғизистон Республикасининг Деҳқон (фермер) хужаликлари тўғрисидаги” қонунлари* ишлаб чиқилиб, Қирғизистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан 1999 йилнинг май ойида қабул қилинган. Мазкур қонунлар республиканинг агросаноат комплекси таркибидаги ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўйишда ҳуқуқий асос бўлиб қолдилар.

#### САВОЛЛАР:

1. Хусусийлаштириш қандай мақсадларни кузлаб амалга оширилган?
2. Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида қандай хатоликларга йўл қўйилган?
3. Саноатни ислоҳ этиш қандай амалга оширилган?
4. Янги аграр сисётни тавсифланг.
5. Қишлоқ хужалигининг бугунги кундаги аҳволи ҳақида сўзлаб беринг.

6. Дехкон (фермер) хужаликлари сиз яшаётган районларда қандай тараққий этмоқда?

7. Ерга нисбатан хусусий мудкчилик жорий этилишининг моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.

## 25-§. ХАЛҚНИНГ ИЖТИМОЙ ТУРМУШИ

**Халқнинг ижтимоий тузилиши** Жамиятнинг ижтимоий турмушида жамият аъзоларининг ижтимоий тузилиши алоҳида аҳамият касб этади. "Жамиятнинг ижтимоий тузилиши" тушунчаси гоят кенг қамровли эканлигини эсда тутишимиз лозим. Ижтимоий тузилиш бевосита, ижтимоий-демографик, ижтимоий-касбкорлик, ижтимоий-синфий, ижтимоий-миллий ва бошқа тушунчаларни ўз ичига олади. Халқнинг сон жиҳатдан тез ўсиши, айниқса, Совет Иттифоқининг сўнгги 30 йиллик тараққиётига хос бўлган хусусиятдир. Масалан, 1959 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижалари бўйича Қирғизистон ССР да 2,1 млн. киши яшаган. 1991 йилга келиб эса республика аҳолиси 4,4 млн. кишига етган. Демак ўтган вақт оралигида мамлакат халқининг сони 2 ҳиссага кўпайган. Қирғизистоннинг халқи демографик жиҳатдан МДХ мамлакатлари орасида узининг табиий ўсиши (бир йил давомида туғилганлар сони билан вафот этганлар сони орасидаги фарқ) борасидаги юқори кўрсаткичлари билан фарқланиб туради. Шунинг учун 90-йилларнинг 1-ярмига келиб, эмиграция даражаси гоят юқори бўлса-да, (150 минг нафардан кўпроқ аҳоли кўчиб кетган) республиканинг халқи сон жиҳатдан ўсишда давом этаверган. 1999 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра Қирғизистоннинг халқи 4,7 млн. кишини ташкил этган. Бу, албатта, аҳолининг юқори суръатдаги табиий ўсиши натижаси эди. Масалан, 1990 йилда ҳар бир минг киши ҳисобига 29,1 нафар бола туғилган бўлса, 1993 йилга келиб, бу кўрсаткич 26,1 нафарни, 1998 йилда эса 22 нафарни ташкил этган.

Умуман олганда, республика бўйича туғилиш бир оз қисқарган. Бу аввало 90-йиллардаги иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларга боғлиқ бўлган ҳолатнинг натижаси эди. 90-йилларнинг охирига келиб, республикадаги демографик вазият янги туғилган болаларнинг, оналар ҳамда гўдаклар ўлимининг бироқ бўлса-да, камайиши ҳамда республикадаги миграция тўлқинининг пасайишига боғлиқ равишда ўзгарган. 1998 йилга келиб, республика бўйича 101,7 минг нафар бола туғилган.

Уш ҳамда Чуй областларида болаларнинг туғилиш суръатлари пасайган бир ҳолатда, Талас области ва Бишкек шаҳрида бунинг акси кузатилган. Шу йили республика бўйича 24 минг нафар киши вафот этган. Ўлим кўрсаткичи ҳар минг киши ҳисобига 7,2 нафар кишини ташкил этган. Демак, халқнинг табиий ўсиши 67,7 минг кишидан иборат бўлган. 1998 йилда республи-

кага 10,3 минг киши кўчиб келгани ҳолда 16 минг киши республикадан кўчиб кетган. Миграция оқими 5,7 минг кишини ташкил этган.

Табийий ҳамда миграция жараёнлари натижасида 1998 йилда республика аҳолисининг сони 62 минг кишига кўпайган, аҳолининг ўсиш суръатлари 1,3 фоизни ташкил этган.

Қирғизистон аҳолисининг демографик ўсишини таъминлаган яна бир хусусият шуки, МДХ мамлакатларига нисбатан қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисидан бир мунча кўпдир. МДХ бўйича ўртача ҳисобда халқнинг 60 фоизи шаҳарларда, 40 фоизи эса қишлоқларда яшайди. 1999 йилги маълумотлар бўйича Қирғизистон халқининг 64 фоизи овул-қишлоқларда истиқомат қилади. Областлар бўйича олганда ушбу кўрсаткич Иссиқкўл областида 69 фоизни, Ўш областида 70, Талас областида 76, Норин областида 82 фоизни ташкил этади. Республикадаги қишлоқ аҳолисининг 70 фоизига яқини қирғизлардир. Юқори тоғлиқ районларда эса умумий аҳолининг 80 фоизидан кўпрогини қишлоқлар халқи ташкил этиб, уларнинг деярли барчаси қирғиз миллатига мансубдир.

Қирғизистонда аҳолининг жойлашуви ҳам турли хил даражада бўлиб, бу аввало республиканинг географик жиҳатдан ўзига хослиги натижасидир. Аҳолининг асосий қисми республика ҳудудининг атига 15 фоизинигина ташкил этган водийларда ҳамда тоғлар орасидаги воҳаларда истиқомат қилади. Бу ҳудудларда халқнинг зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 30 кишидан 80 кишигача тўғри келади. Жумладан, Ўш обласида 1 км<sup>2</sup> га ўртача 24 киши, Талас областида 13, Иссиқкўлда 8, Норин областида эса 5 киши тўғри келади. Демак республика аҳолиси асосан деҳқончилик учун қулай бўлган муътадил иқлимли водийларда кўпроқ жойлашган.

Қирғизистонда халқнинг ижтимоий-демографик тузилишида қуйидаги ўзига хосликлар мавжуд: аҳолининг 39,7 фоизини меҳнатга лаёқатсизлар ёки болалар ташкил этади, халқнинг 10,1 фоизи эса меҳнат қилиш ёшидан ўтган нафақахурлардир. Демак республиканинг меҳнатга яроқли қисми 50,2 фоизни ташкил этмоқда. МДХ даги ўртача кўрсаткичларга таққослаганда Қирғизистонда қариялар билан болаларнинг сони бир мунча кўпдир. Буни аввало, серқуёш ўлкамизда болаларнинг кўп туғилиши ҳамда ўлимнинг нисбатан оз эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Республикамининг меҳнатга яроқли аҳолиси ёки меҳнат ресурслари 2,2 млн. кишини ташкил этади, 90-йилларга келиб, уларнинг сони 300 минг кишига кўпайган.

90-йилларда республиканинг меҳнат ресурслари жамоа ёки ўз шахсий хўжаликларида меҳнат қилишган. Хусусийлаштириш йилларида жамоа хўжаликларида ишловчилар сони бир мунча камайган.

Ҳозирги вақтда (1993 йил) республика халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 21,4 фоизи саноат ва қурилиш соҳаларида, 39

фоизи киши оқ ҳамда ўрмон хужаликлариди, 5 фоизи транспорт соҳалариди, 5,6 фоизи савдо умумий овқатланиш, тайёрлаш ҳамда жиҳозлаш соҳалариди, 20,2 фоизи таълим, солиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, фан, маданият ҳамда санъат соҳалариди меҳнат қилмоқда. Республикадаги меҳнатга яроқли аҳолининг 13 фоизи ёрдамчи ҳамда уй хужаликлариди меҳнат қилишади, уларнинг аксарияти кўп болали аёллардир.

Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда меҳнатга яроқли аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш мустақил давлатимиз олдида турган энг улкан вазифалардан биридир. Лекин республиканинг ички ҳудудлари бўйича меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш даражаси бир хил эмас. Бу кўпроқ уша ҳудуднинг хужалик-иқтисодий структурасига боғлиқдир. Масалан, Норин области чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, халқнинг асосий машғулоти чорвачилиқдир. Кейинги йилларда чорва ҳайвонлари сонининг кескин тарзда қисқариб кетиши натижасида бу ҳудудда халқни иш билан таъминлаш гоёт мураккаб масалалардан бири бўлиб қолди. Иқтисодий таназзул юз бераётган ҳозирги вақтда куплаб қорхоналар ёпилиб, йирик шаҳарларда ҳам ишчиларнинг кўпи ишсиз қолиб кетмоқда. Ишсизлик даражаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Агарда, 1991 йилда республика бўйича 94 нафар киши ишсизлар сифатида рўйхатга олинган бўлса, 1992 йилда 136 нафар, 1993 йилда 1796 нафар, 1997 йилда эса 54,5 минг нафар киши ишсизлар сифатида рўйхатга олинган. 1998 йилда эса ушбу кўрсаткич 63,1 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткичлар, албатта, расмий тарзда рўйхатга олишнинг натижаси бўлиб, аслида бугунги кунда республикада 150 мингдан ортиқроқ ишсизлар мавжуд. Уларнинг 70 фоизини 30 ёшга етмаган кишилар ташкил этади.

Республикадаги меҳнатга яроқли аҳолининг 48,7 фоизини аёллар ташкил этади. Ҳозирги кунда 1 млн. дан ортиқроқ аёллар меҳнатга яроқли деб ҳисобланади. Лекин уларнинг кўпчилигини ишсизлар ташкил этади. Ишсиз аёллар орасида олий ҳамда ўрта махсус маълумотга эга бўлганлари ҳам кўп.

Қирғизистон Республикаси Миллий Статистика Комитетининг маълумотларига кўра, 1996 йилда республика халқининг 60 фоизидан ортиқроғи камбағаллик даражасида кун кечирмоқда. Уларнинг ҳар бирига ойига уртача 715,77 сўмдан даромад тўғри келган. 1989 йилга таққослаганда камбағаллик даражаси икки ҳиссага кўпайган. Халқнинг 18,2 фоизини гоёт камбағаллик билан кун кечираётганлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бирига ойига 220,61 сўмдангина даромад тўғри келган.

Камбағаллик даражаси республиканинг жанубида бирмунча юқори кўрсаткичларни ташкил этган. Маълумотларга кўра, бу ерда халқнинг 85 фоизи камбағалликда, 35 фоизи эса ута камбағалликда кун кечириб келган. Буни, аввало, халқнинг гоёт зич жойлашганлиги, ернинг озлиги ҳамда серфаранд оилаларнинг кўплиги билан изоҳлашга тўғри келади. Ишсиз аҳолининг 80

фоизи, ногиронларнинг 71,7 фоизи ҳамда хизматчиларнинг 44,4 фоизи камбағалликда кун кечирибган.

Халқнинг турмуш даражасига табиий бойликларнинг аҳволи, саноатнинг, қишлоқ хўжалигининг ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланиш суръатлари ҳам кучли таъсир кўрсатган. Иқтисодиёти ҳамда маданияти яхши ривожланмаган юқори тоғли районларда ҳамда тоғ олди овул-қишлоқларида ҳам камбағаллик кучли ривожланган.

Бишкек шаҳрида камбағаллар аҳолининг 26,1 фоизини, Чуй областида эса 46,3 фоизини ташкил этган бўлиб, бу республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан бирмунча паст кўрсаткичлар бўлган.

1996 йилги маълумотлар бўйича, Чуй областида ҳар бир кишига 3 минг сўмдан ортиқроқ, Бишкек шаҳрида эса 2 млн. сўмга яқин ҳажмдаги зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Айни шу кўрсаткичлар Норин областида 183 сомга, Иссыкқулда 597 сўмга тўғри келган.

Аҳоли ўз даромадларининг 70 фоиздан кўпрогини озиқ-овқатга сарфлаганидан, саноат маҳсулотларини сотиб олиш камайган. Қишлоқ аҳолиси сотиб олиш лаёқатининг камайишига чорва моллари сонининг озайиб кетиши, ҳайдов ерларининг қисқариши, ишсизликнинг ҳамда пул кадрезланишининг ўсиши, нарх-наволарнинг кутарилиб кетиши, иш ҳақининг, нафақа ва бошқа туловларнинг ўз вақтида берилмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлган. Юқоридаги сабабларга боглиқ равишда, халқнинг реал даромадлари миқдори йил сайин пасайиб борган. *Камбағалликни бартараф этиш Қирғизистон учун ҳозирги кундаги энг аҳамиятли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.*

Жамиятнинг ижтимоий турмушида унинг ижтимоий-синфий тузилишидаги ўзгаришлар ҳамда синфлар, ижтимоий қатламлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам улкан аҳамият касб этади. Совет ҳокимияти мавжуд бўлиб турган йилларда Қирғизистоннинг халқи ҳам ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан муносабатлари бўйича, асосан ишчилар ва колхозчи деҳқонлар синфига ҳамда ижтимоий қатлам деб ҳисоблаб келинган хизматчиларга бўлинган эди. Халқ хўжалигининг ижтимоийсинфий тузилиши ҳам ўзгариб, мавжуд синфлар ҳамда хизматчилар орасида ички ижтимоий қатламлар кўпроқ вужудга кела бошлаган. Ишчилар ҳамда зиёлилар сон жиҳатдан кўпайиб, деҳқонлар синфи йилдан-йилга озайиб борган.

Қирғизистонда ҳам ягона умумжамят мулкidan мулкчиликнинг бошқа кўпша шакллари асосланган бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари бошлангач, ишчи, деҳқон ҳамда зиёлилардан ташқари янги, бўлажак синфларнинг вужудга келиши учун ҳам имконият тугилди. Хусусийлаштириш сиёсатининг натижасида заводларнинг, фабрикаларнинг, банклар, концернлар, трестлар, корпорациялар, бирлашган корхоналар ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликларининг чинакам хўжайинлари вужудга

келди. Савдо, таъминот, саноат ва қишлоқ хўжалиги система-сида кўплаб ишхоналар шаклланиб уларни эгаллаган бошқарувчи кишиларнинг қатламлари юзага келган. Аста-секин шаҳар ва қишлоқ буржуазияси, ёлланма ишчилар ҳамда хизматчилар қатламлари вужудга келиб, шаклланиб борган.

Хизматчиларнинг бир қисмини махсус олий маълумотли, квалификацияланган ақлий меҳнат кишилари ташкил этади. Республикада элий маълумотли мутахассисларнинг сони етарли даражада кўпайиб, улар ҳозирда халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилишади. Ҳозирда (1999 йил) республикада 200 мингдан ортиқроқ хизматчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг 90 минг нафарини қитувчилар билан маданият хизматчилари, 50 минг нафарини муҳандислар, 19 минггини агрономлар, зоотехниклар ҳамда ветеринария врачлари, 4,5 минг нафарини маҳсулот етказувчилар, 2,5 минг нафарини эса ҳуқуқшунослар ташкил этади.

Ҳозирги кунда Қирғизистон Республикасининг кўпчилик ҳудудларида халқнинг ижтимоий-синфий тузилишида улкан фарқли жиҳатлар мавжуд. Саноатлашган йирик шаҳарларга эга бўлган Чуй, Ўш, Жалолобод областларининг кўпчилик районларида халқнинг ижтимоий-синфий тузилиши турли хил бўлиб, аҳолининг аксарият кўпчилигини ишчиларнинг ҳар-хил қатламлари, зиёдилар, турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи хизматчилар, савдогарлар ва бошқалар ташкил этади. Баланд тоғли Норин областида, Олай, Сусамир, Тонг, Чотқол ва бошқа районлар аҳолисининг таркиби асосан деҳқонлардан ҳамда қишлоқ зиёдиларидан иборатдир.

**Халқнинг миллий тузилиши ҳамда республикадаги миллий сиёсат**

Қирғизистонда ҳозирги кунга келиб 80 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилади. Қирғизлар халқнинг 56,5 фоизини ташкил этади. Бу ерда яшаган ўзбеклар билан қozoқлар ҳам мамлакатимиз ҳудудида азалдан яшаб келаётган маҳаллий халқлардандир. Қолган миллатларнинг асосини Қирғизистон Россиянинг таркибига киритилгандан сунг, у тарафдан кўчиб келган руслар ҳамда украинлар, Хитойдаги ҳокимиятнинг зуравонликларидан бешиб, қувгинга учраб, юртимизга келиб қолган тунгонийлар ҳамда уйгурларнинг авлодлари ташкил этадилар. Бундан ташқари Украинадан қувгин остига олинган немислар ҳам Чуй ҳамда Талас ҳудудларига келиб жойлашганлар. 20 — 30-йилларда Шимолий Кавказдан кўчирилган даргинлар ва бошқа халқларнинг вакиллари ҳам Қирғизистондан макон топишган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида чеченлар, ингушлар, карачайлар, балкарлар ҳамда қрим татарлари ҳам зўрлик билан уз ватанларидан кўчирилиб, уларнинг кўпчилик қисми Қирғизистонга жойлашган. Фашист босқинчилари оккупацияси хавфи остида қолган СССР нинг Европа қисмидаги руслар, айниқ-



са, ленинградликлар, украинлар, белоруслар, уруш ногиронлари, майиб-мажрухлар, аёллар ва қариялар ҳам кучириб келтирилган. Республикага кучириб келтирилган 30 дан ортиқ йирик саноат корхоналари билан бир қаторда уларни ишга тушириш учун юқори малакали мутахассислар ҳам оила аъзолари билан бирга кучириб келтирилган. Уларнинг баъзилари Улуғ Ватан уруши якунлангач, ўз юртларига қайтиб кетган бўлсалар, айримлари Қирғизистонда яшаб қолганлар. Совет ҳокимиятининг сунгги 30 йилида республика саноатининг тараққиётига боглиқ равишда саноат учун миллий ишчи мутахассисларни купроқ тайёрлаш ўрнига, уларни Россиядан чақириб келтириш ва уй-жой билан таъминлаш кучайган. Булардан ташқари, Сибирдан, Узоқ шарқдан ва Россиянинг шимолий районларидан ўз ихтиёри билан "яшаш учун қулай ер" излаб келганларнинг сони ҳам купайган. 80-йилларга келиб, ташқаридан кучиб келувчиларнинг сони камаё бошлаган. 1991 йилдан бошлаб эса, аксинча, Қирғизистондан кучиб кетувчилар сони купайган. Қирғизистонда рус миллатига мансуб аҳолининг энг купайган даври 1990 йилга тўғри келади. Бу вақтда улар республика аҳолисининг 21,2 фоизини ёки 918 минг кишини ташкил этганлар. 1991—1998 йиллар давомида Қирғизистондан 170 минг нафар руслар кучиб кетишган. Республикадан аҳолининг кучиб кетиш суръати 1993 йилда гоят юқори бўлган. Бу йили Қирғизистонга 23 минг киши кучиб келгани ҳолда, республикадан 143,6 минг киши бошқа ҳудудларга кучиб кетган. Кучиб кетувчиларнинг 80,8 минг нафарини руслар, 10,5 минггини немислар, 10,6 минггини украинлар, 6 минг нафарини ўзбеклар, 8,7 минггини татарлар ва бошқа қавмлар ташкил этган. Республикада сон жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи руслар 1990—1994 йилларнинг ўзида 17 фоизга ёки 918 минг кишидан 750 минг кишига камайган. Кучиб кетувчилар орасида сон жиҳатдан иккинчи ўринда немислар турган. 1989 йилда уларнинг сони республика бўйича 102 минг кишига етган. Уларнинг учдан бир қисми ёки 30 минг нафари 1991—1992 йилларда Германияга кучиб кетганлар.

Кучиб кетишлар натижасида Қирғизистон халқининг миллий таркиби ҳам бир муноча ўзгарган. 1993 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари бўйича, қирғизлар республика халқининг 56,5 фоизини, руслар 18,8 фоизини, ўзбеклар 13,5 фоизини, украинлар билан немислар эса 1,5 фоизини ташкил этган. Республикада ҳозирги кунда ун минглаб кишилик халқи бор татарлар (1,6 фоиз), қозоқлар, тунгонилар ва уйгурлар (0,9 фоиз), тожиклар (0,8 фоиз), турклар (0,5 фоиз), озарбайжонлар ва корейлар (0,4 фоиз) ҳамда бир неча минг кишидан иборат бўлган белоруслар, яхудийлар, қалмоқлар, арманлар, грузинлар, молдаванлар, поляклар, лўлилар ва бошқа қавмлар истиқомат қиладилар.

1999 йилда утказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кура, республика халқининг миллий таркибида қуйидаги-

ча ўзгаришлар юз берган. Табиий усиш юқори бўлган қирғизларнинг сони 5,5 фоизга кўпайган. Шу жумладан, осиелик бўлган халқларнинг, узбекларнинг, тожиклар, уйгурлар, қозоқлар ҳамда корейсларнинг сони бирмунча кўпайган. Эмиграцияга боғлиқ равишда, русларнинг, немисларнинг, украинларнинг, татарларнинг, яҳудийларнинг сони кискарган. Европалик халқларнинг Қирғизистондан кўчиб кетишига аввало, республикадаги огир иқтисодий инқироз, кўпчилик ишхоналарнинг тўхтаб қолиши, Қирғизистон Республикасининг мустақил давлатга айланиши, бозор муносабатларига утишдаги қийинчиликлар ва бошқалар сабаб бўлган. Энг ачинарлиси, кўчиб кетганларнинг ярмидан кўпрогини меҳнатга яроқли бўлган, шу жумладан, юқори малакали ишчилар, инженерлар ҳамда зиёлилар ташкил этган бўлиб, уларнинг кетиб қолиши республика халқ хўжалиги, айниқса саноат соҳалари учун гоят улкан йўқотиш эди.

Халқларнинг кўчиб кетишини тўхтатиш, миллатлараро муносабатларни тартибга солиш масалалари Қирғизистон ҳукумати олдидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланган. Бу борада республика ҳукумати ҳар бир фуқаро Қирғизистонни ўз ватанидек севишини таъминлаш учун кураш олиб борди. Қирғизистон Республикасининг миллий сиёсати "Қирғизистон – умумий уйимиз" шиори остида амалга оширилган.

Қирғизистонда миллатлараро муносабатларни тартибга солишда республика Президенти А. Ақаевнинг хизматлари катта бўлди. Унинг бевосита ташаббуси билан, 1994 йилнинг 21 январида Қирғизистон халқларининг Биринчи қурултойи ўтказилган. Қурултойда Қирғизистон Халқларининг Ассамблеяси тўғрилиб, унинг Устави қабул қилинган. Ассамблеянинг етакчи органи-Қирғизистон Халқлари Ассамблеясининг Кенгаши сайланган. Мазкур анжуманда "Қирғизистон Халқлари Биринчи Қурултойининг Мурожаати" ҳамда "Бирдамлик, тенглик ҳамда тинч-тотувликнинг Декларацияси" қабул қилинган. Ҳозирги кунда Қирғизистон Халқлари Ассамблеяси миллатлараро тинч-тотувликнинг асоси сифатида таъсирли форумга айланиб бормоқда.

Қирғизистон халқлари уртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳурмат гуйгуларини сақлашда, уни ҳар томонлама ривожлантиришда Миллий-маданий марказлар ҳам муҳим роль уйнамоқдалар. Уларнинг фаолиятлари давлат томонидан кенг маънода қўллаб-қувватланмоқда. Мазкур марказлар фаолиятини уйғунлаштириш уларнинг биргалашиб ишлашларини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 26 сентябрида Бишкекда Дўстлик уйи очилган.

Ҳозирги кунда кўп миллатли Қирғизистон халқининг асосий саъй-ҳаракатлари бозор муносабатларини тўлиқ ўзлаштиришга, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, мустақил демократик ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликка асосланган тенг ҳуқуқли мамлакатни тузиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган. Чинакам демократик мамлакатда халқни "маҳаллий" ёки кел-

гиндиларга ҳамда катта миллат ёки кичик миллатга ажратиш ярамайди. Лекин, Қирғизистонда қирғиз халқининг мамлакатдаги асосий ва кўпчилиқни ташкил этган халқ сифатида бошқа миллатлар олдидаги масъулияти каттадир. Халқимиз бошқа қавмлар билан ўзаро муносабатлар борасида заррача булсада зурвонликка ҳамда манфаатпарастликка йўл бермаслиги зарур. Аксинча, қирғиз халқи узининг асрлар оша сақланиб келаётган нодир ҳислатлари, жумладан, бошқа халқларга нисбатан ҳурмат назари билан қараш, дўстликка интилиш, меҳмон дўстлик ва миллатлараро муносабатлар борасида сабр-тоқатли бўлиш каби сифатларини ривожлантириб борган тақдирдагина чинакам демократик ва ҳуқуқий давлатни туза оламиз.

**Халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш аҳволи** Халқнинг турмуш даражасини, билимини ва маданиятини кўтариш, шахснинг қадр-қимматини сақлаш ва ҳурматлаш, унинг қонуний ҳуқуқи ҳамда эркинликларини таъминлаш ҳар бир мамлакатда биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган умуминсоний қадриятлар эканлиги маълум. Мустақилликни қўлга киритган Қирғизистонда ҳам собиқ Иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган ижтимоий муаммолар ҳал этилиши у ёқда турсин аксинча, янада чигаллашиб мураккаблашиб бормоқда.

Иқтисодий инқирозга боглиқ равишда, халқнинг турмуш тарзи йил сайин ёмонлашмоқда. Ҳозирги кунга келиб, республикадаги кўпчилик иқтисодий қатламлар қашшоқликка дучор бўлишган. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг натижасида республикадаги пул даромадларининг 50 фоизга яқини халқнинг бой яшаган 20 фоизи қўлида туپланиб қолгандир. Айни вақтда, қашшоқликда кун кўрувчи халқнинг 20 фоизи қўлида эса пул маблағларининг атиги 3,9 фоизи мавжуд, холос. Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтишнинг натижасида Қирғизистонда халқнинг бой ҳамда камбағал қатламлари ўртасидаги фарқлар йил сайин ортиб бормоқда. Иқтисодий инқироз энг аввало, қарияларнинг, сиҳат-саломатлигига боглиқ равишда вақтинчалик меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган ёки умуман майиб-мажруҳ кишиларнинг қисматини яна оғирлаштиради. Халқнинг ушбу қатламларига нафақ ҳамда туловларни беришни яхшилаш мақсадида 1993 йилнинг декабрида Қирғизистон Республикаси ҳукумати томонидан илгариги бир қатор фондларнинг ўрнига ягона ижтимоий жамғарма ташкил этилган. Республика ҳукумати томонидан чиқарилган “Халқни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишнинг кечиктириб бўлмас чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ойлик маошларнинг, нафақалар, туловлар ҳамда стипендияларнинг миқдори бир мунча кутарилган. Бу борадаги муаммоларни тартибга солиш ҳамда ҳал этиш учун 1994 йилнинг 14 апрелида Олий Кенгаш томонидан “Қирғизистон Республикаси фуқароларини нафақа билан таъминлаш тўғрисида”

ги қовун қабул қилинган. Лекин, нафақа ҳамда туловларнинг уз вақтида берилмаслиги бартараф этилмай қолаверган. Айниқса, бу борадаги узилишлар 1993 йилдан бошлаб кучайган. 1995 йилга келиб, ҳукуматнинг нафақа ҳамда туловлар бўйича қарзи 17,5 млн. сомни ташкил этган. 1990 йилларнинг иккинчи ярмида ҳам мазкур қаралар йил сайин кўпайиб бормоқда.


Сунги вақтларда халққа ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳам талаб даражасидан бир мунча ортда қолмоқда. Халқ маиший турмушининг даражаси овул-қишлоқларидагина эмас, балки шаҳарларда ҳам белгиланган нормалардан пасайиб кетган.

Ҳозирги вақтда республикадаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари узил-кесил хусусийлаштирилган, уларнинг кўпчилиги ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда кооперативлар шаклида қайта тузилган. Лекин, улар фаолиятининг самарадорлиги гоаят пасайиб кетган.

90 йилларда халқни турар жой билан таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Уз маблағлари ҳисобига уй қуришни ҳохловчиларга ер участкаларини бўлиб бериш шаҳарларда ҳамда қишлоқларда оммавий тарзда амалга оширилган. Бу борада фуқароларга имтиёзли кредитлар ҳам берилган. Натижада республикадаги турар жой фондининг умумий майдони бир мунча кенгайган. Ҳозирги пайтда турар жой фондининг 81 фоизи хусусий, 2 фоизи эса кооператив мулки сифатида бўлиб берилган. Давлат ихтиёридаги турар жойларни ҳам хусусийлаштириш давом этмоқда.

Коммунал хизмат соҳаларининг саъй-ҳаракатлари натижа-сида шаҳарлардаги турар жой фондлари сув қувурлари билан 93 фоизга, канализация билан 88 фоизга, марказлаштирилган иссиқлик билан 89 фоизга, газ билан 91 фоизга ҳамда иссиқ сув билан 72 фоизгача таъминланган. Лекин иссиқлик энергетика-си соҳасидаги мавжуд инқирознинг натижасида кейинги вақтларда халқнинг газ ва электр энергияси билан таъминлаш иши бирмунча пасайиб кетган. Айниқса қишлоқ жойларидаги турар жой фондлари таъминоти ута паст даражага тушиб қолган. Шаҳарларга таққослаганда қишлоқ жойларида сув ўтказиш қувурлари 2,2 ҳиссага, канализация 2,6 ҳиссага, иссиқ сув билан таъминлаш эса 6 ҳиссага камайган (1993 йил). Ҳозирги вақтда халқнинг турар жойини коммунал хизмат турлари билан таъминлашни яхшилаш учун маҳаллий ресурслардан ҳамда чет эл сармояларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Халқ таъминоти борасидаги аҳамиятли соҳаларидан бири алоқа хизмати эканлиги маълум. Ҳозирги кунда ушбу соҳанинг аҳамияти янада ортган. Мустақилликка эришгандан сўнг, Қирғизистонда алоқа тармоқларини ривожлантиришга жиддий эътибор берилган. Чунки, республиканинг телекоммуникация тармоғи 60-деярли фойдаланиб бўлган эди. Ҳозирги кундаги электроника ҳамда электротехника соҳаларининг шиддатли тарақ-



Спутник алоқасининг Қирғизистондаги станцияси

қиёти талабларига мувофиқ умумжаҳон телекоммуникация инфраструктураси, яъни гоёт кенг халқаро алоқа системаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур системага боғланиш учун республикадаги телекоммуникация тармоқларини техник жиҳатдан янгилаш иши амалга оширилган.

Қирғизистондаги телекоммуникация инфраструктурасини яхшилаш учун 1993 йили “Қирғизтелеком” компанияси ташкил этилган. Бу компания қисқа муддат ичида халққа замонавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, маҳаллий, шаҳарлараро ҳамда халқаро алоқаларни таъминловчи миллий марказга айланиб улгурди. “Қирғизтелеком”нинг саъй-ҳаракати билан республикадаги телекоммуникация фаолиятини яхшилаш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди. Натижада, республика аҳолисини телефон, телеграф, факс алоқалари билан таъминлаш ҳамда интернет тармоғидан маълумотларни олиш ишлари йўлга қўйилди. 1996 йилда Қирғизистонда Марказий Осиёдаги энг йирик спутник алоқасининг янги тизимдаги станцияси қурилди. Шундан сўнг Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Англия ҳамда Европанинг бир қатор бошқа мамлакатлари билан туғридан-туғри алоқа қилиш имконияти вужудга келди. Мустақил Қирғизистон Республикасининг замонавий кўринишдаги телекоммуникациясини яратиш ҳамда ривожлантиришда “Қирғизтелеком” компаниясининг биринчи президенти С.А. Алимқулов раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаси таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги пайтда “Қирғизтелеком” компанияси оптик алоқалар линиясининг Транс-Азия Европа (ТАЕ) лойиҳасини ҳам амалга оширмоқда Ушбу алоқанинг мақсади оптик узатиш тармоғига қўшилиш орқали Европанинг унлаб

мамлакатларини уз ичига олувчи, ҳозирги давр тараққиётига мос булган қудратли алоқа тармогини тузишдан иборатдир. У Франкфурт-на-Майне шаҳридан Шанхайгача чўзилади. Унинг ёрдами билан бутун Ер планетаси атрофида мунтазам маълумот алмашиб туриш имконияти вужудга келади. Кейинчалик, ТАС таркибига қўшилгач, Қирғизистон Буюк Ипак йули орқали бутун дунё билан маълумот алмашув имкониятини қўлга киритади.

Халқнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш ҳамда яхшилаш ижтимоий турмушининг энг аҳамиятли соҳаларидан бири ҳисобланади. Совет ҳокимияти йилларида Қирғизистонда тиббиёт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари борасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилганлиги маълум. Маълумотларга қараганда 1992 йилда Қирғизистон халқининг ўртача умр кўриш даражаси 68,3 ёшга (эркаklar — 64,2, аёллар — 72,2) етган. Ушбу кўрсаткич энг ривожланган капиталистик мамлакатлардаги халқнинг ўртача ёшидан 2 — 3 йилга кам бўлсада, дунёнинг аксарият кўпчилик мамлакатларидаги ўртача умр кўриш ёши билан тенгдир. Қирғизистон халқининг ўртача умр кўришини узайтириш борасида, албатта, соғлиқни сақлаш маҳкамаларининг ҳамда тиббиёт ходимларининг хизматлари улкан аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда республика халқига *тиббий-муолажавий ёрдам кўрсатиш босқичли система* бўйича ташкил этилган. Биринчи босқичга овул-қишлоқлардаги фельдшерлик ҳамда фельдшер-акушерлик пунктлари кирган. Врач муолажаси амбулаториялар ва овул-қишлоқлардаги касалхоналар орқали кўрсатилган. Халққа тиббий ёрдам беришнинг иккинчи босқичи район марказий касалхоналарида, ихтисослаштирилган (юқумли касалликлар, тери-тошма касалликлари) касалхоналарда, диспансерларда, тиббий тез ёрдам станцияларида ёки бўлимларида амалга оширилади.

Халққа тиббий ёрдам кўрсатишнинг йирик маҳкамалари албатта, марказий, район ҳамда шаҳар касалхоналари ҳисобланади. Уларнинг баъзилари бир вақтнинг ўзида 300 дан 600 нафаргача касалларни стационар йул билан даволаш имкониятига эгадир. Уларга йигирмадан ортиқ турдаги ихтисослаштирилган касалхона ҳамда диспансерлар, дорихона ва бошқалар киради. Соғлиқни сақлашнинг барча босқичлари бир-бирлари билан узвий алоқадорликда иш олиб борадилар.

Республикадаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлар соғлиқни сақлаш системасига ўзининг салбий таъсирини теккизмақда. Илгари ижтимоий таъминотнинг энг катта муваффақиятларидан бири ҳисобланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш аста-секинлик билан қисқариб бориб, беморларни даволаш пуллик тартибларга утказилмоқда. Дори-дармонларнинг нархлари ҳам муттасил ошиб бормоқда. Буларнинг натижасида, халқнинг камбағал қисми учун тиббий ёрдам олиш тобора қийинлашмоқда. Кейинги вақтларда республикада санэпидемия маҳкамаларининг фаолияти ҳам гоят сусайиб кетди. Шунинг учун, сўнгги пайтларда халқимиз орасида тери-тошма касалликлари ҳамда бру-

целёз каби ижтимоий офатлар кенг тарқалмоқда. Кишиларнинг умрига завол бўлаётган касалликлар озайиш ўрнига, йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги тиббиёт соҳасидаги мавжуд камчиликларнинг бевосита натижасидир. Республика халқи орасида юз бераётган улим сабаблари тадқиқ этилганда, улган кишиларнинг 38,4 фоизи қон айланиш системасидаги касалликлардан, 16,6 фоизи нафас олиш аъзоларидаги касалликлардан, 11,6 фоизи турли хил фалокатлардан, қотиллик, ўз жонига қасд қилиш ёки йўл фалокатидан, 11,2 фоизи рақ касаллигидан, 4,2 фоизи овқат ҳазм қилиш аъзоларидаги касалликлардан, 3,8 фоизи эса юқумли ҳамда бошқа касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмушлари аниқланган. 90-йилларнинг иккинчи ярмида республикадаги эпидемиологиянинг умумий аҳволи қизамиқ, ич-буруғ ва тери-тошма касалликларининг ҳамда венерология касалликларининг кўпайганликлари билан характерланади.

Кўп учрайдиган касалликларнинг асосий сабабларидан бири халқнинг кўпчилик қисмида, айниқса, болалар ва аёлларда овқатланиш даражасининг пастлиги, овқатларнинг тўйимли эмаслиги ҳамда бир хиллигидадир. Ана шундай аҳволнинг таъсирида, бугунги кунда республикада болалар ҳамда аёлларнинг 80 фоизи анемия (кам қонлик) дан азоб чекмоқда. Халқнинг сиҳат-саломатлигини сақлашнинг сифати мазкур соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларга, уларнинг сидқидилдан фаолият курсатишларига ҳам маълум даражада боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Республика бўйича ҳозирги кунда бу борада 57,3 минг мутахассис меҳнат қилмоқда. Уларнинг орасида махсус врачлик дипломига эга булганлар 15 минг нафарни, урта махсус тиббий маълумот эгалари эса 42,3 минг нафарни ташкил этади (1995-й).

Қирғизистонда 1999 йил – Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган. Шунга кўра, республикада сиҳат-саломатликни сақлаш юзасидан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада касалхоналарни, поликлиникаларни ҳамда халқни диспансерлаштириш соҳаларини кенгайтиришга, уларни янги тиббий воситалар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Сунги йилларда оилавий шифокорлар гуруҳининг тузилиши ва фаолият курсатиш бошлашлари эл-юрт саломатлигини сақлашда ўзининг самарадорлигини кўрсатмоқда.

#### САВОЛЛАР:

1. Жамиятнинг "ижтимоий тузилиши" ни қандай тушунасан?
2. Халқнинг ижтимоий-сиғфий тузилиши тўғрисида сузлаб беринг.
3. Камбағалликнинг ҳамда ишсизликнинг ўсиб бориши қандай сабабларга боғлиқ?
4. Халқнинг миллий тузилишига ҳамда миллий сиегатга таъсир беринг.
5. Ҳозирги кунда республика халқини ижтимоий жиҳатдан таъминлаш қандай даражада?

## ЎРТАЛЛАШТИРИШ ҚИРГИЗИСТОН МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

### 26-§. XIX АСРНИНГ ЎРТАЛАРИДАН XX АСР БОШЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ МАДАНИЯТ

Қирғиз элининг Кучманчи ва ярим кучманчиликка асос одатий маданияти ланган турмуш тарзи ҳамда ота уругининг устиворлигига асосланган ер эгалиги муносабатлари қирғиз халқининг маданиятида чуқур из қолдиргандир. Моддий маданиятининг асосий кўрсаткичлари бўлган турар жойлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, уй-рўзгор буюмлари ҳамда безаклари ҳам қирғизларнинг кучманчи турмуш тарзига ва ҳужалик юритишнинг мавсумий характериغا мос равишда сақланиб келинган.

Турар жойи. Қирғизлар одатда кучманчиликда ҳамда доимий турар жойларда яшашган. Кучманчи қирғизлар асосан утовларда ҳаёт кечирганлар.

Ўтовларнинг устки ҳамда ички жиҳозлари ўтов эгасининг ижтимоий аҳволини кўрсатиб турган. Бойларнинг уйлари, аввало, катталиги ҳамда қиммат жиҳозлари билан ажралиб турган. Уларнинг ичи кигиз, ширдоқ, гилам ҳамда қамиш урамлари билан қопланган. Бойларнинг уй жиҳозлари ҳам ўзининг қимматбаҳолиги билан ажралиб турган. Бой кишилар бир вақтнинг ўзида бир нечта ўтов тиктиришган, уларнинг бирида ўзлари яшасалар, бошқа бирлари меҳмон кутишга, учинчи бирлари эса таом пиширишга мулжалланган.

XIX асрнинг ўрталарида Қирғизистонга келган саёҳатчилар ҳамда тадқиқотчилар кучманчи аҳолининг асосий қисмини ташкил этган камбағал авом халқнинг аксарияти эскириб йиртилган ва ис босган ўтовларда яшашларини, уларнинг турмуш шароитлари гоят ночор аҳволда бўлганлигини эътироф этганлар. Бой қирғизларнинг чорвасини боқиб кун кечирувчи қашшоқ кишилар асосан учлари бириктирилиб букилган, учи ерга санчилиб устига эски кигиз ёпилган чайлаларда кун кечирганлар.

Доимий турар жойлар Қирғизистоннинг жанубида азалдан мавжуд бўлган. Шимолий Қирғизистонда эса бундай уйлар XIX асрга келибгина қурила бошлаган. Қирғизлар уй қуриш тажрибасини кўп ҳолларда узбеклар, тожиклар ва уйғурлардан ўрганишган.

Маҳаллий шарт-шароитларга боғлиқ равишда жанубий Қирғизистонда уйларнинг деворлари асосан гувалаклар билан, шимолда эса паҳса ёки хом гишт билан урилган. Иссиқкўл атрофларида ёғоч уйлар кўп учраган. Дастлаб солинган уйлар бир ёки икки хонали, остига тупроқ текисланган, деворлари лой билан



сувалган ва фундаментсиз бўлган. Уларнинг устига лой билан қушилиб қамиш ёпилган. Том устига тутун чиқиши учун тешик қўйилган, бу тешик ёруғ кириб туришни таъминловчи туйнук вазифасини ҳам утаган.

Йирик ер эгалари ва бойлар эса махсус усталарни ёллашиб чорва ҳайвонлари учун қура-жойлари бор дангиллама уйларни қурдирганлар. Бундай уйларнинг чор атрофида бойнинг хизматини қилувчи камбагалларнинг кулбалари тартибсиз ҳолда жойлашар эди.

Чуй водийси ва Иссиқкул атрофларида вужудга келган рус ҳамда украин қишлоқларидаги уйлар ўзларининг қурилиш услуби, кўчаларининг ободонлиги билан қирғиз қишлоқларидан кескин равишда фарқланиб турган. Рус қишлоқларининг таъсирида Қирғизистонда ҳам уй-жой қуриш борасида бир қатор ўзгаришлар юз берган. Эндиликда қирғизлар ҳам деворлари баланд, деразалари кўчага қараган, зинали, устида болахонаси, теварагида қура-жойлари бор уйлар қуришни ўрганганлар. Масалан, Чуйдаги Тоштепа, Иссиқкулдаги Дархон каби дастлабки қирғиз қишлоқларида уйлар тартиб билан бир қатор қилиб қурилган ва кўча четларига довларахтлар утқазилган.

**Кийим-кечаклари.** XVIII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг ўтроқлашган қирғизларнинг одатий кийимлари бирмунча ўзгарганлиги кузатилган. Улар кийим-кечакларига ўзбекларнинг, тожиклар, руслар, татарлар ҳамда украинларнинг таъсири бўлган. Кўчманчи ёки ярим кўчманчи чорвачилик устивор бўлган ерларда кийим-кечаклар асосан ишлов берилган мол ёки бошқа ҳайвонларнинг териларидан, юпқа кигиздан ёки жуздан тўқилган буйрасимон матодан тайёрланган. Бундан ташқари, кийим-бошлар марказий осиелик ёки хитойлик кустарча ишлаб чиқариш усули билан тайёрланган газламалардан, кейинчалик Россия фабрикаларининг маҳсулотларидан ҳам тикила бошлаган. Лекин газлама маҳсулотлар гоёат қиммат бўлган. Масалан, бир дона кимхоб тўн бир туяга, ипак аралашган газламадан тўқилган чопон эса икки қўйга алмаштирилган. Шунинг учун қимматбаҳо кийимларни фақат бойларгина кийя олганлар, камбагаллар эса асосан читга ўхшаш арзон матодан тўқилган кийим-кечаклар билан чекланишган.

XIX асрдан бошлаб, қирғизларнинг озиқ-овқатлари таркибида фойдали ўсимликлар ҳам кўпайган. Идиш-товоклар ҳам қирғизларнинг кўчманчи турмуш тарзига мувофиқ, ёғочдан ёки теридан ясалган ва енгиллиги билан фарқланиб турган.

Қирғизистоннинг аҳоли ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирган жойларида, айниқса жанубда чинни идишлар ҳам кенг қўлланилган. Россия томонидан босиб олингандан сўнг ҳам қирғизларнинг моддий маданияти ва қўлланма санъати унчалик ўзгарган эмас.

**Ўрф-одатлари.** Қирғиз халқининг ҳар бир таянмаси одатда найзабозлик, *камон отиш, от чопиш, улоқ, отдан ағдариш, қураш, арқон тортиш, от устида туриб тангани ердан олиш, ошиқ*

*уйин, улоқтирилган оқ суякни топиш (одатда, тунда уйналган), рўмол ташлаш, беркинмачоқ, учи богланган рўмол билан савалашини, чуқурга шарча ташлаб уйналадиган ва шу каби бошқа турли хил халқ уйинлари билан биргаликда ўтказилган. Ола кучук ёки сичқон-мушук каби болаларга хос бўлган уйинлар ҳам мавжуд бўлган.*

Қирғизларда асрлар давомида сақланиб келган кексаларни ҳамда улуг кишиларни ҳурматлаш, марҳумларнинг арвоқларига қуръон тилолот қилдириш, ҳашар йули билан ўзаро ёрдамлашини ҳамда меҳмондўстлик каби миллий қадриятлар халқимизнинг моддий ва маънавий турмуш даражасига хос тарзда ривожланиб келган.

Халқнинг урф-одатлари фарзанд тугилиши, уйлаш, турмушга узатиш каби қувончли кунларда, диний ҳамда халқ байрамларида янада ёрқинроқ акс этган. Сочма сочиш, суннат туйи, тушов кесиш, янги қўшнини йўқлаш, қизга қалин бериш, сеп йиғиш, сарпо кийгизиш, яқинларга зиёфат бериш каби одатларни халқнинг барча ижтимоий қатламлари ўз имкониятларига яраша сақлашга ва ўтказишга ҳаракат қилишган.

Янги йил байрами — Наврўз қирғизларда ўзгача шукуҳ билан ўтказилиб келинган. 21 мартда нишонланадиган ушбу байрамда кишилар бир-бирларига энг яхши тилакларни айтиб, хушнуд қилганлар. Бу кунни қасдлашганлар ва аразлашганлар бир-бирларини кечиршиб, ярашганлар. Эл-юрт бир жойга йиғилишиб, арпадан кўча оши ва бугдойдан сумалак каби халқ таомларини пиширишган, шу кунга сақлаган қуй-қўзиларини сўйишиб ҳурматли меҳмонларни сийлаганлар.

Мусулмон динига эътиқод қилган барча халқлар каби қирғизлар ҳам Рўза ҳайит ва Қўрбон ҳайит байрамларини кенг тарзда нишонлаганлар.

Қирғизларда марҳумни охиратга кузатишга боғлиқ бўлган урф-одатларга, айниқса, қаттиқ амал қилинган. *Марҳумнинг қора ошини ўтказиш, жаноза ўқитиш, эл-юртга ош бериш, жанозага келганларга дурра тарқатиш, гўрковлар ва қабр бошига келган кишиларни овқалантириш учун қорамол сўйиш каби-ларга қатъий риоя қилинган.* Вафот этган кишиларнинг мол-мулкига, жамиятдаги мавқеига ва обрў-эътиборига яраша унлаб, баъзи ҳолларда юзлаб туёқ сўйилган. Марҳумларнинг тириклигидаги меҳнатини, фаолиятини улугловчи шеърӣ матнларни йиғи аралашган ҳолда ифодалаш санъати гоёт ривожланган. Бундай аза қўшиқлари ўзининг маъмурдорлиги ҳамда ҳис-ҳаяжонга йўғрилганлиги билан ажралиб турган.

Бундан ташқари, қирғизларда меҳнатни ва севги-муҳаббатни ифодаловчи ҳаётӣ қўшиқчилик санъати ҳам тақомиллашиб борган. Айтишув "Ир кесе" (қуй-қўшиқ косаси) каби кўнгилни хушловчи кечалар уюштирилиб, унда халқнинг истеъдодли кишилари ўз санъатларини намойиш этганлар. Қўшиқчилик ҳамда кўмуз чертиш санъати авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолаверган.

Халқ оғзаки ижодининг тараққий этиши

Таниқли рус олими В.В.Радловнинг фикрича, қирғиз халқи XIX асрда чинакам этник дostonчилик даврини бошдан кечирган. Натижада “Манас” айтиш санъати гоёт ривожланиб ўз чўққисига ўсиб етган. Мазкур санъатнинг энг атоқли намoёдалари Балиқ, Келдибек, Назар, Чўнгбош, Телтай, Калмирза, Суранчи, Чоодан, Жандаке ва бошқалар халқ орасида катта манасчи деб аталишиб, юксак обрў-эътиборга эга бўлишган. Улар узларига қадар яшаб утган улуг манасчиларнинг бe-такрор меросларини ривожлантирганлар. Ўз вақтида уларнинг ҳар бири ўз даврининг улуг манасчилари сифатида кўплаб истеъдодларни тарбиялаганлар. Масалан, манасчи Жапий угли Тинибек (1846 — 1902йй.) дан Сағимбай, Қалигул, Тоголок Молдо, Байбағиш, Донғизбай каби катта-кичик манасчилар таълим олишган. Айтишларича, кўнларнинг бирида Шабдан, Байтик, Сооронбай, Ўзбек каби таниқли қирғиз манаплари Тоқмоқ яқинидаги “Сооронбайнинг боғи” деб юритилган ерда тупланишиб, Тинибекка 30 кун давомида “Манас” айттиришиб тинглашган экан. Катта манасчилар дostonни куйлаётган пайтларида узларини дoston қаҳрамонлари орасида юргандек ҳис этишиб, воқеаларни гоёт таъсирли тарзда ҳаяжон билан ифода эта олганлар. Бу уларнинг ижодий завқланиш кучидан, шеърий дунёқарашларининг гоёт кенглигидан далолат берган. Ана шундай манасчилардан бири Сағимбай Орозбак угли (1867 — 1930 йй.) бўлган.

У Иссиқкўл водийсининг Қабирга қишлоғида туғилган. Ўз даврининг илгор манасчиларидан таълим олган. “Манас” эпосининг унинг ижросида ёзиб олинган кўриниши гоёт мазмундорлиги, кўркамлиги, гоёвий йўналишининг пишиқлиги ҳамда тузилиши борасида халқ оғзаки ижодининг беназир монументал намунаси сифатида қирғиз халқининг маънавий бойликлари қаторидан ўрин олган. Сағимбай томонидан куйланган дostonда воқеалар гоёт таъсирчан ҳамда бадий жиҳатдан ранг-баранг тарзда ифода-ланган. Сағимбайнинг бундай муваффақият қозонишининг сабаби узидан олдин утган катта манасчиларнинг бой тажрибаларини ижодий узлаштирганлигидадир.

XVIII — XIX асрларда қирғизларнинг кичик дostonлари ҳам тўлдирилиб, бадий жиҳатдан юқори даражага етган. Кайберен билан куч синашган моҳир мерган тўғрисидаги “Кожожаш” дostonи экологик мувозанатни сақлаш ҳамда табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш гоёларини ифода этган.

Қирғизларнинг энг қадимги дунё манзараси ҳамда ер тузилиши тўғри-



Сағимбай Орозбак угли



Тоқтагул Сатилганов

сидаги тасаввурларини ифодалаган “Эр Туштук” достони яхшилик ва ёмонлик, халқнинг узаро муносабат борасидаги уй-фикрларини баён этиш орқали жамият аъзоларининг дунёқарашини устиришга хизмат қилган. XVII—XVIII асрларда Марказий Осиёдаги сиёсий вазиятни, қирғизларнинг ойротларга қарши миллий-озодлик курашларини ифодалаган “Жаниш-Байиш”, “Курманбек” ҳамда “Эр Табилди” каби қаҳрамонлик руҳидаги кичик дostonлар вужудга келиб, халқ ўртасида кенг тарқалган. “Жангил Мирза” достонида уруш-талашлар давридаги ботир қирғиз аёлларининг озодлик ҳамда тенглик учун курашлари улуғланган.

Қирғиз халқининг бетакрор истеъдодини ифодалаган оқинлик савъати ҳам ривожланиб борган. Қирғизларнинг туқима оқинлари ўз маҳоратларини айтишув санъати орқали намоян этишган. Уларнинг орасида айниқса Женгижок (Ото Коко ўгли 1859 — 1918 йй.) узининг фалсафий мазмуни теран асарлари билан халқнинг эъзозига сазовор бўлган.

Қирғиз халқининг улуғ оқини Тоқтагул Сатилганов (1864 — 1933 йй.) уз давридаги ижтимоий-синфий муносабатларни аур маҳорат билан ёритиб, озодлик ва тенглик гоъяларини ифода этган қушиқлари билан кенг халқ оmmasига манзур булган.

У ўз даврининг бир қатор моҳир оқинларига тўғри йул курсатиб, панднасихат бериб борган. Бой-манапларнинг жабр-зулмларини фош этиб, оддий авом халқнинг манфаатларини кўзлаб куйлаган қушиқлари учун ивгогарлар унга “Авдижон қўзғолонида иштирок этган”, — қабилида тухмат қилишиб, Сибирга сургун қилинишига эришганлар. Тоқтагул насихатчи ва туқма оқингина булиб қолмасдан, балки халқ долстончиси ҳамда файласуф сифатида ҳам машхур булган.



Барпи Аликулов

Тоқма оқин Барпи Аликулов (1884 — 1949йй.) ҳозирги Сузоқ районидаги Ачи қишлоғида туғилган. Унинг панд-насихат қушиқлари теран фалсафий фикрларга бойлиги билан ажралиб турган. Барпи оқин кескин ижтимоий қушиқлардан ташқари жамият, давр ва дунё тўғрисидаги ажойиб фалсафий қушиқларни ҳамда кўплаб йирик қушиқларни ҳам яратган.

Токма оқин Эшмамбет Байсеит ўгли (1867—1926 йй.) Тоқтагулдан таълим олган. Унинг қўшиқлари ҳам ўзининг фалсафий мазмундорлиги билан ажралиб турган. У Женгижок, Жангибай, Куран, Найманбай, Барии, Калик ва бошқа таниқли оқинлар билан айтишувда ўзининг зўр маҳорат эгаси эканлигини намойиш эта олган.



Қалигул Бай ўгли

Оқинлик билан бир қаторда қирғизларда мусиқа санъати ҳам ривожланиб борган. Халқ мусиқачилари қомузда, киякда, темир қомузда, карнай-сурнайда, най, қушнай ва бошқа мусиқа асбобларида теран маамули куйларни яратганлар. Бундай мусиқачилар қаторига Куровкой Белек ўгли (1860—1926 йй.), Ниязали Ворош ўгли (1860—1949 йй.), Карамолдо Ороз ўгли (1866—1935 йй.), Ибрай Туман ўгли (1885—1967 йй.) ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар мусиқанинг турли жанрларида шухшодон, қайгули, инсоннинг сезгиларига чуқур таъсир этувчи фалсафий бой асарларни яратганлар. Ушбу асарларнинг баъзилари кейичалик бир маромга туширилиб, халқимиз маънавий маданиятининг олтин ҳазинасидан ўрин олган.

Қирғиз халқининг фалсафий ўй-фикрлари дostonларда, эпосларда, мақол ва маталларда ҳамда туқма оқинларнинг қўшиқларидагина ифодаланиб қолмасдан, балки узоқни кўра билувчи авлиё сифат кишиларнинг, зукко донишмандларнинг фикрларида ҳам баён этилган. XIX асрдаги қирғиз философиясида ёрқин из қолдирган зукко донишмандлардан бири Қалигул Бай ўгли (1785—1855 йй.) дир.

У фикрларининг гоят мазмундорлиги, ҳаётийлиги, уткирлиги ҳамда истиқболдаги узгаришларни илғай билганлиги учун халқ орасида Қалигул авлиё деб ном олган.

Бадий сўз санъатида Қалигулга қадар Асанқайғи, Санчи танқидчи, Толубай танқидчи, Жээренче зукко ва бошқаларнинг номлари машҳур бўлган. Лекин уларнинг асарлари бир-бирига ўхшаш хусусиятларга эга бўлиб, ҳаётий воқеаликдан кўра, афсонага яқинроқ бўлиб қолган. Таниқли манасчи Сағимбай Қалигул тўғрисида шундай деган эди: “Қалигул оқин қирғиз оқинчилигининг отаси ҳисобланади. Ундан олдин эл-юртга манзур булган қўшиқлари сақланиб қолган бирорта ҳам қирғиз оқини эшитма олмадик”. Унинг “Қалигулнинг сўзи”, “Охир замон”, “Терма санъат қўшиқлари”, “Иссиқкул ҳақида айтганларим” ва бошқа асарлари Шарқ шеърлятида қадимдан кенг ўрин олиб келган дидактик асарлар бўлиб, жонли насихатга ҳамда ақлли ўй-фикрларга тўладир.

Шарқ шеърлятининг ушбу жанрида қалам тебратган кирғ-

из файласуфларидан яна бири Арстанбек Буйлаш (Бойлош) угли (1824 — 1878 йй.) булган. У комузда чертган оҳанглари ҳамда мусиқага солган қушиқлари билан ҳам халқ орасида машҳур булган. Унинг “Тор замон” номли асосий асарида ижтимоий-сиёсий воқелик, қисқача айтганда, инсон ва жамият тўғрисидаги тарихий аниқ шартларга боғлиқ булган турли мазмундаги шеърӣ худосалар баён этилган. Ҳзи яшаётган қирғиз жамиятидаги сиёсий воқеликка мурожаат қилар экан, Арстанбек Қирғизистоннинг Россия тасарруфига ўтишини унчалик маъқуллаган эмас. Бундан кўра Шарқий Туркистонда ташкил этилган Ёқуббекнинг Етти шаҳар давлатига қушилишни ёқлаган. Оқиннинг мазкур фикрлари ўша вақтларда қирғиз жамиятидаги ижтимоий фикрларнинг турлича булганлигини ифодалайди.

Қалигул билан Арстанбек шеърӣида фикрларнинг мазмуни аниқ ва лунда айтилиб, гоят қисқа сатрларда мажозий образлар орқали ифодаланган. Улар яратган қушиқларнинг ҳар бир сатри ўзига хос ёрқин фикрларни қамраб олган булиб, бадий сўз кучи уларнинг қиммати янада оширган. Шунинг учун ушбу файласуфларнинг қушиқлари халқ орасида мақол-маталлар сифатида ҳам сақланиб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, қирғиз халқининг асрлар давомида сақланиб ривожланиб келаётган миллий маданияти янги босқичга кўтарилган. Халқимиз моддий маданиятининг асосини ташкил этган турар жойлар, яъни ўтов уйлар аста-секинлик билан турли хил қурилиш материалларидан тикланувчи томли уйларга айлана бошлаган. Келгинди рус деҳқонларининг таъсири билан Қирғизистонда қишлоқларга ҳамда шаҳарларга асос солинган. Уларни кукаламлаштириш ишлари йулга қўйилган. Қирғиз халқининг миллий кийим-кечаклари ҳам ўзгариб, ўтроқ гурмуш тарзи ҳамда меҳнатнинг янги турларига мувофиқлашиб, европача андозага туша бошлаган. Қирғиз халқи озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашда чорвачилик ҳамда дон маҳсулотларидан кенг фойдаланган. XIX асрда қирғиз халқининг маънавий маданияти юксалди ҳамда маданиятнинг янги қуришлари вужудга келди. Бу даврда қирғиз халқи чинакам эпик даврни бошидан кечирди. Халқнинг нодир истеъдод эгалари — манасчиларнинг ижодий изланишлари натижасида “Манас” эпоси ҳамда кичик эпослар тўлдирилди ва тараққий эттирилди. Бу даврда қирғиз дostonчилиги ўзининг юксак чўққиларига ушиб етди. Қирғиз халқининг фалсафий уй-фикрлари, ҳаётга нисбатан муносабати файласуфлар ҳамда оқинларнинг ижодларида яққол акс этган.

Бугунги мустақиллик шароитида қирғиз халқининг асрлар давомида шаклланиб келган фалсафий уй-фикрлари янгича нуқтан назардан талқин ва тадқиқ этилмоқда. Қирғиз фалсафаси тарихи муаммоларини тадқиқ этишда академик А.Ч.Какеев етакчилигидаги олимлар мактаби салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги кунда қирғиз фалсафасининг тарихи республикамизнинг олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўқитилмоқда. Мазкур масала борасида олимларимиз томонидан бир қатор китоблар ҳамда ўқув қўлланмаларининг ёзилаётганлиги ушбу фаолиятнинг сифат даражасини янада кўтаришга хизмат қилмоқда.

#### САВОЛЛАР:

1. Қирғиз халқининг тарихий маданияти қандай ривожланган?
2. Турар жой, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат тайёрлаш борасида қандай ўзгаришлар бўлган?
3. В.В. Радловнинг "XIX асрда қирғиз халқи чинакам эпик даврни бошидан кечирган", — деган сўзларини қандай изоҳлайсиз?
4. Оқинчилик санъати қандай ривожланган?
5. Қирғиз халқи ижтимоий тафаккурининг тараққиёти ҳақида сўзлаб беринг.
6. Қирғиз халқи донишманд мутафаккирларининг қандай асарларини ўқигансиз?

### 27-§. МАДАНИЙ ҲАЁТДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ёзув маданиятининг XVIII асрга келиб қирғизларда ёзув ривожланиши маданияти вужудга келиб, тараққий эта бошлаган. Буни Атаке-бийнинг ва Боронбай ботирларнинг Россия ҳукмдорларига ёзган хатлари ҳам исботлайди. Бу даврда қирғизлар араб имлосидаги чигатой ёзувидан фойдаланишган.

Соф қирғиз тилида биринчилардан бўлиб шеър ёзган атоқли оқинлардан бири Молдо Нияз (1823 – 1896 йй.) бўлган. У Уш ҳудудининг ҳозирги Қадамжой районидаги Қизил Булоқ овулида тугилган. Аввалига маҳаллий, кейинчалик Қашқар шаҳридаги мадрасаларда таълим олган. Унинг асарлари Қирғизистон шимолида ҳам машҳур бўлган ва Молдо Ниязнинг қўшиқларини ўз огзидан эшитган мухлислар уни юқори баҳолаганлар. Унинг асарларида Шарқ фалсафасининг суфийлик мактаби гоялари акс этган бўлиб, умр, ўлим, дунё, яхшилик ва ёмонлик мавзулари кенг талқин этилган. Асарларининг бундай кенг қамровли бўлиши Молдо Ниязнинг Шарқ шеъриятини чуқур ўзлаштирганлиги натижаси эди. Молдо Нияз шеъриятида ахлоқ ва нафосат меъёри, халқнинг турли ижтимоий қатламларининг ҳаётга бўлган нуқай — назарлари ифода этилган. Унинг етти китобдан иборат бўлган "Санъат қўшиқлари" асарининг тўрт китоби бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, қолган учтаси қирғизларнинг дастлабки ёзма меъроси сифатида қадрлидир.

Ёзувчи ва оқин Молдо Ниязнинг бошлаган ишини Қирғизистон Россия томонидан босиб олингандан кейинги даврларда бир



Тоголок Молдо  
(Быйимбет Абдиракман  
угли)

қатор ижодкорлар давом эткизишган. Уларнинг орасида Байимбет Абдиракманов (Тоголок Молдо 1860 – 1942 й.й.) айниқса машҳур бўлган. У Нориннинг Куртка деган жойида тутилган. Ёшлигида катта амакиси Музооке қушиқчидан таълим олган. Хат саводини мулланинг қулида ўқиб чиқарган. Унинг фаолияти қирғиз халқ оғзаки ижодиётининг гуллаб — яшнаган даврига тўғри келган. Тоголок Молдо бетакрор манасчилардан бири Тинибекка шогирд тушиб, ундан “Манас” эпосини ўрганган. Унга Тоголок Молдо деган таҳаллусни ҳам Тинибек қўйган бўлиб, ундаги иқтидорни юксалтиришда ва ижодга илхомлантиришда уйнаган. Тоголок Молдо турли

жанрлардаги қушиқларни яратган. Ўзининг сермазмун умри давомида халқнинг орау—армонларини қушиқларга кўчирган, масаллар ва шажараларни битган. У “Манас” эпосининг бир қатор кўринишларини ўз қўли билан ёзиб қолдирган.

Қирғиз халқининг таниқли ёзувчи оқинларидан бири Молдо Қилич Шамиркан угли (1868 — 1912 й.й.) дир. У дастлаб муллалардан таълим олиб, саводини чиқаргач кейинчалик мустақил равишда билимини оширган. Молдо Қилич шарқ адабиёти ва фалсафасини чуқур ўрганишга ҳаракат қилган. 1911 йилда Қозонда унинг “Зилзила” номли газаллар тўплами эълон қилинган. Бу қирғиз адабиёти тарихида чоп этилган илк шеъррий асар эди. Молдо Қилич ҳам халқимизнинг уша даврлардаги файласуфлари каби қирғиз жамиятининг турмушини ақс эттирувчи асарлар ёзган. Мавжуд феодал-патриархал тартиблар, ижтимоий тенгсизлик ҳамда жамиятда ҳукмронлик қилган таълимотлар унинг фалсафий ўй-фикрларига асосий озуқа бўлган. Қирғизистон Қўқон хонлигининг таркибига киритилгач, қирғизларнинг Ислом динига кириши кучайган. Шунинг учун Молдо Қиличнинг ижодида Ислом динининг таъсири кучли бўлган. Албатта, фақат шунинг учунгина унинг асарларини мутаассиблик руҳида яратилган асарлар сифатида баҳолаш ярамайди. Чунки диний таълимот ҳукмрон бўлган даврда маънавий маданиятнинг барча соҳалари дин таъсирида тараққий этиши тушуварли ҳолдир.



*Осмонали Сидиқ угли (1875 — 1940 й.й.) — қирғиз халқининг биринчи тарихчиси ва маърифатчиси. Қўчқор водийсидаги Саробагиш уругининг йирик манапларидан бўлган Абайидданинг хонадонидида дунёга келган. Мулладан таълим олиб саводини чиқарган. 1899 йили Учтурфондаги олий мусулмон мактаби — мадрасада тахсил олган. Уша вақтлардаёқ қирғизларнинг келиб чиқиши юзасидан материалларни тўплай бошлаган. Кейинчалик йирик илмий марказлар ҳисоблаямиш Бухоро ва Уфа шаҳарларида тахсилни давом эттирган. Уйгур, ўзбек, татар ва қозоқ маърифатчилари орасида яшаган. Рус тилини урганган ҳамда европалик олимларнинг асарлари билан танишган.*



Осмонали Сидиқ угли

*Уз асарларида халқни билим-маърифатга даъват этган. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг Пишпекда ўқитувчилик қилган.*

*20-йилларнинг охирига келиб, бой-манапларнинг авлоди сифатида қувгин остига олинган. Шарқий Туркистонга қочишга мажбур бўлган ва уша ерда 1940 йили вафот этган. Осмонали Сидиқ угли 1913 ва 1915 йилларда — Уфа шаҳрида “Мухтасар тарих-и кирғизийа” (Қирғизларнинг қисқача тарихи) ҳамда “Тарих-и кирғиз шабдания” (Шабданга бағишланган қирғиз тарихи) каби асарларини араб имлосида қирғизча нашр эттирган. 1986 йилда мазкур китоблар бириктирилган ҳолда Хитойда, Анвар Байтур муҳаррирлигида нашрда чиқарилган.*

Молдо қилич ўз асарларида халқни Исломи дини тартибларини тўлиқ сақлашга даъват этган. “Яхшилик” ва “ёмонлик” каби тушунчаларни ҳам Молдо Қилич Исломи дини орқали тушунтиришга ҳаракат қилган. “Одамнинг бахти моддий бойликда эмас, балки инсоннинг маънавий дунёси ҳамда феъл-атвори унинг бахтини белгилаб беради. Зиқна, ялқов, феъли тор ва ўзгага ёмонлик қилувчи одам ҳеч қачон бахтли бўлмайди”, — деб таъкидлаб ўтган.

Молдо Қилич кишиларни яхшиликка, нафсини тийишга, оддийликка, ақл билан иш тутишга, бойлик ва мансабга интилишдан, бузуқликдан олисроқ юришга чақирган. Яхшилик ва бахт тўғрисида куйлар экан, унинг асосини оилавий турмуш ташкил этажанини алоҳида таъкидлаб ўтган.

*“Яхши аёл — бахтдир. — деган эди Молдо Қилич, — у ҳаётингда улкан суянчигинг, ёмон аёл — сенга ҳамма вақт йўлдош бўлган ёмонликдир, у обрў-эътиборингни туширади”.*

Шундай қилиб, Молдо Қилич ижодининг асосини инсоннинг жамиятга нисбатан фикр дунёсини кенгайтириш, одамларни энг аввало маънавий — ахлокий жиҳатдан тарбиялаш ташкил этган.



Белек Солтоноев

*Солтоноев Белек Солтонокелди угли (1878 — 1938 йй.) — қирғиз тарихчиси, адабиётшунос ва оқин. Ўнгкемин водийсида туғилган. 7 — 8 ёшларида саводи чиққан. Қоракулдаги рус мактабида уч йил таҳсил олгач, Пишпекдаги боғбонларни тайёрловчи қирғизча мактабда икки йил ўқиган. 1890 йилдан бошлаб тарихга бўлган қизиқиши ортиб, ривоятларни ва шажараларни йиға бошлаган, айни вақтда рус тарихчиларининг асарлари билан ҳам танишган. 1916 йили Атаке волостининг бошқарувчиси бўлиб сайланган. 1916 йилги “улуг хуркишда” Хитойга қочиб бориб, 1917 йили қайтиб келган.*

*1918 — 1920 йилларда Олмаота тарафда Совет ҳукумати учун тарғибот ишларини олиб борган. 1924 йилга қадар Қирғизистонда саводсизликни тугатиш уюшмаларида фаолият кўрсатган. 1927—1937 йилларда Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Советида илмий хизматларда ишлаган. Тухматга учраб, камоққа олинган ва отиб ташланган. 1955 йилда оқланган.*

Дастлабки тарихчилар ва маърифатчилар Қирғизистон Россия томонидан босиб олингач, қадимдан бошлаб Россияда истиқомат қилиб келган мусулмон-турк халқлари билан қирғизлар уртасидаги узаро алоқалар ҳам кучайган. Айниқса, бу борада татарлар ва бошқирлар халқимиз маданиятининг ривожига, бу ердаги илмий тадқиқот ишларига зўр ижобий таъсир кўрсатганлар. Улар қирғизлардан чиққан ижодкор кишиларни қўллаб-қувватлашиб, асарларини чоп эттиришга ёрдам кўрсатганлар.

Қирғиз халқининг ана шундай ижодий ҳамкорлик таъсирида камолга етган тўнгич ёзувчи-тарихчиси Осмонали Сидиқ угли эди. У билан деярли бир вақтнинг узида яшаб ижод этган яна бир йирик қирғиз тарихчиси Белек Солтонокелди угли Солтоноев бўлган.

Б.Солтоноевнинг қўлёзма турида сақланиб қолган “Қирғиз-қозоқ тарихи” (“Қизил Қирғиз тарихи”) асари Қирғизистон тарихини тадқиқ этишда гоёат аҳамиятли манбаалардан бири ҳисобланади. Б. Солтоноев ўз даврининг юксак билимли кишиларидан бири бўлган. Серқирра ижодкор сифатида, бир қатор шеърлар ҳам яратган. Илгўр рус кишилари билан ижодий алоқа боғлаб, рус ҳамда дунё маданиятининг атоқли сиймолари яратган тарихий, фалсафий ҳамда этнографик асарлар билан танишган.

Б.Солтоноев қирғизларнинг тарихини синфий нуқтаи-назардан ёзишга ҳаракат қилган. Жамиятни ижтимоий синфларга

бўлиб, синфлар ва синфий кураш тўғрисида ёзганлиги унинг марксизм-ленинизм таълимотидан хабардор эканлигини кўрсатади.

У ўз асарида "Манас" эпоси ва манасчилар ҳақида, ўрта асрлардаги мусулмон-турк маданиятининг таниқли вакили Маҳмуд Қошғарий, қирғиз халқининг улуг файласуфлари Толубай тавқидчи, Асанжайғи, файласуф оқинлар Қалигул, Арстанбек ҳамда Молдо Қиличлар тўғрисида маълумот берган.

Унинг асарларида қирғиз халқининг дунё тўғрисидаги қадимдан мавжуд бўлиб келган нуқтаи назарининг эволюцион тараққиётини алоҳида ўрин берилган бўлиб, қирғизларнинг астрономия, математика, жамиятшунослик ва табиат тўғрисидаги мавжуд билимларининг даражаси ифода этилган.



Эшенали Арабаев

*Арабаев Эшенали (1882 — 1934 й.й.) — дастлабки қирғиз мураббийларидан бири. Қўчқор ҳудудидаги Кунботиш овулида дунёга келган. Маҳаллий мулладан таҳсил олиб, саводини чиқарган. 1900 — 1910 йилларда ўқитувчилик қилган. 1910 — 1913 йилларда Оренбург, Уфа ва Қозон шаҳарларида ўқиган. У "Алифбе ва ўқиш китоби" — Уфа, 1911 й., "Ёзув намуналари" — Оренбург, 1912 й., "Қирғиз алифбеси" — Москва, 1925 й., "Тунгич муваффақият" — Москва, 1925 й., "Бошланғич мактабларда ҳисоб ўргатиш йўли" — Москва, 1925 й., "Қирғиз алифбеси", — Москва, 1928 й. ва бошқа китобларнинг муаллифи бўлган. Булардан таш-*

*қари, ижтимоий-сиёсий китобларни қирғиз тилига таржима қилиб, чоп эттирган. Фольклор намуналарини йиғиш борасида ҳам кўп меҳнат қилган. 1933 йилда "Социал-Турон партиясининг аъзоси ва миллатчи", — каби сохта айблар билан қамоққа олиниб, 1934 йилда Тошкентда вафот этган. Ўлиmidан сўнг оқланган. Қирғизистон давлат педагогика университетига унинг номи берилган.*

Қирғизистон Россия таркибига киритилгандан сўнг, қирғиз халқи орасида маърифатчилик ҳаракати жонланган. Ўша вақтлардаги халқ ўқитувчиларининг атоқли намоёндаларидан бири Эшенали Арабаев бўлган.

Қирғиз халқини маърифатли қилишда ҳамда маданиятини устиришда Ибраим Абдурахмановнинг ҳам салмоқли ўрни бор.

Таълим ва Россия таркибига киритилгач, таълим соҳасида  
соглиқни ҳам бир қатор узғаришлар юз берган. Қирғизистон-  
сақлаш да мактабларнинг сони кўпайиб, уларда ўқитишнинг  
сифат даражаси ҳам бир мунча ўсган. Қирғизлар ҳам  
бошқа мусулмон халқлари каби ўз фарзандларини диний мак-  
таблар ва мадрасаларда ўқитганлар. Шу билан бир қаторда, рус  
маъмурияти 1886 йилдан бошлаб, ўлкада “рус-тузем” мактаблар-  
ини ҳам ташкил эта бошлаган. Уларда мусулмонча таълимдан  
ташқари, рус тили, рус адабиёти ҳамда маданияти каби фанлар  
ҳам ўқитилган. 1883 йилда Ўш уезди бўйича 41 мактаб мавжуд  
булиб, уларда 391 ўқувчи билим олган бўлса, 1914 йилга келиб,  
бу ерда 229 мактаб фаолият олиб борган ва уларда 3,2 минг ўқувчи  
(жумладан, 33нафар қизбола ҳам) таҳсил олган. Пишпек уездида  
1,3 минг нафар ўқувчиси бор 59 мактаб, Қорақўл уездида эса 2,3  
минг ўқувчи таълим олган 128 мактаб фаолият кўрсатган.

Мактабларда диний таълим бериш билангина чекланмасдан,  
аста-секинлик билан бўлсада, ҳисоб-саноқ дарси, география, та-  
рих, табиатшунослик ва бошқа фанларни ўқитиш ҳам кучайиб  
борган. XX асрнинг бошларига келиб, “янги усул” (жадид) мак-  
таблари ҳам вужудга келиб, ўқувчиларга билим беришда янги  
усуллар жорий этила бошлаган.

Шу билан бир вақтда олий мусулмон ўқув юртлари — мад-  
расаларнинг сони ҳам кескин кўпайган. Масалан, 1892 йилда  
Жанубий Қирғизистонда 7 мадраса мавжуд бўлган бўлса, 1914  
йилга келиб эса, биргина Ўш уездининг ўзида 88 мадраса фао-  
лият кўрсатган. Уларда таҳсил олганлар муфтий, қози, ўқитув-  
чи, мактаб муаллими ва бошқа хизматларда фаолият олиб бор-  
ганлар.

Махсус мутахассислик бўйича таълим берувчи дастлабки ўқув  
юртлари сифатида Пишпек ва Қорақўлда қишлоқ хўжалиги мак-  
таблари очилган.



Ибрайим Абдурахманов

*Абдурахманов Ибрайим (1888 — 1967й.й.) — Иссиққўлдаги Чироқ ову-  
лида дунёга келган. 7 ёшидан овулда-  
ги муаллимдан таҳсил олиб, саводини  
чиқарган, сўнгра Пржевальскийдаги  
етти йиллик татар мактабини тамом-  
лаган. Жетиўтуздаги янги усул макта-  
бида 11 йил ўқитувчилик қилгач, 1916  
йили Отбошига бориб, муаллимлик фа-  
олиятини давом эттирган. У ўқувчилик  
давридаёқ А.Пушкиннинг, М.Лермон-  
товнинг, Л.Толстойнинг ва И.Криво-  
нининг баъзи асарларини ёддан билган.  
И.Абдурахманов 1920 йилда Олмаота-  
да, 1926 — 1928 йилларда Фрунзедаги  
ўқитувчилар тайёрлаш курсларида таҳ-*

сил олган. 1935 йилга қадар ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1939 йили Фрунзедаги педагогика институтининг қирғиз тили ва адабиёти факультетини тамомлаган.

*И. Абдурахманов манасчи, этнограф ҳамда қирғиз фольклори намуналарининг фаол йиғувчиси сифатида ҳам машҳурдир. Унинг "Манас" эпоси юзасидан ёзган қўлёзмаларининг қўлами 343 минг шеърӣ жумладан ёки 490 босма табоқдан иборатдир.*

Уларда таҳсил олган қирғиз ёшлари хўжалик юретишининг янги турларини ўзлаштириш билан бир қаторда, рус тили, ҳисоб-китоб, тарих, физика, ботаника, зоология ва бошқа фанларнинг асослари билан ҳам танишганлар.

1870 йилдан бошлаб келгинди русларнинг фарзандлари учун секуляр ҳамда бошланғич черков ўқув юртлари очила бошлаган. 1897 йили Бишкекда дастлабки прогимназия, 1911 йилда эса ўғил болалар гимназияси очилган. 1911 йилда Қоракўлда қизболалар учун прогимназия иш бошлаган. Мазкур ўқув юртларида гарчи оз сонли бўлсада, қирғизларнинг ўғил-қизлари ҳам ўқиб таълим олишган.

Мустамлакачилик даврида ҳам маданий-оқартув муассасалари, кутубхоналар, газета ва китоб савдоси ташкил этилиб, уларга рус, татар, қозоқ ҳамда ўзбек тилларида чиққан китоблар, газета ва журналлар келиб турган. 1911 йилдан бошлаб Молдо Қилич, Э. Арабаев, Осмонали Сидиқ ўғли ва бошқаларнинг тош босмадан чиққан асарлари халққа етиб борган ҳамда саводли қирғиз аҳолиси томонидан катта қизиқиш билан илиқ кутиб олинган. 1914 йилдан Бишкекда дастлабки "Эдисон" кинотеатри ишлай бошлаган.

Бу вақтларга келиб соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берган. Бу борада, дастлаб рус аскарлари учун лазаретлар, кейинчалик оддий аҳоли учун фельдшерлик пунктлари ташкил этилган. 1900 йили Ўшда биринчи шаҳар касалхонаси очилган.

1913 йили Қирғизистонда 4 шаҳар ва 2 қишлоқ касалхоналари фаолият кўрсатган. Уларда беморларга илмий асосланган тиббий ёрдамлар кўрсатилган. Мазкур соҳада ҳам европача усулларнинг жорий этилиши билан зўғлиқ равишда, қирғизларни ҳам чечак ва ичбуругга қарши эмлаш ишлари олиб борилган. Баъзи бир қирғизлар ҳам соғлиқни сақлаш ишига жалб этилиб, тиббиёт илмининг асосларини ўргана бошлаганлар.

---

*Валиханов Чокон Чингизович (1835 — 1865 й.й) — қозоқ халқининг таниқли файласуфи ва маърифатпарвари. Машҳур Аблайхоннинг ворисларидан. 1847—1853 йилларда Омскдаги кадетлар корпусида ўқиган. Уни тамомлагач, Фарбий Сибирь генерал-губернаторлигида хизмат қилган. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Шарқий Туркистон халқларининг тарихини, этнографияси,*



Чокон Валиханов

фольклори ҳамда маданиятини урганишга, шу билан бир қаторда, Тангри тоғ худудини географик жиҳатдан тадқиқ этишга катта ҳисса қушган. Рус демократ эъёлилари билан яхши муносабатларни йулга қуйган. 1856 йилда ҳарбий разведка мақсадида уюштирилган экспедиция билан биргаликда Иссиқкулга келган. Қирғизларнинг бугу, сарибоғиш ва солто уругларининг турмуши билан танишган. Шу йили махсус топшириқ билан Кулжада уч ой фаолият олиб бориб, икки уртадаги элчилик муносабатларини бирмунча жонлантирган. 1857 йили

қайтадан Олатов қирғизлари орасига савёхат қилган. "Манас" эпосини ёзиб олиб, унинг айрим қисмларини русчага таржима қилган. Қирғиз халқининг тарихига ҳам алоҳида эътибор билан ёндошиб, қирғизлар Тангри тоғда қадимдан бери яшаганлигини, Энасой ҳамда Тангри тоғ қирғизларининг тарихий илдизи бир эканлигини ёзган. Қирғизларнинг Энасойдан Тангри тоғга келишларини Чингизхон даврида ёки унга қадар уйгурлар Урхондан оммавий кучган даврларда юз берган, — деб тахмин қилган.

Қирғизистонни илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг бошланиши

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари Қирғизистон учун узига хос илмий тадқиқотлар даври бўлган. Бунга Урта Осиё жумладан Қирғизистон масаласидаги халқаро зиддиятлар ҳам, яъни Чор Россияси билан

Буюк Британия уртасидаги сиёсий рақобатлар ҳам сабаб бўлган. Россия ҳукумати Қирғизистон худудини яхшироқ тадқиқ этиш учун кўпроқ куч сарфлай бошлаган. Натижада Россиядаги бир қатор илмий маҳкамалар уз мутахассисларини: этнографлар, тарихчилар, географлар, тоғ инженерлари ва бошқаларни махсус ҳарбий экспедициялар билан бирга Қирғизистонга юбориб турганлар.

Ушбу экспедициялар биринчи навбатда ҳарбий разведка мақсадларини амалга оширсаларда, экспедициялар таркибидаги олимлар ўзлари тадқиқот юритган соҳалар бўйича тегишли маълумотларни тўплаб, илмий фаолиятларини янада бойитиб борганлар.

Марказий Осиёни илмий тадқиқ этиш ишига ажойиб қозоқ олими Чокон Чингизович Валиханов бетакрор ҳисса қушган. Унинг тўплаган илмий маълумотлари Қирғизистоннинг географиясини, фольклорини, қирғиз халқининг тарихи ҳамда эпосларини тадқиқ этишда улкан аҳамиятга эга бўлган.

Тангри тоғ, жумладан Иссиқкул водийсини тадқиқ этишга

улкан ҳисса қўшган олимлардан яна бири П.П.Семёнов – Тянь-Шанский (1827—1914йй.) дир. У 1856—1857 йилларда мазкур ҳудуднинг географик харитасини яратган. Узининг илмий тадқиқотлари давомида европалик олимларнинг “Иссиққулдан дарё оқиб чиқади” ёки “Тангри тоғ вулқонлардан вужудга келган”, — каби нотўғри тасаввурини тузатиб, бу борада тўғри илмий маълумотларни бера олган. Семёнов-Тянь-Шанский улкамизни тадқиқ этиш учун кейинчалик ҳам бир қатор илмий экспедицияларни уюштиришга ташкилотчилик қилган. Марказий Осиё ҳудудини 1870—1888 йиллар давомида комплекс



П.П.Семёнов —  
Тянь-Шанский

тадқиқ этиш ишига таниқли рус олими Михаил Михайлович Пржевальский (1839 — 1888 йй.) ҳам улкан ҳисса қўшган. У мазкур ҳудудда тадқиқот олиб бориш учун навбатдаги бешинчи сафарга отланганда ичбуруг билан оғриб вафот этган. Жасади Қорақўл шаҳри яқинига, Иссиққўл буйларига кўмилиб, бу жойга ёдгорлик ўрнатилган. Қорақўл шаҳри 1889 — 1920 ва 1939 — 1991 йиллар давомида унинг номи билан аталган. Бу даврда тадқиқотчилар “Манас” эпосига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Таниқли рус олими В.В.Радлов ҳамда қозоқ тадқиқотчиси Ч.Ч.Валихановлар “манасшунослик” илмига асос солганлар. Улар “Манас” эпоси ва унинг турли матнларини илмий таҳлил этишга қаратилган илк тадқиқотлари билан қирғиз фольклоршунослиги дунёсига биринчи қадамларни қўйишган. “Манас” достонининг Ч.Ч.Валиханов томонидан 1955 йили ёзиб олинган “Кукўтуйнинг оши” номли қисми 1901 йилда олимнинг “Жунгория очерклари” деб номланган тўпламида рус тилида биринчи марта нашр этилган эди. В.В. Радлов эса “Манас” нинг эпизодини 1862 йили бугу уругидан чиққан манасчи оғзидан ёзиб олган бўлса, 1864 — 1869 йилларда сарибоғиш уругидан бўлган манасчидан эпоснинг бирвақайига уч бўлимини ёзиб олишга муваффақ бўлган. “Манас” достонининг олим томонидан ёзиб олинган жаъми 14 минг мисрадан иборат қисми қирғиз тилида (рус транскрипцияси билан) Санкт-Петербургда, 1885 йили Лейпцигда немис тилида босилиб чиққан. Бу, албатта, қирғиз маданияти тарихидаги улкан воқеа эди.

Қирғизлар тўғрисидаги этнографик маълумотлар ҳамда “Манас” ҳақидаги тадқиқотлар рус ҳамда Европа нашрларида 1861 — 1917 йиллар давомида босилиб чиққан. Улар аввало, академик В.В.Бартольднинг, венгер тадқиқотчиси Г.Алмашивиннинг ҳамда рус сайёҳи П.П.Семёнов-Тянь-Шанскийларнинг асарлари эди. Рус олими П.М.Мелиоранский “Манас” эпосини тадқиқ этар экан,



В.В.Бартольд

достоннинг тарихий илдиэларига купрок эътиборни қаратган булса, тадқиқотчи Ф.Е.Корш эса асарнинг шеърий оҳанги ҳамда услубий хусусиятлари тўғрисида фикр юритган. 1903 йилда рус география жамияти томонидан уюштирилган комплекс илмий экспедиция таркибида таниқли рус мусаввири Б.В.Семёнов ҳам юртимизга келган эди. У Чуй водийсида таниқли эртакчи ҳамда қиякчи (ғижжакчи) Кенжа Қора билан учрашган. Унинг ижросида *“Семетей”* достонидан тинглаган парчани ёзиб олиб, уни 1914 йили наср тилида русчага таржима қилган ва ўзининг *“Туркистон кенгликларида”* номли китоби саҳифаларида эълон қилган. Смирнов Кенжа Қоранинг товушини

*фоноёзуда ҳам ёзиб олган.*

Қирғизистон ва қирғизлар тарихини тадқиқ этишга В.В.Бартольд, Н.А.Аристов ва С.Е.Маловлар бетакрор ҳисса қўшганлар. Қирғизистон табиатини ва табиий бойликларини аниқлаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар россиялик олимлардан Н.А.Северцов, А.В.Каульбарс, А.П. Федченко, И.В. Мушкетовлар, немис олимларидан М.Фридрихсен ва М.Кердбахер, француз Г.Капю, америкалик В.Дэвис ва Э.Хантингтон каби кўплаб олимларнинг фаолиятлари билан боғлиқдир. Демак, Қирғизистонни ҳамма томондан тадқиқ этиш ишлари Россия таркибига қўшилгачгина чинакам илмий тусга эга бўлди.

Шундай қилиб, Россия таркибига кирганидан сунг, қирғизлар рус ва Россияда яшаган бошқа халқлар орқали Европа маданиятининг илгор ютуқлари билан танишишга муваффақ бўлдилар. Қирғизистонда миллий ёзув маданияти ҳам тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Мустамлака ҳокимиятининг бир мунча шовинистик сиёсатига қарамасдан, қирғиз халқини маърифатли қилиш борасидаги ишлар ҳам олиб борилган. Диний ҳамда илмий асосдаги мактаблар билан бир қаторда маданий-маърифий муассасалар ҳам фаолият олиб борган. Қирғиз тилида ёзилган дастлабки асарлар ва ўқув китоблари чоп этилган.

*Қирғизистоннинг жамиятини, табиатини, табиий конларини, тарихини ва маданиятини илмий тарзда ҳар томонлама кенг татбиқ этиш ишлари ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида йўлга қўйилди.* Россиядаги илмий маҳкамалар томонидан уюштирилган экспедицияларнинг натижасида рус олимлари Қирғизистоннинг географияси, тарихи, этнографияси, халқ оғзаки ижоди ва бошқа соҳаларни комплекс тадқиқ этиш ишларига салмоқли ҳисса қўшишган.



## САВОЛЛАР:

1. Миллий ёзув маданиятини кимлар ривожлантиришган?
2. Қирғиз халқи орасидан етишиб чиққан дастлабки тарихчилар ва маърифатпарварлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Таълим ва соғлиқни сақлаш борасидаги янгилликлар қайсилар?
4. Қирғизистонни тадқиқ этган олимлар ҳақида сўзлаб беринг.

## 28-§. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 1920–1930 ЙИЛЛАРДАГИ МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ

**Халқ таълими** Маданиятни юксалтириш — социалистик қури-  
лишнинг аҳамиятли таркибий қисмларидан бири бўлган. Чунки собиқ мустамлака даврининг асоратларини, маданий қолоқлик ва оммавий саводсизликни бартараф этмай туриб, кенг халқ оммасини саводли қилиш мумкин эмас эди. Бу борадаги мавжуд муаммоларнинг орасида халқ таълимига биринчи навбатдаги вазифа сифатида қаралган. 1918 йилнинг апрелидаёқ Туркистон улқаси Халқ Комиссарлари Кенгашида халқ таълими комиссарлиги тузилиб, жойларда халққа таълим бериш бўлимлари фаолият кўрсата бошлаган. Қирғизистонда ҳам жамоатчилик вакилларида иборат бўлган халқ таълими Кенгашлари ташкил этилиб, мактабларда билим бериш ишлари йўлга қўйилган.

### ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Пишпек уездидаги ишчи, деҳқон ва мусулмон Кенгашлари съезди шўъбасининг 1918 йил 11 сентябрдаги баённомасидан:

“Улка халқ таълими кенгашининг 145-сон буйруғи “Миллати, диний эътиқоди ва жинсидан қатъи назар ҳаммага мажбурий таълим бериш тўғрисида” деб аталади. Шўъба қуйидагича таклифни киритади: халқ комиссари барча қирғиз булишларидан овулардаги хонадон эгаларини ҳамда уларнинг 7 ёшдан юқори бўлган угли ва қизларини аниқлашни талаб қилсин. Тегишли маълумотлар йиғилгандан кейин ҳам қанча мактаб очиш зарур эканлигини аниқлаб, бунинг учун зарур бўлган пул маблағларини тўхтовсиз тарзда сураш лозим”.

1918 йилда Пишпек уездида 8 минг ўқувчи ўқиган 69 мактаб, Пржевальск уездида эса 56 мактаб мавжуд бўлган. Ушбу мактабларнинг тенг ярмига яқини янги очилган мактаблар эди. Уш уездидаги 13 мактабда 36 ўқитувчи фаолият кўрсатган.

Умуман олганда, инқилобга қадар Қирғизистонда халқнинг саводсиз бўлганлиги, она тилидаги ёзувнинг ривожланмай қолганлиги, миллий кадрларнинг йўқлиги ҳамда патриархалфеодал муносабатларнинг устиворлиги каби мавжуд ҳолатлар улқадаги маданий қурилишнинг муваффақиятига тўсқинлик қилган.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, Қирғизистондаги барча маданият маҳкамалари давлат ихтиёрига ўтказилди. Пишпекдаги бос-

махона, улкада ягона булган “Эдисон” кинотеатри ва шаҳарлардаги барча кутубхоналар давлат мулки деб эълон қилинган. Янги кутубхоналар, қизил утовлар, мустақил фаолият юритувчи драмтуғараклар ташкил этилган. 1918 йилнинг 9 мартида Қирғизистондаги биринчи газета — “Пишпек варақчаси” чоп этилди. 1918 йилнинг охирларига келиб, Пржевальск уездида “Пролетариат овози” номли навбатдаги газета нашрдан чиқа бошлади. Қирғиз халқининг янгича ижтимоий дунёқараши ривожиди Тўқтагул Сагилганов, Тоголок Молдо, Барпи Аликулов, Калик Акиев, Исоқ Шайбеков ва бошқа оқинларнинг қўшиқлари ҳам катта роль уйнаган.

Янги иқтисодий сиёсат амалга оширилган йилларда Туркистон АССР даги барча мактаблар маҳаллий бюджетга утказилди. Лекин бундай тартиблар аслида мактабларнинг энг оддий эҳтиёжларини ҳам қондира олмас, ўқитувчиларнинг иш ҳақлари эса ҳам ашё тарзида берилар эди.

1924 — 1925 ўқув йилида Қирғизистонда биринчи босқичдаги 465 мактаб, иккинчи босқичда бир неча мактаблар ҳамда интернатлар фаолият кўрсатишган. Ўқитишнинг барча турлари бўйича 32 мингдан кўпроқ болалар билим олганлар. Лекин ўқувчилар орасида қизболалар ҳали гоят озчиликни ташкил этар эдилар. Она тилидаги ёзувнинг йўқлиги туфайли, қирғиз ёшлари қозоқ, татар ёки ўзбек тилларида таълим олишган. Мавжуд муаммони бартараф этиш ва қирғиз тилидаги ўқув китобларини чоп этиш борасида Э.Арабаев ва К.Тинистановлар улкан ишларни амалга оширганлар. Э. Арабаев томонидан ёзилган “Қирғиз алифбеси” китоби 1924 йилда Тошкентда нашр этилган. Бу қирғиз тилида ёзилган илк ўқиш китоби эди. Уша йилнинг узида яна 12 китоб 28 минг нусхада чоп этилди. Уларнинг орасида К.Тинистановнинг қирғиз тилига бағишланган ўқув китоблари мавжуд эди.

Халқ таълими борасидаги энг кескин муаммолардан бири — ўқитувчиларнинг етишмаслиги эди. Уларни тайёрлаш учун махсус педагогик курслар ва тўғараклар ташкил этилган. Муаллимлар Тошкент, Олмаота, Москва ва бошқа шаҳарларда тайёрланган. Туркистон университетида таълим олаётган қирғиз ва қозоқ талабалари 1921 йилда университет талабаларининг атиги 1 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич 1924 йилда 4 фоизга, 1925 йилда эса 8 фоизга аранг ўсиб етган.

Миллий ўқитувчи кадрларнинг пионерлари бўлмиш Э.Арабаев, М.Байгазаков, А.Исаева, Э.Сутычеров, З.Кидирбаев, А.Койгелдиев ва бошқалар ўз даврининг фидойи маърифатпарварлари эдилар. Қирғиз миллий мактабларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятларини яхшилаш борасида Н.Ивановский, А.Лобиков, И.Локтионов, А.Сапожников ва бошқа рус педагоглари улкан ишларни амалга оширганлар. Улуг ёзувчимиз Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” номли қиссасида Қирғизистондаги дастлабки ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнатлари гоят зур маҳорат билан тасвирланган.

1927—1928 ўқув йили давомида мавжуд 548 мактабда 114

минг 742 нафар уқувчи таълим олган. Уларнинг 5044 нафари биринчи босқичдаги мактабларда таълим олишган. Булардан ташқари 26 олий босқич мактаблари ва 13 болалар уйлари ҳам мавжуд бўлган. 1925 йилда Ушдаги олти ойлик курсларнинг асосида бир йиллик педагогика техникумлари ташкил этилган. Уша йилнинг узида Пишпек ва Қоракўлдаги тўққиз йиллик мактаблар қишлоқ хўжалик техникумларига айлантирилган. 1925 йили Пишпекда маданият институти очилган.

1925 - 1926 уқув йилида Бишкек, Қоракўл ва Жалолободда аёллар учун касбхунар мактаблари очилган.

*У Тинистанов Қосим (1901 — 1938 йй.) — тилшунос, шоир, жамоат арбоби ва профессор (1936) Иссиққул водийсидаги Чирпиқти овулида таваллуд топган. Дастлабки маълумотини 1909 — 1912 йилларда овулдаги диний мактабда олган. 1913 — 1914 йилларда янги усул мактабда, 1914 — 1916 йилларда Қоракўлдаги рус-тузем мактабда таҳсил олган. 1924 йили Тошкентдаги қozoқ-қирғиз маърифат институтини тамомлагандан сўнг, Туркистон республикасининг Академик Марказида (Фан комиссияси) Қирғизистон область будимининг котиби, раиси ва 1925 йилдан “Эркин-Тоо” газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган. 1927 — 1930 йилларда Қирғизистон АССР Халқ таълими комиссари, 1930 —*



Қосим Тинистанов

*1937 йилларда эса Қирғизистон маданий қурилиш институтида илмий хизматчи, сўнгра, унинг директори сифатида фаолият олиб борган. К. Тинистанов қирғиз миллий ёзувини яратиш, араб алифбосини қирғиз тилига мувофиқлаштириш, араб алифбосини лотинчага, лотинчани эса рус алифбосига алмаштириш жараёнларида фаол иштирок этган. Ҳозирги қирғиз орфографиясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди ва қирғиз тилидаги тўнгич дарсликларни (“Ўқиш китоби”, 1924 й., “Катталар учун алифбе”, 1926 й.), қирғиз тилининг тўнгич грамматикасини (“Бизнинг тил”, 1927 й., 1928 йили лотин ёзувида “Она тилимиз” номли дарсликларни; “Қирғиз тилининг морфологияси”, 1934 й., “Қирғиз тилининг синтаксиси”, 1936 й) ҳамда тилшунослик юзасидан қирғизча терминалогияни яратди. Иқтидорли шоир К. Тинистановнинг шеърлари 1925 йилда Москвада “Қосим шеърларининг тўплами” номи остида нашр этилди. У “Интернационал” ни ва И.А.Криловнинг ажойиб масалларини қирғизчага таржима қилди. Унинг “Академик кечалар” пьесасига ва баъзи бир асарларига бой-манапларнинг, буржуа-миллатчила-*

*рининг қарашларини акс эттирган, — олинб, 1938 йилда отиб ташланган. К.Тинистанов 1988 йилга келибгина узил-кесил оқлади.*

Булардан ташқари, партия — совет мактаблари очилиб, уларда бўлгуси раҳбар ходимларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

1929 йилга келиб, Қирғизистондаги ўрта махсус ўқув юртлирини юздан ортиқроқ мутахассислар тамомлаб чиққанлар. Уша йилнинг ўзида Қирғизистон педагогика техникумини 21 нафар, бир йилдан сўнг 47 нафар мутахассис тамомлаган. Уларнинг орасида, кейинчалик таниқли зиёлилар сифатида шаклланган А.Малдибаев, Г.Айтиев, К.Жантоғиев, М.Элебаев, У.Абдуқаимов, К.Маликов, Ж.Боконбаев, А.Осмонов, М.Алибаев ва бошқалар бор эди.

Кейинги йилларда Қирғизистоннинг касб-хувар ўқув юртлилари жадаллик билан ривожланиб бориб, уларда минглаб мутахассислар тайёрлана бошлаган. Малакали ўқитувчиларнинг ва бошқа соҳа мутахассисларининг кўпайиши саводсизликни тугатиш борасидаги ишларни яхшилаган. Саводсизликни тугатиш борасидаги ишлар 1920 йиллардаёқ бошланиб, бу буйича махсус комиссия ҳамда “Саводсизлик тугатилсин” номли ихтиёрий жамият ташкил этилган. Дастлабки йилларда ўқишга коммунистлар, комсомоллар ва касаба союз хизматчилари жалб этилган.

*Карасаев Хусайн Карасаевич (1902 — 1998 йй.) — қирғиз совет адабиётшуноси. Профессор (1966 й.) Қирғизистон республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби (1992 й.). 1914 — 1916 йилларда Пржевальскдаги рус-тузем мактабида ўқиган. 1922 — 1923 йилларда Кенгсув қишлоғида инқилобий комитет раисининг уринбосари булиб ишлаган. 1923 — 1927 йилларда Тошкентдаги қозок-қирғиз халқ таълими институтида тахсил олган. 1924 йилда Қирғизистондаги тўнгич газеталардан бири — “Эркин Тоо” нинг ташкилотчиларидан бири бўлган. 1928 — 1931 йилларда Ленинграддаги шарқшунослик институтини тамомлаган. 1961 — 1974 йилларда ҚДУ да фаолият кўрсатган. 1927 йили “Саводчи қарувчи” алифбосини, 1928 йилда эса Э.Арабаев билан биргаликда “Янгилик” деб номланган тўнгич қирғиз алифбосини, И.Батманов билан ҳамкорликда “Русча-қирғизча лугат” каби асарларни яратган. “Орфографик лугат”, “Нақл сўзлар”, “Ўзлаштирма сўзлар”, “Кулгунома”, “Қомуснома” номли асарларнинг муаллифи. 1990 йили О.Сидиқовнинг “Тарихи Қирғиз Шодмония” номли китобини ҳозирги имло билан нашр эттириб, унга сўзбоши ёзган. “Манас” эпосини ёздиритиш ва дostonни тадқиқ этишга кўп меҳнат сарфлаган.*



Хусайн Карасаев

Қирғизистон автоном областининг дастлабки бюджетида халқ таълими соҳасига умумий сарф-харажатларнинг 31,5 фоизи ажратилган. Савдо ҳамда кооператив ташкилотларнинг барчасида саводсизликни тугатиш юзасидан фондлар ташкил этилган. Касаба союзлар ва “Қўшчи” союзида саводсизликни тугатиш бўйича мактаблар ташкил этилган. Халқ таълими учун гоаят зарур бўлган ўқитувчи кадрларни ва бошқа мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор берилган.

Областда саводсизликни тугатиш борасида махсус комиссия фаолият кўрсатган. Деҳқонлар оммасини саводли қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилган. 1925 йилнинг биринчи ярмидаёқ 156 саводсизликни тугатиш мактаблари очилиб, уларнинг 134 овул-қишлоқларда иш олиб борганлар. Ушбу мактабларда 8 минг нафар киши ўқиб савод чиқарган. 1925 — 1926 ўқув йилида бундай мактабларнинг сони 246 га етган. Бундан ташқари саводсизликни яқка тартибда, мустақил ўқиш орқали тугатиш усулидан ҳам кенг фойдаланилган. 1926 йилга келиб СССР халқларининг саводхонлик даражаси 51,1 фоизга етган. Айни шу кўрсаткич Қирғизистонда 15,1 фоизни ташкил этган.

1928 — 1929 ўқув йилига келиб, ликбезларда (саводсизликни тугатувчи мактаблар) ўқиш лотин алифбосида олиб борилган. Бу имлода ёзилган дастлабки асарлар, жумладан Х.Карасаев, А.Шабданов ва С.Нааматовларнинг саводсизликни тугатишга қаратилган китоблари чоп этилган. Қирғизистонда саводсизликни тугатиш учун чинакам кураш бошланиб, у “Саводхон, саводсизни ўқит” шиори остида олиб борилган. Чорвадор аҳолининг ва аёлларнинг саводини чиқариш ишларига айниқса катта эътибор берилган.

Саводсизликни тугатиш борасида Қирғизистонда 1930 йилларнинг бошларида олиб борилган маданий юриш бирмунча катта роль уйнаган. Бу ишга махсус ташкил этилган комиссия етакчилик қилган.

*Шабданов Ажийман (1905 — 1939 йй.) — дастлабки олимлардан бири. Чонгкемин ҳудудида туғилган. Шабдан бо-тирнинг набираси бўлган. Дастлаб ма-ҳаллий мактабда, кейинчалик Пишпек-даги рус-тузем мактабида таҳсил олган. Еттисув (Олмаота) даги педагогика ин-ститутини тамомлаган. Мактабларда ва техникумларда дарс берган. 1928 йил-дан маданий фан ва тадқиқот институ-тида ишлаган. Шу йиллари грамматика, орфография, терминалогия ва бошқа со-ҳалар бўйича дарсликларни ҳамда илмий мақолаларни чоп эттирган. Йирик бей-манапларнинг авлоди сифатида қувғин-га учраган. 1932 йилда Ушдаги педаро-*



Ажийман Шабданов

гика техникумига юборилган. Кейин Тожикистонга бориб, Тоғли Бадахшон областидаги қирғизларга билим бериш ишларини ташкил этган. Шу ердан қамоққа олиниб, Тошкентга юборилган ва тўхматдан иборат айблов билан 1939 йилда отиб ташланган.

1929 йилда С.Нааматов билан биргаликда "Саводсиз вёллар учун алифбо" номли дарсликни ёзган. М.Элебаев ҳамда Ж.Жамгирчиевлар билан биргаликда ёзган "Унингчи синфлар учун ўқиш китоби" 1930 йилда 10 минг нусхада чоп этилган. Унинг "Бизнинг тил" (1931 й.) деб номланган дарслиги гоят кенг қўлланилган.

Қурилган чора-тадбирлар натижасида, 1929 — 1930 ўқув йилида ликбезларда 100 минг киши таҳсил олди ва уларнинг 73 минг нафари ўқиш ҳамда ёзишни ўлаштиришга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг, саводсизликни тугатиш жараёнида ижобий бурулиш бошланган. 1930 йилда чаласаводларга ёрдам сифатида "Саводли бўл!" деб номланган газета нашр этила бошланган. Республикада саводсизликни тугатиш борасида Қирғизистон АССР ХКС нинг раиси бошчилигида штаб ташкил этилган. Шу вақтга қадар, саводсизликни тугатиш ишларига асосан, жамоатчиликнинг маблағлари сарфлаб келинган бўлса, 1934 — 1935 ўқув йилидан бошлаб бу иш давлат ихтиёрига ўтган. Мазкур йилнинг узида республикада 181,5 минг киши ўқиб, саводхонлар қаторига қўшилган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

ВКП (б) Қирғизистон обкоми бюросининг қароридан (1930 й. 25 июни):

1. Давлат, хўжалик ва жамоатчилик ташкилотларининг маданий қурулиш ишларига эътиборларини жалб этиш учун, июль ойидан бошлаб Қирғизистонда маданий юриш ташкил этилсин.

2. Маданий юриш бошлангач, ет ойлари давомида 3400 нафар саводсизлар ҳамда 16 минг нафар чаласаводлар мактабларга жалб этилсин. Мазкур юриш давомида омман китоб, газета ва журналларга жалб этиш, радио ҳамда кинони оммавийлаштириш, диний хурофотларга қарши курашиш; маданий оқартув маҳкамаларининг фаолиятини яхшилаш, уларни мутахассислар билан таъминлаш ҳамда турмуш тарзи маданиятини яхшилаш ишлари амалга оширилсин. "Саводсизлик тугатилсин" жамиятининг ишлари тартибга солинсин, умумий овуқатлашни соҳалари кенгайтирилсин, кучалар, майдончалар ва турар жойлар тозалансин. Районларнинг совхозлар, колхозлар ҳамда овуқ-қишлоқларнинг маданий таъминоти ягона режа асосида амалга оширилсин; айдовларнинг икки-юкки, синфий ҳамда маданий таъминоти яхшилансин...

1936 йилда Қирғизистон ҳукумати қошида саводсизликни тугатиш бўйича бошқарма ташкил этилган. Район халқ таълими бўлимларида катталарнинг мактаблари бўйича махсус инструкторлик хизматлари йулга қўйилган. Натижада минглаб кишилар ўқишга жалб этилиб, саводхонлик учун умумхалқ кураши кенг ёйилган.

*Нааматов Сатибалди (1905 — 1938 йй.) Қирғизистоннинг дастлабки маърифатчиларидан бири, саводсизликни тугатиш учун фаол кураш олиб борган. Отбоши районидаги Казибек овулида узига туқ оилада таваллуд топган. Дастлаб маҳаллий мактабда таҳсил олган, сунгра Етти-сув (Олмаота) таълим бериш институтини тамомлаган. 1931 йили очилган Фрунзедаги педагогика институтида дарс берган. 40 нафардан кўпроқ асарлари эълон қилинган. Биринчилардан бўлиб қирғиз тилини ўқитишнинг услубияти бўйича дарслик китобини тайёрлаган. Рус тилини яхши ўзлаштирганлиги учун М.Горький ва А.Фадеевларнинг асарларини қирғиз тилига таржима қилган. Қ.Тинистанов ва Е.Д.Поливановлар билан дустана муносабатда бўлган.*



Сатибалди Нааматов

*1937 йили “Социал Турон” партиясининг фаол аъзоларидан бири сифатида ҳамда дарсликларга акселинкқилобий гояларни киритганликда айбланиб қамоққа олинган ва 1938 йилда отиб ташланган. 1956 йилда оқланган. Унинг “Саводсизлик тугатилсин” (катталар учун алифбе), Фрунзе, 1929 й.; “Чаласаводдилар учун ўқув қуроли” Фрунзе, 1930й. ва бошқа асарлари юқори даражада баҳоланган.*

Уша йилларда мавжуд алфавитнинг икки марта узгартирилиши саводсизликни тугатиш ва кенг халқ оммаси маърифатини юксалтириш ишларига тўсқинлик қилган. Лекин мавжуд қийинчиликларга қарамасдан 1939 йилги аҳолини руйхатга олиш маълумотлари бўйича республикадаги 9 ёшдан 49 ёшгача бўлган кишиларнинг саводхонлик даражаси 78,3 фоизни ташкил этган. 50 ёшдан юқори бўлган кишиларнинг кўпчилиги саводсизлигича қолаверган, лекин саводсизликни тугатишга узил-кесил эришилмаган бўлсада, 1940 йилга қадар республикада бу борада катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Урушга қадарли бўлган даврда халқ таълими сон жиҳатидан усиб қолмасдан, унинг сифати ҳам бирмунча яхшиланди. 1937 — 1938 ўқув йидада республикада 1358 бошлангич, 327 етти йиллик ва 62 ўрта мактаблар мавжуд эди. Ўқитувчиларнинг сони ҳам икки баробар кўпайган. Лекин мавжуд ўқитувчиларнинг кўпчилиги махсус педагогик таълимот тугул хатто ўрта мактабларни тамомламаган кишилар эди. I — IV синфларга дарс бераётган ўқитувчиларнинг 85 фоизи туликсиз урта маълумотга эга бўлсалар, V — X синфлар ўқитувчиларининг атиги 11 фоизигина олий маълумотга эга булишган. Ўқитувчилар кас-



Аали Токомбаев

бий малакасининг пастлиги ўқитишнинг сифатига салбий таъсир курсатган.

Шундай қилиб, 20 — 30 йилларда Қирғизистонда халқ таълимининг ижтимоий системаси шаклланган. 1930 — 1931 ўқув йили давомида республиканинг барча аҳолиси учун мажбурий бошланғич таълим жорий этилган.

Халқ таълими борасида совет ҳокимияти амалга оширган чора — тадбирлар натижасида, 30-йилларнинг охирига келиб, республикада аҳолига бошланғич таълим бериш жараёни муваффақиятли якунланди. Бунинг асосида овул-қишлоқлар аҳолисига етти йиллик, шаҳар аҳолиси учун эса ўн йиллик мажбурий таълим

бериш системаси узил-кесил шаклланган. 30-йилларда Қирғизистонда ўрта махсус ва олий ўқув юртлири ҳам ривожлана бошлаган. 1937 йилда республикада 12 техникум ҳамда 5 ўрта тиббиёт мактаби мавжуд бўлиб, уларда 3 минг ўқувчи таҳсил олган. Ушбу курсаткич 1932 — 1933 ўқув йилига таққослаганда икки ҳисса кўп эди. Икинчи беш йиллик давомида ўрта махсус ўқув юртлири 1,4 минг нафар мутахассисни тайёрлаб чиқарган. 1932 — 1933 ўқув йилида Қирғизистон халқлари тарихидаги биринчи олий ўқув юрти — Қирғизистон давлат педагогика институти очилган. Ушбу илм даргоҳининг шаклланиши ва ривожланишида Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан келган педагог-олимларнинг бегараз хизматлари ҳам катта роль ўйнаган.

## ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг “Барчага мажбурий бошланғич таълим бериш тўғрисида”ги қароридан (1930 йил 19 сентябрь):

“1. 1930 — 1931 ўқув йилидан бошлаб Қирғизистон АССРдаги 8, 9 ва 10 ёшдаги болаларга, 11, 12 ҳамда 13 ёшлардаги ўсмирларга умумий бошланғич таълимни бериш ишлари икки йилда якунлангудек тарзда, режа асосида амалга оширилсин.

2. 1930 — 1931 ўқув йилида 8, 9 ва 10 ёшдаги болаларни, 11, 12, 13 ва 14 ёшдаги ўсмирларни умумий-мажбурий бошланғич таълимга жалб этиш ишлари Қирғизистон АССРнинг Фрунзе, Беловодск, Аламудун, Чуй, Калинин, Жети угуз, Араванбура ҳамда Жалолобод районларининг шаҳарларида, ишчилар посёлкаларида ва районлар марказларида амалга оширилсин. Ўсмирлар учун бир йиллик муддатга алоҳида мактаблар ҳамда гуруҳлар уюштирилсин.

3. Қирғизистон АССРнинг худудларида мактабларнинг сонини 8, 9 ва 10 ёшлардаги болаларнинг камида 75 фоизини қамраб олишни мумкин бўлган даражада кўвайтирилсин. 11, 12, 13 ҳамда 14 ёшдаги ўсмирларни, олит ва аҳолиси кўчманчилик тарзида яшайдиган районлардаги мардикорларнинг, қашшоқ аҳолининг ҳамда қолхозчиларнинг болаларини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилсин”.



1936 йили мазкур олийгоҳни 46 нафар мутахассис тамомлаган, уларнинг 13 таси қирғиз миллатига мансуб ёшлар эди. 1933 йили Бишкекдаги қишлоқ хўжалиги техникумининг базасида Қирғизистон зооветеринария институти очилган. 1938 — 1939 уқув йилида Қирғизистон давлат медицина институти уз фаолиятини бошлади. Шундай қилиб, 1940 — 1941 уқув йилида қирғиз халқининг ўғил-қизлари 6 олий ва 34 ўрта махсус уқув юртларида таҳсил ола бошладилар.

*Затаевич Александр Викторович (1869 — 1936 йй.) — мусиқашунос, этнограф ҳамда бастакор. Қозоғистон ССР (1923 й.) ва Қирғизистон ССР халқ артисти (1925 й). Ўрта Осие Қозоғистон ва Сибир халқларининг куй қўшиқларини тўплаган ва тадқиқ этган. Затаевич 1928 йилда Қирғизистонга келиб машҳур қўбизчилар ижросидаги куй-қўшиқларни ёзиб олган. Тўплаган куй-қўшиқлари “Манас” ҳамда “Семетей” дostonларига ёзилган куйлар билан биргаликда 1934 йили Москвада “Қирғиз мусиқа асбобларининг 250 куй ва қўшиқлари” номи остида нашр этилган. Мазкур тўпламдан жой олган куй-қўшиқлар қандай ижро этилиши, кимдан ёзиб олингани, унинг мусиқа оҳангини илмий тавсиф этувчи қисқача тушунтиришлар билан биргаликда тўлақонли тарзда баён этилган. Затаевич “Манас” эпосига ёзилган куйларни биринчи бўлиб нотага солган.*



Александр Викторович  
Затаевич

Мазкур олийгоҳларда республика чун илмий кадрлар ҳам тайёрлана бошлаган. 1937 йили Қирғизистон Хукумати қошида илм-фан қўмитаси ташкил этилиб, у кейинчалик республика илмий-тадқиқот марказига айлантирилган. Урушга қадарли республикада 13 илмий-тадқиқот маҳкамалари мавжуд бўлиб, уларда 323 нафар илмий ходим фаолият кўрсатган. Уларнинг орасида 13 фан докторлари ва 43 фан номзодлари меҳнат қилишган.

Миллий ёзув ҳамда нашриётнинг вужудга келиши ҳам халқимиз маданиятини юксалтиришда улкан аҳамият касб этган. 1924 йилда араб имлоси асосидаги қирғизча ёзувга асос солинди ва уша йилнинг 7 ноябрида қирғиз тилида “Эркин-Тоо” газетаси нашр этилган. 1925 йилнинг 12 мартида рус тилида “Батрацкая правда” газетаси нашрдан чиққан. 1926 йилнинг ноябрида эса ёшларнинг “Ленинчил жаш” газетаси ва “Коммунист” журналлари чиқа бошлаган. 1928 йили “Жангие маданият жолунда” ҳамда “Дыйкан” журналларини нашр этиш йўлга қўйилган. Аста-секинлик билан бўлса-да, чинакам қирғиз адабиёти ривожлана

бошлади. Унинг илк намоёндалари сафида Қ.Тинистанов, К.Баялинов, М.Элебаев, К.Жантошев, С.Карачаев, М.Токобаев, А.Токомбаев, Т.Сидикбеков ва бошқалар бўлишган. Қирғиз совет адабиётининг ривожига оқинлардан Т.Сатилганов, Тоголок Молдо, В.Аликулов, И.Шайбеков, А.Жутакеев, К.Акиев, О.Болобаев ва бошқалар ҳам улкан ҳисса қўшганлар. Урушга қадарли булган даврда қирғиз ёзувчилари ўз ижодлари билан янги-янги адабий чуққиларни забт эта бошлашган. 1934 йилнинг апрелида булиб ўтган Қирғизистон ёзувчиларининг биринчи съезди қирғиз адабиётининг бунгача босиб ўтган ривожланиш йулига яқун ясаб, истиқболдаги янги режаларни белгилаб берган. Съездда Қирғизистон ёзувчилар союзи ташкил этилиб, унинг раислигига А.Токомбаев сайланган. Қирғиз адабиёти билан бир қаторда миллий санъатнинг театр, мусиқа, рассомчилик ва бошқа соҳалари ҳам ривожланиб борган.



Семён Афанасьевич  
Чуйков

*Чуйков Семён Афанасьевич (1902 — 1980 йй.) — таниқли совет мўйқалам устаси, СССР халқ рассоми (1963 й.), СССР Рассомлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (1968 й.). СССР Давлат мукофотининг (1949, 1951й.й.), Тўқтагул номидаги Қирғизистон ССР Давлат мукофотининг (1972 й.) ва Ҳиндистон давлат мукофотларининг лауреати булган. Верний ва Москва шаҳарларида ўқиган, 1930 йилларнинг бошларида Қирғизистон рассомлар союзининг ҳамда Фрунзедаги Қирғизистон давлат тасвирий санъат музейининг ташкилотчиларидан бири булган. Ўз асарларида қирғиз халқининг турмушини жўшқин муҳаббат билан, гоят ажойиб бадний услубларда тасвирлай олган.*

1926 йили мутахассис артистларни етиштириш учун мусиқавий драма студияси ташкил этилган. А.Куттубаев, А.Боталлиев, К.Эшимбеков каби иқтидорли санъаткорлар мазкур студиянинг дастлабки битирувчилари бўлишган. Миллий театр фаолиятини ривожлантириш учун театр жамоасига оддий халқ орасида юриб шуҳрат қозонган мусиқачилар М.Куронкеев ва К.Орозовлар, оқинлар К.Акиев ва О.Болобаевлар, манасчи М.Мусулманкулов, қизиқчи Ш.Термечиков, темир — қубизчи А.Байбатиоров ва бошқалар жалб этилган. Улар ўз санъатлари билан миллий маданиятнинг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. 1930 йилга келиб, республика мусиқий — драма студияси республика театрига айлантирилган. Театр қошида халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил этилган. 1935 йили Фрунзеда рус

драма театри очилган. 1936 йили Қирғизистон давлат театри Қирғизистон мусиқий-драма театри бўлиб қайтадан ташкил этилган. Ҳаша йили Қирғизистон давлат филармонияси ҳам ташкил этилган. 1937 йилнинг майида Қирғизистон давлат драма театрида Ж.Боконбаевнинг "Олтин қиз", 1939 йилда эса "Ажал урнига" номли драмалари сахналаштирилган. 1939 йили Қирғиз мусиқийдрама театри томошабинларга "Айчурек" операсини намойиш этган.

1920 — 1930 йилларда қирғиз халқининг миллий мусиқаси ҳам ривожланган. Қирғизистон давлат филармонияси йирик мусиқа марказига айланган. Унинг таркибида миллий хор, қирғиз рақс ансамбли, оғизда чаладиган мусиқий асбоблар давлат ансамбли ва бошқалар ташкил этган. 1939 йилда А.Молдобаев етакчилигида Қирғизистон бастакорлар союзи ташкил этилган ва у республикада мусиқа санъатининг ривожланишига зур туртки бўлган.

Мазкур йилларда қирғиз халқининг миллий мусиқасини ёзиб олиш ва тадқиқ этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Бу борада А.В.Затаевичнинг хизматлари алоҳида эътиборга моликдир.

Урушгача бўлган даврда Қирғизистонда бадий рассомчилик санъати ҳам уз ривожидан янги босқичларга кўтарилди. 1934 йилда Қирғизистон рассомлар союзи ташкил этилган ва унга С.А. Чуйков етакчилик қилган.

*Айтиев Гапар (1912 — 1984 йй.) — қирғиз халқининг тўнғич рассоми, миллий рассомчилик мактабининг асосчиларидан бири, СССР халқ рассоми (1971й.), СССР бадий рассомчилик академиясининг мухбир аъзоси (1973 й.), Тоқтагул номидаги Қирғизистон ССР Давлат мукофотининг лауреати (1967 й.) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1980й.), ҳукуматнинг бошқа бир қатор орден ва медаллари билан тақдирланган. Қирғизистоннинг гўзал табиятини, миллий маданиятнинг буюк намоёндалари сиймоларини зур бадий маҳорат билан тасвирлаган.*



Гапар Айтиев

1935 йили Қирғизистон давлат тасвирий санъат галереяси ташкил этилган. Унда дастлаб улкан истеъдод соҳиблари бўлган С.Чуйков, Г.Айтиев, С.Ақилбеков ва бошқа рассомларнинг асарлари намойиш этилган. Республикамизга ҳайкалтарош О.Мануйлова ва бошқалар келиб ишлай бошлашган. Натижада тасвирий санъатнинг янги соҳалари ҳам шакллана бошлаган.

1939 йилнинг 26 майдан 30 июнигача Москвада ўтказилган Қирғизистон санъати декадаси республикамиз маданий ҳаётидаги йирик воқеалардан бири бўлган. Декадада миллий маданиятнинг 550 нафар маҳоратли вакиллари ўз санъатларини намойиш этганлар. Уларнинг ижросидаги 14 та спектакл ҳамда концертларни 30 мингдан ортиқроқ томошабинлар кўриб олқишлаганлар. Қирғизистон давлат мусиқа театри жамоаси Ленин ордени билан, Қирғизистон давлат филармонияси эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирландилар. Бундан ташқари Қирғизистонлик санъаткорлардан 71 нафар киши СССР нинг ордени ва медаллари билан тақдирланганлар. Шундай қилиб, 20 — 30 йилларда Қирғизистонда социалистик маданият эндигина шаклланаётганлигига қарамасдан, бир қатор мувафақиятларга эришилди.

#### САВОЛЛАР:

1. Саводсизликни тугатиш борасидаги ишлар қандай амалга оширилган?
2. Саводсизликни тугатиш жараёнида фидоийлик кўрсатган тўнғич олимлар ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қирғизистонда ёшларга билим бериш ва мутахассисларни тайёрлаш ишлари қандай амалга оширилган?
4. Қирғиз совет адабиёти қандай ривожланди?
5. Қирғиз миллий мусиқасининг ривожланиши ҳақида сўзлаб беринг.
6. Миллий рассомчилик санъати кимларнинг хизматлари туфайли ривожланиб борди?

#### 29-§. УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ ВА УРУШДАН КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ МАДАНИЯТ (1941 — 1964 йиллар)

Улуғ Ватан уруши Қирғизистон зиёлиларининг 15736 на-  
йилларида илм-фан фар вакиллари Улуғ Ватан урушида ишти-  
ва маданият рок этишиб, фронтнинг турли участкалари-  
да душман билан қаҳрамонларча жанг қил-  
ганлар. Фронт ортида ҳам республикамиз олимлари Ватан мудро-  
фааси учун гоят зарур бўлган ҳарбий-иқтисодий вазифаларни ба-  
жариш борасида жонбозлик кўрсатганлар. Уруш бошланган вақ-  
тларда республикамизда 13 миллий-тадқиқот марказлари мав-  
жуд бўлиб, уларда 323 нафар илмий ходим фаолият кўрсатган.  
Уларнинг орасида 13 фан докторлари ва 45 нафар фан номзодла-  
ри мавжуд бўлган. Гоят қисқа бир муддат ичида ушбу илмий-  
тадқиқот даргоҳлари фронт эҳтиёжларини таъминлашга қаратил-  
ган фаолият билан машғул бўла бошладилар. Қирғизистонга эва-  
куация қилинган зиёлилар ва олимлар республикамизнинг ил-  
мий-тадқиқот борасидаги салоҳиятини янада оширдилар. Ака-  
демиклар А.Бах ва А.Борисякларнинг, техника фанлари док-

тори М.Келдишнинг, тарих фанлари доктори К.Юдахин ва бошқаларнинг республикамизга келишлари фаннинг қатор соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар сифатини янада оширди.

Қирғизистонлик геологлар ҳарбий аҳамиятга молик табиий конларни қидириб топиш борасида бир қатор муҳим ишларни амалга оширдилар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 1941—1944 йиллар давомида 321 марта геологик-қидирув экспедициялари амалга оширилиб, рангли металлларнинг 110, кумирнинг 71, нефть ва металлнинг 8 та конлари аниқланди. Бундан ташқари республика ҳудудидан топилган сурма, симоб, вольфрам ва бошқа кам учрайдиган табиий конлар ҳам улкан стратегик аҳамиятга эга эди.

Фрунзе шаҳрига эвакуация қилинган СССР Фанлар Академиясининг биология бўлими Қирғизистондаги илмий маҳкамалар билан биргаликда ҳарбий ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлган бир қатор тадқиқот ишларини олиб борган. 1943 йилнинг 5 январида СССР ХКС нинг қарори билан СССР Фанлар академиясининг Қирғизистон филиали очилди. У республикада илмий-тадқиқот ишларини ривожланишига улкан туртки бўлди. Мазкур филиал 1943 йилнинг 13 августида ўз фаолиятини бошлади, унинг раислигига академик К.И.Скрябин, раис уринбосарлари қилиб Ж. Шукуров ва В.Масенко, илмий котиб этиб эса П.Власенко сайланишган. Филиалда жамми 158 нафар илмий ходим фаолият курсатганлар. Уларнинг орасида СССР Фанлар академиясининг бир академиги, бир мухбир аъзоси, 12 нафар фан докторлари ва 22 нафар фан номзодлари бор эди.

Мазкур филиал узининг бутун фаолиятини Қирғизистондаги мавжуд табиий захиралардан мамлакат мудофааси эҳтиёжлари учун фойдаланишни йулга қўйишга қаратди. Н.Сятий бошқарган химия институти портлатиш ишларининг янги усулини ишлаб чиққанлар. Ижтимоий фан соҳаларининг вакиллари эса Ова Ватан мудофааси учун гоят зарур бўлган ҳарбий ватанпарварлик, пролетар интернационалиزم руҳидаги ҳамда уруш ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тадқиқотларни олиб бордилар, совет халқлари олиб бораётган адолатли уруш ва фашизмнинг жирканч кирдикорлари ҳақида тунштириш ишларини йулга қўйдилар. 1944 йили К.Юдахиннинг таҳрири остида 40 минг сўздан иборат бўлган биринчи “Русча-қирғизча лугат” нашр этилди. “Манас” эпосини тадқиқ этиш ва йиғиш борасидаги ишлар давом эттирилди.



Константин Кузьмич  
Юдахин

Адабиёт ва санъат- Фашист босқинчиларига қарши олиб бо-  
нинг фронт учун рилган курашда адабиёт ва санъат қудрат-  
хизматлари ли гоъвий қурол сифатида хизмат қилди.

Қирғизистон Ёзувчилар Союзининг М.Элебаев, Ж.Ашуубаев, Н.Чекменов, Я.Шиваза, Ж.Турусбеков, У.Абдукаимов каби кўплаб аъзолари фронтга отланишган. Уларнинг баъзи бирлари ҳарбий булинмаларда сиёсий бошлиқлар сифатида, бошқалари эса фронт матбуотида адабий ходим сифатида хизмат қилишган. Социалистик ватанпарварлик, Она Ватан мудофааси, совет жангчиларининг жасоратлари ва фронт ортидаги меҳнаткаш халқнинг бунёдкорлик ишлари қирғиз ёзувчилари ижодидаги асосий мавзулар бўлиб қолган. А.Токомбаевнинг "Аширбай", К.Жантушевнинг "Чолпонбай" каби поэмалари, А.Осмоновнинг "Қасамёд", К.Маликовнинг "Менинг Кавказим", Т.Умўталиевнинг "Учовлов", Т.Сидикбековнинг "Артиллериячи" ва бошқа асарлар оммани жасоратга ва сабр-матоватга даъват этувчи ажойиб таъсир кучига эга бўлиб, халқнинг галабага бўлган қатъий ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Қирғизистонлик санъаткорлар ҳам урушнинг дастлабки ойларида бошлаб, ўз санъатлари билан галабага ҳисса қўшишга қатъий бел боғлаганлар. Қирғизистонлик артистлардан ташкил топган бригадалар 1941 йилнинг июлидан 1942 йилнинг 1 апрелига қадар фронтдаги жангчилар қаршисида, фронтга жангчиларни жўнатувчи пунктларда ва ҳарбий госпиталларда 763 марта концертларни намойиш этганлар. 1941 йилнинг ноябрида қирғиз операсининг Улуғ Ватан урушига бағишланган "Ватанпарварлар" номли биринчи сахна асари намойиш этилган. Муסיкий театр санъаткорларининг шу каби муваффақиятли одимлари ҳисобга олиниб, 1942 йилнинг 17 августида ушбу театр Қирғизистон давлат опера ва балет театри бўлиб қайтадан ташкил этилган. Театр жамоаси 1942 йилнинг ноябрида "Қоқил", бир йилдан сўнг, декабрь ойида "Ким нима қилди?" номли операларни, 1944 йилда "Чолпон" номли балет асарини сахналаштирдилар. Урушнинг охириларигача театр жамоаси фронтдаги жангчилар ва меҳнат fronti фидойиларига 750 мартагача концертлар намойиш этишга муваффақ бўлдилар.

Ватан мудофаачиларининг фронт орти билан маънавий-руҳий бирлигини мустаҳкамлашда Қирғизистон санъат усталари томонидан ташкил этилган гастроллар ҳам катта роль уйнади. 1942 йилда 7 театр концерт бригадалари уюштирилиб, улар 1944 йилга қадар жангчиларимиз қаршисида 2500 марта концертлар намойиш этганлар.

1941 йилнинг июлида Қирғиз драма театри ташкил этилган. Театр фаолияти ҳам уруш йилларида ривожланиб, ўсиб борган. 1942 йилнинг октябрида мазкур театр сахнасида А.Токомбаевнинг Улуғ Ватан урушига бағишланган "Қасамёд" номли пьесаси намойиш этилди. 1943 йили опера ва балет театрининг драма бўлими Қирғизистон давлат драматик театри сифатида

булиниб чиққан. Мазкур театр сахнасида 1944 йилнинг январда “Қурманбек” пьесаси намойиш этилди. Сунгги йилларда театр жамоаси “Рус кишилари”, “Фронт”, “Саркарда Суворов”, “Ревизор”, “Қирол Лир” каби пьесаларни муваффақият билан сахналаштирдилар.

Уруш даврида Қирғизистонда бадиий рассомчилик санъати ҳам ривожланди. С. Чуйковнинг “Она Ватан учун”, “Чолпонбойнинг портрети”, А. Игнатовнинг “Фронтга кузатиш”, “Она билан дийдорлашув”, “Фронтдан келган меҳмон”, Г. Айтиевнинг “Фронтдан мактуб”, И. Гальченконинг “КЧК қурилишида”, “Яйловда”, Л. Ильинанинг “Қизилчани утдан тозалаш”, С. Акилбековнинг “Колхоз қоровули” ва бошқа кўплаб асарларда уруш йилларидаги оддий халқнинг маънавий-руҳий қиёфаси гоёт юксак профессионализм билан тасвирлаб берилган. Шундай қилиб, республика адабиёти ва санъати буюк галабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш билан бир қаторда ижоднинг яни чўққиларини забт этдилар.

Урушдан кейинги йилларда сталинча маъмурий-буйруқбозлик системаси маданият соҳалари устидан гоёвий назоратни янада кучайтирди. Бунинг учун “халқнинг бир қисми дунёқарашида капиталистик ва феодал-уруғчилик нуқтаи назари сақланиб қолган, зиёлиларнинг сафларида эса буржуа маданиятига сизиниш, коммунистик сиёсатнинг моҳиятини тушунмаслик иллати кучайиб кетмоқда”, — қабилдаги баҳона уйлаб чиқарилган. Юқори партия раҳбариятининг бу борадаги фикрлари ВКП (б) нинг “Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳамда “Катта ҳаёт” кинофильми тўғрисидаги қарорларида ўз ифодасини топган. Мазкур қарорлар ижодкор зиёлиларнинг кенг қатламлари орасида муҳокама этилди ва гоёвий ишни кучайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар курила бошланди. Натижада зиёлиларнинг баъзи бир вакиллари яна сиқувга олиниб, қўвгинга дучор этила бошланди.

XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган таниқли оқин Молдо Қиличнинг асарлари “буржуа миллатчилиги” да айбланиб, унинг ижодини тадқиқ этган Т. Саманчин, Т. Байжиев, З. Бектеновлар қатагонга учраганлар. Олимлардан Ж. Шукуров, К. Сооронбаев ва Х. Карасаевлар хизмат лавозимларида четлаштирилганлар. А. Токомбаевнинг “Қонли йиллар” романи ҳамда К. Маликовнинг “Валбай” поэмалари кескин танқид остига олиниб, уларни ўқиш тақиқланган.

1951 йилга келиб, партия ва Совет ҳукумати олий раҳбариятининг кўрсатмаси билан халқларнинг миллий эпослари ҳам танқид остига олинган. Қирғиз халқи маънавий турмушининг энг юксак чўққиси бўлган “Манас” эпоси ҳам “халққа қарши йўналтирилган, эзувчи синфларнинг манфаатини кузлаган, урушга даъват этувчи ҳамда диний руҳда ёзилган зарарли асар” сифатида баҳоланиб, уни ўқиш, оммалаштириш ва тадқиқ этиш таъқиқлаб қўйилган. Лекин илгор қирғиз зиёлилари халқнинг

буюк эпоси устидан чиқарилган бундай адолатсиз ҳукмга қарши курашга астойдил бел боғладилар. Матбуот саҳифаларида бир неча ойга чузилган узоқ тортишувлардан сунг, 1952 йилнинг июнь ойида Фрунзе шаҳрида “Манас” эпосининг халқчиллиги мавзусида илмий конференция утказилди. М.Авезов, А.Токомбаев, К.Маликов, Т.Сидикбеков, А.Бернштам, Б.Юнусалиев, Б.Керимжанова ва бошқа таниқли зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари билан “Манас” эпоси қатагондан сақланиб қолинди.

Урушдан кейинги йилларда халқ таълимини ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Уруш вақтида чиқмай қолган ўқув дарсликларини чоп этиш ва қирғиз тилидаги дарсликларни чиқариш йулга қуйилди. 1950 йилда мактаб ўқувчилари учун 89 номдаги дарсликлар нашр этилган. Янги ташкил этилган Қирғиз хотин-қизлар ўқув юрти 1948 йили 5 нафар мутахассисни тайёрлаб чиқарди. Пржевальск, Уш ва Жалолободда ўқитувчилар тайёрловчи икки йиллик институтлар, саноат, зооветеринария ва озиқ-овқат техникумлари, бадий рассомчилик билим юрти, республика маданий-оқартув ҳамда мусиқий-хореографик билим юртлари ҳам мутахассисларни етиштириб чиқара бошлаганлар.

СССР Фанлар Академиясининг Қирғизистон филиалида 500 нафар илмий ходимлар, жумладан, 13 фан докторлари ва 83 нафар фан номзодлари самарали фаолият олиб боришган.

Қирғизистондаги ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида 46 нафар профессор ва фан докторлари, 350 нафар доцентлар ва фан номзодлари фаолият курсатганлар. Уларнинг 60 нафари қирғиз миллатига мансуб зиёлилар эди. 1950 йили республикада тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги институтлари, 4 педагогика институти ҳамда 29 ўрта-махсус ўқув юртлари мавжуд бўлиб, уларда 19,2 минг нафар талабалар билим олганлар.

Матбуот хизмати ҳам фаоллашган. Қирғизистонда республика миқёсида 5 нафар, вилоят миқёсидаги 10 ҳамда район ва шаҳарлар миқёсидаги 70 газеталар 160 минг нусхада чоп этила бошланган. Булардан ташқари қирғиз ва рус тилларида “Коммунист” ҳамда “Тарғиботчи ва ташвиқотчининг ён дафтарчаси” номли журналлар ҳам нашр этилган.

Қирғиз адабиёти ҳам ривожланиб борган. Ёзувчи Т.Сидикбеков ўзининг *“Давримиз кишилари”* романи учун СССР давлат мукофотига сазовор бўлган. К.Баялинов, К.Жантошев, Т.Умоталиев ва А.Осмоновларнинг асарлари кенг жамоатчиликнинг сеvimли мулкига айланди. Урушдан кейинги даврда қирғиз мусиқаси, драма театри ва бадий рассомчилик санъати ҳам янги ижодий марраларга ушиб етди.

50-йилларнинг иккинчи ярми ва 60-йилларнинг бошларида республикамиз маданияти янги босқичларга кўтарилди. Бу йиллардаги қирғиз адабиёти Ч.Айтматов, У.Абдукаимов, С.Эралиев, К.Капмов, А.Токтомушев каби иқтидорли ёзувчи ва шоирларнинг ижодлари орқали янада бойиди. Ёзувчи Ч.Айтматов ўзи-



нинг *"Тог ва дашт қиссалари"* тўплами учун 1963 йили Ленин мукофотига сазовор бўлди.

1958 йили Москва шаҳрида ўтказилган Қирғизистон санъати ва адабиётининг иккинчи ўн кунлигида республикамиз бадий санъат усталари узларининг ижодий муваффақиятларини ажойиб тарзда намойиш этганлар. Республиканинг 6 санъаткорлари жумладан, С.Кийизбаева, В.Бейшеналиева, М.Рискулов, Б.Кидикеев, А.Мирзабоев ва Д.Кууюковлар СССР Халқ артисти унвонига сазовор бўлдилар. Қирғизистон санъаткорларининг 300 вакиллари ҳукуматнинг орден ва медаллари билан, жумладан, 9 киши Ленин ордени билан тақдирланганлар.

Таълим соҳаларида ҳам мазкур йилларда бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилган. 1953 - 1954 ўқув йилидан бошлаб республика шаҳарларида мажбурий ўрта махсус таълим жорий этила бошланган. Лекин 1955 йилда ҳам республика бўйича 20 мингдан ортиқроқ болалар мактабларга жалб этилмай қолиб кетишган. 1958 йилдан бошлаб, етти йиллик бошлангич таълим урнига саккиз йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Ўрта мактабларда ўқиш муддати 11 йилга чўзилган. 1960 — 1961 ўқув йилида республикада 1763 кундузги умумий таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 397,5 минг нафар ўқувчи ёшлар билим олишган. Лекин мактабларда ишлаётган 22 минг нафар ўқитувчиларнинг 33,1 фоизигина олий маълумотга эга эдилар. Ўқитувчиларнинг қолган кўпчилиги қисмини ўрта махсус маълумотлилар ташкил этишган. Бундай ҳолат мактаблардаги ўқитишнинг сифат даражасига салбий таъсир кўрсатган, албатта.

50-йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Совети қошида ташкил этилган ҳунар-техника таълими бош бошқармаси томонидан бир қатор фаол ишлар амалга оширилган. 60-йиллардан бошлаб, саккиз йиллик таълим асосида шаҳар ҳамда қишлоқ ҳунар-техника ўқув юрглари ташкил этилиб, уларда 8,7 минг нафар бўлгуси мутахассислар тайёрлана бошланган.

50-йилларга қадар республика учун олий маълумотли мутахассислар, асосан, Иттифоқнинг марказий шаҳарларида тайёрланиб жўнатилар эди. Энди кўпгина соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар республиканинг ўзида тайёрлана бошланди. Бу борада 1951 йили Қирғизистон Давлат университети очилиши гоят улкан аҳамиятга эга бўлди. 1954 йилда мазкур университетнинг геология ҳамда техника факультетларининг негизида Фрунзе Политехника институти ташкил этилди.

1951 йили Ўш педагогика институти, 1952 йили Қирғизистон хотин-қизлар педагогика институти, 1953 йили Пржевальск педагогика институтларининг очилиши билан республикада мутахассис ўқитувчиларни тўрт йилда тайёрлаш иши йўлга қўйилди. 1955 йилда Қирғизистон жисмоний тарбия институти очилган. Олий ўқув юрглари билан бир қаторда ўрта махсус ўқув юрглариининг тармоқлари ҳам кенгайтирилган. 1954 йили Фрун-



Иса Ахунбаев

зеда енгил саноат ва совет савдо техникумлари, 1956 йилда Норинда қишлоқ хўжалиги ва 1957 йили автомобил йўллари техникумлари ташкил этилган. 1960—1961 ўқув йилида Қирғизистоннинг 8 олий ҳамда 27 урта махсус ўқув юртларида 22,2 минг студент таҳсил олган бўлиб, уларнинг 10,8 минггини олий ўқув юртларининг талабалари ташкил этишган.

1954 йили СССР Фанлар академиясининг Қирғизистон филиали негизда Қирғизистон ССР Фанлар академияси ташкил этилган. Унинг биринчи президенти этиб Иса Ахунбаев сайланган.

Академиянинг илк таркиби Б.Жамгирчинов, И.Ахунбаев, М.Батманов, К.Юдахин, Б.Юнусалиев каби олимлардан, А.Токомбаев, Т.Сидикбеков каби ёзувчилардан иборат бўлган жаъми 27 нафар аъзога эга эди. Академия ихтиёрида ўз сафларида 203 нафар илмий ходимни бирлаштирган ўрта илмий муассаса мавжуд бўлган. Уларда 12 нафар фан докторлари ва 83 нафар фан номзодлари фаолият олиб борганлар. Республикада мустақил Фанлар Академиясининг ташкил этилганлиги Қирғизистонда илмий-тадқиқот ишларининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

#### САВОЛЛАР:

1. Улуг Ватан уруши маданият равнақиға қандай таъсир кўрсатган?
2. Илм-фан тараққиётини таъминлаган янгиликлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Адабиёт ва санъат соҳалари фронт учун қандай хизмат қилишган?
4. Улуг Ватан уруши мавзусига бағишланган қандай асарларни биласиз?
5. Таълим ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш қандай олиб боришган?
6. Дастлабки олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар ҳақида сўзлаб беринг.

#### 30-§. МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА (1964 – 1990 йй.)

Таълим ва фан таълим мақтабларининг аҳамиятини яхши англаган партия-совет раҳбарияти *саккизинчи беш йилликка* келиб, (1966 — 1970 йй.) ҳамма учун мажбурий урта таълимни *жорий этган бўлса, тўққизинчи беш йилликда (1971—1975йй.)*

бу ишни тўлиқ яқунлаш мажбуриятини белгилаган. Қирғизистонда ушбу вазифани амалга ошириш учун биринчи навбатда умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган. 1965 — 1985 йиллар давомида республикада 756 минг уринга эга булган 859 мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди.

1985 — 1986 ўқув йилида Қирғизистондаги 1654 умумтаълим мактабларининг 1375 таси ёки 83 фоизи овул-қишлоқларда жойлашган эди. Лекин қишлоқ мактабларининг ярми талаб даражасида эмас эди. 300 урта мактабларнинг бинолари гоёт эскирганлиги учун, уларда ўқитиш хавfli бўлиб қолган. Мактабларнинг 66 фоизиди сув қувурлари ўрнатилмаган, 76 фоизиди эса ифлос сувлар оқиб чиқиб кетадиган қувурлар йўқ эди.

Мактабнинг қурилишини режалаштириш борасида ҳам хатоликларга йул қўйилган. Ўзларига қулай булсин учун қурилиш муассасалари мактабларни кўпроқ шаҳар жойларга яқин ерларга, Чуй ва Талас водийларига, областлар ҳамда районларнинг марказларига ёки уларга яқин булган ерларга қуришга ҳаракат қилганлар. Айни бир вақтда, мактаб биносига гоёт катта эҳтиёж сезаётган овул-қишлоқларда эса мактаб қурилиши четда қолиб кетаверган.

Республикадаги умумтаълим мактаблари фаолиятини яхшилаш, ундаги ўқитишнинг сифат даражасига, у эса мутахассис ўқитувчилар фаолиятига бевосита боглиқдир. 1984 — 1985 ўқув йилида Қирғизистондаги мактабларда 58 минг ўқитувчи ва тарбиячилар фаолият кўрсатганлар, уларнинг 41 минг нафари қишлоқ жойлардаги мактабларда меҳнат қилишган. 1965 — 1985 йиллар давомида олий маълумотли ўқитувчиларнинг сони шаҳар мактабларида 21 фоизга, қишлоқ мактабларида эса 30 фоизга ўсган. 1966 — 1967 ўқув йилидан бошлаб республикадаги мактаблар ўқитишнинг янги режаларига ва дастурларига ўтказилган. 1980 йилга келиб, ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш иши узил-кесил ҳал этилган.

1965 — 1985 йиллар давомида республикада умумий мажбурий таълим бериш борасида бир талай муваффақиятларга эришилган. Бахтга қарши, қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда қатор камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар аста-секин одатий тусга кира бошлаган. Ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда расмиятчиликка, уларнинг билимини баҳолашда тарафкашликка йул қўйиб келинди. Баъзи бир ўқитувчилар ижодий ишлашдан, ўз устида меҳнат қилишдан қочиб, дарсларни амал-тақал ўтишга ва ўз айбларини яшириш учун баҳоларни зўрма-зўраки ошириб қўйишга ҳаракат қилишган. Натижада урта мактабларни соҳта баҳолар билан энлаб битиришган ёшлар олий ва урта ўқув юртларига кира олишмаган. Масалан, 1977 йили республика олий ўқув юртларига киришни хоҳлаган 23 минг абитуриентдан фақат 7,6 мингги ёки 33,1 фоизигина кириш имтиҳонларидан муваффа-

киятли ўта олишган. 1985 йилда эса 19,1 минг абитуриентнинг 8,2 мингги ёки 43 фоизи кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшира олганлар. Ушбу йилларда ўқишга топширган абитуриентларнинг тенг ярмидан кўпи имтиҳонларда “икки” олишган. Ваҳоланки, уларнинг атестатларида аксарият “тўрт” ёки “беш” баҳолар бўлган.

Бу даврда умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларга ишлаб чиқаришнинг асослари бўйича таълим бериш, оммабоп касбкорга ёшларни тайёрлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Республика мактабларида ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этилиб, уларда ўқувчилар тикувчилик, механик-электриклик, тракторчилик, ҳайдовчилик, қурувчилик ҳамда тўқувчилик каби 30 дан ортқ оммабоп касбларни эгаллашга муваффақ бўлганлар. 1966 йилнинг майида Қирғизистон ССР Министрлар Совети қошида ҳунар-техника таълими бўйича бош бошқарма Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Давлат Комитетига айлантирилди. Мазкур комитетнинг фаолиятига бевосита боғлиқ равишда ёшларга ҳунар-техника таълимини беришнинг сифати бирмунча яхшиланди. Республика иқтисодиётининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалиги учун мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. 1965 йили республикада 17 қишлоқ ҳунар-техника ўқув юртлари бўлиб, уларда 5,2 минг ўқувчи таълим олган. 1990 йилга келиб, бундай ўқув юртларининг сони 118 тага етган, уларда 56 та мутахассислик бўйича 57 минг нафар ўқувчилар билим олганлар. Негадир, ҳунар-техника ўқув юртларига ўрта мактабларда ёмон ўқиган йигит-қизлар таълим олувчи ва уларга мутахассислик улашувчи ўқув юртлари сифатида қаралган. Натижада мазкур ўқув юртларининг обрў-эътиборлари пасайиб, уларни тамомлаган мутахассисларнинг қадри кета бошлаган.

Ушбу йилларда олий ҳамда ўрта-маҳсус таълим бериш борасидаги ишлар ҳам бирмунча ривожланган. 1965 — 1968 йилларда Фрунзедаги политехника, медицина, қишлоқ хўжалиги ва жисмоний тарбия институтларининг, Пржевальскийдаги педагогика институтининг ўқув бинолари қурилиб фойдаланишга топширилган. 1967 йили Б.Бейшеналиева номидаги Қирғизистон Давлат санъат институти очилиб, республиканинг мусиқий таълим берувчи марказига айланган. Фрунзеда мусиқа-педагогика билим юрти, Пржевальский, Уш ва Норин педагогика билим юртлари, қурилиш, савдо ҳамда автомобил йўллари техникумлари фаолият кўрсата бошлаган.

Олий малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Қирғизистон Давлат университети 1973 йили Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Ана шу кунга қадар мазкур университет республикага 40 минг нафар мутахассисларни тайёрлаб берган эди. 1990 йилда унинг 13 факультетида 23 мутахассислик бўйича 13 минг нафар талабалар билим олишган. Университетнинг 76 кафедрасида 950 нафар

ўқитувчи фаолият курсатган бўлиб, уларнинг орасида 39 нафар фан докторлари ва профессорлар, 320 та фан номзодлари ва доцентлар бор эди.

Қишлоқ хўжалиги учун мутахассисларни тайёрлаш ишига Қирғизистон қишлоқ хўжалик институти катта ҳисса қўшган. Ушбу институт жамоаси 1983 йили "Шухрат белгиси" орденига сазовор бўлган. Утган ярим асрлик вақт мобайнида ушбу институт 15,3 минг нафар мутахассисларни тайёрлашга эришган. Институтда 350 нафар ўқитувчилар, шу жумладан, 10 нафар фан докторлари ва профессорлар, 137 нафар фан номзодлари фаолият курсатишган.

Фрунзе политехника институти инженер кадрларни тайёрлашнинг йирик марказига айланган. Унда 12 мутахассислик бўйича 11,2 минг талабалар таълим олишган. Уларга университетнинг 962 кишилик ўқитувчилар жамоаси таълим-тарбия берганлар. Республика учун гоаят зарур малакали ўқитувчи кадрларни тайёрлашда Қирғизистон хотин-қизлар институти, Уш Давлат педагогика институти, Пржевальск педагогика институти ва Фрунзедаги рус тили ва адабиёти институтлари салмоқли роль уйнаганлар. 1985 йили республикада 10 та олий ҳамда 45 та ўрта-махсус ўқув юртлари фаолият курсатган. Уларда жами 109,1 минг нафар талабалар таълим оланлар. Олий ўқув юртларини ҳар йили ўртача 9,5 минг нафар, ўрта-махсус ўқув юртларини эса 13,6 минг нафар мутахассислар тамомлаганлар.

1989-1990 ўқув йили давомида Қирғизистонда 9 та олий ҳамда 48 та ўрта-махсус ўқув юртлари фаолият курсатганлар. Уларда жами 205 минг талаба билим олган бўлиб, уларнинг 94,6 мингги олий ўқув юртларининг талабалари бўлишган. 80-йилларда республика олий ўқув юртларини ҳар йили ўртача 9,5 минг, ўрта-махсус ўқув юртларини эса 14 минг нафар мутахассислар тамомлаганлар. 1989 йилда Қирғизистон халқ хўжалигида 180 минг олий ҳамда ўрта махсус маълумотли мутахассислар меҳнат қилишган. Бу курсаткич 1960 йилга таққослаганда 5,4 ҳиссага кўп эди.

1964 — 1990 йилларда жамият ҳаётида фаннинг роли ва аҳамияти ортган. Фаннинг техника, физика-математика, тоғ-кон, химия-биология ҳамда жамиятшунослик соҳалари жадаллик билан ривожланган. Олимларнинг тадқиқотлари республиканинг табиий ҳамда ижтимоий заҳираларини халқ хўжалигига кўпроқ жалб этишга, уларнинг самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган. Илмий тадқиқотлар борасида ва илмий кадрлар тайёрлашдаги қўлга киритилган муваффақиятлар учун Қирғизистон ССР Фанлар академияси 1975 йили "Халқлар дўстлиги" ордени билан тақдирланган. 1979 йилнинг 20 декабрида академиянинг 25 йиллиги кеңг нишонланган. Қирғизистон Компартиясининг биринчи секретари Т.Усубалиев ҳамда академиянинг президенти М.Иманалиевларнинг маърузаларида Фанлар академиясининг чорак асрлик фаолияти ва илмий-тадқиқотлар бораси-

да истиқболдаги вазифалари таъкидлаб утилган. Бу вақтда фанлар академияси таркибида 17 илмий муассасани уз ичига олган учта бўлим фаолият олиб борган бўлиб, уларда 1,2 минг нафар олимлар меҳнат қилганлар. Уларнинг сафларида 26 нафар академиклар, 32 нафар мухбир-аъзолар, 75 нафар фан докторлари ҳамда 512 нафар фан номзодлари бор эди.

1971 — 1975 йиллардаги тадқиқотларнинг натижасида академия олимлари республиканинг ҳамда СССР нинг халқ хужалигига 1.305 млн. сўмлик фойда келтирган 60 илмий кашфиётларни амалга оширганлар. 1976 — 1980 йиллар давомида олимлар томонидан конлардан, табиатда кам учрайдиган ва рангли металллардан фойдаланиш, қояларни тешиш, саноатни ҳамда сугориш тармоқларини автоматлаштириш борасидаги бир қатор амалий таклифлар ўртага ташланган. Қишлоқ хўжалигида эса чорва молларининг маҳсулдорлиги ҳамда деҳқончиликнинг ҳосилдорлигини ошириш юзасидан бир қанча аҳамиятли тадқиқотлар олиб борилган. Академия СССР ҳамда Қирғизистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаларида 52 та медал ва 180 та дипломлар билан тақдирланган. Олимлар икки марта СССР Давлат мукофотига, 40 нафар тадқиқотчи эса Қирғизистон ССР Давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Ана шундай муваффақиятлар билан бир қаторда, Фанлар академиясида мутахассисларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш борасида кўплаб камчиликларга ҳам йўл қўйилган. 1976 — 1980 йилларда 2 мингдан ортиқ ходим турли хил сабабларга кўра академиядан кетиб қолганлар. Уша йиллари илмий изланишларга лаёқатсиз ёшларни аспирантурага қабул қилиш ҳоллари кўпайган. Натижада 1976—1980 йиллар давомида аспирантуранинг тамомлаган 230 кишидан фақат 7 таси уз вақтида диссертацияларини ҳимоя қилишга, 37 киши эса диссертацияларини ҳимояга тайёрлашга муваффақ бўлишган, холос.

1985 йилга келиб, Қирғизистонда ўқитувчиларни тайёрловчи мутахассислар ва илмий-педагогик фаолият билан шугулланувчиларнинг сони 9,1 минг кишидан ошган. Лекин бу борада мутахассисларни четдан чақириб келтириш ҳоллари кўпайган, маҳаллий мутахассис кадрларни тайёрлаш ва ўстириш ишлари кўп ҳолларда сояда қолиб кетган.

80-йилларда ҳам республиканинг олий ўқув юртларидаги илмий тадқиқот ишлари борасида бирмунча ўсиш кузатилган. 1987 йилда Қирғизистондаги олий ўқув юртлари Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги 19 та комплекс илмий-техник дастурларни тадқиқ этишда иштирок этишган. 1988 йилга келиб, бундай кенг кўламли дастурларни амалга оширишда республикамизнинг 10 олий ўқув юртларида фаолият олиб бораётган 166 фан докторлари ҳамда 1732 нафар фан номзодлари иштирок этишган. Олий ўқув юртлари 6 млн. сўмлик хўжалик шартномаларини бажариш юзасидан фаолият олиб борганлар.

80-йилларнинг охирларига келиб, республика олий ўқув юр-тларида ўқитишни ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғ-лиқликда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақ-садда жойлардаги ишлаб чиқариш бирлашмаларида олий ўқув юр-тларининг филиаллари, ўқитиш ва илмий ишлаб чиқариш марказлари таъкил этила бошланган. Масалан, 1988 йилда ишлаб чиқариш корхоналарида Бишкек политехника институтининг 9 филиали очилган. Бундай ишлар кўпчилик олий ўқув юр-тла-ри учун ҳам одатий ҳолга айланган.

Академик илмий-тадқиқот ишларини яхшилаш учун олиб борилган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги ожайган, чунки бу мақсадлар учун республика миллий даромадининг атиги 0,4 фоизигина сарфланар эди. Бу кўрсаткич умумиттифок миқёси-дан 10 баробар кам эди. 1989 йилда Қирғизистон ССР Фанлар академияси президиуми илмий тадқиқот ишларини бозор му-носабатларига мувофиқлаштириш ва илмий изланишларнинг са-марадорлигини ошириш юзасидан 1995 йилгача бўлган даврни қамраб олувчи концепцияни ишлаб чиққан, 1989 йилга келиб, Қирғизистон ССР Фанлар академиясида 3845 киши меҳнат қил-ган бўлса, улардан 1568 киши илмий ходимлар эди. Республи-ка буйича 10,1 минг кишидан кўпроқ илмий ходимлар фаолият олиб борганлар. Илмий-тадқиқот ишларига бўлинган ҳаражат-ларнинг озлиги туфайли мазкур соҳанинг самарадорлиги па-сайиб кетган. Бир вақтлар умумиттифок миқёсидаги илмий каш-фиётлари билан шуҳрат қозонган Қирғизистон илм-фани 80-йилларнинг охирларига келиб инқирозга учраган. Кўпчилик илмий ходимлар бошқа республикаларга ўтиб кетишган ёки сав-до-сотик ишлари билан шуғулланиш орқали тирикчилик ўтка-зишга мажбур бўлишган.

#### Адабиёт ва санъат

Адабиёт ва санъат соҳаларининг зиёдилари рес-публикаimiz халқларининг маънавий юксалишини таъминлашга улкан ҳисса қўшдилар.

60-йилларнинг ўрталарига келиб, Қирғизистон ёзувчилар союзига 30 дан ортиқ бадиий сўз усталари аъзоликка қабул қилинганлар. Ёзувчи ва шоирлардан М.Абилкасимова, М.Бу-ларкиева, О.Даникеев, Т.Кожомбердиев, М.Байжиев, В.Сарно-гоев ва бошқаларнинг асарлари эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди.

1965 йилда Т.Сатилгановнинг таваллуд топганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан Тўқтагул Сатилганов номидаги Қирғ-изистон Давлат мукофоти таъсис этилди. Мазкур мукофот би-ринчи бўлиб ёзувчи А.Токомбаевга, "Тонг олдида" романи учун ҳамда драматург Т.Абдумомуновга "Обру кечирмас", "Муҳаббат ва умид" номли пьесалари учун топширилди.

Партиявий раҳбариятнинг кўрсатмаси билан бу йилларда рес-публиканинг адабиети ва санъати ҳам халқ хўжалиги ҳамда ма-даний турмушда юз бераётган ўзгаришларни ақс эттиришга, маъмурий-буйруқбозлик системасини ҳаспўшлашга мажбур этил-

ди. Натижада бадий сўз санъатининг кўплаб намоёндалари ўз асарларида социалистик ватанпарварликни, СССР халқларининг дўстлигини ва партияга садоқатни мадҳ этдилар.

1968 йилда *Қирғизистон ССР "Халқ ёзувчиси"* ва *"Халқ шоири"* унвонлари ҳам таъсис этилди. Бу унвонга биринчилардан бўлиб Ч.Айтматов, К.Баялинов, К.Жантошев, Т.Сидикбеков ва Т.Умоталиевлар сазовор бўлишган. 1971 — 1975 йилларда А.Токомбаев, К.Баялинов, Т.Сидикбеков, Т.Умоталиев ва К.Маликовларнинг танланган асарлари нашр этилган. XX асрдаги қирғиз адабиётининг даргаларидан бири бўлган А.Токомбаевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. Юксак ижодий муваффақиятлари учун А.Токтомушев ва С.Эралиевлар *"Қирғизистон халқ шоири"* унвонига сазовор бўлишган. Я.Шиваза, Т.Абдумомунов, Ш.Бейшеналиев, Н.Байтемиров, К.Каимов, С.Сасикбаев ва Н.Удаловлар *"Хизмат кўрсатган санъат арбоби"* ва *"Хизмат кўрсатган маданият ходими"* фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Ёзувчи Т.Касимбековнинг *"Синган қилич"* номли тарихий романи кенг китобхонлар оммаси томонидан илиқ қарши олинди ва кўпчиликнинг шахсий китоб жовонларидан ўрин олди. Мазкур йилларда жаҳон халқлари адабиётидан қирғиз тилига таржималар қилиш ишига ҳам катта эътибор қаратилган. Натижада қирғиз китобхонлари чет эл ҳамда совет ёзувчиларининг асарлари билан ўз она тилларида танишиш имкониятига эга бўлдилар. 1984 йилга келиб, қирғиз ёзувчиларининг 470 китоби СССР ҳамда дунёдаги бошқа халқларнинг тилларига таржима қилинган. Республика ёзувчилар союзининг аъзолари сони 1966 йили 115 кишини ташкил этган бўлса, 1981 йилга келиб 170 кишига, 1985 йилда эса 254 кишига ўсиб етган. Ёзувчи Ч.Айтматов айниқса шу йилларда гоят сермахсул ижод қилди. Унинг ижоди бадий сўз санъатида улкан ходиса сифатида қарши олинди ва XX аср адабиётида янги соҳа очди. Ч.Айтматовнинг китоблари дунёнинг 50 дан ортиқ тилларига таржима қилиниб, 8 млн. дан ортиқроқ нусхада чоп этилган. Ёзувчига икки мартаба: 1968 йили *"Алвидо, Гулсари!"* қиссаси учун ва 1983 йили *"Асрга татигулик кув"* романлари учун СССР Давлат мукофоти тошпирилди. 1978 йили Ч.Айтматов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

80-йилларда қирғиз адабиёти партиявий тўралар исканжасининг сўнгги босқичини бошдан кечирди. Қирғизистон компартияси бу йилларда ижод аҳлини жиловлашга қаратилган бир қатор қарорларни қабул қилган. Бадий ижоднинг бу тарзда бир қолипга солиб қўйилиши, албатта, кўп қиррали, чинакам етук адабий асарларнинг кўпроқ яратилишига тўсқинлик қилган. Шундай бўлсада ушбу йилларда Т.Сидикбековнинг *"Замондошлар"*, Ш.Бейшеналиевнинг *"Пулат қалам"*, С.Омурбаевнинг *"Ўзгарган водий"*, А.Сальниковнинг *"Қизил ёғду"* номли асарлари каби бадий сўз санъатининг етук намуналари ҳам нашр этилган. Т.Умоталиев, Ш.Бейшеналиев, Н.Байтемиров ва



М.Абдилкасимовлар ижодий муваффақиятлари учун Тўқтагул номидаги Қирғизистон ССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлганлар.

1987 йили Ч. Айтматовнинг “Қиёмат” романи республикамизда нашр этилиб, кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган. Мазкур роман бунга қадар 1986 йилда “Новый мир” журналида чоп этилган ва дунё китобхоналарига маълум ва манзур бўлган эди.

1987 йилга келиб, Қирғизистон ёзувчиларининг сафларида 2 нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин мукофотининг 1 лауреати, 4 нафар СССР Давлат мукофотининг лауреатлари, Тўқтагул Сатилганов номи республика мукофотининг 10 нафар лауреатлари, 10 нафар Қирғизистон халқ ёзувчилари ва шоирлари, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг 6 нафар ҳақиқий ва муҳбир аъзолари ҳамда СССР Ёзувчилар Союзининг 21 нафар аъзолари бўлиб, бу албатта, қирғиз адабиёти учун улкан муваффақият эди.

Бу йилларда республикада адабий танқидчилик соҳаси ҳам ривожланган. К.Асаналиев, К.Артикбаев, К.Бобулов, Е.Озмитель, А.Садиков, Ж.Таштемиров, Б.Маленов ва бошқа танқидчилар ўз тадқиқотлари билан қирғиз адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Қирғиз адабиётшунослиги кейинги йилларда Ж.Мамитов, Г.Момунова, С.Акматабекова, А.Рискулов, М.Мураталиев каби истеъдодли олимларнинг, А.Эркебаев, К.Эдилбаев, С.Байгазиев каби адабий танқидчиларнинг фаолиятлари билан янада бойиди.

60 — 80-йилларда республика санъат усталари ҳам бир қатор ижодий муваффақиятларни қўлга киритганлар. 1966 йилда қирғиз драматурглари яратган пьесалар Иттифоқнинг 50 дан ортиқ театрларида намойиш этилган. Бу йилларда фақат уч санъаткор М.Абдраев, А.Жанибеков ва Т.Эрматовлар бастакорлик маълумотиغا эга эдилар. 1966 йилда Қирғизистон композиторлар союзига 9 киши аъзо бўлган бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 11 кишига етган. 1966 йилдан бошлаб “Олятов баҳори” фестивали утказила бошлагай ва бу қирғиз мусиқа санъатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Уз фаолиятини 50-йилларнинг урталарида бошлаган қирғиз кино санъати 60 — 80-йилларда дунё кино мухлисларининг эътиборини ўзига тортган “Эрта келган турналар”, “Офтоб”, “Қараш довоида отилган ўқ”, “Болалигимиз осмони”, “Иссиққул долалари”, “Кўксерек”, “Қизил олма”, “Оқ кема”, “Улан”, “Бўри уяси” ва бошқа ажойиб асарларни яратишга муваффақ бўлди.



Муратбек Рискулов



Бубусара  
Бейшеналиева

Мазкур фильмларнинг кўпчилиги СССР да ва чет мамлакатларида утказилган обрўли кинофестивалларда юқори баҳоланган.

Қирғиз киносининг бу йиллардаги та-раққиётига Т.Океев, Б.Шамшиев, Г.База-ров, Д.Садирбаев каби истеъдодли режис-сёрлар, С.Чокморов, М.Рискулов, С.Жума-дилов, Б.Кидикеева, Д.Куйукова, Т.Тур-сунбаева, Б.Бейшеналиев ва С.Кумушали-ева каби ажойиб актёрлар улкан ҳисса қўшдилар.

80-йилларда Қирғизстонда 8 та ихти-сослаштирилган театр, жумладан бир опера ва балет театри, 6та мусиқавий драма те-атри ҳамда республика қўғирчоқ театри фаолият курсатган. Қирғизстон театр сав-натининг истеъдодли вакиллари В.Шек-спирнинг *"Отелло"*, *"Юлий Цезарь"*, *"Гам-лет"*, *"Ўн иккинчи тун"*, Н.В.Гоголнинг *"Ревизор"*, В.Вишнев-скийнинг *"Оптимистик трагедия"*, каби асарларини зўр маҳо-рат билан сахналаштириб, дунёнинг кўплаб театри сахналарида намойиш этганлар.

Ч.Айтматов асарлари асосида сахналаштирилган *"Юзма-юз"*, *"Биринчи муаллим"*, *"Сомон йули"*, *"Фудзиядада бир кеча"* каби, Ж.Садиқовнинг *"Манаснинг угли Семетей"*, Б.Ўмуралиевнинг *"Унутилмас кунлар"*, Б.Жакиевнинг *"Отанинг тақдири"*, Т.Аб-думомуновнинг *"Обрў кечирмас"*, К.Маликовнинг *"Осмонкул"*, Ж.Абдиқадировнинг *"Ўлжабай билан Кишимжав"* каби пьеса-лари асосида яратилган ва қирғиз халқининг тарихини, урф-одатларини ҳамда турмуш тарзини ёритган сахна асарлари то-мошабинлар ҳукмига ҳавола этилган.

70 — 80-йилларда қирғиз драматургиясининг пьесалари СССР нинг 100 га яқин театрларида сахналаштирилган. 1960 йилда ташкил этилган Қирғизистон театр арбоблари жамияти 1983 йилда 600 дан ортиқ аъзога эга эди. Мавжуд профессионал театрлардан ташқари республикада 21 халқ хаваскорлари театр-лари, 5 мингдан ортиқроқ ижодкорлар бадий жамоалари ҳам халқларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда, халқ орасидаги истеъдодларни аниқлаш ва ўстиришда муҳим роль ўйнаганлар.

Жумладан, ўз ижодий фаолиятини 1970 йили Норин обла-стининг Жумғол районида бошлаган "Бекбекей" қўшиқ ва рақс ансамбли 70-йиллар давомида республика меҳнаткашларига 600 дан ортиқ концертларни намойиш этганлар. Мазкур ансамбль жамоаси Бутуниттифок халқ бадий ижодкорларининг фести-валларида уч марта иштирок этиб, ҳар сафар фахрли биринчи уринини қўлга киритишган. Бундан ташқари ансамбль Москва-да ҳамда Ғарбий Берлинда ҳам қирғиз халқ санъатини зўр маҳо-

рат билан намоиш этганлар. Қўчқор районининг "Шаттик" куй-рақ ансамбли Югославияда, Уш областининг Ўзган районида ташкил этилган халқ бадий ижодкорлари жамоаси эса Сирия ва Иорданияда концертлар намоиш этишган.

80 – йилларда халқ усталари ва безакчиларининг республика кўрик-танловлари утказила бошланган. Бу Қиргизистонда унутилиб бораётган халқ амалий санъатининг қайтадан жонланишига зур туртки бўлди. 1984 йилнинг сентябрида Қиргизистон ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Фрунзедаги халқ хужалиги ютуқлари кўргазмасида халқ усталари ва безакчиларининг республика кўрик-танлови утказилган. Ун беш кун давом этган мазкур кўрикда республиканинг барча районлари иштирок этишиб, ўзларидаги халқ усталарининг санъатларини намоиш этганлар.

70 — 80-йилларда қиргизистонлик бастакорлар ҳам мусиқанинг турли жанрларида самарали изланишларни олиб борганлар. Улар томонидан операларга, балетларга, театр сахналарида намоиш этилган спектаклларга ҳамда кинофильмларга музиқалар яратилган. Бу даврда Қиргизистон композиторлар союзининг сафлари Ж.Малдибаева, С.Осмонов, Т.Саламатов, А.Жээнбаев ва М.Бегалиев каби истеъдодли бастакорлар ҳисобига янада кенгайган. 1984 йилда утказилган ёш бастакорларнинг бутуниттифоқ кўрик-танловида истеъдодли бастакор М. Бегалиев биринчи уринни қўлга киритган. У 1991 йили совет бастакорлари орасидан биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг рағбатлантирувчи стипендиясига сазовор бўлган.

1987 йили Фрунзеда ижрочи-музиқачиларнинг VI республика конкурси бўлиб утди ва унда иштирок этганлардан 30 киши конкурс лауреатлари бўлишган. 1987 йилнинг апрель ойида уа сафида 34 бастакорни бирлаштирган Қиргизистон Композиторлар Союзининг VIII съезди бўлиб утган. Унда санъатнинг мазкур соҳаси олдида турган муаммолар ва республика бастакорлари эришган ютуқлар муҳокама этилган. Съездгача утган ун йиллик давомида қиргиз композиторлари томонидан 5 опера ва 4 балет асари яратилганлиги алоҳида таъкидлаб утилган. 80-йилларнинг охиригача республика бастакорлари томонидан жами 41 опера ҳамда 16 та балет асари яратилган.

80-йилларда қиргиз кино санъати ҳам узининг олдинги йилларда қўлга киритган муваффақиятларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширди.

1986-йили Т.Океев томонидан тасвирга туширилган "Оқ қоп-



Суйменкул Чокморов



Таттибубу  
Турсунбаева

лон авлоди", ҳамда А.Суйундуковнинг "Йуллар кесишганда" фильмлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган. 1990 йили кинематографлар союзи аъзоларининг сони 100 кишига етган. Лекин мавжуд иқтисодий қийинчиликларга боғлиқ равишда, қирғиз киночиларининг тулиқ метражли бадий фильмларни яратиш борасидаги ишлари тухтаб қола бошлаган, кино санъатида кўпроқ қисқа метражли фильмлар тасвирга олина бошланган.

60 — 80-йилларда Қирғизистонда бадий рассомчилик санъати ҳам ривожланган. 1966 йили республика Рассомлар Союзи ташкил этилиб, унга 51 нафар мўйқалам усталари аъзо бўлишган, 1981 йилга келиб

уларнинг сони 100 кишига етган. Республика санъатининг мазкур соҳаси даргалари бўлмиш С.Чуйковнинг "Абадиятга ёндошув" ҳамда Г.Айтневнинг "Даладаги тандир", "Эски қишлоқ" ва "Қизил булутлар" каби асарлари Қирғизистон рассомчилик санъатининг мумтоз намуналари бўлиб қолдилар. Мазкур йилларда республикамиз рассомчилик санъати равнақига А.Игватъева, Л.Ильина, А.Асранкулов, А.Бейшенова К.Артикбаев, С.Чокморов ва бошқалар ҳам ҳисса қўшдилар.

Қирғизистонда санъатнинг ҳайкалтарошлик соҳаси ҳам ривожлана бошлади. Бу борада Т.Садиқовнинг хизматлари алоҳида эътиборга моликдир. 1987 йили унинг "Инқилоб қаҳрамонларига" номли монументи яратилди. Ушбу асари учун ҳайкалтарош Т.Садиқов 1980 йили СССР Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. 1984 йилда Қирғизистонда ҳайкалтарошлик бўйича Бутуниттифоқ биринчи симпозиуми ўтказилди. Унда иштирок этган санъаткорлар Фрунзе шаҳридаги ҳиёбонда, очиқ осмон остида, ҳайкалтарошлик музейини ташкил этдилар. 1985 йили Фрунзеда ҳайкалтарошлик бўйича халқаро симпозиуми ўтказилди. Мазкур тадбирлар албатта, республикамиз ҳайкалтарошлик санъатининг ривожига улкан аҳамият касб этди. Шу йили Улуг Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан "Ғалаба ёдгорлиги" номли архитектура - ҳайкалтарошлик комплекси очилган.

Лекин 70 — 80-йилларда жамият турмушининг барча соҳаларини қамраб олган иллат республикамиз маданияти ривожига ҳам ўз таъсирини теккизмай қолмади. Бу даврда зўр бериб тарғиб этилаётган гоя билан назария турмушдан кескин узоқлашиб кетди. Маънавий ҳаётда ҳам расмиятчилик, мақтанчоқлик, камчиликларни хаспушлаш гоят авж олди. Оддий халқнинг, аynиқса, қишлоқ аҳлининг маданий савиясини юксалтиришда бир қатор камчиликларга йул қўйилди. Қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган маданият ходимларини моддий ва маънавий

қуллаб-қувватлаш “сояда” қолиб келган. Халқ маданиятини юксалтириш иши кўп ҳолларда вақтинчалик компанияларни утказиш билангина чекланиб қолиб, бу борада доимий гамхўрлик кўрсатилмаган. Маданият соҳаларига мамлакат бюджетидан маблағларнинг кам бўлиниши йил сайин одатий тус олиб, бу ҳол республика маданиятининг ривожига салбий таъсир кўрсатган.

#### САВОЛЛАР:

1. Таълим соҳасининг 60 — 80-йиллардаги тараққиётига таъриф беринг.
2. Қирғизистонда илмий — тадқиқот ишлари қандай ривожланган?
3. Адабиётнинг ривожланиши нималарда намоён бўлди?
4. Ч. Айтматов ижодининг тараққиёти ҳақида сузлаб беринг.
5. Бу даврда санъат соҳалари қандай ривожланди?

### 31-§. МУСТАҚИЛ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ТУРМУШИ

**Таълим** Билим беришнинг илгариги системаси аста — ва маданият секин уз самарадорлигини йўқотиб, бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг, техника ва маданиятнинг талабларига мувофиқ келмай қолди. Қирғизистон Республикасининг давлат суверенитетини эълон қилинган, таълим соҳасини ислоҳ этиш ҳамамалга оширила бошлаган. 1992 йилнинг декабрида Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши “*Таълим тўғрисида*” ги қонунни қабул қилди. Унда ҳозирги таълим системасининг марказида инсон ва унинг таълим олишга бўлган интилишларига ёрдам бериш ётажаги таъкидланган. 1996 йил республикада “*Таълим йили*” деб эълон қилинган ва 19 мартда Президентнинг қарори билан “*Билим*” миллий дастури тасдиқланган. Унда таълим беришни демократиялаштириш, инсонийлаштириш ва мувофиқлаштиришга, мавжуд мактабларнинг базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур ислохотни амалга ошириш асносида МДХ нинг бошқа республикаларидан фарқли улароқ, Қирғизистонда мактаб ўқувчиларининг сони қисқартирилган эмас. Агар 1992 йилда республикадаги мактабларда 955 минг нафар ўқувчи таълим олган бўлса, 1996 йили уларнинг сони 987 минг нафарга етган. Бу йилларда республика олий ўқув юртлири талабаларининг сони ҳам 53,6 мингдан 56,3 мингга кўпайган. Демак, республикамиздаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, ислохот ишларида ўқувчилар билан талабаларнинг сони ўсган.

Билим бериш соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг натижасида 1993 йилдан бошлаб янги типдаги 66 гимназия, лицей ва комплекс мактаблар вужудга келган. 1995 йилда Қирғи-

зистонда 70 лицей ва гимназия, дарсларни чуқурлаштирилган ҳолда ўргатувчи 302 мактаб, 20 дан ортиқ хусусий ва давлат-хусусий лицейлари ҳамда мактаблар фаолият кўрсатганлар. Мактабларда ўқитишнинг янги усуллари, жумладан, ноанъанавий дарслар, ўқувчилар билимини рейтинг услубида назорат этиш, тест, махсус дарсларни жорий этиш, компьютерлаштириш ва бошқалар оммалаштирила бошланган.

Молиявий қийинчиликларнинг мавжудлигига қарамасдан, таълимга давлат бюджетидан ажратилаётган пул маблағлари секинлик билан бўлсада, ўсиб бормоқда. 90-йилларда Республика бюджетининг ўртача 4 — 6 фоизи таълим соҳасига сарфланган.

Сўнгги йилларда билим бериш тармоғига халқаро ташкилотлар томонидан грант ҳамда қарз шаклидаги ёрдам кўрсатиш кучайди. Бу борада “Тасис” (МДХ мамлакатлари-га европача техник ёрдам) ҳамда “Темпус” (Олий маълумотни қўллаб қувватлаш Европача дастури) каби халқаро дастурлар орқали катта ёрдам кўрсатилмоқда. Мазкур дастурларга мувофиқ, мактабларнинг моддий-техник асосини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Осие тараққиёт банки республика учун “Таълим ҳамда ўқитиш юзасидан бош режа” номли махсус дастурни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун мазкур банк Қирғизистонга 40 йиллик муддатга 37,7 млн. долларлик маблағни қарз сифатида ажратган. Бу борада, республикадаги мактаб, колледж ҳамда олий ўқув юр்தларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлашга, ўқув лабораторияларини қуришга, бошқарувнинг информацион системасини тузиш ҳамда ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун уларни масофадан туриб ўқитишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

90-йилларнинг бошларида Қирғизистон “Интернет” тармоғига кирди. Ҳозирда унинг хизматида 10 университет ҳамда 50 мактаб бевосита фойдаланмоқдалар. Истиқболда республикадаги 200 мактаб халқаро “Интернет” компьютер тармоғига кушилиши кўзда тутилмоқда.

Ислоҳотлар давомида мактабларни янги дарсликлар ҳамда ўқув қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 1995 йили 13 номдаги, 1996 йили 40 номдаги, 1999 йили 8 хил номдаги дарсликлар чиқарилди. 2000 йили эса 22 хил дарсликлар чиқариш режалаштирилган.

Ўрта мактабларнинг ўқувчиларини халқаро талаблар даражасидаги дарсликлар ҳамда ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида Қирғизистон Республикасининг Таълим, фан ва маданият Министрлиги қошидаги Исак Бекбоев бошқараётган Қирғизистон халқ таълими институти меҳнат жамоаси хайрли ишларни амалга оширмоқда.

**Бекбоев Исак (1930 й.)** — Қирғизистоннинг таниқли олимларидан бири. Педагогика фанлари доктори (1994), профессор (1983), Қирғизистон Миллий фанлар академиясининг муҳбир аъзоси (1997), Халқаро педагогика ҳамда ижтимоий фанлар академиясининг академиги (1997), Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи. Отбоши районининг Қорасув қишлоғида тутилган, Кемин районидаги Янги-Олиш ўрта мактабида, сўнгра Қирғизистон Давлат университетиде тахсил олган. Ўрта мактабда ўқитувчилик қилган, кейинчалик, Қирғизистон педагогика илмий тадқиқот институтида сектор мудири, сўнгра директор уринбосари бўлиб ишлаган. 1980 — 1984 йилларда Қирғизистон Давлат университетининг биринчи проректори сифатида фаолият кўрсатган.



Исак Бекбоев

1984 йилдан Қирғизистон педагогика илмий-тадқиқот институтининг, 1992 йилдан бошлаб Қирғизистон Халқ таълими институтининг директори сифатида ишлаб келмоқда. Математикани ўқитиш юзасидан қирғиз олимларининг илмий-тадқиқот мактабига асос солган. 130 дан ортиқ илмий ишларнинг, 9 монография ҳамда 20 нафар дарсликларнинг муаллифи. И. Бекбоевнинг етакчи муаллифлиги остида Қирғизистон Республикаси таълим тизими тарихида биринчи марта умумтаълим мактабларининг I — IX синфлари учун математика фани бўйича янги услубда ёзилган мукамал дарсликлар чоп этилиб, фойдаланилмоқда. Олим илмий изланишлар билан бир қаторда икки нафар фан докторини ҳамда 20 нафар фан номзодларини тайёрлаган. “Хурмат белгиси” ордени ва медаллар билан тақдирланган.

Амалга оширилган ана шундай ишларга қарамасдан, мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш ҳанузгача оғир аҳволда қолиб келмоқда. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун яқин йилларда 124 номдаги дарсликлар комплексини тайёрлаб, чоп этишга ҳаракат қилинмоқда.

Мавжуд иқтисодий қийинчиликларга боғлиқ равишда, ўқитувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш иши ҳам талабга жавоб бермайди. 1996 йилнинг узида ўқитувчиларга тўланадиган иш ҳақи бўйича қарзлар 86 млн. 395 минг сомни ташкил этган эди. Мазкур қарзларнинг 50 фоизи Ўш ва Жалолобод вилоятларига тўғри келган.

Мустақил Республикамиздаги таълим соҳаси ҳозирда ижтимоий турмушнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, меҳнатга яроқли аҳолининг гоят катта қисмини ўзига жалб этган. Бугун-

ги кунда 1 млн. 200 минг киши бевосита таълим соҳасига дахлдордир. Улардан 1 млн. 100 минг нафари мактаблардан олий ўқув юртларигача бўлган таълим муассасаларининг ўқувчилари бўлса, 77,5 минг нафари ўқитувчилардир. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги ҳар тўрт кишининг бири ўқувчи ёки ўқитувчидир. Лекин сўнгги йиллардаги иқтисодий қийинчиликларга боғлиқ равишда, билим беришнинг сифат даражаси гоаят пасайиб кетди. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Ўқитувчилар моддий аҳволининг оғирлашуви ана шундай сабаблардан биридир. Уларнинг ойлик маошлари гоаят паст даражада бўлиб, ўз вақтида тўланмай қолди. 1996 йилнинг ўзидаёқ ўқитувчиларнинг тўланиши лозим бўлган маошлари бўйича давлат қарзлари 86, 395 минг сомни ташкил этган эди. Юқори малакали ўқитувчиларнинг бир қисми савдо-сотик соҳасига ўтиб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, бир қисми бошқа республикаларга кўчиб кетишган.



Академик Аскар  
Чукутаевич Какеев

*Какеев Аскар Чукутаевич (1935 й.) — Ўзбекистоннинг таниқли олимларидан бири ва давлат арбоби. Чуй районининг Кегети қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Давлат университетини тамомлаган. Фалсафа фанлари доктори (1992), профессор (1993), Ўзбекистон Миллий Фанлар академиясининг академиги (1993), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги институтида кафедра етакчиси, сўнгра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида масъул хизматчи сифатида фаолият кўрсатган. Олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ҳамда ҳуқуқ институти директори, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти Девоинининг етакчиси — Давлат котиби лавозимларида меҳнат қилган. 1993 — 1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Таълим, фан ва маданият вақтинчалик сифатида олиб борган фаолияти давомида, мазкур соҳани давр талабларига мос равишда ислоҳ этиш борасида кўп ишларни амалга оширди. Олимнинг асосий илмий асарлари қирғиз фалсафасининг тарихига бағишланган “Ҳурмат белгиси” ордени ва медаллар билан тақдирланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Давлат Миллий университетининг ректори сифатида фаолият олиб бормоқда.*

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни асосида “XX аср кадрлари” (1995 й.) номли миллий дастур ишлаб чиқилди. Унинг негизида республикадаги ўрта махсус ҳамда олий таълим борасидаги ишлар ривожлантирилмоқда. Ҳозирда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг сони 40, ўрта-махсус ўқув юртларининг сони эса 50 ошган.



Қирғизистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, олий ўқув юртларининг ҳуқуқлари бирмунча кенгайтирилди. Мутахассисларни тайёрлаш ҳам уларнинг салоҳиятига кўра кўп босқичли тарзда амалга оширила бошлаган. Олий ўқув юртлари ўз ихтиёрларидаги пул маблағларидан фойдаланишда ҳам бир қатор ҳуқуқларга эга бўлганлар. Пуллик таълим бериш системаси кенг жорий этилди. Олий ўқув юртлари чет эл инвестицияларидан фойдаланишда ҳам кенг имкониятларга эга бўдилар. Баъзи бир ўқув юртларининг мавжуд мақоми узгартирилди. Масалан, 1993 йили Қирғизистон Давлат университетига “миллий” университет мақоми берилган.

Амалга оширилган ислохотларнинг натижасида мазкур университетда 1997 йилга келиб 15 факультет, 7 марказ, 5 институт ҳамда 72 кафедра фаолият кўрсатган. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, университетда уялаб янги мутахассисликлар ташкил этилди. 1994 йили бу ерда 19,4 минг нафар талаба ҳамда тингловчилар таълим олсалар, 2000 йилга келиб, уларнинг сони 22 мингдан кўпроқни ташкил этди. 1990 йилларда Қирғизистон Давлат Миллий университетига С.Токомушев ҳамда А.Воробоевлар ректорлик қилганлар. Қирғиз халқининг миллий фахрига айланган мазкур илм даргоҳи ректорлигига 2000 йилнинг июнь ойида академик А.Ч. Какеев сайланган.

Қирғизистоннинг йирик ўқув юртларидан бири бўлган Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институтининг негизида Қирғизистон аграр академияси, Қирғизистон тиббиёт институти негизида эса Қирғизистон медицина академияси ташкил этилган. Бишкек шаҳрида Қирғизистон-Россия (славян) университети, Қирғиз-Америка университети ва Қирғиз-Турк “Манас” университети, Ўш шаҳрида Қирғиз-Ўзбек университети, Норин ҳамда Жалолободда ҳам давлат университетлари очилди. Республикадаги солиқ институтларнинг деярли барчаси университетларга айлантирилди.

Қирғизистонда 1992 йили — 13, 1993 йилда — 18, 1994 йилда — 29, 1997 йили эса 37 олий ўқув юртлари фаолият кўрсатишган. 1997 — 1998 ўқув йилига келиб, республикадаги мавжуд 40 давлат ва 12 нодавлат олий ўқув юртларида 100 минг нафардан кўпроқ талабалар 300 мутахассислик бўйича билим олганлар. Олий ўқув юртлари сонининг тез ўсиши уларда тайёрланган мутахассисларнинг сифатига салбий таъсир этмоқда. Олий ўқув юртларининг қўплигига боғлиқ равишда, уларга ўрта мактабларни қониқарсиз тамомлаган, ўқишга лаёқатсиз ёшларнинг киришлари учун ҳам катта имкониятлар вужудга келди. Бу эса олий ўқув юртларида пишиқ-пухта мутахассисларни тайёрлаш ишига тўсқинлик қилмоқда. Олий ҳамда ўрта-махсус ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам долзарб муаммолардан бирига айланган.

Республикадаги 100 дан ортиқ касб-ҳунар ўқув юртларида 32 минг талаба таҳсил олмоқда (1995й.). Уларни тамомлаган мутахассисшичилардан халқ хўжалигида унумли фойдаланиш масаласи ҳам ҳал этилмай келмоқда.

Ҳозирги кунда республикада турли йуналишларда иш олиб борувчи 62 илмий ҳамда маданий марказлар, институтлар ва лойиҳалаш муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Илмий маҳкамалар 7405 нафар ходимларга эга. Уларнинг 190 нафари фан докторлари, 1489 нафари эса фан номзодларидир. Турли хил илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ҳамда технология марказларида 4548 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд иқтисодий қийинчиликлар давлат таъминотидаги мазкур илмий соҳалар фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. 90-йилларга келиб, бир вақтлар Иттифоққа, қолаверса, бутун дунёга овоза бўлган илмий кашфиётлар содир этилган Қирғизистонда илм-фаннинг нуфузи пасая бошлади. Таниқли олимлар И.Ахувбаев, М.Адишев, А.Ақаев, Ж.Акималиев, С.Данияров, А.Какеев, К.Оторбаев, А.Мамитов, А.Алтимшов, М.Миррахимов, М.Мурзалнев, М.Лишихин ва бошқалар асос солган илмий мактаблар ҳам 90-йилларга келиб, ўзларининг олдинги муваффақиятларидан нарига ўтолмай қолдилар. Молиявий қийинчиликларга боглиқ равишда, илмий ходимларнинг бирмунча қисми илм-фан дунёсидан узоқлашишга мажбур бўлганлар.

Юз бераётган қийинчиликларга қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам республикада илм-фани тараққий эттириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Республика ҳукумати соҳавий илмий-тадқиқот институтларида ҳамда олий ўқув юртларида олиб бораётган тадқиқот ишларини яхшилашга, илм-фани ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда. Масалан, Қирғизистон республикаси Президентининг Фармони билан 1996 йилнинг 1 апрелида Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институтининг негизида Қирғизистон аграр академияси ташкил этилди. Унинг президентлигига академик Жамин Акималиев тайинланган.

*Акималиев Жамин (1936 й.) — Қирғизистоннинг таниқли олимларидан бири, давлат ва жамоат арбоби. Актала районидаги Угут қишлоғида таваллуд топган. Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (1981й.). Россия қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг (1991 й.) ва Қирғизистон Миллий фанлар академиясининг (1993 й.) академиги. 1968 — 1971 йиллар давомида Қирғизистон қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи уринбосари, 1971 — 1979 йилларда Соқулук район партия комитетининг биринчи котиби, 1979 — 1986 йилларда эса Қирғизистон қишлоқ хўжалиги институтининг ректори сифатида*



Академик Жамин Акималиев

*фаолият курсатган. 1996 йилдан Қирғизистон аграр академиясининг президенти. Қирғизистон Олий Кенгаши депутатлигига узлуксиз етти маротаба сайланган. Илмий ва жамоатчилик фаолияти Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалигини ҳамда ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. СССР нинг 4 ордени билан ва 1999 йили III даражали "Манас" ордени билан тақдирланган.*

Аграр академиянинг зиммасига республика халқ хўжалигининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассисларни ҳамда олимларни тайёрлаш, аграр фанларни ривожлантириш каби улкан вазифалар юклатилган.

Мазкур академия ташкил этилгач, уч йилдан сўнг 600 нафар олий маълумотли ҳамда 1200 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаб чиқарди. Ҳозирги кунда Аграр академиянинг мавжуд 6 факультетлари ва техникумида 5 минг талаба ҳамда 2,8 минг нафар ўқувчилар қишлоқ хўжалигининг 24 мутахассислиги бўйича билим олмоқдалар.

Ҳозирда академия меҳнат жамоасининг 500 нафар илмий-педагог ходимлари бўлгуси мутахассисларга таълим бериб келмоқдалар. Уларнинг орасида Қирғизистон Миллий Фанлар академиясининг 1 академиги ва мухбир аъзоси, 33 нафар фан докторлари ҳамда 189 нафар фан номзодлари меҳнат қилмоқдалар. Аграр академиянинг 5 соҳавий илмий-тадқиқот институтларида ветеринария, деҳқончилик, чорвачилик, яйлов ҳамда ем-ҳашак тайёрлаш, тупроқшунослик ва агрохимия соҳалари борасида халқ хўжалиги учун гоят аҳамиятли бўлган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Академия олимлари томонидан дон экиларининг, қизилчаниннг ва картошканиннг 10 дан ортиқ янги навлари яратилди. Қирғизистон аграр академиясининг янги халқаро меъзонлар талабига мувофиқ холда ташкил этилганлиги чет эллардаги илмий марказларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Натижада, академия Буюк Британия, АҚШ, Германия, Хитой, Голландия, Туркия, Исроил, Эрон, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлардаги университетлар ҳамда илмий марказлар билан узаро алоқаларни йўлга қўйиб, улардан 100 минглаб долларлик грантларни олишга муваффақ бўлмоқда. Ушбу маблағлар, аввало бозор муносабатлари талабларига мос равишда мутахассисларни тайёрлашга ҳамда аграр соҳадаги илм-фанни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Республикадаги илм-фаннинг маркази ҳисобланмиш Қирғизистон Миллий Фанлар академиясида, соҳавий илмий тадқиқот институтларида ҳамда олий ўқув юртларида турли ҳил йўналишлар бўйича олиб борилаётган жиддий илмий-тадқиқот ишлари ривожлантирилмоқда. Қирғизистонлик олимлар билан МДХ мамлакатлари илмий доиралари ўртасидаги Иттифоқ даврида шаклланган мустаҳкам алоқалар аста-секинлик билан булсада тикланмоқда. Бундан ташқари республикамиз илм аҳлининг чет

эллик олимлар билан ҳам ўзаро алоқалари кучайиб бормоқда. Илм-фанни ривожлантириш учун йўналтирилган чет эл инвестициялари ҳам тобора кўпроқ келмоқда.

Республикамиз халқларининг 90-йиллардаги маънавий турмушида кўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда маълум бир камчиликлар ҳам урин олган. Халқнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи маданий оқартув муассасалари булган театрлар, маданият идоралари ҳамда оммавий матбуот воситалари катта ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Республиканинг ҳамда областларнинг марказларида, шаҳарлардагина маданият муассасалари бозор муносабатларига мувофиқлашган ҳолда ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Районлар ҳамда овул-қишлоқлардаги маданият муассасалари эса иқтисодий қийинчиликларга бардош бера олмадилар. Жойлардаги клублар, кутубхоналар, маданият уйлари, кино жиҳозлари, музейлар ва бошқалар ўз фаолиятларини тўхтатмоқдалар.

80-йилларда халқнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида бадиий адабиёт, газета ҳамда журналлар ҳам муҳим ўрин тутган. Шаҳарлардагина эмас, хатто овул-қишлоқларда ҳам китоб дуконлари фаолият кўрсатган. Китобхонлик халқ турмуш тарзининг узига хос бир кўринишига айланган эди. Иқтисодий қийинчиликларга боглиқ равишда, республикамизда сўнгги йилларга келиб китоб чоп этиш кескин тарзда қисқариб кетди. Китоб сотувчи дуконлар ёпила бошлади. Халқнинг матбуот нашрларига булган эҳтиёжлари ҳам қондирилмай келинмоқда.

Халқ маънавий турмушининг қашшоқлашиб кетиши натижасида сўнгги йилларда жамиятимизда ёт, салбий кўринишлар кучайиб кетмоқда. Қирғиз халқининг асрлар давомида сакланиб келган ажойиб урф-одатлари ўрнини феодалча ёки бой-манаплар даврига хос булган тажовузкор одатлар эгаллай бошлади. Бундай хунук кўринишлар оммавий базмларни, тўй-томошаларни ўтказишда яққол кўзга ташланмоқда.

Албатта, инсоннинг оламдан утиши унинг яқинлари учун катта йўқотишликдир. Халқимизда марҳумни дафн этиш билан боглиқ булган кўнгил сўраш, юзлаб кишиларнинг мотами булган хонадонга, қабристонга фотиҳа учун йигилиши, марҳумнинг оила аъзоларига моддий ёрдам бериш каби хўп яхши одатлар мавжуд. Ана шундай урф-одатлар билан бир қаторда, мотам маросимларини гоят дабдабали уюштириш, марҳумнинг руҳи ҳурмати учун эмас, балки қуруқ обрў-эътибор топиш мақсадида ким ўзарга маросим ўтказиш каби хунук кўринишлар ҳам кучайиб бормоқда.

Халқ урф-одатларидаги ёт кўринишларга, ароқхўрлик ва маст аластчиликка ҳамда усиб бораётган жиноятчиликка қарши курашда Қирғизистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ташкил этилган, Оқсоқоллар судлари катта роль уйнамоқда. Ҳозирги кунда республикада 1200 дан ортиқ Оқсоқоллар судлари ташкил этилиб, уларда 6 минг нафардан кўпроқ кишилар

фаолият олиб бормоқдалар. Президент А.Ақаев 1999 йилнинг 7 майида Оқсоқоллар судларининг вакиллари билан учрашди ва мазкур судларнинг ташкил этилиб, 4 йил мобайнида халқ ўрта-сида тарбиявий ишларни юритишда ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда аҳамиятга молик ишларни амалга оширганликларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

#### САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Мустақил Қирғизистоннинг таълим тизимига қандай ўзгаришлар киритилган?
2. Олий ҳамда ўрта махсус таълим тизимидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб беринг.
3. Бозор муносабатлари маданиятнинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатмоқда?
4. Қирғиз халқининг урф-одатларидаги ижобий ва салбий жиҳатлар тўғрисида ўз фикрларингизни айтинг.
5. Сизлар яшаётган ҳудудда ҳам жамоатчилик ташкилотларининг ва оқсоқоллар судларининг таъсири борми?

## ХУЛОСА

Мустақил Қирғизистон Республикаси демократик тараққиёт йулини танлаб олган. Ҳозирги кундаги мавжуд қийинчиликларга қарамасдан халқимизнинг кўпчилик қисми танлаб олган йулимизнинг тўғри эканлигига кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар. Эндиликда Қирғизистон халқларининг олдида демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини, ҳуқуқий давлатни, ҳамда мустаҳкам ижтимоий турмуш тарзини таъминловчи самарали иқтисодиётни ташкил этиш вазифалари турибди. Шу билан бир қаторда, эркин республикамиз дунё цивилизациясининг барча соҳаларига қўшилмоғи зарурдир. Инсоний фазилатларни улуглаган миллий маданиятимизни ҳамда ижтимоий дунёқарашимизни тиклаб, ривожлантириш ҳам олдимиздаги улкан вазифалардандир.

Республикамизнинг чинакам мустақиллиги бу ерда яшаётган ҳар бир кишининг ёхуд миллатнинг эркинлиги негизига қурилади. Қирғиз халқининг асрлар давомида шаклланиб келган Она-Ватанни севиш, кексаларни улуглаш, меҳмондўстлик, оилани авайлаш, бошқа халқлар билан дўстона муносабат, уларни ҳурматлаш ҳамда муҳтожларга бегараз ёрдам қўлини чўзиш каби сифатлари янгича мазмун-моҳият касб этиб ривожланмоғи керак.

Истиқболдаги янги жамият сари одимлаб бораётган йулимиз узоқ ҳамда машаққатли бўлажагини барчамиз яхши тушун-моғимиз зарур. 80 — 90-йиллар давомида республикамиз кўп қийинчиликларга дучор бўлди. Иқтисодиётимиз инқирозга учраб, маънавий фазилатларимиз борасида ҳам оғир йўқотишларни бошдан кечирдик. Ана шунга боғлиқ равишда баъзи бировлар саодат қидириб, чет ўлкаларга кета бошладилар. Лекин халқнинг кўпчилиги мамлакатимизнинг келажагига ишонади ва улар ҳеч қачон республикамиздан, ўз жойларидан бошқа жойга кетмайдилар.

Ҳозирги кунда тараққиётнинг олдинги сафларида бораётган халқлар ривожланишнинг бундай даражасига демократик йул билан сайланиб, омманинг ишончига эга бўлган ҳокимиятни ўрнатиш; солиқ ҳамда нарх-наво сиёсатини ақл идрок билан юритиш; молия-кредит сиёсатини тўғри белгилаш; миллатчилик ҳамда гоъвий душман қидириш кайфиятига узил-кесил чек қўйиш ва айни бир вақтда миллий ҳамда маданий урф-одатларимизнинг энг яхши томонларини ривожлантириш орқали эришганлар.

Бизнинг халқимиз ҳам ана шундай йулни босиб ўтишлари лозим. Бунинг учун Она-Ватанимизда барча шароитлар мавжуд: табиий бойликларимиз, ақлли, меҳнаткаш, сабр-матонатли халқимиз ва албатта, келажакни қўра олишга собит ишонган ёш авлодимиз бор. Ана шундай демократик, ривожланган жамиятни қуришда халқларимиз босиб ўтган бой тарихимиз ҳам улкан сабоқ ҳамда маънавий озиқ бўлажаги шак-шубҳасиздир.

## МУАЛЛИФЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ



*Осмонов Осмон Жусуибекевич 1954 йилнинг 25 мартида Чуй районидаги Маданият қишлоғида хизматчи оиласида тугилган. 1971 йили Онбиржилга ўрта мактабини тамомлаган. ҚДМУнинг тарих факультетини 1976 йилда имтиёзли диплом билан тамомлади. Тарих фанлари доктори (1994 й.), профессор (1996 й.). Қирғизистон Республикаси Ижтимоий фанлар Академиясининг академиги (2000 й.). Ҳозирги кунда Қирғизистон аграр академиясининг тарих ва фалсафа кафедрасига ҳамда Қирғизистон таъ-*

*лим институтининг тарих ва жамиятшунослик бўлимига етакчилик қилмоқда. Айни вақтда Қирғиз-Турк "Манас" университетининг ҳам профессоридир. Ундан ортиқ ўқув қўлланмаларининг, 7 илмий монография ва 200 га яқин илмий мақолаларнинг муаллифи. Олимнинг ўрта мактаблар ҳамда олий ўқув юртлари учун Қирғизистон тарихи бўйича яратган 5 дарслиги қирғиз, рус ва ўзбек тилларида 150 минг нусхада чоп этилиб, фойдаланилмоқда.*

*Ҳозирги кунда профессор О.Ж. Осмонов Қирғизистонда биринчи бўлиб ўрта мактабларнинг 6 — 11 синфлари учун жаҳон тарихи бўйича ёзаётган янги услубдаги қулай ва ихчам дарсликлар мажмуасининг ҳамда Қирғизистон тарихий-маданий атласининг тайёрланишига раҳбарлик қилмоқда.*



*Мирзакматова Айгул Сапарбековна 1954 йилнинг 26 майида Норин шаҳрида ўқитувчилар хонадонида таваллуд топган. 1971 йили Тўқтагул номи ўрта мактабни олтин медаль билан тавомлаган. ҚДМУ нинг тарих факультетини 1976 йилда имтиёзли диплом билан якунлаган. СССР ҳамда Қирғизистон Республикаси халқ таълими аълочиси. Қирғизистон ССР ўқитувчиларининг VI съезидга (1987й) ҳамда Қирғизистон Республикаси ўқитувчилари I съезидга (2000 й.) делегат этиб сайланган. Ҳозирда Норин областидаги мактаб-лицейнинг директори сифатида фаолият*

*кўрсатиб келмоқда. Уттиздан ортиқ илмий мақолаларнинг, дарсликлар ҳамда қўлланмаларнинг муаллифидир. Қирғиз этнографияси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаш устида меҳнат қилмоқда.*



Учебное издание

Осмонов Осмон Жусупбекович  
Мырзакматова Айгул Сапарбековна

## ИСТОРИЯ КЫРГЫЗСТАНА: ОСНОВНЫЕ ВЕХИ

(С середины XIX в. до XXI в.)

Учебник для 11-класса средней школы

*На узбекском языке*

Оқуу басылмасы

Осмонов Өскөн Жусупбекович  
Мырзакматова Айгул Сапарбековна

## КЫРГЫЗСТАН ТАРЫХЫ: УРУНГУУ УЧУРЛАР

(XIX к. ортосунан XIX к. чейин)

Орто мектептердин 11-классы үчүн окуу китеби

*Ўзбек тилида*

Ўқув наشري

Осмонов Осмон Жусупбекович  
Мирзакматова Айгул Сапарбековна

## ЎЗБЕК ИСТИСОН ТАРИХИ: АСОСИЙ ДАВРЛАР

(XIX аср урталаридан XXI асргача)

Ўрта мактабнинг 11-синфи учун дарслик  
(Ўзбекистондан таржима)

Ўзбек тилига *Фарҳад Маталов* таржима килди

Муҳаррирлар: *М.Т.Мамасанов, О.Х.Худайбердиев*

Бадний редактор: *К. Кошалиев*

Тех. редактор: *Ж. Сооронкулова*

Компьютерда терувчи: *М. Аҳмедов*

Саҳифаловчилар: *Д. Султонмамедов, Р. Мукамбетова*

Корректор: *З. Мадраҳимова*

**ИБ № 1234**

Теришга 22.03.2003 рухсат берилди. Босишга 12.05.03 имзо чекилди.  
Офсет қоғоз № 1. Формат 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. "Таймс" гарнитураси.  
Шартли босма табағи 18,0 + 0,125 ф-ц. Нашриет ҳисоб табағи 18,0 + 0,125  
Адади 7900 нусха. Буюртма № 23. Баҳоси келишим асосида.

Контракт LCB ТВ 6 (1)

«Учкун» АҚда басылды.

720030 Бишкек ш., С. Ибраимов кочасу, 24.







